

Ўз Р Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ю.К. ДЖАББАРОВА, Ф.М. АЮПОВА

АКУШЕРЛИК

Иккинчи нашр

Ўз Р ОҮМТВ томонидан тиббиёт олий ўқув юртлари
учун дарслик сифатида тавсия этилган



Тошкент - 2012
Мехридаръё МЧЖ

57.16-Акшеребо

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ДАВОЛАШ ВА ТИББИЙ- ПРОФИЛАКТИКА ФАКУЛТЕТЛАРИ
АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Тузувчилар:

Джаббарова Юлдуз Қосимовна - тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аюпова Фарида Мирзаевна - кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дарслик тиббиёт олий юртларида акушерлик фанини ўрганаётган талабалар учун мўлжалланган.

Мазкур дарсликда аёллар жинсий аъзолари анатомияси, ҳомиланинг ривожланиши, аёлларда ҳомиладорлик пайтида кузатиладиган физиологик ўзгаришлар, патология холатларининг этиологияси, патогенези, ташхиси, уларнинг олдини олиш, даволаш тамойили, амалий маҳоратларни қадамма-қадам бажара олиши кўрсатилган. Шунингдек, ушбу дарсликдан УАШ мутахассислари ва УАШ малакасини ошириш курсларидаги тингловчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

- Нажмутдинова Д.Қ.-ТТА УАШ акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
- Қурбанов Ж.Ж. - ТошПТИ акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

ЎЗР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЛИМИ ИЛМИЙ УСЛУБИЙ ВА ЎҚУВ - УСЛУБИЙ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ТОМОНИДАН ТАСДИКЛАНГАН.

Ю 41732

20/11/18 A9056	Alisher N. romicagi O'zbekiston MK
-------------------	--

Мундарижа	Бет
Сўз боши	7
I боб. Акушерлик фани тарихи. <i>Джаббарова Ю.К.</i>	8
II боб. Акушерлик муассасаларининг турлари ва уларнинг вазифалари. <i>Аюлова Ф.М.</i>	13
2.1. Оиласвий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктидаги бирламчи акушер-гинекологик ёрдамни ташкил илиш	13
2.2. Акушерлик стационарининг тузилиши	14
2.3. Акушерликда аспептика ва антисептика	14
III боб. Аёллар жинсий аъзолари анатомияси. <i>Джаббарова Ю.К.</i>	18
3.1. Ташқи жинсий аъзолари анатомияси	19
3.2. Ички жинсий аъзолар анатомияси	20
3.3. Жипсий аъзоларнинг бойлам аппарати ва кичик чаноқ клетчаткаси	23
3.4. Жинсий аъзоларнинг қон, лимфа томирлари ва нерв тизими	23
3.5. Кичик чаноқдаги юмшоқ тўқималар	24
IV боб. Аёллар жинсий аъзолари физиологияси. <i>Джаббарова Ю.К.</i>	26
4.1. Ҳайз цикли	26
V боб. Ҳомиладорлик физиологияси. <i>Қодирова А.А., Джаббарова Ю.К.</i>	32
5.1. Ҳомиладорликнинг бошланиши ва эмбрионнинг тараққиёти	32
5.2. Урувланиши, урууланган тухумнинг бўлининиши ва унинг бачадонга пайвандланиши	34
5.3. Ылацента	40
5.4. Ҳомиланинг ривожланиши	42
5.5. Ҳомиланинг стигланлигини кўрсатадиган белгилар	43
5.6. Етилган ҳомила бошниниг ўлчамлари	44
<i>Амалий кўникмалар</i>	46
VI боб. Аёллар чаноги. <i>Аюлова Ф.М.</i>	49
<i>Амалий кўникмалар</i>	55
VII боб. Ҳомиладорликда аёллар организмида рўй берадиган ўзаришлар. <i>Қодирова А.А.</i>	57
VIII боб. Ҳомиладорликка диагноз ташхис қўйиш усуслари. <i>Қодирова А.А., Муҳамедова У.</i>	66
8.1. Анамнез тупланиш	66

8.2. Объектив текшириш	69
8.3. Қин орқали текшириш	70
8.4. Ҳомиладорликнинг дастлабки даврини аниқлаш	71
8.5. Ҳомиладорликни кечки муддатларда аниқлаш	74
8.6. Биринчи ва қайта ҳомиладорликни аниқлаш	78
8.7. Ҳомиланинг тирик ёки ўлганини аниқлаш	79
8.8. Ҳомиладорликнинг давом этиши, унинг муддати ва түрлүү вақтими аниқлаш	80
8.9. 30 ҳафталык ҳомиладорликни аниқлаш мезони	83
8.10. Ҳомиладорларнинг тушишга тайёрлilikини аниқлаш	84
Амалий күнікмалар	85
IX боб. Ҳомиладор аёлларни олиб бориш. Қодирова А.А.	93
9.1. Ҳомиладорлик гигиенаси	93
9.2. Ҳомиладорнинг овқати	96
9.3. Ҳомиладорлар учун бадантарбия машиналотлари	98
X боб. Түрүк жараёни физиологияси. Нигматова Г.М.	101
10.1 Түрүк болғанышинин асосий сабаблари	101
10.2. Ҳомиладорларнинг тушишга тайёрлilikини аниқлаш	103
10.3. Түрүк. Түрүк даврлари	104
10.4. Түрүкнинг клиник қесчиши	111
10.5. Түрүкнинг бошқарулиши	125
Амалий күнікмалар	135
XI боб. Ҳомиланинг чаноқ билан келиши.	
Нигматова Г.М.	145
Амалий күнікмалар	154
XII боб. Түрүкни оғырсаалантириш омиллари. Шукурев Ф.И.	161
XIII боб. Чилла даври физиологияси. Сайджалилова Д.Д.	164
XIV боб. Перинатология. Сайджалилова Д.Д.	171
14.1. Перинатология фани	171
14.2. Фетоплацентар (она-плацентта-ҳомила) тизими	172
14.3. Фетоплацентар етишмөчиллик	173
14.4. Йүлдоши етишмөчилиги терапияси	178
14.5. Чакалоқлар физиологиясининг асослари ва транзитор ҳолатлари	180
14.6. Чақалоқны парвариш қилиш ва овқатлантириш	182
XV боб. Муддатидан олдинги түрүк. Шукурев Ф.И.	186
XVI боб. Муддатидан ўттан ҳомиладорлик. Шукурев Ф.И.	196
XVII боб. Акуперликда резус-омил. Аюпова Ф.М.	203
17.1. Ҳомиладор аёлларда резус иммунизацияси	204
17.2. Ҳомила ва чақалоқларнинг гемолитик касаллиги	206

XVIII боб. Жинсий аъзоларга алоқаси бўлмаган касаллик ларнинг ҳомиладорликка ва түгруққа таъсири. <i>Джаббарова Ю.К., Абдулаева Л.М.</i>	213
18.1. Ҳомиладорлик ва камқонлик	213
18.2. Ҳомиладорлик ва пиелонефрит	227
XIX боб. Ҳомиладорлик илк токсикозлари. <i>Аюрова Ф.М.</i>	235
XX боб. Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлари. <i>Нигматова Г.М., Сайджалилова Д.Д.</i>	249
20.1. Ҳомиладорликшинг иккичи ярмида гипертензив ҳолатларниң этиологияси ва патогенези	250
20.2. Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар тасифи, клиникаси ва диагностикаси	255
20.3. Даволаш	257
20.4. Ҳомиладорлик ва түгруқни олиб бориш.	260
20.5. Профилактика	261
XXI боб. Ҳомиладорлик ва түгруқда қон кетиши. <i>Джаббарова Ю.К.</i>	266
21.1. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт қўчиши	266
21.2. Йўлдошни олдинда ётиши.	270
XXII боб. Түгруқнинг учинчи даври ва илк чилла даврида қон кетиши. <i>Бабаджанова Г.С., Нигматова Г.М.</i>	281
22.1. Түгруқни учинчи даврида қон кетиши	281
22.2. Түгруқдан кейинг илк чилла даврида қон кетиши <i>Амалий қўникмалар</i>	285
22.3. Акушерликда геморрагик шок	290
22.4. Тарқалған томирлар ичida қон ивлиш синдроми (ТТИҚС)	299
XXIII боб. Түгруқ фаолияти нуқсонлари. <i>Джаббарова Ю.К.</i>	305
XXIV боб. Тор чаноқ. <i>Джаббарова Ю.К.</i>	309
24.1. Тор чаноқ таснифи	316
24.2. Чаноқ тор бўлганда түгруқнинг ўтиши	316
24.3. Тор чаноқнинг асоратлари	318
24.4. Клиник тор чаноқ <i>Амалий қўникмалар</i>	320
XXV боб. Ҳомиланинг кўндаланг ва қийшиқ ётиши. <i>Шукуров Ф.И.</i>	323
XXVI боб. Акушерлик жароҳатлари. <i>Шукуров Ф.И.</i>	328
26.1. Ташқи жинсий аъзолар ва чотнинг шикастланиши	335
26.2. Қин ва вульва гематомалари	335
	336

26.3. Бачадон бүйнининг йиртилиши	340
26.4. Бачадон ағдарилиб чиқиши	342
26.5. Бачадон йиртилиши	344
<i>Амалий күникмалар</i>	348
XXVII боб. Чақалоқларнинг патологик ҳолатлари.	
<i>Сайджалилова Д.Д.</i>	356
27.1. Чакалоқлар асфиксияси	356
27.2. Респиратор дистресс синдром	357
27.3. Чакалоқнинг бирламчи реанимацияси	359
27.4. Чакалоқларнинг түгруқ жараёнида жароҳатланиши	359
27.5. Чакалоқлар юқумли касалликлари	361
<i>Амалий күникмалар</i>	364
XXVIII боб. Акушерлик операциялари.	
<i>Аюрова Ф.М., Акрамова Д.Г.</i>	368
28.1. Қоғапоқни сунъий усулда ёриниш	368
28.2. Эпизиотомия	369
28.3. Ҳомилани думбасидан ушлаб тортиб олиши	370
28.4. Ҳомила вакуум-экстракцияси	370
28.5. Акушерлик қисқичларини қўйиш	372
28.6. Лапаротомия	374
28.7. Кесарча кесини	375
28.8. M. Stark бўйича кесарча кесини	377
28.9. Классик кесарча кесини	377
28.10. Краниотомия	378
28.11. Ҳомила чаноқ билан жойлашганда краниотомия қилиши	379
28.12. Гемотрансфузия	380
XXIX боб. Түгруқдан кейинги йирингли-септик касалликлар (ТКЙСК).	
<i>Аюрова Ф.М.</i>	382
29.1. Түгруқдан кейинги йирингли-септик касалликлар таснифи	383
29.2. Чилла давридаги яралар ва уларни даволани	384
29.3. Чилла даври эндомиометрити	385
29.4. Бачадон наилари ва тухумдошларнинг яллияланиши (салыпингеофарит)	386
29.5. Бачадон атрофи тўқималарининг яллияланиши (параметрит)	387
29.6. Вена қон томирларнинг яллияланиши - тромбофлебитлар	388
29.7. Пельвиоперитонит	391
29.8. Чилла давридаги мастит (суг безлари яллияланиши)	392
29.9. Акушерлик перитонити	397
29.10. Сепсис. Септик шок.	405
XXX боб. Ўқув түгруқ тарихини ёзиш.	
<i>Шукуров Ф.И</i>	410

СЎЗ БОШИ

Акушерлик фани – аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва чилла даврлари ва шу даврларда кузатиладиган физиологик ва патологик ҳодисаларни ўргатади. Бундан ташқари, чақалоқларни тўғри парвариш қилиш усулларини ўрганиш ҳамда ҳомиладорларга ва туфувчи аёлларга тиббий ёрдамни ташкиллаштириш ҳам акушерликнинг муҳим масалаларидан бири хисобланади.

Ҳомиладорлик, туғиши, чилла даврларида аёллар ҳамда янги туғилган чақалок организмида бўладиган ўзгаришлар негизини билмай турриб яхши тиббий ёрдам кўрсатиб бўлмайди. Акушерлик ёрдамиининг моҳияти асосан аёллар туғаётганда рўй берадиган физиологик жараённинг муваффакиятли кечишига ёрдам беришдир.

Дарслик тиббиёт олий юртларида акушерлик фанини ўрганаётган умумий амалиёт шифокори учун мўлжалланган. Ушбу дарслик биринчи марта ўзбек тилида ёзиб нашр этилди. Дарслик олий тиббиёт билимгоҳларида акушерлик фанини ўқитиш дастурига мувофик тузилди. Муаллифлар дарсликни ёзишда талабаларга акушерлик фанидан мумкин қадар тўлароқ маълумот беришга ҳаракат килдилар. Шу мақсадда жадваллар, амалий кўнималар, масалалар, ўргатувчи тестлар берилган.

Дарсликда асосан кисқача акушерлик тарихи, аёллар жинсий аъзоларининг анатомик ва физиологик хусусиятлари, туғруқ жараёни, ҳомиладорлик ва туғруқнинг патологик кечиши, ҳомиладорларда гипертензив ҳолатлар ва ҳомиладаги патологик ва физиологик ҳолатлар, асосий акушерлик операциялари, даволаш-профилактика омиллари ва расмий йўриқномалар ва бошқа зарур ҳужжатлар баён этилган.

Дарслик УАШ учун ўзбек тилида биринчи марта чиқарилаетгани учун камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Дарслик ҳақидаги таклиф-мулоҳазаларни муаллифлар миннатдорчилик билан қабул қиласидар.

Манзилимиз:

Тошкент Тиббиёт Академияси (Фаробий 2-уй) даволаш ва тиббий-профилактика факультетларининг акушерлик ва гинекология кафедраси (Зиё Саид кўчаси 9- сонли акушерлик комплекси) телефон (+99871) 2478375; 3354324.

І БОБ АКУШЕРЛИК ФАНИ ТАРИХИ

Мақсад.

Акушерлик фани түшүнчесини ва тарихини, фаннинг бошқа фанлар билан бөллиқлигини билип.

Режа.

1. Акушерлик фани түшүнчаси.
2. Акушерлик фанининг бошқа фанлар билан бөллиқлиги.
3. Акушерлик фани тарихи.
4. Замонавий акушерликдаги ўзгаришлар.

Акушерлик фани ҳомиладорлик, түргүрк, чилла даври ҳакидаги фан. Акушерлик фани французчада “түргүрк” деган маънени англатади.

Бу тиббиётта аёллар организмидаги ҳомиладорлик ва түргүркдаги физиологик, патологик ўзгаришларни ҳамда ҳар хил касалликларнинг олдини олиш, даволаш, шунингдек ҳомила ва чақалоқни ҳимоя қилиш муаммоларини ўргатувчи фандир.

Акушерлик фани – гинекология фанининг бир қисми бўлиб, бу фан куйидаги қисмлар: ҳомиладорлик, түргүрк ҳамда чилла даврининг физиологик ва патологик ўзгаришлари, акушерликдаги операция турларини ўз ичига олади.

Акушерлик фани анестезиология, хирургия, терапия, умумий гигиена ва санитария, овқатланиш гигиенаси, микробиология, вирусология, суд тиббиёти, тери касалликлари билан чамбарчас бөллиқдир. Акушерлик фанида ёрдамчи текириши усуллари: биокимёвий, иммунологик, электрофизиологик, гормонал, ультратовуш, цитологик ва статистик усулларидан мунтазам фойдаланилади.

Қадимда аёллар хеч қандай ёрдамсиз туққанлар. Кўпинча уларга оиласадаги катта ёшдаги аёллар ёрдамлашган. Доя аёллар-кекса кампирлар бўлиб, улар түргүрк жараённада ўз ҳайтий малакалари билан туфувчига кўмаклашганлар. Кейинчалик фан тараққиёти туфайли түргүркка ёрдам соҳалари вужудга келган.

Акушерлик фанининг бир канча куртаклари шаклланади. Грецияда қадимдан тиббиётнинг отаси Гиппократ бўлса, унинг онаси таникли доя-Фанарета бўлган. Гиппократнинг илмий тадқиқотлари «Гиппократ тўплами»да аёллар жинсига оид маълумотлар бор. Улар: «Табиат ва аёл», «Аёллар касалликлари», «Бепуштлик» каби бўлимлардан иборат. Бу қарашлар илгари ниҳоятда оддий бўлган. Биринчи юз йилликда Цельсининг илмий ишлари қадимги Римда жуда машҳур бўлган.

Ғарбий Европада акушерлик тараққиёт даражасига кўтарилимаган, чунки бу даврда табиий фанларга кўп ахамият берилмаган.

Аёлларнинг соғлиги юзасидан Ўрта Осиёдаги олимлардан Абу Бакр Мұхаммад ибн Закарий ар-Розий (Разес), Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (Авиценна) ва бошқа олимлар томонидан ёзіб қолдирилган күләзмалар күп йиллар давомида шарқ ва ғарб шифокорлари учун дастурил амал сиғатида хизмат қылған.

X-XI асрларда Ўрта Осиёда Ибн Сино илмий ишлари тиббиётда туб бурилиш ясады. Унинг «Тиб қонууллари» энциклопедик асарида акушерлик ва аёллар касаллигига оид бўлимлари бор.

XIII асрдаги Салерн университетида аёллар анатомияси улар мурда-сида ўрганилади. Анатомия билан шугууланувчи Везалий, Фаллопий, Евстахий хатти-харакатлари билан тиббиёт морфологиясига асос солинди. Натижада акушерликнинг янги боскичи вужудга келди. Амбруаз Паре аёлларга акушерлик ёрдами кўрсатишни таъминлаш учун малакали шифокорлар тайёрлашга, бепул акушерлик хизмати борасида жонбозлик кўрсатди.

Аёлларга нафақат акушерлик ёрдами, аҳолига умуман тиббий ёрдам ҳам паст даражада кўрсатилар эди. Аёлларни ҳавфли йўллар билан ёрдам кўрсатилиб тұғдирилар эди. Булардан: туғаётган аёл белига оёқ тираб туриб корнини сиқишишар эди, кўрпага ўраб унда юмалатилар ёки мажбуран баландликдан сакратишар ёки аёл туғаётган уйдаги ҳамма тутунларни ечилган, баъзан қора хўрот сўйиб қони билан эмлашган.

1890 йилда Тошкентда 100000 аҳолига атиги иккита рус дояси бўлган. Аёллар ва болалар ўлеми юқори бўлган, санитария ҳолати ночор бўлгани учун тувишлар сони кўп бўлса-да аёллар ва болалар ўлеми ҳоллари кўп учрар эди. Аёллар туғаётганда эски-туски нарсалар тўшалар ёки сепилар эди, тувишдан сўнг ариқ сувида чўмилтиришар эди.

Тўрт ўринли дастлабки тутруқхона 1908 йилда очилган, у Тошкентдағи хайрия маблагига қурилган. Бу камбағал аёллар учун биринчи совра бўлган. Ўттиз йил давомида бу ерда фақатгина 3210 тутруқ бўлган. Ҳозир эса биргина тутруқхонада ўрта ҳисобда 330 тутруқ рўйхатга олинади.

Биринчи акушер-шифокорлар Бредов, Нашенко, Прокофьев, Гриндиус, Масловская, Мандельштамм, Асфендиярова бўлишган. Аёл шифокорларнинг хизмати жуда катта бўлган. Улар ўз жўшқин фаолияти билан мусулмон аёлларини тиббиёт соҳасига жалб қилғанлар. Бу шифокорлар ўлқада илмий тиббиётга биринчи бўлиб асос солдилар.

Маълумотларга қараганда Туркистон ўлкасида 69 та турадиган ўрин ва 63 доя бўлган, яъни тувишда тиббиёт хизмати жуда паст савияда бўлган. Асосий аҳоли бу ёрдамдан бутунлай маҳрум эди. Шифокорларни тайёрлаш учун 1918 йили Тошкентда тиббиёт мактаби қурилган. Бу мактаб келажакда Тошкент Давлат Тиббиёт Институтига асос солди.

1923 йили кўп хотинлик, ёш кизларни турмушга бериш кабиларни ман этиш ҳақида фармон чиқарилди. 1927 йилда Тошкентда бу соҳада илмий

текшириш институти очилди. Оналарк ва болаликни мухофаза килишда бу катта воеа бўлган.

1936 йилда кўп болалик оналарга давлат ёрдамини бериш тўғрисида қарор чиқди. Акушерликдаги илмий ишлар 1941 йилда бошланаб, бу алоҳида факультет очилишига туртки бўлди. Бу 1921 йилда Туркистон Давлат Университети тиббиёт факультетининг очилиши билан боғлиқ. Акушерлик кафедрасининг биринчи раҳбарларидан бири доц. Хрушчев, доц. А.М. Новиков, проф. А.М. Тавилдаров эдилар.

1931 йилда тиббиёт факультети мустақил тиббиёт институтига айланади. Акушерлик кафедрасига Р.А. Черток раҳбарлик қиласи. 1936 йилдан С.Т. Хаскин, 1940 йилдан эса А.А. Коган кафедрага бошчилик қиласи.

1934 йилда Самарқандда проф. А.В. Поляков акушерлик кафедрасини очади. 1940 йилда ТошТИ нинг иккинчи кафедраси ташкил топиб, унга доц. Г.Л. Вайнштейн тайинланади. Шу пайтда илмий тадқиқотлар асосан бепуштиликка бағишланган эди, кейинчалик ҳомиладорлик токсикозлари ўрганилади. Туғруқни оғриқсизлантиришга ҳам кенг ўрин берилади, туғруқдаги қон кетишилар, ёш турмуш куришнинг зарари каби масалалар ҳам адабиётларда ёритилади. Бунда ётқизиб туғдиришга ҳам аҳамият берилади. Айниқса анатомик тор чаноқда кесар кесиши усуслари ишлаб чиқлади. Бунда аёл организмининг мухофаза кучини оширишга катта ўрин берилади. 1944 йилдан кўп болалик оналарга “Қаҳрамон она “унвони, “Оналар шуҳрати” ордени, “Оналар медали” бериладиган бўлди.

Кейинги даврларда ҳомиладор ва ҳомила ҳамда чақалоқлар ўлимини камайтиришга доир ишлар давом эттирилади. Ўпка касалликлари ўрганилди. Бруцеллез касаллигини аниглаш ва унга қарши кураш кенг қамровда ишлаб чиқилади. Эпидемиологик гепатит, бўқок тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда аёлларда учрайдиган бепуштилик (А.А. Шорохова ва бошқалар), бачадонда қон ва лимфа айланиши хусусиятлари (1944-1946) ҳамда бачадонинг тараққий этиши каби муаммолар тўғрисида илмий ишлар олиб борилган. Республика Гинекология фанининг тараққиётiga катта хисса қўшган олимлардан бири Тошкент тиббиёт институтининг акушерлик ва гинекология кафедрасининг мудири профессор Абрам Аронович Коган ҳисобланади (1897-1982). А.А. Коган томонидан таклиф килинган жинсий аъзоларнинг фаолияти бузилиши натижасида кузатиладиган қон кетишилар, бачадон ўсмаси, бачадон найчалари фаолиятининг бузилишидан юзага келган бепуштилик, бачадон бўйни касаллиги, хорионэпителиома, тухумдонлар олиб ташлангандан сўнг юзага келган касалликларнинг тараққий этиши ва уларни даволаш, заҳарли химикатлар ва ишлаб чиқаришдаги вибрация, бруцеллэз кабиларнинг аёл организмига таъсирини ўрганишга доир тадқиқотлар ҳам А.А. Коган раҳбарлиги остида олиб борилган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан ҳомиладорлик-

дан муҳофаза қилишнинг янги оператив тури ҳам яратилди.

Самарқандда акушер-гинекологлардан Ўзбекистонда биринчи бўлган академик Ислом Зоҳидович Зокиров раҳбарлигига тухумдон ва баҷадон ўсмалари муаммоси ҳал этилди. Андижон тиббиёт институтида республикамизнинг баъзи бир курортларидағи бальнеологик ва физик омилларнинг аёлларнинг жинсий аъзолари касалликларининг кечишига таъсири проф. Ф.Н.Губайдуллина томонидан ўрганилди. Фарғона водийсида аёлларни соғломлаштиришда биринчи ўзбек аёл акушер-шифокор З.С.Ходжиханова фаол хизмат қилди (1936-1971 йи.), акушерлик-гинекология фани ривожланишига ва кадрлар тайёрлашга профессор Т.Қ.Мухитдинова катта ҳисса қўшиб келаяпти.

Ҳозирги даврда аёллар ўлими ичда биринчи ўринни згаллаган қон кетиш хавфига алоҳида эътибор берилмоқда. Буларга оид қатор илмий асарлар чоп этилди.

1979 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институтида субординаторлар учун акушерлик ва гинекология кафедраси ташкил этилди. Кафедрани таникли олим, клиницист, малакали педагог Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими профессор А.А.Коганнинг шогирдлари тиббиёт фанлари доктори А.С.Мордухович, доцентлар: Ю.Қ.Жабборова, А.Б.Погорелова, Т.Э.Тўлаганов, М.Н.Мусабековалар ташкил қилишди. Кафедра мудири профессор А.С.Мордухович 19 та тиббиёт фанлари номзоди ва 5 та тиббиёт фанлари доктори тайёрлади (1979-1989 й.).

1990 йилдан кафедрани т.ф.д., профессор Ю.Қ.Жабборова бошқарди. Кафедранинг илмий ўналиши темир етишмовчилиги камқонлигига ҳомиладорликни, тургукни ва тургукдан кейинги даврни олиб бориш, физиологик кечётган ҳомиладорлик иммун тизимини динамикада текшириш, юрак нуксонлари билан асоратланган камқонлик, ҳомиладорликда гипертензия ҳолатларини олиб бориш ўрганилди. Профессор Ю.Қ.Жабборова илк марта 1991 йилда ТошТИ клиникасида ҳомиладорлар, турувчи ва түккан аёллар Республика экстрагенитал касалликлар марказини ташкил қилди.

1996 йилда Институтда ўтказилаётган ислоҳотларга биноан акушерлик ва гинекология кафедрасида 6-7 курс талабалари учун УАШ тайёрлаш йўлга кўйилди (кафедра мудири проф. Д.Қ.Нажмутдинова). Профессор Д.Қ.Нажмутдинова 4 та тиббиёт фанлари доктори ва 15 та тиббиёт фанлари номзоди тайёрлади.

1-Акушерлик ва гинекология кафедраси 2000 йил 1-сентябрда 2-Тошкент Давлат Тиббиёт Институти таркибида ташкил этилди. Кафедра институт таркибидаги асосий ўқув-илмий бўлими ҳисобланади. Кафедрани т.ф.д. Ф.М.Аюпова бошқарib келмоқда. Кафедрада IV-курс даволаш, тиббий-педагогика ва тиббий-профилактика факультетлари талабаларига «Акушерлик» фанидан ва V-курс талабаларига- «Гинекология» фани-

дан билимлар ўргатылмоқда. Кафедра қошида 2001-йилдан бошлаб «Акушер-гинеколог» мутахассислигидан магистратура очилган. 2004 йилда кафедрада акушерлик ва гинекология амалиёт күнінде анықталған. 2004-жылдан бері акушер-гинекология магистратура кириллицада да даудардан бері орналасқан.

Кафедрада 3 та профессор, 4 та доцент, 3 та катта ўқитувчи ва бта асистентлар фаолият күрсатып келмек. Акушерлик ва гинекология ихтиоси бүйіч мутахассислар тайёрлаш Республикасында институттардың 7- курсидан кейин акушер-гинекологиядан магистратура кириллицада да даудардан бері орналасқан.

Республикасында мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг билимлари инициаторлардың 16 махсус кафедра хамда Ўзбекистон Соғлиқни саклаш вазирилардың ихтиёридаги Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институты қошида 4 филиал очилган. Булар Жиззах, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида фаолият күрсатылған.

Тұғруққача бўлган даврда кузатувнинг мақсади – аёлнинг соғлом бўлишига, шу билан бирга, түғилмаган чақалоқнинг соғлигини саклаб қолишига ёрдам беришдан иборат. Бундан ташқари, тұғруқдан олдинги кузатув ҳомиладор аёл ва унинг турмуш ўртоги ёки оиласини қўллаб-күвватлашга, оналик ва оталикка ўтишга ёрдам беради.

Она ва болага ҳомиладорлик ва тұғруқ пайтида малакали ёрдам кўрсатып учун самарали тартиб ўрнатилиши мухим, чунки ҳомиладорлик даврида, тұғруқда ва тұғруқдан кейинги асоратларни олдиндан билиб бўлмайди. Бундай асоратлар кўққисдан пайдо бўлиб, уларнинг кейинги таъсирлари ҳатто она ва бола ҳаётига таҳдид солиши мумкин. Кўпинча бундай асоратлар кўзга кўринарли белгиларсиз пайдо бўлиб, тез орада ривожланиши мумкин. Шу муносабат билан эҳтимол тутилган асоратларни илк даврида аниқлаш ва чора-тадбир кўриш учун малакали тибиёт ходимларига тезкорлик билан юбориш зарур.

Тұғруқдаги аралашувлар факат тиббий кўрсатмалар бўлгандағына амалга оширилади. Тиббий аралашув фақаттана она ва чақалоқнинг ахволи талаб қылсагина ўтказилади. Тұғруқ вақтида аёл жуда сезигр бўлиб қолади, атрофдаги кишиларнинг ҳатти-харакатлари, ўзларини тутишлари унга ўз таъсирини ўтказади. Тұғруқ вақтида аёлга ҳамроҳ танлаш имконини бериб, биз тұғруқнинг натижаларини яхшилаймиз. Ҳамроҳ аёлга жисмоний ёрдам бериши мумкин (масалан, орқасини силаш, ёки терини артиш), лекин унинг асосий вазифаси рухан ёрдам бериш ва аёлни қўллаб-күвватлаш, кайфиятини күтаришади. Онага ўзи учун энг қулагай бўлган ҳолатни эгаллашига рухсат бериш керак. Стерил эмас, балки покиза тұғруқ тавсия этилади. Иложи борича қалпок ва никобдан воз кечиши керак, махсус кийимни эса фақат тиббий ходимлар кийимини ҳимоя қилиш учун кийилади. Шуни ёдда тутиш керакки, она ва янги түғилган чақалоқ

орасидаги биринчи дақиқалар ва соатлардаги контакт улар ҳаётидаги энг муҳим лаҳзалар бўлади. Бу аёлнинг бутун умри давомида эсидан чиқмай-диган таассурот қолдириши мумкин. Бу вактда пайдо бўлган хис-туйфулар узок йиллар давомида она билан бола орасидаги муносабатларга таъсир этиши мумкин. Шунинг учун тиббий ҳодимлар бу лаҳзага диккат билан ёндошиб оиласи кўллаб-куватлаб, рухлантириб ва рағбатлантириб туришлари керак. Бундай пайтларда қаттиқ гапиришлар ва танқид килишлар ноўрин.

Кўкрак билан боқиши – янги туғилган чақалоқ ва боланинг сорлиғи ва ривожланиши учун энг муҳим омил. Туғрукдан кейин биринчи соатда эмизиш бошланса, бунинг фойдаси янада ошади. Булар боланинг озиқланишига тайёр эканлигининг биринчи белгилари (сўлак ажралиши, она кўкрагани олиш рефлекси, оғиз ҳаракатлари, қўлини сўриши ва бошқалар) пайдо бўлганда амалга оширилиши керак. Ҳозирги пайтда туғрук ва ундан кейин кечадиган жараёнга иложи борича кам аралашиш, аёл ҳаётидаги бу муҳим даврни унинг ўзи бошқаришига имкон бериш кераклиги таъкидланмоқда. Туғдишининг кўп ҳолларида идеал ёндошиш – бу кузатиш ва кутиш (фақат зарурат бўлгандагина аралашиш) хисобланади.

II БОБ АКУШЕРЛИК МУАССАСАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Мақсад: бирламчи акушерлик-гинекологик ёрдами, акушерлик стационари фаолиятининг тузилиши, санитария-эпидемиологик тартиб таомиллари ҳақида билиш.

Режа:

1. Акушер-гинекология муассасаларининг турлари, уларнинг асосий вазифалари.
2. Акушерлик стационари ишини ташкиллаштириш.

2.1. ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ВА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИДА БИРЛАМЧИ АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГИК ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

3. Туғрук комплексларида санитария-эпидемиологик тартиб (туғрук комплексининг тузилиши, иш фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари). Санитария-оқартув ишлари.

Акушер-гинекология муассасалари турларига: ССВ нинг акушерлик ва гинекология илмий амалиёт маркази, Республика Перинатал маркази, ТТА нинг акушерлик комплекси, ҳамма шаҳарлар ва туман марказий касалхоналаридаги акушерлик комплекслари киради. Қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳарда эса шаҳар оилавий поликлиникалари ташкил килинган.

Хомиладор аёлларга антенатал парвариш ва назорат қилишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БТСЕ) мухим аҳамият касб этади. БТСЕ да хомиладор ва түккан аёлларга күрсатиладиган асосий ёрдам күйидагилардан иборат:

- бириктирилгандар худудда хомиладор ва түккан аёлларга малакали ёрдам күрсатиш;

- хомиладор аёлларни эрта диспансер назоратига олиш ва уларни терапевт ва бошка мутахассислар күргиши билан таъминлаш ва бирорта экстрагенитал патология аниқланганда ўз вактида хомиладорлар патологияси бўлимига госпитализация қилишни таъминлаш;

- тургук комплекслари ва тез ёрдам күрсатиш станциялари, диспансерлар билан мунтазам боргланиш;

- кутилмаган хомиладорликдан сақланиш максадида ва айниқса ЭГК мавжуд бўлган аёлларда ва тургуклар ўртасида интергестацион интервални сақлаш бўйича тиббий – окартув ишларини олиб бориш, замонавий контрацептив воситалар ҳакида тўлиқ маълумот бериш;

- замонавий текширув ва даволаш ишларини тажрибада қўллаш;

- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ва соғлом оиласи шакллантиришга ёрдам бериш;

- аёлларни оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид ҳак-хукукларини таъминлаш;

ҚВП нинг штати ССВ нинг қарори асосида белгиланган бўлади. ҚВП нинг иш режасини тузишда марказий туман касалхонаси ва санитария эпидемиология станцияси иштирок этади.

2.2. АКУШЕРЛИК СТАЦИОНАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ССВ нинг 500-сон буйругига асосан акушерлик стационари қўйидаги бўлимлардан иборат:

- қабул ҳонаси;

- биринчи ва иккинчи тургук бўлими;

- хомиладор аёллар патология бўлими;

- акушерлик реанимация бўлими;

- чақалоқларни интенсив даволаш бўлими;

- лаборатория бўлими;

- гинекология бўлими;

- маъмурият.

2.3. АКУШЕРЛИКДА АСЕПТИКА ВА АНТИСЕПТИКА

Ўтган аср ўрталарида Венгрияда ўша даврнинг донри кетган олимларидан И.Ф. Земмелвейс акушерликда антисептика илмига асос солди. Ўша даврда И.Ф. Земмелвейс Венада акушерлик клиникасида ишлар эди. Бу клиникада талабалар таълим олар, мурдаларда патолого-анатомик

манзарани ўрганар эдилар. Бу клиника ёнида яна бир клиника бўлиб, у ерда акушерлар туғруқда ёрдам берар, талабалар у ерда таълим олмас эдилар.

Шуниси қизиқки, И.Ф. Земмельвейс ишлайдиган клиникада мутахасис врачлар ишлашига қарамай, туғруқда аёллар ўлими акушерлар ишлайдиган клиникадагига нисбатан юкори бўлар, аммо бунинг сабабини била олмас эдилар. Аёллар чилла даврида кўпинча касалликдан нобуд бўлардилар ва бу касалликни “туғруқ иситмаси” деб атар эдилар. Аёллар ўлими И.Ф. Земмельвейсга тинчлик бермас, у доим изланишда, касаллик сабабини аниқлашга интилар эди.

Шу орада И.Ф. Земмельвейснинг якин сафдоши врач Калечка ўлган аёлни патолого-анатомик жиҳатдан текширади ва мурдада аёлларга хос бўлган «туғруқ иситмаси» белгиларини топади-да, аммо ўзи касалликка чалиниб вафот этди. Бу оғир жудоликка чидай олмаган И.Ф. Земмельвейс касаллик сабабларини аниқлаш максадида дўстининг жасадини ўзи ёриб, унинг аъзоларидағи ўзгаришларни кўради ва бу ўзгаришлар «туғруқ иситмаси» билан касалланган аёллар жасадидаги ўзгаришларга ўхшаб кетганини аниқлади. Шундан сўнг у касаллик кандайдир инфекция ёки жасад заҳаридан келиб чиқсан, деб фикр юритади. Шундан кейин у хлорли сув билан туғруқ хонасини, кўлни дезинфекция қилишни таклиф қиласди. Бу препаратни ишлатиш натижасида чилла давридаги касаллик камайиб боради. Ана ўша даврдан бери хлорли сув тибиётда қўлланиб келинмоқда. Ҳозир Венгрияда илмий текшириш институтига Земмельвейс номи берилган. Лекин Земмельвейснинг бу кимматли кашфиёти у ҳаёт вактида эътиборга олинмади, у камбағалликдан кийналиб, Будапештдаги ақлдан озғанлар уйида вафот этди.

Орадан 20 йил ўтгандан кейин Англия хирурги Листер, бактериология кашфиётларига асосланган ҳолда, хирургия операцияларида ишлатида-диган асбобларни, боғлов материаллари, кийим-кечакларни ва операция учун зарур бўлган бошқа нарсаларни заарсизлантириш, микроблардан ҳоли қилиш керак, деган фикрни таклиф қиласди. Шу вактдан бошлаб акушерлик ва хирургияда асептика коидалари татбиқ қилинди. Россияда асептико ва антисептикані хирургияда биринчи бўлиб Н.И. Пирогов, акушерлиқда А.Н. Крассовский қўллаганлар. Ҳомиладорликда, туғруқда ва чилла даврида касаллик пайдо қилувчи микробларнинг турлари жуда кўп: хусусан, стрептококк, стафилококк, ичак таёқчаси, гонококк, пневмококк, газли инфекция ва бошқа микроблардир. Бу микроблар соғлом одам териси юзасида, оғиз бўшлигида, бурнида, нафас йўлларида, ҳатто бузилган тишлар орасида доимо (касаллик пайдо қилмаган ҳолда) яшайди. Бу микроблар бошқа кишилар организмига, айниқса туғруқдан кейин бачадонда ва туғруқ ўйлида пайдо бўлган жароҳатли юзаларга тушиб, оғир юқумли касалликларни қўзгайди. Баъзи соғлом кишилар оғзини

текширилганды, унда күпинча дифтерия (Лефлер) таёкчаси топилади. Бу микроблар бошқа кишилар организмынан тушиб, унда хакикий дифтерия касаллигини пайдо қиласы. Шунга күра хаво-томчи йўли билан юқадиган инфекцияягатта ахамият бериш керак. Чунки микроблар киши аксирғанды, йўталганда ёки сўзлашганды хавога сўлак томчилари билан тарқалади.

Туккан аёлнинг ички жинсий аъзоларида жароҳатланган юзаларга тушган микроблар бундай қулай шароитда жуда яхши ривожланади. Қиндан ажраладиган суюқлик ичида Дедерлейн таёкчаси туфайли ўзини бошқа микроблардан тозалайди. Ундаги реакция бошқа микробларнинг яшаши учун нокулай шароит ҳисобланади. Лекин қиннинг нормал кимёвий ҳолати ўзгарса, у ишкорий мухитга айланади, натижада Дедерлейн таёкчалари йўқолиб, қинда касаллик пайдо қилувчи микроблар кўпаяди.

Микроблар организмга кўпинча шифокор ва акушерканинг кўли, турли асбоблар, боғлов материаллари, кийим-кечак ва бошқалар оркали тушади. Туғруқхона ходимлари юқумли ва йирингли касалликлардан ўзларини эҳтиёт килишлари керак. Туғруқ бўлимидаги ишловчи шифокор, акушеркаларнинг туғруқдан сўнг аёллар ётқизиладиган палатада ва айниқса септик палаталарда бир вактнинг ўзида ишлапшлари сира мумкин эмас. Уларда бирор йирингли яра бўлса, туғруқхонада ишлапшларига асло йўл кўйилмайди.

Туғруқ бўлими ходимлари навбатчиликка келганда ип-газламадан тикилган халат ёки ювиб дазмолланган кўйлак кийиб олишлари шарт. Кийимни кийгач, енгини тирсаккача шимариш, кўлни тез-тез совунлаб ювиб туриш лозим. Туғруқхона ходимлари учун албатта маҳсус чўмилиш хоналари бўлиши лозим.

Навбатчиликка келган хар бир ходим аввал душда чўмилади. Ҳаво-томчи йўли билан юқадиган инфекциянинг олдини олиш учун туғруқ бўлимининг ҳамма ходимлари 2 қаватли дока-никоб билан оғиз ва бурнларини ёпиб ишлапшлари керак. Бундай никоб хар куни алмаштириб турилади. Бундан ташқари, туғруқхона ва операция хоналарига кирганда бахила (оқ матодан тикилган этикча) кийилади.

Туғруқхонада ишловчи врач, акушерка, санитарка ва талабаларни (барча ходимларни) бир йилда 1 марта кўли, оғзи, бурни ва томогидан суртма олиб, патоген стафилококк борлигини текшириб туриш керак. Акушерлик ва хирургик бўлиmlарида режа бўйича ҳар 3 ойда бактериал экмалар олиниб текширилади.

Антисептика ва асептика қоидаларига риоя қилиш омилларидан бири туғруқхона биносининг намунали даражада озода бўлиши ва ҳар йилда бир марта таъмирланишидир.

Туккандан кейин аёл кенг ва ёруғ палаталарга ётқизилади. Эски усулда курилган туғруқхоналарда айниқса тозаликка риоя қилиш зарур. Чунки уларда палаталар катта ва ҳожатхона умумий бўлади. Бунда ҳамма

палаталар ва ҳожатхоналарни хлорли сувга ҳўлланган латта билан артиб туриш ва кунига 2 марта шамоллатиш лозим.

Айниқса чақалоқлар ётадиган интенсив даволаш хонаси ниҳоятда тоза ва ёруғ бўлиши, хона ҳарорати 25-26° дан ошмаслиги керак. Туғрук бўлими ва чақалоқлар ётадиган палаталарда ҳар ойда бир марта бактериологик текшириш ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Туғрухоналарда палаталар галма-гал бўшатилади, бир кеча-кундуз давомида бу палатага аёллар ётқизилмай, тўшак ва адёллар ҳам шамоллатилади, мойли бўёқ билан бўялган деворлари, хонанинг поли, ундаги каравотлар, тумбочкаларни совунлаб ювиб, кейин хлорамин, хлорли сувга ҳўлланган латта билан артилади.

Ҳар бир каравотга тоза тўшак солиниб, чойшаблар ёзилади. Аёллар тагига солинадиган клеёнкалар ҳам дезинфекциядан ўтказилади. Ҳамма палаталар симобли кварц лампа ёрдамида нурлантирилади. Бу туғрукдан тураётган аёл ва чақалок учун ишлатиладиган буюмларни микробдан то-залаб, уларни касалланишдан сақлайди.

Аёл уйига кетгандан кейин каравотлар яхшилаб ювилади, тўшак, ёстиқ ва кўрпа ёки адёл 24 соат давомида шамоллатилади. Қуёшли кунларда уларни ташқарига чиқариб ёиши керак. Агар шароит бўлса, автоклавдан ўтказиш яхши бўлади. Кир кийимлар ва чойшаблар бошқа хонада маҳсус идишларда сакланади ва ҳар куни кирхонага юбориб турилади.

Чақалоқнинг кийим-кечаклари ва тагликлари онаникidan алоҳида ювилади ва қайнатиб, дазмолланади. Тоза тагликлар маҳсус шкафлар, дазмолланганлари маҳсус барабанларда (кутиларда) сакланади. Туккан аёлнинг тагига солинадиган газлама бир кунда камида 3-4 марта, агар зарур бўлса, ундан тезрок алмаштирилади.

Туғиб бўлган аёл дезинфекция килинган маҳсус тувакдан (судно) фойдаланса, уни ишлатгандан кейин оқизиб кўйилган сувда ювиб, дезинфекцияловчи эритма билан чайилади. Туккан аёлнинг жинсий аъзолари туғрухонага биринчи кунлари зрталаб ва кечкурун ювилади, агар чотири килган бўлса, уни спирт билан тозалаб, йод эритмаси суртиб кўйилади.

Туғрухонага аёлнинг қариндошлари ва таниш-билишларига кириш рухсат берилади. Бунда кийимлари тоза ва оёкларида бахилалари (ёки целофанли қопчалар) бўлиши шарт.

Туккан аёллар билан ҳар куни суҳбатлашиб туриш ва аёлга уйига кетаётганида ўзини қандай тутишни ётиғи билан айтиш, уларга асептика ва анти-септика коидаларини тушунтириш ҳар бир шифокорнинг вазифасидир.

Назорат саволлари.

1. Акушерлик комплексида қандай бўлимлар мавжуд?
2. Акушерликнинг қандай омиллари сан-эпидемиологик тартибга жаттишганда ўзини қандай талаб этади?

Ўргатувчи тестлар.

1. Қайси тиббий муассасаларда малакали ва маҳсус акушерлик ёрдами кўрсатилади?

1. Кўп тармоқли касалхоналарнинг тургук бўлимлари.

2. Йирик марказий туман касалхоналарнинг базасидаги туманлараро бўлим.

3. Вилоят касалхоналарининг акушерлик бўлимлари.

4. Перинатал марказлар.

5. Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтлари.

2. Акушерлик стационарлари қандай даражаларга бўлинади ва уларга қандай муассасалар киради.

1. Биринчи даража – участка касалхоналари.

2. Иккинчи даража – марказий туман касалхоналари, шахар тургукхоналари.

3. Учинчи даража – вилоят касалхоналарининг акушерлик бўлимлари, кўп тармоқли касалхоналар, ихтисослашган акушерлик стационарлари, перинатал марказлар, акушерлик ва гинекология-илмий амалий марказлари.

4. Акушерлик стационарининг асосий бўлинмалари ва бўлимлардаги ўрин-жой нормалари ҳамда уларнинг тургукхонадаги умумий ўрин-жойларга нисбати.

1. Қабул ўтказувчи блок.

2. 1 акушерлик бўлими – 50-55% ўрин-жойлар.

3. Патологик ҳомиладорлик бўлими 25-30% ўрин-жойлар.

4. Янги түғилган чақалоқлар интенсив даволаш бўлими.

5. 2 акушерлик бўлими 20-25% ўрин-жойлар.

6. Гинекологик бўлим – 25-30% ўрин-жойлар.

4. Туғрук бўлимига қайси бўлинмалар киради?

1. Санитария ишлов бериш хонаси.

2. Туғрук бўлими.

3. Туғрукдан кейинги палаталар.

4. Чикариш хонаси.

5. Туғрукхона ишларининг асосий сифат кўрсаткичлари.

1. Оналар касалликлари ва ўлими.

2. Перинатал касалликлар ва ўлим.

3. Онанинг туғрук жароҳатлари.

4. Болаларнинг туғрук жароҳатлари.

ІІІ БОБ АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЎЗОЛАРИ АНАТОМИЯСИ

Мақсад. Аёллар ташқи ва ички жинсий аъзоларининг анатомиясини билиш.

Режа.

1. Ташқи жинсий аъзолардан қов, катта ва кичик жинсий лаблар, клитор, кин даҳлизи, киззлик пардасини билиш.

2. Ички жинсий аъзолардан қин, бачадон, бачадон найлари ва тухум-донлар тузилишини билиш.

3. Жинсий аъзоларнинг бойлам аппаратини ўрганиш.


4. Жинсий аъзоларнинг кон, лимфа томирлари ва нерв тизимларини билиш.

Аёллар жинсий аъзоларини ташқи ва ички аъзоларга ажратиш расм бўлган. Ташқи жинсий аъзоларга қов, катта ва кичик жинсий лаблар, клитор, қин даҳлизи, қизлик пардаси, ички жинсий аъзоларга эса қин, бачадон, бачадон найлари ва тухумдонлар киради.

3.1. ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР АНАТОМИЯСИ

Қов тери ости клетчаткасига бой, вояга етган даврда жун билан қопланниб, асосан юқори томонда жойлашган учбурчак шаклидаги соҳадир.

Катта жинсий лаблар иккита тери бурмасидан ҳосил бўлган, буларда ёғ клетчаткаси, ёғ ва тер безлари бўлади (3.1.-расм).



3.1.-расм. Аёл ташқи жинсий аъзоларининг тузилиши

- 1. Қов
- 2. Клитор
- 3. Уретра
- 4. Қизлик пардаси
- 5. Қинга кириш

- 6. Кичик жинсий лаби
- 7. Катта жинсий лаби
- 8. Қизлик пардаси
- 9. Оралиқ
- 10. Анус қисми (даҳлиз)

Олдинги ва орқа томонда улар олдинги ва орқа битишималар билан бир-бирига кўшилган. Катта жинсий лаблар жинсий ёриқ билан бир-бидан ажралиб туради. Катта жинсий лаблар пастки учдан бир қисми-

нинг бағрида кин даҳлизининг катта-катта безлари жойлашган, улар вестибуляр безлар деб аталади, бу безлардан ишланиб чиқадиган ишқорий секрет кинга кириш йўлини намлаб туради ва уруғ суюқлигини суюлтириб беради. Бу безларнинг чиқариш йўллари кичик жинсий лаблар билан кизлик пардаси ўртасидаги эгатчада очилади.

Кичик жинсий лаблар ҳам иккита тери бурмачаларидан иборат, булар шиллик парда кўринишида бўлиб, катта жинсий лаблардан ички томонда жойлашган. Нормада жинсий ёрик ёпилиб туради ва қинга инфекция ўтиши ва қурук бўлиб қолишдан сақлайди.

Клитор жинсий ёрикнинг олдинги бурчагида жойланган, қон томирлари ва нерв чигаллари билан мўл-кўл таъминланган, иккита порсимон танадан тузилган.

Кин даҳлизи кичик жинсий лаблар билан чекланган бўшлиқdir. Сийдик чиқариш каналининг ташки тешиги, даҳлиз катта безларининг чиқариш йўллари, қинга кириш йўли шунга очилади.


Кизлик пардаси ташки ва ички жинсий аъзоларни бир-биридан ажратиб турадиган бириктирувчи тўқимадан иборат юпқа тўсиқdir. Бу парда ҳалқасимон, яримойсимон, тишсимон, кураксимон шаклда бўлади. Биринчи жинсий алоқа пайтида қизлик пардаси йиртилиб, ҳар хил даражада қон кетади. Бу парданинг қолдиқлари гименал сўргичлар деб аталади, түгруқ маҳалида яна йиртилганидан кейинги қолдиқлари миртасимон сўргичлар дейилади.

3.2. ИЧКИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР АНАТОМИЯСИ

Кин вояга етган аёлда узунлиги 8-10 см келадиган мускул ва фиброз тўқимадан иборат найдир. Қиннинг олдинги, орқа, ён томондаги ўнг ва чап гумбазлари тафовут қилинади. Ҳаммасидан чукуррок бўладиган орқа гумбазида қин суюқлиги, жинсий алоқа вактида эса уруғ суюқлиги тўпланади (3.2.-расм).

Кин деворлари шиллик парда, мускул қатлами ва ўраб турувчи клетчаткадан ташкил топган. Қиннинг шиллик пардаси кўп қаватли ясси эпителий билан копланган, пушти рангда бўлади ва түгруқ маҳалида қиннинг чўзилишини таъминлаб берадиган бир талай кўндаланг бурмалардан иборат. Кин бўшлиғининг кислота реакцияли бўлиши қин бациллалари ёки Дедерлейн таёқчалари хаёт фаолияти давомида хосил бўладиган сут кислотага боғлиқdir. Улар қин шиллик пардасидаги эпителий хужайраларининг гликогенини сут кислотага қадар парчалайди.

Бачадон силлиқ мускуллардан тузилган ноксимон шаклдаги ичи бўш аъзо бўлиб, олдинги-орка йўналишда бир оз яссиланган (3.3.-расм).



3.3.– расм. Аёлнинг ички генитал аъзолари тузилиши.

1 – Кин. 2 – Бачадон бўйни. 3 – Цервикал канал. 4 – Бачадоннинг ички оғзи. 5 – Бачадон бўшлиғи. 6 – Бачадон туби. 7 – Бачадон мушаклари. 8 – Бачадон найчаси. 9 – Тухумдон. 10 – Найчанинг фимбриялари. 11 – Тухумдоннинг хусусий бойлами. 12 – Тухумдоннинг кўтарувчи бойлами. 13 – Кенг бойлам. 14 – Юмалоқ бойлам. 15 – Примордиал фолликул. 16 – Месосальпинкс.

Унинг танаси, бўйинчаси ва бўйи тафовут этилади. Танасининг қавариқ бўладиган устки қисми бачадон туби деб аталади. Бачадон бўшлиғи учбурчак шаклида бўлиб, устки бурчакларига бачадон наиларининг тешиклари очилади. Пастки томонда бачадон бўшлиғи торайиб, бачадон бўйинчасига (бачадон танаси билан бўйни ўртасида қисми, узунлиги 1 см атрофида бўлади) айланади ва бачадоннинг ички тешиги (бўғизи) билан тугалланади.

Бачадон бўйни бачадоннинг пастки, тор қисми бўлиб, унда кин гумбазларидан пастрокка туртиб чишиб турадиган кин қисми ва кин гумбазларидан юқорироқда турадиган кин усти қисми тафовут қилинади. Бачадон бўйни цилиндрсизмон шаклга эга. Болалик даврида ва жинсий аъзолари ривожланмай колган аёлларда бачадон бўйни конуссимон шаклда бўлади. Бачадон бўйинининг ичидан узунлиги 1-1,5 см келадиган бўйин канали (цервикал канал) ўтади, унинг устки бўлими бачадоннинг ички тешиги, пастки бўлими эса ташки тешиги билан тугалланади.

Бачадоннинг узунлиги 7-9 см ни ташкил қиласи. Кентлиги туби соҳасида 4,5-5 см ни, деворларининг қалинлиги 1-2 см ни ташкил қиласи. Бачадон массаси 50 г дан 100 г гача боради.

Бачадон деворлари уч қаватдан тузилган. Ички қавати цилиндрсимон бир қаватли ҳилпилловчи эпителий билан қопланған, бир талай наисимон безлари бўладиган шиллик парда (эндометрий) дир. Бачадон шиллик пардасининг икки қавати: мускулли қаватига тақалиб турадиган базал қават ва ҳайз цикли маҳалида ритмик ўзгаришларга учраб турадиган юза – функционал қават тафовут қилинади. Базал қават ўсувчи қават бўлиб, функционал қавати шундай тикланиб, ўрни тўлиб туради. Бачадон деворининг каттагина қисмини ўрта мускулли (миометрий) қават ташкил қиласиди. Мускулли қавати силлик мускул толаларидан тузилган бўлиб, узунасига кетган ташки ва ички доирасимон жойлашган ўрта қаватларни ташкил қиласиди. Бачадоннинг ташки-сероз қавати (периметрий) уни қоплаг турадиган корин пардасидан иборат.

Бачадон кичик чаноқ бўшлиғида ковук билан тўғри ичак орасида, ча-ноқ деворларидан тенг масофада жойлашган. Бачадон танаси олдинга, симфизга бироз эгилган (бачадон антеверзияси), бўйнига нисбатан (бачадон антефлексияси) бу бурчак олдинга очилган. Бачадон бўйни орқага қараган, ташки тешлиги қиннинг орка гумбазига тақалиб туради (3.2.-расм).

Бачадон найлари бачадоннинг ўнг ва чап бурчакларидан бошланиб, ён тарафга чаноқнинг ён деворлари томонига қараб боради. Уларнинг узунлиги ўртача 10-12 см, йўёнлиги 0,5 см. Бачадон найларининг деворлари уч қаватдан: бир қаватли цилиндрсимон ҳилпилловчи эпителий билан қопланған шиллик пардаси, ўрта-мускул ва ташки-сероз қаватдан ташкил топган. Бачадон найларнинг бачадон девори бағрига ўтувчи интерстициал қисми, ҳаммадан кўра кўпроқ торайган ўрта қисми ва воронка ҳолида тугалланадиган кенг ампуляр қисми тафовут қилинади.

Тухумдонлар аёлларнинг жуфт жинсий безларидир. Улар бодомсимон шаклда ва оқиши-пушти рангда бўлади. Вояга етган аёлда тухумдон узунлиги ўртача 3,5 см ни, зни 2-2,5 см ни, қалинлиги 1,1-5 см ни, массаси 6-8 г ни ташкил қиласиди. Тухумдонлар бачадоннинг иккала томонида, сербар бойламлар оркасида жойлашган бўлиб, буларнинг орка варакла-рига бириккан. Тухумдон муртак эпителийси қавати билан қопланған, бунинг остида бириктирувчи тўқимадан иборат оқсил пардаси жойлашган бўлади. Янада чуқурроқда мия моддаси жойлашган, унда бир талай бирламчи фолликулалар ривожланишнинг ҳар хил босқичларида турган фолликулалар, сарик таналар топилади. Тухумдоннинг ички қавати асо-сан бириктирувчи тўқималардан ташкил топган мия қавати бўлиб, ундан бир талай томирлар ва нервлар ўтади. Жинсий жихатдан стуклик даврида тухумдонларда ой сайин тухум ҳужайралар ритмик равишда етилиб бориб, урувланишга ярокли бўлиб колади ва корин бўшлиғига чиқиб туради. Тухумдонлар ички секреция безлари бўлиб, жинсий гормонлар ишлаб чиқариб туради.

Бачадон найлари, тухумдонлар ва бачадон бойламлари бачадон ор-

тиклари деб аталади.

3.3. ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ БОЙЛАМ АППАРАТИ ВА КИЧИК ЧАНОҚ КЛЕТЧАТКАСИ

Аёллар жинсий аъзоларининг одатдагича, типик равишда жойланишига куйидаги омиллар ёрдам беради: жинсий аъзоларнинг тонуси, жинсий аъзолар орасидаги ўзаро муносабат, диафрагма, корин девори ва чанок тубининг келишиб ишлаши, бачадонни кўтариб турадиган, мустаҳкам-лайдиган ва ушлаб турадиган аппаратлари.

Бачадоннинг кўтариб турадиган аппарати бойламлардан иборат, булар қаторига думалок, сербар жуфт бойламлар, воронка-чаноқ бойламлари ва тухумдонларнинг ўз бойламлари киради. Думалок бойламлар бачадон бурчакларидан, бачадон найларининг олдинги томонидан чиқиб, чов канали оркали ўтади ва қов бирлашмаси соҳасида бирикиб, бачадон тубини олдинга тортиб туради (бачадон антеверзияси). Сербар бойламлар бачадонни кичик чаноқда маълум ҳолатда ушлаб турадиган асосий бойламлар бўлиб, корин пардасининг кўшқават вараклари кўринишида бачадон қовурғаларидан чиқиб, чаноқнинг ён деворларига боради. Бойламлар вараклари орасида бачадон ёни клетчаткаси бор. Сербар бойламларнинг давоми бўлмиш воронка-чаноқ бойламлари най воронкасидан чаноқ деворларига боради. Тухумдонларнинг ўз бойламлари орка томонда ва бачадон найларининг чиқиши жойидан сал пастроқда бачадон тубидан тухумдонларга бирикади.

Мустаҳкамловчи аппаратига думгаза-бачадон бойламлари, асосий бойламлар, бачадон-ковук ва қовук-қов бойламлари киради. Думгаза-бачадон бойламлари бачадон танасининг бўйинига ўтиш соҳасида орқа юзасидан бошланиб, иккала томондан тўғри ичакни ўраб ўтади ва думгазанинг олдинги юзасига бирикади. Бу бойламлар бачадонни бўйинига орқага тортиб туради. Асосий бойламлар бачадоннинг пастки бўлимиidan чаноқнинг ён деворларига караб боради, бачадон-ковук бойламлари ҳам бачадоннинг пастки бўлимиidan бошланиб, олдинги томонга, қовукқа караб боради, сўнгра қовук-қов бойламлари тарзида симфизга қадар давом этади.

Бачадоннинг тутиб турувчи ёки таянч аппаратига чаноқ тубининг учкават мускуллари ва фасциялари киради (3.5.-расм).

Бачадон ён бўлимларидан тортиб, чаноқ деворларигача бўлган кам-гакни бачадон ёни – параметрал клетчатка (параметрий) эгаллаб туради, бундан томир ва нервлар ўтади Параметрал клетчаткандан ташқари паравезикал (ковук ёни), паравагинал (қин ёни) ва парапектал (тўғри ичак ёни) клетчаткаси ҳам чаноқ клетчаткаси таркибига киради.


3.4. ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРНИНГ ҚОН, ЛИМФА ТОМИРЛАРИ ВА НЕРВ ТИЗИМИ

Жинсий аъзолар қон ва лимфа томирлари тармоғи билан мўл-кўл таъ-

минланган. Ички жинсий аъзоларни қон билан таъминлаб турадиган асосий манбалар бачадон ва тухумдон артериялари дир, буларнинг охирги бўлимлари бир-бири билан анастомозлар ҳосил килади (3.4.-расм). Жинсий аъзоларнинг ҳамма артериялари бир номдаги веналар билан бирга давом этиб боради.

Жинсий аъзоларнинг лимфа йигиб оладиган лимфа томирлари чов, ёнбош, бел-думғаза, аорта лимфа тугунларига ва бошқа тугунларга боради.

Жинсий аъзолар иннервацияси жуда мураккаб. Унда симпатик ва парасимпатик нерв тизими, шунингдек орқа мия нервлари иштирок этади. Жинсий аъзолар фаолиятини олий нерв марказлари идора этиб туради.



3.4.-расм. Аёллар ички жинсий аъзоларнинг артериялари

3.5. КИЧИК ЧАНОҚДАГИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАР

Чаноқ тубидаги мускуллар кичик чаноқ ичидағи аъзоларнинг нормал жойлашиши ва топографик ҳолатининг нормал ҳолатда бўлишида катта аҳамиятга эга. Чаноқ тубидаги мускуллар туғиши вақтида чўзилиб, ҳомила туғилишини осонлаштиради.

Чаноқ туви мускул ва фасциялардан ташкил топган, энiga чўзилган бўлади, мускуллар бир-бирига мингашиб жойлашган ҳолатда кичик чаноқ чиқиши йўлини беркитиб туради. Агар ташкил жинсий аъзодан ва ҷот оралиғидан тери ҳамда тери ости ёғлари олиб ташланган деб фараз килсан, у ҳолда без чаноқ тубининг пастки биринчи қават мускуларини кўрамиз. Бу мускуллар тўрт томонидан ўртага (марказга) қараб келади ва пайлари билан ўзаро бирлашади. Бу жой пайлар маркази (centrum tendineum) деб аталади.

Чаноқ туби қуидаги уч қават мускулдан иборат (3.5.-расм).

а) пастки қават учта мускулдан, яни *m. constictor cuni*, *m. sphincter ani extenus* ва бир жуфт *m. transverses perineae superficialis* дан иборат. Бу учала мускулнинг жойлашиш тартиби кишига “саккиз” (8) раками-ни златади. Бундай жойлашиш чаноқ тубига катта мустаҳкамлик беради.

Чаноқ тубининг пастки қаватида, юқорида айтиб ўтилган мускулардан ташқари, жуфт *m. ischio cavernosus* ҳам бўлади. Бу мускул қуймич дўймобоғидан клиторнинг ғовак танаси гомон йўналган бўлади.

б) чаноқ тубининг ўрта қавати учбурчак фасциаль-мускул пластин-кадан иборат бўлиб, ков равогига ўрнатиб қўйилганга ўхшайди. Бу мус-кул пластинкани сийдик-таносил диафрагмаси (*diaphragma ursgenitale*) деб аталади,

Сийдик-таносил диафрагмаси иккита мускулдан, яни чот оралиги-даги чуқур кўндаланг мускул (*m. transverses perinei profundus*) ва сий-дик чиқариш канали билан қинни қисувчи (*m. sfincter urethro vaginalis*) мускуллар тўпламидан иборат. Булар бир томондан сийдик чиқариш йўлини ва иккинчи томондан қинга кириш тешигини ўраб олади.

в) чаноқ тубининг устки (chanoқка нисбатан ички) қаватини орқа те-шикни кўтарувчи мускул (*m. levator ani*) ёки чаноқ тўсиғи (*diaphragma pelvis*) деб аталган мускул ташкил килади. Бу мускул ўзининг икки оёғи билан қинни ва сийдик чиқариш йўлини икки томондан ҳамда тўғри ичакни орқа томондан ушлаб туради. Бу чаноқ тубиниг асосий муску-ли ҳисобланади, унинг учта шохи бўлиб, булар *pubococsigio*, *ilio coccsigio*, *ischiococcsigio* деб аталади. Ҳар учала шохи дум суюгига ёпишади. Туғрук-да бутнинг иккинчи даражадаги йиртилишида шу мускул йиртилади, албатта буни тикиш керак бўлади, акс ҳолда ички жинсий аъзолар то-пографиясига путур етади. Жинсий аъзолар пастга жойлашиб, хатто бачадон пастга тушиши мумкин.

Ўргатувчи тестлар.

1. Ташқи жинсий аъзоларга нималар киради?

Ков

Катта жинсий лаблар

Кичик жинсий лаблар

Клитор

Қин даҳлизи

2. Ички жинсий аъзоларга нималар киради?

Қин

Бачадон

Бачадон найлари

Тухумдонлар

3. Чаноқ туби қайси қават мушакларидан ташкил топган?

ташқи қават

ўрта қават

ички қават

4. Ташки қават мушакларини күйидагилар ташкил қиласы:

1. пиёзча - ғорсимон мушак

2. юзаки - кўндаланг мушак

3. орқа чиқарув йўлининг ташки сфинктери

4. кўймич-ғорсимон мушак

Назорат саволлари:

1. Ташки жинсий аъзоларга нималар киради?

2. Ички жинсий аъзолар нималардан иборат?

3. Жинсий аъзоларнинг қайси бойламларини биласиз?

4. Чаноқ тубининг қайси мускулларини биласиз?

IV БОБ АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИ ФИЗИОЛОГИЯСИ

4.1. ҲАЙЗ ЦИКЛИ

Максад: Ҳайз циклининг таърифи ва аёллар жинсий гормонлари билан бошқарилиши, организмга таъсири, овуляция диагностикаси ва унинг репродуктив функциясига таъсирини билиш. Ҳайз – бу тушибнинг прототипи эканлиги, аёлларнинг тушиб функцияси ҳайз циклига боғлиқлигини кўрсатиш.



Вазифалар.

1. Ҳайз цикли тушунчаси.

2. Ҳайз цикли бошқарилиши

3. Аёллар жинсий гормонлари

Ҳайз (ой кўриш) деб, аёлларнинг бачадонидан мунтазам равишда кон келишига айтилади. Ҳайз балоғатга етиш жараёнининг дастлабки ойларида 12-15 ёшлар орасида кузатилади. Кизлар 16-17 ёшда тўлиқ баловат ёшига етадилар. Ҳайз кон кетиши цикли бўлиб, маълум бир муддат қарийб 3-6 кун давом этади. Ҳайз аёлнинг бола туғадиган ёшида қайтарилиб, факат ҳомиладорликда ва кўпинча бола эмизиш даврида ҳайз кўрмайди. Ҳайз климакс даврида (45-55 ёшда) тўхтайди. Ҳар гал ҳайз кўрганда аёл 50-150 г гача кон йўқотади. Ҳайз кони ишқорий реакцияли, кўнгир рангда, шиллиқ аралаш бўлиб, унда ивиш жараёни паст бўлади.



4.1.-расм. Нормал ҳайз бошқарилиш тизими 4.2.-расм. Ҳайз босқичлари.

А) Марказий:

1. Мия пўстлоги.
2. Гипоталамус.

3. Гипофиз

Б) Периферик:

4. Тухумдон.
5. Бачадон.

Қиз бола биринчи марта ҳайз кўрганда унинг организмида бир қатор ўзгаришлар содир бўлади. Тана шакли бир мунча думалоқлашади, аёлларга хос иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўлади, кўкрак безлари катталашади, ков устида жунлар пайдо бўлади, ташки ва ички жинсий аъзолар тўлиқ етилади. Ҳайз цикли ҳайз кўришнинг биринчи кунидан то келгуси ҳайзниң биринчи кунигача ҳисоб қилинади.

Кўпинча ҳайз цикли 28 кун, камдан-кам аёлларда 21 ёки 30-32 кун давом қиласи. Ҳайз цикли мобайнида аёллар организмида турли ўзгаришлар кузатилади.

Ҳайз цикли физиологик жараён бўлиб, охирги ҳайзниң биринчи кунидан то кейинги ҳайзниң бошланиш кунигача бўлади. Ҳозирги тушунчаларга асосан ҳайз циклини 5 та омил бошқаради: 1) бош мия пўстлоги; 2) гипоталамус; 3) гипофиз; 4) жинсий безлар; 5) периферик аъзолар (бачадон, бачадон найчалари, қин) (4.1.-расм). Биринчи олий босқичга бош мия пўстлоги ва экстрагипоталамик церебрал тузилма-

лар (лимбик тизим, гиппокамп, бодомсимон тана) киради (4.2.-расм).

Бош мия пүстлоги – ҳайз циклини бошқариш ва тартибга солиш вазифасини бажаради. Бош мия оркали ташқаридаги таъсиротлар неря тизимининг паастдаги ҳайз циклида иштирок этувчи бўлимларига узатилади. Тажриба ва клиник кузатувлар шуни кўрсатдики, асабий ҳолатларда жинсий аъзо тизимларида бир қатор ўзгаришлар бўлиб, ҳайз циклиниң ҳолати ва тартиби издан чиқади. Аммо хозиргача бош мия пўстлогида ёки унинг бирор қисмида ҳайз циклини бошқарувчи марказ аниқланмаган. Иккинчи босқичи – гипоталамус, оралик мияниңг бўлими бўлиб, бир қатор ўтказувчи нерв толалари (аксонлар) туфайли, бош мияниңг турли бўлимлари билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра у марказий нерв тизимињнг ҳайз циклини бошқаришда ҳам иштирок этади. Гипоталамусда барча периферик гормонлар учун, шулар қаторида тухумдонлар учун ҳам рецепторлар бор. Демак, гипоталамус организмга атроф мухитдан узатиладиган импульсларнинг бир-бири билан боғлишиларини таъминлайди. Шу билан бир қаторда у ички секреция безларнинг фаолиятида ҳам иштирок этади. Гипоталамусда стимулловчи (либеринлар) ва блокловчи (статинлар) гормонлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек фоллиберин ва люлиберин, гипофизга таъсири қиласиган гонадотропин-рилизинг гормон (ГнРГ), лютеинловчи рилизинг гормон (ЛГРГ) ишлаб чиқарилади.


Гипофиз – гипоталамус билан мураккаб анатомик фаолияти жихатидан бир-бири билан мураккаб равища боғлиқдир ва учинчи босқични ташкил қиласиди. Гипофиз олдинги бўлагининг фаолияти гипоталамусдан ажраладиган нейрогормонал секреция таъсирида назорат килинади. Гипофизнинг олдинги бўлаги аденоғипофиз, орка бўлаги эса нейроғипофиз деб юритилади. Аденогипофизда асосий 6 та гормонлар ишлаб чиқарилади: фолликулнинг стилишини таъминловчи (ФСГ), сарик тананинг тараккиётини таъминлайдиган (ЛГ), пролактин (ПРЛ), соматотроп (СТГ), тиреотроп (ТТГ) ва адренокортиктроп (АКТГ) гормонлар.

Ҳайз циклини бошқаришнинг тўртингчى босқичига – периферик эндокрин аъзолар киради (тухумдон, буйрак усти бези ва қалқонсимон бези).

Тухумдонлар жинсий безлар бўлиб, иккита асосий вазифани бажаради. Булар: 1) фолликулларнинг циклини равища тараккиёти, овуляцияси стилган тухум хужайрасининг ажралиши. 2) тухумдон икки хил жинсий гормон: эстроген ва прогестерон ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, кисман эркаклар гормони – андрогенлар ҳам ишлаб чиқаради. Тухумдонда дастлаб фолликул етила боради, бу жараёнга ФСГ ва ЛГ гормонлари ҳамда окситоцин рефлектор таъсири қўшилади ва протеолитик ферментларнинг таъсирида фолликул корин бўшлиғига ёрилади, яъни овуляция вужудга келади. Демак, бирламчи фолликул 3 та: регенерация, стилиш ва овуляция босқичларини босиб ўтади. Фолликулнинг энг стилган, ёрилишга турган ҳолатини Графф пуфакчалари деб аталади (4.3-расм). Шун-

дан кейин овуляция рўй беради. Овуляциядан кейин ёрилган фолликул ўрнида янги тана, яъни сарик тана вужудга келади.

Сарик тананинг шаклланиши ва тараккий этиш жараёнида донадор кужайралар кўпаяди ва тухумдоннинг мезенхима стромаси кон томирлари билан биргаликда ривожланади, натижада сарик тана вужудга келади.



4.3.—расм. Граф пуфакчаси. Бачадон шиллик пардаси (эндометрий) 2 қаватдан: базал ва функционал қаватлардан иборат.

Ҳайз бачадон шиллик пардасининг десквамация босқичи билан бошланади ва 3-4 кун давом этади. Бу фазада без йўлларидағи эпителий аста- секин ҳалок бўлади, шиллик қават қисман зрийди (аутолиз), қисман парчаланиб ва яна қисман фагоцитоз натижасида шиллик қаватнинг устки спонгиоз қавати кўчуб тушади. Базал қисми яқинидаги бир қисми сакланиб қолади. Базал қаватлари юзасидаги кўчган спонгиоз қават ўрнида қолган яра юзасидан қон кетади. Десквамация билан бирга регенерация бошланади, шу тариқа цикл бошланади.

Ҳайз қони тамом бўлганидан кейин бачадоннинг юпқа базал қаватидан шиллик қават тез фурсатда ўса боради, бунда 4-5 кунда унинг қалинлиги 4 мартагача ошади. Шиллик қаватнинг факат ўзи қалинлашиб қолмай, балки бағрида жойлашган безлар ҳам узунлашиб катталашиди ва бурма шаклини олади, аммо без эпителий етарли даражада катталашиб узун тортишига қарамасдан секрет ажратмайди, шунга кўра без бўшликларида хали суюклик бўлмайди. Бачадон шиллик пардасидағи бу хилдаги ўзгаришларни пролиферация босқичи дейилади. 13-15 кунларда бу фазанинг етилган даври бўлади. Шундан кейин эпителий кужайраларида секреция ажралишининг дастлабки белгилари кузатилилади.

Бу фаза эндометрийда секрет ажратиш босқичи дейилади. 16-кундан бошлаб, без эпителийси ядросида бўлиниш жараёни тўхтайди. Хужайралар бўйига узунлашиди, анча йириклашади, суюклик (секрет) билан тўлишади. Пармага ўхшаган безлар яна кўпроқ эгри- бугри бўлиб қолади. 19-20 кунларда цилиндрсизон эпителий узунлашиб арасимон


Сарик тана куйидаги босқичларни босиб ўтади: 1-босқич: пролиферация, 2-босқич: қон-томирлар билан таъминлаш босқичи, 3-босқич: гуллаш босқичи, 4-босқич: сарик тананинг сўниш босқичи.

Ҳайз циклида бачадон шиллик пардасидаги ўзгаришлар (42.расм). Ҳайз қони тўхтаб бачадон шиллик пардасида қайта куриш (билиш), яъни регенерация жараёни

шаклга киради, без бўшлиги томонга қўпроқ ўсади. Шиллик қават қалинлашган, худди ҳомиладорликдаги децидуал ҳужайраларга ўхшаб кетади.

Шиллик қаватдаги ҳужайралар шишиб катталашади. Бунда шиллик тўқимаси З қаватга: компакт, спонгиоз ва базал қисмларга бўлинади. Секретор фазанинг охирини ҳайз кўриш олди, ҳомиладорликнинг бошланиш олди деб хисобласа бўлади.

Бачадондаги ҳайз цикли тухумдоннинг функционал ҳолатига боғлик. Агар бирор сабабга кўра тухумдон олиб ташланса ёки рентген нури билан тухумдон функциясига таъсир килинган бўлса, аёл ҳайз кўрмайди. Ҳайз циклининг 1 ярмида овуляциядан олдин, пролиферация фазасида тухумдонда ривожланаётган фолликулдан ажралган фолликулин гормони асосий вазифани бажаради (4.4.-расм). Бу гормон фолликулнинг ички қаватидан ажралади. Овуляциядан сўнг сариқ тана гормони (прогестерон) бачадон шиллик пардасида секретор суюклик чиқишига имкон беради.



ради ва бачадон шиллик пардасини ҳомиладорликка тайёрлайди. Бунда факат секреция таъсир килибина қолмасдан, балки юзада жойлашган безларда гликоген ажраплишига имкон беради.

4.4.-расм. Эстрогенлар.

Кўп муаллифларнинг фикрича, овуляциядан кейин ҳам сариқ танадан ажралган прогестерондан ташқари, оз миқдорда эстроген гормонлар ҳам мавжуд. Бачадон шиллик қаватининг бўртиб қалинлашишига сабаб бўлади.

Шуни айтиш керакки, тухумдондан ажраладиган фолликулин гормони бачадонни кисқартиради, прогестерон эса кисқаришни тўхтатади, натижада бачадон шиллик қаватига жойлашган сперматозоид билан қўшилган тухум ҳужайрасига кулай шароит яратилади.

Агар аёл ҳомиладор бўлмаса, ҳайз кўради, бунда бачадоннинг кисқарishi кучаяди, чунки аёл организмидаги прогестерон камайиб кетади. Бачадоннинг кисқарishi натижасида бачадондан ҳайз қонининг ажралиб чикишини таъминлаиди. Ҳайвонларда килинган тажрибалар шуни кўрсатдикки, агар гипофиз безини олиб ташланса, фолликуллар тараққиёти тўхтаб сариқ тана вужудга келмайди. Бундан гипофиз безининг тухумдонга хизмати катта эканлиги маълум бўлади. Шундай килиб, специфик бўлмаган гонадотроп гормони тухумдоннинг специфик жинсий гормонлари - эстроген ва прогестеронни тухумдонда ажралишими таъминлар экан.

Ўргатувчи тестлар.

1. Ҳайз цикли бузилишининг 5 этиологик омилларини кўрсатинг.
 1. Психик касаллик, оғир кечинмалар;
 2. Нотўғри овқатланиш,avitaminозлар;
 3. Касбга оид зараплар;
 4. Инфекцион ва септик касалларлар (сўзак, туберкулёз);
 5. Жинсий камолотга етиш даврида гипоталамо-гипофизар тизим эволюциясининг бузилиши.
2. Марказий сабабларга кўра ҳайз цикли бузилишининг 3 та асосий кўринишини айтинг:
 1. Бош мия пўстлори;
 2. Гипоталамик кўриниши;
 3. Гипофизар кўриниши.
3. Ҳайз цикли бузилишининг периферик сабабларга кўра келиб чиқи шининг 2 та асосий кўринишини айтинг:
 1. Тухумдон туфайли;
 2. Бачадон туфайли.
4. Тухумдон циклининг 2 фазасини айтинг.
 1. Фоллиулин фазаси;
 2. Лютеин фазаси.
5. Бачадон циклининг 4 фазасини айтинг.
 1. Десквамация;
 2. Регенерация;
 3. Пролиферация;
 4. Секреция.
6. Гипофиз олдинги бўлагининг 6 гормонини кўрсатинг.
 1. ТТГ;
 2. СТГ;
 3. АКТГ;
 4. ФСГ;
 5. ПРЛ;
 6. ЛГ.
7. Кун давомийлиги бўйича ҳайз циклининг 3 турини айтинг.
 1. 28 кунлик;
 2. 21-22 кунлик;
 3. 33-35 кунлик.

8. Тухумдоннинг лютеин танаси ривожланишининг 4 фазасини айтинг.

1. Пролиферация;
2. Ваккуляризация;
3. Гуллаш;
4. Қайта ривожланиш.

9. Фолликулиннинг (эстрогеннинг) биологик таъсирини айтинг.

1. Иккиламчи белгиларининг ривожланиши;
2. Жинсий аъзоларининг ўсиши ва ривожланиши;
3. Терморегуляция ва моддалар алмашинув жараёнига таъсири.

10. Прогестерон (гестаген) З таъсирини айтинг:

1. Ҳомиланинг нормал ривожланишига таъсир этади;
2. Эндометрийнинг цикли ўзгаришларини бошкаради;
3. Миометрийнинг кўзралишини пасайтиради.

В БОБ ҲОМИЛАДОРЛИК ФИЗИОЛОГИЯСИ

Максад:

Талабаларга урувланиш тушунчасининг таҳлили, уруулган тухумнинг бўлиниши, ҳомила ривожланишининг қалтис даврлари ва ҳомилага зарарли омилларнинг таъсири тўғрисида тушунча бериш.

Режа.

1. Урувланиш тушунчасининг таҳлили.
2. Уруулган тухумнинг бўлиниши.
3. Ҳомила ривожланишининг қалтис даврлари
4. Ҳомилага зарарли омилларнинг таъсири.

5.1.ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ БОШЛANIШИ ВА ЭМБРИОННИНГ ТАРАҶИЁТИ

Эркаклар жинсий ҳужайраси. Жинсий ҳужайралар хар бир наслда эмбрионал ҳужайрадан янгидан шаклланади. Эркаклар билан аёллар жинсий ҳужайраларининг ривожланиш жараёни бир-бирига ўхаш бўлади.

Эркакларнинг жинсий бези (*testis*) жинсий ҳужайра – сперматозоидларни ажратади, улар сперматогенлардан ташкил топади. Сперматогенлар жинсий беспарнинг эгри-буғри каналлари ички юзасида жойлашган бўлади.

Етук (тухум ҳужайра билан кўшилиш қобилиятига эга) сперматозоидлар етилиши учун сперматогеннинг ривожланиш жараёни – сперматогенез содир бўлиши лозим. Бу жараён ўғил бола балоғатга етиши билан бошланади. Сперматогенлар тез кўпайиб сперматоцитлар биринчи каторига айланади, қисқа ўсиш давридан кейин етилиш фазаси вужудга кела-

ди. Етилиш жараёнида бирин-кетин иккига бўлинади, бу одатдаги митоздан фарқ қиласи ва меозис номи билан юритилади. Бу хилдаги редукцион бўлинишдан кейин такомиллашган эркак жинсий хужайралари энди сперматида номини олади. Бу эса мураккаб дифференциация жараёни на-тижасида бутунлай бошқа кўринишга- сперматозоидларга айланади.


Сперматозоидлар ип шаклида бўлади (бошча, бўйинча ва думчадан иборат). Узунлиги 50-65 мк, бошчаси 4,5 мк бўлади. Сперматозоидлар уруғ йўлига тушгандан кейин ҳаракат қила бошлайди ва уруғ пуфакчалари ва простата бези ажратган суюқликка аралашиб, шаҳват (сперма)ни ҳосил қиласи. Жинсий алоқа пайтида 5-8 мл гача шаҳват ажралиб чиқади. Бунда айрим холларда шаҳват суюқлигига 200 дан 500 миллионгacha сперматозоид бўлади. Сперматозоид асосан думчаси ёрдамида ҳаракатланади. Сперматозоид бир минутига 2-3 мм йўл босади. Шуварскийнинг айтишича, улар жинсий алоқадан кейин 1-2 соат ичидага бачадонга ўтади. Сперматозоидлар жинсий алоқа пайтида киннинг орқа гумбазидаги чукурчага (*receptaculum semeni*) кўйилади. Оргазм на-тижасида бачадон бўйни кенгайиб ундаги шиллиқли тикин шу соҳага чўзилиб тушади ва сперматозоидларни шимиб олади. Оргазм тугагач, бачадон бўйни қисқаради ва шиллиқли тикин сперматозоидлар билан биргаликда яна бачадон бўйни каналига қайтади ва ўзидағи сперматозоидларни бачадонга ўтишига имконият туғдиради. Сперматозоидлар учун ишқорий шароит бўлиши керак. Шунга кўра қиндаги нордон мухит ёмон таъсир этганидан улар бу жойда тез орада ҳалок бўлади. Бачадон бўйни каналидаги ишқорий мухитда эса сперматозоидлар соатлаб, ҳатто бир неча кун яшави мумкин. Сперматозоид бачадон ва унинг найчаларидаги киприкчалар (шиллик қават эпителийлари) ёрдамида осон ҳаракат қилиб, бачадон бўйнидан унинг бўшлиғига, ундан найчаларга ўтади ва ниҳоят найчаларнинг ампуляр қисмида ёки корин бўшлиғида тухум хужайралар билан қўшилади. Найчаларнинг ампуляр қисмида ҳатто бир неча кун, корин бўшлиғида 20 соатгача яшави ва хаёт қобилиятини саклаши мумкин.

Аёл тухум хужайраси тўла стилмагунига қадар эркак уруғи билан қўшила олмайди. Овуляция (фолликулнинг етилиб, ёрилиши) дан анча олдин тухум хужайраси аста-секин такомиллашади, бу жараёнда у иккига бўлинади. Натижада 2 та йўналувчи таначалар (биринчи ва иккинчи қатордаги таначалар) вужудга келади (5.1.-расм). Тухум хужайранинг тараққий қилиши (овогенез) қўйидагича кечади. Овогения ортиқ кўпаймай, 1-қатордаги овоцитга айланади, бу бир оз катталашади, шу жараён охирида овоцит биринчи марта бўлинади. Натижада 2 та хужайра шаклланиб, каттаси иккинчи қатордаги овоцит, кичкинаси эса майдо йўналувчи ёки редукцион танача деб аталади. Шундан кейин иккинчи қатордаги овоцит яна бўлиниб, бунда етилган тухум ва иккинчи йўналтириш таначаси (редукцион танача) ни ҳосил қиласи. Булардан биринчиси яна иккига бўлиниши мумкин. Натижада иккинчи қатор овоцит ядролари-

даги редукцион бўлининги натижасида хромосомаларнинг факат ярми 46 та ўрнига 23 та колади. Бу барча жараён эркак уруги билан кўшилишга кобилия-тили тухум ҳужайранинг шаклланишига олиб келади. Овогенез жараёнида битта 1-қатордаги овоцитдан факат битта етилган тухум ҳужайра ва 3 та шимилиб кетадигаи йўналиш таначалари пайдо бўлади. Агар тухум ҳужайра юкорида қайд килинган жараёнга учрамаса, у етилмайди ва шунга кўра сперматозоид билан кўшила олмайди.

Балоғатга етиш даврида тухумдондаги бошлангич фолликуллардан биттаси ёки иккитаси ривожлана бошлайди. Япалок ҳолатдаги донадор ҳужайралар шиша бошлайди ва улар катталашиб цилиндр, учбурчак ҳолатини олади. Айни пайтда улар энергетик равишда митотик бўлиниш билан кўпаяди. Бу даврда фолликулнинг ўзи тўхтовсиз катталаша боради. Сўнгра тухумни ўраб олган бир неча қатор ҳужайралар орасида бўшлиқ ҳосил бўлади, бу бўшлиқдаги фолликулларда суюклик бўлади. Бу суюклик кўпая борган сайин тухумни ва гранулёз (донадор) ҳужайраларни четга суради ва фолликул янга катталашиб, аввал нўхатдек, кейин аса ловиядек бўлиб қолади. Етилган фолликул - Грааф пуфакчасини ўраган устки пардаси (*theca folliculi*) ҳосил бўлади. Бу парда икки қаватдан иборат бўлиб, ичкиси (*tunica (theca) interna*) қон томирларга бойдир, иккинчиси ташки қаттиқ фиброз қават (*theca externa*) деб аталади ва унинг қон томирлари кам бўлади.

Фолликул етилиши жараёнида аста-секин тухумдоннинг ташки пардасидан *membrana albuginea* бўрта бошлайди ва йиртилишга тайёр бўлиб қолади. Организмдати гормонал жараён таъсири ва фолликул ичидаги босимнинг ошиши натижасида у ёрилади. Фолликул суюклиги тухум ҳужайра ва қисман донадор ҳужайра (*granulosa*) лар билан бирга тухумдоннинг ёрилган жойидан корин бўшлиғига тушади. Фолликул ёрилиб, тухум ҳужайранинг чиқиши овуляция дейилади. Овуляциянинг тахминий муддати ҳайз циклининг 10-12-кунларига тўғри келади, у охирги ҳайзнинг биринчи кунидан хисобланади.



5.1.-расм. Аёл тухум ҳужайраси

5.2. УРУГЛАНИШ, УРУГЛАНГАН ТУХУМНИНГ БЎЛИНИШИ ВА УНИНГ БАЧАДОНГА ПАЙВАНДЛАНИШИ

Уругланиш деб, эркак уруги ядроси билан аёл уруғи ядросининг кўшилишига айтилади (5.2.-расм).

Жинсий алоқада эркак спермаси қиннинг орка гумбазига тушади (*receptaculum seminis*).

Бачадоннинг қисқариш хусусияти жинсий қўзғалишда анча кучли бўлади (уруланиш жинсий қўзғалишсиз ҳам бўлиши мумкин). Бунда қин даҳлизини ўраган мускул (*Constrictor cinni*) дан бачадон найчаларигача жинсий қўзғалишда иштирок этади.

Шу қисқариш натижасида қин даҳлизи безларида ишлаб чиқарилган хусусан бартолини безидан мойли секрет қинга тушади, бачадон бўйнидаги шиллик тиқин(пробка) эса бўйин каналидан тилга ўхшаб орка гумбаз чукурчаси томон осилиб тушади. Аммо бутунлай тушиб кетмайди. Жинсий алоқада киннинг орқасидаги чукурчасига қўйилган сперматозоидлар жинсий қўзғалиш тугагач бачадон танаси ва бўйин анча бўшашади. Натижада осилиб турган шиллик яна бачадон бўйин каналига қайтарилади. Шу жараёнда улар шиллик тиқинга (пробкага) шимилиб олинган бўлади, шиллик бўйин каналига сперматозоидлар билан қайтгач (бир неча миллион) сперматозоидлар актив ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлганига кўра бироз қисқариши натижасида бўйин каналидан бачадон бўшлиғига ва ундан бачадон найчаларига ўтади. Қолган сперматозоидлар киндаги нордон шароитда халок бўладилар.

Кўп текширишлар шуни кўрсатдики, сперматозоидларнинг аёл тухуми билан қўшилиши бачадон найчаларининг ампуляр қисмида бўлади.

Аёлнинг тухум ҳужайралари сперматозоидлар каби ҳаракатланиш хусусиятига эга эмаслар.

Овуляция натижасида тухум ҳужайраси қорин бўшлиғига тушади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, бачадон найчаларининг кенгайган қисмидаги ампула шокилдалари (*fimbria ovarica*)дан бири узунрок бўлганига кўра у овуляция натижасида ажралиб чиқсан тухум ҳужайрасини найчанинг ампула қисмига узатади.

Бу жараёнда албатта аёлнинг рухий ҳолати ҳам катта роль ўйнайди. Агар асаб тизимининг фаолияти маълум даражада бузилган бўлса, қўшилган тухум ҳужайраси бачадон найчаларидан тутилиб қолиб бачадондан ташқаридағи ҳомиладорлик вужудга келишига олиб келиши мумкин.

УРУГЛANIШ

Найча ичига яқинлашган тухум ҳужайрасига жуда кўп сперматозоидлар интилади. Лекин сперматозоидларга тухум ҳужайрасини ўраган, шульласимон тож ва ялтирок парда тўскинилк қиласи. Бунда найчалардаги мазкур узун шокилда тухумдан, қорин бўшлиғи орасидаги кўприка ролини ўйнайди. Айтиб ўтганимиздек, овуляцияда тухумдан ажралиб чиқсан тухум ҳужайра шу киприка орқали найчага ўтади. Найча ичидаги сперматозоидлар тухум ҳужайрасига пешвоз чиқиб шу ерда улар қўшилади. Уруғланган тухум ҳужайра – зигота - найчанинг перистальтика ҳаракати туфайли бачадонга қараб бўлиниш жараёнида йўналади. Бу жараёнда аёлар гормонларининг ўрни бениҳоя катта.

Хусусан, эстроген гормонлар бачадон найчалари, мушакларнинг кисқариш активигини таъминлайди, жумладан найчаларнинг перистальтикасини амалга оширади (5.3.-расм).

Сперматозоидлар гиалуронидаза деб аталаған эритувчи моддани ишлаб чиқаради. Гиалуронидаза шуъласимон тож ва ялтироқ парданни эритиш хусусиятига зга.

Эритиш учун керак бўлган секретни яратишда кўп сперматозоидлар иштирик этадилар. Улар, ниҳоят, каршиликларни енгиги улардан бир нечтасининг бошчалари тухум ҳужайрасининг протоплазмасига киришга эришади, қолганлари эса ҳалок бўлади ва бачадон найчаларининг шиллиқ пардасига сингиб ўйк бўлиб кетади.

Тухум ҳужайрасига кирган факат биттаси ёки иккитасигина уруғланнишда иштирик этади. Сперматозоид бошчаси тухум ичига киргач унинг боши думидан ажралади (энди у уруғ ёки эркак ядро деб аталади). Ўзи томон силжиётган тухум ҳужайрасининг ядроси томон йўналади ва у билан кўшилиб, битта ядрога айланади. Шундан кейин уруғланниш даври тугаб ҳомиладорлик бошланади.


УРУҒЛАНГАН ТУХУМНИНГ БЎЛИНИШИ ВА УНИНГ БАЧАДОНГА ПАЙВАНДЛАНИШИ

Уруғланган тухум майдаланиш даврига ўтади, натижада у бластомер деб аталувчи киз ҳужайраларига бўлинади, бунда ҳар бир шар ўз навбатида майдаланишга учрайди ва тут донасини эслатадиган бластомерлар комплекси - морулани ҳосил қиласди.

Бластомерлар киз ҳужайраларига бўлинганда бу бўлинган ҳужайраларининг ҳар бири оддинги ҳужайралардан икки марта кичик бўлади. Моруланинг ҳажми етилган тухум ҳужайрасидан унчалик катта бўлмайди. Морула найча ичиди бачадон томонга йўлини давом эттиради. Уруғланган вақтдан бошлаб орадан 6-7 кун ўтгач, қўшилган тухум бачадон ичига келиб тушади (5.4.-расм).

Бу кунларни имплантация олди (1 калтис) даври хисобланади.

Ҳомила тухум (пушт) бачадон бўшлиғига тушгандан кейингина она организмига пайвандланади. Яъни уруғланган тухум бачадон шиллиқ пардасига туташади (имплантация бўлади) ва пуштнинг бачадонга пайвандланишини таъминлайди.



5.4.-расм. Уруғланган тухумнинг бўлиниши.

Хомила тухуми бўлиниши натижасида ҳосил бўлган янги ҳужайралар (blastomericlar) кетма-кет кариокинез усулида бўлиниб, янги бластомерлар ҳосил қиласди. Бу бўлиниш соматик ҳужайраларининг ростмана бўлинишидан фарқ қиласди. Ҳар бир бўлинишдан сўнг янги ҳужайралар яна майдароқ, улар бир-бирига зич жойлашиб, тут донасига ўжшаб морулани ташкил қиласди деб айтиб ўтган эдик. Бу даврга келиб морула бластоцитга айланган бўлади. Пуштнинг бластоцит босқичида унинг ҳужайраларининг бир кисми (цириоклари) эмбриобластни ташкил этиб, ундан келгусида эмбрион ривожланади. Қолган кичик ҳужайралар пушт чеккарогида жойлашиб, озиқлантирувчи пардан – трофобластни ташкил этади. Трофобласт шунингдек пуштнинг бачадон деворига пайвандланишини таъминлайди. Бу жараён трофобласт ишлаб чиқаридиган ферментлар бачадон шиллик пардасини эритиш ва бу ерда бластоцитнинг ботиб киришига имкон беради. Бластоцит бачадон шиллик пардасининг функционал қавати ичига кириб, бу жараён анчагина тез юз беради – 40 соатда бутунлай ботиб кириб, унинг шиллик пардасидаги тешик ҳам битиб кетади ва демак, пушт шиллик қават ичига ёпишиб жойлашиб қолади. Бластоцитнинг бачадон шиллик қаватига ботиб кириш жараёнида атрофидаги тўқималарда кон томирлар жадал ривожланиб кўпаяди, бирютирувчи ҳужайралар сони ортади, уларда гликоген тўпланади. Шиллик парда пайвандланиш (имплантация) пайтида ўзининг секреция даврини ўтаётган бўлади. Бу даврда унда пушт озиқланиши учун зарур моддалар тўпланган. Бунинг устига трофобласт туфайли пушт атрофида тўқималар емирилиш маҳсулотлари тўпланади ва бу моддалар пушт озиқланиши учун мухит (эмбриотроф) хисобланади. 8 кундан то 84 кун (12 хафта) гача имплантация, гисто- ва органогенез (II калтис) даври хисобланади.

ПУШТ ПАРДАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ

Пушт тухум бачадонга пайвандлангандан кейин бачадон деворида кескин ўзгаришлар рўй беради. Шиллик парда функционал қаватининг зич ва ғовак қатламлари янада яққол билинади. Зич қават (*stratum compactum*) салқиган стромадан тузилган бўлиб, унда безларнинг чиқарув найчалари ўтади. Строма толалари тўрида йирик, кўп киррали пуфаксимон ядроли децидуал ҳужайралар жойлашади. Улар гликогенга бой, фагоцитоз хусусиятига ҳамда гормон ишлаб чиқариш қобилиятига эга ҳужайралардир.

Ғовак қатлам (*stratum Spongiosum*), чукурроқ қават, унда жуда кўп гипертрофияланган безлар бўлиб, стромасида децидуал ҳужайралар бўлмайди .

Пуштнинг ўсиши жараёнида децидуал парданинг турли қисмлари алоҳида ном олади. Тухум тагида жойлашган қисми *decidua basalis* деб аталади. Бачадон бўшлиғига бўртиб чиккан юзаси қопланган қисми эса *decidua capsularis* дейилади.

Бутун бачадон бўшлигини қоплаган барча қолган қисми эса *decidua parietalis* дейилади.

Децидуал парданинг иккала қатлами ҳомиладорликнинг тўртинчи ойига келиб энг кўп қалинлашади. Оддий кўз билан қаралганда қалин, бурмали шиллик парда кўринишига эга. 4-5 ойда ҳомила энди бачадон бўшлигини тўлиқ эгаллади, децидуал пардалар яқинлашиб бирлашиб кетади. Бу ҳар иккала қават кўшилишига кадар юпқалашади, улардаги томирлар, децидуал ҳужайралар кескин камаяди, эпителий қавати йўқолиб кетади, *decidual basalis* да эса, аксинча, зич ва ғовак қаватлар қабариб ривожланади. Унда, аксинча, қон томирлар жуда ривожланиб капиллярлар зич томирлар тўрини хосил қиласди. Ушбу гипертрофияланган ва томирларга бой пардага кўплаб хорион сўрчичлари ўсиб келади. Булар атрофида бўшлиқ юзага келиб, унга бачадон артериялари кони куйилади.

Шундай килиб, децидуал парда она организми, яъни бачадон эндометрийсининг ўзига хос ўзгариши ҳисобига вужудга келади. Қолган икки палла хорион ва амнион парда ҳомила тўқималари ҳисобига хосил бўлади.

Хорион сўрчичлири билан бачадон шиллик пардаси орасида юкорида қайд этилганидек, тўқималарнинг ғемирилиш маҳсулотлари ва она қон томирларидан чиккан қон жойлашади. Бундан ҳомилага кислород етиб боради. Сўрчичлар билан бачадон шиллик пардаси орасидаги бўшлиқ бирламчи сўрчичлараро бўшлиқ деб аталади. Дастрлаб тухум бутунича бўшлиқ билан ўралган бўлади. Ҳомила тараққиётининг кейинги босқичларида сўрчичлараро бўшлиқ факатгина плацента соҳасида бўлиб, иккиласми сўрчичлараро бўшлиқ дейилади. Трофобласт билан бир вактда эмбриобласт ривожланади. Эмбриобласт бачадон найдаёқ ривожлана бошласа-да, бачадонга пайвандлангандан сўнг айникса тез ривожланади. Бластоцистанинг сегментларидан бирида ҳужайралар тўпламидан иборат иккита тугунча - эктобласт ва энтобласт юзага келади. Улар марказида бўшлиқ хосил бўлиб, тугунчалар пуфакчаларга айланади. Эктобласт пуфакча ёёқчаси ёрдамида трофобластга тушади. Ундан амнион бўшлиги хосил бўлади. Бу бўшлиқ девори сув пардаси – амнионга айланади. Эндобласт пуфакча марказига яқинроқ жойлашиб сариқлик бўшлиғига айланади, эктобласт ва энтобластнинг амнион ва сариқ пуфакча орасидаги ҳужайралари пушт куртагини ташкил этади. Пушт куртаги учта варакадан - эктодерма, мезодерма ва эндодермадан тузилади, ана шу вараклардан тўқима ва аъзолар ривожланади.

Амнион пуфакчаси унда тўпланаётган суюқлик ҳисобига тезда катталашади. Бластоциста бўшлиғи йўқолади. Амнион ва сариқ пуфакча орасидаги пушт амнион бўшлиғига ботиб кира бошлайди ва аста-секин унга бутунлай ботади. Амнион бўшлиғига катталашуви билан сариқ пуфакча бўшлиғига кичрайади, сариқлик томирлари артрофияга учрайди, пардалар ривожланиши билан бир пайтда пуштнинг бирламчи ичагини

орқа учидан ўсимта-аллантоис ҳосил бўлади. Амнион пуфакчани трофобласт билан туташтирувчи оёқча бўйлаб аллантоис сўргичли пардага йўналади. Аллантоис бўйлаб пушт танасида сўргичли пардага томон томирлар ўтади. Бу томирлар хорионнинг ҳар бир сўричига ўсиб киради. Шу дамдан бошлаб пуштнинг аллантоис кон айланиши ривожланиб пушт билан она организми ўртасидаги жадаллашиб бораётган алмашинув жараёнини таъминлайди.

Ҳомила тараккиётнинг илк босқичлари тугалланиши даврига келиб, у учта парда децидуал сўргичли ва сув парда ва шу парда ичидағи амнион суюқлиги билан ўралади.

Децидуал парда бачадон шиллик пардаларида ривожланади, сўричли ва сув парда ҳомилага хос. Шундай килиб, децидуал парда ҳомиладорлик туфайли ўзгаришга учраган бачадон шиллик пардасининг функционал қаватидир. Децидуал парда бола туғилгандан кейин бачадон бўшлиғидан кўчиб йўлдош билан бирга чиқади.

Имплантация пайтида бачадон шиллик пардаси секреция фазасида бўлади. Бачадон безлари секрет билан тўлган строма хужайралари юмалоклашган, ичидаги пушт озиқланиши учун зарур бўлган гликоген, липид, гликопротеид, фосфор, кальций ва бошқа моддалар тўпланади. Децидуал пардада биологик актив модда простагландинлар аникланган. Функционал қават ғовак ва зич қатламларга бўлинади. Ғовак қатлам (Stratum spongiosum) асосан безлардан иборат. Компакт қатлам (Stratum compactum) юмалоклашган строма хужайралари - децидуал хужайралардан тузилиб, орасидан безларнинг чиқарув йўллари жойлашади.

Имплантациядан кейин бачадон шиллик пардаси анча қалинлашади, безлари эса секрет билан тўлишади. Зич ва ғовак қатлами янада фарқ қила боради. Зич қатлами гликогенга, оқсилга, мукополисахаридларга бой бўлиб, фагоцитоз хусусиятига эга. Зич қатламга ботиб кирган пушт тухум децидуал парда элементлари билан ўралади.

Сув парда (амнион) ёпик копчадан иборат бўлиб, унда ҳомила сувга ботган ҳолда жойлашади. Ҳомиладорликнинг ривожланиши жараённида амнион бўшлиғи тезда катталашади. Амнион хорионга ёпишади ва плацентанинг ички юзасини қоплайди, киндик ўқига ҳам ўтиб уни ғилоф сингари ўрайди ва киндик соҳасида ҳомила терисига уланади. Амнион мезенхимадан ривожланган бир неча қават биринкирувчи тўқимадан ва эпителийдан тузилган. Бу эпителий ҳомила суви ҳосил бўлиши ва алмашувида иштирок этади. Амнион ва силлиқ хорион ҳомила суви таркибининг мутаносиблигини таъминлашда қатнашади. Хуллас, амнион энг ички парда бўлиб, ундан ташқари томонда сўричли парда (хорион) ва энг сиртки қисм-децидуал-кўчиб тушувчи парда жойлашади.

Ҳомила суви (*liquor amni*)-ҳомиладорлик охирига келиб 0,5-1,5 литрга етади ва амнион бўшлиғини тўлдириб туради. Ҳомила сувини амнион эпителийси ишлаб чиқаради. Сувнинг ортиқчаси эса амнион ва силлиқ хориондаги хужайралараро канал ва тешиклар орқали сўрилиб туради.

Хомила сувининг алмашуви жадал юз беради, шу билан бирга сув таркибининг тургунлиги таъминланади. Сувга ҳомила сийдиги ҳам ажралади, шунингдек тери эпидермис хужайралари, мой безлари секрети, ҳомила-нинг туклари қўшилади.

Ҳомила суви таркибига оқсиллар, ёғлар, липидлар, карбонсувлар, тузлар, микрозлементлар, гормонлар, ферментлар, аминокислоталар, сут кислотаси ва бошқалар киради. Ҳомила сувининг аҳамияти жуда каттадир. Ҳомиланинг эркин харакати ва ривожланиши учун шароит яратади, ташки таъсиrottлардан асрайди, киндик ўқини эзилиб қолишдан сақлайди, ҳомила модда алмашинуви жараённида қатнашади, тугрук даврида ҳомила суви билан тўлган қофаноқ пардаси, ҳомила пуфагини ташкил этиб бачадон бўйни очилишида иштирок этади.

5.3. ПЛАЦЕНТА

Плацента (placenta) кўринишидан кулчасимон думалоқ, қалин ва юмшоқ бўлиб, диаметри 18 см, қалинлиги 2-3 см ва оғирлиги 500-600 г бўлади. Унинг иккита юзаси ва бачадонга тегиб турадиган она юзаси бор. Плацентанинг устки қисми амнион билан қопланган бўлиб, унинг тагида киндик ёпишган жойдан йўлдош четларида шуъла сингари тарқалувчи артерия ва вена қон томирлари ётади. Плацентанинг она юзаси ёриклар билан бир неча (15-20) бўлакка бўлинган ғадир-будур, баъзан бўлинмаган текис, юпқа нурсиз ва кўчидан тушадиган нозик парда колдиги билан қопланган.

Она қони билан ҳомила қони ўргасидаги моддалар алмашинуви куидагича бўлади. Она қони бачадон шиллик қаватидаги ворсинкалараро бўшлиқка тушади. Плацентада қон томирлар тармоқланиб, унинг ворсинкалари оралиғига жойлашади, натижада ҳомила учун керакли моддалар алмашинуви содир бўлади. Ҳомиланинг қон томирлар системаси ҳар бир плацента бўлаклари ва улардан ҳар бир хорион ворсинкаларига тармоқланувчи иккита киндик артериясидан иборат. Энг охирги шоҳчалар жуда ҳам майда шоҳобчаларга (капилляларга) бўлинади ва вена капилляларни билан туташади. Вена капилляларни эса бир-бири билан кўшилиб, ниҳоят киндик венасини ташкил қиласди. Шундай килиб, хорион тукларини ўраб олган она қони ва хорион туклар томирдаги ҳомила қони иккита алоқида қон айланиш системасини ташкил қиласди. Бинобарин, она ва бола қон айланиш системалари алоҳида – алоҳида бўлгани учун кон ҳеч қаерда бир-бири билан аралашмайди. Лекин ворсинка капилляларни ва уларни қоплаб турган эпителийлар орасидаги пардалар жуда юпқа бўлганлиги туфайли ҳар иккала қон томир системаси орасида алоқа борланади. Бундай алоқа она билан бола ўртасида моддалар ва ҳаво алмашинувини таъминлайди. Шу жихатдан плацента ҳомиланинг озиқланишини, нафас олишини ва алмашинувчи моддаларнинг ажралишини таъминлайдиган аъзо ҳисобланади. Бундан ташқари, плацента гонадотроп гормонлар, эстрогенлар ва прогестерон ишлаб чиқариб, ҳомиладорлик ҳамда тургукнинг нормал ўтишини таъминлайди.

Агар плацентанинг бирор қисми (ярмиси) ишдан чиқса (ўрнидан кўчса ёки турли патологик ўзгаришлар юз берса), ҳомилада кислород танқислиги вужудга келади ва ҳалок бўлади. Шунингдек, плацентанинг кўпроқ қисмида қон айланиши бузилса, яъни катта инфаркт ҳосил бўлса, плацентанинг нафас юзаси камаяди ва натижада ҳомила нобуд бўлиши мумкин. Физиологик ҳолатда плацента бачадон деворининг орка ва олд юзасига ёки бачадон тубининг бирор ёнига туташади. Агар йўлдош бачадоннинг пастки қисмига туташган бўлса, буни патологик (нотўри) жойлашиш (йўлдошнинг олдин келиши) деб аталади. Плацента орқали ҳомилага онадан кислород, углевод, гормонлар, витаминлар ва оқсил моддалар ва бошқалар ўтади. Оқсил моддалар плацентадан ўтаётганда парчаланади ва ҳомилага аминокислота сифатида етиб боради. Ҳомиладан онага эса карбонат кислота ва ҳомиланинг алмашинув маҳсулотлари ўтади.

Киндик (*funiculus umbilicalis*) ёки киндик тизимчаси пишик тўқимадан иборат бўлиб, у бир уни билан ҳомиланинг корин деворига, иккинчи уни билан йўлдошга бирикади.

Ҳомиладорлик охирида киндик тизимчасининг узунлиги 50-60 см, диаметри 1,5 см га етади. Лекин у жуда узун ёки нормадан калта бўлиши хам мумкин. Киндик кўпинча плацентанинг ўрта қисмига (марказий бирикиш) ёки ёнига (ёнга бирикиш) ёхуд четига якин ерига (четга бирикиш) бириккан бўлиши мумкин. Баъзан киндик йўлдош тўқимасига бирикмай, унинг четидан бирмунча наридаги хорион пардасига бирикиши хам мумкин. Киндик тизимчаси бурилган, ҳамма юзаси эгилган, дўмбок (дўнг)лар билан қопланган бўлади.

Киндик тизимчаси ичидан иккита артерия ва битта вена томири ўтади. Артерия томирлари орқали вена қони ҳомиладан плацентага оқади, вена томирлари орқали эса кислородга бой бўлган артериал қон плацентага ва ундан ҳомилага оқади. Киндик тизимчасининг қон томирлари шишликли эмбрионал бириктирувчи тўқима, юлдузсимон ва бошқа турдаги хужай-ралари бўлган вартон дирилдоги деб аталувчи дирилдок билан ўралган бўлади. Киндик ташқаридан амнион билан қопланган бўлиб, унинг ичидагартона дирилдоги жойлашган.

Шундай килиб, киндик, плацента, ҳомила пардалари биргаликда йўлдош деб аталади. Йўлдош ҳомила туғилгандан кейин туғилади.

Йўлдош ҳомиладорликда янги эндокрин аъзо хисобланади. Бунда гормонлардан ташкари окситоксик моддалар йигилади.

Баъзан тухумдон кисталари ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида операция қилиб олиб ташланганда плацентадаги хорион гонадотропин бачадоннинг вактидан олдин кисқаришини олдини олиб ҳомиладорликни сақлайди. Хорион гонадотропинни хорион киприкчалар эпителийлари ишлаб чиқаради. Бунинг исботи шуки, ҳомиладорликнинг муддати ошган сари эпителийлар камая боради, шунга кўра хорион гонадотропин хам камайиб, ҳомиладорлик эстроген гормонларнинг биологик фаол фракцияси ошади, деб хисоблайдилар (5.5.-расм).

5.4. ҲОМИЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Одатда ҳомиладорлик даври 280 кун, буни календар ойи билан ҳисобланганда 9 ой, акушерлик ойи билан 10 ой, яъни 40 хафта давом этади. Шу муддат давомида уругланган тухум ҳужайрадан дастлабки ой ичидагодам эмбриони, сўнгги ойларда эса ҳомила тараққий қиласди. Амалда ҳомиладорлик муддати охириги ҳайзинг биринчи кунидан бошлаб белгиланади. Аммо бу муддат тахминий бўлиб, баъзан икки ҳафтагача хотога йўл кўйиш мумкин бўлади. Ҳомиланинг асосий ёши юкорида кайд қилганимиздек, ҳайз цикли билан белгиланади(овуляция муддатини аниқ билиш баъзан қийин бўлади). Ҳомиладорликнинг биринчи ойида тухум ҳужайра бўлинади, эмбрион ва унинг пардалари вужудга келади. Эмбрионнинг биринчи икки ойидаги ҳаётида инсон эмбриони деб ҳисоблаш мумкин бўлмайди, яъни уни ҳайвонлар эмбрионидан ажратиш қийин бўлади. Учинчи ойининг охирида эмбрион аста-секин одам кўринишига кириб, ҳомила номини ола бошлайди, дум қисми калталашади. Танасига нисбатан катта бошида кўз, бурун ва оғизнинг бошлангич қисми ва ташки жинсий аъзолар билина бошлайди. Қорин бўшлиги бекилган бўлади (5.6-расм).

Рентгенда 7-8 ҳафталик эмбрион ўмров суюгига суюкланиш нуткалари кўринади, ҳомиладорликнинг учинчи ойида ҳомиланинг узунлиги 8-9 см ва оғирлиги 20-25 г бўлади. Оёқ - қўллари шаклланади. Боши билан танасининг узунлик нисбати нормаллаша боради. Оёқ-қўл бармоклари ва тирноқларининг бошлангич аломатлари кўрина бошлайди. Ташки жинсий аъзолар шаклланади. Шу муддатдан бошлаб плацентар ёки ҳомила (III калтис) даври бошланади (5.7-расм).

4-ойнинг охирида унинг узунлиги ва оғирлиги 120 г, жинси аниқ билинади. Ҳомиланинг қўл ва оёқлари фаолрок кимирлайдиган бўлади, лекин она буни сезмаслиги мумкин. Ҳомиланинг териси жуда юпка қизғиш рангда бўлиб, тери ости ёғ қавати бутунлай бўлмайди.

Ҳомиладорликнинг 5-оий охирида ҳомиланинг узунлиги 25 см (ой-куни етган ҳомила узунлигининг ярми), оғирлиги тахминан 300 г бўлади, бошининг узунлиги ҳомила умумий узунлигининг учдан бир қисмини ташкил қиласди. Пайдо бўлган ёғ безларидан ёғ моддаси ажрала бошлайди. Ажралган ёғ билан кўчган тери эпидермиси, қазғок аралашиб, кул ранг ёғни vernix caseosa ҳосил қиласди. Бу ёғ ҳомиланинг танаси, пешонаси, орқаси ва оёқ-қўлларини қоплайди. Бу даврда ҳомиланинг териси тўк кизил рангга кириб майнин туклар билан қопланган бўлади.

Ҳомиладорликнинг 6-оий охирида ҳомиланинг териси кариларнинига ўхшаб бурушган, боши ва танасининг ҳамма юзаси тук билан қопланган, қулоқ ва бурун тоғайлари, юмшоқ тирноқлар бармок учларига етмаган

бўлади. Ўғил болаларда мояк ҳали мояк халтасига тушмаган, қизларда эса кичик жинсий лаб ва клитор, катта жинсий лаблар етарлича ривожланмаганлига сабабли ташки жинсий ёриқ ҳали ёпилмаган бўлади.

7-ойлик ҳомиланинг узунлиги 35 см, оғирлиги 1000-1200 г бўлади. Агар бола 7 ойлик туғилса, яхши парвариш килинганда яшаб кетиши мумкин.

8-ой охирида ҳомила териси анча текис ва майин туклар билан қопланган бўлади. Ҳомила узунлиги 40 см, оғирлиги 1500-1600 г. Бу муддатда туғилган болалар ҳам худди етти ой охирида туғилган чақалоқ каби яхши шароитда парвариш қилинса, яшаб кетиши мумкин.

9-ой охирида ҳомиланинг тери остидаги ёғ қатлами анча кўпайиши натижасида терисидаги бурушган жойлар текисланиб, рангги оч пушти бўлиб колади. Туклар камаяди, бошдаги соchlар узунлашади, тирноклар ўсиб, бармоқлар учларига етади. Кулок, бурун тогайлари анча қаттиклашади. Ҳомила етила бошлайди. Туғилган ҳомила қаттиқ кичкиради, кўзини бемалол очади ва одатда кўкракни эма олади. Бундай ҳомила деярли яшашга қобилиятли бўлади. Бу вақтда ҳомиланинг узунлиги 45 см, оғирлиги 2400-2500 г келади.

10-ой давомида ҳомила етарли даражада ривожланиб ой охирида тўла етилади. Териси оч пушти рангда, текис, тирноклари ўсиб, бармоқлари учига етган бўлади, агар 5-ойда ҳомиланинг боши унинг гавда узунлигининг учдан бир кисмини ташкил қилса, 10-ой охирида тўртдан бирини ташкил килиб, ҳомила боши билан гавдасининг нисбати нормал ҳолга келади. Бу муддатда ҳомиланинг бўйи 50 см га, оғирлиги 3200-3500 г га етади (5.8.-расм).

5.5. ҲОМИЛАНИНГ ЕТИЛГАНЛИГИНИ КЎРСАТАДИГАН БЕЛГИЛАР

Ҳомиладорлик муддатининг охирида етилган ҳомила белгилари қуйидагича бўлади:

1. Ўртача оғирлиги 3000-3500 г (2500 г дан 4000 г гача), узунлиги (бўйи) 50-52 см (45 см дан кўп), бошининг айланаси 32-34 см, чаноқ айланаси 35 см, чанори 28 см .

2. Етилган ҳомиланинг кулоклари, бурун тогайлари қотган, тирнори қаттиқ, бармоқ учларидан чикиб туради. Бошидаги сочи 2 см га етади, қоп ва киприклари яхши билиниб туради.

3. Плацентанинг онага (бачадонга) ёпишган сатҳи қизил, кулранг, бирмунча ялтироқ (бу ҳолат кўчиб тушадиган парда ҳисобига) бўлади, 15-20 бўлакка бўлинган бўлаклар оралиғида тўла бўлмаган тўсик бор. Бу тўсик децидуал пардадан ташкил топган.

4. Ҳомилани ўраган парда 3 қаватдан иборат, амнион ҳомила пардасининг ички қавати бўлиб, хорионга тегиб туради, бир қаватли цилиндрик эпителий билан қопланган бўлади, кон томирлари бўлмайди, децидуал ёки кўчиб тушадиган парда бачадоннинг ўзгарган функцию-

нал қаватидир. Децидуал парда хорионга анча мустаҳкам бириккан.

Сув пардаси ҳомила тухумининг ички пардаси ҳисобланади. Ҳомиладорликнинг охирида юқалашиб, кон томирларсиз, цилиндриксимон эпителий билан қопланиб колади. Унинг 2 қавати булади: ички – ҳомилага қараган қавати, ташки – хорионга зич ёпишган тўқима қавати.

5. Киндик тизимчасидан иккита артерия, битта вена томирлари ўтади, уларнинг устини сув парда коплаган булади. Артериядан вена қони, венадан эса артерия қони оқади. Венадан оқадиган қон кислородга ва озик моддаларга бой булади.

Киндик тизимчасида сохта тугунчалар бўлиши мумкин, бу киндик артериясининг буралиб қолган жойларида ёки варикоз сифатида кенгайиб қолган веналар туфайли юзага келган бўлади. Баъзи холларда киндик тизимчасида чин тугунлар учрайди, улар ҳомила қимирлагандан қаттиқ тугилиб қолиши ва натижада қон томирларда ҳомилага қон ва кислород ўтмай қолиши мумкин, бу ҳомилани ҳалокатга олиб келади.

6. Ҳомиладорликнинг охирги муддатида қоғаноқ суви 50 дан 1000 мл гача бўлади, баъзан бундан кўп бўлиши мумкин. Бу патологик холат бўлиб, кўпсувлик деб аталади. Қоғаноқ сувининг таркиби жуда мураккаб, унда ҳомила танасининг соchlари, кисман ёғ безларидан ажралган ҳомила танасини қоплаган мой ва бошқа электролитлар, микроэлементлар ва оқсили мавжуддир.


7. Етилган ҳомила тугилиши билан қаттиқ қичқиради, қимирлайди, чуқур ва бир хил нафас олади. Унинг териси пушти ранг, елкаси ва орқасининг юқори қисми майин тук билан қопланган бўлади. Териости қавати яхши ривожланган, терисида кулрангсимон мой қолдиклари сакланган бўлади.

5.6. ЕТИЛГАН ҲОМИЛА БОШИНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ

Етилган ҳомиланинг боши унинг энг катта қисми ҳисобланади. Одатда она қорнидалигига ҳомиланинг боши ва жигари тоза қон билан таъминланади, шунга кўра бошининг ҳажми бирмунча катта, шунинг учун тугиши йўлларида қаршиликларга кўпроқ учрайди. Демак, етилган ҳомила бопи, ўлчови ҳамда унинг чаноққа кириш қисмida туриши ва тузилишини билиш мухим.

Чақалоқ бош суякларининг қирғоклари (четлари) бир-бирига тегиб турса ҳам, улар четида чоклари яхши тарақкий этмаган ва бир-бирининг орасига маҳкам кирмаган бўлади. Чокларнинг бундай мустаҳкам эмаслиги тугиши вактида суякларнинг бир-бири устига мингашиб, бошнинг бирмунча кичрайиб, чаноқ ўлчовига мослашишига имкон беради. Мия қисми суяклари чақалоқ тугилишига қадар тўла суякланиб бўлмайди, бир-бири билан кўшилувчи суяклар бурчагида 2 та оралиқ колади. Бу ликилдоқ – *Fontiulus* деб аталади. Кичик ва катта ликилдоқ бўлади (5.9.-расм).

Акушерлик тажрибасида куйидаги чоклар амалий аҳамиятга эгадир:



5.9.-расм. Янги туғилган чақалоқнинг боши. Юқоридан кўрининиши

Катта лиқилдок пешона чоки билан ўқсимон чокнинг бирлашган жойида хосил бўлади. Бу лиқилдоқлар фақат фиброз пардадан иборат. Катта лиқилдок (fonticulus magnus) ўткир бурчаги билан пешонага, тўмток бурчаги энсага қараган ромб шаклида бўлади. Катта лиқилдок томон келадиган 4 та чокнинг ҳар бири лиқилдоқнинг шу чок томонидаги бурчагининг давоми бўлади.

Етилган хомила боши куйидаги тўғри, кўндаланг ва айланма ўлчовлар билан ўлчнади (5.10.-расм).

1. Пешона суюгидаги икки қош оралиғидан энса дўймборигача бўлган оралик тўғри масофа (diametr fronto occipitalis) дейилади. Бу 12 см га тенг. Шу икки ўлчов нукталари бўйича бош айланаси 34 см келади.

2. Энгакдан энса суюгининг энг узок нуктасигача бўлган оралиқни катта қийшиқ масофа (diametr


1. Иккита пешона суюгини бириттирувчи пешона чоки (sutura frontalis).

2. Иккита бош тепа суюгини кўшиб олдиндан катта лиқилдокқача, орқадан кичкина лиқилдокқача етадиган ўқсимон чок (sutura sagittallis).

3. Бошнинг ҳар икки томонида пешона ва тепа суюкларни бириттирувчи чок (sutura cornalis).

4. Энса ва тепа суюкларни бириттирувчи энса чоки (sutura lamboidea).

5. Бошнинг ҳар икки томонида чакка ва тепа суюкларини бирлаштирувчи чок, чакка чоки (sutura temporalis).



5.10.-расм. Янги туғилган чақалоқнинг бош суюги а) ён томондан кўрининиши:

1 - гўғри ўлчов; 2 - катта қийшиқ ўлчов; 3 - кичик қийшиқ ўлчов; 4 - бошининг тик ўлчови; б) юқори томондан кўрининиши:

1 - катта кўндаланг ўлчов; 2 - кичик кўндаланг ўлчов.

mento occipitalis) дейилади. 13-13,5 га teng. Шу нукталар бўйича ўлчанган бош айланаси 39-42 см келади.

3. Энса чукурчасидан (энса дўмбогидан) пастда катта лиқилдок ўртасигача бўлган оралиқ кичик кийшик масофа (diametr suboccipita bragnosticus) дейилади. Бунинг узунлиги 9,5 см бўлиб, шу ўлчов нукталари бўйича бош айланаси 32 см келади.

4. Тепа суюклар дўмбогининг энг узок оралиги катта кўндаланг масофа (diametr bipatietalis) дейилиб, бу 9,5 см га teng келади.

5. Чакка суюклари энг узок нукталарининг ораси кичик кўндаланг масофа (diametr bitemporalis) бўлиб, 8 см га teng бўлади.

6. Тил ости суюги соҳасидан катта лиқилдокқача бўлган тик оралиқ (sublingva bragnosticus) 9,5 см га teng бўлиб, елканинг шу ўлчов бўйича айланаси 35 см келади. Думбаларнинг кўндаланг оралиғи (diameter biliacus) 9-9,5 см га teng бўлиб, шу ўлчов бўйича думбаларнинг айланаси 27-28 см келади.

Ҳомила бошининг ўлчовларидан ташқари, туриш жараёнида тана ўлчовлари ҳам аҳамиятга зга. Икки елканинг кўндаланг оралиғи (diametr biaxromialis) 12 см га teng бўлиб, елканинг шу ўлчов бўйича айланаси 35 см келади. Думбаларнинг кўндаланг оралиғи (diameter biliacus) 9-9,5 см га teng бўлиб, шу ўлчов бўйича думбаларнинг айланаси 27-28 см келади.

Амалий кўнилмалар.

Ҳомила бошининг ўлчамлари

1. Кичик кийшик ўлчам - энса ости чукурчасидан катта лиқилдокнинг олдинги бурчагигача бўлган масофа - 9,5 см. Айланаси - 32 см.

2. Ўрта кийшик ўлчам - энса ости чукурчасидан пешонанинг сочли кисми чегарасигача бўлган масофа - 10 см. Айланаси - 33 см.

3. Катта кийшик ўлчам - энгакдан энса дўмбогигача бўлган масофа - 13-13,5 см. Айланаси 38-42 см.

4. Тўғри ўлчам - бурун қаншаридан(глобелла)дан энса дўмбогигача бўлган масофа - 12 см. Айланаси - 34 см.

5. Вертикал ўлчам - тепа суюги чўккисидан тил ости соҳасигача бўлган масофа - 9,5 см . Айланаси 33 см.

6. Катта кўндаланг ўлчам - тепа суюкларининг энг узок нуктаси оралиғи 10 см.

7. Кичик кўндаланг ўлчам - чакка суюкларининг энг узок нукталари оралиғи 8 см.

Ўргатувчи тестлар

1. Прогестероннинг физиологик ўрни?

Бачадон деворининг пассив чўзилишини таъминлайди

Кўкрак безларида пролифератив жараёnlарни стимуллайди

Уруғланган тухум хужайранинг бачадонга ёпишишига шароит яратиб беради

Гипофизда ФСГ экскрециясини камайтиради

Прогестерон микдори йўлдошнинг фаолияти тўғрисида маълумот беради

2. Қоғанок сувларига түгри таъриф беринг?

Қоғанок сувларини амнион ишлаб чиқаради

Қоғанок сувларининг миқдори – 0,5-1,5 литр

Қоғанок сувлари таркибиға оқсиллар, углеводлар киради

Қоғанок сувлари ҳомила яхши ривожланишини ва ҳаракатини таъминлайди

Қоғанок сувлари таркибиға караб, ҳомила ахволини билиш мумкин

3. Қоғанок сувларига түгри таъриф беринг?

Қоғанок сувларини хорион ишлаб чиқаради.

Қоғанок сувлари ҳомиланы ташки нохуш таъсирлардан ҳимоя қиласади

Қоғанок сувлари таркибиға мочевина киради

Ҳомиладорлик охирида қоғанок сувлари нисбатан камаяди

Қоғанок сувлари киндик тизимчасини ҳомила танаси билан бачадон девори ўртасида сиқилишидан асрайди

4. Йўлдошга түгри таъриф беринг?

Йўлдош асосий массасини ворсинкали хорион ташкил этади

Йўлдош диаметри – 15-18 см

Йўлдош вазни – 500-600 гр

Йўлдошда хорионик гонадотропин, прогестерон гормонлари ишлаб чиқарилади

Йўлдошнинг қалинлиги – 2-3 см

5. Йўлдош таркибиға нималар киради?

Йўлдош

Қоғанок пардалари

Киндик

6. Эркаклар тухум ҳужайрасига (сперматозоидларга) түгри таъриф беринг?

Сперматозоидлар узунлиги 50-60 микрон

Сперматозоид 23 хромосомадан иборат

Сперматогенез жинсий етилиш даврида бошланади

Сперматозоидлар тезлиги 2-3 мм 1 минутда

Сперматозоидлар ишкорий мухитда ўз ургулантириш қобилиягини 2 сутка давомида саклайди

7. Аёллар тухум ҳужайрасига түгри таъриф беринг?

Тухум ҳужайра диаметри ўртача 120-150 микрон

Тухум ҳужайра овуляциядан кейин 1-2 сутка давомида ургулантириш қобилиягини саклайди

Етилган тухум ҳужайра 24 хромосомадан иборат.

Фолликул етилиши гипофизнинг ФСГ ва ЛГ билан бошқарилади

Етилаётган приморбид фолликулда эстроген гормон ишлаб чиқарилади.

8. Тўғри жавобларни кўрсатинг?

Сперматозоид тухум хужайра билан бачадон найининг ампуляр кисмида учрашади.

Имплантация ҳомиладорликнинг 6-7 кунида содир бўлади

Ҳомиладорлик уруғлангандан кейин бошланади

Аёл жинсли ҳомила пушти гомозиготали

Трофобласт фаоллиги ҳисобига имплантация содир бўлади

9. Тўғри жавобларни кўрсатинг?

Ҳомила пушти З ҳомила пардаси ҳисобига ҳимояланади

Имплантация трофобласт протеолитик фаоллиги ҳисобига бўлади

Қоғанок сувлари нормада стерил

Ташқаридан хорион ворсинкаси синцитий қавати билан қопланган (плазмоиди-трофобласт)

Ворсинка синцитийси прогестерон ишлаб чиқаради

10. Тўғри жавобни кўрсатинг?

Трофобласт уруғланган тухум хужайрадан ривожланади

Йўлдошнинг буткул ривожланиши ҳомиладорликнинг 16-18 хафтасида тўхтайди

Йўлдошда ХГ ишлаб чиқарилади

Қоғанок сувларининг ҳолатига қараб ҳомила аҳволига баҳо бериш мумкин

Киндик тизимчасидан 2 та артерия, 1 та вена томири ўтади

11. Йўлдошнинг асосий вазифалари?

Нафас олиш

Ажратиш

Трофик (озиклантирувчи)

Ҳимоя

Инкрематор

12. Йўлдошда қандай гормонлар ишлаб чиқарилади?

Плацентар лактоген (ПЛ)

Хорионик гонадоторпин (ХГ)

Прогестерон

Эстрогенлар

Кортизол

13. Ҳомила бошининг тўғри ўлчами:

Икки кош оралиғидан энса дўмбогигача бўлган масофа 12 см.

14. Ҳомила бопининг катта қийшиқ ўлчови:

Энгакдан энса дўмбогигача бўлган масофа 13-13,5 см

15. Кичик чанок тор қисмининг сатҳи чегараси бу:

Симфизнинг пастки кирраси

Куймич ўймаси

Думғаза - дум биримаси

16. Ҳомила боши қуйидаги сүяклардан ташкил топган:

Иккита пешона саяги

Иккита бош тепа саяги

Юз сүякларидан

Иккита чекка

Энса саяги

17. Етилган ҳомила бошининг тўғри ўлчамларини кўрсатинг?

Катта кўндаланг ўлчам 9,5 см

Кичик кўндаланг ўлчам 8,5 см

Кичик қийшиқ ўлчам 9,5 см

Катта қийшиқ ўлчам 13 см

Ўрта қийшиқ ўлчам 10 см

18. Тўғри жавобларни кўрсатинг?

Бошнинг кичик қийшиқ ўлчами айланаси 32 см

Бошнинг тўғри ўлчами айланаси 34 см

Бошнинг катта қийшиқ ўлчами айланаси 38-42 см

Бошнинг ўрта қийшиқ ўлчами айланаси 33 см

Бошнинг вертикал ўлчами айланаси 32 см

19. Етилган ҳомиланинг оғирлиги ва узунлигини кўрсатинг:

Узунлиги 48-54 см

Елка кенглиги 12-12,5 см

Елкалар айланаси 35 см

Вазни – 2600-5000 г

Чаноқ диаметри 9,5 см

20. Чақалокнинг етилганлик белгилари:

Вазни – 2500-4000 г

Киндик ҳалқаси қов саяги билан ханжарсимон ўсимта ўртасида жойлашган

Териси пушти ранг, тери ости қавати яхши ривожланган, бошдаги сочи узунлиги 2 см гача

Ўғил болаларда мояқ уруғ ҳалтага тушган, қиз болаларда кичик лабларни катта лаблар ёпиб туради

Ҳаракатлари фаол, қаттиқ бақиради, кўзлари очик, сўриш рефлекси яхши ривожланган

Кулок ва бурун төғайлари котишган

VI БОБ АЁЛЛАР ЧАНОГИ

Мақсад. Аёллар чаноги тузилиши ва унинг ўлчовларини ўрганиш.

Режа.

1. Аёллар чаноги тузилиши.

2. Чаноқ сүякларининг турли бўғимлари.

3. Катта чаноқ.

4. Кичик чаноқ.

5. Катта чаноқ ўлчовлари.

6. Кичик чаноқ ўлчовлари.

Чаноқ тана ҳолатини нормал сақлабгина қолмай, балки туғруқ вактида бола ўтадиган йўл сифатида ҳам ахамияти каттадир.

Аёллар чаноги тўртта суяқдан, яъни иккита номсиз, битта думгаза ва битта дум суюгидан иборат бўлиб, улар ўзаро тогайлар ва бойламлар ёрдамида бириккан бўлади.

Номсиз суяқ ёки чаноқ суяги (*os innominata seu coxae*) учта суяқдан, яъни ёнбош, қуймич ва ков суяги бирекишидан ҳосил бўлади. Бу учта суяқ тепасининг қўшилган ерида, ташқи томонида катта чукур бўлиб, у қуймич думгазаси (*acetabulum*) деб аталади.

Ёнбош суяқ билан ков суяги таналари қўшилган жойда кўтарма жой пайдо бўлиб, у эгилиб ёнбош суякни кўнддалангига кесиб ўтади. У *linea arcuata* деб аталади, бу чизик катта ва кичик чаноқ бўшликларини чегараловчи умумий чизикни (*linea terminalis seu linea innomita*) ҳосил қилишда иштирок этади. Ёнбош суяқ қанотининг устки чети қалинлашган бўлиб, у ёнбош суяқ кирраси (*crista iliaca*) деб аталади. Бу кирра ички ва ташқи кисмдан ва учта чизикдан иборат бўлиб, улар мускуларнинг пайлари ёпишуви учун хизмат қиласди.

Қирра - олд томонидан олдинги устки ёнбош ўсиғи (*spina iliaca anterior superiore*) ва орка томондан худди шундай ўsicк (*spina iliaca posterior superiore*) билан тугайди.

Олдинги ва орқадаги бу устки ўсиқлар остида шу номдаги остики ўсиқлар бор. Орқадаги пастки ўсиқ тагидан катта қуймич кемтиги (*incisura oishadica major*) бошланиб, у қуймич ўсиғи (*spina ischiadica*) билан тугайди. Бу ўсиқ остида эса кичик қуймич кемтиги (*incisura ischiadica minor*) турди. Бу кемтик қуймич дўмбоги (*tuber ischiadicum*) билан тугайди.

Ёнбош суяқ қанотининг ички томондаги катта чукури орқасида кулок супраси шаклидаги бўғим юзаси бўлиб, бу юза ёрдамида ёнбош суяги думгаза суяги билан бирекади. Қуймич дўнги олдинга томон ингичкалаша бориб, қуймич суягининг шохи (*ramus ossis ischii*) га айланади ва ков суягининг пастки шохи (*ramus inferior ossis pubis*) билан қўшилади. Қуймич суяги билан қов суягининг пастки ва устки шохлари ўртасида катта ёпилувчи тешик (*foramen obturatum*) ҳосил бўлади.

Ўнг ва чап қов суяклари ўрта чизикда бир-бири билан қўшилиб, қов бирлашмасини (*sympysis*) ҳосил қиласди.

Думгаза суяги (*os sacrum*) ўзаро битишиб кетган бешта умуртқадан иборат бўлиб, улар турли катталикда бўлади, умуртқалар пастга томон кичрайиб ва энсизланиб боради, шунинг учун думгаза суяги пастга томон торайган узунчик учбурчак шаклида бўлади. Биринчи думгаза умуртқасининг усти (думгазанинг асоси) кенг текисликдан иборат бўлиб, бу текислик ёрдамида думгаза бел умуртқаси билан қўшилади. Бу иккита умуртқа туташган жойда чаноқ ичига караган дўнг (*promontorium*) пайдо бўлади. Думгаза суягининг энсиз жойи (чўққиси) пастга караган бўлади ва дум суяги билан қўшилади.

Думраза саягининг олдинги юзаси чуқурлашган, орка юзаси эса узунасига ва кўндалангига дўппайган, эгри, ғадир-будур бўлади: унинг орка юзасида умуртқаларнинг орка кўндаланг ва бўғим ўсимталаrinинг кўшилуви туфайли бешта бир-бирига параллел турган бўйлама кирралар ҳосил бўлади. Думраза саягининг икки ён томонида қулоқ супраси шаклидаги бўғим юзаси бор. Бу юзалар ёрдамида думраза саяги чанок саяги билан бўғим ҳосил қиласди. Думраза саягининг олд ва орка томонидан тўрт жуфтдан тешиклар (foramina sacralia) бўлиб, бу тешиклар думраза канали билан туашгандир.

Дум саяги (os sacrum) бешта кичик умуртқадан иборатдир. Дум саягининг биринчи умуртқаси бошқаларига нисбатан бирмунча ривожланган бўлади. Дум саяги учини ташкил этадиган охирги умуртқа энг кам ривожланган.

Чанок саяклари турли бўғимлар орқали бир-бири билан бирикади.

1. Қов бирикмаси (sympysis pubica) иккита қов саягининг бўғим юзаси ёрдамида ҳосил бўлади. Бу юзалар орасида тогай пластинка бўлиб, унинг ичидаги торгина бўшлик бор. Шунинг учун бу бирикма ярим бўғим деб аталади. Унинг ҳаракати жуда чегараланган бўлади.

2. Думраза билан ёнбош сяяк бўғими (articulatio sacroiliaca) ярим бўғим (аморпартроз) - бу думраза саяги ва ёнбош сяякдаги қулоқсимон юзаларнинг кўшилишидан ҳосил бўлади. Унда ҳаракат деярли бўлмайди.

3. Думраза билан дум бирикмаси (synchondrosis sacroccocygea) кимирламайдиган бирикмалар қаторига кирса-да, лекин икки сяякни кўшиб турувчи фиброз тогайнинг чўзилувчанлиги хисобига дум саяги хомила бошини тутилиш жараённада орқага силжитади. Бундай силжиш тувиш вақтида жуда муҳимдир.

Чанок икки қисмдан - катта ва кичик чаноқлардан иборат бўлиб, уларни бир-биридан чегара чизиги деб аталадиган чизик (lin. terminalis) ажратиб туради.

Чаноқ саягининг ўлчамлари

Аёллар чаноғи асосан икки қисмдан ташкил топган - катта чаноқ ва кичик чаноқ. Буларнинг ҳар иккаласини ажратувчи чегараси номсиз ёки чегара чизиги (linea innominata seu terminalis) хисобланади, деб айтиб ўтган эдик. Катта чаноқ акушерлик нуқтаи назаридан кичик чаноққа нисбатан унчалик аҳамиятга эга эмас.

Баъзи акушерлар катта чаноқни «кичик» чаноқнинг «ойнаси» деб хисоблайдилар, чунки катта чаноқнинг баъзи ўлчовларига қараб кичик чаноқ ўлчовларини тахмин килса бўлади.

Катта чаноқ (pelvis major). Орқадан охирги бел умуртқаси, ёндан ёнбош саяклар билан чегараланиб, олд томонида саяклар бўлмайди, шунга кўра хомиладорликда бачадон ва корин девори ҳеч қандай тўсиксиз ўса-веради.

Кичик чанок (pelvis minor). Шакли қирқилган учбурчакка ўшайди, гүё асоси билан юкорига айланган. Кичик чаноқнинг олдинги девори қов суяги ва симфиз, оркаси думгаза ва дум суяги, ёндан куймич суклари билан чегараланган.

Кичик чаноқнинг олдинги девори орқа деворидан уч баравар калта (олдинги девори 4-4,5 см, орқа девори 12,5-13 см).

Кичик чаноқнинг ён томонлари қорин парда ва иккита бойлам lig. sacro spinosum ва lig. sacrotuberosum билан қопланиб, чегараланган тешик (куймич ўймаси) (incisurae ischiadicæ) ни ҳосил қиласди.

Шундай килиб, кичик чанок ҳамма томондан суклар ташкил топган.

Катта чаноқ ўлчовлари. Нормал чаноқнинг ташки масофаларини ўлчаб аниқлашп билан кичик чаноқ ўлчовларини ҳам тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Чаноқнинг ташки масофалари одатда аёлнинг ётган холатида ўлчанди. Бунинг учун циркул (chanoқ ўлчагич - тазомер) дан фойдаланилади. Аёл күшетка ёки каравотга чалқанча ётади, акушер эса аёлнинг ўнг томонига караган ҳолда ўтиради, чаноқ ўлчагичнинг икки оёғини икки қўлига олади-да, кўрсаткич ва катта бармоқлар билан унинг учидаги тугмачалардан ушлайди ва ўлчашга киришади.

Нормада:

1. Икки ёнбош сукларининг олдинги устки ўсиқлари ораси (distantia spinagum) – 25-26 см.

2. Икки ёнбош суклари устки кирраларининг энг узоқ нукталари ораси (distantia cristaarum) – 28-29 см.

3. Сон сукларининг катта трахантерлари (катта боши кўстлари) орасидаги масофа (distantia trochanterica) – 30 -31 см.

Тери ости ёғ қавати қалин бўлган аёлларнинг туртиб чиккан катта нукталарини ушлаб кўриш жуда қийин бўлади. Бундай холларда аёлдан аввал бир оёғини, кейин иккинчи оёғини суриш талаб қилинади ва шу харакат вактида сон сукларининг катта боши кўстни бармоқ билан пай-наслаб топишга харакат қилинади.

Ташки конъюгаталарни (conjugata externa) ёки Боделак диаметрини ўлчаш учун аёл ёнбошга ётказилади. Аёл пастдаги оёғини чаноқ - сон ва тизза бўғимларидан букади, юқори оёғини узатган ҳолда чаноқ ўлчагич бир уни тутмаси симфизнинг юқори кисмига, иккинчиси эса думгаза ромби (Михаэлис ромби)нинг юқори бурчагига қўйилади. Агар ромб унча билинмаса, кўрсаткич бармоқни бел умуртқаси бўйлаб сурилгандан бармоқ чуқурчага тушади, шу ер бел умуртқасининг думгаза билан бирлашган еридир. Бу ўлчов 20-21 см га teng бўлиб, бунинг ёрдамида кичик чаноқнинг тўғри ўлчовини билиш мумкин. Бундан 9 см олиб ташлансан (сук ва юмшоқ тўқима қалинлигига), кичик чаноқнинг тўғри ўлчови чиқади.

Кичик чаноқ ўлчовлари. Кичик чаноқ акушерлик нуктai назаридан туғиши йўли хисобланади. Кичик чаноқ юзаси қов суяги ва симфиз четлари билан, оркадан думгаза дўнги (promontorium), ёндан номсиз чизик

билин чегараланади.

Кичик чаноқнинг кириш юзаси геометрик тузилишдадир. Кичик чаноқ йўлида 4 та сатҳ мавжуддир.

- 1) чаноқ кириш қисмининг сатҳи;
- 2) чаноқ кенг қисмининг сатҳи;
- 3) чаноқ тор қисмининг сатҳи;
- 4) чаноқдан чиқиш қисмининг сатҳи.

Чаноқка кириш қисмининг сатҳи 3 та: тўғри, кўндаланг ва жуфт қийшик ўлчовлар (ўнг ва чап) дир (6.1.-расм).

Чаноққа кириш қисмининг тўғри ўлчови - чин конъюгата (*conjugate vera*), чаноқнинг чиқиб турган четлари: олдидан симфиз ва думгаза дўмбоги (*promontorium*) оралиги, бу ўлчов 11 см га teng. Чаноқнинг анатомик тўғри ўлчови (*conjugata anatomica*) чин конъюгатадан 0,5 см камдир.


Агар аёл оёқлари каравот четидан осилтирилса (Валхер ётиши) ёки узатилса, чин конъюгатага 0,5-0,75 см қўшилади. Аксинча, сонни қоринга букканда шунча камаяди.

Кичик чаноқ кириш сатҳи тўғри ўлчовини 2 та усул билан аниқлап мумкин.

1) ташқи конъюгата (*conjugata externa*) дан 9 см олиб ташланса, тўғри ўлчов чиқади;


2) диагонал конъюгата (*conjugata diagonalis*). Бунинг учун ўнг кўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармошини аспектик шароитда қинга киритиб думгаза бурни (*promontorium*) томон йўналтирилади. Одатда бармоқлар думгаза бурнига етмайди, бу чаноқнинг тор эмаслигини билдиради. Агар бармоқлар думгаза бурнига етса, унда қиннинг бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқ оралиғи қов суюги остига тақалади, шу тақалган ерни чап кўл билан белгилаб олиб, кейин ўнг кўл қиндан чиқарилади. Кейин чаноқ ўлчагич ёки сантиметр тасмаси билан ўлчанади. Агар 13 см бўйлса (бу ўлчовдан ками тор чаноқ бўлади), ундан 2 см олиб тапиланса, чин конъюгата (*conjugata vera*) чиқади (6.2.-расм).

Кичик чаноқ кириш қисмининг кўндаланг ўлчови номсиз чизик энг узоқ нукталарининг орасидаги 13-13,5 см масофага teng, бу чин конъюгатани перпендикуляр равища кесиб ўтиб, чаноқ кириш қисми овал шаклида бўлганига кўра думгаза дўмбоги (*promontorium*) яқинрогига жойлашган.



6.1. – расм. Кичик чаноқнинг кириш текислигининг ўлчамлари:

1 - тўғри ўлчами (чин конъюгата); 2 - кўндаланг ўлчами; 3 - кишик ўлчамлари.



6.2.- Диагонал конъюгатани ўлчаш


ёнбош ва қов дўмбоги ораси (*eminentio ilio pubica*), ҳар бир қийшик ўлчов 12 см га тенг.

Кичик чаноқнинг кенг сатҳи олдиндан симфизнинг ўрта қисми билан, орқадан II ва III думгаза бўғимлари оралиги тўғри ўлчови бўлиб, бу 12,5 см га тенг. Кўндаланг қўймич косаси оралири ҳам 12,5 см. Чаноқнинг кенг қисми думалок шаклда бўлади. Чаноқ бўшлигининг тор текислиги олдиндан симфизнинг пастки чети, орқадан думгаза суюгининг пастки қисми оралиги ҳисобланади. Бунинг тўғри ўлчови симфизнинг ва думгаза суюкларининг (*articulatio sacro cocsegea*) пастки қисми оралиги 11,5 см бўлади. Кўндаланг ўлчови - иккита қўймич кирраси оралиги 10,5 см бўлиб, тор сатҳи овал шаклда (тўғри ўлчов, кўндаланг ўлчовдан кўп) бўлади (6.3.-расм).

Чаноқ чиқиш қисмининг (тубининг) юзаси симфизнинг пастки чети билан қўймич дўмбори ва дум суюги учининг оралифидир.

Чаноқнинг чиқиш қисмida ҳам 2 та - тўғри ва кўндаланг ўлчовлар бор. Бу юзада қийшик ўлчов йўқ: тўғри ўлчов симфизнинг пастки

Кичик чаноқнинг қийшик ўлчовлари - бу ўлчов орқадан думгаза ва ёнбош қўшилган бўримлар билан ёнбош ва қов суяклари бириккан дўмбок ораликлириди. Бунинг 9 та ўлчови бор, биринчиси ўнг қийшик ўлчов - бу ўнг томондаги думгаза ва ёнбош бўғимидағи ёнбош ва қов дўмбоги ораси, чап қийшик ўлчов - чап томондаги думгаза ва ёнбош бўғимидағи ўнг томондаги



6.3.-расм. Аёл чаноғи (ёнбот кесилишининг кўриниши):

- 1 - анатомик конъюгата;
- 2 - чин конъюгата;
- 3 - кичик чаноқнинг кенг қисмининг тўғри ўлчами;
- 4 - тор қисмининг тўғри ўлчами;
- 5 - чиқиш текислигининг тўғри ўлчами;
- 6 - тутруқ пайтидаги чиқиш текислигининг тўғри ўлчами;
- 7 - чаноқнинг ўқи.

четидан дум саягининг учи оралиғи бўлиб, 9- 9,5 см.

Туғиши жараёнида ҳомила боши ва елкаси туғилишида думғаза ва дум саягини биринчи турвичи бўғим қўзғалувчан бўлганига кўра дум саяги оркага қайрилиб, бу ўлчов 11-12 см га ётади. Чаноқ чикиш кисмининг кўндаланг ўлчови кўймич саягининг ички юзаси оралиғи бўлиб, 11 см га тенг.

Агар кичик чаноқнинг ҳамма 4 та тўғри ўлчовлари кўшилса, букилган чизик ёки чаноқ ўки ҳосил бўлади. Чаноқ ўки думғаза букилмасига мослашган бўлганига кўра букилган ҳолда бўлади.

Амалий кўниқмалар.

1. Аёллар чаноғини ўлчаш

Қадамлар:

1. Аёл иккала оёғини бирлаштириб узатган ҳолатда ва қорнини очиб ётади.

2. Чаноқни ўлчаш, чаноқ ўлчагич асбобида ўтказилади.

3. *Distantia spinagum* – ёнбош суклари олдинги юқори ўсиқлари орасидаги масофа - 25-26 см га тенг. Чаноқ ўлчагич тугмаларини олдинги юқори ўсиқлар ташки юзасига кўйиб ўлчанади.

4. *Distantia cristagum*- ёнбош суклари кирраларининг энг олис нуктлари орасидаги масофа -28-29 см га тенг. Чаноқ ўлчагич тугмаларини ёнбош сукларининг энг олис нукталарига кўйиб ўлчанади.

5. *Distantia trochanterica*-сон суклари катта кўстлари орасидаги масофа -30-31 см га тенг. Чаноқ ўлчагич тугмасини сон суклари бўртиб чиқсан қисмига кўйиб ўлчанади.

6. *Conjugata externa* – ташки конъюгата, ўлчаш учун аёл ёнбошга ётқизилади. Пастдаги оёри букилган, устки оёри узатилган ҳолатда ётади. Чаноқ ўлчагич битта тугмасини Михаэлс ромбининг юқори бурчагига, иккинчисини эса симфизнинг юқори ташки четининг ўртасига кўйиб ўлчанади, 20-21 см га тенг.

7. Ташки конъюгата ўлчамига асосланиб чин конъюгата С. vega ўлчамини толиши мумкин. Бунинг учун, ташки конъюгата ўлчамидан суклар ва юмшок тўқималар қалинлигига 9 см олиб ташланади. С. externa 20 см - 9 см = 11 см.

2. Диагонал конъюгатани ўлчаш

Қадамлар:

1. Аёл гинекологик креслода оёғини тизза ва чаноқ-сон бўғимларида букилган ҳолатда ётади.

2. Қўлга кўлкот кийилади.

3. Бармоқлар кинга киргизилиб, думғаза бурнига етказишга ҳаракат қилинади, кафт кирраси симфизнинг пастки юзасига тақалади .

4. Чап қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан шу тақалган нукта белгила-нади.

5. Белгиланган нүктадан бармокни олмасдан қўл киндан чиқазилади ва чаноқ ўлчагич ёки сантиметрли тасма ёрдамида бармоқнинг учидан симфизга тақалган нүктасигача бўлган масофа ўлчанади.

6. С. Diagonalis – симфизни пастки киррасидан думғаза бурнигача бўлган масофа – 13-13,5 см га тенг.

Масалалар.

1. Оилавий поликлиникага 32 ёшли, 31-32 см ҳафталик ҳомиладор аёл мурожаат қилди. Чаноқ ўлчамлари: Distantio spinarum – 25 см, Distantio cristarum 28 см, distantio trochantatica 31 см. Conjugata externa 20 см. Чаноқнинг чиқиш текислиги ўлчамлари: тўғри ўлчами 9,5 см, кўндаланг 11 см га тенг. Ҳомила бўйлама вазиятда жойлашган бўлиб, ҳомила орқаси бачадоннинг ўнг ва олд деворига қараган. Чаноқ устида ҳомила боши пайпасланади. Ҳомиланинг юрак уриши ритмик. Минутига 136 марта, киндиқдан пастда ва ўнг томонда эши билади.

1. Диагноз:

2. Чаноқни баҳоланг.

3. Ҳомила тури ва позициясини аниқланг.

2. Оилавий поликлиникага биринчи марта ҳомиладор бўлган аёл мурожаат қилди. Аёл ташки ва ички акушер усууллари орқали текширилди. Катта чаноқ ўлчамлари: Distantio spinarum – 25 см, Distantio cristarum 28 см, distantio trochantatica 31 см. Conjug externa 20 см. Ички текширувда: Conjugata diognalis 13 см га тенглиги аниқланди.

1. Катта чаноқ ўлчамларига баҳо беринг.

2. Чин конъюгатани аниқланг.

Ўргатувчи тестлари:

6. Чаноқ куйидаги суяклардан ташкил топган:

Ёнбош суяклар

Дум

Қўймич суяги

Қов суяги

7. Кичик чаноқнинг сатҳларини айтинг:

Чаноқнинг кириш қисмининг сатҳи

Кичик чаноқнинг кенг қисми сатҳи

Кичик чаноқнинг тор қисми сатҳи

Чаноқдан чиқиш қисмининг сатҳи

3. Чаноқка кириш қисмининг текислиқ чегаралари:

Ёнбош суякларининг ёйсмон чизири

Промонториум

Симфизнинг юқори кирраси

4. Чаноқдан чиқиш қисмининг текислиқ чегараси

Қўймич дўмбоқлари

Дум чўққиси

Симфизнинг пастки кирраси

5. Катта ва кичик чаноқнинг чегараси бу:

Симфизнинг юқори қирраси ва қов сүяклари
Промонториум
Ёнбош сүякларнинг равоксимон чизиги
6. Аёл чаноининг 4 та асосий ташки үлчамини санаб беринг:
Д. spinagum-25-26 см
Д. cristatum-28-29 см
Д. Trochanterica-30-31 см
Conjugata externa-20-21 см
7. Чин конъюгата қайси 2 та үлчамга қараб аниқланади?
Диагонал конъюгата
Ташки конъюгата
8. Кичик чаноқ кенг текислиги чегараси ва үлчамларини кўрсатинг?
Кўндаланг үлчами -12,5 см
Тўғри үлчами - 12, 5 см
Олдиндан – қов равогининг ички юзасининг ўртаси
Ёнбошдан – қуймич косасининг ўрта қисми
Орқадан – II – III – думраза умурткалари ораси

VII БОБ ҲОМИЛАДОРЛИКДА АЁЛЛАР ОРГАНИЗМИДА РЎЙ БЕРАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

Уруғланган тухум бачадоннинг кўчиб тушувчи пардасига жойлашган пайтдан бошлаб ва айниқса аллантоис орқали озиқланиш даврида (эмбрион ҳаётининг иккинчи ҳафтасидан) эмбрион ўзининг ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма моддаларни она қонидан олади. Сўнгра (ҳомила туғилгунга қадар) она билан ҳомила ўртасида моддалар алмашинуви қон орқали давом этади.

Ҳомила тўғри ривожланиши учун зарур бўлган витаминалар ҳомилага она организмидан ўтади, ҳомила кислородни она қонидан олади. Ҳомила кислород етарлича ўтмаса, унда кислород танқислиги рўй беради ва ҳомила нобуд бўлиши мумкин.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидан бошлаб она организмига тушган оқсил асосан ҳомила тўқималарининг ташкил топишига сарфланади, она тўқималарида ва плацентада йигилган кальций тузлари эса ҳомила скелетининг ташкил топиши учун сарфланади. Агар бу тузлар етишмаса, ҳомиладорлик вақтидан илгари тўхташи ва ҳомила нобуд бўлиши мумкин.

Она организмида ҳомиланинг нотўғри ўсиши, соғлом бўлмаган (яллиғланган) тувиш йўлидан ўтиши, аввалги турғуларда бўлган операциялар ва бошқалар ҳомила учун оғир холларнинг рўй беришига сабаб бўлиши мумкин. Она соғлом бўлса, тувиш йўлларида нуксон бўлмаса, ҳомила нормал ривожланади ва нормал етилиб, ўз вақтида туғилади.

Ҳомиладор аёл оиласида баъзи ирсий касалликлар, ҳомиладорнинг ўзи бошидан кечирган хасталиклар (ракхит, тепки, қизилча ва бошқа юқумли

касалликлар) ҳомиладорлик ва туғиши жараёнини мураккаблаштириши мүмкін. Бу қасалликлар таъсирида ҳомиланинг айрим аъзолари ўсмай колиши ва баъзан ўсишдан тўхтаб, чала туғилиши мүмкін.

Шундай қилиб, она организми ҳомила учун озиқланиш манбаидир, у ҳомиланинг ўсиши, ривожланиши учун барча зарур моддалар билан таъминлайди.

Ҳомиладорликда кўкрак қафаси (унинг пастки кисми) кенгаяди, қовурға айланаси кўтарилади. Бу хилдаги ўзгариш ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ёқ қузатилиши мүмкін.

Ҳомиладорликда симфизда ва қов суюгига, думғаза-ёнбош бўғимида янги тоғай тўқимаси вужудга келади ва ҳомиладорликдаги остеофитлар деб аталган ҳолат, пешона ва чакка суюги ички юзасида сарғимтир-қизил катлам қузатилади.

Чаноқдаги бўғимлар соҳасида сероз суюклиги кўпайиши натижасида юмшайди. Чаноқ бўғимларининг юмшаликни ҳаракатланиш хусусиятини оширади. Бу ҳол тугрук жараёнида симфиз бўғимининг бир оз очилишига, чаноқ кириш қисми ўлчовининг кенгайишига имкон беради, натижада ҳомила бошининг осон туғилишини таъминлайди.

Баъзи ҳолларда ҳомиладорликда акромегалия белгилари қузатилади: оёқ, кўл ва пастки жағ суюклари катталашади. Ҳомила ўсган сари аёл корин деворининг териси чўзилади. Бу ҳолат айниқса қоғонок суви кўп, ҳомила катта ёки эгизак бўлганда қузатилади.

Ҳомиладор корин деворининг териси кўп чўзилиши натижасида унда ҳомиладорлик чизиклари (*striae gravidarum*) ҳосил бўлади (баъзан олимлар бу фикрни рад киладилар). Чизиклар пайдо бўлишига терининг эластиклиги ва бириктирувчи тўқималарнинг бир-биридан ажралиши сабаб бўлади деб тахмин қилинади.

Агар чизиклар ушбу ҳомиладорликда вужудга келган бўлса, юпқалапган тери остидан унинг бириктирувчи тўқимасидаги томирлар пушти рангда кўринади. Агар чизиклар олдинги ҳомиладорликда пайдо бўлган бўлса, улар оқиши йўл-йўл бўлиб колади, чунки унинг юзаси бириктирувчи тўқима билан қопланади.

Шунингдек, чизиклар осон ва сут безлари териси юзасида ҳам юзага келиши мүмкін. Баъзан ҳомиладор бўлмаган аёлларда ҳам ҳомиладорлик давридагига ўхшаш чизикларни кўриш мүмкін. Шунга кўра бу ҳолатни баъзи олимлар эндокрин безлар фаолиятига боғлиқ дейдилар. Баъзи аёлларда ҳомиладорликнинг охирги муддатларида юзда, корин деворининг оқ чизигида жун ўсади, чилла даврининг 2-3 ҳафтасида эса бу жунлар йўқолади. Бу ҳолат эндокрин безлар ва такомиллашаётган плацента фаолиятига боғлиқдир.

Ҳомиладорликда корин девори ўртасидаги оқ чизиқда, сут безлари сўрғичи атрофидаги халқада, ташки жинсий аъзоларда, киндик атрофифда, баъзан юзда (пешона, юз, юкори лаб устида) корамтири доғлар кўпаяй.

ди, бу ҳам терида рўй берадиган ўзига хос ўзгаришлардандир (*choalasma gravidarum*). Бу ҳолат буйрак усти безлари фаолиятига боғлиқ бўлади.

Маълумки, ҳомила ўсиши туфайли аёл оғирлиги ортади, чунки ҳомила ўсган сари қоғанок суви кўпаяди, бачадон мускуллари гипертрофияси рўй беради ва қўшимча қон айланиш тизими такомиллашади. Натижада ҳомиладор аёлнинг оғирлиги ҳар хафтада 400-450 граммга ошади. Бундан ташқари, баъзи аёллар ҳомиладорликда семириб кетадилар.

Ҳомиладорнинг киндигида ҳам ўзгариш рўй беради. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида киндик текислашади, охирги ойида эса бўртиб чиқади. Бу белги ҳомиладорлик муддатининг (10-ойи) бошланганини билдиради.

Ҳомиладорлик даврида моддалар алмашинуви

Бу даврда аёллар организмида аъзо ва тизимлар функцияси ўзгариши билан бирга моддалар алмашинуви ҳам ўзгаради.

Ҳаво алмашинуви. Хорион киприклари оралиғида, киприк капиллярлари деворининг жуда юпқа пардаси ва уларни қоплаб турган эпителийлар ёрдамида (Ҳомила таракқиёти бобига қаранг) она билан ҳомила қони ўртасида яқин алока боғланади. Аммо она қони билан ҳомила қони араплашмайди, чунки ҳар бирининг ўзига хос қон айланishi тизими мавжуд. Ҳаво алмашинуви асосан кислород алмашувидан иборат. Она организмидаги кислороднинг бир қисмини ҳомила ўзлаштиради, шу туфайли ҳомиладор аёл организмининг кислородга бўлган эҳтиёжи жуда ортади.

Оқсил алмашинуви. Ҳомиладор аёл организмидаги оқсил моддалар ҳомиладорлик даврида (айниқса биринчى ярмида) бачадоннинг ўсиши ва сут безларининг ривожланиши учун зарур бўлган маҳсус оқсил моддаларни ишлаб чиқаришга, кейинчалик эса ҳомиладор организмида ҳомила тўқимаси ва аъзоларнинг шаклланишига сарфланади.

Бундан ташқари, туғиши ва чақалоқни эмизиш вақтида (тукқандан кейинги 1-1,5 йил давомида) она организмидан сарф бўладиган оқсилни тиклаш учун оқсил моддаларнинг бир қисми сарфланади. Одатда ҳомиладорлик даврида оқсил алмашинуви сусаяди, шунга кўра у оқсилга бой хайвонот маҳсулотларини кўп тановул қилиши ярамайди, чунки ҳомиладор организмида оқсил кўпайса заарли таъсир кўрсатадиган оралиқ маҳсулотлар (тўла парчаланмаган оқсиллар) тўпланиши мумкин. Шунга кўра бошқа турдаги оқсиллардан фойдаланиш керак.

Минера тузлар алмашинуви. Ҳомиладор аёл организмидаги тўқималарда, айниқса ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида сув ва хлоридлар кўпаяди. Бу иккала омил тўқималарнинг қайишқоқлик хусусиятини оширади ва туртурк вақтида ҳомиланинг туғиши йўлларидан ўтиши осонлашади.

Ҳомиладор ва ҳомила учун кальций, натрий, кальций, фосфор, магний ва темир тузлари керак бўлади. Кальций тузлари ҳомила скелетининг сукланишига сарфланади. Агар она организмига кальций тузи

етарли миклорда тушмаса, хомила скелети турли ўзгаришларга учрайди. Организмда кальций тузининг етишмаслиги хомиладор тишларининг емирилишига, чириб бузилишига, тирнокларининг мўрт бўлиб колишига олиб келади. Оғир ҳолатларда сужклар юмшаб мўрт бўлиб қолади. Ҳомиладор организмидаги фосфор асосан кальций тузи билан бирга ҳомила сужк тизимининг ривожланишида иштирок этади. Бундан ташқари, фосфор нерв тизимининг тузилиши учун ҳам сарфланади. Агар шу ҳар хил тузлар организмда етарли бўлмаса, тетания, остеомаляция вужудга келиши мумкин. Фосфор ва кальций тузлари етишмаса, чанок сужиги юмшаб шакли ўзгариши мумкин. Аммо бу патологик ҳолат ҳозирги вактда деярли учрамайди, чунки ҳамма аёллар оиласий поликлиникада аёллар шифокор текпирвидан ўтадилар ва уларга вактида керакли маслаҳатлар берилади.

Темир тузлари ҳомила организмидаги кон элементлари ташкил топиши учун зарурдир. Бу тузлар асосан ҳомиланинг жигари ва талогига йигилади. Она сутида темир тузлари кам бўлганлиги сабабли чақалоқ туғилгандан сўнг дастлабки биринчи ой мобайнида ўз организмидаги йигилган шу тузларни сарфлайди. Кўп муаллифларнинг фикрича, ҳомиланинг тараққиёти учун ўрта хисобда 450 мг темир тузлари сарфланади. Ҳомиладор аёл таркибида темир тузлари бўладиган овқатлардан еб турмаса, организмидаги темир моддаси камайиб кетади. Бу ҳолат кўпинча ҳомиладорликнинг 20-28-ҳафталарида намоён бўла бошлайди. Агар аёл организмидаги темир моддаси жуда ҳам камайиб кетса, ҳомила чала турилиб, нобуд бўлиши мумкин.

Темир моддасиининг етишмаслиги кўпинча камқонлик касаллиги (гипохром анемия) га олиб келади. Бундай анемия Ўзбекистонда 60-80% ҳолларда учрайди. Шунга кўра бу борада аёллар ўртасида санитария-профилактика ишларини олиб бориш зарур.

Карбонсув (углевод) алмашинуви. Ҳомиладорлик даврида аёл организмидаги карбонсув алмашинуви бирмунча кўпаяди. Бунда организм карбонсувни гликоген сифатида ўзлаштиради ва у жигарда тўпланади. Вакт-вакти билан аёлда физиологик глюкозурия (сийдикда карбонсув) кузатилади, бу ҳолатга буйрак эпителийларининг қанд ўтказиш хусусияти ошиши сабаб бўлади, деб хисобланади. Қонда эса қанд микдори ошмайди, ҳомиладорлик даврининг охирроғида бир оз ошиши мумкин, аммо нормал чегарадан чиқмайди. Бу ҳолат вегетатив нерв системаси фолиятига боғлиқдир.

Карбонсув организмга кувват берувчи модда ҳисобланади.

Сув алмашинуви. Ҳомиладорлик давомида аёл организмидаги, айниқса тўқималар ичидаги сув йигилади, бу баъзан ҳомиладор танаси шишиб кетишга сабаб бўлади.

Ҳомиладорлик даврида она организми ва ўсаётган ҳомиланинг сувга бўлган талаби ортади, шунга кўра аёл илгаридан кўра кўпроқ сув ичишга мажбур бўлади. Аммо агар аёлда шиш пайдо бўла бошлаган бўлса, сув

ичишни камайтириш мумкин. Шиши ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида учрайдиган токсикозларнинг бошлангич босқичидир.

Витаминлар алмашинуви. Ҳомиладор аёл организмидаги витаминлар этишмаса гиповитаминос, оғир ҳолатларда авитаминос касаллиги вужудга келади. Бу ҳолат ҳомиланинг муддатидан олдин туғилишига, яхши ўсмай қолишига сабаб бўлади.

Ҳомиладор аёл организмидаги витаминлар камайиб кетса, токсикозларнинг авж олишига кулагай шароит яратилади. Аёл организмининг айниқса витамин А, D, В, Е, С витаминларига бўлган талаби катта бўлади.

С витамины сперматозоид билан тухум ҳужайранинг қўшилиш жараёнининг тўғри кечиши, шунингдек фолликулларнинг ўсиши, бачадон децидуал пардасининг ривожланиши учун ҳам зарур. А.И. Осякина-Рождественская С витамини кўп микдорда тухумданда, сарик танада топган. Организмнинг С витаминига талаби ҳомила ўсан сари орта боради. Агар организмнинг С витаминига бўлган талаби 50 мг бўлса, ҳомиладор организмни 120-125 мг, ҳатто 224 мг ни талаб қилади (Г.А. Бакшт). Йўлдош С витамини учун депо ҳисобланиб, ҳомиланинг талабини вакти-вакти билан қондириб туради. Баъзи олимларнинг кўрсатишича, ҳомила организмидаги тўпланган С витамини она организмидаги микдордан кўп.

Ҳомиладор аёл организмининг D витаминига бўлган эҳтиёжи ҳам катта. Маълумки, D витамини кальций ва фосфор алмашинувини бошқариб, тартиби солиб туради. Агар организмда D витамини этишмаса, онада остеомаляция, ҳомилада эса рахит касаллиги вужудга келиши мумкин.

Ҳомиладорликнинг нормал кечиши учун Е ва A витаминлари ҳам зарур. Агар Е, A витамини этишмаса, ҳомила чала туғилиши мумкин.

Ёғ алмашинуви. Ҳомиладорлик даврида аёл конида липоид каби нейтрал ёғлар ва холестерин ҳам кўпаяди. Булар ҳомила танасининг тузилиши, тери ости ёғ қатламининг ташкил топиши, айниқса ҳомиланинг тараққиёти, бундан ташқари, сут безларида сут ишланиб чикиши учун зарур бўлади.

Ёғларнинг парчаланиши организмда ацетон вужудга келишига сабаб бўлади. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида учрайдиган токсикозларда тўхтовсиз кусганда сийдикдан ацетон таналари топилади, агар бу ҳолат давом этаверса ҳомиладорликни тўхтатиш лозим бўлади.

Ҳомиладорлик даврида аёл ўтида холестерин кам бўлади, аммо чилла даврида кўпайиб, баъзан ўт пуфагида тош йиғилишига мойиллик пайдо бўлади. Ёғ ҳомиладор аёлнинг юрак мускуллари орасида, сут безларида, йўлдошда ҳам кўп тўпланади.

Ҳомиладор аёл ёғли овқатларни кўп истеъмол килса, организмидаги ёғнинг парчаланиши издан чиқади ва натижада унда тўла ёнмаган ёғнинг заарарли махсулотлари тўпланади ва улар сийдикка ўтади. Оқсил ва карбонсувларнинг тўла ёнмаган махсулотлари физиологик ацидозга ва сув алмашинувининг бузилишига сабаб бўлади.

Бачадон бойламларидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорликда бачадон бой-

ламлари ҳам ҳомила ўсган сари катталашиб (гипертрофия), узунлашади. Бачадоннинг думалок бойлами (leg. rotundum) 4 баробар узунлашади. Думгиза - бачадон бойлами (leg. sacroterinae) кўл жимжилори йўғонлигида бўлиб қолади. Бойламларнинг бундай ўзгариши ҳомиланинг ўсишига ва туғрукда анча кулайлик келтиради. Хусусан, думалоқ бойлам туғиш жараёнида гўё от юганига ўхшаб бачадон тубини тутиб туради. Бу бойламни ҳомиладорликда пайпаслаб кўриш мумкин.

Баъзи акушерлар думалоқ бойламнинг туриш ҳолатига қараб, йўлдошнинг каерга ёпишганини тахмин қиласа бўлади, дейдилар. Масалан, agar йўлдош бачадоннинг орқа деворига жойлашган бўлса, думалоқ бойлам анча опдинда ва бир-бирига яқинрок жойда бўлади. Агар йўлдош бачадоннинг олдинги деворига жойлашган бўлса, унда думалоқ бойламлар анча оркарокда бўлади.

Ҳомиладорликда эндокрин системанинг ҳолати. Ҳомиладорликда эндокрин система анатомик ва физиологик жиҳатдан бир қатор қаршиликларга учрайди. Бу даврда эндокрин системага яна иккита без-йўлдош ва сарик тана қўшилади. Айниқса, гипофиз безида анатомик ва гистологик ўзгаришлар кузатилади. Гипофиз жинсий аъзолар билан функционал жиҳатдан боғлиқ бўлади, бунинг аҳамияти каттадир.

Ҳомиладорликда гипофизнинг олдинги бўлаги анчагина катталашади. Гипофизнинг олдинги бўлагида бўялиш жадаллигига қараб 2 хил хромофили хужайра бўлади. Хромофили хужайралар доналарининг бўялишига қараб ацидофил ва базофил хужайраларга бўлинади .

Гипофиз олдинги бўлагининг катталашишида баъзан ҳомиладор аёлда акромегалия белгиларини учратиш мумкин. Аммо ҳомиладорлик тўхташи билан бу белгилар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Гипофизнинг орқа бўлаги (нейрогипофиз) ҳомиладорликда катталашмайди. Гипофизнинг олдинги бўлаги кўп микдорда гонадотроп гормонлар ажратади. Гипофиз орқа бўлагининг фаолияти олдинги бўлаги каби марказий нерв системаси назоратида бўлади.

Қалқонсимон безлардаги ўзгаришлар. Ҳомиладорликда қалқонсимон без бирмунча катталашади. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, бу холат 35-40% ҳолларда учрайди. Безнинг катталашиши натижасида моддалар алмашинуви ортади, конда йод микдори кўпаяди, яъни гипертреоз пайдо бўлиши мумкин. Бу холат ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида кузатилади. Кўпинча без функцияси сустлашиши (гипофункция) мумкин. Бунда йод камайиб кетади, коннинг куюлиш хусусияти сусайиб қолади.

Қалқонсимон без олдиаги без кальций алмашинувини бошқаради, ҳомиладорликда унинг фаолияти ошади. Баъзан ҳомиладорликда тиришиш ҳолатларини кўриш мумкин, бу организмда кальций тузининг камайиши туфайли вужудга келади. Бу холат қалқонсимон без олдиаги без фаолияти сусайганда юз беради.

Буйрак усти безидаги ўзгаришлар. Буйрак усти бези пўстлок қавати қалинлашиши натижасида катталашади. Буйрак усти безидан оқсил, кўмир

ва минерал моддалар алмашинувини бошқарувчи гормонлар (кортизон, гидрокортизон) ҳомиладорликда күпроқ ажралади. Бу безнинг фаолияти ҳомиладорлик даврида мухимdir.

Асаб системасидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорликда мия пўстлоининг вазифаси хақида бир катор текширишлар ўтказилган. Ҳусусан М.Л. Гармашова ҳамкаслари билан ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ҳам мия пўстлоидаги ўзгаришлар бўлишини электроэнцефалограмма ёрдамида аниқлаган. Ҳомиладорликда мия пўстлоги билан бош мия орасидаги алоқадорлик ўзгаради. Мия пўстлоигида тормозланиш жараёниш сусайиши кузатилади. Шунга кўра вегетатив нерв системасининг тонуси ўзгаради.

Кўпинча вегетатив белгилар юзага келади: ҳомиладор аёлнинг сўлаги оқади, кўнгли айнийди, қайт қилади (ошқозон пилорус қисмининг спазмаси) ҳамда вегетатив нерв системасининг фаолияти бузилади. Қабзият, веналарнинг кенгайиши, сийдик йўлининг ковуққа уланган қисми кенгайганилиги, дермографизмнинг ўзгариши ва бошқалар кузатилади.

Ҳомиладорлик муддатининг охириларида бош мия пўстлоининг кўзғалувчанлиги анча сусаяди, орқа миянинг рефлектор равишда кўзғалиши зўрайди, бу ҳолат тутурк дарди бошланиши сабабларидан биридир. Шундай килиб, ҳомиладор организмининг тувишга тайёрланиши асосан асаб системасининг мураккаб рефлектор реакциясига боғлиқдир. Бачадон рецепторлари сезувчанлигининг аста-секин ошиши тутуркка тайёрланишга имкон беради.

Ҳомиладорлик бошланишида вужудга келган шартли рефлекслар ҳомиланинг биринчи қимирашидан то охиригача анчагина ўзгаради, аммо тутурк дарди бошланиши билан бутунлай йўқолади. Ҳомиладорликда анализаторларнинг фаолияти ўзгариб, бу ҳолат кўриш ва эшитиш қобилиятига таъсир қилади. Парестезия (бармоқларнинг жонсизланиши, чумоли юрганига ўхшаш жимирлаш) ҳолати кузатилади.

Периферик нерв системасидаги ўзгаришлар. Невралгик орриклар, айниқса ишиалгия хусусиятидаги, думғаза ва бел соҳасидаги орриклар билан намоён бўлади. Кўпинча аёлнинг болдири ва ахилл пайи соҳасида томир тортишади. Баъзан периферик нервларнинг кўзғалувчанлиги ортади (тетанияга ўхшаш ҳолат), тизза рефлекслари зўрайди.

Ҳомиладор аёлнинг салга жаҳди чиқадиган бўлиб қолади, кайфияти ўзгариб туради, уйқучанлик кузатилади, жинсий майл сусаяди. Юкорида кайд қилинган ҳолатлар мия пўстлоги ва пўстлоқ ости фаолияти ўзаро мувозанатининг ўзгаришига боғлиқдир.

Юрак ва қон томирлар системасидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорликда диафрагманинг юкори туриши юракнинг ҳам юкорига жойлашишига сабаб бўлади. Ҳомиладорликнинг охираша юрак бир оз кўндаланг ва кўкрак кафасига яқин ётади. Бунда юрак чегараси кенгайиши, юрак зарби анча четроқда бўлади. Катта қон томирлар кўпроқ эгилганига кўра нозик юрак шовкини, кўпинча систолик шовкин эшитилади. Сут безлари катта-

лашиб, тўлишгани туфайли юрак чегарасини аниқлаш қийинроқ бўлади, буни ультратовуш ва рентген ёрдамида аниқласа бўлади. Агар юрак нормал бўлса, ҳомиладорликда деярли ўзгармайди.

Ҳомиладор юраги ҳомила ўсиши билан аста-секин унга мослаша боради: мускуллари гипертрофиялашиб бир оз кенгаяди, функционал хусусияти ортади. Чунки аёл организмида учинчи қон айланиш системаси (бачадондаги қон айланиш) вужудга келганига кўра, периферик қон томирларнинг қаршилиги ортади. Бачадон катталашган сари бу ҳолат оша боради.

Ҳомиладорликда умумий қон миқдори кўпаяди. Агар қон миқдори ҳомиладор бўлмаган аёлларда умумий тана оғирлигига нисбатан 1/16-1/20 ни ташкил қилса, ҳомиладорликда 1/12-1/14 га етади. Коннинг солиштирма оғирлиги ҳомиладор бўлмаган аёлларда 1054-1063 бўлса, ҳомиладорларда камайиб, 1040-1051 бўлиб қолади. Бу ҳолат тўқималарнинг умумий сув ўтказувчанлик хусусиятига таъсир қиласи.

Ҳомиладорликда коннинг ивиш хусусияти ошади, фибрин ва фибриноген миқдори кўпаяди, қон пластинкалари кўпаяди, шунга кўра ҳомиладор аёлларда тромбоз ҳавфи бўлади. Ҳомиладорлик охирида коннинг ёпишқоклиги ошади, қон зардобида липидлар (холестерин) кўпаяди.

Қон ишлаб чиқариш системаси, айниқса суяк кўмиги бир катор ўзгаришларга учрайди. Физиологик кечётган ҳомиладорликда суяк илигининг гемопоэтик (қон ишлаб чиқариш) фаолияти ортади. Бунда эритробласт тўқимасида деярли ўзгариш бўлмайди, аммо лейкобласт тўқимасида ҳомиладорликнинг охирида, айниқса биринчи тугувчиларда онда-сонда дегенератив ўзгаришлар кўрилади.

Суяк кўмигининг қон ишлаб чиқариш фаолияти айниқса ҳомиладорликнинг 7-8 ойларида жадаллашади, кейинроқ бир оз сустлашади. Эритробластик реакция, ҳомиладорликнинг биринчи ойларидан мегалобластлар кузатилади.

Нормобластлар орасида митоз базофиллари ва бошқа регенератив шаклларининг кўпайгани, моноцит ва лимфоцитларнинг камайгани кузатилиади.

Периферик қонда нейтрофилли лейкоцитоз ва лимфопения бўлади. Қизил қонда кўпинча анемия ҳолати кузатилиб, гемоглобин фоизи ва эритроцит миқдори камаяди. Ранг кўрсаткичи 0,9 атрофида бўлади. Бу ҳолат ўсаётган ҳомила талабини кондириш учун темир моддасининг сарфланаётгани ва бу ҳол камконликка олиб келганидан далолат беради.

А.А. Қодирова, Ю.Қ. Жабборова ва бошқалар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида камқонлик (анемия) вужудга келишини, шу муддатда темир моддаси организмда камайиб кетишини, овқатланишга аҳамият бериш, темир моддасига бой таомлар истеъмол қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Сут белларида ўзгаришлар. Ҳомиладорликда сут беллари сут ишлаб чиқаришга тайёрланади. Без бўлаклари катталашади, пайпаслаб кў-

рилганда қаттік түгунчага ўхшайды. Сут бези сүрғичлари катталашып, атрофи билан бирмунча қорамтири бўлиб қолади. Без тұғмачаси атрофидан майда-майда безчалар бўртиб чиқади (мангомер безлари - glandula mangomeri).

Сут бези таранглашиб, бир оз осилиб қолади, веналари кенгаяди. Без бўлакларидаги эпителиал хужайралар катталашып, уларнинг протоплазмасида мой томчилари пайдо бўлади. Агар кўкрак сүрғичи атрофи сикилса, ҳомиладорликнинг биринчи ҳафталарида ёки сути (Colostrum) чиқади. Ҳатто ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида оғиз сути сикмаса ҳам ўз-ўзидан чиқиши мумкин. Сутнинг етарли микдорда бўлишини кўкракнинг катта-кичиклигига ва без бўлакларининг, теридаги веналарнинг кўплигига ва сўргич атрофидаги доиранинг катта-кичиклигига қараб билиш мумкин.

Сут безларидаги бу ўзгаришлар гормонлар таъсирига бօрлиқ. Кўпгина муаллифларнинг фикрича, тухумдондан ажраладиган эстроген гормон сут безлари тараққиётiga таъсир қиласа, гипофиз безининг олдинги бўлагидан ажраладиган пролактин сут ишланиб чиқишига таъсир қиласи. Оз микдордаги пролактин сут ажралишини кўпайтира, кўп микдордагиси, аксинча, сутни камайтиради.

Нафас аъзолари системасидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорлик даврида ўпка, жигар, диафрагма воситасида юқорига сикилишига қарамай, унда деярли функционал ўзгаришлар бўлмайди. Бу ҳолат кўкрак қафаси юқори ва пастки қисмининг кенгайиши билан ифодаланиб, ҳомиладор организмидаги сезиларли ўзгаришларни вужудга келтирмайди. Бунинг натижасида ҳомиладорликда ўпканинг ҳажми кенглигича қолади ва ҳаво алмашинуви бирмунча ортади. Ҳомила катта, көданоқ суви кўп ёки ҳомила биттадан ортиқ бўлган ҳоллардагина ҳомиладорликнинг охирги даврида нафас тезлашади ва ҳатто нафас қисиши каби ҳоллар юз беради.

Овқат ҳазм қилиш аъзоларидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорликнинг биринчи ойларida овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолияти бузилади. Бундай ҳол юқорида айтиб ўтилганидек, вегетатив нерв системаси фаолияти бузилишидан келиб чиқади.

Ҳомиладор аёлнинг баъзан кўнгли айнииди, қайт қиласи, сўлаги оқади, ичаклар атонияси, қабзият кузатилади, аёл баъзи овқатларни хуш кўрмайдиган бўлиб қолади. Бўр, кесак ва шунга ўхшаш истеъмол қилиб бўлмайдиган нарсаларни кўнгли тусайди. Бундай ҳолат ҳамма ҳомиладорларда ҳам бўлавермайди. Бош коронрилик деб аталашибган бундай ҳоллар 3-4 ой мобайнида йўқолади.

Сийдик чиқариш аъзоларидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорликда бошқа аъзолар каби буйракнинг вазифаси ҳам ортади. Буйрак организмда сув алмашинувини тартибга солувчи, она ва ҳомила организмидан ажралган алмашинув маҳсулотларини ташқарига чиқарувчи аъзодир. Ҳомиладорликда буйракнинг фильтрлаш хусусияти сусаяди, шу сабабли ҳомиладор аёл сийдигида кўпинча оз микдорда қанд ва оқсил топилади, лекин бу

патологик ҳолат ҳисобланмайди.

Сийдикда канд пайдо бўлиши физиологик глюкозурия деб аталади. Агар сийдикда оқсил пайдо бўлса, бу ҳомиладорликда гипертензия ҳолати бошланишидан дарак беради.

Ҳомиладор организмида сув алмапинуви жараёни ортиши сабабли сийдик миқдори кўпаяди ва ҳомила қовуқни босиб, аёлни тез-тез сийишга мажбур килади. Бундай ҳол сийдик йўллари касалликларида ва сийдиктош касалликларида ҳам учраши мумкин.

Ўргатувчи тестлари.

1. Ҳомиладорликда юрак – қон томир системасида бўладиган ўзгаришлар?

Ҳомиладор аёл вазнини ошириш (ўрта ҳисобда 10-15%)

Ҳомила вазнининг ошиши

Диафрагманинг юқорида жойлашиши ҳисобига юракнинг горизонтал ҳолатга силжиши

Йирик томирларнинг сиқилиши.

Эндокрин юкламалар

Янги йўлдош қон айланишининг пайдо бўлиши

2. Ҳомиладорлик даврида гемодинамик ўзгаришлар?

Юрак минутлик ва зарб ҳажмининг 26-30% га ошиши

Юрак кискаришлар сонининг ошиши

А/Б ва веноз босимнинг ошиши

УА қоннинг 20-25% га ошиши, плазма ҳажми 900 мл

Қон оқими тезлигининг ошиши

Қон томирлар умумий периферик каршилигининг

Нва гематокритнинг пасайиши

VIII БОБ ҲОМИЛАДОРЛИККА ДИАГНОЗ (ТАШХИС) ҚЎЙИШ УСУЛЛАРИ 8.1. АНАМНЕЗ ТЎПЛАШ

Ҳомиладор аёлларни текширицининг ўзига хос хусусиятлари бор. Сухбатлашиш (анамнез йириш) йўли билан олинадиган маълумотлар ҳомиладорликда, туғища ёки ҳомила тараққиётида рўй бериши мумкин бўлган касалликларни олдиндан тахмин қилишга ёрдам беради. Бу эса профилактика ва даволаш чораларини ўз вақтида кўришга ва ҳомиладорни мунтазам кузатиб бориш имконини беради.

Ҳомиладорликни аниқлаш вақтида унинг муддатини, түшишнинг тахминий вақтини ҳам белгилашга тўғри келади. Бундан ташқари, ҳар томонлама клиник текшириш, физик-кимёвий, лаборатория ва бошқа текширувлар ўтказиш йўли билан организмнинг умумий ҳолати, ҳомиладорликнинг кечиши кузатиб борилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотларни олиш ва уларга диагноз қўйиш учун куйидаги анамнез чизмасидан фойдаланиш мумкин:

1. Фамилияси, исми, отасининг исми
2. Турар жойи, болалик ва ўсмирликда яшаган шароити
3. Ёши

Маълумки, агар қиз бола балоратга етмай (17 ёшгача) ёки ёши анча ўтиб (30-35 ёш) турмушга чикиб, биринчи марта ҳомиладор бўлса, уларда 18-23 ёшгача бўлган аёлларга нисбатан ҳомиладорлик, туғиш ва чилла даври анча оғир, патологик ҳолатда кечиши мумкин.

Ҳомиладор аёлнинг қандай география шароитда ва қандай иқлим мухитида яшагани ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Агар иложи бўлса, унинг неча ёшда юра бошлаганини, болалигида қандай ўсганлигини билиш ҳам жуда мухимдир.

Болаликда ва катта бўлгандан кейин бошидан кечирган касалликлари ҳомиладорлик ва туғиш жараёнининг кечишини аниқлашда ёрдам беради. Масалан, аёл ёшлигига рапит билан оғриган бўлса, унинг организми тузилишида айрим ўзгаришлар – бўйи кичкина, бош суяги тўртбурчак, кўкрак кафаси ичига ботган ва бошқалар кузатилиши мумкин. Хусусан чаноқ суягидаги рапитга хос ўзгаришлар туғиш вактида бир қанча оғир ҳолатларни пайдо килиши мумкин.

Ёшликда бошдан кечирилган тепки, қизамиқ, сувчечак ва бошқа юкумли касалликлар жинсий аъзолар тараққиётига таъсир этиши мумкин. Кейинги пайтларда айниқса юкумли касалликлар (брүцеллэз, токсоплазмоз, захм, грипп, сўзак ва бошқалар) ҳомиланинг чала ёки ўлик туғилишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган. Аввалги ҳомиладорлик ёки туғиш вактида килинган операциялар ҳам навбатдаги туғишида турли патологик ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Оилавий касалликлар (ҳомиладор оиласидаги ёки унинг эрида бўлган касалликлар – сил, захм, руҳий хасталиклар ва бошқалар) ҳамда алкоголизм, наркомания, кашандалик ҳомиланинг чала, ўлик ёки нуксонли туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳайз функциясини ҳам аниқлаш мухим аҳамиятга эга. Ҳайзни неча ёшдан кўра бошлаган, дастлаб нормал кела бошлаганми ёки тўхтаб-тўхтаб келганми, кейин неча ёшда кела бошлаганигини билиш керак. Агар қиз ҳайзни кеч кўрган ва у анчагача нормал ҳолатда кечмаган бўлса, бу унинг ўз вактида балоратга етмаганидан далолат беради.

Ҳайз циклининг ўзгариши ҳам ҳомиладорлик ва туғиш жараёнининг кечишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳайзнинг ой сари такрорланиши (21-28-30 кун) қандай, ҳайз кўрганда оғриқ бўлиш-бўлмаслигини ҳам сўраш керак. Маълумки, жинсий аъзолар касалликларида ёки ички секреция безлари фаолияти бузилиши натижасида ҳайз жуда кеч (17-18 ёшдан), одатда Узбекистонда яшайдиган кизларда эса 14-15 ёшдан бошланади.

Ички секреция безлари фаолияти бузилганда туғиш оғирлашади, туғиш даврида бирламчи ва иккиламчи сустликлар пайдо бўлади. Чилла даврида бачадон яхши кисқармайди, қон кетади. Турмушга чикқандан сўнг узок вакт давомида бўйида бўлмаслик жинсий аъзоларнинг тўла етилмаган-

лигидан далолат бериши мумкин. Бу аёлнинг бўйида бўлганда ҳам турли кийинчиликлар вужудга келиши мумкин.

Жинсий ҳаёт бошлангандан, туккандан ва абортдан кейин ҳайз кўришнинг ўзгарган-ўзгармаганлигини аниқламоқ керак, ҳайз функциясининг бу даврларда ўзгариши ички жинсий аъзоларда ялиғланниш жараёни борлигини кўрсатиши мумкин.

Аёл билан сухбатлашганда ҳомиланинг неchanчи эканлигини, олдинги ҳомиладорликлар ва туғиши қандай ўтганлиги, илгариги ҳомиладорликдағи гипертензив ҳолатлар, ички аъзолар (буйрак, жигар, юрак кон-томир системалари) касалликларини ва илгариги туғишларда юз берган бошқа касалликларни ёки ўзгаришларни аниқлаши керак. Туғруқдаги патологик ҳолатлар (вактидан олдин сув кетиши, туғруқ дардлари сустлиги, ҳомиланинг ногури ётиши, чаноқнинг тор бўлиши), кискич солиш ёки кесарча кесиши усули билан ҳомилани туғдириш зарурияти борлигини кўрсатади. Ҳомиланинг муддатидан илгари туғилиши ва бола тушиши каби ҳоллар бу аёлда бирор касаллик (бачадон шиллик қаватининг ялиғланганилиги, бачадон шиши ва бошқалар), турли юкумли касалликлар борлигидан ёки инфантилизмдан дарак беради.

Шуни унутмаслик керакки, ўз-ўзидан бола тушиши ёки сунъий йўл билан қилинган аборт жинсий аъзоларда ялиғланниш жараёнини пайдо қилиши оқибатида ҳомиладорлик ва туғиши вактида турли патологик ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Аввалги ҳомиладорлик ва туғиши яхши ўтган бўлса, бу аёлнинг соғлом эканлигини кўрсатади ва навбатдаги ҳомиладорликнинг муваффакиятли ўтишини олдиндан билишга имкон беради. Аксинча, илгариги туғруқда қилинган операция, туғилган боланинг тезда ўлганлиги ёки ўлик туғилганилиги бу ҳомиладорликда ҳам қўшимча касаллик ва оғир ҳолатлар рўй бериши мумкинлигини ва ҳомиладорни алоҳида аҳамият билан кузатиб бориши лозимлигини кўрсатади.

Ҳомиладорлик ва туғиши вактидаги касалликлар ёки қўшимча патологик ҳолатлар аввалги туғищдан кейин, чилла даврида рўй берган касалликлар натижасида бўлиши мумкин. Шунга кўра аввалги ҳомиладорликда чилла даврида аёл касаллик билан оғриганми - йўқми, буни билиш зарур.

Ҳомиладор аёлдан эрининг соғлиги ҳақида сўралади, чунки унинг илгари ва хозир сил, сўзак ва бошқа касалликлар билан оғриган бўлиши ҳомиладор аёл ва ҳомила сорлигига хавф солади.

Анамнезда ҳомиладор аёл яшайдиган уй ва ишхонанинг санитария - гигиена шароитлари, унинг овқати, қанча ухлаши ва дам олиши батафсил аниқланади. Ҳомиладор аёлнинг турмуш ва меҳнат шароитининг ҳомила тараққиётида, туғилишида ва чилла даврининг кечишида аҳамияти катта бўлади.

Анамнез синчиклаб йигилади ва олинган маълумотлар ҳомиладорлик варакасига тўлиқ ёзиб қўйилади.

8.2. ОБЪЕКТИВ ТЕКШИРИШ

Ҳомиладор аёлни объектив текширгандан унинг тана тузилишига аҳа-

мият бериш зарур. Даастлаб аёлнинг бўйи ўлчанади, агар бўйи 145 см дан паст бўлса, унда чаноқ топ бўлиши ва туфиш жараёнида оғир ҳолатлар рўй бериши мумкин.

Аёлнинг скелет сукларидағи нуқсонларга: оёғининг қийшиқ ёки битасининг калталиги, орқа умуртқанинг қийшиқлиги, шакли, кўкрак қафасининг ичига ботгани, думгазанинг Михаэлс ромби шаклидаги нуқсонларига аҳамият бериш лозим. Шунда ҳомиладорлик ва туфишнинг қандай кечиши тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Думгаза ромбини аниқлаш учун ҳомиладор аёлни тик турғазиб, чаноқнинг орқа юзаси кўздан кечирилади. Агар ромб тўртбурчак шаклида бўлса, бу нуқсонсиз (мукаммал) чаноқ ҳисобланади.

Аёлнинг тана юзаси (териси) тозами, тошмалар йўкми, юзида, юқори лаби остида, сут бези сўргичи атрофида, корин деворининг оқ чизиги соҳасида қорамтири доғлар бор-йўқлигини текшириш керак. Сут безларининг тўлишган-тўлишмагани ҳам кўрилади. Бу белгилар ҳомиладорликка хос ва аёлнинг бўйида бўлганига тахмин қиласа бўлади.

Ҳомиладор аёллар ички аъзоларини текшириш усули ҳамма ерда бир хил қабул қилинган. Бунда ҳарорат ўлчанади, томир уриши саналади, қон босими аниқланади, тери ва кўз оки ва кўринадиган шиллик қаватлари (лаб, оғиз, тил) кўздан кечирилади ва ҳоказо.

Ҳомиладорлик даврида организмда жиддий ўзгаришлар рўй беришини назарда тутиб, ички аъзоларни текшириш жуда ҳам зарурдир. Бу ўзгаришлар юрак, буйрак, ўпка ва бошқа аъзолар касалликларига ёмон таъсир килиши мумкин. Ҳомиладор аёлдаги касалликларни ўз вақтида аниқлаш керак, шунда аёлнинг ҳомиладор бўлиш-бўлмаслиги ва ҳомиладор бўлса, уни давом эттириш мумкин ёки мумкин эмаслиги аниқланади. Айниқса, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида қон ва сийдикни, қон босимини мунтазам равишда текшириш, тана вазнини ўлчаб туриш зарур.

Коринни кўздан кечирганда у тик турган овал шаклда бўлса, ҳомиланинг тўғри ётганини, кўндаланг ёки қийшиқ турса, ҳомиланинг кўндаланг ёки қийшиқ ётганини, юмaloқ шар шаклида бўлса, эгизак бола ёки қоғонок суви кўплигини, корин осилган ёки туртиб чиккан (ўтқир учли) бўлса, чаноқнинг торлигини кўрсатади.

Агар юзда ва оёқларда шиши бўлса, бунинг сабабини аниқлаш зарур. Бу ҳолат ҳомиладорлик гипертензив ҳолатларида, юрак ва буйрак касалликларида кузатилади. Агар тери ва кўринадиган шиллик қаватлар рангизсиз бўлса, камқонликдан, лаб ва тирнок кўкарган бўлса, кислород стилемаслигидан (юрак касаллигидан) дарак беради. Бундан ташқари, сут безларининг яхши ривожланмаганлиги, жинсий аъзолар соҳасида, кўлтиқ остида тукларнинг кам бўлиши ички жинсий аъзоларнинг яхши ривожланмаганлигини билдиради.

Коринни пайпаслаб кўриш ташқи текширишнинг асосий усулидир. Бунинг учун олдин акушер кўлини тозалаб ювиб, бир оз иситади, аёл тизза бўғимини буккан ҳолда чалқанча ётади. Кўришдан олдин қовук бўша-

тилади. Пайпаслаб кўришдан олдин суяк дўмбоклари бойламлари топилади. Булар пайпаслаб кўришда мўлжал бўлади.

Қоринни пайпаслаб кўрганда бачадон туви аниқланади, ҳомиланинг бачадонда ётиш ҳолатида унинг кичик чаноққа яқин турган қисми (боши, думбаси ёки кўндаланг ётиши), унинг майдада қисмлари аниқланади. Ультратраторуш ёрдамида ҳомила ва йўлдошнинг ётиши аниқроқ билинади.

8.3. ҚИН ОРҚАЛИ ТЕКШИРИП


Одатда ҳомиладор бачадони туви 3-ой охирида қов суюги устидан кўтарилиб туради, аммо ташки пайпаслаб кўриш билан баъзан буни аниқлаш кийин бўлади. Шунга кўра ҳомиланинг бор-йўклигини ва унинг муддатини аниқлаш учун кўпинча қин орқали текшириб кўрилади.

Бунинг учун текширишдан олдин қовук бўшатилади.

Текширишда яхшиси аёлни чалқанча ётқизиб, тизза бўғимларини букиб, сёклари ораси очилади.

Текширишдан олдин шифокор қўлини тозалаб ювиб, стерил резина кўлқоп кияди. Текширишда жинсий аъзоларнинг ташки юзасини, чотни, тўғри ичак тешиги атрофини кўздан кечириб, бирор патологик ўзгариш бор-йўклиги аниқланади. Кейин гинекологик кўзгулар ёрдамида бачадон бўйинини кўздан кечиради (8.1.-расм). Сўнгра чап қўлнинг икки бармоги (боши ва кўрсаткич бармоклар) билан кичик жинсий лабларни очиб, кинга кириш олди қизарган-қизармаганлиги, кўкарган-кўкармаганлиги, сийдик чиқариш тешиги қандай аҳволда эканлиги, қин дахлизи олдидағи катта-кичик безларда яллигланиш бор-йўклиги аниқланади.

Сўнгра ўнг қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоги қинга аста-секин киргизилади. Бунда катта бармок билан жимжилок эса кафт томонга буки-



8.1.-расм. Гинекологик кўзгулар ёрдамида бачадон бўйинни кўздан кечириш



8.2.-расм. Аёллар ички жинсий аъзоларини қин ва қорин девори орқали икки қўллаб текшириш

лан ҳолда четга тақалиб туради. Қинга киритилган бармоклар билан киннинг узунлиги ва кенглиги, қин деворларининг ҳолати (шишганлиги, қат-қатлари, гадир-будурлиги, кенгайиш хусусияти), чаноқ ости мускуларининг қандай ҳолатда эканлиги, бачадон бўйининг қин қисми ва қин гумбазлари, бачадон бўйни ташки бўғизининг шакли (думалок, ёриқка

ўұшаш очик ёки берклиги ва бошқалар) аниқланғач, иккала күл билан текширишга киришилади (8.2.-расм).

Иккала күл билан ҳомиладор аёлни текшириш (бимануал текшириш) нинг үзига хос хусусияти бўлиб, бунда бачадоннинг катта-кичиклиги, шакли, қўзғалувчанилиги, қаттиқ-юмшоқлиги, туриш ҳолати, оғриқли ёки оғриқсиз эканлигини, ҳомиладорлик белгиларини, бачадон ортиклари-нинг қандай ҳолатда эканлиги ва чаноқнинг ички юзаси текширилиб, унинг ички ўлчовлари аниқланади.

Бунинг учун ўнг күл бармоқлари киннинг олдинги гумбазига юбори-лган ҳолда, чап күл бармоқлари билан корин деворининг қов суяги устидан бачадон танаси текширувчининг иккала кўли орасида бўлгунча, аста-секин босилади. Агар бачадон орқага эгилган бўлса, уни бундай тек-шириш билан топа олмаслик ҳам мумкин. Бундай ҳолларда қин ичидағи ўнг күл бармоқлари орка гумбазига ўтказилади ва текшириш юқоридаги-ча такрорланади.

Бачадон танаси аниқланғач, унинг катта-кичиклиги, харакатчанлиги, оғриқ бор-йўқлиги ва шакли аниқланади. Бачадонни пайпаслаб текши-риб бўлгач, қин гумбазлари синчиклаб кўрилади. Бундан ташкари, чаноқ деворини текшириб, ўсиклар бор-йўқлиги, чаноқ шакли ва думғаза суяги-нинг чаноқ ичига қараган думғаза бурни дўнги бармоқ билан текширила-ди, унга бармоқ етмаса, демак, чаноқ тор эмас, агар етса, у ўлчанади.

Чаноқнинг ички юзаларини текшириб бўлгач, қинга киритилган ўрта бармоқ учини думғаза суягининг туртиб чиқкан жойига (*promontorium*) кўйилади, ташқаридаги чап кўлнинг кўрсаткич бармоғи билан симфиз-нинг пастки чети белгиланган ҳолда ўнг күл бармоқлари қиндан чиқари-лади. Ўнг кўлнинг кўрсаткич бармоқ учи билан белгиланган оралиқ та-зомерда ўлчанади. Бу оралиқ диагонал конъюгата (*conjugata diagonalis*) деб аталиб, нормал чаноқда бунинг узунлиги 13 см ва ундан юқори бўли-ши мумкин. Шундан 2 см чегириб ташланса, чин конъюгатанинг ўлчови аниқланади.

8.4. ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИНИ АНИҚЛАШ

Ҳомиладорлик бошланишида унинг белгилари жуда аник бўлмайди. Бунда ҳомиладорлик фақат тахминий белгиларга кўра аниқланади.

Ҳомиладорликнинг тахминий белгиларига аёлдаги субъектив ҳолат ва объектив текширип натижасида унинг организмида аниқланган ўзга-ришлар киради. Ҳомиладорларнинг субъектив ҳолатига:

1) бошқоронги бўлиб иштахаси ўзгаради, нордон ва аччик овқатлар егиси келади, баъзан бўр истеъмол қиласи, хўл тупроқ ва бошқалар хи-дини ёқтиради;

2) жаҳлдор бўлиб кайфияти тез-тез ўзгариб туради, уйқучан бўлиб ко-лиши мумкин;

3) ҳидни сезиш кобилияти бирмунча ўзгаради (папирос, атир, ёғ хиди

ва бошқа хидлардан күнгли айнийди);

4) терисида бир қатор ўзгаришлар рўй беради: сут бези тутмачаси атрофида, юзида, корин деворининг ок чизигида қорамтиридорлар пайдо бўлади.

5) сут безида оғиз сути (бошланғич сут) пайдо бўлиб, кўкраклари катталашади. Агар сут безининг учи сикилса, оғиз сути чиқади

Шуни айтиб ўтиш керакки, илгари туккан баъзи аёллар кўкрагида сут сакланиши мумкин.

Ҳомиладорликнинг тахминий белгилари. Бу хилдаги белгиларга жинсий аъзоларда, сут безида, хайз кўришда бўладиган ўзгаришлар киради. Бу белгиларнинг ҳаммаси объектив белгилар хисобланади.

Ҳомиладорлик хайз кўришнинг тўхташи билан белгиланади. Маълумки, соғлом аёлларда хайз даври ўзгартмайди. Факат ҳомиладорлар хайз кўрмайдилар, баъзи бола эмизадиган аёллар хайз кўрмасликлари мумкин.

Хайз даврининг бузилиши умумий касалликларда ҳам учраб туради. Ҳусусан диабет, сил, сурункали заҳарланиш (кимёвий моддалар ва бошқалардан), оғир руҳий изтироб ёки тўсатдан бошга тушган мусибат натижасида ҳам хайз тўхташи ёки унинг даври бузилиши кузатилади.

Хайз кўришнинг тўхташи ҳомиладорликнинг тахминий белгиларидан бири бўлишига қарамай, турли акушерлик текширишлари ўтказиш лозим бўлади.

Қиннинг кириш қисми ва қин шиллик қаватининг бўртиб кўкариши ҳам ҳомиладорликнинг тахминий белгисидир. Одатда ҳомиладорликнинг 5-6-ҳафтасидан бошлаб бачадон катталашади, шакли ва қаттиқ-юмшоқлиги ўзгарилиши мумкин.

Сут безлари ўзгариб катталашади ва каттикларидан, юкорида айтганимиздек сут безлари тутмачаси атрофини сикқандаги оғиз сути чиқади.

Ҳомиладорликнинг тахминий белгилари объектив белгилар хисобланади, қинни ва қин кириш қисмини стерил гинекологик кўзгулар ёрдамда кўрилади. Гинекологик кўзгулар ёрдамида қиннинг шиллик қавати, бачадон бўйнининг рангги, қинда яллигланиш жараёни бор-йўқлиги аниқланади. Бундай текширишлар учун 2 тавақали қошиксимон кўзгулардан фойдаланилади.

Икки тавақали гинекологик кўзгу ишлатилганда у қин орқасидаги чуқурчаларга етгунча қин ичига юборилади, сўнгра бачадон бўйнини кўриш учун кўзгу тавақалари очилади, қин деворларини эса кўзгуни қиндан чиқариб олиш пайтида кўрилади.

Бачадон бўйни ва қин девори қошиксимон кўзгуларда яхши кўринади. Бунинг учун кўзгу қиннинг орка деворига кўйилиб, чот аста-секин пастга тортилади, иккинчи кўзгуни эса қиннинг олдинги деворига кўйиб, қин девори юкориға кўтарилади.

Иккала кўл ёрдамида ҳомиладорларни текширишда бачадоннинг катта-кичиликларини, шаклини, қаттиқ-юмшоқлигини, қанчалик силжувчан,

оғриқли ёки оғриқсиз эканлигини, туриш ҳолатини, қин гумбазининг ҳолатини, қанчалик силжувчанинги аниқлашда юқорида кўрсатиб ўтилган текшириш усуllibарининг ўзига хос аҳамияти бор.

Ҳомиладорликни кўрсатувчи белгилар

1. Пискачек белгиси – ҳомиладорликда бачадон шаклининг ўзгаришидан иборат. Аслида ноксимон, бир текис ялпоклашган бачадон нотўғри шаклдаги шарга ўхшаб қолади. Бачадон деворининг ҳомила тухуми жойлашган кисми дўйпайиб чиқади.

2. Горвиц-Гегар белгиси. Бу бачадон бўйни билан танаси оралиғи, яъни бачадон бўйин олди (*istmus*) юмашаига асосланган. Иккала кўл билан текширилганда, қинга киргизилган қўл бармоқлари билан корин девори орқали қовук суюги устидан босаётган ташкаридаги бармоқлар бачадон бўйни олди юмшагани учун бир-бирига тегадиган даражада яқинлашади.

3. Снегирев белгиси – бу белгига ҳам ҳар иккала қўл ёрдамида текширилади. Қин орқали бармоқлар билан текшириш вақтида бармоқлар таъсирида бачадон қисқа муддатга қисқариб, каттиклашади. Бачадон каттиқ-юмшоқлигининг бундай ўзгариши унинг нерв системасининг таъсирланиши туфайли вужудга келади ва таъсиrlаниш тўхтагач, у яна юмшаб қолади.

4. Гентер белгиси – бу белгига ҳам ҳар иккала қўл ёрдамида текширилади. Қинга киритилган бармоқлар ёрдамида бачадондаги ўзгаришларни аниқлаш билан бирга ташки қўл ёрдамида бачадон олдинги юзасининг ўрта чизигида тароқсимон дўмбоқча бўлади, бу Гентер белгиси деб аталади.

Ҳомиладорликни эрта муддатларида аниқлашнинг гормонал усули. 1928 йилда Ашгейм-Цондеклар аёлнинг ҳомиладор бўлганини аниқлашда гормонал усулини таклиф қилдилар. Бу реакциялар таъсирида ҳомиладор аёл сийдигига гипофиз безининг олдинги бўлагидан ажраладиган гормон аниқланади.

Ҳомиладор аёл организмида гонадотроп гормон – гипофизнинг олдинги бўлагидан ажралган гормонни Ашгейм ва Цондек пролан деб атаганлар. Ҳомиладорликда хорионик гонадотропин ва фолликулин аёл сийдиги билан мўл ажралади. Бу гормон ҳомиладорликнинг биринчи хафтасида ёк кўпая боради. Цондек-Ашгейм реакцияси оқ сичқонларда ўтказиларди.

1947 йилда Галли-Майнини таклиф қилган усул Харьков медицина институти акупер-гинекологик клиникаси ходимлари (Аллатов ва бошқалар) томонидан қайтадан ишланган. Бу реакцияни эркак сув қурбақада ўтказилади. Ҳомиладорликни аниқлашда Фридман реакцияси қуёнларда худди сичқонлардаги каби ўтказиларди.

Хозирги пайтда ҳомиладорликни аниқлашда тест-коғозчаларини қўллаш мумкин: ВВ-тест (Франция). Бу усул билан ҳомиладорликда аёллар

сийдигида хориогоник гонадотропин гормони текширилади. Бунинг учун аёл эрталабки сийдигига тест-қоғозчаси ботирилади: агар иккита чизиқчалар пайдо бўлса, реакция натижаси ижобий, агар чизиқча ягона бўлса, салбий ҳисобланади.

Ультратовуш ёрдамида ҳам ҳомиладорликни аниқлаш мумкин. 5-6 хафталигига ёк ҳомиланинг юрак уришини билса бўлади. Ҳатто 3-4 хафталик ҳомиладорликда ҳомиланинг тасвирини кўриш мумкин (8.3.-расм).

8.3.-расм. Ультратовуш текшириш: 11 хафталик домила

8.5. ҲОМИЛАДОРЛИКНИ КЕЧКИ МУДДАТЛАРДА АНИҚЛАШ

Ҳомиладорликнинг аниқ ёки шубхасиз белгилари кўйидагичадир.

1. Ҳомиладорлик тахминан 15-20 хафталик бўлганда ҳомиланинг юрак уриши корин девори орқали, оддий акушерлик стетоскопи билан аниқ эшитилади. Юрак уришини «Малини» деб аталағиган аппарат ёрдамида ҳам зшитса бўлади. Бунинг учун корин девори сатҳига вазелин суртиб, унинг эпитетидиган қисмини корин девори бўйича суриб, ҳомиланинг юрак ураётган соҳаси топилади, бунда аппарат ёрдамида юрак уриши саналади (минутига 130-140 марта уради).


Она организмидан корин девори орқали эшитиладиган товушларга кўйидагилар киради:

а) ҳомиланинг юрак уриши билан бир вактда бўладиган корин аортасининг уриши на бачадон ён деворларидаги катта қон томирларда бўладиган шувиллаган шовқин;

б) ичакларнинг перистальтик (тўлқинсимон) ҳаракати туфайли хосил бўладиган ритмсиз шовқин;

в) ҳомиланинг кўл-оёклари кимирилаши натижасида хосил бўладиган ва қийинлик билан эшитиладиган бўғик товуш.

Ҳомиланинг юрак уриши ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидан бошлаб эшитила бошланади. Агар ҳомиланинг боши олдинга эгилган бўлиб, унинг орқаси бачадоннинг бирор деворига яқин турган бўлса, унинг юрак уриши орқа томондан яхши эшитилади. Агар ҳомила юзи билан келиб, боши орқага эгилган бўлса, унинг орқаси бачадон деворидан узоклашади ва кўкраги бачадон деворига тегиб туради. Бу ҳолда унинг юрак уриши кўкрак томонидан яхшироқ эшитилади. Ҳомила боши билан олдин келганда унинг юрак уриши она киндигидан пастда, чаноги билан келганда



она киндиги қаршисида ёки ундан юқоририңда, күндаланг келганды оңа киндиги рўпарасида, туғиш жараённида ҳомиланинг боши чаноқ ичига кирганда оңа қорни ўрта чизигида (симфиз устида) эшитилади.

Ҳомилада асфиксия (бўғилиб қолиш) рўй берганда унинг юрак уриши асфиксия боскичига караб минутига 100-110 марта уриши ёки тезлашиб, 150 ва ундан ҳам тез ура бошлайди. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида ҳомиланинг тирик эканлигини, нормал ўсаётганлигини, бачадоннинг ўсишини кузатиш ва ультратовуш ёрдамида аниқлаш мумкин. Одатда соғлом онанинг томир уриши ҳомиланинг юрак уришидан фарқ қилиш учун ҳомиланинг юрак уриши онанинг билак томири уриши билан солишитирлади.

2. Объектив текширилганда ҳомиладорлик 20 ҳафталик бўлгандан бошлаб ҳомиланинг қимирлаши аниқ билинади. Ҳомиладорнинг ўзи ҳам ҳомиланинг қимирлаганини анча илгари сезиши мумкин. Лекин буни аёл ичаклар перистальтикаси билан алмаштириши ва янгилиш маълумот бериши мумкин.

3. Ультратовуш ёрдамида ҳомила скелетини ва юрак уришини, ундаги мавжуд нұқсонларни кўриш мумкин (8.4.-расм).

4. Ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб ҳомиланинг скелет суюкларини рентгенда кўриш мумкин. Бу усулдан ҳозир деярли фойдаланилмайди.

5. Пайпаслаб кўриш усулида (Леопольд-Левицкий усули) ҳомила ҳолатини аниқлаш мумкин. Ҳомиладорнинг қорнини пайпаслаб (ушлаб) кўриш усули ҳомила қисмларининг катта-кичиклигини, ҳомиланинг бачадонда жойлашиш ҳолатини, олдин келувчи қисмининг қаерда эканлигини (чаноққа киришдан юқорида, чаноққа кираверишга суқилган ҳолатда ёки кичик ёки катта сегмент билан турганлиги) ни аниқлашдан иборат. Ҳомиладор аёлнинг қорнини пайпаслаб кўриш учун текис каравотга чалқанчасига, оёқларини тизза ва ёнбош бўғимларидан буккан ҳолда ётқизилади, шифокор унинг ўнг томонига ўтиради.

Ҳомиладор аёл қорнини пайпаслаб текшириш вактида акушерлик текшируванинг тўртта аникланган усулидан фойдаланилади (8.5.-расм).

Биринчи усул. Бачадон тубининг баландлиги ва унинг тубида ҳомиланинг қайси қисми борлигини аниқлаш учун қўлланилади. Бунинг учун иккала қўлнинг кафти билан бармоқлари бир-бирига қарагани ҳолда, бачадон тубини ушлаб, у енгилгина пастга босилади. Шунда бачадон тубининг турган баландлиги ва ҳомиланинг ётиш ҳолати аниқ билинади.

Ҳомиланинг ўсиши ва муддати бачадон тубининг қайси баландликда турганлигига қараб аниқланади. Агар бачадон тубида ҳомиланинг катта қисмлари аниқланса, бу унинг тўри ётганлигини кўрсатади. Агар пайпаслаганда бачадон тубида ҳомиланинг думбаси борлиги аниқланса, бу олдин келувчи қисм бош эканлигини, аксинча, бачадон тубида ҳомиланинг боши борлиги аниқланса, чаноғи билан олдин келишини кўрсата-


ди.

Иккинчи усул билан ҳомиланинг орқаси ва майда қисмларининг туришига қараб, унинг қандай ҳолатда эканлиги аникланади. Бунинг учун иккала кўл бачадан тубидан унинг ёнига ўтказилади.

Иккала кўл бармоқлари галма-гал босиб кўрини йўли билан бачадон пайпасланади. Ўнг кўл билан пайпаслаганда чап кўл кимирламай, бачадон деворида туриши керак. Бу усул билан бир томонда текис юза — ҳомила орқасини, қарама-қарши томонида эса, унча катта бўлмаган ва ўз туришини тез ўзгартирадиган думбокли юза, ҳомиланинг майда қисмлари (оёқ, кўллари) аникланади.

Ҳомила орқасининг чапга ёки ўнгга қараган бўлишига қараб, унинг I ёки II ҳолатда эканлиги аникланади. Агар ҳомиланинг орқаси онанинг чап биқинига қараган бўлса, I ҳолат, ўнгга қараган бўлса II ҳолатда ётган бўлади.

Ҳомиланинг олдинда келувчи қисмини ва унинг кичик чанок бўшлиғига бўлган нисбатини аникланада акуперлик текпирувининг учинчи усули қўлланади (8.6.-расм). Бунинг учун қўлнинг катта бармоғи бачадон пастки сегментининг бир томонидан,



8.5. -расм. Леопольд-Левицкийнинг пайпаслаш усуллари. А. Бачадонни тубидаги ҳомила-нинг қисмларини пайпаслаш. Б. Ҳомиланинг майда қисмларини аниклаш. В. Ҳомиланинг олдинда келувчи қисмини пайпаслаш. Бунда ҳомила боши ҳаракатчан, чанок қисми тана билан биргаликда силжийди. Г. Ҳомиланинг боши чаноқнинг кайси юзасида турганлиги аникланади.



8.6.-расм. Леопольд-Левицкийнинг З усули

колган 4 та бармок эса иккинчи томонида турган ҳолда, ҳомиланинг олдин келувчи қисми ушланади, сўнгра қўлни бир оз пастга босиб, олдинда келувчи қисмини бармоқлар билан ушланган ҳолда жуда эҳтиёткорлик билан аста-секин ўнгга ва чапга кимирлатилади. Бунда ҳомила боши билан турган бўлса, қаттиқ, думалок, думба билан турган бўлса, юм-

шокрок ва ҳажми кичкинарок бўлиб билинади. Агар олдин келувчи қисм (бош ёки думба) харакатчан бўлса, бу унинг чаноқнинг кириш қисмидан юқорида турганини, қимирламайдиган бўлса, чаноқнинг кириш қисмидан суқилиб турганини кўрсатади. Ҳомила кўндаланг ёки қийшик ётган тақдирда олдинга келувчи қисм бўлмайди.

Акушерлик текширувининг ўчинчи усулида одатда аёл оғрик сезади, шунга кўра, кўпинча бу усул ўрнига тўртинчи усул қўлланилади.

Тўртинчи усул ёрдамида олдинда келувчи қисмнинг турган жойи ҳамда у чаноқнинг қайси юзасида турганлиги аникланади (8.7.-расм).



8.7.-расм. Леопольд-Левицкийнинг 4 усули

Акушер ҳомиладорнинг сёёк томонида турган ҳолда иккала қўли кафтини бачадон пастки қисмининг ўнг ва чап томонига қўяди ва пастга томон аста босади, бунда текширувчи ўз қўлини ҳомиланинг олдинда келувчи қисми билан чаноқ кириш қисмига юборади, шу йўсинда пайнаслаш ёрдамида олдинда келувчи қисмни ва унинг туриш ҳолатини (кичик чаноқка кириш қисмининг устидалигини ёки чаноқ ичига ўтганинги) аниклайди. Шу усул билан яна бошнинг катта-кичиклиги, энса, пешона, энгакнинг турган жойи ва тувиш жараёнда бошнинг чаноқقا тушиш ҳолатлари аникланади.

Ҳомиладорликни аниклашда яна қуйидаги қўшимча усуллар мавжуд.

Амниоскопия — бу усул ёрдамида қофаноқ суви ва сув пардаси кўрилади. Бунда сув пардаси ҳали йиртилмаган бўлишига қарамасдан қофаноқ сувининг рангги, тиниқлик даражасига (кўкиш, сарик рангда ва лойка эканига) қараб ҳомилада асфиксия бўлган-бўлмагани, ҳомиладаги гемолитик касаллиги ва бошқалар аникланади.

Амниоскопия стационар шароитида қўлланади.

Амниоцентез — бу усул ёрдамида ҳомиланинг сув пардаси оркали ундан қофаноқ суви олинади. Гемолитик касалликнинг оғир турлари, келиб чикиши ва ҳоказолар аникланади.

Фонокардиографияда ҳомила юраги фаолияти аникланади. Бу усулда ҳомила юрагининг уриши (нормада экани, тезлашгани ва секинлашгани), ритми (нормада, аритмия), товуши ва бошқалар аникланади. Бу ҳомилада асфиксия бошлангани ва бошқа патологик ҳолатларга тахмин килиш

ва уларнинг олдини олишга имкон беради.

Кардиотокограф ва электрокардиография — бу усуллар кенг қўлла-нилади, ҳомиланинг юрак фаолияти, айникса ундан гипоксияни ўз вактида аниклапда ахамияти катта. Бу усулда ҳомила юрак уришини 14-16 хафталигига билиш, шунингдек плацентанинг олдинда жойлашганини аниглаш мумкин.

Ультратовуш ёрдамида ҳомиладорликни эрта муддатида ҳам аниглаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, ҳомиланинг сўнгги тараққиёт даврида унинг бачадонда ётиш ҳолатини (боши, танаси, оёқ-кўллари, ички аъзолари), оёқ-кўллар ва бошнинг жойлашишини ва кўкрак қафаси ўлчовини аниглаш мумкин.

Ҳомиладорлик муддатини ҳамда унинг ривожланишидаги нуксонларни (гипотрофия, гидро- ва микроцефалия ва бошқалар) билиш мумкин. Бундан ташқари, бу усул ҳомила йўлдошини, коганок сувининг кўп ва озлигини, кўп ҳомилалик, айникса ҳомиладорликнинг кечишини кузатишга имкон беради. Ультратовуш орқали текшириш ҳомиладор учун ҳам, ҳомила учун ҳам заарсизdir.

Рентген орқали диагноз кўйиш ҳозирги пайтда кам кўлланади. Аммо бу усулдан ультратовуш аппарати бўлмаса ва пайпаслаб, қин орқали текшириб ҳомила ҳолати ва ундан нуксонларни аниқлаб бўлмагандагина фойдаланилади.

8.6. БИРИНЧИ ВА ҚАЙТА ҲОМИЛАДОРЛИКНИ АНИҚЛАШ

Биринчи ва қайта ҳомиладорлик одатда анамнез ёрдамида аникланди. Буни аниқлашдаги объективия белгилардан бири жинсий аъзолардаги ўзгаришлардир. Ҳусусан жинсий тешикнинг йирилиб туриши, қизлик пардасининг қолдиклари — *soginile murtifortis* сўрчичга ўхшаб қолган бўлади. Тұғмаган аёлларда қизлик пардаси шакли сакланған, аммо йиртилған, бу *coruneule hyminalis* дейилади. Түккан аёлларда қин кенг, бачадон бўйни цилиндр шаклида, унинг тапқи тешиги йирик (кўндалангига) бўлади.

Биринчи марта ҳомиладор бўлган аёлларда бачадон бўйни то туккунга кадар берк бўлади, аммо түккан аёлларда тұғмасдан 4-5 ҳафта илгари ёк бачадон бўйнига битта бармокни киритиш мумкин.

Қорин деворини кўздан кечирганда ҳам аёлнинг түккан-тұғмаганлиги хақида тахмин қилиш мумкин. Түккан аёлларда қорин девори тўгри мускули бирмунча ажралған, терида эски тириклиар — *striae gravidarum* ни кўрамиз, улар оқ чизиқ шаклида бўлади. Бу тириклиар оқ рангда бўлса, бу аввалги ҳомиладорликдан қолганини, пушти-қизил рангда бўлса, ҳозирги ҳомиладорликники деб хулоса чиқариши мумкин. Аммо баъзан бу тириклиар ҳомиладор бўлмаган аёллар қорин девори, сонларининг олдинги сатҳида учраб турганини назарда тутиб кўпчилик олимлар буни гормонал жараён натижаси деб талқин қиласилар.

Биринчи ҳомиладорликда ҳомила боши тувишдан 4-5 ҳафта илгари ча-нон кириш кисмида бўлади. Қайта түкканларда эса то тувиш жараёни бош-


ланмагунча ҳомила боши чаноқ кириш қисмидан юкорида туради. Тұғрук дарди бошланиши билан аста-секин чаноқ кириш қисмінде яқынлашиб, ниҳоят бачадон бүйни гула очилиши билан жойлашиб олади.

Сут безларида хам баъзи ўзгаришлар бўлади. Туккан аёлларда сут безлари бирмунча осилган, сўрғичлари анча яхши билинади. Тұғмаган аёлларда эса сут безлари тараанг, унинг сўрғичлари кичкина бўлади. Аёлнинг биринчи ёки қайта ҳомиладорлигини билишнинг суд тиббиётіда аҳамияти катта.

8.7. ҲОМИЛАНИНГ ТИРИК ЁКИ ҮЛГАНИНИ АНИҚЛАШ

Дастрраб ҳомиланинг қандай ўсаётгани ва ҳаётлигини бачадоннинг ой сари катталасиши билан аникланади. Бачадоннинг ўсиши календар ёки акушерлик ойи билан белгиланади ва у маълум ҳажмда бўлади. Агар бачадон ўсмай қолса ёки секин ўssa, унда ҳомила тирик бўлса хам ўсишдан орқада қолаётганидан (гипотрофия) хабар беради. Қайта бўйида бўлган аёллар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида ҳомиланинг қимирлашини анча илгарирок сеза бошлайдилар.

Ҳомиланинг юрак уриши оддий акушерлик стетоскопида ҳомиладорликнинг 2-ярмида эшилса, фонокардиограф, кардиотопограф, мониторлар ёрдамида эртароқ аниклаш мумкин (8.8.-расм).



Аммо ҳомиланинг юрак уришини эшилганда, албатта, онанинг томир уриши билан солиштириш зарур. Онада иситма, камқонлик ёки юрак қасалликлари бўлганда хам томири тез уриб, унда ҳомила юрагининг зарби билан алмаштириш мумкин. Ҳомиланинг ўлик ёки тириклигини аниклашда шуларни хам хисобга олиш керак.

Ҳомиланинг қимирлашини она сезмай қолса, ҳомила ўлган бўлади. Қоғанок суви шимилаётганига кўра бачадон кичиклаша боради. Ҳомиладорлар қорин пастида оғирлик сезадилар, оғизлари bemaza бўлиб, этлари увишади, сут безлари юмшаб қолади. Ҳомиланинг тирик ёки ўлганини ультратовуш усулида аниклаш мумкин. Ҳомиланинг ўлгани қанчалик

эрта аниқланса, аёлга шунчалик ўз вактида ёрдам бериш мумкин бўлади. Акс ҳолда аёлда турли патологик ҳолатлар юз бериши, хусусан бачадонда ҳомила чириши, кон ивишининг сусайипи, ўлган ҳомилани бачадондан олиб ташлаш жараёнида коагулопатик қон кетиши мумкин.

8.8. ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ, УНИНГ МУДДАТИ ВА ТУФИШ ВАҚТИНИ АНИҚЛАШ

Ҳомиладорлик, сўнгти ҳайзнинг биринчи кунидан хисоблаганда ўрта хисобда 280 кун ёки акушерлар ой билан 10 ой — 40 ҳафта давом этади, лекин баъзан ҳомиладорлик 280 кундан кам ёки ортиқ давом этиши мумкин. Аёлларда ҳомиладорлик муддатини аниқлашда кўп кийинчиликлар учрайди, чунки унинг қачон бошланганлигини аник билиш кийинрок бўлади.

Ҳомиладорлик муддати охирги ҳайзнинг биринчи кунидан тўла кун ёки тўла ҳафталар билан хисобланади. Охирги ҳайзнинг биринчи куни 0 куни, 0-6 кунлар “нол тўла ой ҳафталиқ”, 7-13 кунлар эса “биринчи тўла ой ҳафталиқ” ва ҳомиладорликнинг охирги 40- ҳафтаси – “39 тўла ҳафтаси” хисобланади.

Акушерлик тажрибасида туғиш вақтини аниқлаш учун Негель усулдан фойдаланилади. Бунинг учун охирги ҳайзнинг биринчи кунидан 3 ой орқага санаб, унга 7 кун кўшилади. Масалан, агар охирги ҳайзнинг биринчи куни 20 август бўлса, 3 ой орқага саналиб (20 июль, 20 июнь, 20 май), унга 7 кун кўшилса, демак, туғруқ келгуси йилнинг 27 майдидан бўлади.

Шунингдек, туғиш вақтини аёл ҳомиланинг биринчи марта қимирлаганини сезган кунидан бошлаб хисоблаш ҳам мумкин. Одатда ҳомила биринчи ҳомиладорликда 20 ҳафталан сўнг, қайта ҳомиладорликда 15 ҳафталан кейин қимирлайди.

Ҳомиладор ҳомиланинг қимирлашини сезган кунига 140 кун (акушерлар ойидан 5 ой) ва қайта ҳомиладорларда 154 кун (акушерлар ойидан 5,5 ой) кўшилади. Шу йўл билан тахминий туғиш вақти аниқланади. Лекин туғиш вақтини шу йўл билан унчалик тўғри аниқлаб бўлмайди. Чунки аёл ҳомиланинг қачон қимирлаганини унугланган бўлиши ёки ичаклар перистальтикасини ҳомиланинг қимирлаши деб янгишган бўлиши мумкин.

Туғиш вақтини охирги ҳайзнинг биринчи куни бўйича аниқлаш муҳимдир.

Ультратовуш билан ҳомила ёшини аниқлаш ҳам мумкин. Бунда ҳомила бошининг катта-кичиклиги, танасининг узунлиги диагноз кўйишда асосий белгилардан хисобланади.

Ҳомиладорлик муддатини ва туғиш вақтини аниқлашда бачадон ўлчови ва тубининг баландлигини билиш катта аҳамиятга эгадир (8.9.-расм).

Ҳомиладорликнинг дастлабки даврларида, ҳали бачадон чанок бўшлиғида турганда унинг катта-кичиклиги кин орқали текшириб аниқланади. Ҳо-

миладорликнинг тўртинчи ойи охирида бачадон туви киндик билан ков суяги оралиғида, симфиздан 4 бармоқ энида юкорида туради. Демак, бачадоннинг кўп қисми катта чанокка ўтган бўлади. Ҳомиладорликнинг бешинчи акушерлар ойи охирида бачадон катта одам бошидек келади, унинг туви икки бармоқ энида киндикдан пастда туради. Агар тўртинчи ой охирида қорин деворининг кўтариғланлиги зўрға аниқланса, бешинчи ой охирида анча кўп кўтариғлан бўлади.

Ҳомиладорликнинг олтинчи акушерлик ойида бачадон туви киндикда, еттинчи ойи охирида эса киндикдан 3 бармоқ энида юкорида бўлади. Ҳомиладорликнинг саккизинчи акушерлар ойида бачадон туви киндик билан ханжарсимон ўсимта турасида, симфиздан 30-32 см юкорида туради, ликнинг турли муддатла-айланаси 80-85 см бўлади.


Ҳомиладорликнинг тўққизинчи ойида бачадон туви ўзининг энг юкори нуктасига, яъни ханжарсимон ўсимтага тақалади. Киндик бирмунча дўлпайиб чиқади.

Ҳомиладорликнинг ўнинчи акушерлар ойида бачадон туви ҳомиладорликнинг саккизинчи ой охирида эгаллаган жойида, яъни киндик билан ханжарсимон ўсимта орасида гуради. Бироқ, бачадон туви саккизинчи ва ўнинчи ой охирида бир хил баландликда бўлишига қарамай, улар бир-бидан қорин айланасининг ўлчови билан фарқ қиласи: саккизинчи ойда қорин айланаси 80-85 см бўлса, ўнинчи ойда 95-98 см ва ундан кўп бўлади. Бундан ташқари, ўнинчи ойда қорин осилган бўлиб, ҳомиладорнинг нафас олиси осонлашади.

Биринчи марта туфувчиларда ҳомиладорликнинг саккизинчи ойида ҳомиланинг боши чанокнинг кириш қисмидан юкорида ва қимирлайдиган бўлиб, ўнинчи ойда чанокнинг кириш қисмига сукилган ҳолатда, қимирламай туради. Қайта туфувчиларда эса ҳомиланинг боши ҳомиладорликнинг охиригача чанокнинг кириш қисмидан юкорида ва қимирлайдиган бўлади. Бачадон тубининг баландлигига қараб ҳомиладорлик муддатини ҳамма вақт ҳам тўғри аниқлаш мумкин бўлавермайди.

Бачадоннинг катталиги факат ҳомиладорлик муддатигагина эмас, балки қофаноқ сувининг микдорига, ҳомиланинг катта-кичиклигига ҳам боғлиқдир (унинг оғирлиги одатда 2500 дан 5000 г гача бўлади). Шунингдек, бачадоннинг катталиги бачадон деворининг қалинлиги, ҳомиланинг микдори, унинг жойлашишига, қофаноқ олди суви хажмига ҳам боғлиқдир. Қорин айланаси киндик устидан сантиметр тасмачаси билан ўлчанади.

Ҳомиладорликнинг охирида қорин айланаси 96-100 см бўлади, ков суяги (симфиз) устидан бачадон тубининг баландлиги ҳам сантиметр тасмачаси билан ўлчанади.



8.9.-расм. Ҳомиладор-рида бачадон тубининг

Хомила узунлигини ўлчаш ҳам ҳомиланинг ёши ва ҳомиладорлик муддатини аниқлашда күшимиша усул ҳисобланади. Бунинг учун ҳомиладорни чалқанча ёткизиб, одатдаги чаноқ ўлчагич билан ўлчанади (ўлчаш олдидан ҳомиладор қовугини бўшатади).

Чаноқ ўлчагичнинг бир уни оdatda ҳомиланинг чаноқ қисми турасидиган бачадон тутика, иккинчи уни эса ҳомила бошининг пастки юзасига кўйилади (ҳомила қисмларининг жойлашиши корин девори орқали пайпаслаб кўриб аникланади). Бу оралиқ, В.В. Сутугиннинг айтишича, ҳомила узунлигининг ярмисини ташкил килади. Шу усулда аниқланган ҳомила узунлигидан 2-3 см корин девори қалинлигига чиқариб ташланади. Шу йўл билан ҳомила узунлигини аниқлаб, уни 5 га тақсимласак, бизга бачадондаги ҳомиланинг (ҳомиладорликнинг) муддати маълум бўлади. Масалан: чаноқ ўлчагичнинг кўрсатишича, бачадон туви билан ҳомила боши пастки қисмининг оралиги 16 см бўлса, ҳомила узунлиги 32 см га teng келади. Шундан 2 см корин девори қалинлигига чиқарилса, 30 см колади. Бу узунликни 5 га тақсимлаб, ҳомиладорлик муддати олтинчи ойининг охири (30:5) ҳисобланади. Шундай килиб, ҳомиланинг узунлигига караб, унинг муддати аникланади.

Ҳомиладорлик муддатига караб, ҳомиланинг неча ойлиги ва бўйини аниклаш учун дарсликнинг олдинги бобларида Гаазе чизмаси келтирилган эди.

Ҳомила бошининг энсаси билан пешонасидаги маълум нукталар ораси унинг катталиги ҳисобланади. Бу нукталар оралиги оdatda ҳомиладорликнинг тўққизинчи ойи охира 11 см га teng бўлади. Бу оралиқни ўлчаш учун ҳомиладор чалқанча ёткизиб текширилади.

Фигурнов чизмаси. Ҳомила 32 ҳафталик бўлганида мавжуд ҳомиладорлик белгиларига караб ҳамма ҳомиладор аёллар 3 турга бўлинади.

Биринчи турда — унча катта бўлмаган (9 см атрофида) ҳомила боши (кичик сегменти) чаноқнинг кириш қисмига зич сукилиб туради, корин катта бўлмайди (айланаси 50 см атрофида бўлади), бачадон туви симфиздан 23-25 см юкорида, яъни ханжарсимон ўсимта билан киндик оралигига туради. Бачадон бўйни катталашган бўлади.

Иккинчи турда — ҳомиланинг боши ўргача ўлчовда (10 см атрофида) бўлиб, чаноқнинг кириш қисмига сукилиб кирган бўлади, корин айланаси 100 см га етади, бачадон унча катта бўлмайди. Унинг туви симфиздан 28 см юкорида, симфиз билан ханжарсимон ўсимта орасида туради, бачадон бўйни бирмунча катталашган бўлади.

Учинчи турда — ҳомиланинг боши чаноқнинг кириш қисмидан, катта ёки ўргача ўлчовда (10-11 см), кўзғалувчан бўлади. Корин айланаси 95-100 см бўлиб, бачадон туви киндик билан ханжарсимон ўсимта оралигига юкорида туради ва 30/32 см келади. Бачадон бўйнининг узунлиги 3 см бўлади.

Фигурнов ҳомила туғилиш йўлида чаноғи билан келганда бачадон тубининг бирмунча юкорида туришини ҳисобга олиб, баъзи ўзгаришлар киритишни, ҳомила кўндаланг келганда эса боши катталаигини ҳисобга олиб Альфельд усулидан фойдаланишни (ҳомила узунлигини ўлчашни ва бошқаларни) тавсия этади. Бундан ташкари, хозирги пайтда ҳомила катта туғи-

ладиган бўлиб колди (акселерация), шуни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Аёлларга қулай шароит яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш мақсадида ҳомиладорларга тутрӯқдан илгари бериладиган таътил 112 календар кунга етказилди.

8.9. 30 ҲАФТАЛИК ҲОМИЛАДОРЛИКНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНИ

30 ҳафталик ҳомиладорликни аниқлаш учун анамнезда қуидаги саволлар билан аёлдан маълумот олинади:

- охирги ҳайз қачон бўлган?
- ҳомиладор бўлган вақтни аёл тахмин қила оладими?
- биринчи марта ҳомила қачон қимирлаган?
- акушер-гинекологга аёл биринчи марта келганда ҳомиладорлик неча ҳафталик деб белгиланган?
- олдинги маълумот (ҳомиладорлик муддати қанча давом этган, туғи-лан ҳомилаларнинг оғирлиги);

Объектив маълумотлар:

- бачадон тубининг ков суяги устидан қанча баланд турганини аниқлаш;
- қорин айланасини аниқлаш;
- аёлнинг бўйи ва вазнини ўлчаш (1-жадвал).

Бачадон тубининг ков суяги устидан қанча юқорида турганилиги ҳомиладорлик муддатини аниқлашда асосий белгилардан биридир, бунда аёлнинг тана тузилиши, бўйи, тана оғирлиги, озғин ёки семизлиги ҳисобга олинади.

Бачадон тубининг баландлиги кўп аёлларда 30 ҳафталик ҳомиладорликда 29-31 см бўлади. Бўйи 160 см бўлган тери ости ёғ қатлами тана оғирлигига мос бўлган (тана оғирлиги 58 кг гача) ҳомиладор аёлларда бачадон туви 30 ҳафталик ҳомиладорликда ков суягидан 27-30 см юқорида бўлади. Тери ости ёғ қавати анча кўп (семиз) ҳомиладор аёлларда бачадон туви ков суягидан 30-32 см баланд бўлади.

1-жадвал

Аёлларда 30 ҳафталик ҳомиладорликни аниқлаш

Бачадон туви баландлигини ўлчашдан олдин ковук сийдикдан бўшатилиди, иложи бўлса, ичаклар ҳам бўшатилди. Қорин айланаси киндик соҳа-

Кўрентлик	Бўйи 160 см гача			Бўйи 165 см гача	Бўйи 170 см гача	Бўйи 170 смдан ортиқ
	Вазни 55кг	Вазни 65кг	Вазни 80кг			
Бачадон тубининг баландлигини (см)	28	29	30	29	29	30
Хурдча интегрални	27-29	28-30	29-31	28-30	28-31	29-32
Қорин айланаси (см)	87	91	99	88	98	102
Хурдча интегрални	83-90	88-94	95-103	85-91	94-102	98-106

сидан ўлчанади.

Ҳомиланинг пешона-энса ўлчови тазомер билан ўлчанади, бу 30 хафталик ҳомиладорликда 10-11 см га тенг келади.

Одатда 30 хафталик ҳомиладорликда ҳомиланинг олдинда келувчи кисми чаноқ кириш кисмининг юкорисида бўлади ва уни осон кўзратиш мумкин. Агар анамнез ва объектив текширишилар ёрдамида зарур маълумотлар олишга имкон бўлмаса, ҳомиланинг гестацион ёши (она қоридаги ёшидан) фойдаланиш керак.

30 хафталик ҳомиладорликни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин: сон ва оёқ суклари узунлиги, ҳомила бошининг ўртacha ўлчови, ҳомиланинг ривожланишдан оркада қолган-қолмаганлигини аниқлашда аёлнинг қорин айланасини ҳам ўлчаш лозим бўлади.

Юкорида 30 хафталик ҳомиланинг фетометрия кўрсаткичлари келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ультратовуш билан текширишда фетометрия кўрсаткичлари

Ҳомиладорлик муддати	Бониниг бипариетал ўлчови (см)	Пешона-энса ўлчови (см)	Бониниг ўртacha чакка орадиги-пешона-энса ўлчови(см)
3 ҳафталик ўртача интервали	7,5 8,3-6,7	9,8 10,8-8,8	8,6 9,5
Ҳомиладорлик муддати	Қорин айланаси ўлчови (см)	Сон сукли узунлиги (см)	Об ёки каттиклиги (узунлиги, см)
30 ҳафталик ўртача интервали	8,0 9,1-6,8	5,6 6,3-4,7	5,6 6,4-4,8

Агар 30 хафталик ҳомиладорликни аниқлашда қийинчилик пайдо бўлса, бу 3 кишидан иборат шифокорлар ҳайъати иштирокида ҳал қилинади.

8.10. ҲОМИЛАДОРЛARНИНГ ТУГИШГА ТАЙЁРЛИГИНИИ АНИҚЛАШ

Ҳомиладорнинг тувишга тайёрлиги асосан бачадоннинг кискариш хусусияти ва бачадон бўйни хусусиятларига караб аниқланади. Бачадон мускулларининг кискариш хусусиятини кўл ва маҳсус аппаратлар ёрдамида белгилаш мумкин.

I. «Етилмаган» бачадон бўйни.

1. Бачадон бўйнининг қаттиқлиги ёки юмшоқлиги аниқланади
2. Бачадон бўйни каналининг ташки тешиги берк ёки бармоқ учси сифади.

3. Бачадон бўйни сақланган ёки 4 см дан кўп қискармаган.
 4. Бачадон бўйнининг пастки сегменти юпқалашган, аммо юмшамаган.
 5. Бачадон бўйни қалин, деворининг қалинлиги 2 см га қадар.
 6. Бачадон бўйни чапга ва орқага қараган.
- II. Бачадон бўйни «етилган»
1. Бачадон бўйни юмшаган.
 2. Бачадон бўйнининг кин кисми 2 см ва ундан кам қисқарган.
 3. Бачадон бўйни канали бир бармоқ очик, чаноқ ўқи бўйича жойлашган.

4. Қин гумбази орқали олдинга келувчи кисми аниқ билинади.
 5. Бачадон бўйнининг қалинлиги 0,5 см.
 6. Бачадон бўйни чаноқ ўқи бўйича жойлашган.
- III. Бачадон мускулларининг окситоцинга сезирлиги (Смитнинг окситоцин белгиси) ни аниклаш учун:
1. Ҳомиладор 15-20 минут ётқизиб қўйилади.
 2. 500 мл 5% ли глюкозага 1 мл 5 бирликда окситоцин кўшилади (бунда 0,01 бирлик окситоцинга 1 мл глюкоза ҳисобида).
 3. Тайёрланган эритмадан 5 мл ни бир минутда 1 мл дан қўйилади.
 4. Бачадон қискаришини пайпаслаб ёки гистерограф ёрдамида аникланди.

5. 3 минутдан кейин бачадон қисқарса, ижобий ҳол ҳисбланади, окситоцин укол қилингандан сўнг 2 кун давомида тургук бошланади.
6. Тургук 3 кун давомида бошланмаса, салбий ҳол ҳисбланади, бунда тургукни тезлатадиган бошқа усуллардан фойдаланиш керак бўлади.

Амалий қўнималар.

1. АНТЕНАТАЛ АНАМНЕЗ ЙИФИШ

Тайёргарлик:

1. Керакли инструментларни тайёрланг.
2. Беморни очик чехра билан кутиб олинг, ўзингизни таништиринг ва унга ўтиришни таклиф қилинг.
3. Беморга нима қилмоқчи бўлганингизни тушунтиринг. Уни савол бериш истагини кўллаб - кувватланг.
4. Бемор гапини зътибор билан тингланг.

Анамнез йиғиши.

1. Бемор ахволини аниқланг ва кечикириб бўлмайдиган муаммолар турилса, тезда чора кўринг.
2. Бемордан исмини, ёшини, олдинги ҳомиладорликлари ва болаларини, ҳайз цикли давомийлиги ва даврийлигини ва қўллаган контрацепция усувларини сўранг.
3. Тахминий тургук санасини ҳисбланг.
4. Беморга қўйидаги саволларни беринг:
 - Олдинги ҳомиладорликларида келиб чиккан муаммолар ҳакида:

2. ТИББИЙ КҮРИК

Тайёргарлик.

1. Бемордан сийдик пуфагини бўшатишини сўранг. Зарурат туғилган холда тахлилга сийдик олинг.

2. Беморни умумий күздан кечириңг.
 3. Үнга креслога ётишга ёрдамлашынг. Боши ва елкаларига ёстиқ күйинг.

4. Құлларини сүв билан совунлаб ювинг ва қуритинг.

5. Күрик пайтида bemorغا ҳар бир ҳаракатингизни түшүнтириңг.

54

6. Нафас олишлар сони ва артериал қон босимини ўлчанг.
 7. Конъюнктивани унинг оқимтирилгини аниклаш учун кўздан кечи-
ринг

8. Сут безларини күздан кечириңт (фақат биринчи мурожаатда).
 9. Қоринни күздан кечириңг ва бачадон туби баландлигини үлчянг.
 10. Ҳомила жойлашишпини ва олдин келувчи қисмини аниқланг (гестациянинг 36 хафтасидан кейин).

- #### 11. Хомила юрак үришини аныктаны (2.3 триместрда).

12. Чүкүр заарасыллантирилгандай күлкөлпелдің күлларга кийинг.

13. Ташкиң сийинсін айзоларни оғриқи сөзгилар ва пішиллар бор-йүклигін тәкшириң (факат биринчі мурожаатда ёки зарурут туғылғанда).

14. Жинсий ёрикни қон кетиш ёки нормадан ўзгарган ажралмалар бор-йүклигига текшириңг (фақат биринчи мурожаатда ёки зарурат түрілганды).

15. Миллатини хисобга олиб қын сохасыда жароҳат белгилари йўқлиги-ни текширинг (факат биринчи мурожаатда ёки зарурат туғилганда).

Күрикдан кейин.

1. Құлларни құлқопда 0,5% ли хлорли эритмага солинг:
 - уларни тескарисига ағдариб ечинг
 - құлқопларни утилизация қылганда герметик контейнер ёки пластик пакеттега ташланади

- қайта ипоплатиша күлкөпларни 0,5% ли хлорли эритма билан 10 минут давомида дезинфекциядан.

2. Күлларни яхшилаб совунлаб ювинг ва тоза курук сочик билан кури-

тинг.

3. Тиббий күрик натижаларини аёл алмашынув антенатал картасига ёзинг.

3. ҲОМИЛАДОРЛИК МУДДАТИНИ АНИҚЛАШ (Скульский формуласи)

Қадамлар:

1. Текшириув чаноқ үлчагич асбобида үтказилади.
2. Ҳомиладор аёл чалқанчасига ётади.
3. Қовук бўшатилади.
4. Корин девори орқали ҳомила қисмлари аниқланади, чаноқ үлчагични битта тугмасини ҳомила боши пастки қисмига, иккинчи тугмасини эса бачадон тубига кўйилади.
5. Ҳомила боши пастки қисмидан чаноқ соҳасигача, ҳомила узунлигининг ярмини ташкил қиласиди (тепа суюгидан товонгача). Шу сабабли ҳомила боши пастки қисмидан чаногигача бўлган үлчам 2 сонига кўпайтирилади.
6. Олинган сондан корин девори қалинлигига 5 см чегириб ташланади.
7. Аниқланган ҳомила узунлигини Гаазе коэффициенти 5 сонига бўлиниди ва ҳомиладорлик муддати келиб чиқади.

4. ТУҒРУҚ МУДДАТИНИ АНИҚЛАШ

Қадамлар:

1. Ҳайзинг охирги куни бўйича (Негеле бўйича): бу кундан 3 календар ойи чегириб ташланиб 7 кун кўшилади.
2. Овуляция бўйича: охирги ҳайзинг биринчи кунига 14 кун кўшилади (тахминий овуляция ва уругланиш вакти ва унга $280+7$ кун кўшилади),
3. Ҳомиланинг биринчи марта қимирлашига қараб: биринчи марта қимирлашини кунига биринчи туувчиларга 20 ҳафта, қайта туувчиларга 22-23 ҳафта кўшилади.
4. Биринчи марта шифокорга мурожаат қилган кунига қараб: ҳомиладорлик эрта муддатларида бу кунга 40 ҳафтага етмаётган ҳафталар кўшилади ва тұғруқ муддати аниқланади.
5. Объектив кўрувга асосан: кўрув пайтида ҳомиладорлик муддати аниқланади ва 40 ҳафтага етмаётган ҳафталар кўшилиб, тұғруқ муддати аниқланади.
6. Объектив кўрувга асосан: чаноқ үлчагич билан ҳисобланган ҳомила узунлиги $25 \text{ см} \times 2 = 50 \text{ см}$, корин айланаси 100 см, бачадон туби баландлиги 32-33 см ханжарсимон ўсимтадан 4 бармоқ кенглигига пастда, бачадон күзғалувчанлиги ортган (пайпаслаб кўрилганда, окситоцинни кам дозаси юборилганда) киндан қуюқ ажралма келади (туғруқ муддати 40 ҳафта).

5. ЛЕОПОЛЬД-ЛЕВИЦКИЙ БҮЙИЧА ТАШҚИ АКУШЕРЛІК ТЕКШИРУВ УСУЛИ

Қадамлар:

1. Аёлни чалқанчасига оёғини узатган ҳолатда ётқизилади. Шифокор аёлнинг ўнг томонида туради.
2. 1- усул: иккала қўлни кафт юзаларини бачадон тубига қўйилади. Бу усул ёрдамида бачадон туби баландлиги ва ҳомиланинг қайси қисми бачадон тубида борлиги аникланади.
3. 2-усул: қўллар бачадон тубидан киндиқ соҳасига, бачадоннинг ўнг ва чап томонларига қўйилади. Қўл кафти ва бармоклари билан бачадон ён деворларига босиб, пайпаслаб ҳомилани орқаси ва майда қисмлари каёққа қарагани, яъни ҳомила позицияси аникланади. 1-позиция, яъни ҳомила орқаси бачадон чап деворига, 2 -позицияда ўнг деворига қараган бўлади.
4. 3-усул: қўлнинг бош бармоғи бачадон пастки сегментининг бир томонидан, қолган 4 та бармок эса иккинчи томонидан ушлаб, ҳомила олдинда келган қисми ушланади ва секин ўнгга ва чапга қимирлатилади. Бу усул ёрдамида ҳомила қайси қисми билан олдинда ётганлиги аникланади.
5. 4-усул: текширувчи аёлнинг оёқ томонида турган ҳолда иккала қўли кафтини бачадон пастки қисмининг ўнг ва чап томонига қўяди ва пастга томон аста босади, бунда текширувчи ўз қўлини ҳомиланинг олдинда келувчи қисми билан чаноқ кириш қисмига юборади. Бу усул ёрдамида ҳомила олдинда ётган қисмининг чаноқ суюгига нисбатан туриши аникланади.

6. ҲОМИЛАНИНГ ТАХМИНИЙ ВАЗНИНИ АНИҚЛАШ

Қадамлар:

1. Сантиметрли тасма ёрдамида корин айланаси билан бачадон туби ва баландлиги ўлчанади.
2. Аёлни чалқанчасига ётоққа ётқизилади, шифокор аёлни ёнида юзи билан аёл қорнига қараган ҳолатда бўлади.
3. Сантиметрли тасма билан аёлни олдиндан киндиқ соҳасида, орқадан бел соҳасининг ўртасидан айлантириб қорин айланаси ўлчанади. Ҳомиладорлик охирида бу ўлчам 100 см га тенг.
4. Бачадон туби баландлигини ўлчаш учун тасма бир учини қов равоги юкори қиррасининг ўртасига қўл билан қўйиб, бачадон туби юкори чегарасигача аникланади, бачадон туби иккинчи қўлнинг кафт қирраси билан аникланади. Ҳомиладорлик охирида бу ўлчам 32 см га тенг.
5. Одатда бачадон туби баландлигига қараб ҳомиладорлик муддатини ҳам аниклаш мумкин.

Қорин айланаси ўлчамини бачадон туби баландлигига кўпайтириб ҳомиланинг тахминий вазнини аниклаймиз.

Масалан: ҚА - 100 см, БТБ – 32 см, ХТВ = 3 200, 100 x 32 = 3200 гр.

7. ҲОМИЛА АУСКУЛЬТАЦИЯСИ

Қадамлар:

1. Ҳомила аускультацияси аёл қорнига стетоскоп күйиб эшитиш орқали ўтказилади.

2. Ҳомила энса билан ётганда юрак уриши киндиқдан пастда, чаноги билан ётганда киндиқдан юкорида, кўндаланг ётганда киндиқ соҳасида бошига якин жойда эшитилади.

3. Ҳомила I позициясида юрак уриши чапда, II позициясида ўнгда, куҷаник вақтида - қов устида эшитилади.

4. Аускультация пайтида стетоскоп перпендикуляр, яъни тахминий ҳомила орқасига караган тўғри бурчак бўйлаб бир учи аёл қорнига, иккинчи томони шифокор кулоғига кўйиб эшитилади. Эшитаётганда кўлни стетоскоп билан ушлаб турмаслик керак, чунки бу овоз эшитилишини қийинлаштиради.

5. Одатда ҳомила юрак уриши 1 дақиқада 140 марта, ритмик аниқ эшитилади.

Масалалар.

I. Диагнозни аниклаш учун нималар килиш керак?

A. УЗИ текшируви*

B. Қорин пальпацияси*

V. Қорин бўшлиги лапароскопияси

G. Қин текшируви*

D. Амбулатор кузатув

II. Диагнозни аниклаш учун қуйидаги текширишлар ўтказилади:

A. Бачадонни УТТ текшириш

B. Бачадон бўшлигини кўл билан текшириш

V. Туғруқ йўлларини кўзгулар ёрдамида текшириш*

G. Лапароскопия

D. Лапаротомия

III. 32 ёшли ҳомиладор аёл оиласи поликлиникага мурожаат килиб, сўнгги 3 кун ичида 1,5 кг озганлигидан шикоят қилди. Шу билан бирга нафас олиш енгиллагатлигини қайд қилиб ўтди. Ички аъзолар томонидан патологик ўзгаришлар топилмади, артериал қон босими 120-80 мм сим.уст га тенг. Қорнини кўздан кечирилганда киндиқнинг бўртиб туриши кузатилди. Қорин айланаси 98 см, бачадон тубининг баландлиги 32 см га тенг. Ҳомиланинг узунлиги 27,5 см, бошнинг энса-пешона ўлчами 12 см.

Ташки акушерлик текширишда: бачадон тубининг баландлиги киндиқ билан ханжарсизмон ўsic орасида, бачадоннинг чап тарафида ҳомиланинг каттиқ, силлик ва кенг қисми, ўнг тарафида – вазиятини ўзгартириб турдиган майда бўртмачалар пайпасланади. Олдинда ётган қисми катта, каттиқ, контурлари яхши аниқланади, у чаноқнинг кириш текислигига

сукилиб турибди. Ҳомиланинг юрак уриши аниқ, ритмик, минутига 136 та, киндикдан пастда ва чап томонда эшитилади.

1. Ҳомиладорлик муддати.

2. Ҳомиладорлик муддатини аниклаш учун қандай қўшимча усувлар кўлланилади..

3. Ҳомиланинг вазияти ва позицияси, олдинда ётган қисми.

IV. 23 ёшли биринчи марта ҳомиладор бўлган аёл оиласвий поликлиникага мурожаат қилди. Сўнгги хайз вақти ва ҳомиланинг биринчи марта қимирлаган вақтини билмайди. Ташки акушерлик текширишда бачадон туби киндикдан 3-4 бармоқ эни юкорида, бачадон тубида йирик шарсизмон, қаттиқ қисми ўнг тарафда – силлик, кенг қисми, чап тарафда вазиятини тез-тез ўзгартириб турувчи майда қисмлар пайпасланади. Олдинда ётган қисми йирик ҳажмли, юмшок қўй остида ликилламайди. Ҳомиланинг юрак уриши киндикдан юкорида ва ўнгда, аниқ, ритмик, минутига 136 марта эшитилади.

1. Бачадон тубининг юқориги нуктаси бўйича ҳомиладорлик муддатини айтинг

2. Ҳомиланинг вазияти, тури, олдинда ётган қисми

3. Ҳомиланинг юрак уришини аниқ эшитиладиган жойи унинг ҳолатига мос келадими

4. Аниқ диагноз кўйиш учун яна қандай асосий ва қўшимча усувлар кўллаш мумкин.

V. 35 ёшли биринчи марта ҳомиладор бўлган аёл оиласвий поликлиникага келиб, хайз кўрмаётганлиги, кўнгли айниб, эрталаблари қусиши ва шўр нарсаларни кўнгли тусасига шикоят қилди. Қин орқали текширишда шундай маълумотлар олинди: кўзгу билан кўрганда – ташки жинсий аъзолар тўғри ривожланган, қин ва бачадон бўйнининг шиллик қавати бўзарган – сал кўқимтирик икки кўллаб текширганда:

а) бачадон гиперантефлексияда, ғоз тухумидай катталашган, мулойим, бачадон ортиқлари пайпасланмайди. Бачадон зичлашиб қисқаради, чап бурчаги дўппайиб чиқсан.

б) бачадон бўйни ҳаракатчан;

в) ўта мулойим, ташки ва ички қўллар гўё шу соҳада бир-бири билан учрашади.

1. Диагноз.

2. Ҳомиладорликнинг гумонли ва эҳтимолга яқин белгилари борми

3. Ҳомиладор түгруқ ҳавфи бўйича қайси диспансер гурухига киради.

4. Ҳомиладорликни назорат қилиш режасини тузинг.

VI. 26 ёшли такрор ҳомиладор бўлган аёл оиласвий поликлиникага мурожаат қилди. Сўнгги хайз вақти ва ҳомиланинг биринчи марта қимирланган вақтини билмайди. Артериал қон босими 120-80 мм сим. уст та тенг. Шишилар аниқланмайди. Ички аъзолар томонидан патологик ўзгаришлар

топилмади. Ташқи акушерлик текширишда бачадон туби ҳанжарсимон ўсиқ сатхиди, чал тарафда ҳомиланинг силлиқ ва кенг қисми, ўнг тарафда майда бурмалар аникланади. Чаноқ устида аниқ контурли лиқиллайдиган йирик, шарсимон қисм пайпасланади. Ҳомиланинг юрак уриши киндиқдан чапда ва пастда, аниқ, минутига 136 марта эшишилади. Бачадон тубининг юқориги нуктаси 32 см, корин айланаси 92 см. Ҳомиланинг узунлиги чаноқ ўлчагич билан 22,5 см, бошнинг пешона-энса ўлчами 11 см.

1. Бачадон тубининг баланддиги бўйича ҳомиланинг муддатини аникланг.

2. Ҳомиладорлик муддатини аникланг.

VII. 20 ёшли биринчи марта ҳомиладор бўлган аёл, сўнгги марта 10-майда хайз кўрган, ҳомиланинг биринчи марта қимирилашини 2 октябрда сезди. 5 июлда, биринчи марта аёллар консультациясига мурожаат килиганида 7 хафталик ҳомиладорлик аникланди.

1. Ҳайз кўриши бўйича түргук вактини айтинг.

2. Ҳомиланинг биринчи марта қимирилаган вақти бўйича түргук вактини айтинг.

3. Аёллар консультациясига биринчи марта келиш вакти бўйича түргук вактини айтинг

4. Ўрта ҳисоб билан түргук вақти.

VIII. 35 ёшдаги аёл, 32 хафталик ҳомиладорлик билан шифокор кўригига келди. Ташқи акушерлик кўрувида кўйидагилар аникланди: бачадон тубида ҳомила юшшоқ ҳажмали қисми аникланади, чалда – кенг бир хил майдонча, ўнга – ҳомила майда қисмлари аникланади. Бачадон пастки сегментида – ҳомиланинг думалоқ қисми, қаттиқ, кичик чаноқ кириш қисми устида ҳаракатчан. Ҳомила юрак уриши қайси тарафда эшишилади?

Ўргатувчи тестлар.

1. Ҳомиладорликка диагноз кўйиш учун қандай 4 та текшириш усуllibari ўтказилган?

Умум қабул килинган клиник усуllibar (сўроклаш, анамнез, кўрув)

Махсус акушерлик ва гинекологик усуllibari

Лаборатор-асбоб усуllibari

УТТ (ультратовуш текширишлар)

2. Махсус акушерлик-гинекологик текширишларнинг 5 та усулини айтинг:

Чаноқни ўлчаш

Кўзгулар ёрдамида текшириш

Қин оркали текшириш

Ҳомилани пальпациялаш

Ҳомила юрак фаолиятини текшириш ва ҳомила ўлчамларини аниклаш

3. Ташқи текширишнинг қандай 2 та кўрсаткичи чаноқнинг шакли ва ўлчамлари ҳакида фикр юритишга ёрдам беради?

Михаэлис ромби

Соловьев индекси

4. Ҳомиладорлик диагностикасида аниқланадиган белгиларнинг 3 гурхини айтинг:

Шубҳали-субъектив белгилар

Эҳтомолли-она томонидан объектив белгилар

Ишончли-ҳомила томонидан объектив белгилар

5. Биманул текшириш орқали ҳомиладорликнинг қандай 4 эрта гумомили белгилари аниқланади?

Пискачек белгиси

Снегирев белгиси

Горвиц-Гегар белгиси

Гентер белгиси

6. Ҳомиладорликнинг 4та ишончли белгисини санаб беринг:

Кўл билан аниқланадиган ҳомила харакатлари

Ҳомила юрак уришини эшлиши, КТГ, ЭКГ

УТТ орқали текшириб ҳомилани кўриш

Ҳомила скелетини рентген орқали аниқлаш (ривожланмаган, антенатал ўлган ҳомилада)

7. Леопольд -Левицкий услублари билан нима аниқланади?

Бачадон туви баландлиги (I усул)

Ҳомила кисмларининг бачадондаги жойлашуви (II усул)

Ҳомила олдинда ётган кисмини аниқлаш (III усул)

Ҳомила олдинда ётган кисмини кичик чаноқнинг кириш текислигига нисбатан қандай жойлашганлигини аниқлаш (IV усул)

8. Шифокор қандай 5 та белгига қараб ҳомиладорлик муддатини аниқлайди?

Бачадон ўлчамларининг объектив катталашуви

Охирги ҳайзнинг биринчи куни бўйича

Ҳомиланинг биринчи қимиirlаши бўйича

УТТ бўйича

Аёллар маслаҳатхонасига биринчи мурожаати бўйича

9. Қандай 4 та белгига қараб тутрукнинг тахминий муддати аниқланади?

Охирги ҳайз бўйича

Овулляция куни бўйича

Ҳомиланинг биринчи қимиirlаган куни бўйича

Аёллар маслаҳатхонасида берилган тутрукдан олдинги таътил бўйича

10. Ҳомиланинг бачадон ичida нобуд бўлишининг 4 та мажбурий белгисини кўрсатинг:

Ҳомила юрак уришининг йўқолини

Ҳомиладор бачадонининг ўсишдан тўхташи ёки унинг кичиклашуви

Ҳомила қимиirlашининг йўқолиши

ЭКГ да юрак комплекслари (тишлари) нинг йўклиги

11. Қандай 3 та белги ва математик амал ёрдамида ҳомиланинг тахминий вазни аниқланади?

- Бачадон туби баландлиги (см) - БТБ
Қорин айланаси (см) - КА
Кўпайтириш (БТБxКА, грамм)
12. "Ҳомиланинг бачадонда жойлашуви" тушунчасига қандай 5 та белги хос?
Ҳомила майдо қисмларининг танасига нисбатан жойлашуви
Ҳомиланинг ҳолати
Ҳомила позицияси
Ҳомила кўриниши
Ҳомила қисмининг олдинда ётиши
13. Ҳомила бошининг кичик чанок текислигига нисбатан ҳолати қандай 2 усул ёрдамида аниқланади?
3- ташки акушерлик усуллари
4- ташки акушерлик усуллари (Леопольд-Левицкий усуллари)

IX БОБ

ҲОМИЛЛАДОР АЁЛЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ (КУРАЦИЯ)

Мақсад. Ҳомилладор аёлларни олиб боришни билиш.

Режа.

1. Ҳомиладорлик гигиенаси.
2. Ҳомиладорнинг овқати.
3. Ҳомиладор аёллар учун бадантарбия машғулотлари.

9.1. ҲОМИЛЛАДОРЛИК ГИГИЕНАСИ

Ҳомиладорлик нормал давом этса, уни аёллар осонлик билан ўтказадилар, ўзларини доимо соғлом, тетик ва бақувват сезадилар, меҳнат қобилиятларини йўқотмайдилар.

Ҳомиладор аёл ҳаракат қилиб туриши керак, агар у доим ётса ёки ўтираса, унда моддалар алмашинуви издан чиқиб, турли патологик ҳолатлар вужудга келиши (семириб кетиш) мумкин. Аммо ҳомиладор аёлнинг зўришиб ҳаракат қилиши, айниқса оғир юк кўтариши, кимёвий моддалар билан ишлашига рұксат этилмайди.

Аёл жуда чарчаши, отда юриши, велосипед ҳайдиши, сакраш ва югуриш каби спорт машғулотлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ҳомиладорлик физиологик ҳолат ҳисобланса ҳам, лекин ҳомила ўсиб катталашган сари унинг она организмига нисбатан талаби ортаверади. Агар ҳомиладор аёл санитария-гигиена қоидаларига риоя қиласа, ундаги нормал ҳолат тезда патологик ҳолатга ўтиб кетиши мумкин.

Ҳомиладор аёл соғлом бўлиши учун яшайдиган хонасини доимо тоза тутиши ва вакти-вакти билан шамоллатиб туриши керак. Тоза ҳаво қон айланишини ва нафас олишини яхшилади.

Ҳомиладор аёл папирос, нос чекмаслиги, спиртли ичимликлар ичмаслиги керак, чунки улардаги зарарли моддалар, хусусан никотин, алкоголь ҳомиладор организмига ҳам, ҳомила организмига ҳам зарарли таъсир кўрсатади. Қишида ҳомиладор яшайдиган хона ҳарорати 20-22°C бўлиши

лозим, агар бундан юкори бўлса, ҳомиладорнинг нафас олиши кийинлашади, у бўшашиб, терлайди. Бу ҳолат аёл соғлиғига ёмон таъсир қиласди. Ҳомиладор аёл ётадиган хона ёруғ ва тоза бўлиши, ҳар куни шамоллатиб турилиши керак.

Ҳомиладор аёл кун давомида (кундуз куни) ёки ишдан кейин бир соат ётиб дам олинни лозим. Бир кеча-кундудза у 8 соат ухлаши, кечқурун ухлапига соат 10-11 да ётиши керак.

Ҳомиладорлик даврида спорт мусобакаларида мутлақо қатнапмаслик, аммо бадантарбия машғулотларининг тавсия этилган турини ҳомиладорликнинг охирига қадар давом эттириш зарур. Бундай машғулотлар унинг корин деворини ва тана мускулларини мустаҳкамланига қаратилган бўлиши керак. Машғулотлар бир кунда 14-20 минут давом этиб, ҳар галги машғулот икки-уч минутдан ошмаслиги лозим. Машғулотларни ҳомиладор аввал аёллар маслаҳатхонасида, сўнгра машғулот усувларини ўрганиб бўлгандан кейин уйидаги давом эттириши керак.

Махсус бадантарбия машғулотларидан кейин душда чўмилиш ёки танани белгача уй ҳароратидаги сув билан ювиш, сўнгра яхшилаб артиниб, 5-10 минут ҳаво ваннаси қабул қилиш керак.

Ваннада чўмилиб туриш мумкин, лекин суви илик бўлиши, ҳарорати 30-35° дан ошмаслиги керак, унда 12-15 минут ётиш кифоя киласди. Аммо ҳомиладорликнинг охиригина ойларида аёл душда ёки курсига ўтирган ҳолда ювениши керак, ванна олиш мумкин эмас.

Маълумки, қайта түққанларда турғуқнинг охиригина ойида бачадон бўйни бир бармоқ очик бўлади. Шунга кўра инфекциянинг бачадонга кириши осонлашади. Ҳомиладорликда қинни чайиш зааралидир.

Ҳомиладорлар учун күёш нури, айникса ультрабинафша нурлар фойдали. Бу нур аёл организмида D витамини хосил бўлиши жараёнини оширади. Лекин күёш нуридан меъёрида фойдаланиш керак.

Ҳомиладор аёл туғишидан 5-6 ҳафта илгари, агар зарур шароитлар бўлса, баданини ҳар куни 3 минут давомида кварц лампаси билан нурлатиши (100-85 см узокда турган ҳолда), агар шароит бўлмаса, 10-15 минут күёш ваннаси қабул қилиши лозим. Сийнабанд сут безини сикмаслиги, фақат кўтариб туриши, лойик қилиб тикилган бўлиши керак. Ҳомила туғишига 5-6 ҳафта колганда ҳомиладорга сут безларини силаш усувларини ўргатиш керак. Бунинг учун С.П. Виноградов усулидан фойдаланилади. Аввало ҳомиладор аёл қўлини юваб, куритади ва кийимини белигача ечади.

Бутун кафти билан (кафтларни сут безига теккизиди) 2-3 минут давомида секин ва енгил силайди. Бунда сут безининг юкори кисмини тўш суюги ўртасидан ўмров суюги томон силайди, пастки кисмини эса қўлтиқ томонга силайди.

Сут безининг учига (сўргичга) тегмаган ҳолда бир қўл билан кўкракни бир неча марта гир айлантириб силанади, шу йўсинда иккала кўкракни бир вактда силаш мумкин. Сут безини ўнг қўли билан пастдан, чап қўли билан юкоридан ушлаган ҳолда бир оз юкорига кўтариб, асосига томон

сиқиб борилади. Бу машғулот бир кунда 2-3 марта қайтарилади. Сут безининг учиға (сүрғичига) ҳар куни 70% ли спирт аралаштирилган глицерин эритмаси суртиш ҳам уни ёрилишдан сақтайтирилади. Сут безларини доим уй ҳароратидаги сув билан ювига, тоза сочиқда артиб турип жуда фойдалидир.

Агар сут безларининг учи ичга тортилган ёки ясси бўлса, тоза қўл билан ушлаб тортилади (3-5 минутдан бир кунда бир неча марта такрорланади). Сут безларининг учи шундан кейин ҳам нормал ҳолатга келмаса, бола маҳсус сутсўрич оркали эмизилади.

Ҳомиладор аёлнинг кийими катталашаётган қоринни сиқмайдиган бўлиши шарт. Белга белбоғ бойлаш маслаҳат берилмайди.

Ҳомиладор аёл маҳсус бандаж кийиши лозим. Бу бандажни ётган холда кийилади. Агар бандаж бўлмаса, уни аёл ўзи тикиб олса ҳам бўлади.

Ҳомиладор аёл кўйлаги кўкракбурма бўлиши ёки юбкаси елкадан осиб қўйиладиган ва сийнабандга бириткирлган бўлиши, оёқ кийими эса паст пошнали бўлиши керак, чунки тана вазни ортган сари баланд пошнали оёқ кийимда мувозанатни сақлаш кийинлапади.

Одатда ҳомиладор оёқларидаги вена қон томирларидан қон окиши бирмунча сустлашади. Демак, оёқни сиқиб турувчи айланга резина ишлатилган тақдирда шу томирлардан қон окиши яна ҳам сустлашади, натижада вена қон томирлари кенгайиб қолиши ҳам мумкин. Бинобарин, пайпоқ резинкасини бандажга тақиши керак. Агар ҳомиладорнинг оёғидаги вена қон томирлари кенгайган бўлса, унинг бир жойда узоқ вақтгача тикка туриб қолиши, оёқни узок, осилтириб ўтириш ярамайди. Шунинг учун ҳомиладорнинг кўпроқ юриши фойдалидир.

Ҳомиладорликнинг сўнгти ва дастлабки 2 ойида жинсий алоқада бўлиш мумкин эмас, чунки дастлабки 2 ойда жинсий алоқа вақтида чаноқ аъзоларига қон тўлиши натижасида ҳомила тушиши, сўнгти 2 ойда эса бачадон ичига инфекция кириши ва қораноқ ёрилиб кетини мумкин.

Ташки жинсий аъзоларни қайнатилган илиқ сув билан ҳар куни 2 маҳал ювиш керак, бунинг учун аввало қўлларни тозалаб ювиш зарур.

Ҳомиладор аёл юкумли касалликлар билан оғриган кишиларга якинлашмаслиги керак.

Ҳомиладорлик давомида аёлни турли ваҳималар, хафагарчиликлардан сақлаш керак. Бунинг учун уни ҳомиладорлик вақтида бўладиган физиологик ўзгаришлар билан барвақт танишитириш ва ҳомиладорликнинг охирги 2 ойида психопрофилактик (рухий бузилишнинг олдини олиш) усуслар билан олдиндан туғруққа тайёрлаш лозим. Шунда туғруқ бирмунча оғриксиз ўтади, иккинчидан бўлмағур ўринсиз ваҳималарга ўрин қолмайди.

Агар аёл аввалиг ҳомилаларни муддатига етказмай чала туккан бўлса, кейинги ҳомиладорликнинг дастлабки 3 ойи давомида оғир иш ва зўришиб ҳаракат қўлмаслиги керак.

Баъзи аёллар ҳомила анча катта бўлиб қолганда, уни охирги муддатига етказмай туғадилар. Бунга турли касалликлар (захм, сўзак, безгак, бруцеллэз, бачадоннинг ўзига хос касалликлари, гормонал жараённинг бузилиши

ва бошқалар) сабаб бўлади. Бундай ҳолларда хомилани сақлаб колиш учун мавжуд касалликларга даво қилип билан бирга, хомиладорни оғир жисмоний меҳнатдан, баъзан эса умуман ишдан вақтингча озод қилиш лозим. Агар аёл эмизикли вақтида яна бўйида бўлиб қолса, болани дарҳол кўкракдан ажратиш зарур. Акс ҳолда она сутининг хусусияти ўзгарган бўлиб, болага зарар киласди.

Юкорида айтиб ўтилган ҳамма гигиеник чораларни аёлларга тўғри тушунтириш ва уларни туғишига тайёрлаш ишини шаҳар поликлиникалари ва кишлоқ шифокорлик пунктларида шифокорлар ва доя-акушеркалар олиб боришлари керак.

Бундан ташқари, агар хомиладор аёlda бирор касаллик бўлса, уни кундузги стационарда даволаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Кундузги стационар аёлларга анча қулайлик келтиради. Аниқса, бизнинг мамлакатимизда кўп болали оналар, болаларини уйда қолдириб касалхонага бориб ётиб кела олмайдилар.

9.2. ҲОМИЛАДОРНИНГ ОВҚАТИ

Ҳомиладор аёлга агар кўнгли тусаса, нордон нарсалар истеъмол қилишга руҳсат этилади. У ҳар куни овқатдан олдин бир ош кошиқдан 2% ли НС1 эритмаси ёки аскорбинат кислота исчса, меъда суюклиги яхши ажралади. Одатда ҳомиладор учун 3200 калория керак бўлади.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида у бир литрдан сут ичиб туриши, иккинчи ярмида опи тузи истеъмолини чегаралаш (3 граммдан оширмаслик), сув эса бир литрдан ошираслиги керак (суюқ овқат таркибидағи сув ҳам шу жумладандир).

Ҳомиладорга маринадлар, консервалар, тузланган балиқлар, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ман этилади.

Баъзи ҳомиладор аёллар бошкоронилик даврида эрталаб қайт қиладилар. Бундай ҳолларда улар овқатни ўринда ётган жойларида истеъмол килишлари керак. Агар ҳомиладорнинг жигилдони қайнаса, унга ичимлик сода, куйдирилган магнезия бериш мумкин. Қизил сабзи ҳам жигилдон қайнашини босади.

Ҳомиладорлар гўштли ва ёли овқатларни камроқ, сутли ва сервитамин сабзавотларни кўпроқ тановул килишлари керак (гўштни қайнатиб пиширилганини маълум миқдорда истеъмол қилиш мумкин).

Ҳомиладорнинг овқати витаминаларга, темир ва ош тузларига бой ва сифатли бўлиши керак. Чунки ҳомиланинг ўсиши учун витаминалар, айниқса А, В, С, Д, Е витаминлари жуда керак бўлади. Агар ҳомиладор организмида В витамин етишмаса, бола чала (вақтидан илгари) турилиши мумкин. Бундан ташқари, бундай аёл тез чарчайди, салга бўшашиди. Бундай вақтларда ҳомиладор бир суткада 10-20 мг В витамини истеъмол килиши зарур.

B₁ ва B₂ витаминининг етишмаслиги натижасида ҳомиладор аёлда

полиневрит ва ҳомиладорликнинг биринчи ярмида токсикозлар рўй бериши мумкин. В₁ витамин ҳамиртурушда, нонда, жигар, буйрак, ловияда кўп бўлади, В₂ витамини- ўсиш витаминларидан ҳисобланниб, унинг организмда етишмаслиги кўз, тери, шиллик парда касалликларини, бўйнинг ўスマй қолиши каби ҳолларни вужудга келтиради. Бу витамин тухумда, сут маҳсулотларида, жигар, буйрак ва ҳамиртурушда кўп бўлади. Организмга бир кечакундузда 2 мг В₂ витамини керак бўлади.

А витамини ҳам ўсиш витамини хисобланади. Бу витамин етишмаса, организмнинг ўсиши секинлашиб, аёл шабкўр бўлиб қолади ва кўз мугуз пардасига птурегди, у қурий бошлайди.

А витамини ҳайвон жигарида, буйрагида, сутда, тухумда, сариёғда, балиқ мойида, сабзида, ўсимликларнинг кўк баргларида бўлади. Сабзи таркибидаги каротин организмда А витаминига айланади. А витаминини ҳадори шаклида (бир кунда 2-3 дона) ёки суюқ холда (бир кунда 1-2 томчидан 2 марта) истеъмол қилиш мумкин.

С витамини (аскорбинат кислота) ҳомиладор аёл организмидаги етишмаса, ҳомила тушиши, аёлда цинга касаллиги нишоналари пайдо бўлиши, милклар юмшаб, тишлар қимирилаб қолиши мумкин. Бир кечакундузда организм 50-100 мг С витамини талаб қилади. Бу витамин ёнғокда, лимонда, апельсинда, карамда, турли кўкатларда (кўк беда, укроп, исмалоқ, кўк пиёз кабиларда) кўп учрайди. Шунинг учун ҳомиладорлар бу ноз-неъматлардан кўпроқ истеъмол қилишлари керак. Ҳомиладорларга куз ва баҳор ойларида витамин С ёки аскорбинат кислота (ac. ascorbinici 0,2, sacchalbi 0,3) аралашмасини бир порошоқдан ҳар куни 3 маҳал ичиш буюрилади.

Д витамини рапхит касаллигига қарши витамин, у аёл организмидаги кальций ва фосфор алмашинувини идора қилади ва ҳомиладор рапхит касаллигига йўл қўймайди. Бу витамин асосан балиқ жигари, балиқ мойи ва сариёғда кўп бўлади.

Е витамини ҳомиланинг нормал тарақкий килиб, сақланишини, етилиб туғилишини ва нормал ўсишини таъминлайди. Бу витамин айниқса исмалоқ, пахта мойи, бошоқли ўсимликлар донида (буғдой ва жигарда), буғдой муртаги мойида, тухум ва жигарда кўп бўлади. Бу витаминдан бефарзандликда ва ҳомиланинг чала туғилишининг олдини олиш учун ҳам фойдаланилади.

РР витамини (никотинат кислота) моддалар алмашинуви жараённида иштирок этади. Организмда бу витамин етишмаганда пеллагра касаллиги вужудга келиб, марказий ва периферик нерв системаси, шиллик қават ва терининг зарарланиши, ичак функциясининг бузилиши каби ҳолатлар рўй беради. РР витамиnidан организмга бир кечакундузда 15 мг зарур, бу витамин ҳамиртуруш, гўшт, жигар, буғдой донида бўлади.

Аёл организми ва ўсаётган ҳомила учун витаминлардан ташқари, кальций тузи ҳам керак бўлади. Кальций тузи етишмаса, ҳомила суякларида бир канча ўзгаришлар пайдо бўлади. Тишлар емирилиб, чирийди ва чиригиган тишларга кириб қолган овқат моддалари бузилиб инфекция манбаи

бўлади. Шунинг учун ҳомиладорнинг тишларини текшириб, чириган тишларини даволаш ва унга кальций тузининг (CaCl) 10% ли эритмасидан бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичишни тайинлаш керак.

Ҳомиладор бир кунда 4 маҳал овқатланиши зарур. Бунда умумий овқат миқдорининг 25-30% ни эрталабки нонуштада, 10-15% ни кундузги нонуштада, 40-50% ни тушки овқатда, 15-20% ни кечки овқатда истеъмол қилинади.

Ҳомиладорларга турли дориларни ўринсиз буюриш ярамайди, чунки баъзи дорилар йўлдош орқали ҳомилага ўтиди.

Ҳомиладорга минерал сув, лимонад, чой, қаҳва, сут, катик, яхна сув (кайнатиб совутилган сув) каби суюкликларни маълум миқдорда бериш керак.

Ҳомиладорликда баъзан қабзият рўй беради. Бундай ҳолларда уларга ҳўл мева, сабзавот, катик, кора нон истеъмол килиш хамда кунига 2 маҳал (кечкурун ётиш олдидан ва эрталаб нонуштадан олдин) ярим стакан боржоми ичиш тавсия этилади. Агар ҳукна килишга зарурият туғисла, бу факат шифокорнинг рухсати билан килинади. Сурги дори бериш мутлақо ман этилади.

Ҳомиладорнинг бир кеча-кундузда ичган суви билан шу вакт давомида ажраттган сийдик миқдорини ҳисоблаб бориш керак.

Кўпчилик аёллар ишлайдиган муассаса ошхоналарида юкорида айтиб ўтилган овқатларни тайёрлашга кўмаклашишда аёллар маслаҳатхонаси шифокори ёки акушерканинг ўрни каттадир.

9.3. ҲОМИЛАДОРЛАР УЧУН БАДАНТАРБИЯ МАШГУЛОТЛАРИ

Ҳомиладорлар бадантарбия машғулотларини аёллар маслаҳатхонасида шифокор раҳбарлигида ўрганадилар ва уни уйда такрорлайдилар. Бадантарбия машғулотларида қатнашиш учун маслаҳатхонага бориш имконияти бўлмаган ҳомиладорлар баъзи машғулотларни уйда ўзлари мустакил бажаришлари мумкин.

Бадантарбия машғулотлари ҳомиладорликнинг муддатига қараб турлича: 16 ҳафталик, 16-24 ҳафталик, 24-32 ҳафталик, 32-36 ҳафталик ҳомиладорликда алоҳида бўлади.

Машғулотларни белгилашда маълум мускул гурухлари ҳаракатланганда бошқа гурух мускулларининг дам олиши назарда тутилиши керак. Машғулотни бошлишдан олдин хона шамоллатилади, ҳаво иссиқ бўлса, дарича ёки дераза очиб қўйилади. Машғулот тамом бўлгач, баданни аввал иссиқ сувга, сўнгра илиқ сувга хўлланган сочиқ билан артилади.

Эрталабки машғулотдан 20-30 минут олдин сариёғ суртилган бир бурда нонни бир пиёла чой билан еб олиш маслаҳат берилади.

А.В.Бартельс ва Н.И.Гранат қайта ишлаб чиқкан ва тавсия этган бадантарбия машғулотлари қуидагилардан иборат:

16 ҲАФТАЛИКДА БАДАНТАРБИЯ МАШГУЛОТЛАРИ

Биринчи машқ. Тик турган ҳолда, күлни юкорига күтариб, кейин олдинга, ундан ёнга, орқага юборилади, танани бир оз букиб, нафас олинади. Сүнгра яна дастлабки ҳолатга қайтилади (нафас чиқарилади).

Иккинчи машқ. Оёқларни елка кенглигига очиб, тўғри қўйилади: а) кўл юкорига кўтарилади (нафас олинади);

б) ярим ўтирган ҳолда кўлларни пастга ва бирмунча ёнга очилади (нафас чиқарилади);

в) тўғри туриб нафас олинади;

г) асл ҳолатга қайтилади.

Учинчи машқ. Оёқларни елка кенглигига очиб, тўғри турган ҳолда, кўлларни энсага теккизиб, олдинга эгилади, кўлни олдинга узатиб, сўнгра пастга туширилади. Белни буккан ҳолда елкани бўшаштириб нафас чиқарилади.

Тўртинчи машқ. Оёқлар елка кенглигига очилади. Тана ва бошни ўнгра айлантириб, бир текисда нафас олинади. Кўлларни ёнга қилган ҳолда чапга айланилади. Бу машгулот 3-4 марта такрорланади.

Бешинчи машқ. Тикка турган ҳолда бир текис нафас олиб, кўл орқага узатилади, сўнгра елка баландлигига олдинга кўтарилади, асли ҳолатга қайтилади.

Олтинчи машқ. Тирсакка тирадан ҳолда қоринда ётилади. Тананинг юкори кисмини кўл кафтларига тираган ҳолда юкорига кўтариб нафас олинади, асли ҳолатга қайтиб, нафас чиқарилади.

Еттинчи машқ. Кўлларни ёнга кўйган ҳолда бир текисда нафас олиб чалқанча ётилади. Оёқларни тўғри узатиб, тиззани букмаган ҳолда ўнг ва чап оёқ галма-гал кўтарилади.

Саккизинчи машқ. Оёқларни узатган ҳолда чалқанча ётиб, кўллар орқага тирадади. Оёқларни тизза бўғимидан букиб, тизза ичкарига ва ташкарига (хар икки оёқ галма-гал) айлантирилади.

Тўққизинчи машқ. Кўл ва тана мускулларини бўшаштирган ҳолда ўртача тезлиқда 30-40 секунд юрилади.

16-24 ҲАФТАЛИКДА БАДАНТАРБИЯ МАШГУЛОТЛАРИ

Биринчи машқ. Кўлларни белга қўйиб, тирсаклар орқага юборилади. Кўкракни олдинга чиқарилади, нафас олинади.

Иккинчи машқ. Бир кўлни белга қўйиб, иккинчи кўл билан каравотни ушлаб, оёқни аввал тўғри, сўнгра тизза бўғимидан буккан ҳолда олдинга ва орқага кўтарилади.

Учинчи машқ. Оёқларни елка кенглигига қўйиб, кўл ва елкани бўшаштирган ҳолда пастга осилтириб, нафас чиқарилади, сўнгра аслига қайтиб, нафас олинади.

Тўртинчи машқ. Оёқлар бир текисда елка кенглигига туради. Нафасни текис олиб, бош-танани олдин ўнгга, сўнгра чапга айлантирилади. Бунда кўллар бўшашган ҳолда бирмунча ёнда туради.

Бешинчи машқ. Тикка турган ҳолда кўлларни ёнга очиб, аввал орқага,

сүнгра елка баландлигига олдинга ва ёнга күтарилади.

Олтинчи машқ. Күлларни икки ёнга күйиб, чалқанча ётилади, чанокни күтариб, орқа тешик ичга тортилади.

Еттинчи машқ. Құлни икки ёнга күйиб, оёкларни узатган ҳолда чалқанча ётилади, сүнгра күлга тиравиб туриб ўтирилади, яна асли ётиш ҳолатига қайтилади. Бу машғулот 3-4 марта такрорланади.

Саккизинчи машқ. Оёкларни узатган ҳолда, құлларни орқага тиравиб, ўнг оёқ букилади, шу ҳолда тиzzаларни галма-гал ташқарига ва ичкарига узоқлаштириб - яқинлаштирилади.

Тұққизинчи машқ. Тана ва құл мускулларини бүшаштирган ҳолда чукур нафас олиб ва чиқарып, 30-40 секунд юрилади.

24-32 ҲАФТАЛИҚДА БАДАНТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

Биринчи машқ. Құлларни белга күйган ҳолда тиrsаклар орқага юборилади ва бошни күтариб, нафас олинади. Асли ҳолатта қайтиб, нафас чиқарылади.

Иккінчи машқ. Тик турган ҳолда құлларни белга күйиб, битта оёкни олдинга ва ёнга чүзилади, сүнгра бир оёкни тиzzадан букиб иккинчи оёкнинг учи билан турилади. Бу машғулот ҳар иккала оёқда такрорланади.

Учинчи машқ. Оёкларни елка кенглигига күйиб, құлларни белга тираб олдинга эгилади.

Тұрттынчи машқ. Оёкларни елка кенглигига күйиб, тана ва елка мускулларини бүшаштириб, иккала оёқ томонға галма-гал эгилади.

Бешинчи машқ. Оёкларни елка кенглигига күйиб, құллар тиrsак бүгимидан букилади ва тана ўнгга ва чапға айлантирилади, ҳар айланғанда құллар ёнга очилади.

Олтинчи машқ. Құллар ёнда турған, оёклар тиzzадан букилған ҳолда ётиб, чаноқ қисми күтарилади ва орқа тешик ичга тортилади. Сүнгра пастға тушириб, өт мускуллари бүшаштирилади.

Еттинчи машқ. Құлларни ёнга күйиб, чалқанча ётган ҳолда тиzzадан букиб, юкорига күтарилади, бу ҳолат иккала оёқда бажарилади.

Саккизинчи машқ. Оёкларни узатган ҳолда ётиб құлларни орқага юбориб тиравади, оёкларни тиzzадан бүгимидан букиб, тиzzалар бир-биридан узоқлаштирилади ва яна яқинлаштирилади.

32-36 ҲАФТАЛИҚДА БАДАНТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

Биринчи машқ. Тик туриб, құл кафтлари ташқарига ёнга очилади. Сүнгра авналғы ҳолатта қайтарилади.

Иккінчи машқ. Құлларни белга күйиб, оёклар олдинга ва ёнга узатылади, бир оёкни тиzzадан бүгимидан букиб, иккинчи оёқ учидан турилади. Бу харакат бир неча марта такрорланади.

Учинчи машқ. Кафтларни юкорига қилиб, құлларни ёнга очиб, чалқанча ётилади, сүнгра ёнга айланып, бир құлнинг каftини иккинчи құл каftига теккизилади, бу машғулот иккала томонда такрорланади.

Тўртинчи машқ. Тизза бўғимлари букилган ҳолда кўлларни ёнга қўйиб чалқанча ётилади-да, тананинг чаноқ қисмини кўтариб, орқа чиқарув тешиги ичга тортилади, сўнгра уни жойига қайтариб, чот мускуллари бўшаштирилади.

Бешинчи машқ. Кўлларни ёнга килган ҳолда чалқанча ётиб, оёкларни тизза бўғимидан бир оз букиб, юкорига кўтарилади.

Олтинчи машқ. Кўлларни ёнга кўйган ҳолда чалқанча ётиб, оёклар тиззадан букилади ва улар коринга яқинлаштирилади. Кўл билан тиззаларни ушлаб, уларни бир неча марта бир-биридан узоклаштирилади ва яқинлаштирилади.

Еттинчи машқ. Тана ва кўл мускуллари бўшаштирилади ва чукур нафас олиб чиқарган ҳолда, 30-40 секунд давомида секин юрилади.

Х БОБ ТУҒРУҚ ЖАРАЁНИ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Максад:

Талабаларга туғруқ тушунчасининг таҳлили, туғрукнинг бошқарилиши, туғруқ даврлари, туғрукнинг клиник кечиши ва уни олиб бориш тўғрисида тушунча бериш.

Режа:

1. Туғруқ тушунчасининг таҳлили.
2. Туғрукнинг бошқарилиши.
3. Туғруқ даврлари
4. Туғрукнинг клиник кечиши
5. Туғрукни олиб бориш.

10.1. ТУҒРУҚ БОШЛАНИШИННИГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ

Туғрукнинг бошланиш сабабларини тушунтирадиган назариялар Гиппократ давридан бошланган. Ҳомиладорлик нормал кечганда ҳомила тараққиёти тўхтагандан кейин бачадон мускуллари ритмик равишда қисқара бошлайди, бу туғруқ дардининг бошланишидир. Туғрукнинг физиологик хусусияти шуки, ҳомиланинг ривожланиш даври тамом бўлиши билан ҳомила жинсий йўллар орқали туғилади. Баъзи патологик ҳолатларда ҳомила тараққиёти охирига етмасдан чала, вактидан илгари туғилади. Баъзи ҳолларда ҳомила жинсий аъзо орқали туғила олмайди (бунга ҳомиланинг кўндаланг келиши, чаноқнинг тор бўлиши ва бошқа патологик ҳолатлар сабаб бўлади). Натижада ҳомила операция қилиб туғдирилади (кесарча кесиш, қисқич қўйиш, ҳомилани майдалаб олиш ва бошқалар).


Аёллар бачадони ҳайз бошланиши билан у тўхтагунча (менопауза) вакти-вақти билан қисқариб туради. Лекин бу қисқариш унчалик кучли бўлмайди. Бачадон қисқариши ҳомиладорликнинг турли муддатларида турлича: кучли ёки кучсиз бўлади. Чунки у нейрогуморал аппаратнинг бошқаришига боғлик бўлиб, ҳомиладорликнинг нормал кечишини таъминлашга кара-тилган бўлади.

Тұғрук жараёни бачадоннинг маълум ритмда кисқаришидан бошланади. Бачадон мускуларининг кисқариши ҳар 8-15 минутда тақрорланиб, 25-35 секунд давом этади, түлғоқ оралиғидаги муддат аста-секин камайиб боради, ҳар 4-5 минутда қайтарилиб, 45-50 секунд давом этади. Бундан таңқари, кисқариш кучи ҳам оша боради, буни маҳсус аппаратлар ёрдамида осон аниклаш мүмкін.

Бачадоннинг нерв системасыда симпатик ва парасимпатик бўлимлар, соматик (сезувчи) нервлар бўлади. Бу бачадоннинг биологик хусусиятидир. Бачадондаги нервлар марказий нерв системаси импульслари таъсирида ҳомиладорликнинг нормал тараққиётини таъминлайди. Соматик нервларнинг аҳамияти уччалик катта эмас, орка умуртқа мия фалажида рефлекс йўли кесилган бўлишига қарамай, аёл ҳомиладор бўлиши, у нормал кечиши, тұғрук оғриксиз ўтиши кузатилган (10.1.-расм).

Аёлларда жинсий аъзолар функциясида специфик эстроген ва прогестерон гормонларининг ўрни катта. Тұхумдондаги фолликулдан эстроген, сарик танадан эса прогестерон гормони ажралади. Ҳомиладорликда бу гормонларни йўлдош тўқималари ажратади. Ҳозирча хорион ҳужайрала-рининг қайси бири бу гормонларни ажратиши аниқ эмас. Ҳомиладорликнинг охирида эстроген, прогестерон гормонлар бачадонда бир қатор физиологик ўзгаришларга сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар бачадоннинг туғиши жараёнида нормал кисқаришига ёрдам беради. Туғиши жараёнида бачадон мускуллари ва ҳомиладор организмидаги ўзгаришларда мухим бўлган омииллар ҳали тўла ўрганилган эмас. Аммо айрим омиилар бу масалани ҳал қилишда маълум вазифани ўташи мақсадга мувофиқдир.

Кўпчилик муаллифларнинг фикрича, бачадон мускулларининг кисқариш хусусияти бачадондаги моддалар алмашинуви билан чамбарчас борлиқдир. Н.С.Бакшев лабораториясида олиб борилган ишлар шуни кўрсатади, бачадондаги биокимиёвий жараёnlар аёл организмининг функционал холатига борлиқдир.



10.1.-расм. Дардни бошқариш схемаси. Тўғри чизиқ — активация (стимуляция), пунктирли чизиқ — босилиш: α - α - адренорецепторлар; β - β - адренорецепторлар; μ - μ - холинорецепторлар.

Бачадон мускул тўқимасининг моддалар алмашинуидаги асосий кўрсатчиchlари фосфорланиш жараёнига боғлиқ. Бу жараён бачадон мускулларида энергияга бой (микроэнергетик фосфорлар), мускулларнинг ферментли оқсили ва кисқарувчи фракциялар ҳамда уларнинг кисқариши учун ахамиятли электролитлар тўпланишига имкон беради. Электролитлардан Ca^{++} зарурдир. Ҳомиладор бўлмаган аёлнинг бачадон мускулларида моддалар алмашинуви суст бўлиб, энергетик моддалар кам бўлади. Н.С.Бакшевининг кўрсатишича, ҳомиладор бўлмаган аёл бачадонининг мускул тўқимасида гликоген ўрта ҳисобда 50-60 мг%, аденоцитрифосфат кислота (АТФ) 14,5 мг%, фосфокреатин 1,4 мл% ни ташкил қиласди. Бачадон мускулларида умумий оқсилининг ярмиси унча фаол бўлмаган қўшимча тўқима протенидан иборат. Бунда оқсиилларнинг бачадон кисқаришини (контрактил) таъминловчи груҳи (актомиозин) оқсиил субстратининг 3-4% ни ташкил қиласди. Бунинг концентрацияси миометрийнинг функционал ҳолатини белгилайди. Ферментли оқсииллар умумий оқсилининг 25% ни ташкил қиласди, бу бачадон мускуллари метаболизми даражасини кўрсатади. Ҳомиладорликда оксидданиш жараёнининг фаоллиги ошади, деярли кам энергия берадиган анаэроб гликолиз камаяди.

Бачадонда оксидданиш жараёни ҳомила ўсган сари ошиб, туғиш вақтида 4 баробар кўпаяди. Агар ҳомиладорлик муддати ортиши билан гликолиз жараёни динамикада кам ўзгарса, бу анаэроб гликолиз томонига ўзгаради. Туғрукда аэроб гликолиз энергияниг кўпроқ вужудга келишига шароит яратади. Бу энергия бачадон кисқаришини таъминлайди.

Ҳомиладорликнинг охирида бачадон мускулларида гликоген микдори ҳомиладорликдан олдинги микдоридан 12 баробар ортик бўлади. Фосфорланишни таъминловчи бирикмалардан бири фосфор киротин 2,5 баробар ошади. Туғиш жараёни яқинлашганда бачадон мускуларининг сут кислотаси ярмига камаяди, анаэроб гликолиз фаоллиги камайиб оксидданиш жараёни ошади. Ҳомиладорлик охирида бачадон мускулларида умумий оқсиил 40% га ортади.

Жинсий гормонларнинг бачадонни туғишига тайёрланишда ва туғиши жараёнининг бошланишида ахамияти каттадир. Ҳомиладорлик бошланиши билан аёл организмида жинсий гормонлар, асосан эстроген гормонлар ортиб боради. Бу гормонлар ҳомиланинг нормал ривожланишини, бачадонда ва умумий организмдаги ўзгаришларнинг нормал кечишини таъминлайди. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида прогестероннинг ахамияти катта, кейинроқ эса эстрогенлар орта боради. Бу гормонлар бачадоннинг ўсиши учун ахамиятли бўлиб, актомиозин синтези, гликоген ва фосфор бирикмалари ҳамда оқсиил ферментли фракциясининг ошишига имкон беради.

10.2. ҲОМИЛАДОРЛARНИНГ ТУҒИШГА ТАЙЁРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Ҳомиладорнинг туғишига тайёрлиги асосан бачадоннинг кисқариши хусусияти ва бачадон бўйни хусусиятларига қараб аниқланади. Бачадон мускулларининг кисқариши хусусиятини кўл ва маҳсус аппаратлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

- I. «Етилмаган» бачадон бўйни.
 7. Бачадон бўйнининг қаттиқлиги ёки юмшоқлиги аниқланади
 8. Бачадон бўйни каналининг ташки тешиги берк ёки бармоқ учи сифади.
 9. Бачадон бўйни сақланган ёки 4 см дан кўп қисқармаган.
 10. Бачадон бўйнининг пастки сегменти юпқалашган, аммо юмшамаган.
 11. Бачадон бўйни қалин, деворининг қалинлиги 2 см гача.
 12. Бачадон бўйни чапга ва орқага қараган.
- II. Бачадон бўйни «етилган»
7. Бачадон бўйни юмшаган.
 8. Бачадон бўйнининг қин қисми 2 см ва ундан кам қисқарган.
 9. Бачадон бўйни канали бир бармоқ очик чаноқ ўки бўйича жойлашган.
 10. Қин гумбази орқали олдинга келувчи қисми аниқ билинади.
 11. Бачадон бўйнининг қалинлиги 0,5 см.
 12. Бачадон бўйни чаноқ ўки бўйича жойлашган.
- III. Бачадон мускулларининг окситоцинга сезирлиги (Смитнинг окситоцин белгиси) ни аниқлаш учун:
7. Ҳомиладор 15-20 минут ётқизиб қўйилади.
 8. 500 мл 5% ли глюкозага 1 мл 5 бирликда окситоцин қўшилади (0,01 бирлик окситоцинга 1 мл глюкоза ҳисобида).
 9. Тайёрланган эритмадан 5 мл ни 1минутда 1мл дан куйилади.
 10. Бачадон қисқаришини пайласлаб ёки гистерограф ёрдамида аниқлашади.

11. 3 минутдан кейин бачадон қисқарса, ижобий ҳол ҳисобланади, окситоцин укол қилингандан сўнг 2 кун давомида тургруқ бошланади.
12. Тургруқ 3 кун давомида бошланмаса салбий ҳол ҳисобланади, бунда тургруқни тезлатадиган бошқа усуллардан фойдаланиш керак бўлади.

10.3. ТУФРУҚ. ТУФРУҚ ДАВРЛАРИ

Бачадонда оксидланиш жараёни ҳомила ўсган сари ошиб, туриш вақтида 4 баробар кўпаяди. Агар ҳомиладорлик муддати ортиши билан гликолиз жараён динамикада кам ўзгарса, бу анаэроб гликолиз томонига ўзгаради. Тургруқда аэроб гликолиз энергиянинг кўпроқ вужудга келишига шароит яратади. Бу энергия бачадон қисқаришини таъминлайди.

Ҳомиладорликнинг охирида бачадон мускулларида гликоген миқдори ҳомиладорликдан олдинги миқдоридан 12 баробар ортиқ бўлади. Фосфорланишни таъминловчи бирикмалардан бири фосфокаротин 27 г баробар ошади. Туғиш жараёни яқинлашганда бачадон мускулларининг сут кислотаси ярмига камаяди, анаэроб гликолиз фаоллиги камайиб оксидланиш жараёни ошади. Ҳомиладорлик охирида бачадон мускулларида умумий оксили 40% га ортади.

Жинсий гормонларнинг бачадоннинг туғишига тайёрланишида ва туғиши жараёнининг бошланишида катта аҳамияти бор. Ҳомиладорлик бошланиши билан аёл организмида жинсий гормонлар, асосан эстроген гормо-

нлар ортиб боради. Бу гормонлар ҳомиланинг нормал ривожланишини, бачадонда ва умумий организмдаги ўзгаришларнинг нормал кечишини таъминлайди. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида прогестероннинг аҳамияти катта, кейинрок эса эстрогенлар орта боради. Бу гормонлар бачаданинг ўсиши учун аҳамиятли бўлиб, актомиозин синтези, гликоген ва фосфор бирикмалари ҳамда оксил ферментли фракциясининг ошишига имкон беради.

Ҳайвонларда қилинган тажрибаларнинг кўрсатишича, нералар тузилмаларисиз бачадон мускуллари қисқармайди. Туғишдан бир оз олдин неря тузилмаси орқага тарақкий қилиб, аёlda ортиқча оғриқ бўлмайди. Бунга сабаб нерв толалари тузилмаси камайганида органик импульслар ҳам камаяди. Бу бачадоннинг физиологик ҳолати, унинг туғиши жараёнига тайёрлиги кўрсаткичидир.

Эстрогенлар АТФ фаоллигини оширади, улар бачадон мушакларининг қисқаришига специфик таъсир қилувчи окситоцинни парчаловчи окситоциназа таъсирини сусайтиради. Бачадон нерв ва мускул аппаратининг окситоцинга сезгирилгини оширади, натижада бу аъзонинг қисқаришини бирданига ошириб юборади.

Прогестерон эса бачадон нерв-мускул аппаратининг кўзғалишини сусайтиради, окситоцинга нисбатан сезгирилгини камайтиради. Прогестерон айниқса ҳомиладорликнинг биринчи, иккинчи уч ойлигидаги бачадон мускуллари бирданига қисқаришини тўхтатади. Учинчи уч ойликда эса унинг бачадон мускулларига таъсири бирмунча камаяди. Туғруқ якинлашган сари бачадон мушаклари эстрогенга сезгириб бўлиб қолади.

Ҳомиладорликнинг учинчи ойида ҳамда ўтиб кетган (41-42 ҳафталик) ҳомиладорликда туғруқ дардини синестрол ёки эстрадиол билан кўзғатиш мумкин. Бачадон мускул ҳужайралари эстроген гормони таъсирида қисқаришига тайёрланади. Унинг нерв системасининг кўзғалиш медиаторлари — ацетилхолин ва серотонинг нисбатан сезгирилги ошади. Ҳомиладорлик охирида серотонин тобора кўп йигилиб боради.

Серотонин кальцийнинг ҳужайраларга ўтишига, кальций билан АТФ нинг қисқартирувчи оксил моддасига таъсири этишига ва бачадон мускулларининг қисқаришига ёрдам беради.

Кальций нерв импульсларини марказий нерв системасига ўтказади. Эстрогенлар ва серотонин бу жараёнларда синергистлар ҳисобланади. Кальций ва магний АТФ ли актомиозинга ва сувда эрийдиган АТФ митохондрийга активатор сифатида таъсири киласди.

Кальций иони серотонин билан бирга ҳужайралар мембраннынинг бирқатор электролитларини ўтказиши хусусиятини оширади, натижада қисқариши механизмининг бир қисми бўлиб қолади.

Электролитлар гумо рал омиллар - ацетилхолин, окситоцин ва гистаминларнинг силлиқ мускулга таъсири учун зарур. Ҳужайралардаги электробиологик текширишлар натижасида бирмунча янги омиллар топилди, улар асосида бачадон мускул тўқимасининг бирданига кўзғалишида жинсий гормонларнинг вазифасига доир назариялар ишлаб чиқилди. Ҳужайралар мембраннынга натрийга нисбатан калий осон ўтади, натижада

натрий иони кўпинча мембрана сатҳида қолади. Ҳомиладорликда кискармаётган мускул ҳужайраларда калий билан натрий нисбати 2:9 га тенглиги аникланган. Калий билан натрийнинг бундай мувозанати мускул ҳужайраларининг кискаришини кўзгалишга кодир эмас. Бунинг учун ҳужайралар оралиғидаги калий камайиши керак. Ҳужайралар мембраннынг ҳар хил бўлиши мембраналар потенциали деб аталади.

Мускул ҳужайраларининг кискаришга тайёрлиги тинчлик потенциалининг камайиши (хужайраларда потенциал деярли камаяди) билан боғлиkdir. Бунда ҳужайра мембраналарига натрий ионининг ўтиши ортади (500 марта) ва камроғи эса ҳужайралардан чиқади, бунинг натижасида вужудга келган электрик оқим АТФ энергиясини бўшатиб мускул толалари бўйича тарқалади, актимиозиннинг кўп кисми кискаришга сарфланади, бир кисми эса мембрана ҳужайралари зарядларининг тикланишига кетади. Мембраналар потенциали мускуллар бўшашуви билан тикланади.



10.2.-расм. Бачадон кискариш белгилари.

Ҳар томонлама текширишлар шуни кўрсатдик, бачадон мускулларининг кискаришида эстроген ва прогестеронларнинг роли катта. Ҳусусан бачадоннинг йўлдошга ёпишган девори бошқа кисмларига нисбатан анча юқори мембрана потенциалига эга. Сўнгги текширишлар шуни кўрсатдик, агар ҳомиладорликда прогестерондан укол қилинса, бачадоннинг йўлдош ёпишмаган сатҳида ҳам кудди ёпишган жойидаги каби мембрана потенциали ошади. Эстроген гормонлари таъсирида мускул ҳужайралари бирданига кискаради ва фармакологик сезигирилиги ошади. Мускул ҳужайраларида электр зарядларнинг айрим тартибда тарқалиши натижасида «кўзғалиш» тўлкини бачадон мускулларининг ҳаммасига тез тарқалади (10.2.-расм).

Электрофизиологик текширишлардан аникланишича, бачадон мускулларининг нормада кўзғалиши бачадон туви ёки унинг бурчакларидан, ҳусусан ўнг бурчагидан бошланиб, тезда унинг ҳамма кисмига тарқалади. Бачадон кўзғалиши бошланадиган жойи «қискариш ритмини бошқарувчи» деб аталади (10.3.-расм).


Баъзи муаллифлар кўзғалиш бачадоннинг пастки сегментидан бошланиб, юкорига тарқалади, деган назарияни олдинга сурадилар. Аммо кўзғалиш бачадоннинг бир неча қисмларидан бошланса, патологик ҳолат ҳисобланади, бу бачадон мускуларининг нотўри қискаришига олиб келади. Бунда бачадон сегмент-сегмент бўлиб қискаради, туриш жараёни оғирлашади. Ҳомиладорлик бошланиши билан, айниқса унинг охирги ҳафтасида марказий нерв системаси (мия пўстлоги, бош мия) нинг функционал жиҳатдан қайта курилиши рўй беради, бачадон мускуларида эса биоэнергетик жаённи оширувчи моддалар ийғилади.

Туғрук кечиши 3 жараёнга боғлиқ: 1-туғрук йўллари; 2-туғрук ҳайдовчи кучлар; 3- ҳомила ва унинг йўлдоши.

Туғрук йўли чаноқ суяги ва юмшоқ туғиши йўлларидан иборат бўлади. Маълумки, кичик чаноқ суяги бўшлигининг ҳар бир қисми ўзининг шакли ва ўлчовлари билан бир-биридан фарқ қиласиди. Кичик чаноқ кириш қисми овал шаклда бўлиб, кўндаланг ўлчовли диаметри билан бошқа ўлчовлардан фарқ қиласиди. Кичик чаноқ бўшлиғи деярли думалок шаклда бўлиб, у кенг ва тор бўлимдан иборат.

Кичик чаноқнинг чиқиши қисми мускул ва фасциядаи шаклланган диафрагма билан берк, пастга эмас, олдинга очилган бўлади. Ҳомиладорлик охирида думғаза ва дум бўғимининг кўзғалувчанлиги ошади. Ҳомила боши чаноқ тубига тушиб туғилиши жараёнида дум суяги букилиши натижасида чаноқ чиқиши қисмининг ўлчовига 1,5-2 см кўшиласиди. Кичик чаноқ йўли то чаноқ чиқиши суягининг орқага букилганига кўра кийшиқ, яъни гўё тизза бўғимининг букилган ҳолатига ўхшайди. Чаноқнинг ўки пастки қисмидаги тўмтоз бурчак ҳосил қиласиди, олдинга айланниб, айланма илмоқ (балиқ туладиган қармок) шаклида бўлади.

Кичик чаноқ бўшлиғи фронтал кўринишда воронка шаклида бўлади. Туғиш жараёнида чаноқ оғиш бурчагининг ҳам аҳамияти катта. Чаноқ суякларини бирлаштирадиган бўғимлар ҳомиладорликда ва туғиш жараёнида кўзғалувчан бўлиб қолади. Бунга сабаб бўғимдаги тогайлар шишиб, юмшайди. Чаноқ бўғимларини, хусусан ковук ва думғаза ёнбош суяклари



10.3.-расм. Учлик градиенти (схемаси).

бўйимларининг бундай қўзғалувчанлиги туғиши жараёнида амалий аҳамиятта эга бўлиб, ҳомиланинг олдинга келувчи қисмининг чаноқ канали бўйлаб сурилишига ва тургукнинг қулай ўтишига имкон беради.

Тургук йўлларининг ҳолати. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, бачадон уч бўлим: юқори энг катта қисми — бачадон танаси; ўртадаги унча катта бўлмаган қисм — бўйин олди қисми ёки истмус, бачадоннинг куйи қисми — бачадон бўйнидан иборат. Бачадон бўйнида бўйин канали жойлашган. Пастдан бўйиннинг бир қисми кинга кириб туради ва кинга бирикади. Ҳомиладорликнинг биринчи ойларида ҳомила тухуми факат бачадон танасига жойлашган бўлади. Учинчи ойида тез ўсаётган ҳомила тухуми бачадон танасига сифмай қолади, аста-секин унинг бўйин олди қисмини ҳам эгаллай бошлайди, натижада бу қисм кенгайиб, пастки сегмент помини олади.

Бачадоннинг бўйин олди қисми бачадон танасининг анатомик ва функционал тузилишига ўхшаб кетади. Тургук дарди бошланиши билан бачадоннинг пастки қисми кенгайиб, юпқалаша боради ва корин девори пардасининг бачадон танасига қаттиқ ёпишиб ўтган жойигача етади. Шу соҳада бачадон бўйин каналининг ички тешиги жойлашган. Бу контракцион (ретракцион) ҳалқа деб юритилади, у бачадоннинг функционал фаол қисми билан пассив қисми оралигига жойлашган.

Бу айланма камарга ўқшаш ҳалқа бўлиб, бачадон танаси мускуллари каби фаол қискармайди. Туғиши олдидан ва туғишнинг биринчи даврида пастки сегмент 6-7 см бўлади, ҳомила ўрнининг учдан бир қисмини ташкил киласди. Туғиши жараёнида пастки сегмент тиришиб қолиши (спазми), кенгайиши ёки ҳаддан ташқари кенгайиб кетиши мумкин. Агар кўп кенгайиб кетса, бачадон йиртилиш хавфи туғилади.

Пастки сегментдаги мускуллар толаси деярли кўндаланг жойлашган. Шунга кўра авваллари ҳам, ҳозир ҳам операцияда бачадоннинг пастки сегментини кўндаланг қирқиши афзал дейилади. Бунда мускул толалари кам зарарланади ва операция жароҳатининг битиши осон бўлади.

Бачадон бўйни тургук жараёнига анча илгари тайёрлана бошлайди, бунда кон томирлар кўпайиб, ковак шаклини олади. У ҳомиланинг чиқиши йўлини вактинча бекитиб туради, унинг канали шилликли тикин билан берк бўлади. Тургук дарди бошланиши билан шилликли тикин (Крестеллер тикини) тушиб кетади, бачадон бўйни очила бошлайди (очилиши механизмини юқорида айтиб ўтган эдик). Ниҳоят тўла очилиб (10-12 см) пастки сегмент таркибига киради ва умумий тургук йўлига қўшилади.

Баъзи ҳолларда бачадон бўйни тўла очилишига қарамай, у йиртилиши мумкин, одатда ёнидан озгина йиртилайди. Шунга кўра, туккан аёлларда бачадон бўйиннинг ташки тешиги узунчоқ тешикка ўхшайди. Қин туғиши жараёнида сўнгги имкониятга қадар кенгаяди.

Чаноқ тубидаги мускуллар тургуккача черепицага ўхшаб ётади, яъни четлари билан бир-бирини ёпиб туради. Туғиши жараёнида бир текис бўлиб қолади. Чаноқ тубининг З қават мускуллари кенгайиб, узунчоқ найдчани, қин ва ташки жинсий аъзолар ҳам кенгайиб чўзилиб, кўшимча туғиши йў-

лини ташкил қилади. Ташқи жинсий тешик кенгаяди ва баъзан йиртилиши ҳам мумкин.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, бачадон қисқарувчи аъзо бўлиб, баъзан бўйида бўлган даврда ҳам бир оз қисқариб турса-да, ҳомиладорликка путур етмайди. Тўлғоқ вакти-вақти билан такрорланадиган бачадон танаси мускулларининг беихтиёр қисқаришидир. Тўлғоқда тургук йўлининг ҳам деворлари қисқаради.

Кучаниқ бачадон мускуллари ва қорин девори мускулларининг қисқариши билан ўтади. Қорин деворида кўндаланг мускуллар борлигига кўра, кучаниқ қисман аёлнинг хоҳишига итоат этган ҳолда келади. Шунга кўра, аёл қаттиқроқ ёки секинроқ кучаниши мумкин. Кучаниқ тургукнинг 2- ва 3-даврларида кузатилиди.

Я.Ф. Вербов, Э.Бумм ва бошқаларнинг фикрига кўра, туғиши дарди перистальтик хусусиятда бўлиб, тургук йўлининг чиқиш томонига йўналади. Бачадонда бу перистальтик қисқариш жуда тез, бутун бачадон бўйлаб тарқалади. Тургукнинг 1-даври тугашида бачадон ханжарсимон ўсиқдан 3-4 бармок энида пастда бўлади. Бачадон бўйнининг очилиш жараёнида бачадон кичиклаша боради, аммо энига ва орқа-олдинга кенгаяди. Бу холат кўндаланг жойлашган бачадон мускулларининг фаолиятига боғлиқ, бу туғишининг биринчи даврида рўй беради.


Тургук биринчи даврининг охирида бачадон мускуллари қисқариши, тананинг, хусусан қорин деворининг кўндаланг мускуллари қисқара бошлиши натижасида дард анча сезиларли бўлади. Кейинрок бачадон шакли ўзгаради, узунлашиб, тораяди, туви анча кўтарилади.

Иккинчи даврнинг бошланишида бачадон туви ханжарсимон ўсиқдан бир бармок пастда туради. Ҳомила боши чаноқ тубига тушганда бачадон туви пастга туша бошлайди, эни камаяди (20-18 см), бачадоннинг айланма мускуллари ҳам қисқара боради. Тургукнинг биринчи даврида бачадоннинг кўндаланг мускуллари қисқарганда унинг думалок бойлами ва чаноқ пардаси таянч вазифасини ўтайди.

Тўлғоқда қорин девори иштирок этмайди. Тургукнинг иккинчи даврида бачадон олдинга бир оз эгилади, қорин девори пардасини чўзади, натижада қорин девори мускуллари қисқара бошлайди ва бачадонни босади. Унинг букилган ҳолатини текислаб, бачадон туви билан қорин деворига ва юкорида ётган аъзоларга тираглиб, ҳомилани пастга суро башлайди. Бачадопнинг кўндаланг мускуллари билан кийшик мускулларининг галмагал қисқаришини Вербов «бачадоннинг перистальтик харакати қонуни», деб тушунтиради. Бу назария тургук жараёни кечишини таъминламайди, чунки бачадон мускулларининг галма-гал қисқариши, Вербов айтишича, туғиши даврларига боғлиқ. Туғишининг ҳамма даврида ҳам кўндаланг мускулларнинг ўрни катта.

Н.С.Бакшевнинг кўрсатишича, ҳар иккала мускул биргаликда қисқарип, ҳомиланинг тургук йўлида сурилишига имкон беради. Бачадон мус-


кулларида туғиша 2 хил жарайн мавжуд: биринчи кисқариш (контракция) ва бачадон мускул топаларининг бир-бiriга нисбатан бошқача жойлашиши (ретракция). Бу хилдаги мускулларнинг физиологик ҳолати бачадон тубининг қалинлашишига ва аста-секин тубида пастроқдаги бачадон бўйни томондаги кисмларнинг юпқалаша боришига сабаб бўлади (дистракция) (10.4.-расм).



10.4.-расм. Бачадон мушакларининг жойлашиши

Мускуларининг кисқариш даражаси уларнинг қанчалик таранглашганига боғлиқ. Бачадон мускуллари тинчликда ҳам маълум даражада таранглшиб туради. Түрүкда мускуллар таранглостишида бачадоннинг кисқариш кучи маълум нисбатда бўлиши керак. Агар мускуллар жуда кучли ёки жуда суст таранглашса, уларнинг кисқариш амплитудаси максимал ҳолатда бўла олмайди. Тарангланиш ҳолати бачадон мускулларининг динамик ҳолати бўлиб, түрғук даврларига қараб турлича бўлади. Агар таранглостиш ўртacha бўлса, унда мускуллар кучли кисқаради. Ҳозирги кунда түрғукхоналарда мураккаб электрон аппаратлар ёрдамида бачадон мускуллари турли кисмларида сарыш хусусияти аникланади (10.5.-расм). Одатда шифокорлар корин деворига кўлни қўйиб секундомер ёрдамида бачадоннинг таранглашганига қараб кисқариш хусусиятини аниклайдилар.

94



10.5.-расм. Нормал дарднинг тонограммаси.

Бачадон бўйни бачадон мускулларининг ритмик кисқаришида катнашадими? Йўқ, катнашмайди. Бўйин мускуллари түрүкда ўзининг беркитиш хусусиятини йўкотади, улар бачадон танаси мускуллари кисқариши билан чўзида боради. Клиник кузатишлар натижасида бачадон бўйни мускуллари түрүкда ритмик равишда кисқармай, факат йўлни бекитувчи вазифасини ўйнаб, чўзилиши, кенгайиши аникланган. Бачадон

10.4. ТУГРУҚНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ

Тұгруқ физиологик жараён бўлишига қарамай уни стационар шароитида шифокор ва акушерка иштирокида олиб бориш керак. Чунки тұгруқнинг айрим давларидан ҳомилада ёки аёлда бирор патологик ҳолат вужудга келиши мумкин.

Одатда тұгруқ жараёни бирданига бошланади. Агар аёл сезгир бўлса, ўзи ҳам буни аниқлаши мумкин. Баъзи аёллар тұгруқдан бир ҳафта илгари бачадон қисқаришини сезадилар. Аммо бу тұгруқнинг «хабар берувчи» белгилари бўлиши мумкин, холос. Бу ҳолат барча аёлларда бўлавермайди. Бачадон бундай қисқарганда унинг бўшлиғидаги босим ошмайди, ҳомила пуфаги таранглашмайди ва бачадон бўйининг очилишига таъсир кўрсатмайди (10.6-расм).

Тұгруқ дарди одатда, корин пастида ва бел соҳасида тутиб-тутиб тұрувчи оғриқ билан бошланади, бу аста-секин зўрайди, анча тезлашиб, узокрок давом эта боради. Кўп аёллар туғищдан бир оз олдинрок ҳомила ҳаракати сустлашгани ва жинсий аъзодан сероз шилликли суюклик ажralаётганидан шикоят қиласидар (бу бачадон бўйнидаги шилликли Кристеллер тикинидир). Баъзи аёллар қов ва тўғри ичакда босим сезадилар, тез-тез сийгилари қистайди. Аёлнинг рухияти ўзгариб, жаҳлдор, салга таъсиранадиган бўлиб қолади ёки, аксинча, уйқу босиб, бўшашибади. Қайд қилиб ўтилган ҳодисаларнинг бирортаси ҳам дард бошланди, дейишига асос бўлолмайди. Факат дарднинг ҳар 15-20 минутда тутиб, 20-25-30-40 секунд ёки ундан узокрок давом этиши тұгруқнинг бошланишидан далолат беради. Тўлғоқ бошланган аёл корининг ташки кўринишини кузатган шифокор тұгруқ дарди бошланганини аниқлаши мумкин. Тўлғоқда бачадон бирмунча юкорига кўтарилиб, унинг шакли аник кўринади, қўл кафтини корин деворига қўйиб, бачадоннинг таранглашгани ва бўшашибанидан дарднинг такрорланишини аниқлаш мумкин.

Тұгруқ диагностикаси ва белгилари

- Аёлда тұгруқ жараёни бошланғанлигини тахмин қилинг ва кутинг.
- 22 ҳафтадан кейин коринда жойини ўзгартыриб турадиган оғриқ пайдо бўлиши.
- Қиндан шилимшиқ ва кон аралаш ажралмалар келиши ва оғриқ бўлиши.
- Қиндан сувли ажралмалар ёки кутилмаган ҳолда қофанок суви кетиб колиши.
- Тұгруқнинг бошланғанлиги белгилари:
 - Бачадон бўйининг шакли ўзгариши — калталашishi ва юпқалашishi (текисланиши).
 - Бачадон бўйининг очилиши — бачадон канали диаметрининг кенгайиши сантиметрларда ўлчанади (10.7-расм).



10.7.-расм. Бачадон бўйни шаклининг ўзгариши ва очилиши.


A — Бачадон бўйни шакли сақланган. Цервикал каналнинг узулиги 4 см;
B — Бачадон бўйни кисман текисланган. Цервикал каналнинг узуунлиги 2 см; **C** — Бачадон бўйни охиригача

Туғруқ даврлари ва фазаларининг диагностикаси жадвал (10.1.) ва расмда (10.8.) кўрсатилган.

10.1. —жадвал

Туғруқ даврлари ва фазалари

Симптомлари ва белгилари	Давр	Фаза
Бўйни очитилгани	Ёлони туғруқ	Туғруқ фазолиятишиниң ишқини
Бўйни 4 смдан кам очитган	Биринчи	Латент
Бўйни 1 солтга 1-2 см га очитган	Биринчи	Фазол
Бўйни 4- 9 см тacha очитган		
Бўйнининг охиригача очитини (10 см)	Иккичи	
Ҳомиста бопининг тупи бошланни	Иккичи	



10.8.-расм. Биринчи туғувчи аёлларда бачадон бўйни очилиш чизмаси.


Хомила бошининг тушиши.

Қориннинг пальпацияси (10.9.-расм).

- Қоринни пальпация килган холда бармоқлар сони билан ўлчаб, ҳомила бошининг симфиздан қанчалик юқори турғанлигини аниклаш мумкин.

- Агар бош симфиздан бутунлай тепада турса, 5 та бармоқ билан пальпация қилинади (5/5)

- Агар бош симфиздан пастда жойлашса, 0 та бармоқлар билан пальпация қилинади (0/5).



10.9.-расм. Боланинг боши тушаётгандан коринни пальпация қилиш:

А - бош симфиздан 5/5 тепада, кўзгалувчан; В - бош 5 та бармоқчалик пай-пастланяпти; С - бош 2/5 вазиятда ков қирғодидан тепада; Д - бошининг бир кисми симфиздан юкорида турибди.

Кин орқали текшириши.

- Зарурат бўлганда, ҳомиланинг тушишини баҳолаш учун ҳомила олдинда келувчи қисмининг чанок қўймич ўсиқларига нисбатан жойлашиши-ни аниклаш учун қин орқали текширилади (10.10.-расм).


* 0 вазият қўймич ўсиқлари сатҳига тўғри келади.

Ҳомиланинг жойлашиши ва олдинда келувчи қисми.

Олдинда келувчи қисмини аниклаш.


Энг кўп учрайдиган олдинда келувчи қисми бу бошининг энса қисмидир (10.11.-расм). Агар тепаси олд қисми бўлиб келмаса, унда бу ҳолат ҳомила олдинда келувчи қисмининг нотўғри жойлашганлигини билдиради.

Агар бош тепаси олдинда келса, бош чаноғидаги мўлжаллардан ҳомила бошининг вазияти (позиция ва турини) аёлнинг чаноқ суюигига нисбатан жойлашишини аниклашда фойдаланиш мумкин.



10.10.-расм. Ҳомиланинг боши тушишини бимануал кўрикда баҳолаш

тушишини бимануал кўрикда баҳолаш



10.11.-расм. Ҳомила бош сүягидаги мүлжаллар

- 1—Кичик лиқилдок
- 2—Энса сүяги.
- 3—Сагиттал чок.
- 4—Тепа қисем сүяги.
- 5—Катта лиқилдок.
- 6—Пептона сүяги.

Ҳомила бошининг холатини аниклаш

Ҳомила боши нормада чаноқ бўшлирига энсанинг олдинда ётиб кўндалант турда келади, бунда энса чаноқка кўндаланг жойлашади (10.12.-расм).



10.12.-расм. Энсанинг олдинда келишининг кўндаланг тури.

• Ҳомила боши чаноқ бўшлирида тушиби давомида айланниб, энсаси она чаногининг олд томонига қараган бўлади (энса билан олдинда келишининг олд тури) (10.13.-расм).



10.13.-расм. Лиқилдоқ ва чокларга қараб энса билан келиш холатини кин оркали аниклаш. 1 - чап олдинги ҳолати; 2 - ўнг олдинги ҳолати; 3 - чап орка ҳолати; 4 - ўнг орка ҳолати; 5 - чап кўндаланг ҳолати; 6 - ўнг кўндаланг ҳолати.

Агар энсаси билан оркага бурилса (энса билан келишининг орка тури) бўлади.

- «яхши букилган бош» нормал олдинда келишининг қўшимча кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди, бунда кинда бошнинг энса кисми тепа кисмидан пастда жойлашади (10.14.-расм).

Туғрукнинг жадаллигини баҳолаш

Туғрук диагнози қўйилгандан кейин унинг ривожланиши кўйидаги-лар билан баҳоланади: латент фаза давомида бўйиннинг текисланиши ва



10.14.-расм. «Яхши букилган бош»

лозим. Партоғрамманинг намунаси 3 - расмда күрсатилған. Агар партоғраммандык бүлмаса, бүйин очилишининг оддий графигини чизинг. Буни вертикаль ва горизонтал чизикда белгиланади.

Кин орқали текшириш.

Тұғрукнинг 1-даврида ва қоғанок сувлари ёрілгандан сүнг ҳар 4 соат да 1 марта қинни текшириш мүмкін. Партоғраммага керакли нарсаларни белгилаб олининг.

- Ҳар бир қин орқали текширувга қуйидагиларни белгиланғ:
- 0 амниотик суюкликтарнинг рангти,
- 0 бачадон бүйинининг очилиш даражаси,
- 0 бош тушишининг даражаси (коринни пальпация қилиб бағоласа ҳам бүләди).

• Агар бириңчи күрикда бачадон бүйни очилмаган бўлса, тұғрук диагнозини кўйиш имкони йўқ.

• Агар дард бўлса, 4 соатдан кейин аёлни қайтадан бачадон бүйнидаги ўзгаришни кўриш учун қинни текшириб кўринг. Агар бу боскичда бүйиннинг текисланиши ва очилиши бўлса, бу тұғрук даври бошланғанлигини, агар бўлмаса ёлғон дард деб бағоланади.

• Тұғрукнинг 2 -даврида ҳар соатда қинни текширинг.

Тұғрук жараёни асосан 3 даврдан иборат: 1-бачадон бүйинининг очилиш даври; 2-хомиланинг ҳайдалиш даври; 3-йўлдош даври;

Тұғрукнинг бириңчи даври.

Бу жараён бириңчи ва қайта тұрғычиларда турлича бўлади (10.15.-расм). Тұғрук бошланишида бачадон бўйни жуда юмшаб, ҳолатини ўзгартиради. Одатда бачадон бўйни ташки тешиги ҳали тұғрукқа тайёр бўлмаса, у қиннинг орка гумбазига қараган бўлади, түгиш жараёнига тайёрланиш жараёнида у аста-секин чаноқ ўқига тұғри келиб қолади. Шу белгиларга асосланган ҳолда биз бачадонни тұғрукқа тайёр деб фикр юритамиз.

Кўп ва қайта түқкан аёлларнинг бачадон бўйни каналига битта бармоқни осонгина киритса бўлади, аммо ички тешиги берк бўлади. Бача-


очилишидаги ўзгаришлар белгиланади; фаол фазада бола бошининг тушиши ва бўйиннинг очилиш даражаси ўлчанади.

- тұғрукнинг 2 - даври давомида бола бошининг тушиши бағоланади;


Фақат фаол фазада келган аёлларга тұғрукнинг ривожланишини партограммада кўрсатиш

дон бўйни мускуллари ўзининг беркитиб туриш фаолиятини йўқотганига кўра у осон очилиши мумкин.

Бачадон бўйни аста-секин очилиб, олдинда ётган қисми пастга суралади. Натижада у калталашиб, нихоят бутунлай ўз шаклини йўқотади. Бу бачадон бўйнининг текисланниш жараёни деб аталади. Бачадон бўйни текислангандан кейин унинг ташки тешигига одатда 1-1,5 бармокни киритиш мумкин. Бўйин четлари юпқалашиб, чўзилувчан бўлиб қолади. Биринчи тукувчиларда бачадон бўйнининг очилиши бўйин каналининг ички тешигидан бошланади. Кайта тукувчиларда бачадон бўйнининг хдр иккала тешиги бир пайтда очилади очилиши даврида у калталаша боради (10.16.-расм. А, Б).



10.15.-расм. Биринчи тукувчи аёлларда бачадон бўйни текисланниши ва очилиши.




10.16.-расм. А-қайта туғаётган аёлда бачадон бўйнининг очилиши даври. 1 - бачадон бўйнининг ички бўғзи; 2 - бачадон бўйнининг ташки бўғзи; бачадон бўғзи бир бармок энида очилган. Б - қайта туғаётган аёлда бачадон бўйнининг юкори ярми текисланган айни пайтда ташки тешиги (бўғзи) очила боради. 1 - ички тешиги (бўғзи); 2 - ташки тешиги (бўғзи). Ички ва ташки бўғизлар бараварига очилади.

Очилган бачадон бўйни орқали қоғаноқ аникланади, у дард тутганда таранглашади. Бачадон бўйнининг очилиш даражаси сантиметр билан ўлчаб, белгиланади. Агар бачадон бўйни 10 см бўлса, бу унинг тўла очилганидан далолат беради (10.17.-расм, А, Б).

Бачадон бўйни очила бошлиши билан қоғаноқ осон аникланади. Ҳар бир тўлғоқда бачадон ичидаги босим оша боради, шунга кўра ҳомила пуфаги

ҳам шу бачадон бўшлиғи шаклини олади. Ҳомила тухумининг ўз шаклини бундай ўзгартиришига қоғаноқ суви сабаб бўлади. Дард тутганда бачадон ичидаги босим ошади ва қоғаноқ бачадоннинг ички бўйин қисмига суралади. Одатда шу пастки қисмда ҳомиланинг бирор йирикрок қисми жойлашган бўлади. Ҳар дард тутишида ҳомиладорликнинг сўнгги муддатларида кенгая бошлаган бачадоннинг пастки қисми янада кенгаяди. Бачадон ичидаги босим ошган сари қоғаноқ суви бачадон бўйинининг ички тешигига йўналади. Қоғаноқ бўйин каналига - сукила боради.

Бачадон ичидаги босим оша борган сари бачадон бўйни каналининг юқори қисми ҳам воронкага ўхшаб, аста-секин кенгаяди. Бачадон ичизда босим бўлгани туфайли қоғонок шу воронкага ўхшаб кенгайтан қисмiga сукилади ва бачадон бўйни канали девори ичига жойлашган нерв толаларини таъсиirlab, тўлғоқнинг янада зўрайишига сабаб бўлади.



10.17.-расм. А – қайта туғаётган аёlda бачадон бўйни текисланган, ташки тешиги тўла очик. Бачадон бўйни каналининг лаблари ҳалқа кўринишида. Б - бачадон бўйни тўла очик, ҳомила боши кичик чаноқ кириш қисмida. 1 - тақалиш камари; 2 - олдинги қоғноқ суви; 3 - орка қоғаноқ суви.

тиқча аралаша олмайди. Бунда ҳомила болини чаноқнинг кириш қисмiga ва бачадон бўйнига ҳамма томондан тегиб турган жойида тақалиш камари ҳосил бўлади. Шу камар туфайли қоғаноқ суви иккига- олдинги ва орқадаги сувга ажралади. Ҳомиланинг олдинда келувчи қисмидан олдинда бўлган сувни - қоғаноқ сувининг олдинги қисми дейилади, ҳомиланинг олдинда келувчи қисмидан юқорига жойлашган сувни эса орка суви дейипади. Агар ҳомиланинг олдинда келувчи қисми чаноқдан юкори турган бўлса, бундай ҳолларда ҳомила олди суви юкорида айтилган икки қисмiga бўлинмайди. Шунга кўра қоғаноқ ёрилганда олдинги ва орка сув бутунлай кетиб қолиши мумкин. Баъзан дард бошланмасдан туриб, ҳомила пуфаги ёрилиши мумкин, бунга қоғаноқ сувининг вактидан илгари кетиши дейилади.

Айрим вактларда ҳомила пуфаги бачадон бўйни тўла очилмай туриб

Тўлғоқ кучая бориши натижасида таранглашган ҳомила пуфаги борган сари бачадон бўйни каналига сукилиб киради ва унинг очилишини тезлатади.(10.18.-расм).

Тўлғоқ зўрайиши билан қоғаноқ бачадон бўйни каналига сукила боради, унинг кетидан ҳомила боши борган сари пастга сурилиб, маълум вақтга етганда у бачадон бўйни ва чаноқнинг кириш қисмiga шундай сукилиб қоладики, навбатдаги тўлғоқ тутишда ҳомиланинг орқасидаги сув олдиндаги сувга ор-

ёрилиши мүмкін, бунга қоғанок сувининг олдин кетиши дейилади. Күпинча ҳомила пуфаги бачадон бўйни 4-5 бармоқ кенглигида очилгандан кейин ёрилади. Баъзан ҳомила пуфаги бачадон бўйни тўла очилгандан кейин ҳам ёрилмаслиги мүмкін, бунга ҳомила пуфагининг кечикиб ёрилиши дейилади. Бу ҳол ҳомила пуфагининг қалинлитини кўрсатади Агар ҳомила пуфаги ўз вактида ёрилмаса, ҳомилада асфиксия (бўғилиб колип) рўй бериши мүмкін. Шунинг учун пуфакнинг ёрилишини кутиб ўтирумай, агар бачадон бўйни тўла очилган бўлса, қоғанок пардасини кўл ёки асбоб ёрдамида ёриб юбориш лозим.

Биринчи ва қайта туғувчи аёлларнинг бачадон бўйни турлича очилади. Шунга кўра уларнинг тувиши ҳам турлича давом этади. Биринчи марта туғувчиларда аввало бачадон бўйнининг ички тешиги, сўнгра каналнинг хаммаси ва нихоят ташки тешиги очилади, деб айтиб ўтган эдик. Ички тешик билан бўйин канали очилиши натижасида бачадон бўйни борган сари калталашади. Бачадон бўйни қискариши натижасида унинг кинга кириб турувчи қисми аста-секин кичрайиб йўколади, бу ҳолат бачадон бўйнининг текисланиси деб аталади. Бармоқ ёрдамида кин орқали текширилганда бачадон бўйни ўрнида кўлга баъзан юпқа айланма пластинка илинади. Такрор туғувчи аёлларнинг бачадон бўйни бошқача бўлади ва бошқача очилади. Бачадон бўйнининг ички тешиги, бўйин канали ва ташки тешиги бир вактда очилади, деб айтиб ўтган эдик. Бунда бачадон бўйни бир вактнинг ўзида калталашади ва текисланади. Такрор туғувчиларда бачадон бўйни биринчи туғувчиларга қарагандан тезроқ очилади. Туғрукнинг биринчи даври биринчи туғувчиларда 12-16 соат, қайта туғувчиларда эса 6-9 соат давом этади.

10.4.1. ҲОМИЛА БОШИННИНГ ОРҚА КЎРИНИШДА ЭНСА ҚИСМИ

БИЛАН КЕЛИШИ

Туғишининг биринчи давридаги ҳомила бошининг букилиб келиши обкаш конуни бўйича белгиланади. Бачадон туби мускуллари қискариши натижасида вужудга келган босим ҳомила орқа умурткаси бўйлаб бориб, боини кичик чанок томон томон йўналтиради. Орқа умуртқа бошнинг ўртасига жойлашмаганилигига кўра обкашнинг бандлари ҳар хил узуунликда бўлали. Обкаш елкасининг қисқа томони энса, узун томони пешона-юз қисми бўлиб қолади. Бачадон мускуллари қискариб, орқа умурткани босганда обкашнинг узун елкаси юқорига кўтарилади, ҳомила боши букилади, қисқа елкаси пастга тортгани учун бошнинг энса қисми пастга тушади (10.19.-расм).

Ҳомила боши эгилишининг сабабларини баъзи муаллифлар бошқача



10.18.-расм. Туғрукнинг 1 даврида бачадон ичидаги босим тасьири


түшунтирадилар: хомила бошининг букилиши натижасида бош думалок бўлиб, чаноқ ичининг думалоқ шаклига мослашиб қолади. Бошнинг букилиши овал (эллипсизон) шаклдан думалоқ шаклга ўтишига имкон беради. Хомила бошининг ўлчовлари қанчалик катта, чаноқ ўлчовлари қанчалик кичик бўлса, хомила боши шунчалик кўпроқ букилади (масалан, ҳамма ўлчовлари баравар тор бўлган чаноқда).

Тугишнинг иккинчи даври механизми хомила бошининг кичик чаноқ ичидаги айланнишини ифодалашда жуда аҳамиятлидир. Бу назариялардан энг оддийси «мослашиб» назариясидир. Хомила боши кичик шида тўғри ўлчовга мослашади). Хомила каттароқ қисмининг турилиши кийинроқ бўлади. Бу қисм хомила бошидир, у тувиш йўлидан маълум омиллар воситасида сурлади, бу ҳолат тувиш биомеханизми деб юритилади (10.20.-расм).

10.19.-расм. Хомила олдин чаноқ ичидаги чаноқ ўлчовларига мувофик келувчи қисмининг жойлаши-равишида айнан мослашади (чаноқка кириш қисми кўндаланг, ичидаги — кийшиқ, чикишида тўғри ўлчовга мослашади). Хомила

каттароқ қисмининг турилиши кийинроқ бўлади. Бу қисм хомила бошидир, у тувиш йўлидан маълум омиллар воситасида сурлади, бу ҳолат тувиш биомеханизми деб юритилади (10.20.-расм).

Агар хомиладорлик нормал кечётган, хомила яхши ривожланаётган бўлса, тувиш олдидан кўл, оёклар ҳам нормал жойлашади. Хомила вертикал ҳолатда, боши билан чаноқка кириш соҳасида энса соҳалари билан ётади (10.21.-расм).



10.20.-расм. Энса билан келиш ҳолати турлари: 1- чап орка ҳолати; 2- чап кўндаланг ҳолати; 3- чап олдинги ҳолати; 4 - ўнг орка ҳолати; 5 - ўнг кўндаланг ҳолати; 6 - ўнг олдинги ҳолати.

Биринчи марта хомиладор бўлган аёлларда хомиланинг боши тувишдан 2-3 ҳафта олдин чаноқ кириш қисмидаги сукилган бўлади. Илгари туккан аёлларда эса хомила боши факат тувиш жараённада (тувишнинг биринчи даврида) кичик чаноқ кириш қисмидаги сукила бошлайди. Шунунайтиб ўтиш керакки, хомила боши чаноқка кириш қисмидаги қайта тукувчиларда биринчи марта тугаётган аёлларга нисбатан олдинга камроқ эгилади.

Ҳар иккала ҳолларда ҳам хомила бошининг овал шакли кичик чаноқ кириш қисмининг шаклига мослашган бўлади.


Кичик чанокқа кириш сатғи үлчовлари: түғри үлчов - 11 см, катта үлчов - 12 см, күндаланг үлчов - 13 см бўлади. Шунга кўра, ҳомила боши энсаси билан келганда унинг ўқ-ёйсимон чоки кичик чаноқ кириш қисмидаги күндаланг, кўпинча унинг кийшик үлчовига жойлашган бўлади. Кўпинча ҳомила боши кичик чаноқ кириш қисмидаги дастлаб букилмайди, ўқ-ёйсимон чок бир ўринда

promontorium билан симфиз оралиғида чаноқ ўқига мослапиган бўлади. Ҳомила боши тургук йўллари бўйича сурила борар экан, туғиш механизми 4 моментга бўлинади.

Биринчи момент. Ҳомила боши ўзининг күндаланг ўқида айланади, бунда умуртқанинг бўйин қисми елкалари бир хил узунликда бўлмаган обкапи каби ечилади ва ҳомила боши энгагига, кўкрак қафасига яқинлашади, натижада бошининг кичик ликилдоги пастга — чаноқ ўқи йўналишига жойлашади. Шунга кўра, бунга «йўналтирувчи нуқта» деб ном берилган. Ҳомила бошининг букилиб жойлашиши унинг туғиш йўлидан осон ўтишига имконият туғдиради (10.22.-расм, а, б).

Ҳомила боши нормал ҳолда ўзининг энг кичкина үлчови билан чаноқнинг катта үлчовига жойлашади. Дарҳакикат, бошининг түғри үлчови *circumferentio fronto occipitalis* ўрнига (бунинг айланаси 34 см) ҳомила боши букилиб келганига кўра кичик кийшик үлчови *circumferentio suboccipito-bregmatica* (айланаси 32 см) билан кичик чаноқ кириш қисмига жойлашади.

Иккинчи момент. Ҳомила боши кичик чаноқ ичига айланади (*ratio capitis interna*). Бунда ҳомила боши чаноқ ичига тушиши билан бирга ўзининг тик ўқи атрофида айланади. Бунда ҳомила боши ўқ-ёйсимон кўндаланг үлчовда бўлса, энди чаноқ ичининг кийшик үлчовида бўлиб колади,




10.21.-расм. а - бачадон қисқариши натижасида ҳомила ҳолатининг ўзгарishi; б - тургук йўли шаклининг ўзгарishi.



10.22.-расм. Туғиш механизмининг биринчи моменти: а — бошиниг букилиши; б — чаноқнинг чиқиш тешиги томонидан кўриниши: ўқ-ёйсимон чок чаноқнинг кўндаланг үлчовида.

агар чаноқ кириш қисмida қийшик ўлчовда бўлса, чаноқ ичида қийшик ўлчовдан тўғри ўлчовга яқинлаша боради, ниҳоят чаноқ тубида унинг чикиш қисмининг тўғри ўлчовига тўғри келади. Бунда ўқ-ёйсимон чок биринчи ҳолатда соат милига қарши, иккинч ҳолатда эса соат мили томон айланади. Ҳомила боши чаноқ тагига тушганда унинг кичик лиқилдови олдинда, қов суюги остида жойлашган, катта лиқилдоқ эса орқада, думраза чуқурчасига караган бўлади. Биринчи ҳолат олдинги кўринишда ҳомила бошининг ўқ-ёйсимон чоки чаноқ ичида ўнг қийшик ўлчовда бўлади, иккинчи ҳолатда олдинги кўринишда чап ўнг қийшик ўлчовда бўлади.

Биринчи ҳолат орқа кўринишда бўлса, ҳомила бошининг ўқ-ёйсимон чоки чаноқнинг чап қийшик ўлчовида бўлиб, кўп ҳолатларда ундан кўндаланг ўлчовга, кейин ўнг қийшик ўлчовга ўтади. Иккинчи ҳолат орқа кўринишда бўлса, ҳомила бошининг айланиши бунинг тескариси бўлади, яъни ўнг қийшиқдан кўндалант ўлчовга ва кейин чап қийшик ўлчовга ўтади. Ҳомила бошининг чаноқ ичида айланиши, агар ҳомила олдинги кўринишда бўлса, 45° га айланади, орқа кўринишда бўлса 135° га айланади (10.23.-расм).



10.23.-расм. Энса билан келиш олдинги кўринишидаги туғруқ кечиши: А. Бошининг суқилиши ва эгилиши. Б. Бошиниг ички айланиши. В. Бошиниг ёзилиши. Г. Бошининг ташқи айланиши. Д. Олдинги елканинг туғилиши. Е. Орқа елканинг туғилиши.

Учинчи момент. Ҳомила бошининг чаноқ ичидаги айланиши тугагач, кучли букилган бошнинг ўқ-ёйсімөн чоки чаноқ чиқиш қисмининг түрі үлчовида энса қисми билан көв сүяги томонға айланади. Ҳомила бошининг көв сүяги остидан биринчи күренишига тұғруқ йүлнинг олдингі девори көв сүяги орка девори (дүмгәзә сүяги) га нисбатан калталиғи сабаб бўлади (олдингі девори 4 см, орка девори 14 см). Бошнинг энса қисми түғилгандан кейин унинг энса чуқурчаси көв сүяигига тақалади (тақалиш нуктаси) ва кейин ҳомила боши очилади. Тақалиш нуктаси айланиш нуктаси — гипомохлион - hypomochlion ёки тақалиш нуктаси - punctum fixum деб юритилади.

Ҳомила боши қин бўйлаб сурилиб, чаноқ чиқиш қисмидаги анча очилади, очилиш даражаси 120-130° бўлади, чот остидан ҳомиланинг пешонаси, юзи ва зингак қисми түғилади. Ҳомила бошининг бундай очилишида вульвар ҳалқа таранглашиб кенгаяди, чот устидаги катта лиқилдок күрениди, нихоят боши түғилади (10.24.-расм).

Тұртингчи момент. Ҳомила боши ташқарида, елкалар ичкарида айланади. Ҳомила бошининг ташқарида айланиши елка қисмининг ичкарида айланенишига бօғлиқдир.




10.24.-расм. Түгіш механизмдерінің үчинчи моменті: ҳомила бошининг күріна бошлаши. Ҳомила болып чаноқ тубида туради. Ўқ-ёйсімөн чок чаноқнинг түрі үлчовида. а - ҳомила бошининг ёзила бошлаши; б- ҳомила боши ёзилген.

бошнинг ташқарида айланенишига имкон беради. Ҳомила бошининг ўқ-ёйсімөн чоки чаноқ чиқиш қисмининг түрі үлчовида турғанда елканың күндаланғ үлчови чаноқнинг түрі үлчовида айланыш жараённанда ҳомила боши ташқарида айланғанда юзи билан ўз ҳолатининг қарама-қарши томонига айланади (биринчи ҳолатда ҳомила боши онанинг ўнг сони томонға, иккинчи ҳолатда чап сони томонға айланади) (10.25., 10.26 - расмлар).

Ҳомила олдингі елкасининг 2/3 қисми түғилиб, көв тагига тақалгандан кейин орқадаги елка чот тагидан түғилади. Нихоят, ҳомиланың танаси түғилади, Ҳомила танаснининг түғилиши деярли осон бўлади. Түгіш даврининг ҳар бири турли муддатда давом этади. Нормал шароитда биринчи момент кискарек бўлади (ҳомила боши зинг қисқа вактда эгилади).

Ҳомила боши тұғруқ йўли бўйича сурилгандага елка қисмидаги чаноқ кириш қисмидаги кўндаланғ үлчовда, чаноқ ичидаги эса кийшик үлчовда туради (биринчи ҳолатда чап кийшик үлчовга, иккинчи ҳолатда ўнг кийшик үлчовга түрі келади). Чаноқ тубида ҳомила елкасы ичкарида айланади, чиқиш қисмининг түрі үлчовида бўлади. Олдингі елка көв ости соҳасида, орқадаги елка дум сүяги соҳасида бўлади. Елканинг айланениши



10.25.- расм. Хомила бошининг туғиши. а-туғилған ҳомила боши, юзи билан орқага айланган; б-хомила боши юз кисми билан аёлнинг сон томонига айланган.


Иккінчи момент узокрок давом этади.

Ҳомила бошининг чанок кириш кисмiga сүқилиб кириш даражаси ташки ва кин орқали текшириш билан аниқланади. Бунда ҳомила бошининг кичик чанок кириш кисмida қанча кисми пастда экани чанок ичига сүқилгани даражасига қараб билинади. Агар ҳомила боши чанок кириш кисмидан юкорида турса, бунда ҳомила боши ҳали жойлашмаганидан дарак беради. Бунда боз билан көв сүягининг күндаланғ шохи орасига ҳар иккала құл бармокларини осонгина киритиш мүмкін. Ҳомила бошини ташқаридаги құл бармоклари ёрдамида осон кимирлатиш мүмкін. Агар ҳомила боши кичик чанок кириш кисмiga сүқилиб кирганд бўлса, уни пайпаслаб кўрганда кимирлатиб бўлмайди.

Ҳомила боши сегменти нима? Ҳомила боши овоид шаклдадир. Агар бошни энг катта диаметри бўйича тахминий кесилса, бунда овойднинг ўрга сатҳи энг катта бўлади. Энг катта сатҳ бошнинг ўрта сатҳидир (10.27.-расм).

Ҳомила бошининг ўрта сатҳи, унинг айланаси шартли равища катта сегмент деб юритилади. Катта сегментдан юкорида ва ыа кичкина сегмент деб аталади.

10.26.- расм. Туғиши механизмининг турттынчи моменти.



10.27.-расм. Хомила бошининг кичик чаноқ сатҳига муносабати.

А — хомила боши кичик чаноқ кирип кисмида; б — хомила боши ўзининг кичик сегменти билан кичик чаноқ кириш кисмида; в — хомила боши ўзининг катта сегменти билан кичик чаноқ кирип кисмида; г — хомила боши кичик чаноқнинг кенг кисмида; д — хомила боши кичик чаноқнинг тор кисмида; е — хомила боши кичик чаноқнинг чиқиш сатҳига.

Ташқаридан текширилганда иккала кафт юзасини бошга тақаб ушлаганда бир-бирлари билан учрашади. Гўё катта чаноқ ташқарисида ўзининг проекциялари билан ўткир бурчак Ѹосил қилади.

Энса суяги кисман (1-2 бармок), юз кисми 2,5—3,5 бармок чаноққа кириш кисмидан ѿкори туради. Қин орқали текширилганда думғаза чукурчасининг ѿкори кисмида хомила боши жойлашгани билинади. Бошнинг бошининг чаноққа кириш кисмига ва бачадон бўйнига ҳамма томондан тегиб турган жойида тақалиш камари Ѹосил бўлади. Бу камар ков суягининг ѿкори ярмида ва биринчи думғаза суяги оралиғида вужудга келади. Ташқаридан текширилганда бошнинг энса кисми аниқланмайди, юз

Хомила боши ёзилиб келишининг турли шаклларида унинг катта сегменти турлича ҳолатда бўлади. Хомила бошининг қайси кисми кичик чаноқ кириш кисмига суқилиб кириб жойлашишига қараб унинг тургруқ канали бўйича сурилаётгани аниқланади. Бунинг учун корин девори орқали, керак бўлганда кин орқали текшириллади. Кин орқали текширилганда хомила бошининг пастда турган кисмини қўймич суяклар ўсимтасига нисбатан муносабати аниқланади (кичик чаноқнинг тор кисми). Хомила бошининг кичик чаноқ кириш кисмига суқилиб кирип босқичлари куйидагича бўлади: хомила бошининг пастки юзасини қинга суқилган бармоқлар билан пайпаслаб кўриш мумкин. Агар бармоқ учлари билан хомила бошини ѿкорига итарсак, у осон кўтарилади. Ташқаридан қараганда хомила бошинин букилиб, очилиб келганида ҳам текширувчи кафт юзаси билан унинг бачадон ичига суқилиб турганини, букилиб келганда энса соҳаси чаноқнинг номсиз чизигидан (*lin. inornata*) 2,5-3,5 бармоқ, юз томонидан эса 4-5 бармоқ чаноққа кириш кисмидан ѿкори турганини аниқлайди.

Қин орқали текширилганда чаноқ суюгининг чаноқ ичига қараган дўнгига (*promontorium*) бармоқларнинг букилган ҳолатда яқинлашиши мумкин бўлади, бунга бошнинг олдинга келувчи кисми қўймич дўмбоғидан 1-2 бармоқ ѿкорида бўлиб, қинга киритилган бармоқлар орқали уни қийинчилик билан ѿкорига итариш мумкин бўлади.

Ташқаридан текширилганда иккала кафт юзасини бошга тақаб ушлаганда бир-бирлари билан учрашади. Гўё катта чаноқ ташқарисида ўзининг проекциялари билан ўткир бурчак Ѹосил қилади.

қисми 1-2 бармок юқорида кўрилади.

Ҳомила боши кичик чанок ичидаги орқали текширилганда унинг кўп қисми думғаза чукурчасига жойлашган бўлади. Бошнинг пастки қисми думғазанинг дум суюги билан кўшилган ерида ёки ундан бирмунча пастда, унинг тақалиш камари чаноқ ичининг тор қисмида бўлади.

Ташқаридан бошни пайпаслаб бўлмайди, думғаза чукурчаси бош билан эгалланган. Бош пастки қисмининг тақалиш юзаси думғаза суюгининг пастки ва қов суюги бўғимининг пастки қисми соҳасида бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган текшириш усуллари ташки ва қин орқали текшириш натижасида олинган маълумотлар 80-85% холларда ижобий бўлса да, ҳомила бошининг туриш ва кичик чанок кириши қисмiga жойлашиш хиллари турлича бўлганига кўра, бундан ташқари, ҳомила боши шаклининг ўзгариши (конфигурация) олинган маълумотларнинг хато бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо шифокорнинг маҳорати ҳам бунда катта ўрин тутади. Умуман қин орқали текширилганда аникрок маълумот олинади.

Туғаётган аёлни кузатишда ҳомиланинг юрак уришини (вақт-вақти) билан текшириб туриш керак. Агар ҳомиланинг оддинца келувчи қисми боши бўлса, унда унинг юрак уришини киндиқдан пастда, бошга яқинроқ жойда орқасидан яхши эшитилади. Бунда ҳомиланинг ётиш вазиятига караб, агар чап томондан эшитилса, биринчи, ўнг томондан эшитилса иккинчи вазият дейилади. Ҳомиланинг юрак уришини эшитганда албатта унинг тезлик сони, аниқлиги ва ритмига аҳамият бериш керак. Текширувчи оддий акушерлик стетоскопи билан факат билинадиган ўзгариш кўрсаткичларини аниқлаб олади.

10.5. ТУҒРУҚНИНГ БОШҚАРИЛИШИ

10.5.1. ҚИН ОРҚАЛИ ТЕКШИРИШ

Туғрукнинг 1-даврида ва қораноқ сувлари ёрилгандан сўнг ҳар 4 соатда 1 марта қинни текшириш мумкин. Парто grammaga керакли нарсаларни белгилаб боринг.

- Қин орқали ҳар бир текширувга куйидагиларни белгиланг:
- амниотик суюқликнинг рангги,
- бачадон бўйниниг очилиш даражаси,
- бош тушишининг даражаси (коринни пальпация килиб баҳоласа ҳам бўлади)

• Агар биринчи кўрикда бачадон бўйни очилмаган бўлса, туғрук диагнозини кўйиш имкони йўқ.

• Агар дард бўлса, 4 соатдан кейин аёлни қайтадан бачадон бўйнидаги ўзгаришни кўриш учун қинни текшириб кўринг. Агар бу босқичда бўйнининг текисланиши ва очилиши бўлса, бу туғрук даври бошланганлигини, агар бўлмаса ёлғон дард деб баҳоланади.

- Туғрукнинг 2 -даврида ҳар соатда қинни текширинг.

10.5.2. ПАРТОГРАММАДАН ФОЙДАЛАНИШ

ЖССТ томонидан тавсия қилинган парто grammma ундан фойдаланиш осон бўлиши учун соддалаштирилган. Бунда латент фаза олиб ташланиб,

маълумотлар фаол фазадан бўйиннинг очилиши 4 см га етганда белгиланади. ПартоGRAMМА намунаси кўрсатилган (3-расм). ПартоGRAMMадан фойдаланиш учун масштабини бутун саҳифага катталаштириш кераклигига зътибор беринг. ПартоGRAMMага қуйидаги маълумотларни киритинг:

Пациент тўғрисидаги маълумот: Тўлиқ исми, ҳомиладорлик ва туғруклар сони, касаллик тарихи рақами, касалхонага келиб тушган вақти ва санаси, коганок ёрилган вақти.

A: Ҳомиланинг юрак уриши сонини ҳар 30 дақикада белгилаб боринг.

Амниотик суюклик: амниотик суюклик ранггини ҳар гал қин орқали кўрганда белгиланг:

B: Пуфак бутун

T: Пуфак ёрилган, суюклиги тоза

M: Суюклика меконий бор

Ҳомила бошининг конфигурацияси:

1-даражада: чоклари осон ажралади;

- даражада: чоклари бир - бирининг устида, лекин ажратса бўлади;

- даражада: чоклари бир - бирининг устида, ажралмайди;

Бачадон бўйиннинг очилиши: ҳар гал қин орқали кўрилганда хоч (+) билан белгиланг. ПартоGRAMMада 4 см дан бошлаб белгиланг.

Хушёрлик чизиги: бу чизик 4 - см даги очилиш нуктасидан бошланиб, тўлиқ очилиш нуктасигача, ҳар 1 соатга 1 см дан давом этади.

Ҳаракат чизиги: ҳушёрлик чизигига параллел ва 4 соат ўнгда.

Қоринни пайпаслаб ҳомила бошининг тушишини баҳолаш (10.28.-расм).

Симфиздан тепада пальпация килинаётган бошининг қисмига тегишли; ҳар вагинал кўрикдан кейин О билан белгилаб чиқинг. 0/5 вазиятида бош тепаси симфизнинг сатхига баробар туради.



10.28.-расм. Ҳомила боши тушишини баҳолаш:

5/5 ва 4/5 чети чаноққа кириш қисмида,

5/5- бутунлай чаноққа кириш қисмида,

4/5 тепа қисми баландда, энса яхши сезилади,

3/5 тепа қисми осон пальпацияланади, энса сезилади,

2/5 тепа пальпацияланади, энса бироз сезилади,

1 /5 тепа пальпацияланади, энса эса аниқланмайди,

0/5 бош пальпацияланмайди.

Қоғанок сувлари ёриганидан кейин Сувнинг йўклиги, амниотик суюқликнинг камайиши окибатидир, бу эса ҳомилада дистресс ҳолати кечаётганлигини билдиради.

Тугрук ва түғдирин вақтида аёлни парваришлаш ва ёрдам бериш (10.30., 10.31.-расмлар).

Соатлар: Фаол фазадан бошлаб ўтган вақт (кузатилган ёки тахмин килинаётган).

Вақт: аниқ вақтни ёзинг

Дард: Маълумотларни хар 30 дақиқада белгиланг. Пальпация килиб дардни хар 10 дақиқада, ва унинг қанчага чўзилишини сенундларда санали.

- 20 сек.дан кам - 20 секунддан 40 секундгача
- 40 секундгача.

Окситоцин: Окситоцин берилганда хар 30 дақиқада юборилаётган суюқлиқдаги окситоцин миқдорини белгилаб боринг.


Дориларни бериш: хар қандай кўшимча дориларни ёзib боринг.

Пульс: Хар 30 дақиқада нукта билан белгиланади.

Артериал қон босими: хар 4 соатда, стрелка билан белгиланг.

Тана ҳарорати: хар 2 соатда ёзib боринг.

Протеин, ацетон ва сий-



10.29.-расм. Нормал тугрукда партограммани тўлдириш.

дикнинг микдори: Ҳар сийдик ажратилганда ёзиб боринг.

Туғрукнинг 1-даврининг кечиши:

- Туғрукнинг I - даврининг қониқарли кечиши белгилари:
 - мунтазам дарднинг тезлиги, сони ва давомийлиги ошиб бориши;
 - фаол фазада бачадон бўйининг очилиши 1 соатга 1см га тўғри келади (бўйин очилиши хушёрлик чизиги устида ёки ундан чапрокда)
 - бачадон бўйни ҳомиланинг олдинда келувчи қисмига яхши ёпишган
- Туғрукнинг I - даврининг қониқарсиз кечиши белгилари:
 - латент фазадан кейинги, номунтазам ва сийрак дард;
 - фаол фазада бачадон бўйининг очилиши 1 соатда 1 см дан кам (бўйни очилиши хушёрлик чизигидан ўнгрокда);
 - бачадон бўйни ҳомиланинг олдинда келувчи қисмига яхши ёпишмаган.

Туғрук фаолиятининг қониқарсиз ривожланиши узок давом этадиган туғрукларга олиб келади.

Нормал туғрукларда:

Аёлнинг аҳволини белгилаб берадиган муҳим параметрларга эътибор бериш (пульс, артериал қон босими, нафас олиши, тана ҳарорати).

Ҳомиланинг аҳволига баҳо бериш:

- Ҳар дардан кейин ҳомиланинг юрак уришини эшлиши тўлиқ I дақиқа давомида ҳомиланинг юрак уришини санаб, фаол фазада камидага ҳар 30 дақиқада, II даврда

ҳар 5 дақиқада эшлишиб бориш лозим, агар юрак уришининг сони патологик бўлса (I дақиқада 100 тадан кам ёки 180 тадан кўп бўлса), ҳомилада дистресс ривожланаётганига тахмин қилиш керак.

- Агар қоғонок сувлари ёрилган бўлса, кетаётган сувнинг рангтига эътибор бериш керак: қуюк меконий — ҳомилани диккат билан кузатип кераклигини, зарурият турилса, ҳомилада дистресс ҳолатида ёрдам бериш учун аралашибшга тўғри келади.

• Аёлни туғрук жараённада ўзи танлаган кишисининг иштирок этишига ва қўллаб туриш истагига хайриҳохлик билдириш лозим (10.30.-расм).

• туғрук вактида аёлнинг шериги иштироки ҳакидаги истагига хайриҳохлик билдириш, шериги аёл билан бирга бўладиган жойини тайёрлаш керак.

• шериги аёлга туғрук жараённада ва бола турилишида монанд ёрдам беришига (орқасини силаб қўйиш, терлаган пешонасини ҳўл латта билан артиш, юрганида ёрдам кўрсатиш) хайриҳохлик билдириш лозим.

Тўлроқ ва туғрукда она танасининг ҳолати



10.30.-расм. Туғруқнинг 1 даврида аёлнинг эркин ҳолатлари

• Ходимлар аёлга ўзаро яхши муносабатда бўлишлари ва кўллаб туришларининг таъминланишига :

- барча муолажаларни тушунириб беринг, уларга рухсат олинг ва буни аёл билан муҳокама қилинг;
- туғрук жараённада аёлнинг истак ва хоҳишларига хайриҳоҳлик билдиришни ва кайфиятни кўтаришга ҳаракат қилинг.
- Конфиденциалликни ва сирларини ошкор қилмасликни таъминланг.
- Аёлни ва уни ўраб турган жойни озода тутишга ҳаракат қилиш :
- аёлни мустақил ўзи туғрук бошидан тахорат қилишига, ванна ёки душқабул қилишига хайриҳоҳлик билдиринг.
- ҳар кўриқдан олдин аёлнинг ташки жинсий аъзоларини ювинг.
- ҳар бир кўриқдан олдин ва кейин қўлингизни совунлаб ювинг.
- туғрук залида озодаликни таъминланг.
- ҳар кандай тўкилган суюкликни тезда артиб ташланг.
- Аёлнинг ҳаракат қилишини таъминланг:
- аёлни бемалол ўзи юришига хайриҳоҳлик билдиринг.
- аёлга туғиш учун керакли ҳолат ташлашига ёрдам беринг
- Аёлни тез-тез сийиб туришига унданг.

Эслатма: Аёлга туғрук даврида режа асосида хўқна тайинламанг.

Аёлнинг туғрук вақтида овқат ейиш ва суюклик ичиш истагини қувватланг. Агар аёлнинг сезиларли даражада қорни очган ёки чарчаган бўлса, бу нарсалар билан қизиқиб кўринг. Ҳатто туғруқнинг охирги босқичларида ҳам аёлга озуқали суюклик бериш муҳимдир.

Аёлни туғруқ жараёни ва тұғаёттан вактида тұғри нафас олишга ўргатинг. Уни ҳар доимгидан секинрөк нафас олишиң ва ҳар нафас чикарганды бўшашишига ўргатинг.

Агар аёл туғруқ даврида қўрқаётган, ташвишланаётган ва оғриқни сезаётган бўлса, ёрдам беринг:

- аёлни мақтанг, қувватланг ва тинчлантиринг;
 - унга туғруқ жараёни ҳақида гапириб беринг;
 - аёлни эшитиб, унинг хиссиятларига бепарво бўлманг.
- Агар аёл оғриқдан азият чекаётган бўлса:
 - унга ҳолатини ўзгартиришни таклиф килинг;
 - аёлни харакат килишга рағбатлантиринг;
 - аёлнинг шеригига унинг орқасини силашга, қўлини ушлашга ва дарлоралигида вактида юздаги терни артиб туришга даъват этинг;
 - аёлнинг нафас олишининг маҳсус техникасини қўллашига даъват этинг;
 - илик ванна ёки душ қабул қилишини тавсия этинг.

Туғишининг иккинчи даврида аёл чалқанча ётганча белига ёстикача кўйилади, шунда танасининг пастки қисми қўтарилиб туради ва ҳомиланинг туғиши канали бўйича сурилиши осонлашади. Бачадон ва қорин девори мускулларининг қисқариши ҳомиланинг вертикал ўқига таъсир этади ва ҳомиланинг сурилишига шароит яратади. Бунда ҳомиланинг вертикал ўки туғиши канали ўқига мослашган бўлади, бачадон мускуллари кўп куч сарфламайди. Агар ҳомила ўқи билан туғиши канали ўқи тұғри келмаса, унда кўп куч сарфланади. Бу ҳолат ҳомила кўндаланг келганда юзага келади.

Туғиши жараёнида психопрофилактиканинг аҳамияти катта. Матъумки, туғруқдаги оғриқ унинг патологик кечишига сабаб бўладиган омиллардан хисобланади. Агар психопрофилактика ёрдам бермаса, унда оғриқни камайтирадиган дорилардан фойдаланилади.

Туғрукнинг иккинчи даври бачадон бўйнининг тўла очилишидан бошлилади. Тұғаёттан аёл тұғри ичакка босим тушаётганини сезади ва унда кучаник хоҳиши туғилади. Бачадон бўйни тўлик очилганида ва аёл туғрукнинг II - даврининг хайдалиш фазасида унга қулай бўлган ҳолатни эгаллашига ёрдам беринг ва кучанишига рағбатлантиринг (10.31.-расм).

Туғрукнинг бу даврида бачадон мускуллари, корин, тана ва оёқ, кўл мускулларининг қисқариши сабабли бачадон бўшлиғидаги босим жуда ошиади. Аёл кучаникни маълум даражагача ўзи бошқара олиши мумкин. Шифокор бу пайтда туғрукни тұғри бошқариши керак. Кучаник бачадон бўйни тўла очилгандан кейингина бошланиши шарт, бундан олдинги кучаник соҳта кучаник деб аталади. Агар аёл бачадон бўйни тўла очилмасдан кучанадиган бўлса, кучини бекорга сарфлайди. Бундай пайтда шифокор аёлни ёнбошга ёткизиб, оғриқсизлантирувчи дорилар бериш керак бўлади.

Туғрукнинг иккинчи даврида шифокор аёлнинг умумий аҳволи (тана хароратини, пульси, кон босими) ни, кучаникнинг тезлиги, кучи, давом этиши, ҳомила ва туғрук йўлининг ҳолатини кузатиб туради. Кучаник ҳар



10.31-расм. Туғиши вактида аёл ётиши мумкин бўлган ҳолатлар.

3-5 минутда такрорланади ва бир минутча давом эгади. Кучаник бачадон қисқариши билан бирга келиши керак. Кучаник бошланиши биланқ аёл туғруқ каравотида чанок қисми бир оз кўтарилиган ҳолда чалқанча ётиши керак. Ҳар гал кучангандга аёл чукур нафас олиб, нафасини тутиб турган ҳолда, бошини ва танасини юкорига кўтариб, қўллари билан каравот юганини тортиб, оёғи билан тирагиб кучанса, кучаник кучли бўлади ва ҳомила туғруқ канали бўйича сурила боради. Бу пайтда бачадон ҳам ўз шаклини ўзгартиради, бирмунча япалоқлашиб, узунлашади. Мускуллар қисқариши натижасида ҳомила боши чанок тагига тушади, натижада тўғри ичакнинг сфинктер мускули ёзилиб, аста-секин жинсий ёриқ очила боради ва ҳомила бошининг пастки қисми кўринади. Кучаник тўхтагач, ҳомила боши кўринмай колади, тўғри ичак тешиги асли ҳолига қайтади. Кучаник такрорланганда жинсий ёриқ тобора очилиб, ҳомила бошининг сегменти борган сари кўпроқ кўрина боради. Ҳомила боши пастга тушиб, катта сегментини ташки жинсий аъзолар ўраб олмагунча, ҳар кучаникда у яна жинсий ёриқдан ичкарига тортилади. Бу ҳомила бошининг туғила бошлиши деб аталади. Кейинги кучаникларда ҳомила боши жинсий ёриқда жойлашиб, энди кучаник орасида ичкарига кириб кетмайди. Бу ҳолат ҳомила бошининг ёриб чиқиши деб аталиб, ҳомиланинг турилиши билан якунланади.

Ҳомила туғилиши даврида унинг ҳолатидан хабардор бўлиб туриш зарур. Ҳар бир кучаникдан кейин ҳомиланинг юрак уриши кузатиб борилади. Кучаник тўхташи билан ҳомиланинг юрак уриши бир оз камайиб, минутига 132-144 мартадан ошмайди. Бу физиологик брадикардиянинг сабаби ҳозиргача аниқланмаган. Аммо кўп мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолатга чанок тагига тушган ҳомила боши вагус нервини босиши, шунингдек йўлдош томирлари ва тўқимасидан ажралиб чиқсан ацетилхолин ва вагусга таъсир қиласиган модда - серотониннинг ошиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, серотонин олдин вагусга, кейин симпатик нерв системасига таъсир қиласи. Агар кучаник орасида ҳомиланинг юрак уриши 110 мартадан камайиб кетса, бу патологик ҳолат саналади. Бу кон томирларни кўзғатувчи марказнинг гипоксия натижасида сустлашишидир. Ҳомиланинг юрак уриши бузилса,

уни тезда туғидириш лозим, акс ҳолда нобуд бўлиши мумкин. Ҳомиланинг боши ёки олдинда келувчи қисмининг тургук йўлидан сурилиши ташки акушерлик текшириш йўли билан аниқланади.

Ҳомила боши жинсий ёриқдан кўриниши билан акушерка (шифокор) тургукка тайёрланади. Аёл тагига стерил таглик солинади. Туғрукқа ке-ракли нарсалар, асбоб тайёрланади. Ҳомила киндигини кирқиши учун кайчи, боғлаш учун маҳсус борлов тайёрлаб қўйилади. Туғрукни бошқаришда ҳомила бошини туғидириш ва чотни йиртилишдан сақлаш жуда муҳимdir. Бош туғилиши жараённида ташки жинсий аъзо ва чот жуда чўзилади ва баъзан йиртилади. Шунга кўра жинсий йўлларнинг йиртилишга йўл қўймаслик учун ҳомила бошини энг кичкина ўлчови билан, бошнинг етарли даражада букилиши ва энса қисми билан туғилишига ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун ҳомила боши туғрук йўлидан секин туғилишини бошқариш керак. Агар ҳомилада асфиксия бошланса, туғрукни тезлаштириш лозим.

Аёлни туғидиришда акушерка унинг ўнг ёнида туриб, ўнг қўли кафти билан таглик ёрдамида очилиб турган орқа чиқарув тешигини бекитиб, чап қўлини ҳомила бошининг энса қисмiga қўйиб, уни эҳтиётлик билан ушлаб туради. Шундай килиб, ҳомиланинг энса чукурчаси қов суяги остига келиб тақалгандан кейин (тақалиш нұктаси) унинг юз қисми аста-секин чот остидан туғила бошлайди. Мана шу вактда чотни йиртилишдан сақлаш зарур. Бунинг учун ўнг кўл ёрдамида чўзилган ташки жинсий аъзова чот аста-секин ҳомила юзи устидан сурилади, ниҳоят ҳомила боши жинсий ёриқдан бутунлай чиқиб, туғилади. Ҳомила боши туғилиши жараённида унинг елкаси чаноқ ичидан айланади, натижада ҳомила боши энсаси билан вазият томонга айланади (биринчи ҳолатда чапга, иккинчи ҳолатда ўнгга айланади, бунда елка чаноқ чиқиши қисмининг тўғри ўлчовида бўлиб қолади). Елкаларни туғидириш учун акушерка ҳомила бошини кўл билан ушлаб (хар иккала қулок устидан ушланади, бунда мия кон томирини босмаслик зарур), уни пастга ва орқага тортади, натижада қов суяги остидан олдинги елка туғилади, бунда олдинги елканинг 2/3 қисми қов суяги остидан туғилгандан кейин у қов суягига тақалади, ҳомила боши олдинга ва юқорига кўтарилигач, орқа елка чот остидан туғилади (10.32.-расм). Ҳар иккала елка туғилиб бўлгач, елкани кўл билан бармокларни ёзib ушлаб олиб, чаноқ ёки бўйича унинг танаси туғдирилади. Бунда колган ҳомила олди суви ҳам оқиб тушади.


Эслатма: Кўп чақалоклар туғилиши билан биринчи 30 секундда ўзи мустакил кичкиради ва нафас ола бошлайди.

- Агар бола баланд овозда йиглаётган ёки нафас олаётган бўлса, онаси билан қолдиринг (кўкрак қафаси 1 дакиқада 30 марта кўтарилис),
- Агар бола 30 секунд ичидан нафас олмаса, ёрдамга чакиринг ва қадамба - қадам болани жонлантиришга киришинг
 - Киндик тизимчасини қисинг ва кесинг.
 - Болани иссиқда ва «тери-терига» контактида она кўкрагида эканли-

гига ишонч ҳосил қилинг. Болани енгил ва куруқ матога ўранг, чойшаб ёпинг ва боши иссиқлик йўқотмаслиги учун ўралганига зътибор беринг.

- Агар аёл ўзини ёмон ҳис қилаётган бўлса, асистентдан болага қарашини илтимос қилинг.
- III - даврни фаол олиб боришга киришинг.

Ҳомила туғилгандан сўнг йўлдош тушади. Бунда бачадон мускулларининг қисқариши бир оз сусаяди, кейин ўз қисқариш кучини тиклаб олади ва яна қисқара бошлайди. Натижада йўлдош бачадон девори четидан ёки ўртасидан ажрала бошлайди. Бу жараёнда хорион тукчалари оралири бўшлиғидаги кон кела бошлайди (10.33.-расм).



10.33.- расм. Плацентанинг бачадоңдан ажралиш турлари.

А - плацента: бачадон деворидан маркази билан ажралган (Шульц усули);

Б - плацента бачадон деворидан чети билан ажралган (Дункан усули).

зи билан ажралганини Шульц усули деб аталади.

10.5.3. III ДАВРНИ ФАОЛ ОЛИБ БОРИШ

III даврни фаол олиб бориш (йўлдошни фаол ажратиш) туғруқдан кейинги кон кетиш ҳолларининг олдини олади. III даврни фаол олиб бориш куйидагиларни ўз ичига олади:

дархол окситоцин юбориш;



10.32. -расм. Ҳомила бини тенага қараб тортганда орқадаги елкани чиқариш

Йўлдош бачадонга ёпишган сатхи (она сатхи) билан туғилади. Кон кетиш сабаблари (йўлдошнинг нотўрги кўчиши, туғруқ йўллари жароҳати ва ҳоказолар) ни албатта аниқаш лозим бўлади. Агар йўлдош бачадон деворидан маркази билан ажралса, тукчалар оралиғидаги кон йўлдошнинг она сатхиди ва бачадон девори оралиғида тўплана бориб, ташқарига кон кетмайди. Йўлдош ва йўлдош юзасига йигилган кон (йўлдош орқасига йигилган кон лахтаси) ҳомила пардасига ўралган ҳолда ҳомила юзаси билан турилади. Йўлдош бачадоннинг девори четидан ажралганини Дункан усули, маркази билан ажралганини Шульц усули деб аталади.

бачадоннинг киндик тизимчасини назоратли тортиш;
бачадонни массаж қилиш.

Окситоцин

Бола туғилгандан сўнг 1 дақиқа ўтгач, қоринда яна битта ҳомила борлигини аниклаш учун пайпаслаб кўринг, агар йўқ бўлса, м/о 10 бирлик окситоцин юборинг.

Окситоциндан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, у инъекция килингандан кейин 3 дақиқа ичидаги таъсир кила бошлайди ва камроқ салбий таъсирлари бўлгани учун уни ҳамма аёлларга ишлатса бўлади. Агар окситоцин бўлмаса, 0,2 мг м/о эргометрин ёки простагландин юбориш мумкин. Дориларни юборишидан олдин яна ҳомила йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.

Киндик тизимчасини назоратли тортиш

Киндик тизимчасини юмшок киррали кисқич билан оралиқка яқин жойда кисинг, бошқа кўлингизни аёлнинг ков суяги устидан қўйиб, бачадоннинг киндик тизимчасини назоратли тортиш пайтида бачадонни қовдан тепада ушлаган ҳолда, унинг чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида тутиб туринг. Бу амалингиз бачадонни ағдарилиб қолишидан асрайди. Киндик тизимчасини секин тортинг ва бачадоннинг кучли кисқаришини кутиб туринг (2-3 дақика). Бачадон кисқариб бўйлама шаклини олса ёки киндик тизимчаси узайса, жуда охисталик билан киндик тизимчасини ўзингизга ва пастга караб тортинг. Киндик тизимчасидан торта бошлагунингизгача кучли қон оқими келишини кутманг. Киндик тизимчасини тортишини бачадонни тортишига қарама-қарши томонга итариш билан давом эттиринг (10.34.-расм).

Агар киндик тизимчаси назоратли тортиш бошлангач, 30-40 секунд ичидаги йўлдош пастга тушмаса (яъни ажралиш ёки кўчиш белгилари бўлмаса), киндик тизимчасини тортишини тўхтатинг:

- киндик тизимчасини эҳтиёткорлик билан тутиб туриб бачадоннинг навбатдаги яхши кисқаришини кутинг.

Заруриятга караб юмшок киррали кисқич билан киндик тизимчаси узайган бўлса, оралиқка яқин қилиб бошқатдан қўйинг.

- Бачадоннинг навбатдаги қисқаришида киндик тизимчасини назоратли тортишини бачадонни тортишига қарама-қарши томонга итариш билан такрорланг.

Қоғаноқ пардалар ёрилишининг олдини олиш учун турилиш пайтида йўлдошни икки қўллаб тугунини буранг ва бутунлай туғилгунча охиста тортинг. Туғрукни якунлаш учун йўлдошни секин тортинг.

Агар қоғаноқ пардалари ёрилган бўлса, киннинг тепа кисми ва бачадон бўйинини стерил қўлқопларда текширинг, юмшок киррали кисқичлардан фойдаланиб қоғаноқнинг қолган бўлакчаларини олиб ташланг.

Йўлдошнинг бутунлигини дикқат билан текширинг. Агар йўлдошнинг онага қарган юзасининг бир кисми йўқ бўлса ёки пардалар билан томир узилганини қайд этилса, унда бачадон бўшлиғида йўлдошнинг бўлакчалари қолиб кетганига шубҳа туфилади.

Агар бачадон ағдарилиб қолса, бачадонни тўғрилаб қўйинг.

Агар киндик тизимчasi узилиб кетса, бачадонни қўл билан текшириш керак бўлади.

Бачадон массажи

Бачадоннинг қисқариши бошланмасдан олдин, кориннинг олдинги деворидан бачадоннинг тубини дарҳол массаж қилинг (10.35.-расм).

Дастлабки 2 соат ичидаги 15 дақиқада бачадонни массаж қилинг.

Массажни тўхтатгач, бачадон бўшаш маслигига ишонч хосил қилинг.

Йиртилишларини баҳолаш

- Аёлни дикқат билан кўриб, бачадон бўйни ва қин деворларининг бутунлигини текширинг ва йиртилишни ёки эпизиотомияни тикинг.

Амалий кўникмалар.

1. Бачадон бўйни етилганлик даражасини аниқлаш.

Вагинал текширувга кўрсатмани белгиланг.

Беморга текширув зарурлигини тушунтиринг.

Стерил кўлқопларни кийинг.

Беморни чаноқ-сон ва тизза бўғимларида букилган ҳолатда күшеткага ётқизинг.

Вагинал текширувни ўтказинг.


Бачадон бўйни консистенциясини аниқланг: қаттиқ – 0, ички бўғизгача юмшаган – 1, юмшоқ – 2 балл.

Бачадон бўйни узунлигини аниқланг: 2 см дан ортиқ – 0,1-2 см – 1, 1 см дан кам – 2 балл.

Бачадон бўйни ўтказувчанлигини аниқланг: ташки бўғиз ёпиқ ёки бармоқ учини ўтказади – 0, канал ички бўғизгача ўтказувчан – 1, канал ички бўғиздан ҳам ўтказувчан – 2 балл.

Бачадон бўйнини чаноқ ўқига нисбатан жойлапинини аниқланг: орка-га оғган – 0, олдинга оғган – 1, ўтказувчан ўқ бўйлаб – 2 балл.

Олинган балларни хисобланг:



10.35.-расм. Туруқнинг учинчи даври, йўлдош ажралиш даврида бачадон тубининг шакли ва ҳолаги: I - бачадон чақалоқнинг турилгандан кейинги ҳолати; II - йўлдошнинг бачадон деворидан ажралгандан кейинги ҳолати; III - йўлдош туғилиб бўлгандан кейинги ҳолати

- 0-2 балл – етилмаган,
- 3-4 балл – етарлича етилмаган,
- 5-8 балл – етилган.

Кўлкопларни ечинг, кўлларни ювинг, тургук тарихига ёзинг.

2. Партограммани ёзиш

Партограмма – тургук жараёни ва эрта туркуқдан кейинги даврнинг схематик ёзилиши - 10 блокдан иборат. Уларда қуидаги маълумотлар кузатилади:

1 блокда – бемор фамилияси, исми- шарифи, диагнози, келган санаси ва вакти

2 блокда - ҳомила юрак уриши ва аёл пульси кўрсаткичлари.

3 блокда:

1) ҳомила туфаги ҳолати

а) бутун – I (intact)

б) ёрилган, тоза сувлар – C (clear)

в) ёрилган, сувлар меконийли – M (micony)

г) ёрилган, сувлар қонли – B (blood)

2) Бошча конфигурацияси:

а) ўқ - ёйсимон чок яхши аникланади – 0

б) ўқ- ёйсимон чок ёмон аникланади - +

в) тепа суякларининг бир-бирига кириши - ++

г) тепа суяклари бир-бирига ботиб кириши - +++

4 блокда – тургук бошланган вакти, бачадон бўйни ҳолати, бошчанинг кичик чаноқ юзаларига нисбатан жойлашиши; бачадон бўйни 3 см очилган ҳолда шартли белгини латент фаза чизигига қўйинг, бачадон бўйни 5 см дан ортиқ очилганда шартли бел-гини актив фаза чизигига қўйинг. Динамикада белгиларни партограммага ҳар хил соатларда ёзинг. Агар белгилар нормал чегара чизигидан чикса, кўрикни қайтадан амалга ошириш ва тургук жараёнини қайта баҳолаш керак; агар белгилар ҳаракат чизигига чикса, даволаш чораларини амалга ошириш керак.

5 блок – 10 минут давомида тўлпроқлар микдори ва интенсивлиги;

6 блок - юборилган дори препаратлари;

7 блок – аёлнинг иккала қўлидаги систолик ва диастолик АБ, тана ҳарорати ва сийдик анализи кўрсаткичлари.

8 блок – чакалоқ ақвони, жинси, вазни, узунилиги;

9 блок – тургукни 3-даврининг давомийлиги, йўлдошга таъриф бериш, тургук йўлларини кўздан кечиришга кўрсатма. Агар жарроҳлик амалиёти килинган бўлса, уни ёзинг.

10 блокда – туркуқдан кейинги давр кечиши ва беморнинг туркуқдан кейинги бўлимга ўтказилиши.

3. Амниотомия

Амниотомия ўтказишга кўрсатмани аниқланг.

Ўтказиладиган муолажа тўғрисида беморга тушунтириинг.

Оралиқ ва кинни артиб тозаланг.

Қінга күрсаткыч ва ўрта бармокларингизни кириting ва бачадон бўйни ҳолатини баҳоланг.

Ўқли кисқичларнинг учини қиндан киргизиб қоғанок пуфагини тешинг.

Бармокларингиз билан қоғанок пардани ажратинг.

Ҳомила олди сувини миқдори ва хусусиятини баҳоланг.

Ҳомила юрак уришини такрор эшигинг.

4. Чакалоқ ахволини апгар шкаласида баҳолаш

Кадамлар:

Ҳозирги пайтда чақалоқ ахволини Апгар шкаласида баҳолаш тавсия этилган. Баҳолашни туғилган заҳоти биринчи дақиқасида ва беш дақикадан сўнг 5 та муҳим клиник белгилар: юрак уриши, нафас олиши, рефлекслар, мушаклар тонуси ва тери рангига асосланниб ўтказилади.

Хар бир белги 3 балли системада баҳоланади: 0, 1, 2.

Чақалоқ ахволини баҳолаш олинган бешта белги йигинидисига қараб ўтказилади.

Соғлом туғилган чақалоқлар ушбу шкала бўйича 10-7 баллда баҳоланади.

Енгил асфиксияда туғилган чақалоқлар 6-5 баллда баҳоланади.

Ўртача асфиксияда туғилган чақалоқлар 4-5 баллда баҳоланади.

Оғир асфиксияда туғилган чақалоқлар эса 1-3 баллда баҳоланади.

Клиник ўлимда туғилган чақалоқлар 0 баллда баҳоланади.

5. Чақалоқларда киндикни кесиш ва бирламчи артиб тозалаш

Кадамлар:

Киндикни артиб тозалаш икки босқичда олиб борилади.

Биринчи босқич: чақалоқ туғилгач киндик ҳалқасидан 10-12 см узоқликда киндигига иккита қисқич кўйилади ва қисқичлар орасида киндик кесилади.

Иккинчи босқич чақалоқни онасидан ажратгач, қўлни оқиб турган сувда совунлаб юваб, антисептик эритма билан артилади.

Киндик колдигини 96% ли спирт билан артилиб, киндик колдиги кўрсаткич ва катта бармоклар орасига олиб сикилиб, маҳкам қилиб ипак ип билан бойланади ёки Роговин қисқичи кўйилади.

Киндик колдигига учбурчакли бойлам кўйилиб туғиб кўйилади. Чақалоқни бўлимга ўтказишдан аввал, киндик маҳкам бойланганлиги қайта текшириб кўрилади.

6. Йўлдош ажралганлик белгиларини аниқлаш

Кадамлар:

Муолажа тургруқ ёторида ўтказилади.

Шредер белгиси: йўлдош ажралгандан кейин бачадон яссиланади, япалоқлашади ва торайиб ажралган йўлдош пастки сегментга тушганига кўра унинг туби анча юкорига кўтарилиб кумсоат шаклига киради.

Альфелд белгиси: киндик тизимчаси ташқаридаги қисмининг 8-10 см га узуунлашишидир.

Кюстнер-Чукалов белгиси: қўлнинг кафт кирраси билан қов суяги устидан босилади, агар йўлдош ажралган бўлса, киндик ташқарига, ажралмаган бўлса ичкарига суриласди (10.36.-расм).

Микулич белгиси: ажралган йўлдошни қинга тушганлиги сабабли аёлда кўшимча кучаниш хисси пайдо бўлади.



10.36.-расм. Кюстнер-Чукалов белгиси. а - плацента бачадон деворидан ажралмаган, шунга кўра киндик тизимчаси қинга тортилади; б- плацента бачадон деворидан ажралган, киндик тизимчаси қинга тортилмайди.

7. Йўлдошни ташқи ажратиш усуллари

Қадамлар:

Муолажа туғруқ ётогида, оёкларни чанок-сон ва тизза бўғимларида ёзган ҳолатда ётқизиб ўтказилади.

1. Қовук катетер ёрдамида бўшатилади.
2. Йўлдошни ажралганлик белгилари мусбат эканлигига ишонч хосил килинади.
3. Киндикдан тортиб аёлга кучаниш тавсия этилади, самара бермаса кейинги босқичга ўтилади.
4. Йўлдошни чиқаришдан олдин бачадонни ўрта ҳолатга келтирилади.
5. Бачадонни қисқартириш учун енгил ташқи уқаланади.
6. Абуладзе усули - иккала кўл билан қорин девори ўрта чизифида бурма хосил килиниб, аёлга кучаниш тавсия этилади, ажралган йўлдош туғилади.
7. Креди-Лазаревич усули - шифокор аёлни чап томонидан туриб оёкларига караб туради. Бачадон тубини шунаقا ушланадики, бунда бош бармок бачадон олдинги деворида, кўл кафти тубида ва тўрт бармоқлар эса бачадон орка деворига кўйиб ушлаб, бачадонни сикиб йўлдош чиқазилади.

8. Йўлдошнинг бутунилигини аниқлаш

Қадамлар:

1. Йўлдошнинг она юзасини тепага қаратиб идишга кўйиб, диққат би-

лан кўриб чиқилади; дастлаб йўлдошни, сўнгра пардалар кўриб чиқилади. Бутун йўлдошда юзаси текис, ялтироқ, бўлакчали.

2. «Чўқилган» ҳамда бўлакчаси йўқ чукурчалар топилса, йўлдош қисмлари қолиб кетган деб шубҳа килинади.

3. Йўлдошни кўрганда унинг бутунлиги, пардаларининг ёрилган жойи аникланади.

4. Қоғаноқ пардаларида кон томирлари йўналиши кўшимча бўлак бор-йўқлигини билиш учун кўрилади. Агар томирлар охирида йўлдош бўлаги бўймаса, у бачадонда қолиб кетган бўлади.

5. Қоғаноқ пардалари етишмаса, улар бачадон бўшлиғида қолиб кетган деб ҳисобланади.

9. Йўқотилган қон миқдорини аниклаш

Кадамлар:

1. Туғрукдан олдин аёл вазни ўлчанади.

2. Туқсан аёл остига бола туғилган заҳоти лоток(қайикча) қўйилади.

3. Йўлдош ажralиб чиққач ва туғрук йўлларини кўриб бўлгач, лотокда йирилган қонни маҳсус белгиланган 1-2 л ҳажмли идишга қуйилади.

4. Тагликларни олиб ишлатилгунча ва ишлатиб бўлгандан сўнг (конли) оғирлиги ўлчанади.

5. Ишлатиб бўлган тагликлар вазнидан, ишлатимаганини вазни олиб ташланиб, фарқи аникланади. Мана шу фарқ йўқотилган қон миқдорини кўрсатади.

6. Маҳсус белгиланаган идишдаги қон миқдорига тагликлардаги қон миқдори кўшилиб йўқотилган қон ҳажми аникланади.

7. Аёл вазнига нисбатан йўқотилган қон миқдорини ҳисоблаш тўғрироқдир, вазнига нисбатан 0,5% қон йўқотиш физиологик қон йўқотиш дейилади. Масалан, тана вазни $70\text{kg} \times 0,5 = 350 \text{ ml}$.

Масалалар.

1. 24 ёшли биринчи марта туғувчи аёл мунтазам дард тутиш шикояти билан клиникага қабул килинган. Ҳомила бўйлами вазиятда, боши чаноқ оғзига кичик сегменти билан суқилиб кирган. Қин орқали текширилганда: бачадон бўйни 5 см га очилган, ҳомила пуфаги бутун, ҳомила боши ўқ-ёйсимон чоки билан чаноқнинг кириш текислигига кўндаланг ўлчамида, кичик лиқилдок чап ва олд томонда пайпасланади.

1. Диагноз қўйинг.

2. Туғрук механизмини аникланг.

3. Механизм лаҳзасини таърифланг.

2. 30 ёшли такрор туғувчи аёл клиникага туғруқнинг иккинчи ярмида қабул килинди. Қин орқали текширилганда бачадон бўйни тўла очилган, ҳомила пуфаги йўқ. Ҳомила боши чаноқнинг чикиш текислигига – ўқ-ёй-

симон чок билан түгри ўлчамда, кичик ликилдок думраза томонида пай-
пасланади.

1. Диагноз қўйинг.
2. Туғруқ механизмини аниқланг.
3. Механизм лаҳзасини таърифланг.

3. Биринчи тукувчи 23 ёшли аёл 10 соатдан буён дард тутиб, 12 соат ол-
дин сув кетганлигини шикоят қилган холда туғруқхонага қабул қилинди.
Чанок ўлчамлари: 26-29-30-21 см. Ҳар 5-6 минутда дард такрорланиб, у 30
секунд давом этмоқда. Бачадон туби сатки – 35 см, қорин айланаси – 102
см га тенг. Қин орқали текширилганда: бачадон бўйни текисланиб, чекка-
лари юпқаланган ва у 5 см га очилган. Ҳомила боши чанок бўшлигининг
III текислигига, ўқ-ёйсимон чок билан чап қийшиқ ўлчамда турибди, ки-
чик ликилдок эса чап ва орқага қараган.

1. Диагноз қўйинг.
2. Ҳомиланинг тахминий оғирлигини аниқланг.
3. Туғрукни олиб бориш тактикасини аниқланг.

4. Туғувчи аёлнинг вазни 52 кг бўлиб, туғруқ ўз вактида кетаяпти.
Туғруқнинг биринчи даври 16 соат, иккинчи даври 30 минут давом этган.
Ҳомила туғилгандан 7 минут ўтгач туғруқ йўлларидан қон кета бошлади,
йўқотилган қон микдори 150 мл га етди. Диагноз қўйиб, шифокорнинг
режасини аниқлаб беринг.

5. 26 ёшли биринчи марта турувчи аёл 12 соатдан буён дард туваёт-
ганлигидан шикоят қилиб клиникага қабул қилинган. Бир соатдан кейин
қоғанок суви кетиб, тўлғоқ бошланди. Ҳомила юраги минутига 132 марта
ритмик ураяпти. Тўлғоқ ҳар 2-3 минутда такрорланиб, 45-50 секунд давом
этаяпти. Қин орқали текширилганда бачадон бўйни тўла очилган, ҳомила
пуфаги йўқ. Ҳомила боши чанок бўшлигининг II текислигига, ўқ-ёйсимон
чок билан чап қийшиқ ўлчамда турибди, кичик ликилдок эса ковнинг ўнг
томонида пай-пасланади.

1. Диагноз қўйинг.
2. Туғруқ даврини аниқланг.
3. Шифокор тактикаси.

6. Биринчи туғруқ етилган ҳомиланинг туғилиши билан тугади. Ҳоми-
ла оғирлиги 3200 гр., бўйи 50 см. га тенг. Ҳомила туғилишидан 20 минут
ўтгач, туғруқ йўлларидан қон кета бошлади, йўқотилган қон микдори 200
мл га етди. Йўлдош ажралганлигини тасдиқловчи белгилар пайдо бўлди.

1. Диагноз қўйинг.
2. Туғруқ даврини аниқланг.
3. Шифокор тактикаси.

7. 9-00 да 30 ёшли аёл келди. Ҳомиладорлиги 39 хафта. Шикоятлари
– корни пастида ва белдаги оғриклар, мунтазам, ҳар 10-12 с да 20-25 се-
кундан, ўртacha кучда. Қоғанок сувлари кетмаган. Кўрикда аниқланди
– бачадон ҳомиладорлик хисобига катталашган. Қорин айланаси 89 см,

бачадон туби баландлиги 35 см. Бачадон тубида – юмшоқ ҳомила қисми аниқланади, ўнгда – кенг майдонча, чапда – ҳомила майда қисмлари, бачадон пастки сегментида – думалоқ, каттиқ, чегаралари аник ҳомила қисми, к/чаноқ кириш қисми устида ҳаракатчан. Ҳомила юрак уриши аник, ритмик. 140 та зарба, киндик пастида ўнгда аниқланади. Вагинал: келганда – бачадон бўйни очилиши 1 см,

13:00 - 2 см,

17:00 - 3 см,

20:00 - 10 см.

I. Ҳомила олдиндаги қисми, позицияси.

II. Тахминий ҳомила вазни.

III. Туғруқнинг латент фазаси қанча давом этган.

8. Ҳомиладорда туғиши 10 соат давом этди. Ҳомила атрофи сувлари чиқмади. Қоринда кучли оғриқ пайдо бўлди. Ҳомиланинг юрак уриши (мин) 100-110 та. Қин текширувига бачадон бўйни тўлиқ очик, ҳомила пуфаги бутун, таранглашган. Ҳомила кичик чаноқ бўшлирига боши билан қараган холатда. Диагноз? Муолажалар ўтказиш режалари?

9. I. Йўлдош нуксонини бартараф килиш учун қуйидаги текширувларни ўтказиш керак:

A. Туғрук йўлларини кўриш*

B. Плацентани кўриш*

C. Пардани кўриш*

D. Диагностик лапароскопия

E. Қин текшируви

Ўргатувчи тестлар.

1. Туғрук жараёни қандай 3 даврга бўлинади?

Бачадон бўйнининг очилиши даври.

Ҳомиланинг ҳайдалиш даври.

Йўлдош ажралиш даври.

2. Тўлғоқ дардларини таърифловчи 4 та асосий хусусиятларни айтиб ўтинг:

Давомийлиги.

Кучи.

Сони.

Оғриклилиги.

3. Бачадон бўйнининг очилишига олиб келувчи 3 та асосий жараённи айтинг:

Контракция.

Ретракция.

Дистракция.

4. Туғрук фаолияти бошланишининг 2 та белгисини айтинг.

Мунтазам бўлган дардлар.

Бачадон бўйни очилишининг динамикаси.

5. Олдинги энса кўринишидаги туғруқ биомеханизмининг лаҳзалари ни кўрсатинг.

Биринчи лаҳза – бошнинг букилиши.

Иккинчи лаҳза – бошнинг ички бурилиши.

Учинчи лаҳза – бошнинг ёзилиши.

Тўртинчи лаҳза – тананинг ички ва бошнинг ташки бурилиши.

6. Олдинги энса кўринишидаги туғруқ биомеханизмига нималар хос?

Ўтказувчи нукта – кичик ликлидоқ .

Бола боши кичик чаноққа ўқ-ёйсимон чок билан букилган ҳолда кўндаланг ўлчамда киради.

Бош кичик кийшик ўлчам билан туғилади – 9,5.

Ёриб чиқувчи айланга 32 см га тенг.

7. Бачадон деворидан йўлдошнинг Щульц усули бўйича ажралишида куйидагилар аникланади.

Ретроплацентар гематома хосил бўлади.

Йўлдош ажралаётганда ташки кон кетиш бўлмайди.

Йўлдош ҳомила сатҳи билан турилади.

Кон йўқотиш одатда кам микдорда.

Бачадон деворидан йўлдошнинг ажралиши марказдан содир бўлади.

8. Кўчган йўлдошни Креде-Лазаревич усули бўйича ажратиш техникикаси

Қовукни бўшатиш.

Бачадонни ўрта ҳолатга келтириш.

Бачадон кисқаришини чақириш учун кўл билан енгилгина (массаж қилиш) уқалаш.

Аёлни чап томонида туриб бачадонни шундай ушлаш керакки, бунда катта бармок бачадоннинг олдинги деворида, бачадон туви кафтга тегиб туриши, 4 бармок эса бачадоннинг орқа деворига тегиб туриши керак.

Бачадондан йўлдошни сиқиб чиқарилади.

9. Биринчи туғаётган аёлда физиологик туғруқ даврларининг вакти ва уларнинг умумий давомийлиги.

Биринчи давр: 10-11 соат.

Иккинчи давр: 1 соатдан 2 соатгacha.

Учинчи давр: 5 минутдан 30 минутгacha.

Умумий давомийлиги – 12-16 соат.

10. Қайта туғаётган аёлларда физиологик туғруқ даврларининг вакти ва уларнинг умумий давомийлиги.

Биринчи давр – 7-9 соат.

Иккинчи давр 10 минутдан 1 соатгacha.

Учинчи давр – 5 минутдан 30 минутгacha.

Умумий давомийлиги – 8-11 соат.

11. Туғруқнинг биринчи даврида қандай 3 та фаза фарқланади?

Латент – туғруқ фаолияти бошланишидан бачадон бўғзининг 3-4 см очилишигача бўлган вакт.

Фаол фаза – бачадон бўғзининг тезлик билан 4 см дан 8 см гача очилиши билан характерланади.

Секинлашиш фазаси – бачадон бўғзининг 8 см га очилишидан бошлаб бошнинг силжиши бошланишигача.

12. Ҳомила бошининг кичик чаноқ текисликларига нисбатан муносабатини аниқлашнинг 3 усулини айтинг:

Леопольд-Левицкий бўйича ташки акушерлик текширувининг 3 – усулни.

Леопольд-Левицкий бўйича ташки акушерлик текширувининг 4 – усулни.

Қин орқали текшириш.

13. Туғруқдаги физиологик кон йўқотиш қандай бўлади?

250-500 мл.

Тана вазнининг 0,5% гача кон йўқотиш.

14. Туғруқни I даврида эътибор каратиш лозим бўлган 2 та қўшни аъзоларни кўрсатинг ва нима учун?

Қовук.

Ичаклар.

Туғруқнинг 2 -даврида бу аъзолар ҳомила бошининг ўтишига тўқсинлик қилиши мумкин.

15. Туғруқнинг II даврида қўлланиладиган акушерлик усулиниң 5 лаҳзасини айтинг?

Ҳомила бошининг вактидан олдин ёзилишига тўқинлик қилиш.

Жинсий ёриқдан ҳомила бошини авайлаб чиқазиш.

Бошнинг тепа дўмбоқлари чиқаётганда оралиқ тараанглашишини камайтириш.

Кучаниқни бошқариш.

Елкаларининг чиқарилиши ва танасининг туғилиши.

16. Туғруқнинг II даврида шифокор қандай 5 та асосий параметрларга аҳамият бериши лозим ва нима учун?

Аёлнинг умумий аҳволи.

Туғруқ фаолиятининг характери.

Ҳомиланинг юрак уриши.

Ҳомила олдин келган қисмининг силжиши.

Жинсий йўллардан келаётган ажралмалар.

17. Қандай 2 усул билан йўлдош бачадон деворидан кўчади?

Шульц-марказдан.

Дункан-четидан.

18. Қандай 5 та белги йўлдошнинг кўчганлигидан далолат беради?

Шредер белгиси.

Альфельд белгиси.

Чукалов-Кюстнер белгиси.

Клейн белгиси.

Микулич белгиси.

19. Йўлдошни қандай 3 хил усул билан туғдириб олиш мумкин?
- Абуладзе усули
Креде-Лазаревич усули
Йўлдошни қўл билан ажратиб чиқазиш
20. Туғрұкнинг I даврида шифокор қандай асосий 3 ҳолатга ахамият бериши лозим?
- Аёлнинг умумий ахволи.
Бачадон бўйнининг очилиш динамикаси.
Ҳомиланинг юрак уриши.
21. Туғувчи аёл умумий ҳолатини баҳолашда эътиборни қаратиш зарур бўйган б 6 та асосий кўрсаткичларни кўрсатинг?
- Пульс.
Қон босими.
Шикоятлар (бош оғриғи, кўришнинг ўзгариши, эпигастрийда оғриқ).
Дард хусусияти.
Бачадон ҳолати (тонус, маҳаллий оғриқ).
Ҳомила юрак уриши.
22. Дункан бўйича йўлдош ажралиши:
- Ретроплацентар гематома ҳосил бўлмайди.
Йўлдош ташки жинсий йўллардан пастки қирраси билан олдинга қараб чиқади.
- Йўлдош четидан ажралади.
Ташқарига қон кетади.
23. Туғилган чақалоқни Апгар шкаласи бўйича баҳолаш белгилари:
- Нафас олиш.
Рефлектор кўзғалувчанлик.
Мушаклар тонуси.
Тери ранги.
Юрак уриши.
24. Абуладзе усули:
- Сийдик чиқарилади.
Қорин олди девори узунасига иккала қўл билан бурма қилиб ушланади.
- Аёл ўзи кучаниши керак.
25. Ҳомила боши эгилишининг сабаби:
- Бачадон ичи ва кориндаги босим ҳисобига.
Таъсир этувчи куч бачадон тубидан ҳомила умуртқа поғонасидан ҳомиланинг бошига таъсир этади.
- Умуртқа поғонаси ҳомила боши билан ричаг каби бириккан.
26. Шредер белгиси:
- Бачадон шакли узунчоқ.
Бачадон туви киндиқдан юқори.
Бачадон ўнг томонга эгилган.
27. Қоғанок сувининг ёрилиши ўз вақтида:

Туғрукнинг I даври охирида.
Бачадон бўйни тўла очилганда.

28. Туғрук хабарчиларининг асосий 4 та белгисини айтиб ўтинг?

Бачадон тубининг тушиши.

Шиллиқ тикиннинг ажralиши.

Тана вазнининг камайиши.

Бачадон мускуллари қўзғалувчанлигининг ошиши.

29. Физиологик ҳомиладорликнинг давомийлиги канча?

280 кун.

40 ҳафта.

10 ой.

XI БОБ ҲОМИЛАНИНГ ЧАНОҚ БИЛАН КЕЛИШИ

Максад. Ҳомиланинг чаноқ қисми ёки оёғи билан келгандаги ҳолатлари, сабаблари, диагноз кўйиш, тувиш механизми ва клиникасини ўрганиш, ҳомилани туғдириш усуллари билан танишиши.

Режа. 1. Ҳомиланинг чаноғи билан келиши.

2. Чаноқ билан келиш

3. Ташхис (диагноз) кўйиш.

4. Тувиш механизми ва клиникаси

5. Ҳомилани туғдириш усуллари

Умумий туғрукнинг 3,5% да ҳомила чаноғи билан келади (presentatio pelvia). Бунда ҳомиланинг вертикал ўқи онанинг тик ўқига тўғри келади, шунга кўра кўп муаллифлар буни нормал ҳолат деб ҳисоблайдилар. Аслида бу она учун ҳам, ҳомила учун ҳам хавфли бўлиб, оғир патологик ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра ҳомиланинг чаноқ билан келиши патология билан физиология ҳолатлари ўртасидаги чегарадир.

Ҳомиланинг чаноғи билан келиши куйидаги ҳолатларга бўлинади: думба билан олдинда келиши (ёпилиб келиш) ва оёқлар билан олдинда келиши (очилиб келиш). Ҳомила думбаси билан олдин келганда унинг факат думбаси, она чаноғи бўшлиғига караган, оёқлари чаноқ-сон бўғимидан букилган ва тизза бўғими ёзилган, оёқлари ҳомила танаси бўйлаб жойлашган бўлса, бу ёлриз думбанинг ўзи олдин келиши дейилади. Ҳомила думбаси тизза бўғимидан букилган оёқлари билан бирга чаноқ бўшлиғига караган бўлса, буни думбанинг аралаш олдин келиши (думбанинг тўла келиши) дейилади (11.2.-расм).

Ҳомила оёқлари олдин келганда унинг иккала оёғи бирга бўлса, оёқларнинг тўла олдин келиши ёки бир оёқ билан келса, оёқнинг чала



11.1.-расм. Ҳомиланинг чаноғи билан келиши.

олдин келиши дейилади. Баъзан оёкларнинг букилган тиззалари олдин келади. Бу тизза билан олдин келиши дейилади.

Чанок билан келиш сабаблари. Бунга бачадон пастки сегментининг бўшашибганилиги, кичик чаноқдаги тўсиклар, хомила бошининг чаноқка киришига халақит бериси сабаб бўлади. Бачадон пастки сегменти бўшашибганилиги туфайли ҳомиланинг чанок билан келиши факат қайта тукувчиларда кўп учрайди.


Чанок билан олдин келишда вактидан илгари туғиши ҳоллари кўпроқ кузатилади. Вакти-соати етиб ва вактидан илгари туғилган ҳомилалар нисбати 2:1 бўлади. Етилмаган ҳомилалар кўзғалувчан бўлади, бунга сабаб ҳомиланинг боши кичкина бўлгани учун чанок кириш қисмига жойлаша олмайди. Бачадон ўスマлари (миома, айниқса пастки сегментда) ҳам ҳомила бошининг чаноқ кириш қисмига жойлашишига халақит беради. Йўлдошнинг бачадон пастки сегментига жойлашган бўлиши, кўп ҳомиликда, ҳомилаларнинг айланиши қийин бўлганига кўра чаноқ билан олдин келиши ҳоллари кўпроқ учрайди.

Она қорнида ўлиб колган ҳомилада гидроцефалия (мия қоринчасида сув йигилиши) бўлганда ва бошқа турдаги нотўри ривожланишда ҳомиланинг чанок билан олдин келиши учраши мумкин. Баъзи муаллифларнинг фикрича, ёши катта бўлиб колганда биринчи марта тугаётган аёлларда ҳомила чанори билан олдин келиши умкин.

Ташхис (диагноз) қўйиш. Ҳомиланинг чаноқ билан олдин келиши ташки ва ички текширишларга асосланиб, олдин келувчи қисми чаноқ кириш қисмидаги (симфиз устида) турганда аниқланади. Пайпаслаб кўрилганда ҳомиланинг катта, юмшоқ, нотўри шаклдаги қисми кўлга сезилади. Агар пайпаслаганда бачадон тубида ҳомиланинг боши каттароқ, шарсимон, бир текис қаттикликда бўлиб сезилса, бу чаноқ билан олдин келишидан далолат беради.

Ҳомиланинг қандай ҳолатда эканига қараб юрак уриши киндикдан юкорида ёки унинг қаршисида ўнг ёки чап томондан яхшироқ эшитилади.


Ҳомиланинг думба билан келиши қин орқали текширилганда унинг юмшоқ қисми аниқланади. Агар бунда ҳомиланинг оёқ тўпиклари ҳам топилса, бу думбанинг аралаш олдин келганлигини кўрсатади. Чаноқ билан олдин келишини аниқлаш бирмунча мураккаб ишдир. Думбалари



11.2.-расм. Ҳомиланинг чанори билан келиши: А - ёлгиз думбанинг ўзи олдин келиши; Б - думбанинг аралаш олдин келиши; В - оёкларнинг гўла олдин келиши.

олдин келганда уни ҳомила боши билан, ёлғиз думбаси билан (чала) олдин келганда уни юзи билан келади, деб ўйлаб, янгилиш мумкин. Бу хил олдин келишларда диагнозни түгри қўйиш катта аҳамиятга эга. Ҳомила кўндаланг ётган бўлиб, унинг кўли туғруқ ўйлига тушган бўлса, уни сёқларнинг олдин келиши билан алмаштириб юборилса, ҳомила ҳамда она учун хатарли ҳолат вужудга келади.

Ҳомиланинг қандай келаётганини тўғри аниқлаш учун сёқларда тово, сёқ бармоқларининг калталиги, тиззанинг думалоклиги ва кўлнинг катта бармоги кўзғалувчан бўлишини, унинг ёнга осон очилишини, сёқлардаги бармоқлар эса бу хусусиятга эга эмаслигини эсда тутиб, иш олиб бормоқ керак. Н.А.Цовъянов фикрича, етилган ҳомиладорликда бачадон тубининг ханжарсимон ўsicк олдига якин туриши ҳомиланинг чанок билан олдин келгани ҳақида далолат беради. Бачадон тубида думалок боши пайпаслаб кимирлатилса, бу ҳам чаноқнинг олдин келгани белгиси бўлади. Чаноқнинг олдин келганидан кўра сёқларнинг олдин келганиларини аниқлаш осон бўлади. Чунки сёқлар бачадон бўйни тўла очишимаган бўлса ҳам қинга сирғаниб тушиши мумкин, буни қин ойналари ёрдамида кўриш мумкин бўлади. Агар тизза билан келган бўлса, уни кўл тирсагидан ажратиш осонрок бўлади. Бунда ҳомиланинг ётиш ҳолатини аниқлаш учун тизза бўйми чукурчаси топилади, агар у чапга қараган бўлса, биринчи ҳолат, ўнга қараган бўлса, иккинчи ҳолатда тургани аниқланади. Чаноқнинг олдин келишини акушерлик стетоскопи ёрдамида, унинг юрак уришини эшлиш йўли билан аниқлаш мумкин. Ҳомиланинг юрак уриши киндиқдан юкорида, бош билан келганда киндиқдан пастда эшишилади.



Биринчи ҳолатда чапдан, иккинчи ҳолатда ўнгдан эшишилади (11.3.-расм). Нихоят, чанок билан олдин келишини ультратовуш ёрдамида аниқроқ билиш мумкин.

11.3.-расм. а-ҳомила думбанинг олдин келиши - биринчи ҳолат; б - думбанинг олдин келиши иккинчи ҳолат

Туғиш механизми ва клиникаси. Туғишнинг бошида думбалар

ўзининг кўндаланг ўлчови (linea intertrochanterica) билан кичик чаноқ кириш қисмининг кўндаланг ёки қийшик ўлчовида туради. Бачадон бўйни текисланиб, очилиши билан думбалар чанок ичига суқила бориб, унинг қийшик ўлчови бўйича суриласди. Агар олдинги кўринишда биринчи ҳолат бўлса, чаноқнинг чап қийшик ўлчовида, орқа кўринишда биринчи ҳолат бўлса, чаноқнинг ўнг қийшик ўлчовида бўлади, иккинчи ҳолатда ҳам думбаларнинг чанок ўлчовига муносабати шундай бўлади. Чанок

бўшлиғига думбаларнинг киришида орқа думба, унинг кетидан олдинги думба жойлашиб, чаноқ ичидаги биргаликда сурлади, бунда бошқарувчи нукта дум суюги бўлади. Думбаларнинг чаноқ ичидаги айланиси унинг тубида бўлади, бунда думбаларнинг кўндаланг ўлчови қийшиқ ўлчовдан тўғри ўлчовга ўтади, агар ҳомила орқа кўринишда бўлса, кўпинча олдинги кўринишга ўтади. Чаноқнинг чиқиши қисмидаги думбаларнинг кўндаланг ўлчови чаноқ чиқиши қисмининг тўғри ўлчовида жойлашади. Олдинги думба биринчи бўлиб туғилади, шунга кўра турурк шиши шу думбада бўлади.

Жинсий ёриқдан кўринган ҳомиланинг олдинги думбаси, ёнбош суюги ков суюги тагига тақалиб, тақалиш нуктасини ҳосил қиласди ва ортиқ сурilmайди. Ҳомила орқа умуртқасининг ёнга эгилиши билан орқадаги думба туғила бошлайди, олдин бир неча марта кўриннб, яна ичкарига киради. Ниҳоят орқа думба туғилади. Орқа думба туғилгандан кейин олдинги думба ҳам бутунлай туғилиб, орқа умуртқа тўғриланади, кучли кучаникда ҳомиланинг чаноқ қисми бутунлай туғилади.

Ҳомила учун энг хавфли давр учинчи ва тўртинчи даврлардир.

Ҳомила танасининг пастки (киндиқкача бўлган қисми) кейинги кучаникда туғилади, чаноқнинг қийшиқ ўлчовида турган ҳомила орқаси билан ёнга караган бўлади. Ҳомила турилишининг учинчи даврида унинг орқаси бирмунча олдинга караб қолади. Бу айланиси ҳомила елка қисмининг чаноқ бўшлиғи қийшиқ ўлчовига ўтиши учун имконият яратади. Ҳомила танасининг юкори қисми турилишида елкалар чаноқ чиқиши қисмiga яқинлашиш билан қийшиқ ўлчовдан чаноқ чиқиши қисмининг тўғри ўлчовига ўтади (ҳомила боши эса ўзининг ўқ-ёйсимон чоки билан ҳали чаноқ бўшлиғининг қийшиқ ўлчовида туради). Олдинги елка қов суюги остига келади, орқадаги елка дум суюги ва чот устида туради.

Турурк тез рўй берса, бунда ҳомила кўлларини танасининг олдига чалиштирган ҳолда туғилади. Одатда олдинги елка туғилибок, унинг 2/3 с қисми қов суюги остига тақалгач (тақалиш нуктаси), чот остидан орқадаги елка туғилади.

Ҳомила боши букилган ҳолда чаноқ ичидаги айланади, бунда пешона ва юз думғаза чукурчаси томонга, энса чукурчаси эса қов суюги остига қараб қолади. Энса чукурчаси (тақалиш нуктаси) қов суюги пастки қисмiga тақалиб, кейин жинсий ёриқдан ияқ, юз ва пешона туғилади.

Бошнинг қолган қисми кичкина қийшиқ ўлчови билан худди энса билан олдинги кўринишда келгандаги бошнинг турилишига ўхшаб туғилади. Турурк жараёнини албатта шифокор ўзи кузатиши ва түғдириши керак.

Ҳомила турилиши жараённида баъзан қўллар юкорига кўтарилиб қолади, бунда унинг шифокор қўлларини қўйидаги усулда чикаради.

Шифокор ҳомиланинг чот остидаги кўлига қарама-қарши турган иккинчи кўли билан унинг иккала оёғини бир-бирига жипслаб ушлаб олади, сўнгра ҳомилани юкорига, вазиятига тескари — онанинг чот бур-

маси томонга ва ёнга күтәради-да, иккинчи қўлининг кўрсаткич ва ўрта бармокларини ҳомиланинг орқа томонидан ковга сукиб, курак томонга йўналтирилади, ҳомиланинг қўлини курак ва елка, тирсак бўғими, билак-нинг 1/2 юқори кисми бўйича сирғантириб, аста-секин чиқарилади. Қўлларни танадан узоклаштиргмаган ҳолда чиқариш керак. Акс ҳолда қўллар синиши мумкин. Қўллар одатда ҳомиланинг юзи бўйлаб сирғанади (ҳомила гўё «ювинади»), (11.4.-расм, а, б, в).



11.4-расм: а - ҳомила чаноқ кисми билан олдин келганда қўл билан ёрдам бериш, орқадаги қўлни чот остидан чиқариш, б - ҳомила танасини 180° га буриш в - ҳомила бошини Морисо-Левре-Лашапель усулида туғлириш.

Орқадаги қўлни озод килгандан кейин юқоридаги бошқа қўлни озод килишга ўтилади. Бунинг учун иккала қўл билан ҳомила танасини кўкрак кафаси соҳасидан коринга тегмасдан (акс ҳолда жигар катта бўлгани учун уни жароҳатлаш хавфи бўлади) унинг ташқарига чиқкан қўли билан бирга ушлаб, 180° га айлантирилади. Ҳомилани айлантирганда унинг орқаси симфиз остидан ўтиши керак, Уни сира пастга тортиш ярамайди. Ҳомилани айлантириб бўлгандан кейин иккинчи қўлни ҳам биринчи қўл сингари озод қилинади. Бунинг учун яна қайтадан оёклардан ушлаган ҳолда ҳомила танаси онанинг қарама-қарши чот бурмаси томонга юқорига йўналтирилади.

Ҳомиланинг қўлларини озод қилиб бўлгандан кейин, дарҳол бошини чиқаришга киришилади. Бу даврда шифокор ҳомила бошининг нормал туғилишига катъий риоя килган ҳолда қўли билан ёрдам кўрсатиши зарур. Бу вактда ҳомиланинг боши олдинга букилган ҳолда чаноқ ичидаги бўлади. У чаноқ чиқишида симфиз остида энса ости чукурчаси жойлашган ҳолда туриб қолади ва бу чукурча тақалиш нуктаси хисобланади. Ҳомиланинг боши шу тақалиш нуктаси атрофида айланаб, туғлиради.

Туғиш механизми нормал бўлганда ҳомиланинг бошини Морисо-Левре-Лашапель томонидан таклиф қилинган усул билан чиқариш осон бўлади. Бу усул ҳомила боши очилиб кетишининг олдини олишга қаратилган. Бунинг учун бир шифокор қўлини қинга киргизади. Шунда ҳомила шу қўл билаклари устида минган ҳолатда бўлади, оёклари эса қўлнинг икки ёнида осилиб қолади. Шифокор қиндаги кўрсаткич бармогини тирнок бўғимига қадар ҳомиланинг оғзига суқади ва ҳомиланинг бошини олдинга букилган ҳолда олиб чиқишига имконият туғлиради. Лекин ҳомила оғзига суқилган бармоқ олиб чиқувчи куч бўла олмайди. Шифокор та-

шашқаридаги қўлининг кўрсаткич ва ўрта бармокларини сал букиб, ҳомиланинг бўйнидан вилкага ўхшаб қисиб олади ва колган бармоклари билан ҳомиланинг елкасидан ушлайди.

Кўрсаткич ва ўрта бармоклар учи билан ҳомиланинг ўмров сугини босмаслик ёки бармокларни ўмров ости чукурчасига юбормаслик керак. Шифокорнинг ташқаридаги қўли асосан олиб чиқувчи куч вазифасини ўтайди. Ҳомила бошини чиқаришда ичкаридаги қўл бошининг ҳар доим энг кам ўлчови билан туғилиши учун имкон беради, деб айтиб кетган эдик. Бу билан ҳомила бошининг чаноқ ичидаги тўғри айланishiга ва ўқ-еъсимон чок билан чаноқ ўлчовларининг тўғри муносабатда бўлишига эришилади. Ташқаридаги иккинчи қўл билан ҳомила бошини олиб чиқиш учун тракция қилинади (пастга тортилади). Натижада энса суяқ чукурчаси симфиз остига келади. Ҳомила боши ўзининг ана шу тақалиш нуктаси атрофида айланади, ҳомила танаси юкорига кўтарилади, бунда чот остидан ҳомиланинг оғзи, юзи, пешонаси туғилиди.

Ҳомиланинг чаноқ билан туғилиш жараёнини Цовъянов бўйича 4 даврга бўлиш мумкин: а) ҳомиланинг киндик ҳалқасигача туғилиши; б) курагининг пастки бурчагигача туғилиши; в) елка кисми ва қўлларининг туғилиши; г) ҳомила бошининг туғилиши.

Ҳомила думбаси билан чала олдин келганда тутрүкни Цовъянов таклиф қилган усулда олиб бориш акушерлар ўртасида кенг тарқалган (11.5, 11.6.-расмлар).

Тутрүк муваффакиятли ўтиши учун аввало оёклар нормал ҳолда, яъни чаноқ-сон бўғимлари букилган ва тизза бўғимлари очилган бўлиши керак. Цовъянов усули ҳомила оёкларини танасига ёпиштириб ушлаган ҳолда бачадон бўйининг тўла очилишини, оёқ-қўлларнинг нормал туришини, оёкларнинг ташқарига вактдан илгари чиқмаслигини таъминлайди.

Ҳомиланинг кўкрак кисми туғиш йўлларидан ўтишида уни кенгайтиради ва ҳомила бошининг қаршиликсиз туғилиши учун шароит яратиб беради.

Цовъянов думба билан чала олдин келганда тутрүкни қуйидагича олиб боришни таклиф қилган: думба тутрүк йўлидан чиқиши билан шифокор чойшаб орқали уни иккала қўли билан, яъни катта бармокларини ҳомила сонининг орқа юзасига (корин бўйлаб кисилиб турган оёклар устига),



11.5.-расм. Ҳомиланинг чаноқ кисмидан ушлаб тутдириш (Цовъянов усули)



11.6.-расм. Ҳомиланинг чаноқ кисми билан тутдириш (Цовъянов усули)

қолган бармокларини эса ҳомиланинг думғаза юзасига қўйган ҳолда ушлайди. Қўлларни ҳомилага бундай жойлаштириб ушлаш оёқларни вақтдан илгари тушиб кетишдан сақлайди, шунингдек тугилаётган танани юқорига йўналтиради.

Ҳомила танаси ташқарига чиққач қўлини шифокор аста-секин жинсий ёриқ томонга суради. Бу вақтда ҳомиланинг кўкрак қафаси бўйлаб ётган оёқларини шифокор бармоклари билан, бошқа бармоклари билан эса орқасидан эҳтиётлик билан ушлаб, қўлини юқорига суради. Бу вақтда ҳомила оёқларининг вақтидан илгари чиқишига ва бошнинг орқага, эгилиб кетишига йўл қўйилмайди. Ҳомиланинг танаси сўнгги турилиш давомида елка камаригача ташқарига чиқса, унинг қўллари ўзи тушади. Агар ҳомиланинг қўллари ташқарига чиқмаса, уларни қиндан чиқаришга уринмасдан, елка камари чаноқ чиқишининг тўғри ўлчовига келтирилади ва ҳомила танаси пастга қийшайтирилади. Натижада олдинги кўл қов суяги остидан чиқади. Сўнгра ҳомила танаси юқорига кўтарилса, чот устидан орқа кўл ва у билан бир вақтда ҳомиланинг оёқларн ҳам ташқарига чиқади. Бу вақтда кўпинча ҳомиланинг боши чанок тагида бўлади. Уни чиқариш учун ҳомила думбаси аввал пастга, сўнгра юқорига йўналтирилса, олдинга эгилган ҳомила боши кучаниш натижасида ташқарига мустақил чиқади. Агар бош туғруқ йўлидан мустақил чиқмаса, уни чиқариш учун юкорида айтиб ўтилган Морисо-Левре-Лашапель усули қўлланилади. Шуни айтиб ўтиш керакки, Цовъянов усулини қўллагандан камдан-кам холларда Морисо-Левре-Лашапель усули қўлланилади.

Ҳомила думбаси билан келишидаги туғруқлар

Кўрсатмаларни баҳоланг. Думба билан келишидаги туғруқни хатарсиз ўтказиш учун ҳамма шароитлар мавжудлигига амин бўлинг.

Ердам кўрсатишнинг асосий қонунларига амал қилинг ва вена ичига суюқ дори кўйишни бошланг.

Руҳан қўлланг. Зарурият бўлса, пудендал оғриксизлантиришга ўтинг.

Ҳамма муолажаларни хушёрлик билан, куч ишлатмасдан ўтказинг.

Тўлиқ ёки чала думба билан келиши.

Думбаси ва оёқлари туғилиши

Думбаси қинга тушиши билан бачадон бўйни тўлиқ очилгач, аёлни кучаниклар пайтида кучанишни сўранг.

Агар оралиқ яхши очилмаса, эпизиотомия ўтказинг.

Ҳомила бел кисми, ундан кейин эса куракларининг пастки бурчаги кўринингчча, думбаси мустақил туғилишига қўйиб беринг.

қўлингиз билан думбачасидан ушлаб туринг, лекин тортманг.

Агар оёқлар мустақил туғилмаётган бўлса, уни битталаб чиқазиб олинг:

Бели эгилиши учун тиззаларини орқасидан босинг.

Ҳомиланинг тўпифидан ушлаб, товони ва оёғини тортиб олинг.

- Бошқа оёғи учун шу ҳаракатни такрорланг.

Оёғи туғилмагунча болани тортманг

• Болани 11.9-расмда күрсатилганидек сонидан ушланг, болани бикинидан ёки корнидан ушламанг, чунки бу билан болани жигари ва бўйракларини зизб қуишингиз мумкин.

Кўллари тутилиши

Кўллари кўкракда ушлаб кўриб сезилади.

Кўлларни ўз-ўзидан бирма-бир тутилишига кўйиб беринг. Зарурият туфилгандагина ёрдам беринг.

Бир кўли ўз-ўзича туғилғандан сўнг, иккинчи кўли мустакил тутилиши учун думбасини олдинга, онасининг корнига қаратиб кўтариш.

Агар кўли ўз-ўзича туғилмаса, бир ёки икки бармоғингизни тирсагига кўйиб боланинг юзи орқали пастга айлантириб кўлини эгинг.

Кўллари боши орқасига чалкашган ёки бўйнига ўралган.

Ловсет усулини кўлланг (11.10.-расм)

Боланинг сонидан ушланг ҳамда орқасига қўлингизни кўйиб, шу вактнинг ўзида уни пастга тортиб туриб, 45° га айлантиринг.

Бир ёки иккала бармоғингизни устига кўйиб кўллари тутилишига кўмаклашинг. Бу ҳолда орқада турган кўли олдинга ўтади ва бола осон туғилади. Кўлларини кўкраги орқали тирсакларини билаги билан буккан ҳолда юзидан ўтказиб, пастга тушириб кўйинг.


Иккинчи кўли тутилиши учун бола орқасини тепа тарафидан ушлаб, охиста пастга тортиб болани оркага 45 даражага айлантиринг. Чалкашган иккинчи кўлини худди шу йўл билан тўғрилаб кўйинг.

A. Тўлиқ (аралаш) думба билан келиши



A. Complete (flexed) breech

A. Чала (фақат) думба билан келиши



B. Frank (extended) breech

11.7.-расм. Тўлиқ думба билан келиши.

11.8.-расм. Чала думба билан келиши



11.9.-расм. Болани белидан ушлаб туринг, лекин тортманг



11.10.-расм. Ловсет усули.

Бола танаси айланмаслиги. Агар боланинг танасини, олдинда турган биринчи қўли туғилиш учун айлантириш уддаланмаса, орқасида турган елкасини бўшатинг (11.11-расм).

Болани тўпигидан ушлаб кўтаринг.

Бола кўкрагини аёл оғининг ички қисмига йўналтириб, силжитинг. Бу ҳолда орқада турган елка туғилиши керак.

Қўлини бўшатиб олинг,



Орқада турган елка

11.11.-расм. Орқада турган елканинг туғилиши.

Болани тўпигидан ушлаб, орқага туширгинг. Энди олдинда турган елка туғилиши керак.

- Қўлини оҳиста чиқариб олинг.

Орқада турган елка

Ҳомила бошининг туғилиши

Моррис-Смелли-Вейт усулини кўллаб, бош туғилишига кўмаклашинг (11.12.-расм).

• Бола танасини юзини пастга қаратиб, билагингизга, кафтингиз устига кўйинг.

Бола жарини пастга тушириш ва бошини эгиш учун ўша қўлингизнинг кўрсаткич ва бош бармокларини юз суюкларига, ўрта қўлингизни эса боланинг оғзига тикинг.

Бошқа қўлингиз билан боланинг елкаларидан ушланг.

Жафдан тортиш билан ҳомила боши пастда кўрингунча, тепадаги қўлингизни иккала бармогидан фойдаланиб, бола бошини кўкрагига қаратиб букинг.

Ҳомила боши туғилиши учун уни оҳис-та тортинг.

Эслатма: Ёрдамчидан, ҳомила боши туғилаётган пайтда онанинг қовуғи устидан босиб туришини сўранг. Бу харакат ҳомила бошини эгилган ҳолда ушлаб турди.

• Болани, оғзи ва бурни кўрингунга қадар, кўлларини боши ёнида ушлаб туриб кўтаринг.

Тургурқдан кейинги парвариш.


Боланинг бурни ва оғзидаги суюқликни сўргич билан тозаланг.

Киндикни кисинг ва киркинг.

Онага окситоцин юборинг м/о 10 бирл., тургурқдан кейин 1 дакиқа ва тургуркнинг учинчи босқичини фаол давом эттиринг.

Аёлнинг тургурк йўлларини текширинг ва эпизиотомиядан кейин бачадон бўйни, қин ёки оралиқ тўлиқлигини тикланг.

Бачадон бўйни тўла очилмаган, лекин думбалар туғила бошласа, стерилланган тагликни жинсий ёрикка ёпиб, қўл билан туғилаётган думбалар ушлаб турилади. Бунда қов устидан контракцион ҳалқанинг кўтари-лганига қараб (агар 10 см кўтарилган бўлса) ҳамда думба туғилиши дард



11.12.-расм. Моррис-Смелли-Вейт усули

зўрайганига асосланиб бачадон бўйни тўла очилган деб хулоса килинади ва ҳомилани юқорида айтилган усул билан туғдирилади. Бу Цовъянов таклиф этган усулдир.

Туғруқ жараёнидаги оғир қийинчиликлар. Бунда бош қўллар билан бирга чанок кириш қисмидан ўтолмайди, унда биз юқорида айтиб ўтилган омиллардан фойдаланишни маслаҳат берамиз.

Ҳомила чаноги билан келганда кейин келадиган бош туфайли киндик кисилиб қолиши, натижада ҳомила асфиксияга учраб, ҳатто нобуд бўлиши мумкин.

Ҳомила боши чанок кириш қисмida тутилиб қолганда факат бошни перфорация килиш йўли билан туғдириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган мураккабликлар асосан туғрукни тўғри олиб бориш, ҳомилани вактидан илгари тортиб олишига интилиш натижасида вужудга келади.

Ҳозирги пайтда ҳомиланинг думба ва оёклар билан келишида юқорида кайд килиб ўтилган мураккабликларни ҳисобга олган ҳолда кўпроқ кесарча кесиш йўли билан ҳомила туғдирилади. Албатта операция килишдан олдин ҳомиладор синчилаб ўрганилади (chanok ўлчовлари, ҳомиланинг оғирлиги, бошининг ҳажми, туғруқ дардининг хусусияти ва бошқалар ҳисобга олинади). Агар аёлнинг ўзи туға олишига каноат хосил қилинса, операция қилинмайди. Аммо туғиши жараёнини шифокор ўзи кузатиб бориши керак.

Ҳомила чаноқ билан олдин келганда акушерлик ёрдами. Ҳомиланинг чаноги ва оёғи билан келиши деярли патологик ҳолат ҳисобланади, шунга кўра туғаётган аёлни тўла ўрганиш керак. Агар кесарча кесишга халяқит берадиган бирор салбий ҳолат бўлмаса, бу жарроҳлик усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Амалий қўнималар.

1. Ҳомила думба билан келганда туғдириш усули

Тайёргарлик.

1. Керакли асбобларни тайёрланг
2. Муолажа ҳақида аёлга тушунтиринг
3. Аёлни эмоционал қўллаб кувватланг
4. Чанок билан келишини аникланг
5. Индивидуал ҳимоя воситаларини кийинг.

6. Қўлларни ювинг ёки антисептик восита билан қўлга ишлов беринг ва қўлқоп кийинг.

7. Антисептик эритма билан ташки жинсий аъзоларни артиб тозаланг.

8. Сийдик қопини катетеризация қилинг.

Думба ва оёқ туғилиши

1. Бачадон бўйни тўлик очилиши ва думбани қинга тупиришда аёлга ҳар бир дард вактида кучанишни тушунтиринг.
2. Керак бўлса эпизиотомия қилинг.
3. Думбанинг мустақил туғилишига ёрдам беринг, то орка елка кўрин-

гунча.

4. Думбаларни иккала күл билан аста ушланади, катта бармок оёқ соҳасида бўлиши керак, колганлари тана соҳасида бўлади.

5. Агар оёклари мустақил туғилмаса, оёкларни бирма-бир чиқаринг.

6. Чакалоқни сонидан ушланг.

7. Агар қўллар кўкрак кафасига ёпишган бўлса, уларнинг мустақил турилишига ёрдам беринг.

8. Агар қўллар бошнинг оркасида бўлса, ёки бўйин атрофида бўлса, классик усул қўлланг.

9. Агар чақалоқ танасини айлантириш керак бўлса, олдин орқа кўл, кейин олдинги кўл чиқарилади.

Бошнинг туғилиши.

10. Бошни чиқариш Mauriceau Smeli усули қўлланилади.

11. Туғруқнинг III даврини актив олиб боринг.

12. Юмшок туғруқ йўлларини кўринг, йиртилган бўлса, уларни тикинг, керак бўлса эпизиотомия қилинган соҳани тикинг, агар эпизиотомия қилинган бўлса.

13. Туғруқдан кейин тез ёрдам кўрсатинг ёки чақалоққа ёрдам керак бўлса.

Муолажадан кейин.

1. Қўлқоп ечишдан олдин ишлатилган материалларни контейнер ёки пластик копга солинади.

2. Ишлатилган шприцлар ва игналарни тешилмайдиган контейнерга солинади.

3. Қўлқоп ечилади ва 0,5% хлорли оҳакка солинади.

4. Қўлларни яхшилаб ювилади, бачадонни яхши қисқараётганилигини кузатилади.

5. Туғруқ тарихига ёзилади.

2. Ҳомилани думбаси билан келгаида чиқариб олиш

Тайёргарлик.

1. Керакли асбобларни тайёрлаш.

2. Беморга муолажа технологияси тўғрисида тушунтириш, уни диққат билан эшлитиш, унинг саволларига жавоб беринг.

3. Ҳомиладорлик қандай кечганлигини баҳолаш учун аёлни текшириш, унинг ахволини баҳолаш, тиббий ҳужжатларни кўриш.

4. Кон таҳлилини, гемоглобин ва кон гурухини, Rh мансублигини аниқлаш, 2 доза кон тайёрлаш.

5. Т/и катетери кўйилади ва 500 мл суюқлик инфузия қилинади.

6. Премедикация қилинади.

7. Сийдик қопи катетерланади.

8. Аёлга халат ва қалпок кийишга ёрдамлашилади.

9. Анестезия ҳолатини баҳоланг.

10. Хирургик кийим, баҳила, никоб, химоя кўзойнаги ва пластик халат

кайинг.

11. Күлларни хирургик ювинг, стерил қўлқоп ва халат кийинг.
12. Ҳамма асбоблар тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилинг ва ёрдам-чидан уларни санашини сўранг.
13. Ёрдамчи ҳам тайёrlигига ишонч ҳосил қилинг.

Беморни тайёrlаш.

1. Жарроҳлик столини букинг ёки bemornining бел соҳасига ёстиқча кўйинг.

2. Аnestezия таъсирини баҳоланг.

3. Беморнинг корин олд деворига антисептик эритма билан ишлов беринг, қуритинг ва чойшаб билан ёпинг.

Муолажа.

1. Ҳомила оёкларини тизза чуқурласигача чиқаринг. Тиззаларни қўидагича ушланг: катта бармоқ болдир мушаги соҳасида, колган 4 бармоқ оёкларнинг олд томонидан ушланади.

2. Жинсий ёриқдан сон кўриниши билан уни икки қўл билан ушланади.

3. Пастга ва бироз орқага тракция қилинади. Думба кўриниши билан олдинга тортилади.

4. Думба чиққандан кейин катта бармоқ сон томонидан, колган бармоқлар думғаза соҳасида ушланади.

5. Орқа елкаларни ва қўлни бўшатиш учун бир қўл билан болдир ушланади ва аёл чов бурмасга параллел килиб кўтарилади.

6. Туғруқ йўлига умуртқа томонидан иккала қўл киритилади, елка соҳасигача тирсак бўғимини ушланади ва қўл чиқарилади.

7. Олдинги елка озод қилинади ва ҳомила 1800 га айлантирилади ва кейинги елка чиқарилади.

8. Ҳомила акушер қўлига қўкрак қафаси билан иккала оёклари ўртасига ётади.

9. Кўрсаткич бармоқни ҳомиланинг оғзига киритилади ва бошни букилади, колган қўллари бошни вилкасимон ушлайди, бўйин соҳасидан ўрта бармоқ бошни ушлаб туради.

10. Бошни чиқараётганда биринчи пастга ва орқага сочли кисми туғилгунча тортилади, кейин пастга ва олдинга, кейин фақат олдинга тортилади. Бунда ияқ, бурун, пешона ва энса туғилади.

Операциядан кейин.

1. Қўлқоп счишдан олдин скальпелдан лезвияни оламиз. Ҳамма игналар ва ўтқир асбобларни тешилмайдиган контейнер ёки пластик колга солинади.

2. Барча инструментларни 0.5% хлор эритмасига юқумсизлантириш учун солиб қўйинг.

3. Агар шприц ва игналар кўп марталик бўлса шприцга игна орқали 0,5% ѹод эритмасини тўлдиринг ва деконтаминация учун тешилмайдиган

контейнерга жойлаштиринг.

4. Фартук ва қўлқопларни ечинг, агар улар бир марталик бўлса герметик контейнер ёки пластик қопга солинг.

5. Агар уларни қайта ишлатишга эҳтиёж бўлса, 0.5% хлор эритмасига солиб кўйинг.

6. Қўлни яхшилаб ювинг.

7. Касаллик тарихига ва операция журналига операция ва операциядан кейинги муолажаларни ёзиб кўйинг.

8. Пульс, АҚБ, НОС, жароҳатдан ва қиндан қон кетишини кузатинг.

9. Бемор ахволини операцион блокдан палатага ўтказгунча кузатинг.

10. Беморни ҳар куни ёки керакли ҳолатларда кузатинг.

11. Бемор чикиб кетгунгача операцияга кўрсатмани, операциядан кейинги стерилизация усулини мухокама қилинг.

Масалалар.

1. Такрор туғаётган аёл акушерлик бўлимига корин пастида кучли, ҳар замонда такрорланувчи оғриқ, коғаноқ сувининг кетиб қолганлигидан шикоят килган ҳолда ётқизилди. Туғруқ бошланганига 8 соат бўлган. Чаноқ ўлчамлари: 25-29-32-21. Корин айланаси 94 см. Бачадон тубининг баландлиги 33 см. Ҳомила бўйлама вазиятда бўлиб, бачадон тубида қаттиқ. Лиқиллаб турадиган қисми пайпасланади. Ҳомиланинг юрак уриши яхши, ритмик, минутига 140 марта, туғруқ кучлари нормада ҳар 3-4 минутда 40-50 секунддан давом этмоқда. Қин орқали текширилганда бачадон бўйни тўла очилган, ҳомила пуфаги йўқ, чаноқ деформацияси йўқ, думба олдинда бўлиб, у чаноқнинг иккинчи текислигига ётиби.

1. Диагноз.

2. Туғруқни олиб бориш режаси.

2. 34 ёшли биринчи марта туғаётган аёл акушерлик бўлимига коғаноқ сувларининг оқиб кетиши ва корин пастида оғриқ пайдо бўлганидан шикоят килиб келди.

Анамнезида: 7 йил боласи бўлмаган. Ҳомиладорлик асоратсиз кечди. Чаноқ ўлчамлари 22-26-27-18 см. Ҳомиланинг тахминий оғирлиги 4200 гр. Ҳомила бўйлама вазиятда биринчи позицияда, чаноқ олдинда ётиш ҳолатида жойлашган. Ҳомиланинг юрак уриши қиндиқдан юқорида, минутига 132 марта, ритмик, аниқ эшитилади. Туғруқ кечишида дард тутиши ҳар 12-13 минутда 20-25 секунд давом этади.

Қин орқали текширишда қин тор, бачадон бўйни 2 см очилган, деворлари қалин, думбалар кичик чаноқка кириш текислиги устида, диагонал конъюгата 11 см лиги аникланди.

1. Диагноз.

2. Туғруқни қандай олиб бориш керак?

3. Биринчи туғувчи 25 ёшдаги ҳомиладор аёл, бел ва қориннинг пастки қисмидаги оғриқдан шикоят қилиб келди. Бачадон ҳомиладорлик хи-

собига катталашган. Бачадон туби баландлиги – 30 см, қорин айланаси – 95 см. Пайпаслаганда бачадон тубида ҳомиланинг думалок, каттирок кисми аникланди. Аёлнинг чап ёнбошида ҳомилалии кенгрок ва каттарок кисми ва ўнг ёнбошида – майда қисмлари аникланди. Бачадоннинг пастки сегментида юшок ва каттарок кисми бор эди. Чаноқ ўлчамлари: 25-28-31-20. Соловьёв индекси 14 см.

Ҳомиланинг олдинда келаётган қисми, позицияси ва кўриниши?

- A. Ҳомиланинг думбаси билан келиши, 1 позиция, олдинги кўриниш.
- B. Ҳомиланинг думбаси билан келиши, 2 позиция, олдинги кўриниш.
- C. Ҳомиланинг думбаси билан келиши, 1 позиция, орка кўриниш.
- D. Ҳомиланинг боши билан келиши, 1 позиция, олдинги кўриниш.

Ҳомиланинг тахминий вазни?

- A. 2850 г.
- B. 3500 г.
- C. 2500 г.
- D. 4150 г.

4. Ҳомиладор аёл уйда туғаяпти. Мазкур ҳомиладорлик учинчи, биринчиси нормал туғруқ билан, иккинчиси эса аборт бўлган. Ҳомила холати вертикаль, кичик чаноқ текширув жараёнида ҳомила чаноқ холатида турибди. Туғруқ фаолияти тартибли текширув жараёнида ҳомила атрофи сувлари чиқди, натижада ҳомиланинг юрак уриши (мин) 100 та гача пасайди. Қин оркали текширувда бачадон оғзи тўла очик. Ҳомила пуфаги йўқ, ҳомила думбалари кичик чаноқ бўшлиғида.

Диагноз? Туғишини бопикарувчи шифокор қандай чоралар кўриши керак?

Ўргатувчи тестлар.

1. Ҳомиланинг чаноқ билан олдин келишини аниклаш қийин бўлса, қандай усусларни қўллаш мумкин:

Рентгенография.

Ультратовуш.

Аускультация.

2. Туғруқ даврида ҳомиланинг чаноқ билан келишида қандай даврлар мавжуд:

Ҳомиланинг киндиккача туғилиши.

Киндикдан кўқракнинг пастки бурчагигача турилиши.

Елкаларининг туғилиши.

Бошининг туғилиши.

3. Ҳомиланинг чаноқ билан олдин келишида ташки кўриқда нима аникланади?

Бачадон тубининг юқорида туриши.

Бачадон тубида лиқиллаётган бош аникланади.

Ҳомиланинг юраги киндикдан юқорида эшигилади.

4. Думба билан олдин келишда қўл билан Цовъянов усулида ёрдам кўрсатиш:

Думба туғруқ йўлидан чиқиши билан, шифокор уни иккала қўли билан ушлаб олади (корин бўйлаб оёқларини ушлаб туради).

Ҳомиланинг елка камари туғилиши билан, қўллари одатда ўзи тушиб кетади.

5. Ҳомила оёқлари билан келганида Цовъянов усулини қўллаш:

Бачадон бўйни тўла очилган бўлса, оёқлар туғилишига қўймай тўскинлик қиласди.

Ташқи жинсий аъзолар стерил чойшаб билан ёпилиб, шифокор кафти билан ҳомиланинг оёқларини ушлаб туради.

6. Чаноқ билан келишига қайси бири хос?

Чаноқ билан келиши 3-5% ҳолларда учрайди.

Чаноқ билан келганда туғиш она ва ҳомилада кўп асоратларга олиб келади.

Перинатал йўқотишлар (ўлим) чаноқ билан келишда бош билан келганга нисбатан 3-5 марта кўп учрайди.

Чаноқ билан келишдаги туғруқ норма ва патология ўртасидаги чегара ҳисобланади.

Чаноқ билан келганда туғруқни шифокор олиб боради.

7. Чаноқ билан келишнинг қандай 4 турлари ажратилади?

Соф думба билан келиши.

Аралаш думба билан келиши.

Тўлиқ оёқ билан келиши.

Тўлиқ бўлмаган оёқ билан келиши, яъни бир оёқ билан.

8. Соф думба билан келишига нима хос?

Кичик чаноқни кириш қисмига думба тўғри келади.

Оёқлар тана бўйлаб ёзилган.

Оёқлар чаноқ - сон бўғимида букилган ва тизза бўғимида ёзилган.

Товоңлар ияқ ва юз соҳасида жойлашади.

9. Аралаш думба билан келишига нима хос?

Оёқлар билан думба кичик чаноқнинг кириш қисмида жойлашади.

Оёқлар чаноқ - сон ва тизза бўғимида букилган.

Оёқлар болдири - товоң бўғимида озгина ёзилган.

Ҳомила «чўккалаш» ҳолатида.

10. Тўлиқ оёқ билан келишига нима хос?

Иккала оёқ кичик чаноқни кириш қисмига қараган.

Оёқлар чаноқ - сон бўғимида озгина ёзилган.

Оёқлар тизза бўғимида букилган.

11. Нотўлиқ оёқ билан келишига нималар хос?

Бир оёқ кичик чаноқ кириш қисмида жойлашади.

Жойлашган оёқ тизза ва чаноқ - сон бўғимида ёзилган.

Бошқа оёқ юқорироқ жойлашади.

Юқорироқ жойлашган оёқ чаноқ-сон ва тизза бўғимида ёзилган.

12. Чаноқ билан келишига олиб келувчи она томонидан омиллар:

Бачадон ривожланишидаги аномалиялар.

Тор чаноқ.

Чаноқ ўсмалари.

Кўп туғувчиларда бачадон тонуси ошириши ёки пасайиши.

Бачадондаги чандик.

13. Чаноқ билан келишига олиб келувчи асосий ҳомила омиллари:

Етилмаган ҳомила.

Кўп ҳомилалик.

Ҳомила ривожланишининг орқада қолиши ва турма аномалиялари.

Ҳомиланинг нотўғри жойлашиши.

Ҳомила вестибуляр аппаратининг хусусиятлари.

14. Ҳомиланинг чаноқ билан келишига олиб келувчи асосий йўлдош омиллари:

Йўлдошнинг олдинда жойлашиши.

Йўлдошнинг бачадон тубида ва бурчагида жойлашиши.

Камсувллик.

Кўпсувллик.

15. Ҳомиланинг чаноқ билан келишининг белгилари:

Бачадон тубининг юкорида туриши.

Бачадон тубида каттиқ ҳаракатчан бошнинг аниқланиши.

Кичик чаноқ кириш қисмида катта, нотўғри шаклдаги юмшоқ консистенцияли қисм аниқланади.

Ҳомиланинг юрак уриши киндикдан юкорида ёки киндик соҳасида эшишилади.

Кин оркали текширилганда ҳомиланинг юмшоқ қисми аниқланади.

16. Чаноқ билан келишдаги ҳомиладорликнинг энг кўп учрайидиган асоратлари қўйидагилар:

Ҳомиланинг муддатдан олдин туғилиши.

Эрта токсикоз.

Презклампсия.

ХУОК.

Киндик билан ўралиш.

Камсувллик.

17. Чаноқ билан келадиган туғруқнинг I давридаги асосий асоратлари:

Вактидан илгари сув кетиб қолиши.

Киндик тизимчасининг ва ҳомиланинг майда қисмларининг тушиши.

Туғруқ дардининг сустлиги.

Ҳомиланинг ички димиқиши.

Туғруқдаги эндометрит, амнионит, плацентит.

18. Чаноқ билан келишда туғруқнинг 2-даврида қандай асоратлар юз бериши мумкин:

Қўлларнинг ёзилиб кетиши.

Бошнинг ёзилиши.

Киндикнинг қисилиб қолиши ва ҳомиланинг ўткир гипоксияси.

Думбанинг чаноқда тикилиши.

Орқа кўринишнинг ҳосил бўлиши.

19. Чаноқ билан келишда тургрукни бошқариш усуллари

Тургрукни сунъий чақириш ва табиий тургрук йўллари оркали туѓрукни ўтказиш.

Тургрукни ўз вактида ёки вактидан илгари кўзғатиш.

Режали тартибда кесарча кесиш.

20. Чаноқ билан келишда режали кесарча кесишга кўрсатмалар:

Муддатидан ўтган ҳомиладорлик.

Етук ҳомиладорликда тургрук йўлларининг тайёр эмаслиги.

Жинсий аъзоларнинг ривожланиш аномалиялари.

Анатомик тор чаноқ.

Чаноқ билан келишнинг операцияга кўрсатмалар билан биргаликда келиши (бачадондаги чандик, катта ҳомила, анамнезида бепуштлик).

21. Чаноқ билан келувчи тургрукда кўлланиладиган акушерлик усулларининг турлари:

Соф думба билан келишда Цовъянов усулида кўл билан ёрдам кўрсатиш.

Оёқ билан келишда Цовъянов усули бўйича кўл билан ёрдам кўрсатиш.

Чаноқ билан келишида классик кўл билан ёрдам бериш.

Ҳомилани човидан ушлаб туғдириш.

Ҳомилани оёғидан ушлаб туғдириш..

22. Чаноқ билан келишида тургрук биомеханизми?

1 - лаҳза: думбанинг ички айланиши.

2 - лаҳза: ҳомила умуртка поронаси бел қисмининг эгилиши.

3 - лаҳза: елкаларнинг ички айланиши ва тананинг ташқи айланиши.

4 - лаҳза: умуртқа поронасининг бўйин - кўкрак қисмининг ёнга эгилиши.

5 - лаҳза: бошнинг ички айланиши.

6 - лаҳза: бошнинг эгилиши, яъни букилиши.

23. Чаноқ билан келишда ҳомиладорликни олиб бориш.

29-30 ҳафталик ҳомиладорликда гимнастика машқлари бажаришни буюриш.

37-38 ҳафталик ҳомиладорликда турруқхонага ётқизиш.

XII БОБ ТУГРУҚНИ ОФРИҚСИЗЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Психопрофилактик усул. Бу усулда аёлларни тургрукка тайёрлаш максадида асосан марказий нерв системаси фаолиятига таъсир қилинади ва бу билан тургрукда рўй бериш эхтимоли бўлган асоратларнинг олди олиниади.

Туғиши жараённада бачадонда ва жинсий аъзоларнинг бошқа қисмларидаги нерв охирлари, толалари ва чигаллари таъсирланади. Бу бачадон

танаасининг кисқариши, пастки сегментининг кенгайиши ва бачадон бўйнининг очилиши натижасида рўй беради.

Тургук йўлларидан сурилаётган ҳомиланинг олдинда келувчи (боши, думбаси, оёғи) кисмлари ҳам оғрикка сабаб бўлади, чунки олдинда келувчи кисм бачадон бўйнининг ён деворларига жойлашган нерв чигалларини босади. Бундан ташқари, бачадон бойламлари ва сероз қаватининг таранглашиб тортилиши, қон томирларнинг сиқилиши натижасида ҳам оғрик пайдо бўлиши мумкин.

Туришнинг иккинчи даврида ҳомила боши чанок тубига тушганда чот ва ташқи жинсий аъзолардаги нерв толаларининг таъсиrlаниши ҳам оғрикка сабаб бўлади.

Оғрик бачадондан марказий нерв системасига ўтади. Бунда оғрик тана юзасига - қориннинг пастки кисмига, бел ва думгазага, чотга, соннинг юқори кисмига тарқалади.

Агар аёллар туришда оғрик бўлиши шарт деб ўйласалар ва бундан кўрксалар, улар оғрикни кучлироқ сезадилар.

Бундан ташқари, туғаётган аёллар туғруқнинг қандай ўтиши, боланинг ҳаётини ўйлаб, ҳағифираф юрадилар, натижада бундай аёлларда ҳам оғрик кучлироқ сезилади. Чунки бунда мия пўстлоғи фаолияти сусаяди, бош мия нерв системаси билан пастда жойлашган кисмларининг мувозозати бузилади.

Бачадондаги нерв элементлари ва жинсий аъзолардаги бошқа нерв толалари туғруқда албатта таъсиrlанади. Аммо аёлларда оғрикни сезиш даражаси ҳар кил бўлиб, бу нерв системасининг функционал ҳолатига боялик бўлади.

Клиник текширишлар шуни кўрсатадики, баъзи аёллар туғруқда унчалик оғрик сезмайдилар. Кўп аёллар озгина оғрикни сезсалар ҳам бунга чидайдилар, кўрқмайдилар, шифокор ва акушерка маслаҳатларига амал киладилар. Бундай аёллар нерв системаси тури кучли бўлиб, улар анча оғир-вазмин бўладилар, шунга кўра улар оғрикни камрок сезадилар. Агар аёлнинг нерв системаси тургун бўлмаса, у акушерка ва шифокор маслаҳатларига кулоқ солмайди, туғруқ жараёнини бошқаришга халакит беради.

Психопрофилактика йўли билан туғруқка тайёрлашдан мақсад туғруқда оғрик бўлиши керак деган фикрни йўқотиш, тутиш физиологик жараён эканини, унинг оғриксиз ўтиши мумкинлигини, оғрик бўлиши шарт эмаслигини аёлга англатишидир.

Психопрофилактика усули ёрдамида бош мия пўстлоғига таъсиrl қилиш билан оғрикнинг анча енгиллашишига ёки бутунлай йўқотилишига эришилади. Шунда аёллар туғруқда ўзларини тинчрок тутадилар ва жараённинг фаол ўтишига ёрдамлашадилар.

Психопрофилактика усулида аёллар тутиш физиологиясининг хусусиятлари, туғруқнинг клиник кечиши ҳамда туришнинг турли даврларида дард тутиши, туғруқнинг одатда оғриксиз ўтиши, бунда аёлга ўзини тўғри тутиши кераклиги тушунтирилади.

Тұгруққа психопрофилактика йўли билан тайёрлаш омиллари ҳомиладорликнинг бошланишидан, айниқса туғрукдан 4 ҳафта олдин ва туриш жараёнида олиб борилади.

Ҳомиладорлик даврида аёлдан сүраб-сурыштириб умумий акушерлик текшируви ўтказилади. Аёл дард тутишидан, туғищдан кўрқадими ёки йўкми, шуларни аниқлаб, у ҳар сафар шифокорга келганда оғриқсиз туғиш мумкинлигини тушунтирилади.

Ҳомиладорликнинг 35-36 ҳафтасида аёллар билан маҳсус машғулот ўтказиб, туғрукнинг кечини, оғриқсизлантириш усуслари билан ҳар томоннама таништирилади (машғулотлар 4-5 ҳафта мобайнида 5 марта ўтказилади).

Психопрофилактика машғулотлари учун оиласиб поликлиникада айрим хоналар ажратилган. Хонада күшетка, расмлар ва муляжлар бўлиши керак.

1-машғулот. Ҳомиладорга жинсий аъзоларнинг анатомик тузилиши ва ҳомиладорлик даврида юз берадиган ўзгаришлар таништирилади, туғишининг нормал физиологик холат экани батафсил тушунтирилади. Бунда туғрук З даврдан иборат бўлиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини, туғрук дардининг давом этиши, жинсий аъзоларда юз берадитган ўзгаришлар, бачадон бўйнининг очилиши, қоғаноқ ва қоғанок сувининг аҳамияти тушунтирилади. Бундан тапқари, туғиши аёлдан анча-мунча куч талаб қиласи. Шунга кўра аёл туғрук жараёнида кучини сақлашни, уни қайси пайтда сарфлаши кераклигини билиши зарур. Айниқса туғрукнинг 2- даврида (ҳомила туғилишида) куч кўпроқ сарфланиши уқтирилади. Аёл вактида овқатланиши, туғища тинч ётишга харакат килиши, шифокор ва акушерка кўрсатмаларини бажариши кераклиги айтилади.

2-машғулот. Бу машғулотда аёлга олдинги машғулот эслатилади, тана оғирлигини камайтириш учун маҳсус жисмоний машқлардан фойдаланиш кераклигини, туғрук дарди бошланиши билан ўзини қандай тутиши лозимлигини тушунтириш керак.

Психопрофилактика машғулоти куйидагича олиб борилади: аёл тинч ётади. Дард тутганда чукур ва ритмик равишда нафас олади. Нафас олиш ва чиқариша ҳар иккала қўл бармоқ учларини ков устидан қорин деворининг ўрта чизигидан ташқарига ва юқорига суради.

Аёл дард тутганда икки қўлини кафт билан ков суюги устидан, қорин ўрта чизиги бўйича қорин пастини ташқарига ва юқорига силайди ва чукур нафас олиб, чиқарища давом этади.

Думғаза ва бел соҳасини ҳам силайди ҳамда ёнбош суюк тароқчасининг иккала юзасини ҳар иккала юқори олд томондан ва думғаза ромбининг ташки бурчагидан босиб сиқади.

3-машғулот. Ҳомиладор ўтган машғулотларни такрорлайди. Туғрукнинг I-II даври қандай бўлиши ва аёл туғаётганда нималарни сезиши ҳакида гапирилади. Бу даврда дард тутиш хусусияти ва давом этиши тушунтирилади.

Тўртинчи ва бешинчи машғулотларда хомиладор билан олдинги машғулотлар тақорорланади ва уларнинг юқорида кўрсатилган амалларга қандай тушунганиклари текшириллади.

Шундай психопрофилактика усуслари билан тайёргарлик кўрган хомиладор аёл осон тугади ва уччалик оғриқ сезмайди. Психопрофилактика усулини аёлга айниқса тўлғоқ тутишнинг I даврида қўллаш лозим.

Хозирги замонда түгруқни оғриқсизлантиришда партнёр (шерик), асосан эрининг роли катта. Партнёр ҳамдард бўлиб, аёлни ширин сўзлар билан силаб туради, ўз иштироки билан тұғадиган аёлни анча тинчлантиради, түгруқнинг яхши тугашига ишонтиради.

Булардан ташқари, түгруқхонада аёллар дори-дармонлар ёрдамида оғриқсизлантириб, түрдирилади. Бачадон бўйни очилиш даврида түгруқ учун спазмолитиклар (папаверин, ношпа ва х.к.) ишлатилади.

Түгруқни оғриқсизлантириш учун хозирги пайтда периурал анестезия усули кенг қўлланади.

XIII БОБ ЧИЛЛА ДАВРИ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Максад: Талабаларни чилла даври физиологияси, янги туғилган соғлом чақалоқлар парвариши, жинсий аъзолар ва бошқа аъзоларнинг тикланиш жараёни физиологияси билан таништириш, она ва боланинг бирга бўлиши, кўкрак билан эмизишнинг ролини кўрсатиш.

Режа:

1. Түгруқдан кейинги давр физиологияси
2. Чилла даврини олиб бориши
3. Янги туғилган соғлом чақалоқларни баҳолаш ва парваришилаш
4. Туккан аёлларни амбулатор олиб бориши мезонлари
5. Келиб чиқиши эҳтимоли бўлган асоратлар, уларнинг диагностикаси
6. Кўкрак билан озиқлантириш тамойиллари, карши кўрсатмалар
7. Кўкрак билан эмизишнинг ролини кўрсатиш.

Түгруқдан кейинги давр – бу бола түгилгандан кейинги, тана аъзоларининг бошланғич ҳолатига қайтиши ва сут ажralишининг бошланиши давридир. Чилла даври 6-8 ҳафта давом этади. Туккан аёл чилла даврининг дастлабки кунларида парваришига муҳтож бўлади, шу сабабли у түгруқхонада шифокор ва акушерка назоратида бўлиши лозим.

Чилла даврининг дастлабки соатларида аёлни синчиклаб кузатиб туриш керак. Чунки бу даврда бачадон мускуллари бўшашиб, унинг қискариш хусусияти сусаяди (гипотония) ва қон кетиб қолиши мумкин. Шунга кўра, аёлни кузатаётган шифокор бачадоннинг қисқариши ва жинсий аъзоларидан келаётган қон миқдорини, аёлнинг томир уриши ва қон босимини текшириб туриши лозим.

Чилла даврида жинсий аъзоларининг аслига келиши (инволюцияси) қандай ўтиши ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бачадон мускуллари чилла даврида нормал қисқарса, мускуллар қисқа мұддатда каттылашиб, бачадон деворининг қалинлиги 1,5-2,5 см бўлиб қолади. Бачадондаги қон томирлар мускуллар қисқариши натижасида сикилиб, деформацияяга учрайди.

Чилла даврининг дастлабки уч кунида бачадондан бир оз қон келиб турди (*lochia rubra*). Келадиган қонда түғруқ ажралмалари бўлади. Ажраладиган лохияларда бачадондаги яралы юза (плацента ўрни), децидуал қават парчалари ҳам учрайди. Плацента жойлашган юзадаги қон томирларда майда тромблар кўринади. Бачадон бўйни олди ва бачадон бўйни мускуллари бўшашибанидан, цервикал каналига осонликча бармокни киритиш мумкин. Қин деворлари ҳам кенгайган, бурмалари текисланган бўлади. Та什ки жинсий ёриқ очилиб турди. Бачадон мускулларидаги ортиқча тўқималари тез орада йўқолади.

Агар чилла даврининг бошида бачадон оғирлиги 1000-1200 грамм бўлса, биринчи ҳафта охирида – 500-600 г, иккинчи ҳафтада – 350 г, учинчи ҳафтада – 200 г, 6-7 ҳафтадан кейин 50-70 грамм бўлиб қолади. Мускул хужайралари, қон томирлардаги нерв тузилмаси ва кўшимча тўқималар астасекин йўқолади ёки биринтирувчи тўқимага айланади. Бачадоннинг асли холига қайтиши нейро-гуморал системанинг таъсирига боғлиқ.

Туккан аёл ҳар куни мунтазам кузатиб борилади, бачадон узуунлиги сантиметр тасмаси билан қов суюғининг юқори четидан бачадон тубигича ўлчанади, у одатда бир кунда 1-1,5 см га қисқариши керак. Чилла даврида бачадон ўзининг қисқариш хусусиятини йўқотмайди, натижада у аста-секин кичиклаша боради. Бачадоннинг қисқариши чақалоқни эмизаётган вақтда айниқса кучли бўлади. Қисқаришнинг сусайиши бачадон субинволюцияси деб аталади.

Чилла даврининг дастлабки кунларида децидуал парда ларчалари, қон лахталари протеолизга учрайди.

Бачадондаги яралы юзалардан яра суюқлиги ажралади ва лохия деб атлади, у 2-3-кунлари қон кўринишида (*lochia rubra*), 4-6 кунлари қон-серозли (*lochia rubra-serosa*) ва 7-9-кунлари серозли (*lochia seroza*). Лохиянинг кўринишига қараб бачадондаги яра юзасининг камаяётгани ва цилиндрсиз мон эпителий билан қопланётганини аниқлаш мумкин. Бачадон деворининг йўлдош ёпишмаган қисмлари чилла даврининг 11-14-куни, йўлдош ёпишган қисми 3 ҳафтанинг охирида эпителий билан қопланади. Чилла даврининг 7-9-кунларида кин, бачадон бўйни ва чотдаги яралар битади. Түғрукдан 1 сутка ўтгач, бачадон бўйнига 3-4 бармокни киритса бўлади, бачадон бўйни бўшашибади, 3-4-кунлар охирига келиб ўз шаклига киради, аммо вақтинча етарлича очик бўлади. Унинг ички тешиги фақат чилла даврининг 10-12-кунда, ташки тешиги эса анча кечрок бекилади. Агар бачадон бўйни йиртилган бўлса, бўйнининг ташки тешиги очик колиб, бутун умрга сурункали ялипланиш учун қулай шароитга айланган жой бўлиб қолади. 12-14 кунларнинг охирида бачадон туби кичик чаноқнинг терминал чизигидан юкорида бўлмайди. Бу пайтга келиб, чаноқ тубининг

мускуллари ўзининг кисқариш хусусиятини тиклаб олади.

Чилла даврида аёлнинг қон босими, томир уриши, ҳароратини кузатиш катта аҳамиятга эга. Баъзи аёлларда туғрукнинг биринчи соатларида ҳарорат бир оз кўтарилиши мумкин. Бу туғрук вактида мускулларнинг зўрикишига боғлик бўлади. Ҳароратнинг кўтарилиши дохиянинг ажралмаётгани ёки кам ажралиши натижасида бачадонда йигилиб қолишдан бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда бачадонни кискартирувчи дориларни юбориш, кин оркали кўрилганда бачадон бўйни канали берк бўлса ёки сиқилиб қолган бўлса, уни асбоблар билан кенгайтириш зарур бўлади. Шунда бачадон ичи ажралма қолдиклари оқиб тушади.

Чилла даврида кўпчилик аёллар ваготоник бўладилар, яъни уларда томир уриши секинлашган, унинг тезлиги бир минутда 60 марта уриб, тўлалиги кониқарли бўлади. Агар томир уриши минутига 85-90 дан ошса, бу аёлда дастлабки патологик қон кетиш, инфекция жараёни бошлангани ёки тиреотоксикоз борлигидан далолат бериши мумкин. Брадикардия бўлса, бу чилла даврининг нормал кечаетганини кўрсатади.

Кўпчилик аёлларда қон босими бир оз пасайғанлигини кузатиш мумкин. Чилла даврида бошқа аъзо ва системаларда ҳам ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда сийдик ажралиши анча издан чиқсан бўлади. Аёлларда сийиш истаги бўлмайди ёки бўлса-да, улар ётган ҳолда сия олмайдилар. Сийдикка тўлиб кетган ковук бачадон ҳолатини ўзgartириб, уни юкорига кўтаради, натижада унинг аслига қайтиши сусаяди ёки тўхтайди. Чилла даврининг дастлабки кунларида сийдик тугилиб колишига сийдик чиқариш канали ёки унинг баъзи соҳаларининг шипшиши ёки жароҳатланиши сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат одатда 2-3 кунда ўтиб кетади. Аммо сийдик тугилиб колса, аёлни мустақил сийдириш чоралари ни кўриш лозим. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, катетер ёрдамида асептика, антисептика коидаларига риоя қилган ҳолда сийдик чиқарилади. Чилла даврининг 2-3 ҳафталарига келиб сийдик йўли фаолияти аслига қайтади.

Чилла даврида ичаклар фаолияти ҳам сустлашган бўлади. Шу сабабли кўлинча аёлларда қабзият кузатилади. Бунда аёлга ҳўкна килиб ичаги бўшатилади. Чилла даврида корин бўшлигининг олдинги девори аста-секин тонусини тиклай олади.

Чилла даврида сут безлари фаолияти бошланади. Ҳомиладорликнинг биринчи ҳафталарида ёк гипофиз ва жинсий без гормонлари таъсирида сут безларида без эпителийлари кўпая боради. Без бўлаклари анча қаттиклишида ва буни аниқлап осон бўлади. Безларни сиқсанда лойқарок оқ суюқлик ажралади. Аммо сут безининг ҳакиқий секрети-сут, йўлдош жинсий гормонларининг ва гипофизнинг пролактин ажратиш тугаганидан кейингини ажрала бошлайди.

Чилла даврининг дастлабки кунларида сут безидан ажраладиган суюқлик оғиз сути дейилади. Оғиз сути иммуноглобулинларга, оқсилга, А витаминига бой ва ўсиш омилларига эга. Чилла даврининг 4-5-кунидан 15-18-кунигача сут бези оралиқ сутини, ундан кейин ҳакиқий, таркиби турғун

сүтни ажрата бошлайди.

Сут безларидаги секрет чиқарадиган ҳужайралар сутни сут йўлларига чиқаради. Сут йўллари гўё дараҳт шохига ўҳшаб кетади, улардан чиқсан сутнинг ҳаммаси бир йўлга қўйилади. Ҳар бир без бўлганинг ўзига хос хусусияти бўлиб, улардан ажралган сут кўкрак бези тугмачасидаги тешиклар орқали чиқарилади. Кўкрак бези тугмачаси мускул ва қўшимча тўқимадан ташкил топган ҳалқача билан ўралган, бу кисиши хусусиятига эга, шунга кўра сут ўз-ўзидан оқиб кетмайди.

Баъзи аёлларда сут йигилиш вақтида бир оз ҳарорат кўтарилиши мумкин. Ислитма чиқиши киска муддат давом этиб, 37-37,8 градусдан юкори кўтарилимайди. Агар ҳарорат бундан юкори бўлса, унда инфекцион жараён бошланганидан далолат беради.

Сут безлари фаолиятининг нормал бўлиши, яъни кўкрак бези тугмачаларининг эмишга тайёрлиги чақалоқнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Агар кўкрак бези тугмачаси қалта ёки ясси бўлса, бола кўкракни яхши сўра олмайди, натижада кўкрак учи ёрилади. Бунинг олдини олиш учун кўкрак учини ҳомиладорлик давриданоқ эмишга тайёрлаш лозим. Бунинг учун ҳар куни қўлни яхшилаб ювиб, бармок учлари билан без тугмачалари бир неча марта тортиб турилади.

Биз юкорида чилла даврида аёлнинг жинсий аъзоларини асептика коидаларига риоя килиб парвариш қилиш лозимлигини айтиб ўтган эдик. Агар аёлнинг чоти, қини, ташки жинсий аъзолари жароҳатланган бўлса, бачадондан ажралган лохия уларни ифлослантиради, натижада у ерда микробларнинг ривожланиши учун куляй шароит яратилади. Агар инфекция кинга, ундан бачадон ва бошқа ички жинсий аъзоларга ўтса, патологик ҳолат вужудга келиши мумкин.

Бунинг олдини олиш учун ташки жинсий аъзолар кунига 2-3 марта ювиб турилиши лозим. Агар чот оралари тикилган бўлса, унинг атрофии тозалаб ювиб, чокни спирт билан артиш зарур, бу муолажани аёл ҳаргал сийганидан сўнг бажариши лозим. Ташки жинсий аъзоларни олдиндан оркага караб ювиш керак, акс ҳолда инфекция тўғри ичакдан жинсий аъзоларга ўтиши мумкин.

Аёлга шифохонадан уйига жавоб беришдан олдин чакалоқ ва эмизикли аёл учун ҳавфсиз бўлған ҳомиладорликдан сакловчи воситаlardан бирини тавсия этиш лозим. Шундай воситаlardан бири бўлиб, маҳаллий қўлланиладиган Фарматекс (Франциядаги) ҳисобланади ва тезкор контрацептивлардан эскапел 1 таблеткани жинсий алоқадан кейин 72 соат ичиш лозим.

Чилла даврининг дастлабки кунлари она учун тўғри кун тартиби ўрнатиш, санитария-гигиена коидаларига риоя килиш, унга чақалоқни парвариш қилиш усууларини ўргатиш зарур бўлади. Туғруқхоналарда оналар мактаби ташкил қилиниб, педиатрлар ва акушер-гинекологлар улар билан 3-4 маротаба машгулот ўтказишлари зарур. Чакалоқ ва аёлни участка шифокори кузатиб туради.

Масалалар.

1. А. исмли түккан аёл, чилла даврининг иккинчи куни умумий ахволи яхши бўлиб, харорати 36,6 градус, томир уриши минутига 68 та. Ички аъзоларида ўзгаришлар йўқ. Кўкрак безлари сал катталашган, учлари яхши, қизармаган. Бачадон яхши қисқарган. Бачадон тубининг юкориги нуктаси киндик атрофига бўлиб, пайпаслаганда оғримайди. Лохия кон аралаш қизил рангда оз микдорда, сийиши яхши. Ичи ўтгани йўқ (ёзилмаган).

1. Диагноз

2. Чилла даврида бачадон оғирлигининг ўзгариши.

3. Чилла даврининг биринчи кунлари кўкрак безлари нима ишлаб чиқаради, оғиз сутининг таркибини айтиб беринг.

2. С. исмли түккан аёл, чилла даврининг бешинчи куни умумий ахволи яхши бўлиб, харорати 36,8 градус, томир уриши минутига 64 та. Ички аъзоларида ўзгаришлар йўқ. Кўкрак безлари сал катталашиб, қаттиклашган, учлари яхши, қизармаган. Бачадон яхши қисқарган. Бачадон тубининг юкори нуктаси киндик билан қов ўртасида бўлиб, пайпаслаганда оғримайди. Лохия оз микдорда бўлиб, кон аралаш сарғиш тусда, сийиши яхши. Кунинга бир марта ёзилади.

1. Диагноз

2. Чилла даврида лохия хусусиятларининг ўзгариши.

3. Чилла даврининг 5 кунларида кўкрак безлари нима ишлаб чиқаради.

Ўргатувчи тестлар.

1. Илк чилла даврида шифокор зътиборини қаратиши лозим бўлган 6 та асосий кўрсатични кўрсатинг.

Түккан аёлнинг умумий ахволи.

Тери ва кўринадиган шиллик қаватларнинг ранги.

Пульс.

Жинсий йўллардан ажралаётган ажралмалар характеристи.

АБ (кон босими кўрсаткичлари).

Бачадоннинг ҳолати.

2. Бачадон субинволюциясида нима буюрилади?

Окситоцин.

Питуитрин.

Метилэрゴметрин.

3. Бачадон инволюциясининг тезлиги нимага боғлиқ?

Ҳомила вазнига.

Аёлда туғруқ сонига.

Туғруқ кечишига.

Кўкрак билан эмизишга боғлиқ.

4. Илк чилла даврида шифокор қандай 5 та асосий ҳолатта аҳамият бериши керак?

Аёлнинг умумий ахволи.

Тери ва шиллик қаватлар рангги.

Томир уриши.

К/Б.

Бачадоннинг ахволи.

5. Чилла даврини бошқаришнинг асосий вазифалари.

Туккан аёл ва болада йирингли септик касалликларнинг олдини олиш.

6. Лактация жараёнини асосан қайси гормонлар бошқаради?

Окситоцин.

Пролактин.

Прогестерон.

7. Туккандан кейинги бачадоннинг параметрларини кўрсатинг.

Бачадон туви қовдан 15-16 см баландликда туради.

Бачадон деворининг қалинлиги бачадон тубида – 4-5 см, бачадон бўйнида 0,5 см га тенг.

Бачадоннинг кўндаланг ўлчами 12-13 см ни ташкил қиласди.

Бачадон бўшлиригининг узунлиги ташки ёридан бачадон тубигача 15 – 18 см.

Бачадон вазни 1000 г га тенг.

8. Чилла даврининг биринчи ҳафталари ва охирида нормал бачадон инволюциясини кўрсатинг.

1 – ҳафта охирига келиб бачадон вазни 500 г га тенг бўлади.

2 – ҳафта охирида – 350 г.

3 – ҳафта охирида – 250 г .

Чилла даврининг охирида – 50г.

9. Чилла даврида бачадон инволюциясига нималар хос?

10 – суткаларда ички бўғиз ёпилади.

Бачадон бўйининг охиригача шаклланиши 13 - ҳафтанинг охирида содир бўлади.

Бачадон ички сатхининг эпителийланиши 10 - сутка охирида тугалланади, йўлдош ёпишган майдон бундан мустасно.

Йўлдош ёпишган майдоннинг битиши 3 - ҳафтанинг охирида тугайди.

10. Чилла даврида лохиялар хусусияти ўзгаришини кўрсатинг.

Туғруқдан кейин 2-3 сутка ичидаги лохиялар конли.

3 дан 9 кунгача сарғимтири, сероз-сарғимтири лохиялар.

10-кундан лохиялар серозли.

5-6 ҳафтада лохиялар оқиши хусусиятга эга бўлади.

11. Чилла даврида сут безларида қандай ўзгаришлар содир бўлади?

Маммогенез – сут безларининг ривожланиши.

Лактогенез – сут ажралиши.

Галактогенез – сут ажралишининг ушлаб турилиши.

Галактокинез – бездан сутнинг чиқарилиши.

12. Сутнинг хужайра таркибини кўрсатинг?

Моноцитлар – 70-80%.

Нейтрофил лейкоцитлар – 15-20%.

Лимфоцитлар – 10%.

13. Оғиз сути нима ва унинг таркиби?

Оғиз сути нима - бу тукқандан кейинги 2-3 кун ичидаги сут безларидан ажралувчи секрет.

Оғиз сути сарғимтириг рангга эга.

Оғиз сути таркибидаги оғиз сути танаачалари лейкоцитлар, сут шарчалари бор.

14. Чилла даврида тукқан аёл ҳолатини белгиловчи б 6 та асосий күрсаткичларни кўрсатинг.

Тана ҳарорати.

Гемодинамика ҳолати.

Бачадон инволюцияси динамикаси.

Лохиялар хусусияти.

Сут безларининг ҳолати.

Сийдик пуфаги ва ичаклар фаолияти.

15. Туғруқдан кейинги бўлимга қўйиладиган б 6 та асосий санитария таблари.

Ҳар бир тукқан аёлга камидаги 8 кв.м. майдон.

Ҳар бир янги туғилган болага камидаги 2 кв.м. майдон.

Ички кийим ва ўрин- кўрпаларни 1 кундан 1 марта алмаштириш.

Палаталарни кунига 3 марта 20 минутдан квартлаш.

Кунига камидаги 2 марта ташқи жинсий аъзолар туалети.

Ҳарорат тартиби – стилиб туғилган болалар палаталарида 20 градус, чала туғилгандарда – 22 градус.

16. Туғруқдан кейинги бўлимда қандай 5 та асосий санитария - оқартув ишлари олиб борилади?

Шахсий гигиена қоидалари тўррисида сухбат.

Оналар мактаби.

Сан. бюллетенлар, деворий газеталар чиқариш.

Санитария – оқартув адабиётлари билан таъминлаш.

Оилани режалаштириш ва контрацепциялар хакида сухбатлар ва маърузалар.

17. Соғлом тукқан аёл туғруқхонадан қайси суткаларида чиқарилади?

Туғруқдан кейин 4-5 суткасида.

18. Илк ва кечки чилла давларининг давомийлиги қандай?

Илк чилла даври тукқандан кейин 2 соат давом этади.

Кечки чилла даври 6-8 ҳафта давом этади.

19. Тукқандан кейин йирингли – септик касалликларнинг олдини олишнинг асосий тамойиллари.

Ҳомиладорлик ва туғруқни рационал бошқарниш.

Бактериал вагиноз, кандидоз, хламидиоз ва бошқа инфекцияларни ўз вақтида даволаши.

Ҳомиладорларнинг иммун статусини ошириш: рационал мувозанат-

лашган овқат, кун тартиби, витаминизация, экстрагенитал касаллукларни даволаш.

Бир марта ишлатиладиган, шприцлар асбоблар ва парвариш буюмларидан фойдаланиш.

Акушерлик стационарларида санитария-эпидемиологик тартибга риоя қилиш.

XIV БОБ ПЕРИНАТАЛОГИЯ

Мақсад:

Тарабаларга фетоплацентар система тушунчасининг таҳлили, фетоплацентар система вазифалари, фетоплацентар система етишмовчилиги диагностикаси, фетоплацентар етишмовчилигини даволаш ва профилактикаси тўғрисида тушунча бериш.

Режа:

1. Перинаталогия фани.
2. Фетоплацентар система тушунчасининг таҳлили.
3. Фетоплацентар система вазифалари.
4. Фетоплацентар система етишмовчилиги диагностикаси.
5. Фетоплацентар система етишмовчилигини даволаш ва олдини олиш.
6. Чакалоклар физиологиясининг асослари.
7. Чакалоқни парвариш қилиш.

14.1. ПЕРИНАТАЛОГИЯ ФАНИ

Перинаталогия - ҳомиланинг ривожланиши ҳақидаги фандир. Ҳомила-га ташки ва ички мухитларнинг таъсири, унинг ички ривожланишининг бузилиши натижасида туғилган чакалоклар касалланади. Онанинг плацен-тар кон ўтказиши ва ҳомиланинг функционал алоқадорлиги ва боғликли-гидир. Фетоплацентар тизим деган термин кенг тарқалган, агар тўғрирок айтилса, бу она-плацента-ҳомила тизимиdir.

Ҳомиланинг ички ривожланиш босқичлари:

1. Имплантация олди ривожланиши-ҳомиладор бўлишнинг 7-8-кунла-рига тўғри келади, бу кунлар ҳомиладор бўлиш вақтидан бошлаб, яъни бластоцистларнинг бачадон децидуал қобигига кириши билан бошланади.
2. Имплантация (7-8-кунлар);
3. Органогенез ва плацентация-ҳомиланинг бачадон ичидаги 3-4 ойдаги хаёти давомида тугалланади.
4. Ҳомила ёки ўсишнинг фетал даври (бу давр ҳомиладорликнинг 40-хафтасигача давом этади).

Перинатал давр-бачадон ичидаги ҳомила ички ривожланишининг 22-хафтасидан то чакалоқнинг 7 кунлик туғилган кунигача бўлган вақт ора-лиғидир.

Перинатал давр куйидагиларга бўлинади: 1. Антенатал давр; 2. Интра-натал давр; 3. Постнатал давр.

Антенатал давр-ҳомиланинг ўсишига, ҳомиланинг ҳолати ва ҳомиланинг ўтиш давридан мөъёрдан ўзгаришларига таъсир қиласи. Интранатал давр-ҳомиланинг туғилиш жараёнида нормал ҳолатдан бузилиши. Неонатал даври чақалок туғилгандан кейин биринчи 28 кунлик ҳәсти.

Перинатал даврда ўлик туғилиш ва ўлим ҳолатларини келтириб чиқарувчи патологиялар қўйидаги мөъёрларда ҳосил бўлади. 1. Антенатал даврида 63%; 2. Интранатал даврда 21,2%; 3. Постнатал даврда 5,7%.

14.2. ФЕТОПЛАЦЕНТАР (ОНА-ПЛАЦЕНТА-ҲОМИЛА) ТИЗИМИ

Плацента - “ингичка торт”, думалюқ бисквит шаклида бўлиб, унинг диаметри 18-20 см, қалинлиги 2,5 см ни ташкил этади. Ҳомиладорликнинг охирида унинг массаси ҳомиланинг 15% ни ташкил қиласи. У бачадон ички юзасининг 1/3 кисмини қоплади. У 15-28 та аниқ кўзга ташланган доғлардан, улар бир-биридан алоҳида жойлашган бўлиб, ўзаро бириктирувчи тўқима билан ўралган. Ҳар бир доғлар ҳомила найчаларидан, ворсинкаларидан, хорионлардан, фазовий ворсинкалардан ташкил топган. Плацентанинг тўқизил рангги ҳомила Нв, плацентанинг оч рангги ҳомиланинг анемия бўлганлигини кўрсатади.

Плацента 3 та асосий тузилиш элементига эга: 1. Хориал мембрана; 2. Базал мембрана; 3. Улар орасидаги паренхиматоз қисм.

Плацента паренхимаси қўйидагилардан ташкил топган: 1. Хорион ворсинкаси; 2. Ўзак қисми; 3. Ворсинкалараро қисм (14.1.-расм).

Хориал мембранныларнинг ички юзалари амнион эпителий (20мм) билан қопланган. Қоплама трофобласт эпителий билан қопланган. Кейин хориал бириктирувчи тўқима бор. Базал мембранасининг ташки юзаси ворсинкалараро бўшлиқдан ташкил топган. 1. Синцитиотрофобласт; 2. Базал децидуал қобик-улар орасидаги трофобласт ҳужайраси бўлган фибринOID зонаси.

Плацентанинг асосий тузилиши ва функционал бирликлари-котиледон (бўлак) ҳосил бўлиши: 1. Ворсинкали ўзак ва унинг тарқалиши; 2. Кенг асосли хориал мембранага маҳкамланган (1-даражали ўзак). 3.1 - даражали ўзакнинг 2 - даражали кўп ўзакларга бўлниши. 4. Базал мембранагача оқирги 3 - даражали 2 ўзакка етиб боради.

Трофобласт ҳужайралари протеолидли ферментлари ва эндометрий ҳужайралари, ворсинка хорионлари, худди шунингдек вена ва артерия томирлари найчаларини эритади. Артериялар орасида жойлашган вена орқали ўтувчи спирал артериядан келиб тушувчи қон ҳаракати жуда кўп лакуналар ҳосил қиласи. Ҳомиланинг ривожланиши билан лакуналар децидуал қобикларга қўйилиб, ворсинкалар оралиғи ҳажмини ҳосил қиласи. Ворсинкалар ҳажми ҳужайраларни боғловчи деворлар ҳосил қиласи, у кейинчалик бу ҳажм қон оқиб тушиши учун идиш ҳосил қиласи. Янги туғилган чақалокнинг 1 кг массасига ўртacha S ворсин плацента $12-14 \text{ m}^2$ ёки $4-4,5 \text{ m}^2$ ни ташкил қиласи. Йўлдош ворсинкасининг умумий узунлиги 50 км гача боради. Ворсинкалар оралиғи ҳажми 170 дан 260 мл гача оралиқда бўлади.

Қон айланиши она томонидан ҚБ орқали қўллаб-қувватланади ва ба-чадоннинг кичрайиши билан боради. Она қони бачадоннинг спирал арте-риясидан ворсинкалар оралиғидаги бўшлиққа 60-70 мм симоб устуни бўйи-ча босим билан куйилади.

Ворсинка оралиғидаги бўшлиқда босим 10-20 симоб устунига, дард ку-чайганда бу босим 60-70 мм симоб устунига тенг бўлади ва бўшлиқда бо-сим камайиб кетади. Киндик венасида босим 30-40 мм симоб устунига тенг, киндик артериясида босим икки марта кўп бўлади.

Ҳомиладорликнинг охирида онадан ҳомилага ва она-йўлдош система-сидан бир соатда қон айланиши ҳисобидан 3500 мл суюқлик ва ўзаро ал-машиш ҳисобига яна қанча суюқлик айланиши ҳисобга олинмагандан 3-2,5 соат ичидаги тўлиқ янгиланади.

Ҳомиланинг қони йўлдошга иккита киндик артериялари орқали оқади, улар киндикка жойлаштирилган. Йўлдошнинг ҳомила юзаси билан бирла-шиши, йўлдош артерияси тармокларга бўлинади, бу артерия тармоклари йўлдошни ҳар бир бўлакларини қон билан таъминлайди. Уларнинг узлук-сиз тармокларга бўлиниши, ҳар бир ворсинка хорионининг ичига жойла-шиб оқибат натижада капиллярлар бўлиб тугайди. Ҳомиланинг қони вор-синка орқали кислород олиши, юкори ҳазм бўлувчи элементларни онанинг қон айланиш системасидан елка капиллярлари орқали кенг веналарга ҳар бир йўлдош бўлаклари орқали қайтаради.

Вена бўлаклари, киндик венасини ҳосил қиласди. Киндик венаси йўлдо-шдан киндик орқали чақалоқ танасига маҳкамланган бўлади. Кўндаланг кесимда киндик иккита қалин девор артериядан ва битта катта диаметрли ички девори ингичка венадан иборат. Киндик найлари желатин кўриниши-даги сарриқ жисм билан, яъни вартон лицилдори деб аталувчи жисм билан ўралган (14.2.-расм). Чакалоқнинг қон айланиш системасидан ажralиб ту-ради (14.3.-расм).

14.3. ФЕТОПЛАЦЕНТАР ЕТИШМОВЧИЛИК

Фетоплацентар етишмовчилик хозирги замонда перинатологиянинг муҳим муммомларидан бири ҳисобланади. Частотаси 3-4% дан 45% гача бўлиб, перинатал касалликлар 70% ни, ўлим кўрсаткичи 24,2-177,4 %ни ташкил этади. Фетоплацентар етишмовчиликнинг асосий белгиси ҳомиланинг гипоксияси ва ривожланиши ортда қолиши билан ифодаланади. Бу ўз навбатда марказий нерв системасида ўзгаришларга олиб келади, кейинчалик эрта неонатал даврда адаптацион хусусият пасайишига олиб келади ва боланинг психомотор ва интеллектуал салоҳиятининг бузилиши билан на-моён бўлади. Фетоплацентар етишмовчилик бу клиник-морфологик симп-томокомплекс бўлиб, она организмининг турли хил ўзгаришларга бўлган ҳомила ва плacentанинг жавоб реакциясидир.

Фетоплацентар етишмовчиликнинг хавф омиллари

Паст хавф омилларига: 18-20 ёшгача, 30 ёшдан катта ва анамнезида оғир касалликлар бўлмаган аёллар киради.

Юкори хавф омилларига 18-20 ёшгача, 30 ёшдан катта ва анамнезида

экстрагенитал касаллуклар, латент инфекция ўчоқлари, бачадон патологияси, асоратли кечган ҳомиладорлик бўлган аёллар киради. Фетоплацентар етишмовчилик эрта гестацион даврда кимёвий ва физик таъсирлар натижасида ривожланиши мумкин.

Ювенил ҳомиладорлик организм функционал етишмовчилиги сабабли она, балки ҳомила учун хам юқори хавф туддиради. Ёш оналар орасида гипотрофик гўдаклар туғилиши кўп учрайди. Яъни болалар вазни билан она ёши орасидаги пропорционал боғликлар кузатилади, 20-25 ёшларда фетоплацентар етишмовчилик камроқ учрайди, 30-35 ёшда эса ФПЕ частотаси ошиб боради, бу экстрагенитал касаллукларнинг ошиб бориши билан боғлик. ФПЕ патогенезида асосий рол ҳомиладор аёлнинг нотўлиқ овқатланиши, оқсил, витаминлар ва темир моддасининг етишмовчилиги ётади. Ахамнезида ўз-ўзидан ҳомиланинг тушиши, антенатал ўлим ва паст вазни билалар туғилиши, ФПЕ ривожланишида муҳим ўрин тутади. Экстрагенитал касаллуклари бор аёлларда ФПЕ учраш частотаси 24-25% ни ташкил этади. Темир танқислиги камконлиги бор аёлларда ФПЕ 40,6% ни ташкил этади. Темир моддаси кам бўлганда плацентада нафас ферментлари активлиги пасаяди, ва ҳомилага микрозлементлар транспорти пасаяди.

Буйрак касаллиги ФПЕ частотасининг 9,5% ни, улардан сурункали пиелонефрит 28,4% ни ташкил этади. Пиелонефрит касаллигига ФПЕ келиб чиқиши инфекцион ва томир омили билан боғлик. ФПЕ ривожланишида юрак-қон томир ва эндокрин тизимнинг аҳамияти каттадир. Артериал гипертензияси бор бўлган аёлларда ФПЕ 9,4-17,9% ҳолларда, калконсимон без касаллукларида 10,5%, углевод алмагинуви бузилиши ҳолларида 22,4% ни ташкил этади. Артериал гипертензия чап қоринчада диастолик босим пасайиши натижасида гипокинетик типдаги қон айланиш юзага келиши, бу ўз навбатида умумий периферик қаршиликни оширади, бачадон артеријаларида эса периферик резистентликнинг пасайиши кузатилмайди.

Бу ҳолат ФПЕ частотасини 2 марта оширади. Ҳомиладор аёлларда юрак-қон томир тизимининг оғир касаллуклари, қон айланишининг бузилиши билан кечадиган юрак нұксонлари, ҳомиланинг она қорни ичидаги ривожланишдан ортда қолиши 8 марта ошади. Эндокрин касаллуклар орасида энг аҳамиятлиси қандли диабет ҳисобланади. Бунда гормонал дисбаланс билан биргаликда барча турдаги моддалар алмашувининг ва иммун статуснинг бузилиши кузатилади. Бу эса барча аъзоларда ва тўқималарда трофиқ бузилишлар, неврологик асоратларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ҳомиладорларда қандли диабет популациянг частотаси 0,2-3% ни, аммо ФПЕ бор бўлган аёлларда 2-3 марта кўпроқ учрайди. Қандли диабет касаллукларида плацентани морфологик текширишларда ҳар хил турдаги қон айланишининг бузилиши, альтерация, шиш ва склеротик ўзгаришлар кузатилганди.

Фетоплацентар етишмовчилик ривожланишида муҳим хавф омиларидан бири, жинсий аъзоларнинг морфофункционал ўзгаришлари ҳисобланади. Жинсий инфантлизм, жинсий аъзоларнинг ривожланиш нук-



14.4.- расм. Фето-плацентар етишмовчилик сабаблари.

муҳитдаги омиллар таъсирининг ўрни каттадир (14.4.-расм).

Чекиш, наркомания, алкоголизм ФПЕнинг тиббий-социал хавф омилларига киради. Бу омиллар она организмига ва ҳомила ривожланишига кўп томонлама салбий таъсир кўрсатади.

Ҳомила гипоксиясининг омиллари: 1. Она томонидан. 2. Плацента томонидан. 3. Ҳомила томонидан. 4. Ташки сабаблар. Ушбу омиллар кислород ва углекислотанинг трансплacentар диффузиясига халакит беради (14.5., 14.6.-расмлар).

Антенаатал хавф омиллари: Ҳомиладорлар гипертензияси, презклампсия; қандли диабет; резус-сенсибилизацияси; анамнезида ҳомиланинг ўлик туғилиши; онада инфекция борлиги; ҳомиладорлик II ва III триместрида кон кетиш; кўпсувлик ёки камсувлик; ҳомила ривожланишининг сустлиги; муддатидан ўтиб қолиши; кўп ҳомилалик; онанинг спиртли ичимликлар, наркотиклар, айрим дориларни истеъмол қилиши (14.7.-расм).

Инtranatal хавф омиллари: муддатидан илгари, кечикиб қолган, оператив туўруклар; ҳомиланинг нотўғри жойлашишлари; йўлдошнинг кўчиши ва олдинда ётиши; киндик тизимчасини тушиб қолиши ёки ўралиб қолиши (14.8-расм); туғрук фаолиятининг бузилиши; туғрукда оғриқсизлантиришни кўллаш; қофаноқ сувларида меконий борлиги; туғрукда инфекция ривожланиши.

Диагностикаси:

Клиник диагноз кўйишда аёлнинг анамнезига, объектив кўрикка, бачадон тубининг баландлигига, ҳомиланинг тахминий вазнига зътибор берилади (14.9.-расм).

Бачадон тубининг баландлиги нормага нисбатан 2 см ва бундан юқори, паст бўлиши, ҳомила ривожланиш муддатининг 2-3 ҳафта ортда қолаёт-

сонлари ва бачадон миомаси бор бўлган ҳомиладорларда ФПЕ частотаси кўпаяди. Эхографик текшириш натижаларига кўра бачадон миомаси бор ҳомиладорларда ФПЕ компенсатор формаси 23,8% субва декомпенсатор турлари 38,3% ҳолларда кузатилади.

Шунингдек ФПЕ ривожланиши да ҳомиладор аёлга ва ҳомилага ташки


ганлиги ва ФПЕ борлигидан далолат беради. Юрак қон томир системаси-ни баҳолашда аускультацияга зътибор берилади. Фетоплацентар комплекснинг функционал заҳиралари ҳакида қоғанок сувининг ҳолати кўрсатиб бериши мумкин. Дастребки текшириш натижалари, ФПЕ асоратлари хо-милада мекониал аспирациянинг прогностик мезони аникланishiга – қоғанок сувининг характеристига, юрак фаолияти ва нафас ак-тивлигига кўра аникланди. Қоғанок сувининг рангти, меконийни консистенцияси, ҳомиладорлик муддати, гипоксия белгилари ва юрак фаолияти ҳолатини инобатта олган ҳолда балли система ишлаб чиқилиган.

12 баллда, мекониал аспирация кузатилиш эҳтиомо-ли 50%, 15 ва бундан юкори баллда – 100% ни ташкил этади. Клиник диагностиканинг чегараланишига аёлни антропометрик кузатиш, тери ости ёғ қаватининг катталиги, сув микдори, ҳомиланинг жойлашиши сабаб бўлади. Қоғанок сувларини баҳолаш учун амалда қоғанок суви кетган бўлиши керак. Амниоскопия кам маълумот берадиган усул, амниоцентез эса инвазив усул ҳисобланади. Шу сабабли лаборатор-инструментал усулдан кенг фойданилади. Ҳозирги кунда лаборатор усуллардан фетоплацентар комплексни гормонал ва оксилни синтезловчи ҳусусияти ҳамда биокимёвий текширув натижасида унинг фермент активлиги аникланади.

ФПЕ диагностикасида эхографик текшириш усули асосан ҳомила ўсишининг ортда қолаётганлик ва унинг формаларини аникланашдан иборат (расм). Эхографияда асосий фетометрик параметрлар ўлчанади: ҳомила бошининг билариетал ўлчамлари, кориннинг ўртача диаметри ва сон сугининг узунлигига зътибор берилади. Параметрлар ўзаро мос келмагандан кенгайтирилган фетометрия ўтказилади, бунда ҳомила боши ва қорин айланаси, уларнинг ўзаро нисбати, сон сугининг ўлчамлари ўлчанади.

Ҳомила ривожланиши ортда қолишининг симметрик формасида тана ўлчамлари пропорционал камайган бўлади. Асимметрик формаси нормал бош ва сон сугининг ўлчамида кичик қорин ўлчами, жигар ўлчамларини кичикилиги, ёғ қаватининг камлиги билан характерланади.

1-даражада оғирлигига ҳомила ривожланишининг ортда қолиши 2 ҳафта-гача (34,2%), 2-даражада 2-4 ҳафта оралиғида (56,6%), 3-даражада- 4 ҳафта-дан ортиқ (9,2%) ортда қолиши кузатилади. Асимметрик тури симметрик турига нисбатан кўпроқ кузатилади, аммо кеч келиб чиқади. Бундан ташкири, яна аралаш тури ҳам мавжуд, бутда барча параметрлар нопропорционал бўлиб, кўпроқ қорин ўлчамлари ортда қолади. Аралаш турининг



14.9.-расм. Бачадон туви баландлигини ўлчаш

натижаси күпроқ салбий бўлади. Ҳомила ҳолати хақида унинг ҳаракати ва нафас активлиги ҳам кўп маълумот беради. Мунтазам тақрорланувчи нафас активлигига қоғаноқ сувида меконий аниқланиши аспирацион синдром ривожланиш хавфини туғдиради. Асосан салбий прогностик омили, узок давом этувчи «gashing» типидаги ҳаракат ҳисобланади. ФПЕ диагностикасида плацентани ва қоғаноқ сувининг ультратовуш текшируви кўп маълумот беради. Бунда плацента ўлчамининг кичикилиги ва ундаги моррофункционал ўзгариш, яъни муддатдан олдин етилиш белгиларига эътибор берилади. Эхографик жиҳатидан муддатидан олдин етилиши 32 ҳафтагача II босқичи, 36 ҳафтагача III босқичи ҳисобланади. ФПЕ учун камсувлилик ва қоғаноқ сувидаги гиперэхогенлик мекониал сувлилилкка хос. Ҳомиланинг она корнида ўсишининг ортда қолишида плацентанинг муддатдан олдин қариши 64% ҳолларда, камсувлилик 19,9% ҳолларда учрайди.

Ҳомила ҳолатини баҳолаш максадида кенг қўлланиладиган усуллардан бири кардиотокография ҳисобланади. Бу усул юрак фаолияти кўрсаткичидан ташқари, ҳомила ҳаракат активлигини ва бачадон тонусини аниқлаши мумкин. Стрессиз тест усули ҳам кенг қўлланилади, бунда ҳомила юрак фаолияти табиий шароитда баҳоланади. Ҳомила ўсиши ортда колганда стрессиз тест ўтказилганда 12% ҳолларда тахикардия, 28% юрак ритми вариабеллигининг пасайиши, 28% вариабел децелерация, 13% кечки децелерация кузатилади. Ҳомиланинг муддатига боғлик ҳолда миокардиал рефлексларнинг кузатилишига эътибор берилади. Кардиотокографияни визуал интерпретация қилиш фақатгина охирги уч ойликда ўтказилиши мумкин.



Хозирги кунда фетоплацентар тизим қон айланишини аниқлаш максадида дошперометрик усул юқори маълумотли ҳисобланади (14.10.-расм).

Бу усул орқали қон ҳаракатланиш тезлиги, ва юрак циклининг ҳар хил фазасидаги қон оқиш тезликларининг ўзаро нисбати аниқланади. Шу кўрсаткичлар асосида қон айланишининг периферик қаршилиги ошганда муҳим бўлган “пульсацион” индекс, резистентлик индекси ва систоло-диастолик муносабат хисоб килинади. Асосан бачадон артериялари, спирал артериялардаги, киндик артерияси ва унинг терминал соҳаси ҳамда ҳомила аортасида қон айланиши текширилади. Бачадон ва киндик артериялари гемодинамикасига кўра ҳомила-плацентар, она-плацентар қон айланиши бузилишининг таснифи ишлаб чиқилган.

- IА даража – ҳомила-плацентар оқими ўзгармаган ҳолда бачадон-плацентар оқими бузилиши.
- IБ даража- бачадон-плацентар оқими ўзгармаган ҳолда ҳомила-плацентар оқими бузилиши.
- II даража - бир вактда иккала оқим бузилган, аммо критик(қалтис) босқичга етмаган.
- III даража - бачадон-плацентар оқими ўзгармаган ёки бузилган ҳол-

да ҳомила-плацентар оқими-нинг критик даражада бузилиши.

ФПЕ патогенези ривожланишида плацентанинг васкуляризацияси, гемостази, томир тонуси ва микроциркуляциянинг ўзгариши ҳамда липид, углевод, оксил ва плацента ферментатив активлигининг ўзгариши мухим ўрин тутади. Шунга асосланниб, ФПЕ даволаш муолажалари ўз ичига медикаментоз ва физиотерапевтик терапияни олган.



14.10.-расм. Ультратовуш текшириш усули: допплерография: а –патология; б- норма

14.4. ЙЎЛДОШ ЕТИШМОВЧИЛИГИ ТЕРАПИЯСИ

Терапи асосан бачадон қон айланишини яхшилаш ва бачадон - йўлдош қон оқишини ошириш усуллари ва препаратлари билан даволашга асосланган. Даво чораларининг мақсади:

- Бачадон-плацентар ва ҳомила-плацентар оқимини яхшилаш.
- Газ алмашинувини интенсификациялаш.
- Коннинг реологик ва коагуляцион хусусиятини коррекциялаш.
- Бачадоннинг кисқариш активлигини ва томир тонусини нормаллаштириш.
- Антиоксидант химояни кучайтириш.
- Метаболик ва алмашув жараёнларини оптимальлаштириш.

Бундан ташқари, ФПЕ ни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш ҳам мухим ўрин тутади.

ФПЕ нинг олдини олиш ва даволаш чоралари.

ФПЕ профилактикасида бачадон тонусини яхшилаш мухим аҳамиятга эга. Шу мақсадда спазмолитик ва токолитик воситалардан фойдаланилади. Камқонлик фонида келиб чиқувчи ФПЕ компенсацияланган ва субкомпенсацияланган формаларини даволаш самарадорлиги 100% га якин. ФПЕ ҳомиланинг инфекцияниши билан кузатилганда антибактериал даво чораларнинг таъсирчанлиги 71,4% га якин бўлади. Шу билан бирга ҳомиладор аёлда презклампсия билан кечётган ФПЕ ни даволаш чораларининг таъсирчанлиги фақат 28,1% га якин. Бу она-плацента-ҳомила тизимида қон айланишининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган плацентадаги морфофункционал бузилишлар билан борлик. ФПЕ ни даволашда кенг қўлланиладиган дори препаратлари антиагрегант ва антикоагулянтлар хисобланади. Одатда шу гуруждан аспирин (II уч ойликда), курантил (дипиридамол) 1 таблетка (25 мг) дан 3 маҳал 30 кун, трентал (пентоксифилин), никошпан, теоникол, гепарин қўлланилади. Ҳомила ўсишининг ортда қолишига хавф бўлганда курантил гепарин ёки аспирин билан бирга қўлланганда юқори эффект беради. Антиагрегантларни қўллаш натижасида плацентар мик-

роциркуляция яхшиланади, ворсинкалараро хажм камаяди, ворсинкалар орасига кон қўйилиши, плацента инфарктининг олди олинади. Гепарин плацентар тўсикдан ўта олмайди ва ҳомилага салбий таъсир кўрсатмайди.

Ҳомила гипоксиясининг олдини олиш мақсадида кокарнит 1 ампула (3 мл) дан 10 мг лидокаин билан бирга м/о 1 маҳал кунига б кун, кокарбоксилаза, витаминалар ва антиоксидантлардан фойдаланилади. Ҳозирги кунда ФПЕ да метаболик терапия мақсадида амбулатор ва стационар усулида актовегиндан фойдаланилади. Актувегин – бу бузок қонидан олинган юкори тозаланган гемодериват ҳисобланади. Актувегин ҳужайра ичи метаболизмига таъсир этади, кислород транспортида иштирок этади. Ҳужайрага етарлича кислород кириб келиши, аэроб оксидланишининг кучайиши ва ҳужайра энергиясининг ортишига сабаб бўлади.

Актувегиннинг иккиламчи эффицити антиишемик таъсири билан борлик. Актувегин 80-200 мг ва 5% глюкоза 200 мл билан т/и юборилади. Актувегин ҳомиланинг бош миясига нейропротектив таъсир кўрсатади. Ҳомиланинг ривожланиши ортда қолганда анаболик таъсир кўрсатади. ФПЕ нинг субкомпенсацияли ва компенсациясиз турларида актувегин ва инстенонни қўшиб, яъни ноотроп, нейротоник компонентлар билан кўлланганда юкори эфект бўлади, ҳомиланинг она корнида ривожланишдан ортда қолиши 2,5 баравар камаяди. Бачадон-плацентар конайланишини яхшилашда сигетиндан фойдаланилади. Бу синтетик препарат бўлиб, плацента ичи конайланишини яхшилайди.

Кислороднинг плацентага ўтишида унинг ўз-ўзини таъминлаш қобилияти ҳам муҳим. Кислород кон томирлардан плацентага оддий диффузия йўли билан ўтади. Она қонида кислороднинг парциал босими юқори бўлса, плацентар мембранада кислород градиенти ортади. Шу сабабли ФПЕ да оксигенотерапиядан фойдаланилади. Таркибида 50% гача кислород бўлган газлар аралашмасидан 30-60 градусли ингаляция ўtkазилади. ФПЕ да экстрагенитал патология ва ҳомиладорлик асоратли кечганда инфузион терапия ўtkазилади. Инфузион терапияда глюкоза-новокайнли аралашма ўз хусусиятини йўқотган.

Туғрукни ҳал килиш ФПЕ нинг даражасига, ҳомила ривожланишининг ортда қолиш формасига ҳамда гипоксиясига қараб танланади. Даволаниш эффицитли бўлганда КТГ кўрсаткичлари яхшиланганда туғруқ табиий йўл билан олиб борилади. Туғрукдан 14-21 кун олдин аёл стационарга госпитализация килинади. Туғруқ боскичма-боскич секинлик билан оғриксизлантириб олиб борилади. Сурункали ҳомила гипоксиясида эпидурал анестезия килиш туғруқ фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, яъни кислота-ишкор баланси яхшиланади, липидларнинг эркин радикалли пероксидли оксидланиши камаяди, аммо ҳомиланинг юрак уриш сони ортади.

Кесар кесишга кўрсатма бўлиб даволанишдан (10-14) эффицит бўлмаслиги, допипер маълумотларига кўра кон окимининг критик ҳолатга келиб қолганлиги ҳисобланади. Шунингдек, ҳомиланинг ўтқир гипоксияси, туғруқ фаолиятига сустлигига ҳам кесар кесиш ўtkазилади. Туғруқ усулини

хал килишда клиник ва лаборатор, инструментал текшириш натижалари-га қаралади. ФПЕ да тез ва эхтиёткорона замонавий кам жароҳатгайдиган усул кесар кесиши операцияси хисобланади. Кесар кесишида ва тургуда эпидурал анестезиядан фойдаланиш бачадон-плацентар системасининг томир қаршилиги камайишига олиб келади ва плацентада перфузион босимни оширади.

14.5. ЧАҚАЛОҚЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИННИГ АСОСЛАРИ ВА ТРАНЗИТОР ҲОЛАТЛАРИ

Чақалоқ ҳомиладорликнинг 37-42 хафтасида туғилса, муддатида туғилган, 42 хафтадан ўтиб туғилса, муддатидан ўтган, 22-36 хафтасида туғилса, муддатдан олдин туғилиш дейилади.

Муддатида туғилган чақалоқларнинг оғирлиги ўріл болаларда 3600 г, кизларда - 3500 г, бүйі 51 см бўлади.

Муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг оғирлиги 2500 г, бүйі эса 46 см дан кам бўлади.

Янги туғилган чақалоқларнинг боши нисбатан катта, тана узунлигининг қисмини ташкил килади, бош айланаси 32-34 см, кўкрак кафаси айланасидан 1-2 см катта бўлади. Тери пушти, духобасимон. Сўлак безлари яхши ривожланган, тер безлари камроқ, терининг химоя функцияси етарлича ривожланмаган, шунинг учун чақалоқнинг 1-хафтасида тери инфекция дарвозаси бўлиб хисобланади.

Мускул системаси. Кучсизроқ ривожланган. Катталарда мускул масаси умумий тана вазнининг 42% ни ташкил этади, чақалоқларда эса бу кўрсаткич 23% ни ташкил этади. Чақалоқ туғилгандан кейин давомли бўлмаган умумий мускул гипотонияси, кейинчалик тезда гипертония билан алмашинади.

Суяқ системаси. Суяқ юмшоқ, эластик. Суякнинг кўп қисми торай тўки масига ўхшаб кетади, шу билан бирга айрим суяклар умуман торай боскичини ўтмайди - калла асоси юз, ўмров ва бошқалар.

Нафас олиш системаси. Туғилган пайтда нафас аъзолари тўлиқ ривожланмаган бўлади. Чақалоқларда нафас олиш чукурлиги, давомийлиги билан характерланади. Соғлом, муддатига етиб туғилган чақалоқларда нафас сони минутига 40-70 марта, муддатидан олдин туғилгандарда эса минутига 30-70 марта. Нафас олиш корин типида бўлади. Уларга нафас актида танаффуснинг бўлиши хосдир. Муддатида туғилган чақалоқларда уларнинг давомийлиги 1 дан 5-7 секундгача бўлади, 1 минутда эса бундай танаффуслар 1—2 марта кузатилади. Муддатига етмасдан туғилган чақалоқларда эса бу 10-12 секундни ташкил этади. 1 минутда эса 2-5 марта кузатилади, нафас олиш ва нафас чиқариш фазалари 1:1,3 дан 1:4 гача.

Транзитор ҳолат - бу ҳомила туғилгандан кейинги ҳаётга мослашуви. Чақалоқнинг мослашув даражаси унинг етилганлиги билан баҳоланади. Амали нутқай назардан олиб қаралганда барча чақалоқларда эрта неонатал даврда ҳар хил турдаги патологик ҳолатлар физиологик ўзгаришлар билан биргаликда кечади.

Чақалоқнинг илк бор янги ҳәётга мослашуви унинг биринчи кунидан-нок ҳеч қандай аралашувсиз, транзитор ҳолат учраши, унинг давомийлиги ҳар хил омилларга боғлик ҳолда юзага келади. Мухим омиллардан бири гипотрофик чақалоқ туғилиши, кўкрак сути билан нотўғри эмизиш ҳамда ҳомиладорликнинг асоратли кечиши ҳам мухим ўрин эгаллади.

Транзитор гипервентиляция - түгруқ вактида чақалоқда гипоксемия, гиперкапния, ацидоз ва бошқа метаболик ўзгаришлар фаоллашади. Бу ҳолат МНС ретикуляр формациясининг кучли кўзғалишига олиб келади ва бунинг натижасида нафас олиш маркази кучли кўзғалади ва чақалоқда илк бор чукур нафас олиш ҳаракати вужудга келади. Чакалоқнинг илк бор нафас олиши куйидаги типда ГАСП - чукур нафас олиш ва нафас чиқаришнинг кийинлашувиди.

Терининг транзитор ўзгариши. Барча янги түгилган чақалоқларда бу ҳолат кузатилади. Оддий эритема – янги түгилган чақалоққа ишлов берилгандан кейин гипертермик пайдо бўлиши. Эритема чақалоқнинг иккинчи суткасида кучаяди в бир неча кун ичидаги йўқолиб кетади .

Физиологик терининг куриши кўпроқ муддатидан ўтиб түгилган чақалоқларда кузатилади. Бу ҳолат чақалоқ ҳәётининг 3-5-суткасида қоринда, кўкрак қафасида куруқлашган соҳалар пайдо бўлади ва бир неча кун ичидаги йўқолиб кетади.

Токсемик эритема - чақалоқ ҳәётининг 3-5-суткасида кўкрак, думба эритемали терисида кулранг-сариқ рангли озгина қалинлашган элементлар пайдо бўлиши. Тошма кўп ёки кам бўлиши мумкин. Тошма тошиши чақалоқнинг умумий ҳолатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Токсик эритеманинг асосий сабабларидан бири ҳар хил омиллардан пайдо бўлган аллергик реакцияйдир. Бу омил қаторига овқатланиш ҳарактери ўзгариши, ичак колонизацияси, хона ҳароратининг ўзгариши хисобланади. Токсик эритема 2-3 кун сақланиб, кейинчалик ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Транзитор гипербилирубинемия. Чакалоқнинг физиологик сариқлиги бўлиб, бунда чақалоқ ҳәётининг 36 соатидан кейин сариқлик пайдо бўлиши;

1. Чакалоқнинг 3-4-суткага келиб тери энг кўп сарғайиши, кейинчалик эса 7-10- суткага келиб батамом йўқолиб кетиши.

2. Кон зардобида боғланмаган билирубиннинг энг кўп концентрацияси 205 мкмоль/л, боғланган билирубинники эса 25 мкмоль/л бўлиши.

Транзитор гипербилирубинемия барча чақалоқларда кузатилади. Бу ҳолат эрта неонатал даврда билирубин хосил бўлишининг ошиши, глюкуронилтрансфераза активлиги пасайиши натижасида гепатоцитларнинг функционал активлиги пасаяди. Чакалоқнинг физиологик сариқлиги моносимптом кечади. Бунда жигар ва талоқ катталашиши, нажас ва сийдик рангги ўзгариши кузатилмайди ва маҳсус даво чоралари талаб килинмайди.

Транзитор тана массасининг камайиши. Бу ҳолат барча чақалоқларда кузатилади, ҳәётнинг 3-4-суткасига келиб тана вазнининг пасайиши, нор-

мада ўртача 6% гача етади. Баъзи ҳолатларда 10% га ҳам етиши мумкин. Чакалок ҳәётининг биринчи ҳафтасида тана вазнининг пасайиши 10% дан ортиши патологик ҳолат ҳисобланади. Чакалокларда транзитор тана мас-саси пасайишининг асосий сабабларидан бири етарлича бўлмаган сут ва сувнинг етишмаслиги ҳисобланади. Бундан ташқари, бу ҳолат мумификация, яъни киндик қолдигининг тушиб колиши, меконийнинг ажралиши, ҳаво намлигининг пасайиши билан боғлик. Тана вазнининг қайта тикла-ниши кўпчилик чақалокларда ҳәётининг 5-7 суткасида кузатилади.

Транзитор гипертермия. Бу ҳолатнинг асосий сабаби суюкликнинг етар-лича бўлмаслиги ва сувсизланишидир. Транзитор гипертермия боланинг кизиб кетишидан ҳам пайдо бўлиши мумкин, бунда болада ҳароратнинг 39 градус баландлигидан ташқари, боланинг безовталаниши, тери ва шил-лик қаватининг куриши кузатилади. Кизиб кетиши сабабининг бирортаси-ни бартараф қилиш, сув ичиш режимини ўз ўрнига кўйиш, суткасига 5% ли 100 мл глюкоза юбориш бола тана ҳароратининг тез нормаллашишига олиб келади.

14.6. ЧАҚАЛОҚНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ОВҚАТЛАНТИРИШ

Чақалокни парвариш қилиш жуда катта масъулият талаб қиласди. Уни ўраб турган муҳит катта аҳамиятга эга. Чакалокни озиқлантириш мобай-нида оксил, липид, углевод, витаминларга ҳамда истеъмол қиласдиган су-юкликларга зътибор бериш керак. Туғрухонадаги ҳаво ҳарорати 24-26 градус бўлиши керак. Чакалоклар хонасида эса ҳаво ҳарорати 22 граду-сдан паст бўлиши керак.

- Ҳар кун эрталаб чақалокни кўкрак сути билан боқишдан олдин таро-зида ўлчанади ва тана ҳарорати текширилади. Олинган тахлилларни чака-лоқнинг ривожланиш варажасига ёзиб кўйилади.

- Ҳар куни чақалокни покизалаш муолажалари ўтказилади: кўзга ишлов бериш, остини ювиш, киндик ярасига ишлов бериши.

- Чакалокнинг кўзини тоза стерил пахта тампончалар билан тозалаш. Калий перманганат аралашмаси (1:8000) тайёрланади. Кўзининг ташки бурчагидан ички бурчагига караб артилади.

- Ҳар кунлик кўрувда чақалокни тери рангига, киндик қолдигига ва ярасига катта аҳамият билан карапади.

Киндик қолдигини парвариша техникаси қўйидагича. 70% ли этил спирти билан, кейин эса 5% ли калий перманганат аралашмаси билан то-залашибади. Этил спирти ўрнига 3% водород пероксиди ишлатилса бўлади. Киндик қолдиги куриб тушгандан кейин яра атрофини ва тубини 5% калий перманганат билан тозаланади. Соғлом чақалокни туғрухонадан 4-5-сут-касига БЦЖ вакцинасини олгандан сўнг уйига рухсат берилади.

Овқатлантириш. Кўкрак сути – чақалоклар ва болалар учун ягона озука туридир. Кўкрак сути тўйимлилиги билан устун туришидан ташқари, табиий овқатлантириш гўдаклар касалликлари ва ўлимининг олдини олиш-нинг жуда яхши усули бўлиб ҳам хизмат қиласди. Ҳар бир туғрукка ёрдам берувчи муассасада кўкрак билан боқишининг 11 та тамойилларига риоя

қилиниши, "Шифохоналарни болага дўстона муносабатда бўлиш ташаббуси" статусига мос келишига ҳаракат қилиш керак:

1. Кўкрак билан боқиш амалиётининг ёзма равища қайд қилиб қўйи-лан сиёсатига эга бўлиш ва уни барча тиббий-санитария ходимлари эътиборига мунтазам етказиб туриш;
2. Барча тиббий-санитария ходимларини ушбу сиёсатни амалга ошириш кўнікмаларига ўргатиш;
3. Барча ҳомиладор аёлларга кўкрак билан боқишининг афзаликлари ва усуслари ҳакида маълумот бериш;
4. Оналарга, тугрукдан сўнг дастлабки 2 соат ичидаги, кўкрак билан боқишини бошлашига ёрдам бериш;
5. Оналарга кўкрак билан боқишини ва балки болаларидан ажратилган бўлсалар-да лактацияни саклаб туришини ўргатиш;
6. Чақалоқка кўкрак сутидан бошқа хеч қандай овқат ёки суюқлик бермаслик, тиббий кўрсатмалар бундан мустасно;
7. Она ва чақалоқнинг бирга бўлишини амалиётга татбиқ қилиш ва уларни 24 соат давомида палатада бирга бўлишларига руҳсат бериш;
8. Талаб бўйича кўкрак билан овқатлантиришни рағбатлантириш;
9. Кўкрак билан бокилаётган чақалоқларга хеч қандай тинчлантирувчи ёки кўкракни акс эттирувчи сунъий воситаларни бермаслик;
10. Кўкрак билан боқишини қўллаб-куватловчи гурухлар ташкил этилишини рағбатлантириш ва оналарни шифохонадан чиққанларидан сўнг ушбу гурухларга юбориш.
11. Истисносиз кўкрак сути билан эмизишни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ОП ларини жалб этиш ва "Болага дўстона муносабатли шифохона" номини олишга тайёрлаш ва мақсадга эришиш.

Кўкрак билан эмизишнинг афзаликлари:

- Она сути- тўлақонли озука
- Енгил ҳазм бўлади ва тўлақонли фойдаланилади
- Инфекциядан ҳимоя қиласди
- Кўкрак билан эмизиш хиссий боргликларни таъминлайди
- Онани бевакт ҳомиладорликдан саклайди
- Онанинг саломатлигини саклайди
- Сунъий арлашмадан арzon туради.

Кўкрак сути билан боқишига карши кўрсатма:

- агар болаларда галактоземия (50000 боладан йасида юзага чикувчи камдан-кам учрайдиган касаллик) ёки фенилкетонурия бўлса;
- онаси радиоактив ва цитостатик моддалар кабул қиласётган бўлса;
- ОИВ (СПИД) билан заарланган оналар, ҳаво-томчи йўли билан юкувчи юқумли касалликлар билан касалланган оналар (дифтерия ва атипик пневмониянинг оғир шакли).

Ўргатувчи тестлар.

1. Ҳомилани гипоксияга олиб келувчи 5 та сабабни айтинг:
Онадаги экстрагенитал касалликлар.

Хомиладорлик асоратлари (гипертензив ҳолатлар, резус-номуофиклик, ҳомиладорлик анемияси).

Йўлдош фаолиятининг бузилиши.

Киндик патологияси (ҳақиқий тугун, калта киндик, киндикнинг бўйин атрофида айланиши).

Ҳомила касаллиги.

2. Ҳомиланинг ривожланишдан орқада қолиш синдроми 3 даражасига кискача таъриф беринг:

1 даража - ҳомила ўз ривожланишида 2 ҳафтагача орқада қолади.

2 даража - 2-4 ҳафтагача.

3 даража - 4 ҳафтадан ортиқ.

3. Йўлдош етишмовчилиги диагностикасининг 3 та усулини айтинг:

Ульратовуш текшируви.

Йўлдош лактоген миқдорини аниқлаш.

КТГ .

4. Ҳомиланинг она қорнида ўлганлигининг 5 белгиси

Юрак уриши эшилтмайди.

Бачадон ўсищдан тўхтайди ёки ўлчамлари камаяди.

Ҳомила харакатининг тўхташи.

Ҳомилани ЭКГ ва ФКГ сида юрак комплекс тишлари бўлмайди.

УТТ да ҳомила юрак уриши, харакати бўлмаслиги.

5. Фетоплацентар етишмаовчиликни даволашда қандай дорилар қўлланилади?

Витаминалар (Е, В₁₂, С).

Токолитиклар (Партусистен, бриканил).

Микроциркуляцияни яхшиловчи дорилар (курантил, трентал, теоникол).

Кон реологик хусусиятини яхшиловчи дорилар (реополиглюкин, гепарин, курантил).

6. “Перинатал ўлим” қандай 3 хилга бўлинади?

Ҳомила антенатал ўлими – ҳомиладорлик пайтида (28-ҳафтадан бошлаб.)

Ҳомила интранатал ўлими – тутрук пайтида.

Чақалоклар эрта неонатал ўлими – турилгандан кейин 7- кунигача.

7. Ҳомила томонидан антенатал ўлимга олиб келувчи сабабни санаб ўтинг?

Бластопатия.

Эмбриопатия.

Фетопатия.

8. Ҳомиладорлик асорати билан борлиқ антенатал ўлимнинг 4 асосий белгиларини санаб ўтинг?

Гипертензия ҳолатларининг оғир формалари.

Муддатидан ўтган ҳомиладорлик.

Кўп – камсувлилик, эгиз ҳомиладорлик.

АВО системаси ва резус- омил бўйича иммунологик номувофиқлик.

9. Она экстрагенитал касалликлари билан борлик антенатал ўлимнинг 5 асосий белгиларини санаб ўтинг?

Юрак-кон томир патологияси

Буйрак касалликлари.

Қандли диабет.

Инфекцион ва вирусли касалликлар.

10. Ҳомила интранатал ўлимига олиб келувчи 5 асосий сабабни айтинг:

Қоҳаноқ сувларининг баравакт кетиши.

Туғруқ кучлари сустлиги.

Анатомик ва клиник тор чаноқ.

Киндик патологияси

Ҳомила ўткир гипоксияси.

11. Фетоплацентар етишмовчиликда йўлдош 4 асосий фаолиятидан қайслари бузилади?

Транспорт.

Трофик (озиклантирувчи).

Эндокрин.

Метаболик.

12. Ҷақалоқлар физиологик сариқлиги сабаблари:

Гепатоген - келиб чиқиши гипербилирубинемия (145 гача, суткада 145 мкмоль/кг).

Боғланмаган билирубин йиғилиши, жигар билирубинни боғлаш қобилиятининг бузилиши.

Гепатоцитлар функционал ҳолатининг пасайиши.

Жигар экскретор фаолиятининг пасайиши.

13. Физиологик сариқликка нималар хос?

Ҷақалоқлар хаётининг 36 соатидан кейин пайдо бўлиши.

Терини 3-4- кунга келиб сарғайиб, 7-10- кунида йўқолиши.

Кон зардобидаги боғланмаган билирубин концентрацияси 205 мкмоль/л, тўғри билирубинники – 25 мкмоль/л.

14. Тирик туғилганликнинг 4 бош белгисини айтинг:

Гестация мурдати – 22 ҳафта ва кўп.

Бўй 25 см ва кўп.

Ҳомила вазни – 500 г ва кўп.

Ҳомиланинг хоҳ бир марта бўлса-да ҳам нафас олиши ёки бошқа тириклик белгилари.

XV БОБ МУДДАТИДАН ОЛДИНГИ ТУҒРУҚ

Мақсад. Муддатидан олдинги туғруқнинг таснифи, сабаблари, клиник кечиши, асоратлари, даволаш усуллари ва чала туғилган болалардаги касалликларни даволаш ва олдини олишни ўрганиш.

Режа.

1. Муддатидан олдинги түгүркнинг таснифи.
2. Муддатидан олдинги түгүркнинг сабаблари.
3. Муддатидан олдинги түгүркнинг клиник кечиши ва асоратлари.
4. Даволаш усуллари.
5. Чала түгилган болалардаги касалликларни даволаш ва олдини олиш.

Хомиланинг 22-37 ҳафта ичидә түғилишпигачала түғилиш деб айтилиб, бунда чакалоқ вазни 500-2499 г, бўйи 25-45 см атрофида бўлади.

Муддатидан олдинги түгүркнинг қўйидаги тоифалари фаркландади:

(танилаб олинган) - (10%-30%), яъни туғдириб олиш, она ёки хомиладаги бирон-бир кўрсатмага биноан (օғир преэклампсия, онадаги буйрак касаллиги ёки ҳомила ўсишининг секинлашиши).

- асоратланган - (20%-50%), ҳомила пуфагининг йиртилиши ёки түгүрдан олдин кон кетиши.

- идиопатик - (40%-60%) кўшимча асоратларсиз ўз-ўзидан муддатидан олдинги түгүрк билан ҳарактерланади.

Чала түгилган бола тана оғирлиги хусусида кўйидагилар қабул килинган:

1. Кам тана оғирлиги билан түғилиш-тана оғирлиги 2500 г дан кам (1500 г дан 2499 г гача).

2. Жуда кам тана оғирлиги билан түғилиш-тана оғирлиги 1500 г дан кам (1000 г дан 1499 г гача).

3. Ўта кам тана вазни билан түғилиш-тана оғирлиги 1000 г дан кам (500 г дан 999 г гача).

Чала түгилган болада бир қанча функционал етишмовчиликлар мавжуд бўлиб, шунинг учун ҳам бундай болалар ўртасида касалланиш ва нобуд бўлиш кўп учрайди.

Ҳомиланинг чала түғилиш сабаблари турлича: аёл жинсий аъзоларининг тўла тараккий этмаслиги (инфантализм); бачадондаги турли патологик ўзгаришлар (ўсма, тўсиқ, яллигланиш, бачадон аномалияси ва бошқалар); жинсий безлар функциясининг бузилиши; тез-тез аборт қилириш ёки ҳомиланинг ўз-ўзидан бенхтиёр тушиши; бачадон бўйининг яхши бекилмаслиги (истмик-цервикал етишмовчилик ва бошқалар) каби асоратлар кейинги вактларда кўп учрамокда. Чунки бунда бачадон бўйни түгүрк вактида йиртилиши ва яхши тикилмаслиги натижасида чилла даврида тўла-тўқис битмаслиги кўпинча аборт қилиш оқибатларида келиб чиқиши мумкин. Шу билан бир каторда она ва бола кон гурухлари ҳамда резулсларининг тўғри келмаслиги, ҳомиладорлик токсикозлари, айниқса преэклампсия ва эклампсиянинг бирон-бир ички касаликлар билан кўшилиб келиши, ҳомиладорлик давридаги турли рухий эзилиш ва эмоционал ўзгаришлар, ҳомиладорлик давридаги турли ўткир юкумли касалликлар:

грипп, ангинада, турли мөнда-ичак касаллардың сурункалықтары, бруцеллез, захм, бүримлар даюк ревматизмы, сил касаллары, моддалар алмашинуванинг бузилиши, хаддан ташқары семизлик, қанд да бүкөк касаллары кабилар ҳомиланынг барвақт түрлишига сабаб болади. Бундан ташқары, 18 ёшгача бүлган ҳамда 30 дан ошган туғувчи аёлларда ҳам бундай асортлар күп учраши мүмкін (15.1.-жадвал).

15.1.-жадвал

Муддатига етмаган ҳомиладорлыкнинг хавф омыллари

Хавф омыллари	Хавф омыллари		
ОКОЛОГИК ОМИЛЛАР	АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГИК АНАМНЕЗ		
Сув - минерализациясы ошын, оқып металдар түзлери, нестинидардан инфлюенздан да б.	Наритет: 1 түкүрүк, 5 да бундан ортик түкүрүлшөр		
Хамо - газлар, чынлар миңдори күн, күрүк, күм бүрөлшөр	Қисқа интервенционик интервал		
	Абортылар		
Тұпроқ - нестинидар, интратекал да б. химикалар миңдори ошын;	Мұздыған оқынғын түрүрүк		
- темир, кобальт, мие да б. микролементлар миңдори пасайған	Ұзак тұрмыши		
	Неоплазиялар		
	Болаларда неврологиялық бузилиштер		
Онқат маңаулотлари - азинитириб бүтіндейдеги аминокислоталық стенимасыны, йод, А, Е витаминдер, фолиаттар да б. миңдори кам;	Болаларда тана вазии: 2500 г таңда да 4000 г дан ортик		
- химикалдардан заразалығы	Бензүтілік		
НИКТИМОЙ-БИОЛОГИК ОМИЛЛАР	Бачадондагы чандаң		
Она ёши - <20 ёш да >35 ёш	Бачадоннанған ривожжанни нүксөни		
Бүйін - <150 см	Бачадон үсемшәзары		
Тана вазии - >25% нормадан	Нетмик-перикапт стенимовчилік		
Психомоционал стресс	Сенсес		
Муноннатшылмаган овқаттапшыны	ҲОМИЛАДОРДЫК АСОРАТЛАРЫ		
Зарарлы әдістер	Ҳомиладорлар күенини		
Ишолаб чыкарыладын зарарлар	Презеламинен		
ГЕНЕТИК ОМИЛЛАР	ЧАҚАЛОҚ ҲОЛАТИ		
Яқын қоршаудын билүү шикояттары	Ҳомиладаёни бөлшегінде ривожжанни нүксөншілери	Гипотрофия	Ривожжанни нүксөни
Сперматозоидтар нүксөншілери	Гипоксия	Күп ҳомиладор	Микросомия

15.1.-жадвални давоми

ОНАЛАР КАСАЛШИКЛАРИ		Үткір ёғ теншиси
ЭКСТРАГЕНІТАЛ		Қон кетінші
Анемия	УРВІІ	Редус на АВО сенситивизация
Юрак-томир касалшылары	Нифас мәссири касалшылары	Чаноқ билан келінші
Бүйрек касалшылары	Сурунгали инфекция ұchoқдары	Камеукаплик
Жигар касалшылары	Үткір инфекция	Күнеукаплик
Мезди па ишак касалшылары	Аллергия ҳолатлари	Күп ҳомицидик
ГЕНІТАЛ КАСАЛШИКЛАР		Мұздатын олдин туғалиш ханағи
Жібіюи	Эрозия ва бачадон бүйнининг б. зарарланышылары	Хомислатынға потүрін қасиаты
Колпиттер	Сурунгали эндометрит	Паралапрининг тоқоридан йыргасыншы
Бактериал тигтиңі	Бачадоннанға ривожжаннан нүксеңілірі	Тромбофлебит
Микст-инфекция	Бачадон миомасын	ЯТРОГЕН
НҰЛДОНІН ҲОЛАТИ		Полифармакотерапия
Микрошилденти	Плацентанынға орта қарашы	Бачадон бүйнін етилмаган ҳолда аминотомия
Макрошилденти	Қон оқымы бүйнинші	Аесолиммаган түрүк құротыншы

Тұрғыннан кечини на унда учрайдиган асортлар

Клиник кечишига қараб фарқлаш керак: хавф солувчи барвакт тұрғук, бошланыёттан тұрғук ва бошланған тұрғук.

Барвакт тұрғук хавфи – бел соҳасида ва кориннинг пастки кисміда оғрик билан таърифланади. Бачадон күзралуучанлығы ва тонаусы ошган, буни гистерография ва тонусометрия маълумотлари аниқлада беріши мүмкін. Қин орқали текширилгандан бачадон бүйни сақланған, бачадон бүйни ташки бүғизи ёпік. Қайта тұгувшыларда у бармок учини үтказиши мүмкін. Ҳомила ҳаракатчанлығы ошган. Ҳомила олдинда келувчи кисми кичик чаноқ кириш кисміга тақалған.

Бошланыёттан барвакт тұрғукда- корин пастыда сезиларлы түлғоксім он оғриклар ёки мунтазам түлғоклар күзатылады, буни гистерография маълумотлари тасдиқлайды. Қин орқали текширилганды пастки сегментнін шақлланиши, бачадон бүйниннін кісқариши, баъзан уннан текисланиши аниқланади.

Бошланған барвакт тұрғукда мунтазам тұрғук фаолияти ва бачадон бүйни очишлиш динамикасы қарастырылғанда бүлиб (3-4 см ортиг очишлиши), үтіб кетген на қайтмас патологик жараёндан даралады.

Асортлары. Дард бошланмасдан көзанок сувининг кетиб қолиши, тұрғук йүлларига инфекциялар тушиши, дарднинг сустлашиши, ҳомилада гипоксия күзатылышы ёки үлік тувилиш кабиларнан күзатыш мүмкін. Тұрғук йүллары ҳали тувишта тайёр бўлмаганлығы сабабли тұрғук пайтида бачадон бүйни йиртилиши кўпроқ учрайди. Тұрғыннан III даври – йўлдошининг ба-

чадон деворидан ажралиши ва чилла даврида эса септик касалликларни ку-
затиш мумкин. Булардан күпроқ эндометрит (бачадон шишлиқ қаватининг
яллигланиши), метроэндометрит, тромбофлебит ва бошқаларни учратиш
мумкин.

Даволаш усуллари

Акушерлик тактикаси.

Вазиятга қараб консерватив-кутувчи (хомиладорликни давом эттириш)
ёки актив олиб борини тактикасига амал қилинади.

Консерватив-кутувчи тактика хавф солувчи ва бошланаётган барвакт
туғрукларда кўрсатилган. Бунда даволаш комплекс ва бачадон тонусини
пасайтиришига, хомила яшовчанлигини оширишига, барвакт тургукнинг са-
баби бўлган патологик ҳолатларни даволашга қаратилган бўлиши керак.

Хомиладорлар, одатда, қорин пастида вакти-вакти билан тутаётган оғ-
ридан, бальзан ҳомиланинг секин ёки ҳаддан ташқари тез қимирлашидан
шикоят қилишади. Вактидан илгари туғишининг бирон-бир белгилари бўл-
са, аёлни тезда туғрукхонага юбориб, хомилани саклаб қолиш чораларини
кўриш лозим. Бунда аёлга ҳар тоамонлама тинчлик, нерв системасини тин-
члантирувчи дорилар (биопассит, валериана, пустирник, тазепам, седуксен,
новопассит), витаминлар, айниқса витамин Е 50-60 мг, В₆ ва В₁₂ лардан бе-
риш керак. Бачадон кискаришини сусайтирадиган дорилардан папаверин
шамчаларидан кунига 2-3 маҳал тўғри ичакка киргизиш, 1-2 таблеткадан
кунига 2-3 маҳал но-шпа бериш ёки унинг эритмасидан (2 мл) 1-2 маҳал муш-
шак орасига юбориш, 2% папавериндан 2 мл мушшак орасига, 25% магний
сульфат 10-15 мл 0,5% новокайн (5 мл) билан бирга мушшак орасига юбориш-
ни, гинипрал ғ-1/2 таблеткадан 2-3 маҳал, изоптин тавсия қилиш мумкин.
Вирусли инфекция бўлганда улкарл 1 таблетка (800) дан 3 маҳал 5 кун да-
вомида буюрилади. Бундан ташқари, ҳомиланинг ахволини яхшилаш учун
40% глюкоза (20-40 мл) ни 50 мг кокарбоксилаза билан томирга, 5% аскор-
бин кислота (5 мл) ни т/и. Ҳомиланинг ўпкаларини ривожлантириш учун
албатта дексаметазон ёки преднизолон ҳар 12 соатда 2 марта берилади.

Вактидан илгари туғиши сабабларидан бири бачадон бўйни етишмовчи-
лиги (истмик-цервикал етишмовчилик), бунда қоғаноқ пардаси секин-аста
бачадон бўйнидан кинга чиқа бошлайди. Ҳомилани саклаб қолиш учун
дори-дармонлар билан бир қаторда бачадон оғзини тикиш керак. Буни ши-
фокор бажаради.

Бошланаётган барвакт тургукда ўткир токолизни қўллаш мумкин, бу-
нинг учун бачадон кискариш фаолиятини пасайтириш мақсадида 6-миме-
тик-шартусистен ёки гинипрал берилади.

Агар ҳомиланинг вактидан илгари туғилиш белгиларига ҳомила суви ке-
тиш ҳам кўшилса, бунда сув кетиш даражасига қараб иш тутилади. Қоғаноқ
суви озгина миқдорда кетса, бу кўпроқ қоғаноқнинг бачадон оғзига яқин
қисмида эмас, аксинча, ичкари қисмида йиртилгандигини кўрсатади. Бун-
да ҳомиладор учун бутунлай осойишта шароит бўлиши, унга антибиотик,
сульфаниламид ва ҳомилани саклаб қолиш учун бошқа керакли дори-дар-
монлардан берилса, баъзи вактда ҳомила олди суви тўхтаб оғриклар камай-
са, ҳомиланинг вактидан олдин туғилишидан саклаб қолишга муваффақ бў-
линади ва ҳомила ахволини яхшилайдиган дори-дармонларни бериш давом
эттирилади.

Олиб борилган даво ёрдам бермаса (2-3), ҳомила ўз-ўзидан туғилиши мүмкін, агар туғилмаса, дардни тезлаштирадиган бачадон оғзини етарли «етилтириш» ҳамда бачадон мускулларини кисқартириш учун ҳомиладор организмига 1 мл (5 бирликдаги) энзапрост ёки окситоцин 1 мл 10% - 400 мл глюкоза эритмасига құшиб вена ичига 8 томчидан бошлаб юборилади. Томчилар сони ҳар 5 минутда 5 та дан күтпайтирилади, умумий сони 25-30 гача етказилади ва бачадон кисқаришидан, ҳомила ахволидан тез-тез хабардор бўлиб турилади. Агар кориндаги бошланган оғриқ мунтазам, яъни ҳар 6-8 минутда тутиб, турғул жараёни бошланмаса, бу ҳомиладор организмининг туғишига хали тайёр эмаслигини билдиради. Шундай бўлса ҳам окситоцин ва глюкоза аралашмасидан одатдагидек 6-8 томчидан кон томирга секин-аста юборавериш керак, бу эса бачадон оғзининг етарли «етилишига» ёрдам беради.

Қоғанқ суви кўп бўлса, айниқса дард тутмасдан олдин кетса, бу кўпроқ бачадон бўйининг яхши бекилмаслиги натижасида юзага келади, бунда ҳомилани саклаб қолишининг иложи бўлмайди. Бунда дард ўз-ўзидан бошланмаса, уни кўзратадиган дори-дармонлар килиш лозим. Шуни ҳам айтип керакки, вактидан илгари ҳам ўз вактида туғилгандаги каби дард тутиб, бачадон оғзи секин-аста очилада, сув кетмаган бўлса қоғанқ ёрилади, ҳомила туғилади, сўнгра йўлдош бачадон деворидан ажралади, умуман нормал турғудаги барча жараёнлар кузатилади.

Ҳомила суви кетаётган бўлса, у ўз-ўзидан тўхтаб қолиши ёки давом этиши мүмкін, бунда она ва ҳомиланинг ахволини назорат қилиш керак, инфекциянинг белгилари пайдо бўлса (лейкоцитоз, тана температураси ошиши, хидли оқмалар), шунда турғукни тезлаштириш зарур. Турғукнинг 1 даврида дардни кучайтирувчи дорилар билан бирга бачадон бўйининг яхши очилишига ёрдам берадиган спазмолитик ва инфекцияга карши, асфиксиянинг олдини олувчи дорилардан 5% глюкоза (40 мл), 5% аскорбин кислотаси 3-5 мл, кокарбоксилаза 50 мл дан вена кон томирига томчилатиб юборилади.

Турғукнинг I ва II даврларида она ва ҳомиланинг умумий ахволини дикқат билан кузатиб туриш ксрак.

Ҳомила чала туғилишида кўпинча дарднинг бирламчи сустлиги кузатилади, баъзан иккиласми сустлиги ҳам учраши мүмкін. Бу вактда она ва боланинг ахволига караб турли дорилар ва акушерлик усулари кўлланилади. Кўпинча, юкорида айтib ўтилганидек, спазмолитик ва оғриқ қолдирувчи дорилар билан 40% глюкоза эритмаси 40 мл, 5% аскорбин кислотаси 5 мл, 50 мг кокарбоксилаза аралашмасини кон томирига секин-аста юбориш дардни зўрайтиради ҳамда ҳомила асфиксиясининг олди олинади. Кўлланиладиган чораларни ҳар 3 соатда такроран олиб бориши керак.

Ҳомиланинг боши бешикаст чиқиши учун вулвар ҳалқани киркиш – эпизиотомия ёки перинеотомия қилиш тавсия этилади.

Ҳомила чала туғилганда турғук йўллари кўпроқ шикастланиши мүмкін. Уни аниклаш учун чилла даврининг илк 2 соати ичига туғрук йўлларини гинекологик кўзгу ёрдамида текшириш лозим, йиртилган бўлса, асептика ва антисептика қоидаларига қатъий риоя килган ҳолда тикиши керак.

Ҳомила чала туғилганда чилла даври жуда масъулиятли ҳисобланади, ҳомиланинг чала туғилишига сабаб бўлган бирор касаллик белгилари

аниқланса, уни ҳам вактида даволаш зарур.

Ҳар бир чала туғилган бола ўзига хос ҳусусиятга эга. Боланинг чалалигининг факат унинг вазнига эмас, балки бошқа бир қанча белгиларига қараб ҳам аниқланади. Бу күйидагилардан иборат: одатда чала туғилган боланинг бўйи калта бўлиб, бу унинг чалалик даражасига боғлиқ. Яъни бола қанча чала бўлса, унинг бўйи шунча калта бўлади. Чала туғилган болалар анчагина озғин, тери ости ва усти тўқималари яхши тараққий этмаган бўлади. Лекин буни касал ёки вакти-соати етиб туғилган соглом болалардаги озғинлик (гипотрофия) дан фарқ қила билиш лозим. Гипотрофик болалар териси бурушган бўлади.

Чала туғилган болалар бўшашибган, мускуларининг тонуси паст, овози суст, эмиш рефлекси яхши тараққий этмаган бўлади. Уларда боши танасига нисбатан каттарок (муддатида туғилган болалар боши танасининг 1/4 қисмини ташкил килади). Кичик лиқилдоқ очик бўлиб, бош суяги чоклари яхши бирикмаган, суяги бирор кийинчирок бўлади. Узун туклар вакти-соати етиб туғилган болаларнинг елкаси ва курак остидагина бўлса, чала туғилган болаларнинг танасида ҳам бўлади. Бунга лануга дейилади.

Чала туғилишнинг яна бошқа белгиларидан бири киз болаларда катта жинсий лабларнинг кичик жинсий лабларини беркитмаслигидир. Ўрил болаларда эса уруғдон корин бўшлиғида бўлиб, кейинчалик секин – аста уруғ халтасига тушади. Бундан ташқари, чақалокларнинг тирноклари ҳам яхши тараққий этмаган бўлади.

Чала туғилган боланинг асосий физиологик ҳусусиятлари нималардан иборат? Ҳомила туғилгандан ва онадан ажралгандан сўнг чақалоқлик даври бошланади. Бу давр чақалоқ учун мураккаб давр ҳисобланиб, бунда организмнинг ташки мұхиттага мослашиши кузатилади. Бу даврда физиологик сарғайиш, жинсий криз, вазннинг камайиши ва бошқа шунга ўхшаш мураккаб ўзгаришлар кузатилади. Чакалоқлик даври ўз вактида туғилган болаларда 3-4 ҳафта давом этса, чала туғилган болаларда анча узокрокка چўзилади. Чала туғилган болаларнинг ички аъзолари етарли тараққий этмаган бўлиб, боланинг вактидан илгари туғилиши унинг ташки мұхиттага мослашишида кўпгина кийинчалик гуёдиради. Шу сабабли чақалоққа биринчи ҳафтасида алоҳида шароит яратиш ва турли хил дори-дармонлар килиш талаб қилинади.

Чала туғилган боланинг айрим ҳусусиятларидан бири уларда кузатилган вазннинг кундан- кунга бирор камайиши бўлиб, бу асосан эса қорнидаги ҳосил бўлган биринчи ахлат ва сийдикни, туғилганинг 2-3- кунида ажралиб чиқиши, чақалоқнинг тез-тез нафас олиши, оғзидағи суюқликнинг буғланиши ҳамда ҳафтанинг биринчи кунларида улар организмига суюқликнинг етарли даражада тушмаслиги ҳисобига бўлади. Бунга вазннинг физиологик камайиши деб айтилади. Бу ўз вактида туғилган болаларда туғилгандаги вазннинг 6-9 % ни ташкил қиласа, чала туғилгандарда 10-15% ни ташкил қилиши мумкин. Чақалоқларнинг аввалги вазни миқдорига етишиши чала туғилган болаларда 2-3 ҳафтагача давом этади. Бу жараённи тўғри идора килиш учун чақалоқни неонатолог шифокор назорат қилиши лозим.

Чала туғилган чақалоқларда физиологик сарғайиш нимадан иборат? Бунда чақалоқ териси ва кўзининг оқ қисмида тургурканинг дастлабки 2-3- кунида сарғайиш юзага келади, бу сариклик чақалоқ ҳаётининг 7-10 кунла-

рида бутунлай йўқолиб кетиши керак.

Чала туғилган чақалокларнинг жигари ҳали тўла ривожланмаган бўлиб глюкагон – трансфераза ферменти етарли ишлаб чиқарилмайди. Шунинг учун чақалок эритроцитларининг парчаланиши натижасида хосил бўлган ва қайта ишланмаган билирубин пигменти уни жигаридаги бевосита билирубин пигментига айлантиришга улгурмайди, бу жараён вақтингачаликдир. У чала туғилган чақалоқларда муддатида туғилгандарга нисбатан узоқроқ вақда ўтади, яъни 10-15 кундан 2 ойгача давом этиш мумкин.

Бундай ҳолларда вена кон томирига чақалоқ вазнига қараб глюкоза ва бошқа дори-дормонлар юбориш лозим. Умуман олганда чала туғилган чақалоқлар ўзининг анатомик-физиологик тузилиши билан соғлом туғилган чақалоқлардан анчагина фарқ қиласидар. Ҳаёт учун зарур бўлган асосий аъзо ва системалар функционал жиҳатдан яхши тараққий этмаган бўлади, бу жуда ҳам чала туғилган чақалоқларда айниқса кўпроқ кўзга ташланади. Чала туғилган чақалоқлар кўпгина касалликларга зотилжам, ракит ва бошқаларга мойил бўлишади. Уларда тана ҳароратини идора килиш ҳам етарли ривожланмайди. Агар ташки мухит ҳарорати ўзгарса, уларда ҳам ҳарорат тез ўзгариб, тез совқотиши ёки, аксинча, тезда ҳарорати кўтарилиб кетиши мумкин. Биринчи ёшида камқонлик учраши мумкин. Чала туғилган чақалоқларни парвариш килишда юқорида кўрсатилгандарга тўла амал килиш чақалоқлар ўртасида ўлимнинг камайилига ёрдам беради.

Чала туғилган болалардаги касалликларни даволаш ва олдини олиш

Барвакт туғилган болаларда туғруқ вақтида қандай асоратлар рўй беради? Кўпинча бош мияга кон куйилиши ва унинг шикасталаниши бўлади. Бош мияга кон куйилиш клиникаси куйидагилардан иборат: чақалоқларнинг умумий аҳволи оғир бўлиб, тери қавати оқаради, оғиз ва бурни атрофлари кўкиш тус олади. Кўз сокқасига майда нуктасимон кон куйилади.

Инграб тез-тез минутига 80-100 мартагача нафас олали. Томир уриши секинлашади; юрак урини оҳангси суст, тана ҳарорати ўзгарувчан чақалоқда безовталаниш, тез кўзгалувчанлик кузатилади. Тананинг ҳамма мускуллари ўзгариб, юз мускулларининг бироз кискариб туриши, баъзи мускулларининг тиришишини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, кўллари ва пастки жагида қалтираш, катта ва кичик лиқилдори таранг бўлиб, кўз корачиқларининг ҳар хил кенгайиши юзага келади. Баъзан чақалок бўшалигиган мускуллари тонусининг жуда ҳам пасайғанлиги кузатилади.

Бош мияга кон куйилишини даволашда нималарга эътибор бериш кепар? Чақалок кювэз режимида сакланади, ётган жойини “ин” га ўҳшатиб ясаш ҳамда химоя режимини ташкил қилиш зарур, “Шанц ёқаси” кўлланилади. Даволаш чораларини аввало нафас олишни нормаллаштиришдан бошланади. Бунинг учун маска орқали минутига 4 литр 34 градус нам кислороддан 5-10 минут танаффус килиб ҳидлатилади. Бу биринчи суткаларида бўлса, кейинчалик минутига берилади. Сурфактант синтези учун Амбробенс 20 мг/кг микдорда килинади. Озикланиши енгил ва ўртача оғир

ГИЭ да оз микдорда тез-тез зонд, шприц, кружка орқали. Чақалоқ организмида суюқлик етишмовчилигини камайтириш учун биринчى 2 суткаларда ҳаммаси бўлиб (ичишига ҳамда кон томирига) 1 кг гавда оғирлигига 40-60 мл, 3-суткада 60-70 мл, 4-суткада 70-80 мл, 5-суткада 80-90 мл суюқлик юборилади.

Барвақт туғилган чақалоқларда учрайдиган асфиксия касаллиги нималардан иборат ва уни қандай даволаш керак? Асфиксияда чақалоқ нафас олиши оғирлашади ва тезлашади, юзаки бўлиб қолади, натижада тўқималарда чуқур метаболик ўзгаришлар содир бўлади. Асфиксия келиб чикишига кўра ҳомила асфиксиясига ва бирламчи ҳамда иккиласмачи чақалоқ асфиксиясига бўлинади.

Чақалоқ асфиксияси ҳомила асфиксиясининг давоми бўлиб, ҳомила асфиксияси негизида баъзан йўлдош кон айланиш системасининг бузилиши (сабаблари ҳомиладорлик токсикозлари, йўлдош патологияси), ҳомиладорлик даврида кислород етишмовчилигига олиб келиши мумкин бўлган касалликлар (юрак-томир, нафас олиш системаси касалликлари, бирдан кўп кон кетиши натижасида плок юзага келиши), киндикнинг ўзўзидан ҳомила ёки танаси атрофида ўралиб колиши, киндикнинг ҳомиладан олдин туғилиши, қофаноқ сувининг барвақт кетиши натижасида «куруқ» туғиш, дарднинг сустлиги натижасида түргуқнинг чўзишиши ва бошқа патологиялар ётади. Кўрсатилган сабаблар ҳомилада кислород етишмаслигига, натижада унинг қонида оксид гази тўпланишига, ҳомила нафас олиш марказини кўзгатиб, унинг она қорнида нафас олишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ҳомиланинг нафас йўлларига қофаноқ сувининг киришига ва ҳомила нафас йўлларини беркитиб қўйишига олиб келади.

Бундан ташқари, ҳомиладор организмида кислород етишмаслиги натижасида кон айланиш системасида чуқур ўзгаришлар кузатилади, бу асфиксияга олиб келадиган сабаблардан бири бўлиши ва бош мияга, ўпкаларга ва бошқа аъзоларга кон қўйилишига олиб келиши мумкин. Натижада эса ҳомила юрак уриши тезлашади (асфиксиянинг бошида) ёки секинлашади (асфиксиянинг оғир кечипида), ритми бузилади. Бу вактда она қорнидаги ҳомиланинг кимирлаши олдинига тезлашиб, кейинчалик секинлашиб қолиши мумкин. Кислород етишмаслиги натижасида содир бўлган ўзгаришлар ҳомиланинг орка чиқарув тешиги мускулларига тაъсир қилиб, у бироз очилиши мумкин ва тўғри ичакда бирламчи ахлат қофаноқ суви тушиб, унга яшил тус беради. Агар түргук пайтида қофаноқ суви яшил тус ва «лойқаланган» бўлса, демак ҳомилада гипоксия аломатлари бор бўлади ва тезда зарур ёрдам кўрсатиш лозим. Ҳомиланинг она қорнидаги гипоксияси түргуқчача ёки түргук пайтида нобуд бўлишига ёки гипоксия аломатлари билан туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бирламчи асфиксия кўпинча ҳомилада асфиксиянинг давоми бўлиб, баъзан ҳомила туғилаётган пайтида кузатилиши мумкин. Бунда, бир томондан, чала туғилган чақалоқларда нафас олишни бошқарувчи марказ тарақкий этмагалиги бўлса, иккинчи томондан эса, чақалоқ нафас йўлларига қофаноқ суви ва қин йўлидаги шиллик моддалар тушиши натижада

сида нафас йўллари беркилиб қолишидир. Асфиксиянинг клиник белгиларига қараб енгил, ўртача оғирликдаги ва оғир даражалари кузатилади.

Енгил даражадаги асфиксияда ҳомиланинг териси бироз кўкимтири бўлиб, нафас олиши қийинлашган, рефлекслар ҳамда мускуларининг тонуси бироз пасайган, лекин юрак уриши яхши, нафас олиши бироз сустрок бўлади.

Ўртача оғирликдаги асфиксияда ҳомила териси кўкимтири, рефлекслари ва мускуллар тонуси пасайган, юрак уриш сони камайган, нафас олиши паст бўлади.

Оғир даражадаги асфиксияда чакалок деярли нафас олмайди ёки сийрак нафас олади, юрак уриши анча пасайган, рефлекслари ва мускул тонуслари жуда паст ёки деярли бўлмайди, териси оқимтири тусда бўлади

Иккиласми асфиксия ҳомила туғилгандан сўнг чақалок ҳаётининг биринчи кунларида кузатилиб, унга кўпроқ ўпка зотилжами, ўпка маълум кисмларининг нафас олишда қатнашмаслиги (ателектаз), бош мия шикастланиши, ички аъзолар аномалияси, ҳаддан ташқари чала туғилиш кабилар сабаб бўлиши мумкин. Иккиласми асфиксиянинг бошланниши нафас олишнинг қийинлашиши ва тери ранггининг кўкимтири бўлиши билан бошланади. Чақалок қийиалиб нафас олиши ёки бутунлай нафас ололмай қолиши мумкин, шунда териси жуда кўкариб ёки окариб, мускуллар тонуси пасайиб кетади. Агар ўз вактида ёрдам кўрсатилса, чақалок ўзига келади, лекин асфиксия кейинроқ яна қайтарилиши мумкин, шунинг учун асфиксия сабабини бартараф килишга ҳаракат қилиш лозим. Бундай жарайён кўпроқ жуда чала туғилган чақалоқларда кузатилади. Иккиласми асфиксияда болани сўргич билан эмизиб боқиши, тана хароратининг пасайиб кетиши, қорнининг дам бўлиши, бирон-бир укол килиш кабилар сабаб бўлиши мумкин.

Ҳомиладорлик давридағи ҳомила гипоксияси (ёки асфиксияси)га куйидагича даво қилинади. Ҳомила сурункали гипоксиясининг олдини олишда оиласвий поликлиника мухим рол ўйнайди. Ҳар қандай ички қасалликларни ҳомиладор бўлмасдан олдин даволаган маъқул. Ҳомиладорлик бошланганидан сўнг ҳомила гипоксияси бўлиши эҳтимоли бор аёллар шифокорга мурожаат қилишлари лозим. Гипоксияга сабаб бўлувчи ички қасалликлар ва ҳомиладорлик гипертензив ҳолатларини ўз вактида даволаш гипоксиянинг олдини олиш гаровидир.

Туғрук даврида уни тўғри бошқариш лозим. Асфиксия бошланниши билан керакли чора-тадбирлар кўрсатилса, уни ўз вактида даволаш болалар ўлимининг олдини олишда мухим рол ўйнайди.

Масалалар.

1. Қайта ҳомиладор аёл, 26 ёшда, 22-23 ҳафта ҳомиладорлик билан келди. Анамнезидан – олдинги ҳомиладорликлари 16 ва 18 ҳафтада ҳомила тушиш билан тугаган. Ҳайз цикли бузилмаган.

2. 38 ёшли биринчисига ҳомиладор ҳомиладорликнинг 33-34 ҳафтасида, УТТ бажариш керак? Ҳомиладорлик мулажаларини тайинлаш режаси? Текширувга жўнатилган. Қорин айланаси 90 см, бачадон туби туриш

баландлиги 34 см. Аёл вазни 70 кг. Тахминий диагноз? Текширув мақсади қандай?

Үргатувчи тестлар

1. Ҳомиладорлик муддатига етмаслигининг 6 та сабабиниң айтинг:
инфекцион касаллклар (брүцелләз, токсоплазмоз)

вирусли инфекция

инфантилизм (гормонал етишмовчилик, бачадон гипоплазияси)

аёллар жинсий аъзоларининг яллигланиш касаллиги

жинсий аъзоларда ривожланиш нүксони

истмик-цервикал етишмовчилик

2. Муддатига етмаган ҳомилага хос 5 та белгиниң айтинг:

тана оғирлигининг 2500 г дан камлиги

бўйининг 45 см дан камлиги, овози чийиллаган

ҳомила оқиш суртмасининг кўплиги

тери ёғ клетчаткасининг камлиги

кулоқ ва бурун тогайларининг юмшоқлиги

тирноқларнинг калталиги

ўғил болаларда мояги уруғ ҳалтага тушмаган, киз болаларда кичик жинсий лаблар катта лабларини ёпмаган

3. Муддатидан олдин туғрук ва ҳомилага таъриф беринг:

Муддатидан олдин туғрук деб, ҳомиладорликнинг 22 ҳафтасидан 37 ҳафтасигача бўлган туғрукка айтилади

Ҳомила вазни 500 г дан 2499 г гача

4. Муддатидан олдинги туғрукка хос асоратлар:

Ҳомилнинг нотўғри ҳолатда бўлиши ва ётиши

НЖЙБК

Тез ёки ўта тез туғрук

Туғрукда она ва бола жароҳати

5. Муддатидан олдинги туғрукнинг 3 босқичини айтинг:

Олдин туғиши хавфи

Бошлангаётган муддатидан олдинги туғрук

Бошланган муддатидан олдинги туғрук

6. Муддатидан олдинги туғрукнинг асосий сабаблари:

Ижтимоий- демографик

Сийдик йўллари яллигланиш касаллклари

Ҳомила тушиши, ҳомилани олдириш

Ўтқир ва сурункали, вирусли касаллклар

Истмик – цервикал етишмовчилик

7. Муддатидан олдин туғиши хавфи клиникаси:

қорин пастида ва бел соҳасида доимий бўлмаган оғрик.

бачадон кўзгалувчанлиги ва тонуси ошган.

бачадон бўйни сақланган, бўғзи ёпиқ.

8. Бошлангаётган муддатидан олдин туғиши клиникаси:

қорин пастида дардсимон оғрик ёки мунтазам дард.

бачадон бўйининг текисланиши ва калталашуви.

қофаноқ сувларининг барвакт кетиши.

9. Бошланган муддатидан олдинги туғишининг клиникаси:
мунтазам дард тутиши.

бачадон бўйнининг 2-4 см дан кўп очилиши.

10. Вактидан олдинги тургукнинг кечиш хусусиятлари:
Қоғанок сувларининг баравқт кетиши.
Тургук фаолияти аномалиялари.

НЖИБК.

Тургукнинг III ва илк чилла даврида кон кетиши.

Тургукда ва чилла даврида йирингли- септик асоратлар.

Ҳомила гипоксияси.

11. Вактидан олдин турилиш хавфини даволаш тамойиллари:
Ётот режими

Психотерапия ва седатив воситалар

Спазмолитик терапия

Бачадон активлигини пасайтириш: токолитиклар, һ- адrenomиметиклар

Физиотерапия ва дориларсиз усууллар кўллаш.

Простагландин ингибиторларини буюриш.

Чақалоқларда нафас респиратор- дистресс синдромини глюкокортикоидлар билан олдини олиш.

XVI БОБ МУДДАТИДАН ЎТГАН ҲОМИЛАДОРЛИК

Мақсад. Муддатидан ўтган ҳомиладорлик тўғрисида тушунча, сабаблари, патогенези, диагностикаси, асоратларини ва тургук жараёнини бошқариш усуулларини ўрганиш.

Режа. 1. Муддатидан ўтган ҳомиладорликнинг сабаблари ва патогенези.

2. Ҳомиладорликни олиб бориш.

3. Муддатидан ўтган ҳомиладорликни аниклаш.

4. Асоратлари.

5. Тургук жараёнини бошқариш усууллари.

Муддатидан ўтган ҳомиладорлик, кўпчилик олимларнинг фикрича, умуман 1,4-14% ҳолларда учраб, ўртacha 8% ни ташкил қилади. Бизнинг шароитимизда тез-тез туғадиган аёллар кўп бўлгандиги учун 5-10%, биринчи туғувчи аёлларда эса 4-5% ҳолларда учрайди.

Муддатидан ўтган ҳомиладорлик нима? Физиологик ҳомиладорлик 39-41 ҳафта давом этади, агар 42 ҳафтадан ўтиб кетса, патологик – муддатидан ўтган ҳомиладорлик ёки кечиккан тургук хисобланади.

Муддатидан ўтган ҳомиладорликни узоқ давом этган ҳомиладорликдан фарқ кила билип керак.

Узоқ давом этган ҳомиладорликда ҳомила она организмида туғилиш даражасида ривожланмаганлиги сабабли ҳомиладорлик бир-икки ҳафта кўп давом этади. Кўпчилик олимлар буни биологик ҳолат ёки ҳомиладорликнинг муддатидан вактинча узайиши деб хисоблайдилар.

Агар ҳомиладорлик муддатидан икки ҳафта ёки бундан кўпроқ ўтса ва ҳомилада вактидан ўтиб туғилиш белгилари мавжуд бўлса, бу патологик

ёки ҳақиқий вактидан ўтиб туриш дейилади. Кейинги вактларда ўткази-
лган кўпгина илмий тадқиқотлар ва кундалик тажриба ҳомиланинг муд-
датидан ўтиб туғилиши она ва бола учун хавфли эканини кўрсатди.

Муддатидан ўтиб кетган ҳомиладорликнинг келиб чиқиш сабаблари
кўп йиллардан бери олимларнинг диккат-эътиборини ўзига жалб этиб
келган.

Гиппократ давридан шу вақтгача жуда кўп илмий тадқиқотлар ки-
линди ва кўпчилик олимлар аёл организмида нейроэндокрин системаси,
жинсий безлар фаолиятининг бузилишини муддатидан ўтган ҳомиладор-
ликнинг асосий сабабларидан бири деб ҳисоблайдилар, шулардан айрим-
лари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ҳайз кўриш циклининг ҳар хил ўзгаришлари ҳомиладорликнинг муд-
датига таъсир қилиши аниқланган. Бунда: болалик даврида бўлиб ўтган
бирон-бир инфекцион касалликлар (қизилча, тепки, қизамиқнинг оғир
формаси ва бошқалар) ҳайз кўришни бошқарувчи бош миядаги марказ-
лар фаолиятини ўзгартириб, ҳайз муддатининг бузилиши, натижада ҳайз
цикли қисқа (21 кундан кам) ва узоқ (25 кундан кўп) бўлиб қолиши мум-
кин. Муддатидан ўтган ҳомиладорликда ҳайз циклининг ҳар замонда (2-3
ойда бир марта) келиши маълум рол ўйнаши мумкин.

Бу жараёнда ички аъзоларнинг баъзи касалликлари ҳам маълум аҳа-
миятга эга бўлади. Булардан ички секретия безлари (гипофиз, буйрак
усти, меъда ва бошқалар) фаолиятининг бузилиши, моддалар алмашиши-
нинг (ёғ, оқсиł, углевод ва бошқалар) ўзгариши, ҳомиладорликда гипер-
тензив ҳолатлар, бирон-бир нерв-психик касалликлар ҳам маълум таъсир
кўрсатиши мумкин. Бу асоратда ҳомиланинг ҳам хиссаси катта, чунки
вактидан ўтиб турилган ҳомила ва чакалоклар ўртасида турли нуксонлар:
гидроцефалия-мия қоринчасига сув йигилиши, анэнцефалия-ҳомиланинг
бош миясиз туғилиши, микроцефалия-бош миянинг одатдан ташқари ки-
чик бўлиши. Даун касаллиги, тутма насл касаллиги, буйрак поликистози
- буйракнинг майда пуфакчаларига айланиши каби касалликлар 9,24% ни
ташкил этади.

Одатда ҳомиланинг нормал ривожланишида она-йўлдош-ҳомила ти-
зими бир бутун бўлиб, уларнинг фаолиятлари бир-бирига чамбарчас боғ-
лиkdir.

Ҳомиланинг буйрак усти бези дегидроандростерон гормони ишлаб
чиқаради, у ҳомила ва она жигарида 16-гидроэпандростеронга айланади,
бу эса йўлдошда эстрadiолга айланади. Агар бу тизим бузилса, она
конидаги эстриол микдори камаяди, бу ҳомила ҳаёти хавф остида экан-
лигини кўрсатади. Агар эстроген гормони етарли ишланиб чиқмаса, аёл
организмининг туғиш вактида ўлик бола туғилишига олиб келади.

Баъзи олимларнинг фикрича, кондаги прогестерон гормони кўпайиб
кетса ҳам ҳомиладорликнинг вактидан ўтиб туғилишига сабаб бўлиши
мумкин.

Туғруқ жараёнининг ўз-ўзидан бошланишида биологик актив аминлар
(серотонин, кинин, брадикинин, простагландин ва бошқалар) катта аҳа-
миятга эга бўлиб, уларнинг кондаги микдори камайиб ёки оксидаминаза

хамда холинэстераза ферментларининг кўпайиб кетиши ҳам ҳомиланинг вактидан ўтиб туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Туғруқ вактида бачадон мушаклари яхши қискариши учун микроэлементлар (марганец, рух ва бошқалар), витаминлар (В₁, В₁₂, витамин РР, С, Е ва бошқалар), гликоген ва бошқалар мухим рол йўнайди. Агар ана шу моддалар аёл қонида камайиб кетса, бачадон мушакларида моддалар алмашинишининг бузилишига олиб келиши ва ҳомиланинг вактидан ўтиб туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бачадон мушаклари илгари яллиғланган ёки аёл кўп марта abort қилдирган бўлса, бачадон мушакларининг қондаги гормонларга сезувчанлигининг сусайиши ҳам муддатидан ўтган ҳомиладорликка сабаб бўлиши мумкин.

Муддатидан ўтган ҳомиладорликни аниклашда оиласвий поликлиническинг роли катта. У ерда аёлларни ҳар тарафлама текшириш катта аҳамиятга эга.

Ҳомиладор аёллар оиласвий поликлиникага келганда ҳайзнинг қачон ва неча ёшдан бошлангани, неча кун давом этиши, неча кундан тақорланиши (21, 28 ёки 30-35), ҳайз кўрганда оғриқ бўлиш-бўлмаслиги, охирги мартда қачон ҳайз кўргани каби маълумотларни билиши жуда катта аҳамиятга эга, чунки муддатидан ўтиб кетган ҳомиладорлик кўпинча кеч, 16-17 ёшда ҳайз кўрган ва ҳайз кўриш функцияси бузилган аёлларда кўпроқ учрайди.

Ҳомиладорликда аёлнинг ёши катта аҳамиятга эга бўлиб, муддатидан ўтган ҳомиладорлик кўпинча 28 ёшдан кейин биринчи марта ҳомиладор бўлган аёлларда кўп учрайди.

Поликлиникада аёлдан олдинги ҳомиладорлиги қандай ўтганилиги, фарзанди чала туғилганми ёки муддатидан ўтганми, ҳомиладорлик асоратлари тўғрисидаги маълумотларни ҳомиладорлик варакасига аниклаб ёзиб қўйиш керак. Аёл ҳомиладорликнинг биринчи ярмида (5 ойгача) бир ойда бир-икки, иккинчи ярмида уч-тўрт марта текшириб турилади. Агар ҳомиладорлик даврида нормадан ташқари белгилар топилса ёки ҳомиладорликнинг муддатидан ўтиш хавфи бўлса, бунда аёлни туғруқхонага ҳомиладорликнинг 37-38 хафтасида ётказиши зарур.

Ҳомиладор аёлнинг тахминий туғиши вакти куйидагича аникланади. Ҳомиладорлик охирги ҳайзнинг биринчи кунидан хисобланганда ўрта хисобда 280 кун ёки акушерлар ойи билан 10 ой (40 хафта), баъзан ҳомиланинг ривожланиш хусусиятига қараб 280 кундан (10-12 кунгача) кам ёки кўп давом этиши мумкин.

Бундан ташқари, охирги ҳайзнинг биринчи кунидан бошлаб 3 ой орқага санаб, унга 7 кун кўшилади. Масалан, агар охирги ҳайзнинг биринчи куни 20 август бўлса, 3 ой орқага саналиб унга 7 кун кўшилса, туғруқ келаси йилнинг 27 майида бўлади. Ҳомиланинг тахминий туғилиш кунини унинг биринчи марта қимиirlаган санасини аёлдан сўраб ҳам аниклаш мумкин. Маълумки, биринчи туғувчи аёллар ҳомиланинг биринчи марта қимиirlашини 20 хафталигида, қайта туғувчилар эса 18 хафтада сезишиди. Шунга асосан, биринчи туғувчиларнинг ҳомила қимиirlаганлигини сезган санасига 144 ёки 20 хафта, қайта туғувчиларда 154 ёки 22 хафта,

туғржнинг тахминий кунини аниқлаш мумкин.

Хозирги пайтда туғрук вактими аниқлашдаги құшимча усулдардан бири қондан суртмалар олиб, ундаги хужайралар сифатига, сонига, шаклига қараб цитологик аниқлаш усули көнг тарқалған. Қин девори шиллик қавати 4 хил хужайралардан ташкил топған: базал, парабазал, оралиқ ва юзаки қаватдан. Бунда базал қават хужайраларигача етилади, хужайра шаклларининг ўзгариши ва уларнинг борган сари кичикланиши, күчиб туриши хужайраларнинг сони, қондаги эстроген ва прогестерон гормонларнинг мікдорига боялғып.

Одатда туғрукқа яқын ҳомиладор организміда эстроген гормони күпайиб боргани учун у қин шиллик қавати хужайраларига таъсир қилиб, қават ядроси нұктасимон бұлған хужайралар сони ҳам күпая боради. Қиндан суртманинг түшиши 8-10 күн қолғанда ҳар куни олиб текширилиб күрілғанда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар күрсатылған хужайралар сони 20 дан кам бўлса, демак ҳомиладор организміда эстроген гормони камлигини күрсатади, шу билан бирга туғрукқа күникаётганидан дарак беради. Агар қинда яллиғланиш бўлса, бу усул билан текшириш натижа бермайди. Шу билан бирга бачадон бўйнининг етилиш даражасига, бачадон мускулларининг окситоцинга сезгирилгига ҳам аҳамият бериш зарур. Бачадон бўйнининг узуунлиги, чаноқ ўқига нисбатан жойлашиши, деворларининг қалин-юмшоқлиги, каналининг кенглігі каби белгиларга қараб 4 та «етилғанлик» даражаси тафовут қилинади. Бу ҳомиладорликнинг 38-ҳафтасидан бошлаб аниқланади.

Бу жадвални ҳар бир фельдшер-акушерлик пунктіда, туғрукхона заллари, оиласиб поликлиникаларда күзга күринадиган жойга осиб қўйиш керак. Буни ҳар бир акушерка билиши, ўз иш фаолиятида ишлата олиши зарур. Чунки бу жадвал ҳомиланинг вактидан ўтиб туғилишидан ташқари, акушерлик асоратларининг олдини олишга ҳам ёрдам беради. Туғрук кечикаётганида ҳомила аҳволини билиш учун аёлни 8-10 та зинапоя поғонасидан юқорига чиқарыб, сўнгра ҳомила юрагини эшитиб кўриш усули ҳам бор. Бунда, агар ҳомилада гипоксия бўлмаса, унинг юрак уриши 5-10 мартаға тезлашади, секинлашса - бу ҳомилада гипоксия борлигини билдиради. Бу туғрукни тезлатиш усуларини қўллаш зарурлигидан дарак беради. Ҳомила аҳволини билиш учун хозирги даврда унинг юрак фаолиятини ёзиб оладиган электрокардиограф ва фонокардиограф каби аппаратлардан ва УТТ дан фойдаланилмоқда.

Муддатидан ўтган ҳомиладорликни аниқлашга ёрдам берадиган ультратовуш текширишидир. Бунда ҳомила бош суюги қаттиқлашганлиги, ҳомила олди суви мікдори бироз камайғанлиги аниқланади.

Хозирги даврда клиникаларда муддатидан ўтган ҳомиладорликни аниқлашда амниоскопия (оптик система ёрдамида бачадон бўйни орқали ҳомила пуфаги ҳолати ҳамда суви рангига аҳамият бериш), қондаги эстроген, прогестерон, гонадотропин ва бошқа гормонларни текшириш усуллари көнг қўлланилмоқда. Она қони ва ҳомила қон айланиш системалари алоҳида-алоҳида бўлғанлиги учун қон хеч қаерда бир-бири билан аралашмайди. Йўлдошлар капилляр қон томирлар орқали она билан бола

Үртасидаги моддалар алмашувини таъминлаб туради. Шунинг учун ҳам йўлдош ҳомиланинг овқатланишини, нафас олишини, моддалар алмашув натижасида ҳосил бўлган чикндиларнинг ажралишини таъминлайдиган аззо хисобланади. Агар йўлдошда турли морфологик ўзгаришлар бўлса, моддалар алмашинувининг барча турига таъсир этади.

Айрим ёш оналар юкорида айтиб ўтилган баъзи маълумотлардан ҳабардор бўлсалар ҳам, дард бошланмасдан олдин тутрукхонага бормайдилар, бу эса кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлади.

Ҳомиладор аёлни тутрукхонага ёткизиб текширилса, тўлиқ маълумотлар олишдан ташқари, даволаш чоралари ҳам кўрилади. Ҳомиланинг муддатидан ўтиб турилиши она ва бола учун хавфли деганимизнинг сабаби шундаки, йўлдош қон айланиш системаси фаолияти сусайиши билан бир қаторда она ва бола организмида моддалар алмашинувининг барча турлари ҳам бузилади.

Ҳомиланинг муддатидан ўтиб туғилиши кўпинча баҳор, киш ойларида, организмда витаминлар камайган даврда учрайди. Бизнинг шароитимизда витаминларга бой ҳўл ва қуруқ мевалар мўл бўлганилиги учун ҳомиладорликнинг муддатидан ўтишининг олдини олиш мумкин.

Муддатидан ўтган ҳомиладорликда кўпроқ илк ва ҳомиланинг сурункали гипоксияси ёки унинг нобуд бўлиши, тутрук даврида эса дарднинг сустлиги, чаноқнинг функционал торлиги каби асоратлар кузатилиди.

Муддатидан ўтган ҳомиладорликда нималар қилиш ва тутрукни қандай бошқариш керак?

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳомилани түғдиришга ҳаракат қилишдан олдин уни ҳар томонлама текшириб, аниклаш лозим. Агар ҳомила етилиши учун тутрук вақти узаяётган бўлса, бироз (42-хафтагача) кутиш ва ҳомила ахволини яхшилайдиган дорилар бериб туриш мумкин. Ҳомиладорликнинг вактидан ўтаётгани хақиқий бўлса, унинг туғилиши вактида ёрдам бериш лозим. Бунда аёлнинг ўзи туга оладими ёки дард бошланишини кутмай, операция йўли билан түғдириш зарурияти пайдо бўладими, деган масалани ўз вактида ҳал қилиш керак. Агар аёлда ҳомиладорлигига ва аввалги ҳомиладорликларида қандайдир асорат, ички аъзолар касалликлари бор бўлса, тутрукка 3-4 кун қолганда ҳомилани кесар кесини операцияси билан олингани маъкул. Ҳомиланинг туғилиши вактидан ўтган бўлса (ахволи ёмон бўлмаса), бачадон оғзини етарлича «етилтиришга» ҳамда бачадон мушакларини окситоцин модласига сезувчанлигини ошириш учун ҳомиладор организмига простагландинлардан юборилади. Шунда ҳам энзапрост ва глюкоза аралашмасидан одатдаги-дек 6-8 томчидан кон томирга аста -секин юбораверин керак, бу эса бачадон оғзининг етарли «етилишига» ёрдам беради.

Дард тутиши мунтазам бир текис ва қоғаноқ парда бутун бўлса, шунингдек бачадон бўйни секин-аста очила бошласа, 7-8 см гача, агар ҳомила кўндаланг ёки ҳаддан ташқари катта бўлмаса, уни аста-секин игна ёрдамида йиртиш мумкин. Қоғаноқ парда бачадон бўйни очилмасдан туриб йиртилса, тутрукда ҳар хил асоратлар пайдо бўлиши мумкин.

Энзапрост юборилганда аёл ва ҳомила ахволини диккат билан кузатади.

тиш керак. Зарурат бўлиб қолганида (бачадон мускулларининг тез-тез қисқариши, йўлдошнинг оддин кўчиш белгилари, ҳомила аҳволининг ёмоналашиши) энзапрост юборишини тұхтатиб асоратларнинг оддина олиш мумкин. Барча ҳомиладор аёлларда гемоглобин ва кўп тукъсан хотинларда, айниқса илгари ҳомиладорлик ва туғрук вақтида кон кетган аёлларда кон ивиш системасини оддиндан аниқлаш зарур. Ҳомиланинг она қорнидаги асфиксиясининг оддина олиш учун глюкоза эритмаси (20 мл) ва кокарбоксилазани (50 мл) кон томирига юбориш лозим.

Туғрук жараёнини бошқариш усуллари

Туғрук жараёнини кузатилиб, дард тутаётганида бачадон мушакларининг ҳаддан ташқари қисқаришига йўл кўймаслик ва оғриқсизлантириш учун вақти-вақти билан спазмолитик (атропин, папаверин, ношпа) дорилар бериб туриш лозим. Туғрукни оғриқсизлантириш учун хозир перидураланальгезия кўлланади. Агар туғрук давомида бирон-бир асорат (дардининг бирламчи ва иккиламчи сустлиги, ҳомила асфиксияси) содир бўлиб қолса (одатдагича тегишли бобларга қарабасин) зарур ёрдам кўрсатилади. Чаноқ функционал тор бўлса (бунга кўпроқ йирик ҳомила, ҳомила бош суюгининг қаттиқлашиши сабаб бўлади), унинг даражасига қараб кесиш операцияси кўлланилади.

Ўргатувчи тестлар

1. Муддатдан ўтган туғрукни олиб боришни қандай 2 та турини билан-сиз?

Туғрук дардини туғрук тайёрлов бўлимида чақириш.

Жарроҳлик йўли билан.

2. Муддатидан ўтган туғрукни 2 та натижасини айтинг:

кесар кесиш амалиёти;

туғрук табиий йўллари орқали тугаши.

3. Ҳомиладорликнинг муддатидан ўтиши, агар унинг давомийлиги:

294 кун.

42 хафта.

43 хафта.

4. Ҳомиладорлик муддати ўтишини келтириб чиқарувчи 4 та назарияни айтинг:

нейрогуморал;

гормонал;

иммунологик;

прогестеронли блок.

5. Ҳомила муддати ўтишини қандай 3 та сабаби клиник тор чанокка олиб келади?

Ўта етилган йирик ҳомила.

Туғрук фаолиятининг сустлиги.

Миометрийнинг функционал етишмовчилиги.

6. Муддатидан ўтган ҳомиладорликда ҳомилада қайси асоратлар кўпроқ ривожланади?

Сурункали гипоксия.

Түгруқда жароҳат.

Ҳомиланинг түгруқда нобуд бўлиши.

7. Муддатидан ўтган ҳомиладорликни она томонидан сезиладиган 4 белгисини айтинг.

Муддатига етган ҳомиладорликда (38-40 ҳафта) бачадон бўйнидаги биологик тайёргарликнинг бўлмаслиги.

Ҳомиладорлик 40 ҳафтасидан кейин корин айланасининг камайиши.

Ҳомила ўлчамларининг катталиги сабабли бачадон тубининг баланд туриши, пастки сегмент гипертонуси ва ҳомила олдида ётган қисмининг баландда жойлашганлиги.

Организмнинг эстроген билан тўйинганлиги пасайиши, конда эстродиол, плацентар лактоген, кортикостероидлар, трофобласт глобулин микдорининг камайиши.

8. Ҳомиладорлик пайтида муддатидан ўтганликнинг ҳомила томонидан сезиладиган белгилар:

ҳомила харакат фаоллигининг кучайиши ва сусайиши;

КТГда юрак уриш сони ритмининг ўзгарипи;

ҳомила биофизик кўрсаткичларининг сусайиши.

9. Муддатидан ўтган ҳомиладорликка хос УТТ 4 белгисини айтинг:
йўлдош қалинлигининг камайиши, унда киста, петрификатлар аниқла-

ниши

камсувлик;

қоғаноқ сувлари зичлигининг ортиши;

ҳомила, йўлдош ва бачадон қон айланишининг пасайиши.

10. Қайси 4 сабаб туфайли ҳомилада муддатидан ўтганда сурункали гипоксия ва чақалоқларда асфиксия ривожланади?

Фетоплацентар етишмовчилик.

Ҳомиланинг гипоксияга сезирлигининг ортиши.

Нафас олиш бузилиш синдромлари.

Пневмопатиялар.

11. Кечиккан түгруқ учун қандай 6 асорат хос:

түгруқ кучлари сустлиги;

ҳомиланинг она қорнида димиқиши;

ҳомиланинг түгруқда нобуд бўлиши;

түгруқнинг III ва илк чилла даврида қон кетишлар;

жарроҳлик йўли билан түгруклар кўпайиши;

она ва бола жароҳати.

12. Ҳозирги пайтида муддатидан ўтган ҳомиладорликда түғдиришнинг 2 усулини айтинг:

табиий түгруқ йўллари орқали;

жарроҳлик йўллари билан түғдириш.

13. Қайси 2 сабаб муддатидан ўтган ҳомиладорликда клиник тор чаноқ ривожланишига олиб келади?

Ирик ҳомила.

Ҳомила боши конфигурация қобилиятининг йўқолиши.

14. Муддатидан ўтган ҳомиладорлик диагностикасида қўшимча усул-

лар:

УТТ

амниоскопия, амниоцентез

гормонал текширувлар

қоранқұ сувларини биокимёвий текширув

хомила кардиотокографияси

15. Муддатидан ўтган хомиладорликда кесар кесишга күрсатмалар:

30 ёшдан ошган 1-тууувчилар;

кэтта хомила;

хомила гипоксияси ва гипотрофияси;

хомила чаноги билан келиши;

акушерлик анамнезига мойиллик;

туғруқка биологик тайёргарликнинг йўклиги.

16. Муддатидан ўтган хомиладорликда йўлдошли кўрганда нималар аниқланади?

Ёғли ўзгаришлар.

Кальцификатлар.

Пардаларнинг сариқ-яшил тусга бўялиши.

17. Муддатидан ўтиб кетган ва чўзилиб кетган хомиладорликка таъриф беринг?

Муддатидан ўтиб кетган хомиладорлик деб, 42 ҳафтадан ошса ва муддатидан ўтиб кетганлик белгилари билан бола туғилганда айтилади.

Чўзилиб кетган хомиладорлик- бу хомиладорлик муддати 42 ҳафта-дан ўтиб, муддатидан ўтиб кетганлик белгиларисиз бола туғилганда айтилади.

18. Чақалоқларда муддатидан ўтиб кетганлик 5 белгисини айтинг:

бош суяклари каттиқ;

чок ва лиқилдоқлар торайган;

хомила ёғсиз;

хомила вазнига нисбатан ўлчамларининг катта бўлиши;

оёқ -қўллар кафтлари «ҳаммом» дан кейинги ҳолатга ўхаши.

19. Хомиладорлик муддатидан ўтиб кетинига олиб келувчи 6 та асосий омилни айтинг:

МНС даги камчиликлар, вегетатив мувозанатнинг бузилиши (парасимпатик нерв системаси устун бўлиши);

гормонал омиллар;

бачадондаги эстроген рецепторлар сонининг камлиги;

симпатик-адренал система фаолиятининг бузилиши;

автоиммун бузилишлар;

хомилада нуксонлар ривожланиши.

XVII БОБ АКУШЕРЛИКДА РЕЗУС-ОМИЛ

Мақсад. Резус иммунизацияли аёлларда хомиладорликнинг кечиши, даволаш чоралари, хомила ва чақалоқнинг гемолитик касаллиги, гемолитик касаллик диагностикаси, чақалоқлар гемолитик касаллигини даво-

лап ва резус иммунизация ҳолатининг олдини олиш чораларини билиш.

Режа. 1. Резус иммунизацияли аёлларда ҳомиладорликнинг кечипи.

2. Даволаш чоралари.

3. Ҳомила ва чақалоқнинг гемолитик касаллиги.

4. Гемолитик касалликнинг диагностикаси .

5. Чакалоқлар гемолитик касаллигини даволаш.

6. Резус - иммунизация ҳолатининг олдини олиш чоралари.

17.1. ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА РЕЗУС ИММУНИЗАЦИЯСИ

Чала туғиши, ўлук туғиши ва перинатал даврдаги ўлимнинг сабабла-ридан бири она ва ҳомила қонининг резус-омил, АВО-тизими бўйича иммунологик номувофикилиги хисобланади.

1940 йил Ландштейнер ва Виннерлар биринчи марта инсонлар эритроцитида агглютиноген борлигини исботладилар ва уни «резус-омил» деб атадилар.

Резус-омил эритроцитларда 85% ҳолларда мавжуд бўлиб, бундай инсонлар резус-мусбат ($Rh \text{ (+)}$), 15% ҳолларда резус-омил бўлмайди ва улар резус-манфий ($Rh \text{ (-)}$) инсонлар гурухига кирадилар.

Резус-омилнинг бор ёки йўқлиги инсоннинг қайси қон гурухига хос эканига ёки унинг ёши қайси жинсга мансуб эканлигига боғлиқ эмас.

Резус-омилнинг хоссаларидан бири унинг наслдан-наслга ўтиши-дир.

Резус-омил протеин бўлиб, у асосан эритроцитларда, камрок ҳолларда лейкоцит ва тромбоцитларда жойлашган. Резус-омилнинг сифат бўйича бир-биридан фарқ киувчи асосий турлари мавжуд: Д антигени 85%, С антигени 70%, Е антигени 30% одамларда мавжуд. Гемолитик касаллик кўпинча она ва ҳомила қонининг Д омили бўйича мос келмаслиги туфайли ривожланади.

Антиген резус манфий одам қонига тушиб, уни иммунлайди ва антирезус -антитаналар ишлаб чиқаришига сабаб бўлади.

Кони резус - манфий аёлларнинг иммунланиши улар қони резус-мусбат ҳомила билан ҳомиладор бўлганларида, ёки аёл организмига резус -мусбат қон юборилганда рўёбга чиқади (гемотрансфузия, гемоклизма, изогемотерапия).

Резус-омилга бўлган иммунизация сунъий abort, ҳомила ташлаш ва бачадондан ташқаридаги ҳомиладорликдан сўнг ҳам вужудга келиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, резус-омил бўйича иммунологик номувофилик барча резус- манфий қонли аёлларда эмас, балки 5- 10% ҳолларда учрайди.

Биринчи бор ҳомиладорликда учрамаган резус-иммунизация 2-3-4 ҳомиладорликларда учрайди. Агар сунъий abort қилинса, ҳомила ташлаш, гемотрансфузия ва бошқа ҳолларда ҳам оғирлик даражаси ортиб, антитаналар титри ортади. Шу туфайли ҳомила тушиб, чала туғиши, чақалоқлардаги гемолитик касалликлар каби асоратлар юзага келади.

Ҳомиладорликнинг кечиши

Резус-иммунизацияли аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши соғлом

аёллардагидан бирмунча фарқ қиласи. Ҳомиладор аёл умумий ҳолсизликка, үйкучанликка, ҳаво етишмаслиги, баъзан қиска муддатга ҳушдан кетиш, қорин остида доимий оғриқдан шикоят қиласи. Резус-иммунизацияли аёлларда ҳомиладорликнинг I ярмидаги токсикозлар 50%, ҳомила тушиш ҳавфи 47%, қон босимининг пасайиши (гипотония) 23% ҳолларда кузатилган. Ҳомиладорликнинг II ярмидаги токсикозлар ҳам кўп учрайди: шишлар - 13%, нефропатия - 16%. Камқонлик ва унинг асоратлари ҳам кўп ҳолларда кузатилади.

Бундан ташқари, жигар фаолиятининг бузилиши ҳам кузатилган.

Ҳомила томонидан эса сурункали гипоксия, юрак уришининг ўзгариши ҳоллари кузатилади.

Ҳомиладорликда резус-иммунизация ҳолатини аниқлаш учун илк бор аёллар маслаҳатхонасига келган барча ҳомиладорларнинг қандай резусга мансуб эканлиги аниқланади. Агар сенсибилизация бўлмаса 2 ойда 1 марта, сенсибилизацияли аёлларда 32 ҳафтагача ҳар ойда 1 марта, 32-35 ҳафтагача ойига 2 марта ва кейин ҳар ҳафтада қон текшириб турилади. Агар резус-манфий бўлса, турмуш ўрточининг қон гурухи ва резуси аниқланади, чунки резус – мусбат қон гурухи аниқланса, резус – иммунизация ҳолати келиб чиқиши мумкин бўлади. Резус-иммунизация диагнози лаборатор текшириш усулларидан конда антирезус-антитаналар титри аниқлангач қўйилади. Лекин резус-иммунизацияга хос бўлган асоратлар титр ошмасдан ҳам юзага келиши мумкин. Бундай асоратлар: ҳомила тушиш ҳавфи, эрта токсикозлар ва ҳомиладорликда гипертензия ҳолатлари, ҳомилада гемолитик касаллик, ўлик туғилиши, туғилган чақалоклардаги билирубинли энцефалопатия ва бошқалар.

Даволаш

Барча резус – манфий ҳомиладорларга (иммунизация кузатилмаса ҳам) ва резус – антитана титри 1:2 бўлган ҳолларда ҳам амбулатор ёки стационар шароитида 3 марта носпектив, десенсибилизация қиласидан даволаш чоралари 10-12 кун давомида ҳомиладорликнинг 10-12, 22-24, 32-34 ҳафталарида ўтказилади:

- овқатланиш рациони белгиланиб оқсилга бой, витаминларга бой овқатлар буюрилади.
- глюкозанинг 40% - 20-40 мл эритмаси 3,0-5,0 аскорбин кислота эритмаси билан 10-15 кун юборилади.
- витаминлардан: прегнавит 1 таблеткадан кунига, В₁ - 6% - 1,0 кунора тери остига, В₆ 5% - 1,0 кун ора тери остига 10 кун юборилади. Е витамини 10% - 1,0 кунора мушак орасига 10 кун юборилади.
- кокарнит 1 ампуладан м/o 6 кун, кокарбоксилаза 50 мг ҳар куни 10 кун давомида юборилади.
- антигистамин воситалардан: димедрол, пиполфен, супрастин 1 таблеткадан кечасига буюрилади.
- темир препаратлари: глобекс, мальтофер, тардиферон, феррумлек ва бошқалар 1 табл. 2 маҳал овқатдан кейин ичилади. Агар камқонлик кузатилса, феркайл ёки космофер мушак орасига ёки венофер венадан юборилади.

- метионин 0,5 дан, рутин 0,02 г дан, фолат кислотаси 0,02 г дан, кунига 3 марта.

- кислород ингаляцияси 3-4 марта буюрилади.

- дексаметазон 12 мг ҳар 12 соатда 2 марта буюрилади.

- акушерлик анамнезида нұқсонлари бүлған, ҳомиладорлиги асоратли кечувчи аёллар, антитаналар титри юқори бүлған аёллар албатта шифохонага интенсив даволаш учун ёткизилади.

- аллопластика, плазмоферез, гемосорбция табдирлари ўтказилади

- конда антитаналар титрини аниклаш ҳам мұхим: 32 ҳаftагача I ойда 1 марта, 32-35 ҳаftадан кейин ҳар ҳаftада аникланади.

- динамикада ультратовуш ёрдамида 20-24 ҳаftада текшириб туриш жуда мұхим ахамиятта эга. Бунда йүлдошдаги ўзгариш ҳолатлари, ҳомиланинг қимирлаши, нафас олиши, гепатомегалия, коринда сув йиғилиши ҳолатларини кузатиш мүмкін.

Вактидан илгари 35-37 ҳаftаликда туғдириб олиш учун қуидаги ҳолатларни аниклаш керак.

1. Резус – антитаналар титри ўсиб бориши;

2. Оғир акушерлик анамнези: үлік бола туғилған бүлса, чақалокнинг гемолитик касаллиги аникланған бүлса, қон қуиши ҳоллари кузатилған бүлса.

3. Ҳомила ахволи ўзгариш ҳоллари кузатилса: ўта ёки секин қимирлаш, юрак уриш нұқсонлари кузатилса, ФКГ да ўзгаришилар бүлса.

Ҳомиланы вактидан олдин туғдирилғанда ҳомила вазни 2500 г дан кам бўлmasлиги керак.

Резус-иммунизацияли ҳомиладорликда кўп учрайдиган асоратлардан бири чақалоқларнинг гемолитик касаллигидир.

17.2. ҲОМИЛА ВА ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ ГЕМОЛИТИК КАСАЛЛИГИ

Ҳомила ва чақалоқнинг гемолитик касаллиги она ва ҳомила қонининг резус-омил, АВО-тизими ва жуда кам ҳолларда қоннинг бошқа омиллари бўйича иммунологик номувофиқлиги натижасида юзага келади.

Она қонида пайдо бўлған иммун антитаналар (антирезус ва гурухий) ҳомила қонига ўтиб унинг эритроцитлари билан реакцияга киришади (антigen- антитана реакцияси). Бунда ҳомила эритроцитлари гемолизга учрайди ва токсик бояланмаган билирубин ҳосил бўлади. Ҳомилада гемолитик касаллик ривожланади. Эритроцитларнинг парчаланиши ҳомилада анемиянинг, бояланмаган билирубиннинг йиғилиши сарикликка олиб келувчи сабаблардан биридир. Камқонлик ва сариклик ГК нинг асосий симптомидир.

Оғир ҳолларда, бояланмаган билирубин критик хажмига етганда, ўзининг токсик таъсирини бир катор ҳужайра функцияларига хусусан ок-

сидланиш – фосфорланишга кўрсатади. Бояланмаган билирубин ёғларда яхши эригани учун биринчи навбатда мия ҳужайраларидағи ядроларни жароҳатлайди. Бунда болада билирубин энцефалопатияси симптомлари пайдо бўлади ва касалликнинг ядровий сариқлик деб номланган тури ривожланади. Ўсиб борувчи камқонлик ва интоксикация юрак етишмовчилиги, жигар функциясининг бузилиши, гипопротеинемиянинг ривожланиши хамда томирлар ўтказувчанлигининг ошишига олиб келади. Анасарка ривожланади.

Диагностика

1) Аёл анамнезини ўрганиш. 2) Резус ва гурухий антитаналар титрини аниклаш. 3) Ҳомила юрак фаолиятини ўрганиш. 4) Ҳомила олди сувларини текшириш (амниоскопия, амниоцентез).

5) Ультратовуш сканерлапш маълумотларига асосланади.

Чақалоклар гемолитик касаллигининг учта асосий тури фарқланади:

1. Шиш тури.
2. Сариқлик тури.
3. Камқонлик тури.

Гемолитик касаллик қўйидаги асосий даражаларга ажратилади: енгил, оғир, ўта оғир, ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши. Гемолитик касалликнинг асосий симптомлари (шиш, сариқлик, камқонлик) нинг намоён бўлиш даражалари йиғиндисига қараб аникланади.

Гемолитик касалликнинг шиш тури, энг оғир кўриниши бўлиб, бу турида ҳомила кўлинча ўлик туғилади ёки туғилганда ҳаётининг дастлабки соатларида ўлади. Бола тери ва тери остида шиш, асцит, тери рангги оч рангда туғилади. Баъзан енгил сариқлик бўлиши мумкин. Боланинг ахволи оғир, жигар ва талоқнинг катталашиши ва асцит сабабли корни катталашади. Жигарнинг пастки чегараси киндиккача, баъзан ёнбош суяклар соҳасигача бўлади. Суюқлик нафақат қорин бўшлиғида, балки плевра ва перикардда ҳам йиғилади.

Конни текшириб кўрилганда камқонлик кузатилади: НЬ - 120-130 г/л да, эритроцитларда 1-1,5 млн. гача бўлади.

Гемолитик касалликнинг сариқлик турида чақалоқ сариқлик билан туғилади ёки ҳаётининг дастлабки соатларида сариқлик пайдо бўлади. Сариқлик канча эрта бошланса, касаллик шунчак оғир кечади. Сариқлик касалликнинг оғир турида яшил тусга киради, сариқлик формаси эритроцитлар гемолизи натижасида ҳосил бўладиган бояланмаган билирубин ҳосил бўлиши сабабли пайдо бўлади. Бола нимжон, уйқучан, кўкракни яхши эммайди, қусади, баъзан умуман кўкракни эммай қўяди.

Гемолитик касалликнинг анемик тури эритроцитлар кўп парчаланиши сабабли келиб чиқади. Касалликнинг асосий белгиси - бу камқонлик хисобланади. Чақалоклар асосан соғлом туғилади. НЬ микдори 100 г/л дан камайган бўлади.

Гемолитик касалликнинг З та боскичи (оғирлик даражаси бўйича) фарқланади (17.1.-жадвал).

Гемолитик касалликнинг оғирлик даражалари

Асосий клиник белгислари	Оғирлик дарежалари		
	I	II	III
Камқонлик (киндиндаги II миқдори, г/л)	150	150-100	100
Сариқонлик (киндиндик қонида билирубинни миқдори, ммоль/л)	85,5	85,5-136,8	136,9
Шин синдроми	Тери асти шинни	Шин ва асигиг	Хиперволент шини (анаэрика)

Даволаш

Анемик формадаги ЧГК даволаш учун гемоглобин мидори 100 г/л дан кам бўлганда, чақалоқ кон гурӯхига мос келувчи резус – мусбат эритро-массани қўйиш керак.

Сариқ-анемик турдаги ЧГК ни даволашда қўйидаги асосий даво усул-паридан фойдаланиши лозим: қонни алмаштириб қўйиш, фитотерапия, ферментларнинг индукторлари ёрдамида даволаш, инфузион терапия.

1. Қонни алмаштириб қўйиш. Муддатига етиб туғилган чақалоқ ҳаётининг 1-2 кунида қонни алмаштириб қўйишга кўрсатмалар:

- сариқликтининг дарҳол турруқдан кейин ёки биринчи соатларида пайдо бўлиши.

- боғланмаган билирубин миқдори киндиндик қонида 68,14 ммоль/л ва юкори бўлса.

- билирубиннинг ўсиши чақалоқ ҳаётининг биринчи соатида 6,8 ммоль/л га teng ва бундан кўп.

- турруқдан кейин гемоглобин (150 г/л ва бундан паст) ва гематокритнинг (40% ва бундан паст) қуий миқдорларида.

Резус -конфликт (ихтилоф) чақирган ГК да ҳар доим резус-манфий кон 150 мг/кг миқдорида 7 ёки 76 рецептлари асосида тайёрланган, саклаш муддати 3 кундан ошмаган кон ишлатилади.

2. Фототерапия ёки ёргулик билан даволашнинг таъсири чақалоқ тे-рисининг юкори катламларида йигилган боғланмаган билирубинни кун-дузги ёргулик ёки кўк лампалар нурлари билан парчалашга қаратилган. Фототерапия узлуксиз ёки импульсли режимда, мавжуд лампа турига ёзилган йўрикномадаги схема бўйича бошлаб то сариқлик йўқолгунча амалга оширилади.

3. Жигар микросомал ферментларининг индукторлари - фенобарбитал, зиксорин ва бензонал - жигардаги глюкуронилтрансфераза тизимини жадаллаштириш ва билирубин интоксикациясини камайтириш мақсадида қўлланилади. Фенобарбитал ва зиксорин чақалоқ ҳаётининг биринчи

кунидан бошлаб 3-5 кун давомида 10 мг дан 3 маҳал, бензонал 10 мг микдоридаги суткалик дозасини 3 га бўлиб 5 кун давомида бериш керак.

4. Инфузион терапия. ГК пайдо бўлган биринчи кундан то бояланмаган билирубиннинг микдори тургун пасайгунча олиб борилади. У ўз ичига: гемодез 6-10 мл/кг, глюкоза 5-10% 8-10 мл/кг, альбумин 10-20 5-8 мл/кг, плазма 5-10 мл/кг ни томчилаб вена ичига қўйишни олади. Коллоид ва кристаллик эритмаларнинг нисбати 1:1 бўлиши керак.

Гемолитик касаллиги бўлган чақалоқларни 3-5 кун лактоген билан озиқлантириш керак, чунки жисмоний толикиш эритроцитлар гемолизини ошириши мумкин. Она суттида антитаналарнинг мавжудлиги озиқлантиришга қарши кўрсатма бўла олмайди, ваҳоланки антитаналар боланинг ошқозон-ичак йўлида парчаланади. Бироқ, билирубин микдори пасайиб, сариқлик камайгандан кейингина кўкрак бериш мақсадга мувофиқ.

ГК нинг олдини олиш ва даволашга қаратилган чора-тадбирларни тўғри ташкил этиш, она ва ҳомила конининг резус ва гурухий номуво-фикалигига болалар перинатал касаллиги ва ўлимининг камайишига олиб келади.

Резус-иммунизация ҳолатининг олдини олиш чоралари

1. Кон куйилганда резус ва гурухи бўйича мос келувчи кондан фойдаланиш мухимдир.

2. Резус-манфий аёлларда 1-ҳомиладорликни иложи борича саклаб колиши абортларнинг олдини олиши керак.

3. Резус-иммунизацияли ва резус-манфий (иммунизация бўлмаса ҳам) ҳомиладорларни вактида хисобга олиш, даволаш чора-тадбирларини вактида бошлаш.

4. Резус-манфий аёлларга антирезус-гаммаглобулинни тургуркан кейин 48 соат ичидаги юбориш, абортдан кейин, бачадондан ташқари ҳомиладорликда, йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиш ҳолларида ҳам албаттта антирезус-гаммаглобулинни юбориш мухимдир. Иммуноглобулин- антирезусни (200 мкг дан) м/o га 1 марта қилинади. Кесар кесиш ва бачадон бўшлигини қўл билан тозалангандан кейин бу доза икки барабар оширилган дозада қилинади.

5. Абортларнинг олдини олиш учун оиласвий поликлиникада, уйда тўғри тушунтириш ишларини олиб бориш, бачадон ички воситаларидан фойдаланиш аёлларда учрайдиган барча асоратларнинг олдини олишнинг мухим омилидир.

Масалалар

1. 24 ёшли биринчи бор ҳомиладор бўлган аёл, оиласвий поликлиникинага 12 ҳафталик муддатдаги ҳомиладорлик билан мурожаат килди. Кон гурухи A (II), Rh (-) (паспортидан).

I. Қандай текшириш ўтказиш керак?

A. Кондаги антитаналарни аниклаш.*

B. СПИД.

- В. УТТ.**
Г. Доплерометрия.
Д. Биокимёвий кон таҳлиллари.
2. Резус- манфий аёлда ҳомиладорлик даврида қандай асоратлар кузатиласиди?

- A. Ҳомиланинг вақтидан олдин тушиши.***
Б. Муддатидан ўтиб кетиш.
В. Гемолитик касаллик.*
Г. Кольпит.
Д. Сурункали гипертензия.

3. 32 ёшли қайта ҳомиладор аёл ҳомиладорлар патологияси бўлимига йўлланма билан юборилди. Йўлланмадаги диагнози: ҳомиладорлик 35-36 хафта. Резус- конфликтли ҳомиладорлик (титр АТ 1:32)

- I. Стационар шифокорининг тактикаси?**
А. Муддатидан олдин турғулар билан якунлаш.*
Б. Қондаги антитаналарни аниқлаш.*
В. УТТ.
Г. Доплерометрия.
Д. Биокимёвий кон таҳлили.

II. Янги тувиленган чақалоқдаги гемолитик касалликнинг кўринишлари.

- А. Анемик.***
Б. Сарик тусли.
В. Шиш.*
Г. Вирусли.
Д. Кўп камерали.

Ўргатувчи тестлар.

1. Резус-манфий номутаносиблиқдаги ҳомиладорликда ҳомиланинг ахволини баҳолаш учун конда нима текширилади?

- Қон гурухи.**
Резус-омил.
Кумбс синамаси.
2. Чакалоқлар гемолитик касаллиги симптомларини айтинг.
Гипербилирубинемия.
Камқонлик.
Терининг сарик рангги.

-Танадаги шишлар.
3. Резус-манфий ҳомиладор аёлда неча марта антитанага текширув ўтказиласиди?

- 32 ҳафтагача ойда бир марта.**
35 ҳафтадан ҳар ҳафтада.
32-35 ҳафталардан бошлаб ойига икки марта.
4. Резус-манфийлик бўйича изоиммунизация диагностикаси.

Анамнези.

Резус - антитаналарга тест, онасининг резус алокадорлигини аниглаш.

Эрининг резус алокадорлигини аниглаш.

Анти-резус-антитаналарни аниглаш.

5. Ҳомиладор аёлларда резус-сенсибилизациянинг сабаблари.

Қон гурухи тўғри келганда, бола Rh(+) , она Rh(-) бўлганда.

Резуси тўғри келмайдиган қон қўйилса, аутогемотерапия олиш.

32 кунлигига ўз-ўзидан ёки сунъий аборт килинса.

Бачадондан ташқари ҳомиладорликда.

Ҳомила ичида сенсибилизация.

АВО бўйича тўғри келмаган Rh(+) боланинг Rh(-) онадан туғилиши.

6. Ҳомиланинг 37-38 хафтасида муддатидан илгари туғдиришга кўрсатмалар.

Антитаналар титри баланд 1:8.

Ҳомиланинг УТГда ахволининг ёмонлашувида.

Амниотик суюқликда билирубин оптик зичлигининг ошиши.

7. Резус-конфликтли ҳомиладорларда ҳомила гемолитик касаллигининг оғирлигини аниглаш усуллари.

Амниоскопия, амниоцентез.

УТГ.

Ҳомилани биофизикавий профилини аниглаш.

Ҳомила аъзоларини ўлчаш.

8. Ҳомиладорлик кечишида антирезус антитаналарнинг аҳамияти?

Антирезус антитана титрининг борган сари ошиб бориши ёки «сакровчи» ҳолатда ошиши ёмон прогностик белги ҳисобланади.

Антирезус антитананинг титри ва чақалок гемолитик касаллиги (ЧГК) нинг оғирлиги орасида тўғридан-тўғри боғланиш йўк.

Антирезус антитананинг титри паст бўлганда ҳам оғир, ҳам енгил шакли ЧГК рўй бериши баробар.

Антирезус антитананинг юкори титрида ЧГК оғир шакли учрамайди.

9. Резус-конфликтли ҳомиладорликда учрайдиган энг кўп асоратлар?

Ҳомиладорликнинг муддатига етмаслиги.

Камқонлик ривожланиши.

Ҳомила гипоксияси, ҳомиланинг антенатал ўлими.

Ҳомила ва чақалок гемолитик касаллиги.

Ҳомиладорлар эрта токсикози ва гипертензия ҳолатлари.

Ҳомила гипоксияси.

10. Ҳомила ва чақалок ГК шакллари?

Анемик.

Сариклик.

Шишли.

11. Ҷақалоқлар ва ҳомила ГК таснифи?

Енгил даражা.

Ўрта даражা.

Оғир даражা.

12. Енгил даражали ГК учун хос?
Касал болаларнинг 50% да бўлади.
Анте- ва пренатал даврда даволанишга мухтож эмас.
Тугилишда НЬ даражаси 120-150 г/л.
Туғилганда билирубин 3,5 мг% дан кам эмас.
Неонатал даврда боғланмаган билирубин кўпи билан 20 мг%, гемоглобин камида 80 г/л.
13. Ўртacha оғирликдаги ГК учун хос?
Касал болаларнинг 25-39% да бўлади.
Неонатал даврда ҳомила ичи гемотрансфузияси буюрилади.
Ўрта даражадаги камқонликда гемоглобин 70-120 г/л.
Неонатал даврда кон алмаштириш керак.
Киндик қонида билирубин – камида 3,5 мг%.
14. Резус-конфликтли ҳомиладорликдан туғилган чақалоқларда қандай текширувлар ўтказилади?
Резус ва АВО бўйича ҳомила қон гурухи текшируви.
Киндик қонида билирубин концентрацияси.
Гемоглобин.
Эритроцитлар сони.
Кумбс билвосита синамаси.
ГК билан туғилган чақалоқда гемоглобин камайиши ва билирубин кўпайишининг сабаби?
Йўлдошдан ўтган резус антитаналар ҳомила эритроцитларини агглютинацияга олиб келади.
Эритроцитлар емирилишидан гипербилирубинемия ва камқонлик ривожланади.
15. ЧГК ни даволаш асослари?
Кон алмаштириш.
Кон аямаштириш мос резус- манфий кон билан бажарилади.
Дезинтоксикацион терапия.
Гепатостимуляторлар.
Антианемик даво.
16. Эрида Rh (+) кон бўлса, Rh (-) бўлган ҳомиладорни даволаш?
Носпецифик десенсибилловчи терапия.
Глюкоза, аскорбин кислота, Е, В₁, В₆ витаминлари, кокарбоксилаза.
Антигистамин дорилар (димедрол, пиполфен, супрастин).
Кислород ингаляцияси, умумий кварц нурлаш.
17. ЧГК ни замонавий даволаш (ўта ва оғир даражаси) усуулари:
Плазмоферез.
Корин ичи гемотрансфузияси.
Томир ичи гемотрансфузиялари.
18. Rh (-) ҳомиладорларга қандай муддатларда носпецифик десенси билловчи терапия ўтказилади?
10-12 хафта.
22-24 хафта.
32-34 хафта.

19. Иммун-конфликтли ҳомиладорликка нималар ҳос?
Ҳомила антиген таркиби биринчи ҳафталарида ривожланади.
Ҳомила ва она Rh конфликти.
Она организмининг химоя функцияси хисобига бўлади.
Эритроцитлар емирилади.
Она антигенлари ирсий йўл билан ўтади.

XVIII БОБ **ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРГА АЛОҚАСИ БЎЛМАГАН** **КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ҲОМИЛАДОРЛИККА ВА** **ТУФРУҚҚА ТАЪСИРИ**

18.1. ҲОМИЛАДОРЛИК ВА КАМҶОНЛИК

Максад.

Анемия ҳақида тушунча, касаллик этиологияси, патогенези, диагностаси, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр кечишини ўрганиш.

Режа.

1. Анемия ҳақида тушунча.
2. Анемия таснифи, тарқалиши, этиологияси, патогенези, клиникаси
3. Анемияда диагностика методлари.
4. Ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги давр асоратлари.
5. Даволашнинг асосий тамойиллари.

Анемия – факт бизнинг Республикаиздаги муаммо бўлиб қолмай, балки бутун дунёда унинг кўп тарқалганлиги, иқтисодий ва инсонлар соғлигига ўтказаётган таъсири каттадир.

ЖССТ маълумотларига кўра темир танқислиги камконлиги (ТТК) билан дунё бўйича 800 млн одам касалланган, 100 та бемордан 95 тасини аёллар ташкил қиласди. Ҳомиладорларда энг кўп учрайдиган ички касаллик камконлик ҳисобланади. Бу асосан темир микроэлементининг этишмаслигидан келиб чиқади. Камконлик касаллиги ҳомиладорликда, туғруқда ва чилла даврида кўп асоратлар содир бўлишига сабаб бўлади. Бунда ҳомиланинг ҳаёти ҳам ҳаиф остида колади.

М.А.Набиева (1984), Ю.Қ.Жабборова (1990) ва Х.Қ.Фармонқулов (1994) ларнинг текширишларига кўра ҳомиладорлар экстрагенитал касалликлари ичida ТТК биринчи ўринда туради. Барча анемиялар ичida эса ТТК 75-95% ни ташкил қиласди.

ТТК нинг муаммолиги унинг кенг тарқалганлигидир. Ўзбекистонда фертил ёшидаги аёлларда 70%, ҳомиладор аёлларда 91,2% учрайди (Б.Х.Ҳамзалиев 1990, Д.А.Азимова, 1994, Ш.И.Каримов, 1994, С.М.Бахрамов, Х.Қ.Фармонқулов, 1996, И.З.Зокиров, 1997.)

Орол атрофидаги экологик ҳолатнинг жиддийлиги аёлларнинг соғлигига таъсири катта. Ўсиб келаётган касалликлар орасида биринчи ўринда аёллар камконлиги касаллиги туради. Бу касаллик сўнгти 10 йил ичida 5 баравар ошган. (О.А.Атаниёзова, 1997). ЖССТ (1996) маълумотлари бўйича камконлик билан оғриган аёлларда туғруқ пайтидаги ўлим, соғ-

лом аёлларга нисбатан 5-10 баробар кўп учрайди.

Гемоглобин 80 г/л дан паст бўлса, ҳомиладор аёлнинг қон йўқотишига толерантлигини пасайтириб юборади. Гемоглобин 60 г/л дан пасайиб кетса, циркулятор декомпенсация тинч ҳолатда ҳансираш, юрак минутлик хажмининг ошиши билан яққол намоён бўлади.

Туғруқ, аборт, қон йўқотиши ва бошқа асоратлар туғувчи аёлнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин (ПМАСО, 1989).

Гемоглобиннинг 40 г/л дан пасайиб кетиши аёлнинг анемик юрак етишмовчилиги ва ўтқир гипоксиядан ўлим кўрсаткичини оширади.

Гемоглобин 40 г/л дан паст бўлган аёл учун 100 г қон йўқотиши ҳам туғруқ пайтида циркулятор шок ва ўлимга олиб келиши мумкин. (ПЧА-СО, 1989).

ЎЗ РССВ тавсиясига кўра анемия туғрукка ва ҳомиладорликка қарши кўрсатма бўлиб ҳисобланади.(1999). Аммо амалиётда акушерлик комплексларига гемоглобини 70-30 г/л ни ташкил этадиган аёллар мурожаат этмоқдалар. Кўпинча бундай аёллар биринчи туғувчилар бўлиб, уларда преэклампсия, акушерлик патологияларини учратиш мумкин. Бу эса акушер-гинекологларни экстремал ҳолатга туширади. Улар аниқ ва юкори даражадаги акушерлик, гематологик, анестезиологик, реанимацион ёрдамини талааб киласди.

Таснифи:

Темир танқислиги камқонлиги (ТТК) ҳомиладорлар организмида шундай ҳолатки, бунда диагностик кўрсаткичлар бўлиб:

- Гемоглобин миқдорининг 100 г/л ёки бундан ҳам пасайиши
- Эритроцитлар $3,5 \times 10^6 \text{ x } 1/\text{l}$ ёки бундан ҳам пасайиши
- Ранг кўрсаткичи 0,85 гача
- Гематокрит сонининг пасайиши 33% ёки бундан ҳам пастрок
- Зардобдаги темир миқдори 10,746 мкмоль/л дан камайиши ҳисобланади.

Ҳозирги вактда ҳомиладорлар камқонлигининг бир неча хил таснифлари мавжуд. Клиницистлар орасида кўп тарқалгани И.А.Кассирский ва Г.А.Алексеева (1962, 1970) ларнинг таснифи ҳисобланади. Бу усулга асосан камқонликнинг келиб чиқиши сабабларига кўра хиллари қўйидагича:

1. Қон йўқотиши натижасида вужудга келадиган (постгеморрагик) камқонлик.

2. Қон таркибидаги моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган камқонлик:

- темир етишмаслигидан келиб чиқадиган камқонлик;
- 12 В (фолат кислотаси) етишмаслигидан келиб чиқадиган камқонлик;

- эритропоэзнинг бузилиши натижасида юзага келувчи (дизеритропоэтик) камқонлик;

- суяқ илигига қон ҳосил бўлишининг пасайиши натижасидаги (гипопластик) камқонлик;

3. Кизил қон таначаларининг ёрилиши натижасида юзага келадиган

(гемолитик) камконлик. Бунинг сабаблари: аллергик шок, сепсис, но-муқобил гуруждаги қон күйиш, заҳарланиш ва бошқалар.

Касалликнинг оғирлик даражасига кўра проф. Ю.Қ.Джаббарова (1982) кўйидагича ажратишини таклиф килди.

Камконлик бирламчи ёки сурункали, яъни ҳомиладорликдан олдинги ёки иккиласми, яъни ҳомиладорлик давридаги камконликка бўлинади. Яна шуни айтиш мумкинки, темир етишмаслигининг З боскичи мавжуд:

1- темир моддасининг захира еридан йўқолиши (камайиши); 2- унинг қон зардобидан йўқолиши; 3- унинг кизил қон танаачаларидан йўқолиши.

Ҳомиладорларда анемияпинг ҳамма турлари учрайди, лекин кўпинча темир танқислиги анемияси кузатилади. ТТА қон зардобида, суяқ кўмигига темир моддасининг камайиши билан характерланади. Бунинг натижасида гемоглобин ҳосил бўлиши бузилади, гипохром анемия, тўқималарда трофиқ ўзгаришлар вужудга келади (Л.И.Идельсон, 1977, 1979).

Ҳомиладорлар ТТА си ва ҳомиладорликдан олдин ҳам бўлган сурункали ТТА си учрайди. ТТА си эритроцитлар сонининг камайиши (эритропения) ва гемоглобин сонининг камайиши (гипохромия) билан характерланади.

Камқонликнинг этиологияси ва патогенези

Темир моддаси организмда жуда муҳим рол ўйнайди. У факат миоглобин ва гемоглобин ҳосил бўлишидагина эмас, балки жуда кўп ферментлар таркибига кириб, организмдаги муҳим вазифаларни бажаради. Бу ферментлар цитохром, пероксидаза, каталазадир. Темир моддасининг етишмаслиги организмдаги моддалар алмашинувининг бузилишига, кислород ташилишининг бузилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида танаада НВ ва эритроцитлар ҳосил бўлишини кескин ўзгартиради. Камконликка олиб келувчи сабаблардан бири қон йўқотиши. Ўтқир ва сурункали қон кетишилар (яра касаллиги, бавосилда) ва бошқа касалликларда (танаадаги захира темир моддасининг кўплаб сарфланиши кузатилади).

Бундан ташқари, темирнинг кўп сарфланишига тез-тез ҳомиладор бўлиш (туғишилар ораси З йилдан кам), болани узок эмизизи, сифатсиз овқатланиш, турли соматик ва инфекцион касалликлар: ревматизм, безгак, бруцеллэз; ошқозон-ичак, буйрак касалликлари сабаб бўлади.

Темир етишмаслиги ҳолати гипосидероз дейилади. Гипосидероз инсон хаётининг З даврида учрайди: эмиси юрган даврида, балоғат ёшга етганда ва вояга етган ёшидаги аёлларда.

Тўқималарда темир етишмаслиги мазкур ферментлар ишини сусайтиради, тўқималарнинг нафас олишини жиддий ишдан чиқаради. Тўқималарда темир етишмовчилиги камконлик хали юзага чиқмай туриб юз берган бўлиши ҳам мумкин, чунки одатда организм мавжуд темир захирасидан биринчи навбатда гемоглобин синтези учун фойдаланади. Камқонлик аксарият ҳолларда организмда темир етишмай қолишининг тобора оғирлашиб боришидан юзага чиқади. Темир етишмаслигидан келиб чиқадиган камконлик организмда оксил алмашинувига ёмон таъсир кўрсатади, натижада жигарда трансферрин ишланиб чиқиши ёмонлашади, окибатда темирнинг ичак йўлларида ҳазм бўлиши сусаяди. Организмда

оксил етишмаслиги қон яратилишига таъсир этади, чунки гемоглобиннинг асосий массаси глобинли оксил комплексидан ташкил топади. Ҳомиладор аёлларда камқонлик кузатиласа, қон зардобида умумий оксил камайган бўлади.

Ҳомиладор аёлларда камқонликнинг кўп учрашига уларда сарфланаётган темир, овқат билан тушаётган темир моддасининг етарли копланмаслиги сабаб бўлади. Одам организмида темир миқдори одатда 3,5-5,0 г га тенг бўлади. Шундан тахминан 3,0-4,0 г темир Нв улушкига тўғри келади. 300-500 мг темир оксидловчи ферментлар системасига сарф бўлади, 300-400 мг темир мускул тўқималарининг миоглобин таркибида бўлади, 500-1000мг темир депо саналган аъзолар: жигар, талоқ, ичакларнинг шиллик пардасида тўпланган бўлади. Шундан кўриниб турибдики, одам организмида темир эркакларнига қараганда аёлларда 2-3 баробар кўпроқ сарфланади. Аёл ҳар ҳайз кўрганда 13000 мг темир йўқотади, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғишларда кўп қон йўқотишга тўғри келади.

ТТА ҳомиладорликда темир депосининг камайини ва унинг баъзи сабаблар билан тўлдирилмаслиги оқибатида юзага келади. ТТА нинг ҳомиладорларда юзага чиқишига сурункали гастрит, энтероколит, холецистит, панкреатит, гижжа инвазияси, гипотиреоз, латент инфекция ўчоқлари (тонзиллит, пиелонефрит) сабаб бўлади ва бу касалликларда темир моддасининг сўрилиши бузилади. Овқат таркибидаги витаминлар, оксил, микроэлементлар ва темир моддасининг етишмовчилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу касалликнинг келиб чиқишига тез туғиш, вирусли касалликлар билан оғриш, қон йўқотиш катта таъсир кўрсатади ва ҳомиладорлик анемиясининг келиб чиқишига муҳит яратади. Нейрогормонал кайта қурилиш таъсири остида суяк кўмигининг гиперплазияси ривожланади. Бунда физиологик гиперволемиянинг холати, тизимнинг қон шаклли элементлари таркиби ўзгаради. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳомиладорликнинг физиологик кечишини таъминлашга қаратилган ва ҳомилага яхши шароит яратиб беради.

Гиперволемия холати ўзида :

- Айланувчи қон ҳажмини
- Айланувчи эритроцитлар ҳажмини
- Айланувчи плазма ҳажми ошишини мужассамлаштиради.

Ҳомиладорларда ТТА нинг вужудга келишида ҳомиладаги қон ҳосил бўлиш жараёни ҳам иккинчи даражали таъсир кўрсатади.

Қон ҳосил бўлиш жараёни ҳомиладорликнинг 19-кунидан бошланади ва З та босқичдан иборат: сариклик халтасида, ҳомила жигарида, суяк кўмигида. Бунда ҳомила гемоглобинни ҳосил қилиш учун она организмининг заҳираларидан фойдаланади: темир, оксил, витамин, туз, микроэлементлар.

Ҳомила фақатгина она организмидаги темирдангина фойдаланиб қолмай, балки охирги З ой ичida ўзининг жигарида 200-400 мг темир моддасини йигади.

Ҳомиладорларда ТТА нинг ривожланишига учламчи сабаб бўлиб

она организмининг темир моддасига бўлган эхтиёжининг ҳар доимига нисбатан ошиши хисобланади. Бунда овқат таркибидаги темир моддаси нормада бўлади.

Тўртламчи сабаб тез-тез ҳомиладор бўлиш ва туғиши натижасида темир депосининг тўлдирилмаслиги хисобланади. Ҳомиладорлик даврида аёл 700-800 мг темир йўкотади. Бу йўкотишни 2-3 йил давомида аёл организми тўлдиради.

Мавжуд таснифларнинг ҳеч бири ҳомиладорлик вактида юзага келувчи анемияларнинг нима сабабдан вужудга келганлигини тушунтириб берса олмайди.

Ю.К.Жабборова ўзининг гестацион даврдаги ТТА таснифини тақдим этган. Бу тасниф акушерларга аёлнинг бутун ҳомиладорлик, туғрук, туғрукдан сўнгги даврдаги патогенетик асосланган терапияни белгилашга ёрдам беради.

Репродуктив ёшдаги аёлларда ТТА таснифи

Ўтказилган текширишлар натижасида сурункали ТТА 83% ҳомиладорларда учраши маълум бўлди. Биринчи марта туғувчиларда анемия темир моддасини етарли миқдорда қабул қиласмаслик натижасида ёки аёлнинг онаси анемия билан оғриган бўлса ёки бемор муддатига етмай туғилган бўлса келиб чиқади. Орттирилган анемия билан оғрийдиган ҳомиладорларнинг 71% ини кўп марта туғувчи аёллар ташкил қилади. Шу тоифадаги аёлларнинг 21% да ҳар хил турдаги қон кетишлар кузатилган (бала ташлаш, патологик қон кетиш ва бошқалар). Ҳомиланинг ривожланиши билан анемиянинг оғирлик даражаси ортади ва клиникаси яккот намоён бўлади.

18.1-жадвал

Ҳомиладорликкача	Ҳомиладорлик даврида	Ҳомиладорликдан кейин
Сурункали ТТА (туғилган ва ўзгарилишида дефицит қон йўкотни)	Анемия олди даври	Ўтқир посттеморрагик анемия
Гипохром анемия билан кечутичи сурункали инфекцион яланланишили экстратепенически касаллликлар	Алментар анемия	Ҳомиладорликда бўлган анемиянинг зўрайини
	Посттеморрагик анемия	
	Ҳомиладорлар анемияси	
Арасими хили	Анемиянинг иммун тақдизи	

Организмда камқонликнинг вужудга келганлигини куйидаги белгиларда кўриш мумкин:

Шикоятлари: умумий ҳолсизлик, ёнги жисмоний кучланишдан сўнг тез чарчаш, хансираш, юрак уриб кетиши, дармоннинг қуриши, иштахасизлик, уйқучанлик, бош айланishi ва бошқалар.

Клиник белгилари: тери ранггининг оқариши, соч тўкилиши, тирнокларнинг ўзгариши, юракнинг тез уриши, қон босимининг пасайиши.

Юрак аускультациясида функционал систолик шовқинни аниклаш мумкин. Касалликнинг качондан бошлаб ривожланганлиги тўғрисида ҳар хил трофиқ ўзгаришлар маълумот беради: тирноқнинг қошиқсимон тусга кириши, синувчанлиги, соч жилвасининг йўқолиши, терининг куруклашуви.

Лаборатория белгилари: Нб миқдори 110г/л ва бундан паст; кизил кон танаачалари миқдори $3,5 \times 10^4$ 12г/л ва паст; гематокрит 34% дан паст; кон тузи 0,8 дан паст, зардобда темир миқдорининг пасайиши, гиповолемия, гипопротеинемия, гипоксигенемия.

Экстрагенитал касаллик (ревматизм, юрак нуксони, буйраклар, жигар, ОИТ нинг шикастланиши) симптоми сифатида анемия 47-60% ҳомиладорларда аникланади. Бу пайтда кон зардобидаги темир миқдори норма чегарасида бўлади.

Анемия олди даври. Яккот клиник кўринишларсиз кечади. Биздаги кўрсаткичлар бўйича 61% ҳомиладорларда учрайди. Булар ўзларини соғлом деб ҳисоблайдилар. Яширин темир танқислигини аниклашда кондаги трансферрин миқдори ва трансферриннинг темир билан тўйиниш коэффицентини аниклаш орқали аникланади. Яширин темир танқислиги билан оғриган аёллар юкори хавф гурӯхига киритилган.

Анемия олди даври кўпинча кўп abort қилинганларда, кон йўқотганларда, экстрагенитал патологияси борларда, тез-тез ва кўп туувчиларда, лактацион даврда ҳомиладор бўлган аёлларда кўп учрайди. Бундай ҳомиладорлар тезда чарчаш, иштаҳанинг йўқолиши, таъм билиш бузилишидан шикоят қиласидар. Баъзан камқонликни эрта токсикоз билан адаштиришади. Даволанмаган анемия презклампсияга олиб келиши мумкин. Бу беморларга профилактика чораларини қўллаш тавсия қилинган. Ўз вактида берилган темир препаратлари, кобалт, витаминлар, глюкоза анемия олди даврининг олдини олади ва анемияга ўтиб кетмаслигини таъминлайди.

Алиментар анемия - 13% аёлларда диспептик ўзгаришлар натижасида (жигилдон қайнashi, кекириш, кўнгил айниши), гўшт маҳсулотларини ейишдан бош тортиш, таъм билиш бузилиши, қусиш, яъни эрта токсикоз белгиларининг намоён бўлиши, гастроэнтероколитнинг зўрайиши натижасида келиб чиқади. Даволаш ва профилактика чоралари темир препаратлари, витаминлар, микрозлементлар, глюкоза, оқсил моддалари, дезинтоксикацион ва десенсибилизацион моддаларни парентерал юбориши.

Постгеморрагик анемия - кон йўқотиши, бачадондан ташқари ҳомиладорлик, abortнинг бошланиши, елбўғоз, йўлдошнинг барвакт кўчиши, бачадоннинг ёрилиши натижасида келиб чиқади. Анемиянинг ўткир ёки секин кечиши организмдаги темир моддасининг заҳираасига, кон кетиш даражаси, муддати, такрорланишига боғлиқ. Текширилган ҳомиладорларнинг орасида анемиянинг бу тури 3% ни ташкил қиласи.

Одатда бемор қонни кам-кам порциялаб йўқотганида ҳеч нарсадан шикоят қилмайди, лекин гематологик кўрсаткичлари пасайиб кетади. Анемияда ўткир кон йўқотиши тана массасининг 0,3-0,5% ни ташкил қилса, геморрагик шокка олиб келади ва зудлик билан инфузион ва интенсив

гемостаз терапия ўтказишни талаб қиласы.

Хомиладорлар анемияси. Хомиладорлар анемияси деб, хомиладорлик-кача ёки биринчи триместрда гемоглобин микдорининг 120 г/л ёки бундан баланд бўлишига айтилади. Кўпинча анемия 20-ҳафтадан бошланади. Бу ҳолат ҳомилада кон яратилиши ва фетоплацентар комплекснинг функционал ҳолати билан борлиқ.

Анемиянинг характерли ҳусусиятлари – камқонлик, хомиладор аёлнинг нормал овқатланиши ва ҳеч қандай кон йўқотмаслиги натижасида келиб чикиши мумкин. Бу касаллик аста-секин ривожланиб боради. Текширувлар натижасида экстрагенитал касалликлар аниқланмайди (кон, буйрак, жигар, ўпка, ОИТ, ЮКТС патологиялари). Касалликнинг энг юкори чўққиси хомиладорликнинг 28-34 - ҳафталарида намоён бўлади.

Анемиянинг ривожланишига биринчи галда темир микдори баъзи витаминлар (A, B, C, D, E), микроэлементлар (кобальт, марганец, рух, селен, никель) камайиши, моддалар алмашинувининг бузилиши, плазма оксилиларининг камайиши мухим рол ўйнайди.

Бизнингча, хомиладорликдаги эритропоззният пасайишига асаб системаси бошқарилишининг бузилиши, стероид гормонларнинг ошиши, асосан эстрдиол ва эстронларнинг, ошқозон секрециясининг пасайиши таъсири қиласи. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, гемопоззният бузилишига ҳомиладорлик давридаги иммунологик силжиплар ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Касаллик анамнезини ўрганиш натижасида анемиягача бўлган иммунологик силжиплар билан кузатилган ҳолатларни-ўткир вирусли инфекцион касалликлар (грипп, ангини), ҳомиланинг тушиб қолиш хавфи, эгизак ҳомила, резус иммунизация, дерматоз, сурункали инфекция ўчоқларини аниқлаш мумкин. Бу анемиянинг даволаш комплексига десенсибилизацияловчи, дезинтоксикацион ва иммуностимулатор моддалари киритилган.

Темир таңқислиги анемиясининг асосий сабаблари: темир моддасини туғилгандан кейин етарли даражада кабул қиласлик, мувозанатлаштирилмаган овқатланиш (оксилининг кунлик микдори 120-150 г дан кам), ўтказилган ўткир гастрит, энтерит, ичак дисбактериози натижасида ОИТ сўриш функциясининг бузилиши, экологиянинг бузилиши, сувнинг юкори минералланиши, овқат маҳсулотларининг пестицид, гербицид, нитратлардан заҳарланиши ва бошқалар ҳисобланади. Иккинчи марта туғувчиларда куйида санаб ўтилган омиллардан ташқари, аборт натижасида кон кетиш, турруқ операциялари ТТА нинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Хомиладорларда гематологик кўрсаткичларнинг пасайиш даражаси ни аниқлаш кераклиги клиник жиҳатдан исботланган, чунки жараённинг ривожланиш даражаси ҳомила ва онанинг ҳаётига хавф тудиради.

Анемиянинг оғирлик даражаси бўйича таснифи

Оғирлик даражаси	Гемоглобин . г/л	Эритроцитт. $\times 10^{12}/\text{л}$
Енгил	110-91	3,6-3,2
Үргача	90-71	3,3-2,6
Оғир	70-51	2,8-1,8
Ута оғир	50 дан паст	2,2-1,5

Камқонлик диагностикаси

Камқонлик диагностикаси учун ҳар томонлама йиғилган маълумотлар катта аҳамиятга эга.

1. Ирсий касалликлар, оиласда нечанчи фарзанд бўлиб турилган, отонасининг ёши, қанча вақтгача кўкрак сути билан эмизилган, ёшлиқдаги фаолияти.

2. Илгари кандай касалликлар ва юқумли касалликлар билан оғриганилиги.

3. Жинсий аъзоларнинг ўткир ва сурункали касалликлари .

4. Ҳайз фаолияти.

5. Ҳомиладорликнинг кечиши, асоратлари.

6. Овқатланиш сифати.

7. Иш ва уй шароитлари.

Лаборатор текширувлар:

- Клиник қон тахлили

- Гематокрит, ретикулоцит, тромбоцит

- Темир микдори

- Қон таркибидағи ферритин, трансферрин микдорларини, трансферриннинг темир билан тўйинниш фоизини аниқлаш

ТТА нинг таққослама ташхиси учун қўшимча диагностик усуллар

- Суяк кўмиғи морфологияси (гемоглобин 60 г/л дан паст бўлганда)

- Эритроцитларнинг осмотик резистентлиги

- Қон ферритини

- Умумий оқсил ва қондаги оқсил фракцияси

- Билирубин ва қон ферментлари (АЛТ, АСТ, холинэстераза)

- Ревмопроба

- ЭКГ

- Холестерин, -липопротеид, қондаги қанд микдори

- Қон электролитлари (калий, кальций, натрий)

- Мочевина қон креатинини

- Қон ивиш тизими (протромбин индекси, рекальцификация вакти, гепаринга толерантлиги, фибриноген микдори)

- Қоннинг газ таркиби ва кислота - ишқор мувозанати

- Сийдик умумий таҳлили (Нечипоренко, Зимницкий, Роберг синамалиари)
- Ахлат анализи (гижжа тухумлари ва яширин конга)

Ҳомиладорлар организммининг ҳолатини текширишда ишлатиладиган кўшимча усуллар.

- Иккала қўлда қон босимини ўлчаш
- Тана вазнини назорат учун ўлчаш ва назоратга олиш
- Қин ажралмаларидан тозаликка анализ олиш
- Бурун ва цервикал канал ажралмаларини патоген микрофлора ва антибиотикларга сезувчанлигини бактериал аниглаш.
- Бачадон бўйнининг етилганлиги ва организмнинг туғрукка тайёрлигини аниглаш (38-ҳафтадан)
- Токсоплазмоз, хламидиоз, кизилча, уроплазмоз ва грипп вирусига кон текшириш

Фетоплацентар комплекс ҳолатини баҳолашда кўшимча усуллар

- Ҳомила ва йўлдош УТТ си
- Ҳомила КТГ си

Анемияли ҳомиладор аёлни текшириш вактида захм, туберкулёз, бруцеллёзга ҳам текшириш керак. Бемор терапевт, ЛОР, стоматолог, гематолог, окулист ва бошқа мутахассислар кўригидан ўтиши шарт.

Ҳомиладор аёлни даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ҳар 10 кунда текшириш керак.

ТТА да ҳомиладорликни олиб бориш

Енгил кечувчи анемияни даволаш аёллар маслаҳатхонаси шароитида олиб борилади.

Экстрагенитал патология билан кечувчи анемиянинг XX-XV даражаси, даволашдан кейинги натижанинг йўклиги, акушерлик анамнезининг оғирлиги ва бошқа акушерлик патологияларининг бўлиши ҳомиладор аёлни госпитализация қилишга кўрсатма бўлади. Бу ҳомиладорларни касалхонадан чиқарилаётган вактда юкори хавф диспансер гурухига ўтказилади.

Сурункали анемия вактида шифокор тактикаси: I-триместрда биринчи аёллар консультациясида анемия касаллиги аниқланган ҳомиладорлар ўта жiddий зътиборни талаб килади. Шифокор анемия этиологиясини, касаллик муддатини ва оғирлик даражасини аниглаши, оддин ўтказилган антианемик терапиянинг эффиқтини аниглаши зарур.

Ҳомиладорларда III-IV даражали анемия аниқланганида Верльгоф касаллигини, сук кўмиғи гипоплазиясини, гемолитик анемия каби касалликларни ҳам аниглаш даркор. Кўпинча анемия сурункали жигар касалликлари (шиш, гепатолиенал синдром) ёки буйрак касалликлари (гломерулонефрит, пиелонефрит, ўсма) симптоми бўлиши мумкин, шунинг учун ҳомиладорларнинг бу гурухи ўта чуқур клиник текширувдан ўтишлари лозим.

Сурункали анемия билан оғрувчи аёлларда ҳомиладорлик одатда уларнинг ҳолатини қийинлаштиради, оғирлик даражаси ортади. Аёлларни анемиянинг II-III даражасида бош айланиши, кўзнинг тиниши, бош оғриғи, умумий ҳолсизлик, ҳансираш ва юракнинг тез уриб кетиши безовта килади. Бундай касалларда тери қоғламасининг оқариши, артериал қон босими тушиб, систолик шовқин юзага келади. Касалликнинг муддати тўғрисида ҳар хил турдаги трофик ўзгаришларга, кошиксимон тирнок, уларнинг синувчанлиги, жилвасининг йўқолиши, соч тўкилиши, терининг қуруқлигига қараб баҳо бериш мумкин.

Гемолитик анемия, сук як қўмигининг гипоплазияси ва аплазияси, лейкоз, Верльгоф касаллиги, ҳомиладор бўлишга қарши кўрсатма саналади. ТТА нинг оғир даражасида ҳомиладорликни 12 ҳафтагача бўлган муддатда уни тўхтатиш тавсия қилинади.

Ҳомиладорликнинг 12 ҳафтасидан сўнг, анемиянинг III-IV даражасида ҳомиладорликни тўхтатиш тўғрисидаги масала ўта эҳтиёткорлик билан ҳал қилиниши лозим, чунки бу вактда етарли даражада қон йўқотилиши мумкин. Шу билан бирга ҳомиладорликни тўхтатиш учун оғир сабаблар: 40 ёшдан катталиги, олдинги туғруқдаги қон кетиш, ревматизмнинг актив фазаси, эндокардит, аортал витрал клапанлар стенози, оғир юрак етишмовчилиги, сурункали гепатитнинг актив фазаси, жигар циррози, ўтқир ва сурункали буйрак етишмовчилиги, III даражали тиреотоксикоз. Ҳомиладорликни тўхтатишдан олдин стационарда асосий касалликни бир курс даволаш, қон кетиш профилактикасини ўтказиш лозим.

II даражали анемияли ҳомиладорларнинг юкори хавф гурухдагилари учун текширув ва даволаш-профилактика чора-тадбирлари ташкил қилинади, улар ўзида 4 ҳафталик интервалда 20-30 кундан иборат бўлган 2-4 курс стационар даволашни мужассам этади. Стационардан чиқарилганидан сўнг амбулатор даволаш давом эттирилади.

ТТА нинг енгил даражасидаги ҳомиладорлар амбулатор даволашни стационар ва кундузги стационар шароитда қабул қиласидар. Ўртacha оғир даражадаги анемияда амбулатор даво фойда бермагандар, қўшимча экстрагенитал ва акуперлерлик патологияси бўлганида ҳомиладорликнинг 28-32 ҳафтасида режали ва профилактик госпитализация қилинади, 38-ҳафтадан эса , туғруққа тайёрлашга ётқизилади.

Ҳомиладорликнинг 28-32 ҳафтасидаги госпитализация ТТА нинг профилактикаси ва даволашни ҳамда бачадон-плацента қон айланишининг яхшиланиши, презклампсия юзага келишининг профилактик чораларини кўзда тутади.

ТТА ни даволаш ҳам поликлиника, ҳам стационар шароитида комплекс бўлиши шарт, бу терапия ўзида диетотерапияни, медикаментоз терапияни, қўшимча патологиянинг зарарли омилларини йўқотишни мужассам этади.

ТТА билан оғрувчи ҳомиладорларнинг истеъмол қиласиган овқати юкори калорияли бўлиши (3000-3500 ккал) ва таркибида касалликни даволаш учун керакли қўшимчалари бўлиши керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, темир моддаси мол гўштида, жигар, тухум саригида, укропда, петрушкада кўп бўлади. Бу маҳсулотлар организмнинг темир моддасига бўлган талабини тўла қондира олмайди. Шунинг учун темир препаратларини истемол килиб туриш керак.

Ферропрепаратлар сүяк кўмигига активлаштирувчи таъсир ўтказади.

Эритроцитлар сонининг ошишини таъминлайди, ранг кўрсаткичи ошади. Перорал препаратлар билан даволаш узок муддат олиб борилиши керак (4-6 ой).

ТТА нинг I-даражаси билан хасталанган ҳомиладор аёллар консультацияси шароитида даволанишади.

Темир танқислигини тўлдириш учун темир тутувчи препаратлар буюрилади.

Глобекс таркибида темир (II) - фумарат, фолат кислота, В₁₂, элементар рух тутади. 1 капсула (100 мг) дан 2 маҳал кунига буюрилади.

Актиферрин темир (II) - сульфат ва μ -аминокислота –серин тутади. Аминокислота препаратурнинг конга сўрилишини таъминлайди (78%). Терапевтик дозаси 1 капсуладан 3 маҳал овқатгача, профилактик доза кунига 1 капсула.

Гинотардиферрон-таркибида темир (II)-сульфат, мукопротеаза, фолат кислота, аскорбин кислота тутади. Муҳим хусусияти темир препаратдан узоқ ва секин ажралади, абсорбцияси секин кечади, терапевтик эффекти кунига 1 таблетка.

Тотема-таркибида темир глюконат, марганец, мис тутади. Бундай маҳсус таркиби темир, марганец ва миснинг биргаликда таъсирига асосланган. 1 ампула (50 мг) 100 мл сувга кўшиб ичилади, кунига 2-3 ампуладан.

Феррумлек 1 таблетка (100 мг темир III) дан 1- 2 маҳал чайнаш.

Камконликнинг ўрта оғир ва оғир даражаларида темир моддаларни парентерал қўллаш мумкин.

Феркайл 1 ампула (2 мл 100 мг темир III)дан м/о 1 марта кунига 5-10 кун юбориш.

Космофер 1 ампулани (2 мл 100мг темир III) 10 мл 5% глюкоза эритмаси билан в/и 1 марта кунига 5-10 кун юбориш.

Венофер 1 ампулани (5 мл 100 мг темир III) 200 мл 0,9% натрий хлор эритмасида в/и кунора 3-5 марта юбориш.

Мальтофер 1 ампула (2 мл 100 мг темир III) дан м/о 1 марта кунига 5-10 кун юбориш.

Марказий нерв системаси фаолиятини нормаллаштириш учун: пустирник ёки валериана эритмаси (1 кошиқдан 2 маҳал), триоксазин ёки седуксен (1 таблетка кечкурун), биопассит, новопассит 1 таблеткаси кечасига буюрилади.

Организмни десенсибилизация қилиш учун: кальций глюконат (0,5 г дан 1-2 марта), димедрол ёки пипольфен (0,025 г кечкурун).

Оқсил етишмовчилигини даволаш учун: диетотерапия, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар қабул қилиш – метионин (0,25 г дан 4 маҳал), глутамин кислотаси (0,5 г дан 3 маҳал).

Организмни микроэлементлар ва витаминлар билан тўйинтириш учун

прегнавит (1 драже 2-3 маҳал), витрумпренатал, матерна.

Ацидоз ва гипоксиянинг профилактикаси: глюкоза 10 % ли 20 мл вена ичига 10-12 инъекция.

Ҳомила гипотрофияси ва гипоксиясининг олдини олиш учун: глюкоза, кокарбоксилаза (50-100 мг вена ичига), витаминлар, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар, оксигенотерапия ўтказилади.

Диетотерапия ҳомиладорлар анемиясини даволашда муҳим аҳамиятга эга, ҳомиладорлар рациони оқсил, витаминлар, микроэлементлар, темир моддаларининг кўпайиши ҳисобидан кентгайиши лозим. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида оқсилнинг бир кунлик миқдори 110 г, ёғ - 80 г, углевод - 350 г, таомнинг умумий калорияси 2800-3000 ккал. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида оқсил миқдорини 120 г, ёғ - 90 г, углеводни 400 г гача ошириш керак (овқатнинг умумий калорияси 3100-3200 ккал).

Оқсилнинг асосий манбаи гўшт, жигар, тил, буйрак, тухум, сут маҳсулотлари. Темир моддаси ҳайвон маҳсулотлари истеъмол қилинганда, ўсимлик маҳсулотларини истеъмол килингандагига нисбатан 8,5 марта кўпроқ сўрилади. Одам организми ёғ, гўшт, пишлок, творог, сузма, каймок, тухум каби маҳсулотлардан олади. Беморларнинг овқатланиш рационига ўсимлик ва сарик ёғни ишлатиш максадга мувофик (пахта, писта, соя, кўпинча 25 г).

Углеводларни буюрища клетчаткага бой ўсимлик маҳсулотларига аҳамият берилади : жавдар нони, сабзавотлар (томат, сабзи, қовок, картошка, лавлаги, карам, редиска), тарвуз, ковун, мевалар (анор, олма, ўрик, гилос, бехи, олхўри, олча, анжир, лимон, маңдарин, апельсин ва бошқалар), курук мевалар (туршак, кишиби, коқи), ёнғоқли мевалар (писта, бодом), резавор мевалар (наъматак, маймунжон, малина, кулупнай), дук-каклилар (ловия, маккажӯҳори, нўхат, бетага, гречиха, шоли). Қўзиқорин ва ачитқилар микроэлементларга бой. Ҳомиладорларнинг ҳар кунлик рационида албатта кўкатлар ва исмалоқ, кўк пиёз, шовил, укроп, петрушка ва бошқалар бўлиши керак. Агар рационда мевалар етишмаса шарбатлар (олма, ўрик, помидор, сабзи) ва компот, киселларни киритиш мумкин. Мевалар, кўкатлар, сабзавотлар ҳомиладорлар рационида муҳим ўрин тутади. Уларнинг баъзилари крахмал манбаи бўлса, бошқалари оқсил, қанд манбаидир. Ўсимлик маҳсулотлари минерал тузлар, микроэлементлар ва витаминларга бой. Ўсимликлар таркибидағи клетчатка ҳазм килиш жараённида ичаклардан сўрилмайди, шунинг учун ҳам у ҳомиладорликда ичаклар перистальтикасига ижобий таъсир кўрсатади.

Гестацион давр

Бу даврда қўйидаги асоратлар кузатилади:

1. Презклампсия
2. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши
3. Туғруқдан олдин сув кетиши
4. Ҳомила ривожланишининг тўхташ синдроми, ҳомила ичи гипоксияси олиб келувчи фетоплацентар етишмовчилик.
5. Муддатидан олдинги туғруқ
6. Туғруқ дардларининг кучсиз бўлиши.

7. Учинчи ва эрта түрүкдан сүнгги даврда гипотоник қоп кетиши.
8. Коагулопатик қон кетиши.
9. Лохиометр ва бачадон субинволюцияси.
10. Гипогалактия.
11. Түрүкдан кейинги йирингли-септик қасаллик.
12. Оналар ўлими ва қасалланиш даражасининг ошиши.
13. Ҳомилалар ўлими ва қасалланиш даражасининг ошиши. Перина-тал патология: асфиксия, түрүк жарохати, тана вазнининг камайиши, анемия, иммун етишмовчилиги билан боғлиқ инфекцияланиш хавфи ва меленанинг ривожланиши.
14. Темир танқислиги натижасида болаларда темир етишмовчилиги камқонлиги:
 - психомотор ривожланишнинг орқада қолиши;
 - сўзлашиб нуксони ва ўқишнинг сустлиги;
 - жисмоний активлигининг пасайиши;
 - ақлий ривожланишдан орқада қолиш (енгил даражасидан ўртacha оғир даражагача)
 - Боланинг бош мияси темир танқислигига ўта сезгир бўлади

Маълумки, ТГАда қасалга эритроцитар массаси қуиши мақсадга му-вофик бўлмайди. Замонавий иммунологияда биз қон қуишини тўқима трансплантацияси сифатида қараймиз. Бу онанинг ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки ВИЧ, зардоб гепатити юқиш хавфи бор. Шунинг учун қон компонентлари қуишидан олдин реципиент ва донор-нинг қон гурухини резус-омилга текшириш лозим. Қасалхонада трансфузион терапияни терапевт ва акушер-гинеколог кўрсатмасига кўра масъул шифокор-трансфузиолог амалга ошириши керак. Бундан ташқари, акушерлик комплексида қон хизмати жуда яхши йўлга кўйилган бўлиши керак. Навбатчи донор ва тиббиёт ҳодимларининг манзил ва телефонлари бўлиши лозим. Бу чоралар гепатит, ВИЧ ва мононуклеоз инфекциялар юқишининг олдини олади. Түрүк залларида ҳар доим эритроцитар масса ва қон зардобининг захиралари бўлиши лозим. Захираларнинг тўлдирилиши ва ишлатилиши қаттиқ назоратга олиниши керак. Кузатувлар шуни кўрсатадики гемотрансфузия режа асосида иш кунининг биринчи ярмида соат 13° гача олиб борилса, гемотрансфузион асоратлар камаяди.

Қон ва унинг компонентларини қуиши қўйидаги мақсадларда амалга опирилади:

- глобулинлар ва плазма ҳажмини тўлдириш учун;
- ўткир циркулятор гемик ва тўқима гипоксиясининг олдини олиш учун;
- бачадон ва йўлдошда қон айланишини яхшилаш учун, кислород транспортининг ошиши, қон компонентлари билан таъминлаш, түрүкда оғир анемия, ўткир асфиксия ва гипоксиянинг профилактикаси ва даволаш мақсадида;
- түрүкда ва түрүкдан сўнг бачадон қисқаришини яхшилаш;
- түрүк дардлари сусайиши, гипотоник ва атоник қон кетиши, бачадон субинволюциясининг түрүкдан сўнгги профилактикаси;

- эритроцитлар, тромбоцитлар, кон ивиш омиллари ўрнини тўлдириш билан гемостаз системасини коррекциялаш. Бу ҳолат, биринчидан, йўлдош ажралгандан кейинги қон кетишини камайтиради, иккинчидан, коагулопатия ва тромбоцитопениянинг олдини олади;

- туғруқдан сўнгги йирингли касалликлар профилактикаси учун организмнинг иммун ҳимоясини оширади;

- гипогалактияниң профилактикаси, лактацион даврда кўкрак сутининг миқдори ва сифатини яхшилаш.

Эритроцитар массаси қуиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тартибда олиб борилиши керак.

Оғир даражали ТТАга презклампсия, протеинемия кўшилиб келган бўлса, 100-200 миқдорда янги тайёрланган қон плазмаси, З кундан ортик сакланмаган эритроцитар масса юборилади. Туғруқкача бўлган даврда қон препаралтлари ишлатилади. Агар гемоглобин 60 дан паст бўлса, операция вақтида III-IV даражали бемор 500 мл дан кўп қон йўқотса, коагулопатик қон йўқотиш хавфи юкори бўлганда қон плазмасининг 6-8 дозаси, криопреципитат юборилади. Агар улар бўлмаса янги эритроцитар масса трансфузия қилинади.

Оғир даражали ТТАни қон препаратлари билан комплекс даволашда қуйидаги кўрсатмалар бўйича даволаш тавсия қилинади:

- туғруқкача тайёргарлик (гемоглобин 70 г/л ва бундан паст бўлганда);

- анемия ва презклампсиянинг биргаликда келиши;

- гипоксияниң ривожланишига кўшимча хавф бўлиши: катта ҳомила, инфантлизм белгилари, кўпсувлик, 2 та ва бундан кўп ҳомила ва бошқалар;

- кесар кесиши операцияси;

- биринчи ва учинчи туғрук даври (гемоглобин 60 дан кам);

- қон кетиши (йўлдошнинг олдин келиши, туғрук йўллари жароҳати, туғруқдан кейинги патология);

- янги эритроцитар масса барча конун-коидалар билан туғруқкача бўлган даврда трансфузия қилинса, массив қон кетиш, ТТИҚИ синдроми, геморрагик шок, бир литрдан кўп бўлган массив гемотрансфузия қўллашни ўз ичига олади.

Камқонликнинг олдини олиш ва даволаш йўллари.

Лаборатор усуслардан: конни клиник текшириш; гематокрит, ретикулоцитлар, тромбоцитлар сонини аниглаш; қон зардобидаги темир ва ферритин миқдорини аниқлаш ҳамда трансферрин темир билан тўйинганлиги коэффициентини аниқлаш.

Ҳомиладорликда камқонликнинг олдини олиш учун қуйидагиларга риоя этиш керак:

1. Ҳар куни кун тартибига қатъий риоя қилиш, старлича дам олиш, вақтида тўйиб ухлаш, бу ўз навбатида марказий асад ишини фаоллаштиради.

2. Эрталабки бадантарбия, чўмилиш ва бошқа гигиена шартларига риоя қилиш.

3. Очик ҳавода сайд килиш.

4. Тұғри овқатланиш камқонликнинг олдини олишда мұхим ахамият-га зға. Ҳомиладор аёл кунига 5-6 маҳал овқатланиши зарур. Бунда у окси-лга, витаминаларга бой овқатларни истеъмол килиши керак. Булар: гүшт, балиқ, жигар, тухум, сут маҳсулотлари: қатик, сут, бринза ва бошқалар. Сабзовотларни қайнатыб, пишириб эмас, балки ҳомлигича ейиш мүмкін: пиёз, сабзи, помидор, бодринг; ҳұл мевалардан: узум, ўрик, олма, гилос, лимон, апельсин ва бошқалар.

5. Нұ миқдори ҳомиладорликнинг 1-6 ойлигіда ойига 1 марта, охирги 3 ойлигіда ойига 2 марта текширилиб борилади.

ТТА да аёллар реабилитациясы

ТТА ни камайтириш учун фертил ёшдаги аёлларда туғруқ интервалла-ри камида 3 йил бўлиши керак, ҳар бир ҳомиладорликда гемоглобин ва эритроцит кўрсаткичлари нормал бўлиши керак.

Овқатланишни рационаллаштириш, нормал кун тартиби, соғлом тур-муш тарзини олиб бориш тұғрисида тушунтирув ишларини олиб бориш керак.

Реабилитацион чораларни УАШ олиб бориши керак. Асосий эътиборни анемияга олиб келувчи экстрагенитал касалликларга қаратыш керак. ТТА билан оғрувчиларда "юқори хавф гурухи" ни ташкиллаштириш ва улар орасыда профилактика чораларини олиб бориш назорати алохida ахамиятга зға.

ТТА ли аёлларда контрацепциянинг ҳамма турларини ишлатиш мүм-кин. ВМС фонидаги гиперполименорея бундан истисно ҳисобланади. Бу холатда спирални олиб ташлаш керак.

18.2. ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ПИЕЛОНЕФРИТ

Максад: пиелонефрит ҳақида тушунча, касаллик этиологияси, патогенези, диагностикаси, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кесишини ўрганиш.

Режа.

1. Пиелонефрит ҳақида тушунча.
2. Пиелонефрит таснифи, этиологияси, патогенези, клиникаси.
3. Пиелонефритда диагностика методлари.
4. Ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги даврнинг асоратлари.
5. Даволашнинг асосий тамойиллари.

Пиелонефрит ҳомиладорликда тез-тез учраб турадиган ҳомиладорларнинг хаёти учун хавфли касаллик ҳисобланади.

Пиелонефритда асосан буйрак жомлари, косачалары яллиғланган бўлади. Бундай яллиғланниш ҳолати ҳомиладорликда, туғруқ вақтида ҳамда чилла даврларида учрайди. Пиелонефрит суръати (частота) ўртача 3 – 30% ҳисобланади. Шу жумладан ҳомиладорлик даврида 48% туғаётган аёлларда 17%, чилла даврида 35% учраб туради. Пиелонефрит касаллигининг келиб чиқиши ва ривожланишига асосан иккى хил мұхим шароит сабабчи бўлади. Булардан бири буйракнинг қон билан таъминланишининг бузилиши ва сийдик йўлларида сийдикнинг тўхтаб қолиши ҳамда

организмда касаллик чакиравчы микроорганизмлар мавжудлигидир.

Касаллик күзғатувчи микроорганизмларга 65% энтеробактерия, 1% ичак таёқкаси, клебсиелла, протей, 23% энтерококк, камдан-кам стафилококк ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Инфекциянинг асосий манбай асосан аёллар жинсий аъзоларининг яллигланиши, фурункуллар, сийдик йўлларининг яллигланиши, касалланган тишлар мавжудлиги, муртак безларининг сурункали яллигланиши хисобланади.

Инфекциялар организмда: қон орқали, лимфа безларининг йўллари ва сийдик чиқарув йўллари орқали тарқалиши мумкин.

Инфекциянинг тарқалиши учун қулай шароитлардан бирин ҳомиладорлик даврида юқори сийдик йўлларида сийдик чиқариш жараёнининг бузилиши хисобланади. Бунга қисман ҳомиладор бачадонининг ўнг томонга бурилган ҳолатда жойлашиши ва бу сийдик йўлларининг босилиши натижасида буйрак жомларида, сийдик йўлларида сийдикнинг тўхталиб колишига олиб келади. Бундай ҳолатда инфекция ривожланишига қулай шароит туғилади.

Буйракда сийдик ажралиб чиқиши ва қон айланиши бузилишига асосий сабаблардан яна бири, ҳомиладорлик даврида прогестерон гормонининг сийдик йўлларига, буйрак жомларига таъсири хисобланади.

Гормон прогестерон сийдик йўлларини, буйрак жомларини бўшашига олиб келади. Бу эса сийдик йўлининг тўхталиб колишига сабаб бўлади. Бундай шароитда организмда бирор инфекциянинг манбай мавжуд бўлса, сийдик йўлларига тушшиб, унинг яллигланишига олиб келади. Пиелонефрит кўпинча ўнг буйракда ва биринчи ҳомиладор бўлган аёлларда кўпроқ учрайди.

Пиелонефрит – 86,6% да ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидан (22-28 ҳафта) туккан аёлларнинг чилла даврида 4-6-9-12-кунларидан касаллик бошланиши мумкин.

Касаллик асосан ўткир ва сурункали давом этади. Ўткир бошланган пиелонефритда тана ҳарорати кўтарилади, кўпинча аёллар қалтираб (озноб), кейин иситма чиқаради, каттиқ боши огрийди, кўнгли айнийди, вакти-вакти билан қусиши мумкин, кейинчалик кучли терлаш содир бўлиб, тана ҳарорати бироз пасаяди. Нафас олиши тезлашади. Томир тез-тез уриб туради (тахикардия), тил усти карашланган бўлади. Касалларнинг умумий ахволи ёмонлашиб, ҳолсизлик, ланжлик ҳолларидан шикоят қиласидилар.

Белда (буйрак яқинида) оғрик пайдо бўлади. Оғриқ корин пастки қисмига, жинсий аъзоларнинг лабларига, оёқнинг сон қисмига ва сийдик йўллари бўйлаб тарқалади. Бел (буйраклар) соҳасига муштум билан енгил урилганда буйрак жоми яллигланган томонида оғрик сезилади (Пастернацкий белгиси мусбат бўлиб чиқади).

Касаллар тез-тез сияди, сийиш вақтида оғрик сезадилар. Пиелонефрит сурункали давом этганда белдаги оғрик сустрок сезилади, лекин белдаги оғрикни зўрайтириш касаллар гавда ҳаракати билан боғлиқ эканлигидан шикоят қиласидилар.

Касалларнинг боши огрийди, тез-тез чарчайдилар, танада умумий бехолликни сезадилар, Пастернацкий белгиси кучсиз мусбат бўлиб чиқади, 16%

хомиладор аёлларда пиелонефрит билан бирга камқонлик, 20% қон босимининг юкори бўлиши (гипертония) содир бўлади.

Касалликни аниқлаш асосан унинг клиник белгиларига, лаборатория ва эндоскопик текширишларга асосланади. Бел (буйрак) соҳасидаги оғрик хомиладорликнинг 3-ойигача кучли безовта қиласди. Хомиладорликнинг колган ойларида бел соҳасидаги оғрик сусаяди, чунки сийдик чиқарувчи йўллари бирмунча бўшашиб, кенгайган бўлади, бу эса оғрик камайишига олиб қиласди.

Қонда лейкоцитларнинг сони кўпаяди ва лейкоцитоз, чапга силжиши содир бўлади. Лейкоцитларнинг кўпайиши асосан таёқчасимон лейкоцитларнинг хисобига содир бўлади. Қонда протеин камаяди (протеинемия), мочевина миқдори кўпаяди.

Сийдик текширилганда унинг таркибида протеинлар бўлади (протеинурия), лейкоцитлар кўп миқдорда аниқланади (лейкоцитурия). Лейкоцитлар, эритроцитлар ҳам бўлиб, гематурия ҳоллари содир бўлади. Сийдикни бактериологик текшириш шартдир. Бунда 1 мл сийдикда 10/5 даражасидан ортиқ микроб доначалари топилса, бу пиелонефрит деб ташхис қўйишга асос бўлади.

Сийдикни Зимницкий, Нечипоренко, Аддис-Каковский усуллари билан текширилиб буйрак функционал ҳолати аниқланади.

Хомиладорлик даврида пиелонефрит касаллиги билан касалланган аёлларда хомиладорликнинг қўйидаги асоратларини кузатиш мумкин.

1. Хомиладорликнинг тахминан 16-24-ҳафталарида 6% гача бола тушиши содир бўлади, чунки бу давр ичida ҳомила шикастланади, инфекция ва интоксикация таъсирида ҳомила ўсишдан орқада колади, туғилган тақдирда ҳам умумий вазни кам бўлиб туғилади. Янги туғилган чақалоқ эса осонгина юкумли касалликлар билан тез-тез касалланадиган бўлиб қолади.

2. 25% ҳомила вактидан илгари (чала туғилиши) мумкин.

3. 44-80% ҳолларда хомиладорлик гипертензияси кузатилади.

4. Нормал жойлашган йўлдошнинг вактидан олдин кўчиши юз беради.

5. Хомиладорлик даврида пиелонефрит билан касалланган аёллар кўпинча чилла даврида учрайдиган эндометрит ва чилла давридаги септик касалликларга дучор бўладилар.

Пиелонефритнинг ўткир клиник формасида эса қўйидаги асоратларни учратамиз: бактериал шок; буйрак тўқималарининг некрози; йирингашнинг бутун танага таркалиши (септикопиемия).

Ҳомиладорлик даврида содир бўлган пиелонефритни асослаб, туғрук вақти келганда туғрукни бошқаришда албатта спазмолитиклар қўллаш тавсия этилади. Агар пиелонефрит билан оғриган аёлларда ҳомиладорликда гипертензив асоратлар давом этастган бўлса ёки гипертензия асорати тез-тез хуруж қылса (қайтарилса), бу асоратни даволашдан қониқарли натижга олинмаса, ҳомиладорликни сунъий йўл билан тугатиш керак бўлади. Бу ҳолларда ҳомиладорликни тугатиш учун, дардни чакиравчи ва кучайтирувчи дорилар билан туғрук йўллари орқали туғдириш мак-

садга мувофиқ хисобланади. Ҳомиладорликни операция йўли билан тугатиш тавсия қилинмайди. Кесар кесиши факат ҳомиладор аёлнинг хаёти кучли ҳавф остида колгандагина кўллаш мумкин.

Куйидаги ҳолларда ҳомилани давом эттириш қатъян ман этилади: пиелонефрит якка буйракда содир бўлган бўлса; сурункали пиелонефритда гипертония (кон босимининг кўтарилиши) ва азотемия ҳоллари рўй берганда; сурункали пиелонефритда буйрак фаолияти сурайганда (СБЕ).

Пиелонефрит касаллиги билан ҳомиладор аёл ҳомиладорликнинг биринчи 3 ойлигига касалланса, ҳомиладорликни давом эттириш ман этилади. Чунки бу давр ҳомиланинг хаёт учун зарур бўлган ички аъзоларининг шаклланиш даври хисобланади. Ҳомилани сунъий йўл билан тушириш ўткир давом этаётган пиелонефрит касаллигини даволаб, касалликнинг асосий белгилари йўқ бўлгандан кейин амалга оширилади.

Даволаш. Пиелонефритли аёлни факат даволаш муассасаларига олиб бориши зарур, уй шароитида, амбулатория шароитида даволаш ман қилинади.

Пиелонефритни даволашда биринчи 3 ойликда антибиотиклардан пенициллин берилади, 1 кунда 10 000 000 ЕД м/o юборилади. Яна ярим синтетик априд (ампициллин) 1 таблетка (750 мг) дан 2 маҳал кунига ёки Хиконцил 1 капсула (500мг) дан 3 маҳал 5 кун, амоксициллин-ТЕВА 1г м/o 3 маҳал 5 кун давомида юборилади. Антибиотикларни тана ҳарорати нормаллашгандан кейин яна 2 кунгача давом эттириш тавсия қилинади. Агар касаллик оғир давом этса, антибиотиклар (мегацеф 750 мг в/и 3 маҳал кунига 3-5 кун давомида) венага юборилади.

Ҳомиладорликнинг 3 ойликдан кейинги ойларида кучли антибиотикларни даволаш учун ишлатиш мумкин, чунки 3 ойдан кейин ҳомиланинг хаёт учун зарур ички аъзолари шаклланиб бўлиб, йўлдош тўла-тўкис шаклланади, ўзининг иш фаолиятини бошлайди, ҳомилани дорилар таъсиридан бир мунча сақлаш қобилиятига эга бўлади.

Антибиотиклардан априд (ампициллин) 1 таблеткадан (750 мг) 2 маҳал 7 кун, амоксилав 600 мг дан 3 маҳал в/и, кейин 1 таблетка (1000мг)дан 2 маҳал 5 кун, амоксил 500мг дан 3 маҳал 5-7 кун ифицеф, цефтриаксон (лэндацин) 1 г дан кунига 2 маҳал в/и, зитроцин 500 мг дан 1 маҳал 3 кун 5 кун давомида тавсия қилинади.

Ҳомиладор аёлларга антибиотиклардан тетрациклин, левомицетин, стрептомицин буюриш мумкин эмас, чунки антибиотиклар ҳомилага салбий таъсир килиб, хаёт учун зарур бўлган ички аъзоларда турли касалликлар (аномалиялар) содир бўлишига сабаб бўлади.

Буйракдаги ялигланишга карши бериладиган дорилардан уролесан 15 томчидан 3 маҳал 7 кун, 5-НОК 2 таблеткадан 4 маҳал 4 кун, кейинчалик 1 таблеткадан 4 маҳал яна 10 кун давомида берилади. Фуродонин 0,1 г дан 4 маҳал 4 кун, 0,1 г дан 3 маҳал 10 кун давомида берилади. Фуразолидон 0,1 г дан 4 маҳал 4 кун, 0,1 г дан 3 маҳал 10 кун, уросульфан 0,5 г дан 4 маҳал 10 – 12 кун.

Чилла даврида пиелонефритни даволашда бисептолни 2 таблеткадан 2 маҳал 10 кун давомида юборилса, яхши натижага эришилади.

Организмни десенсибилизация қилиш мақсадида супрастин 0,025 дан ёки пипольфен 0,025 дан 3 маҳал ичирилади.

Сийдик яхши ажралиши учун спазмолитик моддалардан барагин 5 маҳал ёки но-шпа 2 мл м/о, папаверин 2% - 2,0 м/о юборилади. Плацента-нинг тўсик фаолиятини кўчайтириш учун Е витамини 30% - 1,0 м/о 5-10 кун давомида тавсия қилинади.

Бачадон мускуллари қисқарувчанлигини камайтириш мақсадида гес-таген (дюфастон), спазмолитик (магнезия, но-шпа, папаверин) ва токоли-тиклар (гинепрал) буорилади.

Даволаш мобайнида юбориладиган суюклик миқдори 1 кунда 2 литр-гача тавсия этилади (5% глюкоза, физиологик эритма ва х.к.), оғиз оркали суюклик ичишга маслаҳат берамиз. Гўштни қайнатилган миқдорда истеъмол қилинади. Сабзавот ва ҳўл мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш керак. Шўр-аччик ва қовурилган овқатларни истеъмол қилиш қатъянман қилинади.

Ўргатувчи тестлар.

1. ТТК мезонлари:

эритроцитлар $3,5 \times 10^{12}/\text{л}$ ва ундан паст

гематокрит 34% дан паст

ранг кўрсаткичи 0,8 ва ундан паст

темир модданинг даражаси 10 мкг/л ва ундан паст

гемоглобин 110 г/л ва ундан паст

2. Гестацион пиелонефрит клиникаси:

тана ҳарорати $38\text{-}40^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши, бел соҳасида оғриқ, тез-тез сийиш, оғриқ билан

бел соҳасида оғриқ, Пастернацкий симптоми мусбат, титраш, кувват-сизлик, терлаш

3. Оғир камқонликда туғруққа тайёрлаш усуllibari:

кон ивиш хусусиятини текшириш

клиник - биокимёвий текширив

витаминлар, оқсил ва темир моддалари бўлган дорилар берип

хомила сурункали гипоксиясини даволаш

эритроцитар масса, плазма кўйиш

4. Пиелонефритни ҳомиладорлик пайтида даволаги:

антибиотиклар қўлланилади, спазмолитиклар, кўп суюклик ичирилади, ўринда ётиш тартиби.

цефалоспоринлар буориши

витаминлар, кувватни оширувчи, дезинтоксикацион даволаш

5. Гестацион пиелонефрит билан касалланган беморларда сийдик тах-лиллари кандай бўлади?

бактериурия сийдикда оқсил пайдо бўлиши

сийдикда лейкоцитлар миқдори ошиши

Нечипоренко усулида лейкоцитлар сони 2000 дан ортиқ

6. Гестацион пиелонефрит профилактикаси:

рационал суюклик ичиш, шўр овқатларни камайтириш

кольпит ва уретритни ўз вактида даволаш

антибиотик ва сульфаниламидларни профилактик буюриш

7. Пиелонефрит ва унинг хомиладорликда хомилага таъсири:
хомиланинг гипотрофияси

хомиланинг вактидан олдин туғилиши

чақалокларда йирингли септик касаллклар

юқори перинатал ўлим

8. Пиелонефрит ривожланишида инфекция қандай 2 йўл билан тарқалади?

гематоген йўл

уретра орқали юқорига чиқувчи йўл

9. Ҳомиладорлик пиелонефритида кўп учрайдиган асоратларни санаб ўтинг:

ҳомиладорликнинг барвакт тўхташи

ҳомиладорликда гестозларнинг қўшилиб келишини

ҳомила гипотрофияси

ҳомиланинг антенатал ўлими

кўпсувлик

НЖЙБК

10. Буйрак касаллкларида ҳомиладорликка карши қандай 3 та кўрсатмани биласиз?

сурункали пиелонефрит, буйрак етишмовчилиги

ягона буйрак пиелонефрити

барқарор гипертензия ёки азотемия билан кечадиган сурункали пиелонефрит

11. Темир етишмаслиги анемиясида қандай 4 та оғирлик даражасини биласиз?

1-даражада - енгил - Нb 110-91 г/л

2-даражада - ўртача - Нb 90-71 г/л

3-даражада - оғир - Нb 70-51 г/л

4-даражада - ўта оғир-Нb 50 г/л ва ундан паст

12. Темир танқислиги билан ўтадиган камқонлик ривожланишида 6 та асосий омилни санаб беринг:

ёши

анамнез

экстрагенитал касаллик борлиги

овқатланиш ҳусусияти

ҳомиладорлик муддати

ушбу ҳомиладорлик асорати

13. Сурункали темир танқислиги анемияси бўлган аёлларни профилактика ва даволаш мақсадида 3 марта режали госпитализация қилиш ҳомиладорликнинг қайси муддатларида ўтказилади?

I - 20-22 ҳафтада - организмда Fe танқислигини даволаш

II - 28-32 ҳафтада - камқонлик ўта авж олган давр, Fe танқислигини тўлдириш мақсадида даволаш курси ўтказилади

III - 36-38 ҳафтада туғрукка тайёрлаш

14. Анемияда ҳомиладорликка 5 та карши кўрсатмани санаб беринг:

III-IV даражадаги темир танқислиги анемияси

гемолитик анемия

сүяк күміги гипо- ва аплазияси

лейкоз

огир кечувчи ёки тез-тез хуружланувчи Верльгоф касаллиги

15. Пиелонефрит билан туғрукни олиб боринг:

табиий туғрук йұллари орқали туғрукни чакириш

Нима сабабдан пиелонефрит ўнг томонда күпроқ учрайди

ўнг тухумдон венаси сийдик йұлларини сиқиб күйиши

бачадон билан ўнг сийдик йүлининг сиқилиши

16. Буйрак касалларыда ҳомиладорларни 4 марта госпитализация килиш мұддатлари ва мәксадлари?

1 – 12 ҳаftалик ҳомиладорликнинг ўсишини ҳал қилиш учун

2 – 22-24 ҳаftаликда йўлдош етишмовчилиги давоси ва преэклампсиянинг олдини олиш учун.

3 – 32-34 ҳаftаликда профилактик даво, преэклампсияни ва йўлдош етишмовчилигини даволаш учун

4 – 37-38 ҳаftаликда туғрук олди тайёргарлуги учун.

17. Ўткир пиелонефритга хос 4 асосий симптом?

Тана ҳарорати 39-40 градус, қалтираш, ҳолисзлик

Белда оғриқ, сийдик йўли бўйлаб оғриқ, сонда оғриқ

Пастернацкий белгиси (мусбат)

Пешобда оқсил ва лейкоцитлар

18. Пиелонефритда қон ва пешоб таҳлилидаги ўзгаришлар?

лейкоцитурия

бактериурия

конда нейтрофил лейкоцитоз

19. Пиелонефрит ташхисида лаборатор усууллар (пешоб)?

Пешобнинг умумий таҳлили

Нечипоренко синамаси

Аддис-Қаковский синамаси

Зимницкий синамаси

20. Пиелонефритда туғрұқдаги 4 та асорат?

НЖЙБК

Вактидан илгари туғрук

Туғрұқдан олдин ва эрта сув кетиш

Туғрұқдан кейин ва илк чилла даврида қон кетиш

21. Ҳомиладорликда камқонликнинг қайси 4 та тури кўп учрайди?

Fe танқислиги

B₁₂ (фолат кислота) етишмаслиги

Гемолитик

22. ТТК нинг 4 та ривожланиш хавфи қандай?

Акушерлик анамнезида қон кетишлар, операциялар

Сурункали инфекция ўчоклари, экстрагенитал касаллар борлиги

Оқсил, Fe, витаминлари кам бўлган овқатларни истеъмол қилиш

Ҳомиладорлик асоратлари (қайт килиш, преэклампсия, бола ташлаш

хавфи)

23. Камқонлиги бүлган аёлларда қандай 5 та ҳомиладорлик асопратла-ри учрайди?

презклампсия ривожланиши

бола ташлаш

Сурункали гипоксия ва ҳомила гипотрофияси

НЖИБК

Ҳомиланинг антенатал ўлими

24. Камқонлиги бүлган аёлларда түргүрк вактидаги 5 та қандай асопрат-лар уч райди?

Түргүркдан олдинги ва эрта сув кетиши

Ҳомиланинг интра- ва постнатал ўлими

Түргүрк кечишининг сустлиги

НЖИБК

Түргүркдан олдинги ва кейинги қон кетишлар

25. Ҳомиладорликнинг қайси муддатларида кўпинча пиелонефрит аниқланади?

12-15-ҳафталарида

24-29-ҳафталарида

32-34-ҳафталарида

39-40-ҳафталарида

26. Түргүркдан кейинги даврнинг қайси кунларида пиелонефрит асо-ратлари келиб чиқади?

2-15-кунларида

10-12-кунларида

27. Пиелонефрит қўзғатувчилари?

Грамманфий ичак таёқчалари

Кўк йиринг таёқчаси

Протей

Кандидалар туридаги замбуруғлар

Страфилококклар

28. Ҳомиладорликда пиелонефритнинг формалари?

Ўткир

Сурункали

Латент кечувчи

Гестацион

29. Ҳомиладорларда пиелонефритни даволаш?

Витамины пархез, суюкликлар, сийдик ҳайдовчи ўтлар

Тизза-тирсак холатида кунига 10-15 дақиқа бир неча марта ва соғ то-монда ётиш

Антибактериал терапия

Дезинтоксикацион терапия

Спазмолитиклар

Уросептиклар

Десенсибилловчи терапия

XIX БОБ ХОМИЛАДОРЛИК ИЛК ТОКСИКОЗЛАРИ

Максад:

Талабаларга ilk токсикоз этиологияси ва патогенези, таснифи түгрисида тушунча бериш, ушбу патологияни даволаш ва профилактикасини ўргатиш.

Режа:

1. Илк токсикоз тушунчасининг таҳлили.
2. Илк токсикозлар таснифи.
3. Илк токсикоз этиологияси ва патогенези
4. Илк токсикозларни даволаш ва профилактикаси.

Хомиладорлик токсикозлари (ХТ) тушунчаси хомиладорлик туфайли юзага келган ва хомиладорлик тугаши билан бартараф бўладиган барча патологик ҳолатларни ўз ичига олади. ХТ она ва бола томонидан асоратларга олиб келиши мумкин, батъзан экстрагенитал патологияларга ҳам сабаб бўлади.

Токсикозлар – аёл организмида хомиладорлик туфайли вужудга келадиган патологик ҳолат бўлиб, кўпгина симптомлар билан намоён бўлади, улардан асосийси марказий нерв системаси, кон томирлари ҳолатининг ва моддалар алмашинувининг бузилишидир.

Эрта пайдо бўладиган токсикозлар асосан нерв, эндокрин системаси, овқат ҳазм қилиш йўллари, иммунологик ва бошқа системалар ҳолатига боғлик бўлади. Бунда аёлнинг кўнгли айнийди, қайта-қайта кайт қиласи, сўлаги оқади ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда 50 дан ортиқ назариялар борки, уларда эрта пайдо бўладиган токсикозлар турлича талқин қилинади. Бизда кортико-висцерал назария кенг тарқалган бўлиб, 1950 йил бошида машхур акушерлар С.М.Беккер, А.П.Николаев, А.А.Лебедевлар буни И.П.Павловнинг марказий нерв системаси фаолиятини ўрганиш назариясига асосланган холда талқин киласидар. Бу назария бўйича эрта пайдо бўладиган токсикозларда рефлектор реакция издан чиқади. Рефлекс эса бачадондаги нерв охирларининг ҳомила тухуми таъсирилари натижасида вужудга келадиган импульсларидир. Европа ва Америка Кўшма Штатлари олимлари ХГ гормоннинг (хориогоник гонадотропин) кўп ишланиб чиқиши натижасида жигар фаолияти бузилади, деб хисоблайдилар. 1937 йилда француз олими Бриндоан ва бошқалар эрта гестоз (тўхтовсиз кусиш) ХГ гормони концентрацияси нормаллаша борган сари аёлнинг ахволи яхшиланга боришини кузатганлар.

Этиология: илгари тухум ҳужайра экзотоксикнлар манбаи деб ҳисобланганлиги учун токсикоз деб номланарди, лекин ҳозирча ҳеч ким токсин топмаган.

Патогенез. Эрта токсикоз ривожланиш механизмини тушунтируви назариялар: рефлектор, невроген, гормонал, аллергик, иммунологик, кортико-висцерал.

Замонавий назарияларга кўра: ilk ва кечки токсикозлар аёл организмининг ривожланиб бораётган ҳомиладорликка мослаша олмаётганлиги

туфайли келиб чиқади. Ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи ярмида учрайдиган ҳамма токсикозлар кўпроқ анамнези оғирлашган ҳомиладорларда юзага келади. Уларда аник патологик кўринишлар бўлмасада, ҳомиладорлик кўзғатувчи омил бўлиб ҳисобланади ва ҳомиладорлик асоратларига олиб келади.

1. Нейрогуморал назария: ички аъзолар ва ички секреция безлари фаолияти бузилганлиги натижасида моддалар алмашинувининг нейрогуморал бошкарилиши ҳам издан чиқади, оқибатда кондаги оқсили, микрорэзиментлар, электролитлар, гормон ва медиаторларнинг ўзаро муносабатлари ўзгаради, бу эса конда тўла оксидланмаган моддалар ҳосил бўлиши ва бошқа ички аъзолар қатори жигар фаолиятининг бузилиши эса аёл организмининг заҳарланишига олиб келади.

2. Аллергик назария:

Оқсил субстанциялари сифатида аёл организмига аллергенлар ҳомила ва йўлдошдан ўтади.

3. Буйрак билан борлиқ назария:

Ҳомиладор бачадон буйрак томирларини ззганлиги сабабли, буйрак ишемияси юзага келади ва ренин ишлаб чиқарилиши кучаяди.

4. Кортико-висцерал назария (стресс).

5. Эндокрин назария.

6. Иммунологик назария.

7. Генетик назария.

8. Плацентар назария.

9. Гемодинамик назария.

10. Аёл ва ҳомила ўртасидаги гематологик конфликт назарияси.

11. Интоксикация назарияси.

12. Инфекция назарияси.

(30 дан ортик назария мавжуд).

Ҳомиладорлик илк токсикозлари 50-60% ҳомиладор аёлларда учрайди, лекин улардан 10% даволанишга муҳтоҷ бўлади. Илк ҳомиладорлик токсикозлари 2 турга бўлинади:

Эрта токсикозлар таснифи:

1) Кўп учрайдиган ҳомиладорлик токсикозлари: қусиш, кўнгил айниши, сўлак оқиши.

2) Кам учрайдиган ҳомиладорлик токсикозлари: Ҳомиладорлик дерматозлари, ҳомиладорлик бронхиал астмалари, ҳомиладорлик гепатозлари (ҳомиладорлик ёғли гепатозигача).

Илк токсикозларнинг энг кўп учрайдиган шакли бу – қусиш.

Қусиш клиник ҳолатига, лаборатор кўрсаткичларга ва учрашига кўра З та даражага бўлинади: енгил, ўртача оғир ва оғир даражага.

Ҳомиладорликда қусиш моддалар алмашинуви ва электролитлар баланси бузилган ҳомиладор ва ҳомила ҳолатида дегидратацияга олиб келади. Қусишнинг келиб чиқишида гормонал мухит дисбаланси мухим рол ўйнайди. Бунга эстерогенлар этишмаслиги, ХГ миқдорининг юқорилиги, кортикостероидлар секрециясининг камайиши ва парасимпатик нерв системаси фаоллигининг ортиши сабаб бўлади. Она ва ҳомиланинг

иммунологик мос келмаслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энг кўп ҳомиладорлик қусиши ошқозон - ичак йўлида патологияси бўлган ҳомиладорларда учрайди. Қусиш электролитлар йўқотилишига ва дегидратацияга олиб келади. Сувсизланиш буйрак фаолияти пасайишига сабаб бўлади: коптоткалар фильтрацияси тезлиги камайиши туфайли, суткалик диурез камаяди.

Қон плазмасида калий ва натрий ионлари концентрацияси ортади, ҳужайра ташқарисидаги суюклик камаяди. Очлик ривожланиши натижасида гипопротеинемия юзага келади.

Асосий озука манбаи ёѓлар ҳисобланади, организмда гликогеннинг сарфланиши ёѓлар парчаланишини кучайтиради, бу эса ўз навбатида кетон таначалари тўпланишига, липолиз тезлиги ортишиги, эркин ёғ таначаларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Эркин ёғ кислоталари жигарда кетон таначаларига айланиши натижасида оғир гиперлипидемиядан то жигар ёғли инфильтрациясигача кузатилиши мумкин. Кетоацидознинг ўзи ҳам қусишга сабаб бўлиб, дегидратация ва электролитлар баланси бузилишларини кучайтиради. Қўшимча ҳужайра ичи ва ҳужайрадан ташқаридаги суюкликларнинг камайиши тўқима ва аъзолар гипоксиясига, мочевина концентрацияси ортишига, гематокрит кўрсаткичи ортишига (дегидратация туфайли), эритроцитлар ва гемоглобин микдорларининг мос келмаслигига сабаб бўлади. Гемоглобин ва гематокритнинг юкори микдорлари ҳомиладорлик илк токсикозининг оғир даражада эканлигидан дарак беради. Бу жараёнлар натижасида метаболик ацидоз билан гипокалиемия ривожланади. Ҳомиладорликда қусиш оғирлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги текширувларни ўтказиш керак:

1- қон клиник таҳлиллари: гематокрит ортиши, гемоглобин, эритроцитлар, СОЭ ортиши.

2 - қон биокимиёвий таҳлиллари: умумий оксил ва унинг фракциялари микдори, фибриноген, тромбоцитлар кўрсаткичи, жигар ферментлари ни аниқлаш.

3 - сийдик таҳлили: нисбий зичлигининг ортиши, суткалик диурезнинг ортиши, мочевина, креатинин микдорини, буйракдаги жараён даражасини аниқлаш учун.

4 - бу ҳамма патологик жараёнлар ЭКГ бузилишига олиб келади, бу эса ўз электролитлар баланси бузилиши даражасини кўрсатади, ЭЭГ.

5 - сутка давомида қайт килишлар сонини санаш ва суткалик диурез билан такқослаш.

6 - умумий ҳолатини баҳолаш: шикоятлари, пульси, тери куруклиги ва бошқалар. Қусишнинг енгил даражасини даволамаса ҳам бўлади. Оғир ва ўрта оғир даражаларини даволаш шарт.

Илк токсикозлар клиникаси.

1 - даражада (енгил формаси): нерв системасининг функционал ҳолати ўзгаради. Бунда бош миянинг фаоллиги камайиб, пўстлок ости қаватиники ортади, вегетатив нерв системасининг фаолияти бузилади, аммо моддалар алмашинуви ва бошқа аъзо ва системалар фаолиятида ўзгаришлар кузатилмайди.

Бунда күнгил айниш, кусиши 4-5 марта, тана вазнининг камайиши 5%, пульс 80 та, АҚБ мөйерда, УКТ ва УПТ мөйерда, диурез адекват.

2-даражада (үртача формаси): Токсикознинг бу турида нерв системасида ўзгаришлар кузатилади. Организмда углевод ва ёғалмаши нуви бузилиши натижасида кетоацидо звужудга келади. Ички секреция безлари, жумладан гипофиз, буйрак усти бези, сарик тана фаолияти ва бошқалар бузилади.

Бу турда аёл суткасига 10 марта ва ундан кўп қайт қиласиди. Бунда қайт килиш овқатланишга боғлиқ бўлмайди. Бемор озиб кетади (1 хафтада 3 кг), харорати 37,5°C га кўтарилиши мумкин, томир уриши 90-100 гача кўтарилиди артериал қон босими пасаяди. Организмда сув камайгани туфайли оғиз қурийди, анемия кузатилади. Кетоацидоз (ацетон++) кузатилади, диурез кам. Тўрри даволанса, касаллик тузалиши, акс ҳолда оғир турга ўтиб кетиши мумкин.

3 даражада (оғир формаси): токсикознинг бу тури жуда оғир кечиб, ҳаётий муҳим аъзо ва системаларга путур етади, углеводлар, ёғлар, минерал тузлар алмашиниши бузилади. Аёlda метаболик ацидоз вужудга келади. Бунда аёл суткасига 20—25 марта ва бундан ҳам кўп қайт қиласиди. Бемор озиб, териси қуруқшайди, бўшашади, тилини караш қоплайди. Кусуғидан ацетон ҳиди келиб туради. Танасининг харорати 38-38,5°C гача кўтарилиди. Пульси тезлашиб, минутига 100-120 мартаға етади. Бемор кам сияди, унда ацетон, баъзан оқсил ва цилиндрлар бўлади. Конда азот колидир қўнганди, хлоридлар камаяди, кўпинча билирубин концентрацияси ошади. Организмда суюқлик камайиши туфайли гемоглобин микдори ошади, тери шиллик қаватлари сарғаяди. Агар даво қилинмаса, организмда заҳарланиш ва дистрофик ўзгаришлар авж олиб, кома натижасида касаллик ўлим билан тугаши мумкин.

Токсикознинг оғир турида аёlda физиологик ва патологик ўзгаришлар кузатилади. Физиологик ўзгаришлар пайдо бўлишига сабаб мөйаддаги таъсирловчи ва токсик моддалардир. Ҳомиладорликдаги патологик ўзгаришлар марказий нерв системасининг қўзғалиши, моддалар алмашиниши ва эндокрин безлар фаолияти бузилиши натижасида вужудга келади. Қайт килиш марказий нерв системаси орқали бошқарилиб туради. Узунчок мияда қайт қилиш маркази билан бирга нафас, юрактомури ва сўлак ажратиш ва ҳид билиши маркази ҳам жойлашган. Шу сабабли кусищдан олдин кўнгил айниши кўпаяди, нафас олиш чукурлашади, периферик томирлар спазми (сиқилиши) натижасида bemornинг ранити ўчади. Бу ҳолат қайт килиш марказининг таъсирланиши натижасида вужудга келади.

Даволаш

- ◆ Пархез.
- ◆ Даволовчи-химояловчи режим.
- ◆ Гипносуггестив терапия, марказий электроаналгезия, игна санчиш терапияси, рефлексотерапия.
- ◆ Медикаментоз терапия: М-холинолитиклар (атропин), антигистаминнинг таъсирланиши натижасида вужудга келади.

минлар (пипольфен, дипразин, тавегил), нейролептиклар (галоперидол, дроперидол), дофамин антагонистлари (реглан, церукал). Инфузион моддалар (кристаллоидлар, коллоидлар, глюкоза, альбумин, натрий бикарбонат 4%), метаболизмни кучайтирувчи моддалар (ККБ, рибоксин, витаминалар).

Қайт қилишга бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда даво қилинади. Булар қүйидагилардан иборат:

- Қайт қилиш маркази фаолиятини нормаллаштириш.
- Қайт қилиш марказини таъсирловчи хеморецептор зонасини блокировка қилиш.
- Меъданинг рефлектор кўзгалувчанлигини қисман сусайтириш ҳамда унинг қисқариш фаоллигини ошириш.

Илгарилари қайт қилиш маркази фаолиятини сусайтиришда седатив ва уйқу дорилар ишлатилган. Ҳозирги кунда қайт қилишини тўғридан-тўрги тўхтатиш учун холинолитик, антигистамин ва нейролептик препаратлар буюрилади.

Кусишига қарши ишлатиладиган препаратлар қайт қилиш маркази ва хеморецептор зонанинг нейромедиатор системасига, холинолитик ҳамда атропинга ўхшаш препаратлар (масалан, скополамин) қусиши марказининг холинергик рецепторларига таъсир қиласи, аммо етарли ёрдам бера олмайди, бунда бир қатор кўшимча ҳолатлар: оғиз ва томоқнинг куриши, чанқаш, кўзгалувчанлик, галлюцинация ва бошқалар кузатилади. Қайт қилишга қарши антигистамин препаратлардан: димедрол, пипольфен, дипразин ва бошқалар кўлланилади. Бу препаратларнинг асосий таъсири седатив холинолитик компонентлардир. Гистаминга ўхшаш таъсир этадиган препаратлар кунига 2 марта 1- 2 мл дан кўлланилади.

Нейролептик препаратлардан фенотиазин ва бутирофенон ҳам яхши ёрдам беради, марказий нерв системасининг хеморецептор зонасига қаратилган. Аминазин, этаперазин, металеразин, трифтазин ва бошқалар қайт қилишда яхши таъсир этади. Дроперидол қайт қилишда аминазиндан кўра анча кучлирок таъсир кўрсатади, аммо унинг ножӯя таъсири бўлганлиги туфайли ишлатишда жуда эҳтиёт бўлиши керак. Дроперидол қон босимини пасайтириб юбориши мумкин. Ортостатик коллапс рўй бермаслиги учун препарат юборилгандан кейин камида 2- 3 соат ётиш керак. Дроперидолни кўллагандан сўнг экстрапирамидал бузилиш ҳолатлари — титраш, мушакларнинг тортишиб қолини, психомотор бузилишлар кузатилади. Бундай ҳолат рўй бергудай бўлса, нейролептик препаратлар билан бирга атропиндан 0,5 мл укол қилиш зарур.

Шундай килиб, бу препаратлар таъсирида эрта юз берадиган токсикозга хос бўлган меъда-ичак атонияси ҳам йўқолади, аммо бунда секреция ўзгармайди. Дофаминнинг антагонисти кўп нейролептикларда қайт қилиш марказининг холинореактив ҳолатига таъсир этмайди. Шу сабабли қайт қилишини тўхтатиш учун холинолитик препаратларни улар билан биргаликда буюриш ҳам яхши ёрдам беради. Нейролептиклар ва антигистамин препаратларни бирга буюриш яхши натижада беради. Масалан, церукал ва димедрол ёки дроперидол ва пипольфенларни буюриш ҳам

фойдали. Булар суткасига 1-2 мл дан, антигистамин эса 2 мл дан буюрилади.

Меъданинг рефлектор кўзғалишини нормаллаштириш учун новокаин ичиш буюрилади. Бундан ташқари, адреналин ҳам меъда мускуллари тонасини нормаллаштиради. Бунинг учун 0,1% ли адреналин эритмаси 1-2 ош кошиқдан кунига бир маҳал ичилади. Қайт килишга даво қилишдан мақсад уни тўхтатиш бўлиб колмасдан, балки моддалар алмашинуви ва злектролитлар мувозанатини яхшилашга қаратилган бўлиши зарур. Қайт килиш натижасида айникса гликоген (турғун бўлмаган энергия манбаи) камайиб кетади, кетоз ҳолати вужудга келади.

Токсикоз вактида ёғ кислоталарнинг йигилиши натижасида ацидоз пайдо бўлади. Сийдик билан бирга кўп миқдорда кетон таначалари ажралади, кетонурия ҳолати кузатилади.

Юқорида айтиб ўтилган ўзғаришларни нормага келтириш учун инфузион даволаш усулларидан фойдаланиш лозим. Бу асосан уч йўл билан амалга оширилади: коллоид эритмалар, кристаллоид эритмалар ва овқат рационини тўғри белгилаш.


Кристаллоид эритмалар: глюкоза, ош тузи, калий хлорид, Рингер-Локк эритмаси, натрий бикарбонат, глюкоза билан новокаин аралашмаси ва бошқалардан изборат. Бу препаратлар асосан организм қайт килиш натижасида сувсизланганда буюрилади.

Парентерал овқатлантириш учун глюкоза, аминокислоталарнинг концентранган эритмаси, альбумин, плазмадан фойдаланилади. Инфузион даво беморнинг ахволига караб олиб борилади. Қанча суюқлик юбориш беморнинг сийдик ажратиш қобилиятига қараб белгиланади. Суткалик диурез 1000 мл дан кам бўлмаслиги лозим. Беморнинг гематокрит кўрсаткичи 39% дан кам бўлмаслиги керак. Бемор қайт килганда кўп миқдорда калий тузини йўқотади. Натижада гипокалиемия вужудга келади. Бу ҳолат злектролит алмашинуви мувозанатини ва юрак-томир системаси фолиятини издан чиқаради.


Гипокалиемиянинг клиник белгилари: тахикардия, қўшимча пароксизм, юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, юракнинг тез-тез уриши, «юракнинг титраши», ЭКГ да тахикардия, аритмия, миокардда ишемия белгилари кузатилади.

Гипокалиемияни даволаш учун калий хлорид эритмаси, панангиндан 250-300 мл физиологик эритмага аралаштириб юборилади. «Дисоль» препарати ҳам гипокалиемияни даволашга ёрдам беради, уни 400—800 мл дан касаллик аломатлари йўқолгунча томчилатиб венага юборилади. Эрта токсикозларни даволаш асосан организмдаги барча ўзғаришларни нормаллаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Витамин препаратларидан ҳам тўғри фойдаланиш зарур. Бунинг учун айникса, бош мия ҳужайралари фаолиятини яхшиловчи моддалар зарур, улар кон орқали ҳужайраларга етиб боради. Бунда глюкозанинг аҳамияти катта. Витаминлардан В, С ҳам жуда зарур.


Беморга кокарнит 1 ампула (3 мл) дан 1% 1 мл лидакайн билан бирга м/о га ҳар куни 6-12 кун давомида яхши ёрдам беради. Кокарбоксилаза




1.1.-расм. Амалиёт күниңмазарни ўргатыш учун маҳсус марқази



3.2. – расм. Ичики жинсий аъзоларининг тузилиши




3.5. -расм. Чаноқ туви тузилиши




5.2-Расм. Урұгланиш ва имплантация



5.3.-Расм. Урұгланиш ва имплантация



5.5.-расм. Ҳомиладорликда ХГ ва эстрадиол (чапда), прогестерон (унгда) миқдори үзгариши



5.6-расм. Ҳомиланинг ривожланиши

	НУКСОНЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ХАФТАЛАРИ											
Аъзолар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
мия												
күз												
юрак												
оёқ-куллар												
тиш												
кулоқ												
лаблар												
тантлай												
корин												

5.7-расм. Органогенезнинг калтис давлари



5.8- расм. Етиланг муддатдаги хомиладорлик



8.4.-расм. У ТГ кабинетида



8.6.-расм. Леопольд-Левицкийнинг З усули




10.6.-расм. Хомила пуфаги.



10.34.-расм. Брандт усули.



14.1- расм. Плацентани тузилиши.



14.2.-расм.Хомиланинг қон айланиш системаси.






Рис. 23. Схема кровообращения плодного организма.



14.3.-расм.Чақалоқнинг қон айланиш системаси.

14.5.-расм. Киндикнинг аномалияси



14.6.-расм. Ўралган киндик ҳомила бўйни ва оёгига



14.7.-расм. Ҳомила мумификацияси



14.8-расм. Киндик кўп марта ўралганлиги сабабли ҳомилани ўлими.




14.10.-расм. Ультратовуш текшириш усули



15.1.-расм. Ўта кам тана вазни 500г билан тугилган ҳомила




15.2.-расм. Ривожланмаган ҳомиладорлик.




21.2.-расм. Нормал жойлашган
йулдошины марказдан барякты күчиши



21.3.-Күвөлөр бачадони




21.5.-расм. Плацентаны олдинда ётишининг турлари:
а- қирғози билан; б- марказий; в- ёнбош



22.2-расм. Йўлдошни қўлда ажратиши

22.3-расм .Бачадонни бимануал босиши ва массажи.



28.1.-расм. Эпизиотомияни тикилиши: а-қиннинг шиллик қаватини тикиш; б- мушакларни тиклаш; в- терини тикиш



28.2.-расм. Вакуум-экстрактор



28.4. - расм. Акушерлик қискичлари



А



Б




В



Г



Д



Е

28.7. расм. Кесар кесиши: А- қорин терини кесиши; Б-апоневрозни кирким; В-хомилани бошини күл билан чиқариш; Г-чақлокни чиқариб олиш; Д- плацентаны чиқариш; Е-бачадон деворларини тикиш

Рефортан® N плюс

- ✓ Быстрое восполнение утраченного объема крови
- ✓ 130% объемный эффект относительно введенного объема жидкости
- ✓ Выраженное повышение коллоидно-осмотического давления
- ✓ Стойкий волемический и реологический эффекты
- ✓ Отсутствие прямого высвобождения гистамина
- ✓ Повышение безопасности инфузационной терапии



Выбор профессионала при кровопотере и гиповолемии

Ссылка «ИТТ в акушерстве» Е М Шифман, А д. Тиканадзе, В Я Вартанов, Петрозаводск 2004г.

Состав:

В 500 мл инфузционного раствора содержится: поли(о-2-гидроксиэтил)крахмал 50,0 г.
(степень молярного замещения: 0,45-0,55, средняя молекулярная масса: 200 000)
натрия хлорид 4,5 г. (соответст. 154 ммоль/л Na⁺ и 154 ммоль/л Cl⁻)
вода для инъекций до 500 мл
КОД - 65 мм.рт.ст.

Теоретическая осmolлярность: 309 мосмол/л

Значение pH: 5,0-7,0

Показания:

Профилактика и терапия недостаточного объема плазмы крови (гиповолемия) и шока в связи с операциями, травмами, инфекциями и ожогами. Разжижение крови (гемодилюция) в печеночных целях.

Гемодилюционная терапия при нарушениях макро- или микроциркуляции у пациентов с:

- хроническим нарушением артериального кровообращения
- нарушениями церебрального кровообращения (апоплексия)
- закупоркой сосудов сетчатки (инфаркт глаза)
- нарушениями кровообращения внутреннего уха (резков падение слуха)

Дозировка и способ применения:

Суточная доза и скорость инфузии зависят от размеров кровопотери и показателя гематокрита. Максимальная суточная доза - 2 г гидроксиэтилкрахмала/кг массы тела (что соответствует 20 мл Рефортана® N плюс/кг массы тела). Из-за возможных анафилактических реакций необходимо первые 10-20 мл Рефортана® N плюс вливать медленно, внимательно наблюдая за состоянием пациента. Нужно учитывать риск перегрузки системы кровообращения при слишком быстрым введении и слишком большой дозе.

Противопоказания:

Гиперчувствительность к действующему веществу (аллергия на крахмал), состояния дегидратации, состояния гипергидратации, гиперволемия, гипокалиемия, гиперхлоремия, гипернатриемия, декомпенсированная сердечная деятельность, почечная недостаточность, сопровождающаяся олигурией или анурией (креатинин > 177 мкмоль/л), отек легких, внутричерепные кровоизлияния, тяжелые нарушения свертываемости крови, новорожденные, младенцы, дети раннего возраста, пациенты, находящиеся на лечении методом гемодиализа, беременность, 1-й триместр. В других сроках беременности препарат можно применять только по жизненным показаниям.

Лекарственные взаимодействия:

Вследствие эффекта разжижения инфузии гидроксиэтилкрахмала приводят, в зависимости от дозы, к снижению гематокрита и концентрации белков плазмы. Вследствие эффекта разжижения возможно проходящее увеличение времени свертывания и времени кровотечения. Длительное, ежедневное введение Рефортана® N в диапазоне средних и более высоких доз зачастую вызывает зуд, который почти не поддается лечению. Во время проведения инфузии, как и в случае всех коллоидных плазмозаменителей, возможны реакции непереносимости всех степеней тяжести. Такие анафилактические реакции могут проявиться непосредственно как кожные реакции или в виде таких симптомов, как внезапный приток крови к лицу и шее (внезапное покраснение); они могут приводить к падению кровяного давления, шоку, вплоть до остановки сердца и дыхания. Инфузии гидроксиэтилкрахмала приводят в повышению уровня ф-амилазы в сыворотке.

Форма выпуска:

Инфузионный раствор в полипропиленовых флаконах по 500 мл

Стабизол®

- ✓ Быстрое возмещение ОЦК
- ✓ Длительный волемический эффект
- ✓ Способствование нормализации проницаемости эндотелия и сохранению жидкости в сосудистом русле
- ✓ Лучший профиль безопасности в группе плазмозаменителей

Ссылка «ИТТ в акушерстве» Е.М.Шифман, А.д. Тиканадзе, В.Я.Варташов, Петрозаводск 2004г.



Коллоидный плазмозаменитель с доказанным влиянием на синдром "капиллярной утечки"

Состав:

В 1 литре инфузионного раствора содержится гидрокситилкрахмал (М.м. 450000 М.3.-0,7) 60 г.

Натрия хлорида 9,00г.

Вода инъекционной до 1000 мл.

Осмолярность около 309 мосм/л

Коллоидно-осмотическое давление Ок. 18 мм.рт.ст.

Показания:

Восполнение объема сосудистого русла при гиповолемии; профилактика и лечение гиповолемического шока, наступившего вследствие ожогов, травм, операций; гемодилюция (преимущественно в тех случаях, когда избегают многократного введение препарата в течение короткого времени).

Дозировка и способ применения:

Суточная доза и скорость вливания зависят от размеров кровопотери и значения гематокрита. При замещении объема крови суточная доза составляет, как правило, 250-1000 мл. Лишь в исключительных случаях допускается превышение значения 20 мл/кг массы тела в сутки.

Противопоказания:

Препарат Стабизол® нельзя применять при гиперволемии, состояниях гипергидратации, при тяжелой застойной сердечной недостаточности с олигурией или анурией, тяжелых геморрагических

диатезах, при известной повышенной чувствительности к гидрокситилкрахмалу.

Лекарственные эффекты:

Сообщалось об отдельных случаях анафилактических реакций на гидрокситилкрахмал (частота - в пересчете на количество единиц инфузии - около 0,085%). Такие реакции проявляются, в большинстве случаев, в виде рвоты, легкого повышения температуры, чувства холода, зуда и крапивницы. Наблюдалась увеличение верхней подчелюстной и околоушной слюнной желез, легкие симптомы гриппозного характера, такие как головная боль, мышечные боли и периферические отеки нижних конечностей.

Тяжелые реакции непереносимости, сопровождающиеся шоком и угрожающими жизни симптомами (иногда вплоть до прекращения сердечной деятельности и остановки дыхания) исключительно редки (частота в пересчете на количество единиц инфузии - около 0,006%). Уровень амилазы сыворотки после инфузии препарата Стабизол® заметно возрастает, однако приблизительно через 3-5 дней снова приходит в норму. Диагностические или лечебные мероприятия при этом не требуются.

Форма выпуска: Стеклянные флаконы, по 500,0 мл.

KMA Берлин-Хеми

Калия и магния аспарагинат

- ✓ Снижает тяжелые нарушения сердечного ритма
- ✓ Снижает частоту возникновения аритмий и летальность вследствие инфаркта миокарда
- ✓ Обеспечивает адекватное возмещение дефицита калия и магния различного генеза



Готовый инфузионный раствор для сбалансированного возмещения дефицита Калия и Магния

Состав:

В 1 л. KMA Берлин Хеми содержится:

Калия гидрооксид высокочистый - 3,854 г

Магния окись легкая - 1,116 г

DЛаспартиновая кислота - 15,160 г

Ксилит - 16,700 г

Вода для инъекций - 976,2 г

K⁺ - 58,4 ммоль

Mg²⁺ - 27,7 ммоль

Теоретическая осмолярность - 310 мОsm

Значение pH 6,0 - 7,4

Титруемая кислотность не более 2,0 ммоль до значения pH 7,4

Содержание энергии 110 ккал = 461,4 кДж

Содержание общего азота - 1,59 г

Показания:

- Сердечная недостаточность, хроническая ишемическая болезнь сердца
- Стенокардия, интоксикация гликозидами
- Инфаркт миокарда
- Нарушения сердечного ритма (прежде всего тахикардии и экстрасистолии)
- Явления дефицита калия или магния различного происхождения.

Дозировка и способ применения:

Доза препарата подбирается индивидуально в зависимости от показания к применению. В том случае, если других назначений не имеется в качестве ориентировочных данных служат следующие рекомендации:

- Назначают 1-2 вливания по 250-500 мл раствора в сутки

- Скорость вливания 15-45 капель в минуту в зависимости от индивидуальной переносяимости.

Противопоказания:

- острая и хроническая почечная недостаточность
- гиперкалиемия, гипермагниемия
- недостаточность коры надпочечников
- шок
- атриовентрикулярная блокада
- тяжелая миастения
- дегидратация
- повышенная чувствительность к ксилитолу.

Побочные эффекты:

При соблюдении рекомендованной скорости капельного введения побочных действий не наблюдалось.

При повышенной скорости вливания могут появиться все симптомы гиперкалиемии и гипермагниемии, как, например, мышечная слабость, расстройства со стороны центральной нервной системы, усталость, парезы, кома, выпадение рефлексов, а также кардиоваскулярные симптомы. Внутривенное введение KMA Берлин-Хеми должно проводиться медленно, поскольку в противном случае могут появиться чувство жара в голове и раздражение венозной стенки.

Форма выпуска:

Пластиковые флаконы, по 250 и 500 мл раствора.

Дополнительную информацию Вы можете получить в Представительстве компании

«Берлин-Хеми Менарини» в Узбекистане

Тел.: (+998 71) 252-25-57, факс: (+998 71) 252-77-01, e-mail: bcuzblas@berlin-chemie.de


Производитель: Berlin-Chemie AG (Menarini Group), Германия

Б-250-95 N 30696, 24.03.08

ТРЕМИН® /TREMIN®

ТРАНЕКСАМОВАЯ КИСЛОТА 500мг/5мл

ДО 30 РАЗ МОЩНЕЕ ДЕЙСТВИЯ
АМИНОКАРБОНОВОЙ КИСЛОТЫ




For the Best Global Healthcare Company
KOREA UNITED PHARM. INC.
SEOUL, KOREA

Данная информация предназначена исключительно
для медицинских и фармацевтических работников
Товар сертифицирован
Регистрационное удостоверение № Б-250-95№12308

ЗИФОРТ®

5 АМПУЛ ПО 3 МЛ



*Нейротропный
синергизм
в сочетании
с анальгезией*

состав

ждая ампула содержит:
амина гидрохлорид..... 100.00 мг
тиодоксина гидрохлорид, 100.00 мг
цианокобаламин 5000.00 мкг



NOVELL
HARMACEUTICAL
LABORATORIES
OGOR, INDONESIA

ЗИФОРТ®

**ЭФФЕКТИВНАЯ
КОМБИНАЦИЯ**

**ДЛЯ БЫСТРОГО
ВЫЗДОРОВЛЕНИЯ!**

*Нейротропный
синергизм
в сочетании
с анальгезией*

Состав

Каждая таблетка содержит:

Тиамина гидрохлорид..... 100.00 мг

Пиридоксина гидрохлорид. 200.00 мг

Цианокобаламин 200.00 мкг



РЕПО®

Рекомбинантный человеческий эритропоэтин Раствор для инъекций

2000 МЕ/шприц
4000 МЕ/шприц



Данная информация предназначена исключительно для медицинских и фармацевтических работников.
Товар сертифицирован. Регистрационное удостоверение №: Б-298-85 №50507

Производитель:
Beijing Four Rings Biopharmaceutical Co., Ltd., КНР

100 мг, 0,5% ли липоид кислотадан 4,0 мл, 20% ли кальций пантотенатдан 2,0 мл, 5% ли аскорбин кислотаси 6-8 мл тери остига буюрилади.

Эссенциал препаратдан 7-10 кун 10 мл дан укол қилингандан кейин, беморга иккинчи турдаги комплекс препараттар: пиридоксильфосфат 0,02 дан 3 маҳал, фолат кислотаси 0,001 дан кунига 3 маҳал, метионин 1 таблеткадан 3 маҳал ичишига буюрилади. Допрокин (домперидон) 10 мг 2 таблеткадан кунига 3-4 марта ва кечасига 3-5 кун, кейин 1 табл. дан 3-4 маҳал кунига тайинланади.

Овкат хилларини буюришда организмнинг кетоацидоз ҳолатига аҳамият бериш лозим, бунинг учун овқатда углеводлар, оқсил ҳамда ёғ микдори етарли даражада бўлиши лозим. Эрта пайдо бўладиган токсикозларни даволашда bemorga тайинланадиган ovkat таркиби токсикозни пайдо қилган омилларга қарши қаратилган бўлмоғи зарур. Ovkat жуда иссиқ бўлмаслиги, меъданни кимёвий ва рефлектор жиҳатдан таъсирила- маслиги зарур. Aёл суткасига 6-8 марта оз-оздан илик ҳолдаги овқатни ўринда ётган ҳолда истеъмол килиши керак. Унга қовурилган, маринад- ланган овқатлар, пиёз, саримсок, гармдори, кондитер маҳсулотлар, мой (сариёғдан ташқари) тавсия этилмайди. Беморга қайнатилган, буғда пи- ширилган овқатлар, турли бўтқалар, ширин творог, буғда пиширилган гўшт, картошка пюре бериш мумкин. Асал, илитилган тухум, қотирилган нон берса ҳам бўлади. Минерал сувларни газини чиқарив ичиш лозим. Юкорида айтиб ўтилган овқатлар енгил турдаги токсикозда буюрила- ди. Қайт қилиш камайгандан 7 кун ўтгач аёл аста-секин овқатлар хилини ўзгартириши мумкин. Ўртacha ва оғир турдаги токсикоз билан аёл ста- ционарга ётқизилади. Асосан парентерал йўл билан овқатлантириш, глюкоза, электролитлар, оксил моддалари, интоксикацияяга қарши пре- паратлар, қон ўрнини босадиган препаратлардан буюрилади. Аста-секин суюқлик микдори оширилади. Ovkat bemornining ахволига қараб белгилана-ди. Қайт қилиш тўхтагандан кейин ҳам 10 кунгача шу хилда даволаш- ни давом эттириш керак бўлади. Беморнинг умумий ахволи яхшиланга- ни қайт кильмаётганилиги, вазнининг ортиб боришига қараб аникланди. Даво натижаси касаллик варақасига ёзиб борилади.

Куйидаги ҳолатлар ҳомиладорликни тўхтатишга кўрсатма бўлади:

Умумий ҳолатнинг оғирлиги.

яқин 6-12 соат ичидаги даволаш самара бермаса.

Адинамия, умумий ҳолисзликнинг кучайиши, эйфория.

Тахикардия, 1 минутда 120 гача.

Гипотензия 80 мм см уст.

Тери сарғайиши.

Ўнг қовурга остидаги оғриклар.

Диурезнинг камайиши суткада 300-400 мл.

Гипербилирубинемия 100 мкмоль/л, қолдик азот, мочевина микдори кўпайиши.

Комплекс даво самарадорлиги 1-3 сутка давомида йўқлиги.

Сұлак оқиши. Сұлак оқиши гестознинг оғир турида күпроқ учрайди. Бир кече-кундузда бир литрча сұлак оқиши мүмкін. Сұлакнинг доимий равишда оз-оздан оқиб туриши беморнинг тинкасини куритади, аммо унинг умумий ахволига үнчалик таъсир килмайды. Агар сұлак күп оқса, лаб бичилиши мүмкін, бунда беморнинг иштахаси пасаяди, умумий ахвони оғирлашади, озіб кетади, уйкуси бузилади.

Патогенез: эстрогенлар оғиз бүшлигининг эпителийсига актив таъсир килади, сұлак ажралишини кучайтиради, иштаха камаяди, умумий холизизланыш, лабда ва лаб бурчаклари терисида мацерация ҳолатлари кузатылади ва сувсизланиш белгилари пайдо бўлади.

Сұлак оқишига кусишибдаги каби даво қилинади. Аёлга шароит яратиб бериш, психотерапия, физиотерапия усууларидан фойдаланиш лозим. Даво стационар шароитида олиб борилади. Бу ерда беморга тинчлантирувчи, асаб системасини тартибга солувчи дорилар (ссдатив), витаминлар, глюкоза ва бошқалар буюрилади. Оғизни мармарак, мойчечак, ментол эритмаси билан чайиш ҳам ёрдам бериши мүмкін. Агар сұлак күп оқса, атропиндан 0,0005 граммдан кунига 2 марта бериш мүмкін. Лаб, лунж соҳалари бичилганда вазелин, Лассар пастаси суртиш лозим. Одатда муолажалардан сўнг сұлак оқиши камайиб, аёлда ҳомиладорлик нормал давом этади.

Ҳомиладорликда кам учрайдиган токсикозлар

Тетания (tetania gravidarum). Бўқок бези фаолияти бузилиши натижасида кальций алмашинуви издан чиқади ва аёлда тетанияга мойиллик туғилади. Баъзи олимларнинг айтишича, бўқок бези фаолиятининг илгариғи етишмовчилиги ҳомиладорликда якъол намоён бўлади.

Касалликда қўл мускуллари («акушер қўли»), оёқ («балерина оёғи»), баъзан юз, тана, ҳикилдок мускулларининг тиришиши кузатилади. Ҳомиладорлик тугаши билан бу ҳолатлар йўқолади. Даволашда кальций препаратлари, паратиреоидин, витамин D₂ ишлатилади.

Токсикоз оғир кечганда ҳомиладорликни муддатидан илгари тўхтатиши лозим бўлади.

Дерматозлар. Ҳомиладорликдаги дерматозлар тери касалликлари хисобланаб, асосан ҳомиладорлик даврида пайдо бўлади, ҳомиладорлик тугагандан кейин ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Дерматозлар одатда қишиш билан кечади, баъзан экзема, эшакем, эритема, учук кабилар тошади. Дерматознинг күпроқ учрайдиган тури (*pruritus gravidarum*) ҳомиладорликнинг биринчи ойларида ёки охирида пайдо бўлиши мүмкін. Одатда у жинсий аъзолар соҳасига ёки бутун танага тарқалади. Дерматозга диагноз кўйиш үнчалик мураккаб эмас. Аммо албатта қон касалликлари, гижжа, овқат моддалари ва дорига аллергия бўлган ҳолларда эҳтиёт бўлиб даволаш лозим. Даво асосан асаб системасини тинчлантиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, организмнинг каршилик кўрсатиш кучини яхшилаш, бунинг учун дипразин (пипольфен), димедрол, кальций хлор, витаминлар ва ультрабионафиша нурлар яхши ёрдам беради.

Экзема (eczema gravidarum). Бу ҳам ҳомиладорликда учраб туради ва из қолдирмай тузалиб кетади, аммо кейинги ҳомиладорликда яна қайта-

лаши мумкин. Экземанинг кўкрак бези, қорин, сон, қўл териларида бўлиши кузатилади. Даво чоралари асосан, дерматологлар билан биргаликда олиб борилади. Кўпинча натрий бром, кофеин, кальций хлорид ва бошка десенсибилловчи моддалардан фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин.

Хомиладорликдаги кам учрайдиган токсикозларга учук кўринишнида ги (*herpes simplex, herpes zoster*) касалликлар кириб, камдан-кам ҳолларда импетиго (*impetigo herpetiformis*) ҳодисаси кузатилиши мумкин.

Баъзан ҳомиладорларда тез ўтиб кетадиган эшакем, эритема кузатилади.

Ҳомиладорликда учрайдиган жигарнинг ўткир сарик дистрофияси. Бу касаллик жуда кам учраб, аёлнинг ҳаёти учун жуда катта хавф туддирали. Бундай патологиянинг келиб чиқиши ҳали аниқ эмас. Бунда касаллик тобора авж олиб, жигар фаолияти сусая боради. Бундан ташқари, кон томирларда қон тикилиб колади, геморрагик белгилар кузатилади, олигурия (хатто анурия), шиши пайдо бўлади, оқсил камайиб кетади. Бемор қайт килади, тиришади, баъзан кома рўй бериб, касаллик ўлим билан туғаши мумкин.

Даволаши. Дарҳол ҳомиладорликни тўхтатиш, интоксикацияга қарши препаратлар: глюкоза, оқсили ва липотроп препаратлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Остеомаляция. Камдан-кам учрайдиган касаллик бўлиб, фосфор ва кальций алмашинуви бузилишидан пайдо бўлади. Бунда суякларда кальций ва фосфор деярли камайиб кетади. Натижада скелет суяклари юмшаб (чанок, умуртка, оёқ ва қўллар) деформацияланиши кузатилади. Касалликнинг келиб чиқиши ҳали тўла ўрганилмаган.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, остеомаляция ҳодисаси ички секреция безлари фаолияти бузилганда,avitaminоз ва бошқаларда кўп учрайди. Бунда касалликка диагноз қўйилиши билан дарҳол ҳомиладорликни тўхтатишни керак бўлади. Касалликнинг енгил тури ҳомиладорликда кузатиладиган симфизопатия (симфизит) деб юритилади. Симфизопатияда оёқ ва чанок суякларидаги оғрик аёлнинг юришини ўзгартиради, у тез чарчайди, ков соҳасидаги суякларнинг бир-биридан ажралгани кузатилади. Пайпаслаганда оғрийди.

Даволаши. Витамин Е 15—20 томчидан кунига 3 маҳал ичилади, прогестерон (5-10 мг дан) мускул орасига юборилади, симоб-кварц лампаси билан нурлантирилади. Бундай даволаши усууларидан фойдаланилганда касаллик аста-секин яхшилана боради.

Масалалар.

1. 24 ёшли Д. исмли ҳомиладор аёл бўлимга куйидаги шикоятлар: кўнгил айнин, қусиши 3-5 марта суткада, овқат егандан сўнг, иштаҳанинг пасайиши, таъсирчанлик билан келди. Охирги ҳафта ичидаги тана вазнини 1 кг йўқотган. Ҳомиладорлик муддати 6-7 ҳафта. Умумий аҳволи қоникарли. Ҳарорати нормал. Тери ва шиллик кавати одатдаги рангда ва намли-

кда. Пульси минутига 90 та. ҚБ 120/70 мм.сим.уст. қон таҳлили ва сийдик таҳлили патологик ўзгаришларсиз.

I. Диагноз

А. Ҳомиладорлар күнгил айниши ва қусиши синдроми*

Б. Ўткир ичак заҳарланиши

В. Ҳомиладорлар эклампсияси

Г. Сурункали гастрит

Д. Сурункали колит.

II. Дифференциал диагноз.

А. Камконлик*

Б. Гастрит*

В. Панкреатит.

Г. Ўт-тош касаллиги.

Д. Ревматизм.

2. Тез тиббий ёрдам машинасида 21 ёшли Т. исмли ҳомиладор аёлни келтиришди. Ҳомиладорлик 7-8 хафта. Шикояти: күнгил айниш, қусиши суткасига 15-16 мартадан кўп, овқат турмайди. Ҳолсизлик, апатия. 10 кун ичида 3,5 кг вазн йўқотган. Ҳолати ўртача оғир, оғрин, оғзидан ацетон хиди келади. Ҳарорати субфебрил, тери сариқ, қурук. Пульс 110 та минутига, кучсиз тўликликда ва кучланишда. ҚБ 90/60 мм.сим.уст., юрак тонлари бўйик. Тили оқ караш билан копланган, қурук. Корин юмшок, оғриксиз. Диурез 400 мл суткагача камайган. Конда қолдиқ азот, мочевина, билирубин миқдори ошган, альбумин, калий, хлорид, холестерин миқдори камайган. Сийдик таҳлилида протеин- ва цилиндрuria, ацетонга реакцияси мусбат.

I. Таҳхис?

А. Ҳомиладорларнинг ҳаддан ташқари кўп қусиши*

Б. Колит

В. Қандли диабет

Г. СБЕ

Д. Гепатит.

II. Даволаш тактикаси

А. Ҳомиладорликни тезроқ тўхтатиш*

Б. Гемодиализ

В. Умумқувватлантирувчи дезинтоксикацион терапияси

Г. Буйраклар биопсияси

Д. Ҳомиладорликни 20 хафтагача пролонгация қилиш

3. 21 ёшли ҳомиладор аёл, муддати 7-8 хафта. Шикоятлари бутун та-насидаги қичишиш, уйкусизлик, таъсирчанлик. Лаборатор таҳлиллар ўз-гаришларсиз.

I. Диагноз .

А. Дерматит

Б. Аллергик реакция

В. Механик сариқлик

Г. Қичима

- Д. Ҳомиладорлар дерматози.*
- II. Құшимча диагностика усуллари
- А. УТТ*
- Б. Рентгенография
- В. РЭГ
- Г. ЭКГ
- Д. Лапароскопия.

3. 22 ёшли ҳомиладор аёл, муддати 10 ҳаftалик. Диагноз -эрта токсикоз, қусиши күнгил айниш синдроми. Қусиши 12-15 марта суткасига, тез озиш.

- I. Шифокорнинг тактикаси
- А. Ҳомиладорликнинг тұхтатилиши
- Б. Комплекс терапия ўтказиш*
- В. Физиотерапия
- Г. ЛФК
- Д. Тестометрия.

II. Ҳомиладорликни тұхтатишга күрсатма

- А. Қусиши 1-5 марта суткасига
- Б. Қусиши 11-15 марта суткасига
- В. Тана вазии пасайиши
- Г. Организмнинг ўсіб боруучи сувсизланиши*
- Д. Гипертензия

4. 23 ёшли аёл поликлиникага сұлак ажралиш шикояти билан мурожаат этди.

Охирги ҳайзи 5 ҳаftа олдин.

I. Диагноз.

- А. Птиализм*
- Б. Стоматит
- В. Құтуриш
- Г. Кимёвий воситалардан захарланиши
- Д. Тонзиллит.

II. Құшимча диагностика усуллари

- А. ХГ тахлили*
- Б. Бөш рентгенографияси
- В. ЭКГ
- Г. ОИТ рентгенографияси
- Д. Бачадон УТТ.*

5. 27 ёшли ҳомиладор аёл оғир интоксикация белгилари билан келди: тахикардия 110-120 та минутига, КБ 80/40 мм.сим.уст., тери ва шиллик қаватлари куруқ, тил караш билан қолланган. Анамнездан: охирги ҳайзи 6 ҳаftа олдин, тұхтатиб бўлмайдиган қусиши, тез озиш. Диагноз- ҳомиладорларнинг хаддан ташқари кўп қусиши.

I. Қон тахлили:

- А. Гипо-, диспротеинемия*
- Б. Креатининемия*
- В. Ўзаришлар йўқ
- Г. Лейкоцитоз
- Д. Ретикулоцитоз

II. Дифференциал диагноз:

- А. Овқатдан токсикоинфекция*
 - Б. Пиелонефрит
 - В. Миокард инфаркти
 - Г. Гипотоник касаллик
 - Д. Холецистит.
6. 20 ёшли ҳомиладор аёл, муддати 7-8 ҳафталик, қўлларда мушаклар тортишуви пайдо бўлди.

I. Диагноз.

- А. Миозит
 - Б. Остеопороз
 - В. Неврит
 - Г. МНС шикасти
 - Д. Ҳомиладорлар тетанияси *
- II. Даволаш усули
- А. Паратиреоидин, кальций*
 - Б. Ҳомиладорликни тўхтатиш
 - В. Физиотерапия
 - Г. Химиотерапия
 - Д. Витамин Д*

7. Муддати 6-7 ҳафталик ҳомиладорда: қусиши суткасига 7-8 марта, тана вазнини 3 кг йўқотиш 2 ҳафта ичida, томир уриши 90 та мин. ҚБ 110/70 мм.сим. уст., даврий ацетонурия аниқланди.

I. Диагноз

- А. Панкреатит
- Б. Ҳомиладорлар қусишининг ўртача оғирлик даражаси*
- В. Ошқозон раки
- Г. Сурункали гастрит
- Д. Ҳомиладорлар қусишининг енгил даражаси.

II. Физиотерапия усуллари

- А. Амплипульстерапия
- Б. Электрофорез
- В. Диадинамик ток
- Г. Магнитотерапия
- Д. Электроуику, рефлексотерапия*

8. Аёл қуйидаги шикоятлар билан мурожаат қилди: кўнгил айниши, суткасига 5-6 марта қусиши, бош айланиши, диурез 700-800 мл суткасига,

УТТ да ҳомиладорлик муддати 7-8 ҳафта.

I. Сизнинг диагнозингиз?

- A. Гастрит
- B. Эрта токсикоз*
- C. Эклампсия
- D. Презклампсия
- E. Гепатит.

II. Тактикангиз

A. Комплекс даволаш учун госпитализация қилиш*

- B. Химиотерапия
- C. Бачадон ампутацияси
- D. Симптоматик терапия
- E. Ҳомиладорликни тұхтатиши.

9. 27 ёшли ҳомиладор аёл күйидагиларга шикоят қилди: умумий холисзлик, тез қарчаң, парестезия, оёклардаги, chanoқ сұякларидаги, мұшаклардаги оғриқ, юришнің үзгартылғанлығы, көв бирлашмаси пальпация қилинганда оғриқ сезади.

I. Сизнинг диагнозингиз?

- A. Невралгия
- B. Артрит
- C. Ҳомиладорлар остеомаляцияси*
- D. МНС фоалиятининг бузилиши
- E. Ревматизм.

II. Диагнозны анықлаш учун күшімчалық усулдар

- A. ЭГДФС
- B. ЭКГ
- C. РЭГ
- D. Чаноқ сұяклари рентгенографияси *
- E. ЯМР.

10. 25 ёшли ҳомиладор аёл (муддати 7-8 ҳафта) қабулық келтирилди. Шикояти: қичишиш, таъсирчанлық, үйқусизлик. Күрикда: қорин териси, құл, оёкларда тирналған излар, майда жуфт кизгиш түсдеги папулалар бор.

I. Сизнинг диагнозингиз

- A. Қичима*
- B. Ҳомиладорлар дерматози
- C. Аллергик реакция
- D. Трихомониаз
- E. Экзема

II. Күшімчалық текшириш усулдары

- A. УЗИ
- B. ЭКГ
- C. ЭГДФС
- D. Теридан суртма олиш*

Ўргатувчи тестлар:

1. Ҳомиладорлик илк токсикозларининг қандай турларини биласиз?
Ҳомиладорлар қусиши.
Сўлак окиши.
2. Сўлак окиши нима билан даволанади
Атропин 0,005 грамм.
Мойчечак дамламаси.
Маврак дамламаси.
3. Ҳомиладорлар қусишини даволашда қандай даволаш воситалари
кулланилади
Тинчлантирувчи.
Десенсибилловчи.
Инфузион терапия.
Игна билан даволаш.
4. Эрта токсикозларга қандай 5 та белги хос?
Қусиш.
Сўлак окиши.
Вазннинг камайиши.
Терининг куруқлиги.
Организмнинг сувсираши.
5. Ҳомиладорлар қайт қилишининг енгил даражасига қандай белгилар
хос?
Суткасига 4-5 марташибагача қайт қилиш.
Доимий кўнгил айниши.
Тана вазнининг 5% гача камайиши.
Беморнинг умумий ҳолати қоникарли.
Апатия ва мәҳнат қилиш кобилиятининг пасайиши кузатилиши мум-
кин.
6. Ўртacha даражадаги қайт қилишнинг симптомлари:
Суткасига 10 ва ундан кўп марта қусиш.
Тана вазнининг сув сақланиши ва 3-5 кг гача камайиши (6% охирги
вазнидан).
7. Оғир даражадаги қайт қилишнинг клиникаси:
Суткасига 20 марташибагача қайт қилиш, сўлак окиши билан биргалиқда.
Умумий ҳолатнинг оғирлашиши, адинамия, бош оғриши, бош айла-
ниши.
Тана оғирлигининг охирги вазнидан 10% кўпроққа камайиши.
Тана ҳароратининг 38 градусгача кўтарилиши, тахикардия, гипото-
ния.
8. Ҳомиладорликда қайт қилишнинг оғир турида лаборатор текшири-
шларнинг кўрсаткичлари.
Азот қолдиқлари, мочевина, қондаги билирубиннинг ошиши.
Гематокритнинг ошиши, лейкоцитоз.
Албуминлар, холестерин, калий, хлоридлар миқдорининг қонда кама-

йиши.

Протеинурия, цилиндрология, сийдикда уробилин, ўт пигментлари, эритроцитлар, лейкоцитларнинг пайдо бўлиши.

Ацетонга реакциянинг мусбатлиги.

9. Ҳомиладорлар токсикозининг кам учровчи шакллари:

Ҳомиладорлар дерматози.

Тетания.

Бронхиал астма.

Гепатоз (ҳомиладорлар сариклиги).

Ҳомиладорлар остеомаляцияси.

10. Узлуксиз қайт килишда ҳомиладорликни тўхтатишга асосий кўрсатмалар:

Узлуксиз қусиши.

Турғун субфебрилитет.

Яккол тахикардия.

Тана вазнининг фаоллик билан камайиши.

Сариклик.

Протеинурия, цилиндрология, ацетонурия.

11. Ҳомиладорларда қайт қилишни даволашнинг 3 та тамойили:

МНС функциясини мувозанатловчи дорилар буюриш (бром, валериана, триоксазин, дроперидол, аминазин).

Метаболизмни мувозанатловчи дорилар.

ХХ БОБ ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДАГИ ГИПЕРТЕНЗИВ ХОЛАТЛАРИ

Максад:

УАШ ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати сиптомларини аниқлаш, асоратларининг олдини олиш тадбирларини ўтказиш, зरта диагноз қўйишга ўргатиш. Касалхонага ётқизишгача бўлган даврда тез ёрдам кўрсата билиш.

Режа.

1. Презклампсия билан ҳомиладорликни олиб бориш кўнікмаларини ишлаб чиқиш.

2. Ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатининг асоратларини аниқлаш, касалликнинг оғирлик даражасини белгилаш бўйича билимларни ишлаб чиқиш.

3. ЭГК нинг асоратланган шакли билан ҳомиладор аёлни ўз вактида шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалар, амбулатор даволаш асослари ва даволаш бўйича билим ва кўнікмаларни ишлаб чиқиш.

4. Эклампсияда ва эвакуация боскичларида шошилинч ёрдам кўрсатиш тадбирлари бўйича билимларни шакллантириш.

5. Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолати бўлган аёлларда асоратларнинг олдини олиш ва чилла даврида согломлаштириш бўйича кўнікмаларни ишлаб чиқиш.

Жаҳон Соғликни Саклаш Ташкилоти маълумотларига кўра ҳомила-

дорлик давридаги гипертензив ҳолатлар учраши 7% дан 16% гача ўзгариб турибди ва унинг кўп учраши айникса ривожланастган давлатларда кузатилмоқда. Оналар ўлимининг сабаби сифатида ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатлари Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигида 24% ни ташкил этади, масалан Россияда – 26,3%, Ўзбекистонда – 15,4% га етиб, учинчи ўринни эгаллаб турибди. Маълумки, узок вакт давомида оналар ўзими сабаблари орасида акушерлик кон кетишлиари эгаллар эди ва 12,5-18,2% ни ташкил қилган, лекин оналар ўлимининг кон кетиш сабаби таҳлил килинганда ўлган аёлларнинг умумий сонидан ярми (46,7%) ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати билан боғлик бўлганилиги аникланди. Ўзбекистон бўйича ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатларда оналар ўзими биринчи туфувчилар орасида - 27,5%, Россия Федерациясида – 54,8%; кайта туфувчилар орасида ушбу кўрсаткич 17,1% ва 38,7% ни ташкил этди, тез-тез ва кўп тукканлар орасида эса – 33,2%. Перинатал ўзим ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатларида 5,3% (18-30%), касалланиш эса 30% (640-780%), ҳомила ривожланишининг орқада колиши – 40% ни ташкил этади. Сўнгги йилларда дунёда ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатлари кўпайиб бораётгани, жараённинг, тезлашиши ва асоратларининг тез ривожланиши билан кечиши қайд этилмоқда. Хозирги даврда касаллик аникланишининг сифати яхшиланди, шу билан бирга ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар ҳаф гурухининг кўпайишига сабаб бўлди.

Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар кўпинча экстрагенитал патологияли аёллarda ривожланади (64%). Экстрагенитал касалликлар фонида биргаликда кечадиган ҳомиладорлик даврида гипертензив ҳолатлар учрашининг кўпайишига мойиллиги аникланмоқда, бу эса маълум даражада оқибатлари оғирлашишига олиб келмоқда.

20.1. ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ГИПЕРТЕНЗИВ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ

Ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати бу мустакил касаллик эмас, балки она организмининг мослашиш имконияти билан ривожланастган ҳомила эҳтиёжларини қондириш орасидаги номутаносиблик синдроми хисбланади. Ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати – янги бачадон-плацента - ҳомила кон айланиши шаклланиши билан боғлик ҳомиладорликдан келиб чиқсан асорат, гемостаз тизимидағи томиртромбоцитлар ҳалқасининг бузилиши, гиперагрегация ва патологик гиперкоагуляция жараёнларининг кучайишидир. Ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати кон томирлар торайиши ва ҳаётй зарур аъзолардаги перфузияси билан ифодаланди. Бунда пайдо бўлган патологик симптомкомплекс ҳаётй зарур аъзолар фаолияти бузилишига (марказий нерв системаси, буйрак, жигар, фетоплацентар комплекс) ва полиорган этишмовчиликка олиб келади.

Этиологияси ва патогенези. Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатларининг энг мураккаб жиҳатлари. Акушерликдаги ҳеч бир муаммо ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар каби бунчалик синчковлик ва талабчанлик билан, энг янги клиник-лаборатор ва экспериментал

текшириш усулларининг кўлланилиши билан ўрганилмаган ва ўрганилиши давом этмоқда. Сўнгги 8-10 йиллик давомида ҳомиладорлик даврида гипертензив ҳолатлар келиб чиқиши тўғрисидаги тахминий назариялар 30 дан ошиб кетди, лекин ҳеч бири ушбу кўп симптомли касалликнинг кўп белгиларини тушунтира олмайди.

1916 йилда Цвайфель эклампсияни назариялар хасталиги деб атаган. Ўрганилиш жараёнида турли назариялар таклиф қилинган эди: инфекцион, интоксикацион, кортико-висцерал, эндокрин, иммунологик ва генетик.

Уларнинг хар бири алохида ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолат келиб чиқишини ўзгача талқин киласади.

Дастлабки вактда тан олинган назариялардан плацентар назарияси хисобланади, унда ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати ҳомиладорларга хос плацентация жараёнидаги иммунологик ва генетик ўзгаришлар акс эттирилган.

Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар ривожланишида плацентага асосий рол ажратилади, чунки йўлдош ажралгандан сўнг касаллик симптомлари йўқолади. Плацентар назарияси тарафдорлари ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатларининг ривожланишидаги туртки хисобланадиган плацентадан келиб чиқсан гуморал омилларга муҳим аҳамият беришади. Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолати ривожланган бемор аёлларда, балки гестациянинг илк босқичларида иммунологик ва генетик хусусиятларга кўра бачадон қон томирларига трофобластнинг миграцияси тормозланиши юз беради, бу эса нормал кечётган ҳомиладорликка хос. Бунда бачадоннинг қийшайган қон томирлари ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг морфологик тузилишини сақлаб қолади; уларда мушак қавати трансформацияси содир бўлмайди. Бачадонни спиралсимон қон томирларининг кўрсатилган морфологик хусусияти ҳомиладорлик авж олган сари уларнинг қисилишига, ворсинкалараро қон айланипни пасайтишга ва гипоксияга мойиллик яратади. Бачадон-плацентар комплексида ривожланаётган гипоксия, қон томирлар эндотелий-сининг жароҳатланишига олиб келади, уларнинг вазоактив хусусиятлари бузилиб, қон томирлар тонуси ва микроциркуляциянинг бошқарилишида асосий рол ўйнайдиган қатор медиаторлар ажрала бошлади.

Хозирги вактда кўпчилик тадқикотчилар қуйидаги хуносага келдилар: ҳомиладорлик даврида гипертензив ҳолатлар ривожланишида бир механизм йўқ, аммо, этиологик омилларнинг бирига таъсир кўрсатиши кузатилади: нейроген, гормонал, иммунологик, генетик, плацентар.

Этиологиясига кўра ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар патогенези кўпроқ аниқланган, унинг негизида тарқалган қон томирлар спазми ётади, бу эса тўқималардаги ишемик ва гипоксик ўзарашларга ва уларнинг функцияси бузилишига олиб келади. Гипертензия қон томирлар қисилишининг акси хисобланади.

Сўнгги пайтларда тадқикотчилар эътиборини ҳомиладорлик даврида гипертензив ҳолатлар патогенезидаги простаноидлар роли ўзига жалб этмоқда. Простаноидлар – липид табиатли гуморал биобошқарувчилар

бўлиб, ҳомиладорлик вақтида плацента ва ҳомила томонидан ишлаб чиқарилади, улар артериал босимни турли қон томирлар ҳавзаларида бошқаришади (биринчи навбатда миометрал-плацентар-ҳомила тизимидағи қон йўналишида), микроциркуляция жараёнинг таъсир этишади. Турли йўналишда таъсир кўрсатиб, простаноидлар нозик тенглаштирилган механизмни, ҳомиладорлик даврида кўшимча (бачадон-плацента-ҳомила) қон айланиси пайдо бўлиши билан қон-томирлар-тромбоцитлар тизимидағи динамик мувозанатни таъминлайди. Ушбу механизмлар айланадиган қон ҳажми, айланадиган плазма ҳажми кўпайишини таъминлайди, умумий периферик қаршилигини пасайтиради, буйракдаги қон айланиси ва буйрак коптоқчалар фильтрациясини кучайтиради, юрак юкламаси ва ўпкаларнинг ҳаётий ҳажмини кучайтиради, она ва ривожланадиган ҳомиланинг ўзаро мослашиш жараёнларини кучайтиради. Булар ва бошқа мослашиш механизмлари энг муҳим вазифани таъминлайди – ҳомиладорлик (ҳомила) ривожланиши учун оптималь шароитни саклаш.

Простаноидлар оз микдорда ишлаб чиқарилиб, улар синтезланган ҳужайра ва тўқимага таъсир кўрсатади. Лекин уларнинг биологик тенглиги бузилиб микроциркуляция тизимида тушиб қолишса, улар организмга таркок таъсир ҳам кўрсатишлари мумкин.

Простаноидлар бош миянинг қон томирларни ҳаракатга келтирувчи марказга таъсир килиб, вегетатив мувозанатни бузади, рефлексоген синокаротид соҳасини таъсирлаб, сув-электролитли гомеостазни издан чиқаради; биологик фаол моддалар (серотонин, гистамин, ангиотензин II), синергизми ёки антагонизмини шартлайди, цереброваскуляр тизимини ва ҳужайра иммунитетини назорат қилади, ва ниҳоят, нейропептидлар (мия гормонлари) синтезини таъминлайди.

Сўнгги йилларда кўпчилик тадқиқотчилар ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатлари келиб чиқишида она-плацента-ҳомила тизимидағи иммунобиологик муносабатлар бузилиши катта рол ўйнаши тўғрисида фикр юритмоқдалар. Ушбу нуқтаи назардан табиий киллер-ҳужайраларнинг интерферон ишлаб чиқарувчи хусусияти пасайиб, уларнинг эритиш фаолияти камайиши билан патологик импульслар ҳосил бўлиб, иммунологик жараён юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолат ривожланиши жараёнида ҳужайралар мембраннынинг фаолияти бузилиши кузатилади, бу мембрани оқсилларнинг (транспортли, ферментли, гормонли рецепторлар, антитана ва иммунитет билан боғлик оқсиллар) таъсир механизми ўзгаришида ёки нотўғри бўлиши ҳисобланади, бу ўз навбатида ҳужайралри тузилмалар фаолияти ўзгаришига олиб келади.

Мембраннынинг липид биоқаватининг тўсикловчи функцияси бузилиши ионлар каналларининг фаолияти бузилиши билан биргаликда кечади, биринчи навбатда Ca^{2+} , ва шунингдек, Na^+ , K^+ , Mg^{2+} . Ca^{2+} ҳужайра ичига мўл кириши унда ўрнига келмайдиган ўзгаришларга, бир томондан, энергетик очлик ва нобуд бўлишига, иккинчи томондан эса, кўшимча мушак контрактурасига ва қон томирлар кисилишига олиб келади. Эклампсия кўндаланг чизилган мушаклар контрактураси бўлган-

лиги учун, эхтимол мембраналар ўтказувчанлиги бузилишига ва Ca^{2+} -ионларнинг ҳужайра ичига мўл кириб боришига боғлиқдир. A. Condradt (1984, 1985) талвасага тайёргарлик ривожланишида ва эклампсия хуружларида магний етишмовчилиги асосий аҳамиятга эзалигини айтиб ўтган: Mg^{2+} гомеостазининг барча жараёнларида иштирок этади – углеводли, оқсили алмашинувларини бошқаришда, ферментлар фаоллапинида, калий ва натрий транспортида, гемостаз бошқарувида (тромбоцитлар агглютинациясини босиб туради, фибринли лахтани махкамлайди, фибринолизни фаоллаштиради). Ca^{2+} ва Mg^{2+} антагонизм кучига биноан охиргиси концентрациясининг пасайиши ҳужайралар ичидага Ca^{2+} ошишига, микроциркуляциянинг бузилишига, гиперкоагуляцияга ва қон томирлар ичидаги микролахталар чўкишига ёрдам беради.

Кальций танқислиги ҳам вакуляр ангиотензинлар активлигини кучайтиради ва презкламсия ривожланишига турткি бўлади. Презкламсия ривожланиши мумкин бўлган юқори хавф гурухига кирувчи аёлларга кальций тутувчи махсулотларни кўпроқ бериш тавсия килинади.

Тахмин килинишича, эркин радикаллар токсик ҳисобланади ва қон томир деворига ноҳуо таъсир килади. Ёѓлар метаболизмининг бузилиши, айниқса, тўйинмаган ёғ кислоталарни простоциклин тромбоксанларнинг синтезига халақит беради, бунинг натижасида ангиотензинга сезувчанликни оширади ва тромбоцитлар тўпланишига олиб келади. Витамин E, C, бета-каротинларнинг оз микдорда бўлиши – презкламсия ривожланишига олиб келади.

Рух микдорининг плазмада камайиши ҳам презкламсияга сабаб бўлиши мумкин.

Кўрсатилган гемодинамик ва метаболик ўзгаришлар комплекси плацентадаги ва ҳаётий аъзолардаги дистрофик жараёнлар ривожланиши учун фон бўлиб ҳизмат қилади ва уларнинг дисфункциясига сабаб бўлади. Ҳомиладорлик даврида гипертензив ҳолат кечиши давомийлиги чўзилган сари плацентадаги инволюцион, гиперпластик, дистрофик ва некротик хусусиятга эга оғир ўзгаришлар янада чукурлашиб, сурункали плацентар етишмовчилиги шаклланиши билан ифодаланади. Плацента функциялари (нафас олиш, озиқли, ажратиб чиқариш, химоя, гормонал) пасаяди, бу гипоксияга, ҳомиланинг она қорнида ривожланиши орқада қолишига, сувланиши патологиясига (кўпсувлик, камсувлук) олиб келади, ҳомиланинг она қорнида инфекцияланиши хавфи ортиб боришига, хориал гонадотропин ишлаб чиқилиши бузилишига, эстриол, плацентар лактоген ва бошқа гормонлар концентрацияси ўзгаришига, улар оркасидан она-плацента-ҳомила тизимидағи турли бузилишлар изма-из келади. Плацентанинг бачадон деворининг базал мембранаси билан борликлиги сустлашади, ҳомилани “тарк этиш” аник хавфи пайдо бўлади. Бунда ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатига хос асорат юзага келади – плацентанинг барвакт кўчиши.

Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолат ҳар доим буйраклар фаолиятининг оғир бузилиши билан биргаликда кечади, улар бошқа аъзолардан кўра эртароқ ва кўпроқ жароҳатланади. Буйракдаги асосий ўз-

гаришлар микроциркуляция даражасидаги буйрак гемодинамикасининг бузилиши, буйрак паренхимасида қон перфузияси пасайиши, буйрак коптокчаларидаги фильтрация тезлиги пасайиши, коптокчалар фильтри ўтказувчанлиги оқсиллар учун ошиши, концентрацион ва сув чикариш фаолияти бузилиши билан ифодаланади. Микротромбоз соҳалари найчаларда ва коптокчаларда ишемик, шишли ва дистрофик ўзгаришлар билан биргаликда кечади.

Найчалар ўтказувчанлигининг ошиши оқсилнинг сийдик билан йўқолишига олиб келади. Оғир ҳолатларда ҳомиладор аёлда суткалик сийдикдаги оқсил ҳажми 4 г ва ундан ортиқ йўқолиши кузатилади. Буйраклар артериал қон босимининг бошқарувида асосий рол ўйнаши сабабли, буйракдаги патологик жараёнлар гипертензия ривожланишига ва узоқ муддат устун туришига шароит яратади. Ишемияга чалинган буйрак кўп микдорда ренин ажратади, у ўз навбатида ангиотензинга айланаб яна ҳам кўпроқ вазоконстрикция ва гипертензияга олиб келади. Ангиотензин II микдорининг ошиши айланётган қон ҳажмини пасайтирадиган альдостерон микдори ошиши билан биргаликда кечади.

Буйракнинг чиқарув функцияси бузилганлиги сабабли гипокалиемия ва гипернатриемия ривожланади, магний етишмовчилиги пайдо бўлади.

Аъзоларда гемодинамика бузилиши натижасида буйрак усти безининг фаолияти ишдан чиқади. Узоқ муддат ичилда антидиуретик гормон, 17-ОКС, катехоламинларнинг персистенцияли ташланиши ўрин олади, бу эса қон томирлар тонусининг назоратини янада бузади. Буйрак усти безининг гиперфункцияси нафакат ҳомиланинг, балки онанинг ҳам буйрак усти бези пўстлоғининг функцияси ҳолдан тойишига ва гипоплазиясига олиб келади.

Жигардаги гипоксия шароити ва микроциркуляциянинг бузилиши оқисланиш-қайтарилиш жараёнлари сустлашиши ва бузилишига олиб келади, гликоген захираларини йўқотадиган тежамсиз анаэроба гликолиз устун кела бошлайди. Дезинтоксикацион функция бузилади. Қон айланшининг сурункали бузилиши натижасида конда оқсиллар микдори пасайиши оқибатида жигарда оғир патоморфологик ўзгаришлар юзага келади: жигар некрозлари; кўп сонили қон куйилишлар, айникса, субкапсуляр тури, жигарнинг фиброз қаватининг таранглашиши бўлиб, ҳатто унинг ёрилишигача; жигарнинг тизимли ёғ босини - жигарнинг ўтқир гепатози, гепатоцитларнинг паренхиматоз ва ёвли дистрофиясига олиб келади.

Сурункали қон томирлар ичидаги қон ивишнинг борлиги ўпкани катта микдордаги тромблар, токсинлар, микроблар билан "ифлослайди". Ўпка қон томирларида иммун комплекслар, фибрин толалари чўка бошлайди, капиллярлар ва альвеоляр мембраналарнинг ўтказувчанлиги ортиб боради. Ўпка паренхимаси жароҳатланади. Лекин нафас етишмовчилиги симптомлари ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатининг охирги боскичида кеч намоён бўлади.

Ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатида катта миянинг функционал ва структурали ўзгаришлари, бошка аъзоларидағи каби микроциркуляциянинг бузилиши, қон томирларда тромбозлар пайдо бўлиши

билан нерв хужайраларида дистрофик ўзгаришлар ва периваскуляр не-крозлар билан ифодаланади. Худди шу вактда майда нуктали ёки майда ўчокли қон қуишишлар ривожланади. Мия шиши (айникса оғир ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатларида) ва бош мия босими күтарилиши хос. Ишемик ўзгаришлар комплекси охир натижада эклампсияга олиб келиши мүмкін.

Ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатнинг узок давом этиши, ноадекват терапия, плацентада, бош мияда, буйракларда, жигарда борган сари кучайган структурали-функционал патология, турли күп миқдордаги “патологик айланма” лар ривожланишига шароит яратади ва патологик ўзгаришлар доирасига янги соҳаларни жалб этади.

Презклампсияга олиб келиши мүмкін бўлган омиллар:

- ◆ Ўта ёш ҳомиладор аёллар
- ◆ Паст социал-иктисодий шароит
- ◆ Анамнезида оғир презклампсия
- ◆ Қандли диабет
- ◆ Кўп ҳомилали ҳомиладорлик
- ◆ Сурункали гипертония
- ◆ Елбўғоз
- ◆ Резусмос келмаслик
- ◆ Семириш
- ◆ 35 ёшдан ошган аёллар ҳомиладор бўлса
- ◆ ҳинд ва хабаш миллатига мансуб аёллар ҳомиладор бўлса
- ◆ буйрак касалликлари
- ◆ юрак касалликлари

20.2. ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДАГИ ГИПЕРТЕНЗИВ ҲОЛАТЛАР ТАСНИФИ, КЛИНИКАСИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ

Жаҳон Соғликни Саклаш Ташкилоти консенсусга эриш мақсадида ҳомиладорлик давридаги гипертензив бузилишларнинг кўидаги таснифи келтирган (ХКТ 10):

1. Аввал мавжуд бўлган (сурункали) гипертензия (ҳомиладорликнинг 20-ҳафтасигача аниқланган ёки туғруқдан кейин 6 ҳафта ўтгач сақланган).

2. Аввал мавжуд бўлган гипертензия протеинурия кўшилиб кечиши билан (сурункали гипертензияга енгил презклампсиянинг кўшилиши)

3. Ҳомиладорлик туфайли вужудга келган гипертензия, протеинурия-сиз (ҳомиладорлик билан индуцирланган гипертензия).

4. Презклампсия (гестацион гипертензия протеинурия билан): енгил ва оғир даражаси

5. Эклампсия

6. Аниқланмаган (таснифланмаган) гипертензия ва/ёки протеинурия

ЖССТ эксперталари ҳомиладорлик давридаги артериал гипертензиянинг оғирлик даражасини баҳолаш ва олиб бориш тактикасини танлаш учун кўйидаги клиник мезонлар тавсия этган. Гипертензияни аник кўрсаткичи бўлиб диастолик босим хисобланади, у периферик қаршиликин кўрсатади ва

аёлнинг эмоционал ҳолатига систолик босимга қараганда боғлиқ эмас.

Гипертензия диагнози бир марта ўлчаганда диастолик босим 110 мм сим.уст. дан кўп ёки унга тенг бўлса ёки оралиги 4 соат билан 2 марта ўлчанганд 90 сим.уст. дан кўп ёки унга тенг бўлса. Оғир гипертензия диагнози бир марта ўлчаганда диастолик босим 120 мм сим.уст. дан кўп ёки унга тенг бўлса ёки оралиги 4 соат билан 2 марта ўлчанганд 110 сим.уст. дан кўп ёки унга тенг бўлса. Агар гипертензия ҳомиладорликнинг 20-хафтасидан кейин, туғруқ вактида ёки туғруқдан сунг 48 соат ичида пайдо бўлса, бу ҳолат ҳомиладорлик туфайли индуцирланган гипертензия деб юритилади. Гипертензия 20 хафтагача пайдо бўлса, сурункали гипертензия деб айтилади.

Протеинурия. Нормал кечётган ҳомиладорликда буйраклар орқали оқсил ажратилиши ортади, лекин протеинурия патологик ҳисобланмайди, агар у 24 соат ичида 300 мг га тенг ёки ошган бўлмаса, ёки 300 мг/л тенг ёки ошган бўлса, ёки 1+ реагент қофозчалари ишлатилганда «ботириш» тести тоза ифлосланмаган сийдикда (факат янги олинган сийдикнинг ўрта порцияси) хеч бўлмагандага икки марталик сийдик таҳлилида (ва сийдик йўллари инфекцияси бўлмагандага).

Протеинурияниң пайдо бўлиши ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатининг кечки симптоми ҳисобланади ва ҳомила учун хавфи ортиб нохуш оқибатлар билан боғлиқ. Артериал қон босимининг ошиши протеинурия билан биргаликда кечиши презклампсия ривожланиши тўғрисида маълумот беради. Гипертонияниң аниклиги ва протеинурия бошланиши билан боғлиқлиги ноаниқ. Сийдик таҳлили ҳомиладорлар гипертензиясининг скринингининг ажралмас кисми ҳисобланади. Протеинурияниң аниқ топилиши учун 24 соат мобайнида тўпланган сийдикни ишончли миқдорий текширув ўтказиш зарур.

Шишлар. Ўрта даражали шишлар ҳомиладорлиги физиологик кечётган 50-80% ҳомиладорларда кузатилади, ва улар одатда оёқларга, корин бўшлиғига, юзига тарқалади. Маълумотлар шуни кўрсатадики, шишлари бор гипертония ёки протеинуриясиз ҳомиладорлар, шишлари йўқ ҳомиладорларга қараганда йирироқ болаларни тувишади. Бу шишларни ҳомиладорлик давридаги мослашув механизmlарининг бир кисми ҳисобланишининг ишончли исботи бўлади. Шишлар ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати аёлларнинг 85% да учратилади ва одатда тана вазнининг тез ошиши билан боғлиқдир ва уни оддий ҳомиладорликдаги шишлардан ажратиш қийин. Перинатал ўлим гипертония билан шишлар бирикишидан кўра, факат гипертонияда пастрок бўлиши кузатилади. Шишларсиз ўтаётган презклампсия, шишлар билан бирга кечётган презклампсиядан кўра она ва бола учун хавфлироқлиги тан олинганига анча бўлди.

Ҳозирги вактда презклампсия тушунчаси тўлиқ аникланмаганилигига қарамасдан, ҳомиладорлик пайтида гипертензив бузилишлари таснифиға асосланган ҳолда ЖССТ томонидан тавсия этилган тушунчаларга кўп амал қилинмоқда:

Енгил презклампсия – диастолик босим 110 мм сим.уст. дан кўп ёки

унга тенг бўлса ёки оралифи 4 соат билан 2 марта ўлчангандада 90 сим.уст. дан кўп ёки унга тенг бўлса ва протеинурия (сийдикда оксили микдори 1 г/л гача). Кўпинча симптомсиз ўтиб кетади, лекин тез жадаллаб оғир шаклига ўтиши мумкин. Енгил презклампсияда оғирлашув симптомларидан бири кўшилса:

- гиперрефлексия
- бош оғриши
- кўришининг бузилиши
- олигурия (500 мл/24 соатда)
- тўш орқасидаги оғрик (ўнг қовурға пастида)
- ўпка шиши
- тромбоцитопения (тромбоцитлар сони $< 100 \times 10^9 / \text{л}$, АТА $> 50 \text{ ме/л}$)

унда оғир презклампсия хисобланади

Оғир презклампсия – диастолик босим 120 мм сим.уст. дан кўп ёки унга тенг бўлса ёки оралифи 4 соат билан 2 марта ўлчангандада 110 сим.уст. дан кўп ёки унга тенг бўлса плюс протеинурия (3 г/л ёки ундан ортиқ)

Ёдингизда тутинг:

- Презклампсиянинг енгил формаси симптомларсиз кечиши мумкин;
- Агар протеинурия кўпайса, у ҳолда презклампсиянинг енгил формаси оғирига ўтаётганинг белгисидир;
- Тованлар ва оёкларнинг шишлари презклампсиянинг ишонарли белгиси бўлиб хисобланмайди.

Эклампсия – она ва бола ҳаётига хавф соловчи ҳолат бўлиб, презклампсияли беморларда бир ёки ундан кўп талвасалар пайдо бўлиши бошқа турдаги мия бузилишларига алоқаси йўклиги (эпилепсия ёки мияга кон куйилиши). Талвасалар туррукдан олдин, перинатал ва чилла даврида пайдо бўлиши мумкин ва гипертензия оғирлик даражасига боғланмаган ҳолда юз беради.

20.3. ДАВОЛАШ

Хомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатини даволашда турли медикаментоз воситалар “патогенетик” деб ишлатиладиган бўлса-да, у мазмунга тўғри келмайди. Ҳозирги кунда хомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатини патогенетик даволаш биргина усули хомиладорликни тўхтатиш хисобланади, қолган барчаси асосан симптоматик эфектга эга.

Даво муддати - енгил презклампсияда - 1 хафта, оғир презклампсияда - 24 соат, эклампсияда – 6 соат.

Талвасага қарши асосий терапия бўлиб талвасага қарши препаралларни адекват ишлатилиши хисобланади. Шифохонага ётқизилаётган аёллар орасида талвасалар даволаш етарли даражада ўтказилмаганлиги сабабли кузатилади. Ҳозирги пайтда хомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатидаги артериал гипертензияни даволаш амалиётида кенг тарқалган магний сульфати тан олинди. Енгил наркотик таъсиридан ташқари, магний сульфати сийдик ҳайдовчи, гипотензив, талвасага қарши, спазмолитик эфектга эга ва мия ичи босимини пасайтиради.

Магний сульфатининг гипотензив таъсирини қон томирларнинг прес-

сор моддаларга реакциясими пасайтириш имконияти билан боғлашади (ангiotензин II, норадреналин). Mg^{2+} ионлари Ca^{2+} ионларига антагонистик таъсир кўрсатишни бунга кўшимча қилиб кўрсатиш мумкин.

Магний сульфати – оғир презклампсия ва эклампсияда талвасаларни даволашда бошқа талвасаларга қарши моддалар (диазепам ва фенитоин) каторида танлаш воситаси хисобланади. Эклампсияни ўрганишдаги синовлар шуни кўрсатадики, магний сульфат билан даволанган аёлларда диазепам ва фенитоин билан даволангандан кўра, қайтаючи хуружлар камроқ кузатилади, ва оналар ўлими кўрсаткичи бир қанча пасайган.

Узок вақт давомида акушерлик амалиёти магний сульфатнинг дозасими ва юбориш тезлигини аниқлашда дастлабки ўрта артериал босимга (ЎрАБ) асосланган.

Ўрта артериал босим формула бўйича ҳисобланади:

$$АДў = САБ + 2 ДАБ$$

$$3 (САБ бу систолик АБ,$$

$$ДАБ дистолик АБ)$$

Софлом аёлларда ўрта кон босими 100 мм с.у.дан ошмайди. Уни 15 мм с.у. дан дастлабкidan ошиши гипертензияни кўрсатади.

Чет эл муаллифлари магнезиянинг юкори дозировкасини ишлатиш афзалрок деб ҳисблайдилар. Уларнинг фикрича, магний сульфати бор тақдирда бошқа талвасага қарши препаратлар ишлатилиши шарт эмас, улар профилактик мақсадда ишлатилиши оғир ҳолатдаги презклампсия ва эклампсиянинг хавфли симптомларида ишлатишга колдирилиши керак.

Магнезиянинг токсик таъсири пайларнинг чукур рефлекслари йўқолишига ва кейинчалик респиратор депрессияга ва ниҳоят нафас тўхташига олиб келишида. Шунинг учун магнезиал терапия ўтказиласетганда патслляр рефлексни ва нафас олиш суръати (ёки кислород сатурацияси) назорат килиниши зарур.

Ушбу препаратни томир ичига юборилиши афзалроқ, чунки (мушак ичига инъекциялар оғрикли ва 0,5% ҳодисаларда маҳалий абсцесш шакланниши билан асоратланади).

Магний сульфатни оғир презклампсия ва эклампсияда қўллаш схемаси :

• Юклама доза:

- 25% - 15 мл магний сульфатни (1-3 шприцда) вена ичига 5 дақиқа ичидаги юборилади;

- сўнг ҳар бир думбага мушак орасига магний сульфатни 10 мл дан новокайн билан бирга юборилади

- агар талваса қайтарилса, 15 дақиқадан кейин 10 мл магний сульфати вена ичига 5 дақика ичидаги юборилади

• Кувватлаб турувчи доза

- 10 мл дан мушак орасига ҳар 4 соатда

- туғруқдан кейин ёки охирги талвасадан кейин 24 соат ичидаги магний сульфатни давом эттириш

- магний сульфатини ҳар бир қайта юборишдан олдин қўйидагиларга ишонч ҳосил қилинг;

- 1) нафас олиш сони 16тадан кам бўлмаслиги керак
 - 2) тизза рефлекслари мавжудлиги
 - 3) охирги 4 соат ичидаги диурезнинг 30 мл/соатдан кам бўлмаслиги.
- Магний сульфат киритишини кечикитиринг ёки қилманг, агар:
- Нафас олиш сони 16дан кам бўлса
 - Тизза рефлекслари кузатилмаса
 - Сўнгги 4 соат ичиладиги диурез 30 мл/соатдан кам бўлса, антидот қўлланг
- кальций глюконат вена ичига 10% секинлик билан нафаси тиклангунча юборинг.

Магний сульфат бўлмаган тақдирда диазепам ишлатилиши мумкин, факат диазепам плацента орқали эркян ўтиши мумкин, шунинг учун нафасни неонатал бузилиши ривожланишига катта хавф бор. Диазепамни талвасани тўхтатиш учун бир марта ишлатилиши чақалоқда нафас бузилишига олиб келиши камдан-кам кузатилади. Диазепамни томир орқали узок муддатли ишлатиш бачадон-плацентар ишемиясининг патологик таъсирига олдин чалинган чакалоқларда нафас бузилиши хавфини орттиради. Диазепам қолдиқли асоратларининг таъсири бир неча кун сақланаби колиши мумкин.

Диазепамнинг оғир презклампсия ва эклампсияда қўллаш схемаси:

- Юклама доза:
- * 10 мг (2мл) диазепам вена ичига 2 дақика ичидаги
- * агар талваса тақрорланса юклама дозани тақрорланг.
- Кувватлаб турувчи доза:
- * седатация ҳолатини саклаб туриш учун 40 мг диазепамни 500 мл физиологик эритмада вена ичига томчилатиб юборинг, аммо аёл хушида бўлиши керак.

Агар доза 1 соат ичидаги 30 мг дан ошса, нафаснинг сустлашиши кузатилиши мумкин, бундай ҳолларда 24 соат мобайнида 100 мг дан кўп диазепам қўлламаслик лозим:

- тўғри ичак орқали юбориш, агар в/ичига юборишнинг иложи бўлмаса, 20 мг диазепамни 10 мл ли шприцда тўғри ичак орқали юборилади. Агар талваса қайталанса, яна қўшимча соатига 10 мг дан диазепам юбориш мумкин.

Юкори босимни пасайтириш ($AD > 160/100$ мм сим.уст. тенг) ва диастолик босимни 90 ва 100 мм сим.уст. тенг ушлаб турилиши цереброваскуляр кон куйилиши хавфини камайтириш учун зарур. Даволаш кейинги хуружларнинг олдини олиши мумкин.

Сўнгги йилларда гипотензив препаратларга муносабат анча эҳтиёткорона бўлиб қолди, чунки уларнинг бир-бирини кучайтирадиган таъсири кузатилмокда. Ҳозирги кунда гипертензияга карши битта воситани тавсия этиш учун маълумотлар камлик қиласи, шунинг учун танлаш индивидуал ва иқтисодий шароитга боғлиқdir. Бундан ташқари, антигипертензив воситалар гипертензияни қай даражада ишлатилиши зарари фойдасидан кўпроқлиги тўғрисида маълумотлар етарли даражада эмас. Одатда КБ 169-170/110 мм сим.уст. тенг бўлса, уни туширишга харакат килинади. Лекин КБ нинг кескин пасайиши бачадон-плацента кон айланнишининг бузилишидан ҳомила нобуд бўлиши мумкин!

ЖССТ томонидан ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатларни даволашга тавсия этиладиган гипотензив воситалардан күйидагиларни күрсатиш мумкин:

1) киска муддатли препаратлар:

- гидралазин – томир ичига күйиладиган препаратлардан танланади, артерияларни кенгайтириб, қон оқимига тұсқынликни камайтиради.

- Инъекция тарзида буюрилади, одатда тузли инфузион зритма шаклида.

- 50% ходисаларда ножүя таъсирлари күзатилади (кучли бош оғриши, тахикардия, безовталаниш, күркүв хисси), яқынлашаётган презклампсия симптомларыга үхшаш белгилари пайдо бўлиши мумкин; гидралазин бўлмаганда ишлатиш мумкин;

- нифедипин (кальций йўлакчаларининг блокатори), у ҳам артериал босимни пасайтиради ва уни перорал ишлатиш мумкин.

- афуски, у бош оғришларга гидралазиндан кўра кўпроқ олиб келади;

- лабеталол томир ичига юборилади ва нифедипинга яқинроқ (ножүя таъсирлари камроқ);

2) секинроқ таъсир қиласидиган воситалар:

- метилдо па симпатик нерв тизимининг гипертензив фаолиятини сусайтиради ва 6-12 соат ичига кўтарилиган қон босимини бошқариб туради.

- Даастлабки 48 соат мобайнида ҳаддан ташқари уйқисирашга олиб келади,

- метилдофа эффектив бўлиб, даастлабки седатив таъсирдан сўнг болага таъсир кўрсатмайдиган ягона гипотензив восита ҳисобланади.

- бета-блокаторлар, окспренохол, лабеталол ва атенолол, симпатик нерв системасининг фаолигини жиловлаб туради ва метилдофадан кўра ножүя таъсирлари камроқ.

Клонидин таъсири кўп жиҳатдан метилдолага үхшаш, бирдан-бир фарки - олдинрок таъсир килишни бошлайди (таксминан 30 дақиқадан сўнг)

Гидралазин ёки лабеталол кенг ишлатиладиган дорилар ҳисобланади. Иккаласи ҳам ҳомила дистрессига сабаб бўлиши мумкин ва шунинг учун доимий тарзда юрак ритмини назорат килиш зарур.

20.4. ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒРУҚНИ ОЛИБ БОРИШ

Гипертензив бузилишларнинг енгил турлари бўлган аёллар амбулатор шароитида ҳар хафта күзатилиши зарур: қон босимини текшириш, сийдик тахлили (протеинурияни аниқлаш учун), рефлексларни ва ҳомила ҳолатини назорат килиш (бачадон тубини ўлчаш орқали ҳомила ўсиши назорат килинади). Артериал қон босими ёки сийдикдаги оқсил микдори ошмагунча талвасага карши, антигипертензив, седатив препаратларни, транквилизаторлар ва диуретикларни буюриш ман этилади. Агар сийдикда оқсил ошиб борса аёлни оғир презклампсияга үхшаш қилиб олиб борилади. Агар ҳомила ҳолати бузилиши тўғрисида маълумот бўлса (шу жумладан ҳомила ўсиши тўхташи белгилари), тургукни барвакт ҳал килиш тўғрисидаги муаммони счиш лозим.

Оғир презклампсия ва эклампсия бир хил олиб борилади, факат оғир

презклампсия белгилари пайдо бўлиши билан туғруқ 24 соат мобайнида содир бўлиши инобатга олинса, эклампсияда эса – талвасалар пайдо бўлгандан сўнг 12 соат мобайнида. Диастолик артериал босимни жиддий назорат килиш зарур (100 мм сим.уст. паст, лекин 90 мм сим.уст. паст бўлмасин), суюқлик баланси (юборилган ва ажралган суюқлик миқдори), ҳаётй зарур функциялар, рефлекслар ва ҳомиланинг юрак фаолияти назорати. Коннинг ивиши баҳоланиши зарур. Даволашда энг асосийси бу магнезиал терапия ўтказиш, юкорида кўрсатилган гипотензив препаратлар ва инфузион терапия (сув баланси хисоби билан). Инфузион терапия чегаралангтан бўлиши зарур – 85 мл/соатига ёки сийдик чиқиши бир соатда 30 мл дан зиёд бўлса.

Аёл ҳолати баркарор бўлиши билан туғруқ содир бўлиши керак. Туғрукни ҳомила етилишига қараб тўхтатиш нафакат она ҳаёти учун, балки ҳомила ҳаёти учун ҳам хавф туғдиради. Туғруқ гестация муддатига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал этилиши керак. Агар туғруқ йўллари тайёр бўлса, туғрукни тезлатиш мумкин (амниотомиядан кейин окситоцин ёки простагландин юбориш мумкин). Агар кин оркали туғруқ 12 соат давомида кузатилмаса (эклампсияда) ёки 24 соат (огир презклампсияда), ёки ҳомила дистресси аниқланган бўлса, шунингдек бачадон бўйни «етилмаган» бўлса, кесарча кесишини бажариш керак.

Туғрукдан сўнг 48 соат давомида аёлларни назорат қилиш зарур, чунки эклампсия қайталовчи хуружларининг янгидан бошланиш хавфи бор. Талвасага қарши давони туғрукдан кейинги 24 соат мобайнида ёки туғрукдан кейин ҳам давом эттириш керак, қайси бири охири содир бўлишига боғлиқ ҳолда. Гипотензив тера-пияни диастолик кон босими 110 мм сим.уст. ракамда ушлаб турилиши керак.

20.5. ПРОФИЛАКТИКА

Ҳомиладорлик пайтидаги гипертензив ҳолатларнинг олдини олиш хозирги замонда мураккаб вазифалардан хисобланади, лекин шунга қарамай туғиши ёшидаги аёлларда согломлаштириш ишларни олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Айниқса экстрагенитал касалликлари бор аёлларга катта эътибор бериш зарур. Шу тарика аёлларни ҳомиладорликдан ташқари вактда синчилаб текшириб режалаштирилган тарзда ҳомиладорликка тайёрлаш керак. Ҳомиладорлик давридаги гипертензив ҳолатлар кўпинча буйрак хасталигига, хафақонликка чалинган, эндокрин патологияси, юрак кон томир ва жигар касалликлари бор аёлларда ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолати кўпроқ ривожланишини эътиборга олиб, ушбу аёлларда ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатининг илк белгиларини аниқлаш мухим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ҳомиладор аёл 18 ёшдан кичик ва 35 ёшдан катта бўлса ҳам ҳомиладорликни мунтазам кузатиш зарур. Юкорида кўрсатиб ўтган ҳомиладорлик давридаги гипертензия ҳолатига мойиллиги аниқланган аёлларга ҳомиладорлик пайтидаги гипертензия ҳолатини оғирлаштирувчи белгилар ҳакида маълумот бериш керак, чунки бу белгилар намоён бўлиши билан ҳомиладор туғрухонага мурожаат қилиши оғир презклампсия ва эклампсиядек ҳомиладорлик давридаги гипертен-

зия ҳолатлари асоратларининг олдини олишга ёрдам беради.

Масалалар.

1. Туғаётган аёл түркүкнинг II даврида. АҚБ 190/120 сим.уст. Корининг олдинги деворида ва оёкларда шишлар бор. Юзда мимик мушакларининг учиши пайдо бўлди.

Аёлни қайси йўл билан туғдириш лозим?

а. Аёлни кучантиришнинг олдини олиб, акушер-кискичлар ёрдамида ҳомилани туғдириб олиш

б. Кесарча кесиш йўли билан

в. Табиий йўл билан

г. Аёлга акушерлик наркозини бериш билан

2. 23 ёшли ҳомиладор аёлда тез ёрдам машинасида эклампсия талвасаси пайдо бўлди.

Ҳомиладорлик 37-38 ҳафта. Ҳолати оғир, эс-хуши тормозланган, рангруйи бўзарган, оёқ шишлари яккол кўзга ташланади. К/Б — 150/100 мм сим уст., пульс - 98.

Диагноз? Биринчи ёрдам чора-тадбирлари йириндиси.

3. 29 ёшли ҳомиладор аёл. З ҳафта давомида мадорсиз презклампсия ҳолатида К/Б 170/100 мм сим уст., бош оғриги ва бурун билан нафас олиш кийинлашган ва камайган.

Эхографияда фитометрик кўрсаткичлари 2 ҳафтага кеч қолганлиги ва камсувлиги аниқланган. Допплерометрияда иккала бачадон артерияси қон айланиши резистентлиги ошгани ва йўлдошда қон айланиши критик ҳолатдалиги аниқланган. Қин текшируvida бачадон бўйни „етилган”.

Диагноз? Қандай муолажа тадбирлари ўтказиш керак?

4. 23 ёшли аёл, талваса уйда содир бўлган. Ҳомиладорлик 37-38 ҳафталик, ахволи оғир, комада, АҚБ - 180/100, томир уриши - бир дакиқада 98, оёкларида шишлар бор. Диагноз

А. Ҳомиладор аёлни олиб бориш тактикасини аниқланг.

а. Тезкор түркүкхонага олиб бориш*

б. Магнезия сульфат юбориш*

в. Кесарча кесиш*

г. Түркүкни чақириш

д. Қоғаноқ сувларини ёриш.

Б. Эҳтимол тутилган асоратлар.

а. Мияга қон куйилиши

б. Ўткир буйрак етишмовчилиги

в. ДВС синдроми

г. Талвасанинг кайталаши

д. Ҳамма жавоблар тўғри.*

Ўргатувчи тестлар.

1. Презклампсия олди симптомини айтинг:

Сийидка оқсил излари.

А/Б нинг 2 та қўлда ҳар хил бўлиши.

Вазининг патологик ўсиши.

Систолик ва диастолик босим оралиги 40 мм сим.уст. дан кам бўли-

ши.

Яширин шишлиар.

2. Презклампсия бор бўлган ҳомиладорлар кайси мутахассислар кўригидан ўтиши керак:

Акушер-гинеколог.

Терапевт.

Окулист.

Невропатолог.

Нефролог.

3. Презклампсия ривожланадиган хавф гурухлари:

Экстрагенитал касалликлар.

Олдинги ҳомиладорликдаги гипертензия ҳолати.

Касбга алоқадор зарарли одатлар.

Социал омиллар.

4. Кайси 5 та ЭГП фонида презклампсия ривожланади.

Қон томир касалликлари.

Буйрак касалликлари.

Жигар касалликлари.

Эндокринопатия.

Ёғ алмашувининг бузилиши.

5. Презклампсия профилактикасининг 5 та асосий тамойиллари:

Ҳомиладор пархези ва гигиенага қатъий риоя қилиш.

Оиласвий поликлиникада мунтазам назорат.

Экстрагенитал касалликларни даволаш.

Қизларни соғломлаштириши.

6. Презклампсияга қандай клиник симптомлар хос:

Бош оғриши.

Кўришнинг бузилиши.

Кўнгил айниши.

Қайт килиш.

Эпигастрал соҳада оғрик.

7. Презклампсия оғирлик даражасини баҳолашда қандай мезонлардан фойдаланилади:

Протеинурия.

Систолик К/Б.

Диастолик К/Б.

8. Презклампсиянинг хавфли белгиларини кўрсатинг?

Суткалик диурезнинг 15% га камайиши.

Иккала кўлда К/Б нинг 10мм сим уст. га асимметрияси.

Тана вазнининг патологик ортиши (хафтасига 350 г дан кўп), яширин шишлиар.

Пульс босимининг пасайиши.

Гипопротеинемия.

Тромбоцитопения 160x10⁹/л ва бундан паст.

9. Презклампсияси бор бўлган ҳомиладорларни туғдиришнинг I даврида қандай асосий даво чоралари олиб борилади?

Эрта амниотомия.

Түгrukни оғриқсизлантириш.

Ички хомила димикишини даволаш.

Презклампсияни даволаш.

10. Презклампсияда түгrukнинг II даврида қуийдаги асосий тамойиллар күлланилади:

Бошқарилувчи гипотония.

Түгrukни оғриқсизлантириш.

Хомиланинг ички димикишини даволаш.

Акушерлик қисқичларини күллаш.

Презклампсияда даволашда қўлланиладиган асосий гипотензив дориларни кўрсатинг:

Магний сульфат.

Атеналол.

Нифидипин.

11. Презклампсияни даволаш тамойиллари:

Даволаш - химоя режимини ташкиллаштириш.

Гипотензив терапия.

Коннинг реологик ва коагуляцион кўрсаткичларини нормалаштириш.

Антиоксидант терапия, мембраналар фаолиятини тиклаш.

Метаболизмни меъёrlаш.

ХЎОК ва хомила гипоксияси профилактикаси ва даволаш.

12. Презклампсияда вактидан илгари туғишга кўрсатмалар:

Презклампсиянинг енгил турида, агар 7-10 кунлик даво наф бермаган бўлса.

Презклампсиянинг оғир турида 2-3 соатда интенсив терапия наф бермаган бўлса.

ХЎОК бўлгандаги гестознинг турли даражасида ва даволаш фонида хомила ўсиши рўй бермаётган бўлса.

Эклампсия ва унинг асоратларида.

13. Презклампсиянинг икки тури:

Эрта.

Кечки.

14. Эклампсияни даволашнинг 3 тамойили:

Үпканинг сунъий вентиляцияси билан чукур наркоз.

Ҳаёт учун зарур аъзолар функциясини нормаллаштириши.

Презклампсиянинг интенсив терапияси.

15. HELLP синдроми нима?

Презклампсиянинг оғир асоратларидан бири.

Патологик жараённинг 1 ҳарфлари лотин тилида олинган.

Н-гемолиз.

EL – жигар ферментлари даражасининг ошгани.

LP – тромбоцитопения.

16. Презклампсиянинг “аралаш” тури қачон бошланади?

28-30 ҳафтада.

- 20-24 ҳафтада.
22-26 ҳафтада.
17. Презклампсия симптомларини белгиланг:
Диастолик ҚБ 90 мм сим.уст.дан ошиб кетиши.
Протеинурия.
18. Эклампсияда биринчи ёрдам күрсатиш нималардан иборат?
Оғизни очиб, тилни тортиш.
Оғиз бўшлиғидан ва юқори нафас йўлларидан кўпикларни тозалаш.
Нейролептоаналгезияни қўллаш.
Тезлик билан турдириш.
19. Презклампсияли ҳомиладор қандай мутахассис кўригидан ўтиши керак?
Акушер-гинеколог.
Реаниматолог.
Терапевт.
Окулист.
Невропатолог.
20. Гипертензив ҳолатларда она организми учун қандай нохуш асоратлар мавжуд?
Йўлдошнинг вактидан олдин кўчиши.
Мияга қон қуилиб кетиши.
УБЕ (ОПН).
Кўз тўр пардасининг кўчиши.
HELLP – синдром.
21. Гипертензив ҳолатларда кесарча кесишга 3 та асосий кўрсатма қандай?
Эклампсия.
Эклампсия асоратлари.
Акушерлик асоратлари.
Гипертензив ҳолатларнинг оир турида бачадон бўйни етилмаганилиги.
Ўтказилаётган терапиянинг бефойдалиги.
22. Эклампсиянинг 4 та даврини айтинг:
Қириш.
Тоник тутқанок.
Клоник тутқанок.
Қайтиш.
23. Гипертензив ҳолатларда ҳомила учун асоратларни санаб ўтинг:
Гипоксия.
Асфиксия.
Гипотрофия.
Антенатал ўлим.

XXI БОБ ХОМИЛАДОРЛИК ВА ТУГРУКДА ҚОН КЕТИШИ

21.1. НОРМАЛ ЖОЙЛАШГАН ЙЎЛДОШНИНГ БАРВАҚТ КЎЧИШИ

Максад:

Хомиладорликнинг иккинчи ярмида қон кетишиларг олиб келувчи акушерлик асоратлари билан таништириш. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчишини ва йўлдошнинг олдинда ётишнинг бир-биридан дифференциал ташхиси. Ҳомиладорлик ва тугрукни олиб бориш тактикаси.

Режа:

1. Тушунча, учраш даражаси
2. Этиопатогенези.
3. Диагностикаси.
4. Клиникаси.
5. Дифференциал ташхиси, ташхис кўйиш йўллари.
6. Асоратлари.
7. Даволаш усуллари. Тугрукни бошқариш.

Ҳомиладорлик ва тугрук нормал кечганда йўлдош тугрукнинг учинчи давригача бачадоннинг юкори сегменти деворига ёпишганча колаверади. Ҳомила турипгач, бачадон қискариб, ичидаги босим пасайиши муносабати билан йўлдош кўчади.

Баъзан патологик жараёнларда нормал жойлашган йўлдош ҳомила туғилгунга қадар туғилади. Йўлдошнинг барвакт кўчиши ҳомиладорлик ва тугрукнинг бачадон бўйни очилиш даврида кўпроқ учрайди, тугрукнинг иккинчи даврида йўлдошнинг кўчиши кам учрайди.

Бу оғир акушерлик асорати бўлиб, оналар ва болалар ўлимiga олиб келувчи сабаблар ичida асосий ўринни эгаллади. Ўзбекистонда бу асорат илик иклим минтақаларига нисбатан 10 марта кўпроқ учрайди. НЖЙБК 2-8% ҳолларда ўлимга олиб келади.

Сабаблари. Томирлар системасининг ўзгариши билан давом этадиган касалликларда йўлдош кўпинча барвакт кўчади. НЖЙБК кўпинча бачадон ва йўлдоща дегенератив ва яллиғланиш жараёнлари кузатилганда юзага келади. Плацентанинг кўчишига бачадон плацентар томирларининг деворлари юпқалашиб, муртлашиб, ўтказувчанилиги ошиб, осон парчаланиб қон куйилишига олиб келувчи ёки мойиллик туғдирувчи омил бўлиб хисобланади.

Ҳомиладорликнинг кеч токсикозлари, буйрак касалликлари, гипертония, юрак нуқсонлари, камқонлик ва бошқа касалликлар оқибатида йўлдош томирларида ўзгаришлар рўй берганлиги йўлдошга қон куйилишига сабаб бўлади. Бачадон девори билан йўлдош оралиғига қон куйилиши сабабли йўлдош ёпишган жойидан кўчади. Сунъий абортдан кейин ва чилла даврида бачадоннинг яллиғланиши йўлдошнинг барвакт кўчишига мойил қилиб кўяди.

Киндик калта бўлганда ва ҳомила пардаси кечикиб йиртилганда йўлдош кўчиши мумкин. Эгизак ҳомиладорликда биринчи ҳомила туғилгач, йўлдош кўчиши кузатилиши мумкин. Камдан-кам сабаблари: жароҳатлар, асаб-руҳий омиллар.

Нормал жойлашган плацентанинг вақтидан илгари күчиши патогенези қон томирлар ёрилиши билан тушунтирилади, бу ворсинкаларо қон айланиши бузилишига олиб келади ва қон кетиб ретроплацентар гематома шакуландади.

Ушбу асоратнинг учраши 1,0 дан 5% гача.

Йўлдош барвакт кўчганда рўй берадиган ўз ариплар

Йўлдош барвакт кўчганда рўй берадиган белгилар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, йўлдошнинг қисман ёки тўлик кўчганлигига боғлик бўлади (21.1.-расм).

Йўлдош тўлиқ кўчганда йўлдош ва бачадон девори оралиғига қон тўплашиб, баъзан қон бачадон деворларига сўрилади (21.2.-расм). Бунда мускул ва сероз қаватига қон қўйилиши натижасида бачадон юзаси қорамтир-қизарган бўлади. Бундай ўзгариши Кювелер бачадони деб аталади ва бачадон тутруқдан кейинги дастлабки соатларда қисқариш хусусиятини йўкотади, ниҳоятда кўп қон кетади (21.3.-расм).

НЖИБК оғирлик даражасига кўра таснифи: енгил, ўртача оғирликда, оғир.

Йўлдошнинг қисман ёки тўлиқ кўчишига қараб клиник манзараси ҳам 3 хил даражада кечиши кузатилади.

Енгил даражада кечиши. 60% беморларда учраб, бундай йўлдошнинг 15% юзаси кўчган, аёлнинг умумий ахволи ўзгармаган, томир уриши, қон босими, ҳомила юрак уриши нормал бўлади. Жинсий йўллардан озгина қон кетади, баъзан қон кетиши ҳам кузатилмайди.



21.1.-расм. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчиш турлари: марказдан қисман, четдан, марказдан тўлик ажралган

Ўртача оғирликдаги даражаси 20% bemорларда учраб, йўлдош юзасининг 40% гача қисми кўчган бўлади. Ҳомиладор аёл корнининг доимий оғришидан, умумий беҳоллик, бош айланиши, кўнгил айнишидан шикоят қиласиди. Беморнинг рангги оқарган, совук тер босган, қон босими 10-15 мм симоб устунидан камайган, томир уриши тезлашган бўлади. Корин деворларини пайпаслаб кўрилганда бачадон деворининг таранглапигани, бачадоннинг йўлдош кўчган соҳаси дўйпайиб чиққани кузатилади. Ҳомила юрак уриши тезлашади, баъзан эштилмай колади.

Оғир даражаси bemорларнинг 20% да учраб, йўлдошнинг 40% дан

күпроқ юзаси күчади. Йўлдош кўчишининг оғир даражаси бирданига рўй бериб, аёлнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади, корнининг ҳамма соҳасида каттиқ оғриқ сезади, хушидан кетиб, кон босими пасайган, томир уриши сустлашган, совук тер босиб, ранглари оқарган бўлади. Бачадонни корин орқали пайпастлаганда бачадон таранглиги, каттиқ оғриқ натижасида ҳомиланинг қисмларини пайпастлаб аниглаш имкони бўлмайди. Ҳомила она қорнида нобуд бўлади. Бачадон девори кон томирлари орқали тромбопластин таначаларининг кўп миқдорда ўтиши натижасида коннинг ивиш хусусияти пасайган (гипофизбриногенемия) ёки бутунлай кон йўқолганлиги (афибрионгенемия) аёлда янада кон кетишига олиб келади. Аёлнинг ҳаёти хавф остида қолади. Йўлдошнинг барвакт кўчишининг оғир даражасида буйракнинг сийдик чиқариш фаолияти бузилган бўлади, баязан бутунлай фаолияти тўхтайди (ЎБЕ), буни буйрак фаолиятининг ўтириши деб юритилади. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчишини йўлдошнинг олдинда келиши, бачадон йиртилиши, ошқозон ярасининг ёрилиши, ўтириш холецистит, панкреатит, аппендицит касалликлари билан такқослаб кўриш ва чалкаптирмаслик керак.

Хавф гурӯхлари.

1. Ҳомиладорлик асорати: гипертензив синдром, презклампсия.
2. Юрак кон-томир касалликлари бор ҳомиладорлар.
3. Буйрак касалликлари ва ҳомиладорлик.
4. Кон касалликлари: туғма ва орттирилган коагулопатиялар.

Туғруқ жараёни давомида:

1. Ута кучли туғруқ фаолияти.
2. Туғруқ фаолияти дискоординацияси.
3. Асоссиз туғруқ фаолиятини кучайтириш.
4. Калта киндик тизимчаси
5. Бачадон ичи босимининг кескин пасайиши, кўпсувлиликда.

Диагностикаси.

1. Аёлнинг умумий аҳволини баҳолаш
2. Ҳомила ҳолатини баҳолаш
3. УТТ -плацентадаги ўзгарипларни аниқлаш асоратларнинг олдини олишга имкон беради

Олиб бориш тактикаси.

Аёл ва ҳомила ҳолатига ва плацента кўчиш даражасига ҳам боғлиқ. Клиник кечишга боғлиқ бўлмаган ҳолда тез ДВС синдроми ёки кон йўқотиш натижасида гиповолемия ривожланиши мумкин.

НЖЙБК да ўтказиш керак бўлган чора- тадбирларнинг кетма-кетлиги.

1. Бемор шикоятларини баҳолаш.
2. Умумий аҳволини тўғри баҳолаш.
3. Гемодинамика кўрсаткичларини тўғри аниқлаш
4. Та什қи акушерлик текшируви:
 - бачадон ҳолатини баҳолаш (тонус, таранглиги, бўртиб чикиши, оғриклилик).
 - ҳомиланинг ҳолатини баҳолаш

5. Тезлик билан стационарга олиб бориш
Стационарда қын орқали текшириш:
• түгруқ фаолиятини аниқлаш
• хулоса чиқариш ва олиб бориш тактикасини аниқлаш: кесарча кесиш ёки бачадон оғзи очик бўлса, амниотомия қилиб табий йўл орқали түфдириш.

Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчишини даволаш унинг клиник даражаси ва түгруқда бачадон бўйни очилиш даражасига караб олиб борилади.

Агар йўлдошнинг озгина кисми барвакт кўчган бўлиб, аёл ва ҳомила нинг ахволи ўзгартмаган бўлса, аёлни дархол түгруқхонага ётқизиб, ниҳоятда тинч шароит яратилади, сўнгра коагулопатик қон кетишининг олдини олиш учун чора-тадбирлар ўtkазилади (контрикал, дицинон, АТФ, витамин Е, кальций глюконат ва х.к.) Спазмолитик дорилардан ношпа 2 мл, папаверин 2 мл мушак орасига, баралгин 5 мл қон томирга юбориш билан бачадоннинг қисқаришини тўхтатиш амалга оширилади. Албатта, ҳомила гипоксиясига карши дори-дармонлар юбориш ҳам тавсия этилади.

Бачадон бўйни 3-4 см очилгандан амниотомия бажарилади. Бу плацента кўчишини секинлаштиради ёки тўхтатади. Агар плацента кўчиши давом этса, ҳомила ҳалок бўлган тақдирда ҳам түгруқ тезкор жаррохлик йўли билан тутатилади.

Ҳомиладор аёлни даволаш давомида унинг томир уриши, қон босими, умумий ахволини кузатиб, вакти-вакти билан корин айланаси, бачадон туви баландлигини ўлчаш, ҳомила юрак уришини эшитиб туриш керак. Бундан ташқари, аёлнинг қон ва сидик таркиби, қоннинг ивиш хусусиятларини (коагулограмма) текшириб туриш керак. Агар бу кузатишлар вактида бачадонни пайпаслаб кўрилганда бирор жойида дўппайиш, таранглашиш, шу жойида оғриқ сезилса, аёлнинг томир уриши тезлашиб, қон босими пасайса, ҳомила юрак уриши ўзгариши кузатилса, буларнинг ҳаммаси йўлдошнинг барвакт кўчиши давом этётганлигидан дарак беради. Бундай аёлга тезкор ёрдам кўрсатиш керак бўлади. Бунда ҳомиладор аёл түгруқ пайтида бўлмаса, дархол кесарча кесиш операцияси килинади. Операция вактида бачадоннинг мушак толалари орасига қон куйилиб Кювелер бачадони бўлса, кейинчалик гипотоник ва атоник ҳамда коагулопатик (қон ивимаслик) қон кетишининг олдини олиш мақсадида бачадон танаси, баъзан бачадонни бутунлай кесиб олишга тўғри келади.

Түгруқнинг иккинчи даврида түгруқни тезлатиш мақсадида ҳомилани акушерлик қисқичлари орқали тортиб түфдириб олинади.

Хулоса қилиб айтганда, йўлдошнинг барвакт кўчишининг биринчи даражасида операция қилмасдан дори-дармонлар билан даволаб, аёл кузатилиб турилса, йўлдош кўчишининг ўртача оғир ва оғир даражасида тезкорлик билан операция қилиш йўли билан даволанади. Аёлни түфдириш вактида қандай чоралар кўлланган бўлишидан қатъи назар, йўлдош түғилгандан сўнг сингил наркоз бериб, бачадон қўл билан текширилади, бачадон қисқаришини таъминлайдиган дори-дармонлар (метилэргомет-

рин) ва шу билан бирга қон ва унинг ўрнини босувчи суюкликлар (стаби-зол, рефортан) томчилаб юборилади.

Нормал жойлашган йўлдошнинг баравакт кўчишининг оқибатлари

Йўлдош баравакт кўчганда ҳомиладор аёл организизмидаги рўй берадиган ўзгаришлар унинг йўқотган қон миқдорига, берилган ёрдамнинг тезлигига, организмнинг ҳолатига борлик бўлиб, аёл тугруқхонага қанча тез ётқизилса, оғир асоратлар колиши, шунингдек оналар ҳамда болалар ўлими шунчалик камаяди. Ҳар томонлама ўз вактида тезкорлик билан ёрдам кўрсатилмаса, бачадоннинг кисман (гипотоник) ва бутунлай (атоник) кискармаслиги, қон ивиш хусусиятининг пасайиб кетиши кузатилиши мумкин. НЖЙБК хавфли асорат бўлиб, унинг натижасида: ТИҚИ синдроми, Кювелер бачадони, гипо- ва атоник қон кетиши ривожланади.

Даволаш.

Тез ва эҳтиёткорлик билан түғдириш. Бунда абдоминал кесарча кесиш тўғри келади ва бачадон - плацента апоплексияси-Кювелер бачадони бўлса-бачадонни ампутация қилиш керак, ТИҚИ синдромининг ўткири формаси ривожланганда бачадон экстирпация шарт. Туғрук биринчи давр охирида ёки иккинчи даврида нормал жойлашган плацентанинг вактидан илгари кўчиши кузатилиса, туғрук табиий туғрук йўллари орқали тугатилиши мумкин. Бундай ҳомиладорларда ҳам бачадонни тез бўшатиш тамойилига амал қилинади. Акушерлик ҳолатига қараб акушерлик кискичлари ишлатилади ёки ҳомилани бўлаклаш жарроҳлик амалиёти бажарилади.

Асосий профилактик чоралар: буйрак ва юрак - томир касалликлари, гипертензив ҳолатларни ўз вактида даволаш, абортнинг олдини олишдан ва бошқалардан иборат.

21.2. Йўлдошнинг олдинда ётиши

Максад:

Йўлдошнинг олдинда ётишининг таснифи, сабаблари ва клиник белгилар билан танишириш. Йўлдошнинг олдинда ётиши ва вактидан илгари кўчишининг бир-биридан дифференциал ташхиси.

Режа:

1. Ҳомиладорликда йўлдошнинг жойлашиши.
2. Йўлдошнинг олдинда ётиши тушунчаси.
3. Этиологияси ва патогенези.
4. Йўлдошнинг олдинда ётишининг клиник белгилари.
5. Ҳомиладорликни ва туғрукни олиб бориш тамойиллари.

Ҳомиладорлик ва туғрукни олиб бориш тактикаси.

Йўлдошнинг олдинда ётиши - унинг нотўғри жойлашуви: плацента бачадон танасининг ўрнига пастки сегментда жойлашади (21.4.-расм).

Этиология:

Оналик омиллари: А) Эндометрий дистрофияси билан кечадиган травма ва касалликлар (кўпинча кайта туфувчиларда). Б) Эндометрий кон билан таъминланишининг бузилишига олиб келувчи бачадон пастки сегментидаги жарроҳлик амалиётлари.


Йўлдошнинг олдинда ётиши уруғланган тухум хужайрадаги ўзарашлар натижасида ҳам келиб чиқади :

- ♦ Ҳомила эритробластози (плацента катталашишига олиб келади).
- ♦ Трофобластнинг нидацион функцияси бузилиши, трофобласт ферментатив жараёнлари кечикиб ривожланиши, уруғланган тухум хужайра ўз вактида бачадон тубига ёпиша олмайди.

Сабаблар:

- Плацентанинг олдинда келиши
- Нормал жойлашган плацентанинг вактидан олдин кўчиши

Йўлдошнинг олдинда ётиши - иотўри жойлашиши ҳисобланиб, яъни бачадон танасининг пастки сегментида ва ички бўғиз соҳасида жойлашиши.



21.4.-расм. Плацентани олдинда ётишининг турлари:

а - паст жойлашиши; б - қисман; в - тўлик.

Йўлдошнинг олдинда ётишининг 4 даражаси тафовут қилинади (21.5.-расм):

1. тўлик (марказий) – плацента ички бўғизни тўлик ёпиб туради
2. қисман (ёнбош) – плацента ички бўғизнинг 2/3 қисмини ёпиб туради
3. Қирғоти билан – плацента ички бўғизни 1/3 ёпиб туради
4. Плацентанинг паст жойлашиши- плацента чети ички бўғиздан 7 см дан кам масофада жойлашади.

Клиникаси.

1. Ҳомиладорлик даврида қон кетиш бирдан оғриқсиз ривожланади, оғриқсиз, тромбоз натижасида тўхташи мумкин, лекин бир қанча вакт ўтгач яна қайтарилади. Қон кетиш кўпинча ҳомиладорлик уч ойлигига бачадон чўзилиши, қисқариши натижасида ёки бачадон бўйни очилиш даврида кузатилади. Қон кетиш плацентанинг бир қисмининг кўчиши билан боғлик, плацента тўқимаси чўзилиш хоссасига эга эмас, шунинг учун бачадоннинг пастки қисми чўзилганда плацента кўчади, ворсинкалараро бўшлиқ очилади, бачадон - плацента қон томирлари ёрилади ва кўп қон кетади.

2. Камқонлик ривожланиши.
3. Ҳомила ҳолатининг ёмонлашуви, ҳомила дистресси.

Диагностикаси.

- Мойиллик туғдирувчи омиллар, ҳомиланинг нотўри жойлашуви (chanok олдинда келиши ёки кўндаланг жойлашиши).
- Кўп ҳомилалик.
- Кўп түқсан 35 ёшли аёл.
- УТТ- бу усул аниклиги 90-95%

Йўлдошнинг олдинда ётишида якуний ташхис кин орқали текшириб кўйилади (стационарда жарроҳлик блокида). Бунда плацента ёки унинг чети пайпасланади. Бу текшириш усули қон кетишини кучайтириши мумкин.

Кўйидаги касалликлар билан қиёсий такқослаш керак:

1. Жинсий аъзоларнинг механик шикастлари (тирналиш, кин шиллик пардасининг ёрилиши).

2. Полиплар.

3. Бачадон бўйни раки

4. Бачадон бўйни псевдоэрозияси

5. Нормада жойлашган плацентанинг вақтидан илгари кўчиши.

6. Бачадоннинг ёрилиши.

Олиб бориш тактикаси


Агар ҳомиладорлик муддати тугамаган бўлса, ҳомиладор доимий назорат ва кузатувда бўлиши керак. Туғруқ фаолияти бўлмагандан, ҳомила баркарор ҳолатида ва кам микдорда қон кетганда консерватив даво олиб борилади. Ҳомиладор аёл дарҳол стационарга ётқизилади. Бачадон тонусини пасайтирувчи препаратлар кўлланилади. Витаминлар киритилади, ҳомила гипоксияси олди олинади.

Туғрукни олиб бориш усулини тўғри танлаш учун плацента олд келиши ва унинг формаси аник диагностик катта аҳамиятга эга (21.6.-расм).

Тўлик ёки марказий жойлашганда туғруқ факат кесарча кесиш орқали бажарилади (мутлок кўрсатма). Туғруқ йўллари туғрукка тайёр бўлмаса, плацента кисман олдинда жойлашган бўлса ва қон кетиш интенсив бўлса хам туғруқ жарроҳлик усули билан олиб борилади.

Туғруқ фаолиятлари мавжуд бўлганда, бачадон бўғзи очилган, плацента кисман олдинда жойлашган бўлса, амниотомия қилинади. Ҳомила пардаси ёрилиши плацентанинг кейинги кўчишининг олдини олади, ҳомила бошининг кичик чанок бўшлиғига тушишига ёрдам беради ва бу кўчган плацентани сикиб кўйиб қон кетишини тўхтатади.

Табиий туғруқ йўллари орқали туғруқ содир бўлганда бачадон бўшлигини билан ва марказий жойлашиши.



21.6. -расм. Плацентанинг ёнбош, қирраси билан ва марказий жойлашиши.

кўл билан текшириб кўриш, гипотоник кон кетишининг олдини олиш керак. Режали кесарча кесиш хомила вазни 2500 г дан кам бўлмаганда ва хомиладорлик муддати 37 ҳафтадан камбўлмаганда бажарилади. Агар кон кетиши аёл учун хавф турдирса, хомила ўлчамлари ва гестацион ёшга қарамасдан шошилинч кесарча кесиш бажарилади.

Асоратлари:

1. Кўп кон кетиши натижасида гипофиз некрози ёки буйрак шикастлашиши.

2. Бачадоннинг пастки сегментидан тургурдан кейинги даврда кўп кон кетиши

3. Плацентанинг зич бирикиши, чунки бачадон пастки сегменти эндометрийси юпқа ва бу трофобласт инвазияси учун етарли эмас.

Текшириш учун саволлар:

1. Нормал жойлашган плацентанинг вактидан олдин кўчиши нима?

2. Нормал жойлашган плацентанинг вактидан олдин кўчиш сабабари?

3. Нормал жойлашган плацентанинг вактидан олдин кўчиш дарожалари?

4. Нормал жойлашган плацентанинг вактидан олдин кўчиш белгилари ва диагностикаси?

5. Нормал жойлашган плацентанинг вактидан олдин кўчишида олиб бориш тактикаси?

6. Плацентанинг олдинда келиши нима?

7. Плацентанинг олдинда келиши сабаблари?

8. Плацентанинг олдинда келиши турлари?

9. Плацентанинг олдинда келиши белгилари ва диагностикаси?

10. Плацента олдинда келганда олиб бориш тактикаси?

Масалалар.

1. Кўп туккан аёл, 32 ёшда. Туғруқ I даври. Мунтазам дард бошлангач жинсий йўллардан конли ажралмалар пайдо бўлди. Пульс – 80 зарба I, кон босими – 120/80 мм с.у. Шишлар йўқ. Тахминий диагноз? Қаерда кин орқали кўриш керак?

2. Йўлдошнинг қисман олдинда келиши кузатилган қайта хомиладор биринчи тутувчи аёlda бачадон бўйни 4 см га очилганда хомиланинг чаноқ билан келаётганилиги аниқланди. Хомиланинг тахминий вазни - 3900 г. Туғрукни олиб бориш тактикаси:

* Кесарча кесиш

Эрта амниотомия ва туғрукни стимуллаш

Эрта эпизиотомия ва спазмолитикларни вена ичига томчилатиб

Спазмолитиклар юбориш

3.Хомиладорликнинг 7- ойидаги аёл туғрукхонага оғир аҳволда: умумий холисзидик, бош айланиши, кориндаги оғриклардан шикоятланиб келди.

Ушбу ҳолатини кеча кечқурун йиқилиб, эрталаб эса дард ва кучли оғрик бошлангани, озгина қонли ажралма ва ҳомила қимирламаётганидан шикоятланди. Беморнинг рангги օқарган, пульси 100 зарба 1 мин. АҚБ 80/60 мм сим. уст. Бачадон пайпасланганда қаттиқ ва жуда оғрикли. Ҳомиланинг юрак уриши эшитилмаяпти. Вагинал кўрилганда: бачадон бўйни қискарған, 4 см очик, қоғанок пуфаги бутун, ажралмалар қонли, озгина микдорда.

Диагноз.

- а. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчиши*
- б. Йўлдошнинг олдинда жойлашиши
- в. Бачадон йиртилиши
- г. Бачадон бўйни раки

Тактика?

- а. Зудлик билан кесарча кесиш операциясини қўллаш*
- б. Табиий йўллардан аёлни түғдириб олиш
- в. Консерватив даво
- г. Қисқичлар ёрдамида ҳомилани түғдириш

4. ҚВП га ҳомиладор коринда оғрик жинсий йўлларидан қон ажралишидан шикоят билан келди. Ҳомиладорлик 35-36 ҳафтаси даврида. Умумий ахволи қониқарли. Пульс (мин) 90 та. А/Б 130/90-140/90 мм сим уст. Бачадон ҳомиладорлик вақтига мувоғиқ катталашган. Ҳомила юрак уриши (мин) 160-170, бўғиқ. Жинсий йўлларда қонли ажралма аниқланди. Диагноз? Қандай чоралар қўллаш зарур?

5. Биринчи ҳомиладорлик, вақтидаги туғрук. Бир меъёрдаги туғрук фаолияти 3 соат давом этаяпти. Чанок ўлчамлари меъёрда. Презэклампсия симптомлари бор. Бирданига коринда қаттиқ оғриклар пайдо бўлди, хушини йўқотди, ҚБ тушиб кетди. Бачадон қаттиқ, дардлар орасида бўшашмаяпти. Бачадон ўнг томони шишли ва бу қисмда қаттиқ оғриклар. Ҳомиланинг юрак уриши тўхтади. Қин оркали кам меъёрдаги қонли ажралмалар. Тахминий диагноз.

Диагноз.

- а. Нормал жойлашган плацентанинг вақтидан олдин кўчиши*
- б. Йўлдошнинг олдинда келиши
- в. Коагулопатик қон кетиши
- г. Йўлдошнинг нотўғри ёпишиши
- д. Бачадон гипотонияси.
- б. Беморнинг шикояти: корин пастида оғриқ ва бош айланиши. Анамнезида талваса бўйича кесарча киркиш. Ҳомиладорлик муддати 32-33 ҳафталик, оёкларида шишлилар АҚБ 150/100. Аёлда тасодифан коринда кучли оғриқ пайдо бўлди ва ҳомиланинг қимирлашини сезмай қолди. Пайпаслаганда бачадон қаттиқ ҳомила қисмлари аниқланмайди. Ҳомила юрак уриши эшитилмайди.

А. Диагноз.

- а. Йулдошнинг олдинда келиши
- б. Йўлдошнинг барвакт кўчиши*
- в. Бачадон ёрилиши*
- г. Ичак тутилиши
- д. Тухумдан кистасининг ёрилиши.

Б. Олиб бориш тактикаси.

- а. УТТ
- б. Интенсив даволаш
- в. Туғруқ йўлларидан туғдириш
- г. Кесар киркиш*
- д. Туғрукни чақириш.

7. Аёлда 8 ойлик ҳомиладорлиги бор. Бир ой олдин оёкларида шишлар пайдо бўлди ва АҚБ 150/100 сим. уст.гача кўтарилиди. 6 соатдан бери корин пастида оғриқ, жинсий йўлларидан қонли ажралмалар кела бошлади. Тери ва шиллик қаватлар оч пушти рангда. Томир уриши 100 дақикада, АҚБ 160/100 сим.уст. Корин айланаси 102 см., бачадон туби 37 см. Ҳомила юрак уриши бўғиқ. Пайпаслаганда бачадон таранглашган, олдинги деворида оғриқ аниқланади. Туғруқ фаолияти йўқ.

А. Диагноз.

- а. Йўлдошнинг олдиндан келиши
- б. Бачадоннинг ёрилиши
- в. Бачадон бўйни раки
- г. Қин варикозининг ёрилиши
- д. Йўлдошнинг барвакт кўчиши*.

Б. Даволаш тактикаси.

- а. Кесарча кесищ*
- б. Тезда туғруқхонага ётқизиш
- в. Туғруқ фаолиятини кучайтириш
- г. Гемотрансфузия
- д. Спазмолитиклар килиш.

8. Ҳомиладор аёлда 37-38 ҳомиладорликда ичи келган вактида кизил суюқ қон пайдо бўлди. Оғриқ ва дарди йўқ. Уйида қон йўқотиши 200 мл ни ташкил килди. Анамнезида иккита артиф. аборт, охирги аборт эндометрит билан кечган. Умумий ахволи қоникарли, томир уриши 80 дақикада, АҚБ 110/70. Бачадон тухумсимон шаклда, ҳомила тўғри жойлашган, ҳомила боши чаноқдан баланд жойлашган, юрак уриши 140 дақиқада.

А. Диагноз.

- а. Йўлдошнинг олдинда келиши*
- б. Йўлдошнинг барвакт кўчиши
- в. Вактидан олдин туғруқ
- г. Бачадон бўйни эрозияси

д. Қин варикозидан қон кетиши.

Б. Олиб бориш тактикаси.

- а. Қоғаноқ сувини ёриш
- б. Тұгруқни чақыртириш
- в. Симптоматик даволаш
- г. Кесарча кесиш*
- д. Тұгруқ йүлларидан туғдириш.

9. 26 ёшдаги 2 - тұгруқ давридаги аёлдарды суст ва қисқа, қиндан қон кетиши билан келди. Бириңчи тұгруқ чилла даврида эндометрит ривожланған. Ҳомила күндаланғ жойлашған.

А. Диагноз.

- а. Йүлдошнинг барвақт күчиши
- б. Йүлдошнинг олдинда келиши*
- в. Бачадон бүйни ёрилиши
- г. Бачадон ёрилиши
- д. Бачадон бүйни полипи.

Б. Даволаш тактикаси.

- а. Тұгруқни давом эттириш
- б. Қоғанок сувини ёриш
- в. Кесарча кирқиши*
- г. Окситоцин томчысы билан тұгруқни кучайтириш
- д. Ҳеч қайсиси түғри эмас.

Үргатуучи тестлар

1. Йүлдошнинг олдинда келишининг қандай 3 тури бор?

Тұлік.

Чети билан.

Ёнбош.

2. Йүлдош олдинда келганды қон кетишига хос бўлган 4 та белгини кўрсатинг:

Ҳомиладорлик вактида тўсатдан конли ажралма келиши.

Оғрик сезмаслик.

Қон кетиши тўхтаб, бир оздан сўнг яна бошланиши.

Профуз қон кетиши мумкин (оғриқсиз).

3. Йүлдошнинг олдинда келишида қандай 4 та клиник симптомлар юзага келади?

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида бирданига қон кетиши

Кўп микдорда қон кетиши

Тұгруқ фаолияти бошланиши билан қон кетишининг кучайиши

Қин орқали кўрилганда гумбазнинг 2/3 қисмида, олдинда келувчи катта хосила аниқланади.

4. Йүлдошнинг олдинда келишида қандай 4 та даволаш усулини биласиз?

- Тұлға келганды - “кесарча кесиши”.
- Қисман келганды - күп қон кетиши натижасыда она ҳаётига хавф пайдо бўлса, “кесарча кесиши”.
- Қисман келиб, қон кетмаганида амниотомия қилинади.
- Ҳар хил усул қўлланилганда, тутрук вақтида, ўткир камқонликка қарши курашилади, қон қўйилади.
5. Йўлдош олдинда келганды тутрукнинг эрта чилла даврида қандай 3 та асорат бўлиши мумкин?
- Йўлдош ажралипининг бузилиши.
- Чилла давридаги септик касалликлар.
- Қоғанок сувлари эмболияси.
6. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчиши патогенезининг 3 моментини кўрсатинг:
- Ворсинкаларо бўшлиқда қон томирларининг ёрилиши билан борадиган қон айланышининг бузилиши.
- Ретроплацентар гематома ҳосил бўлиши.
- Йўлдошда инфарктларнинг ҳосил бўлиши.
7. Қувелер бачадонида қандай 4 хил ўзгаришлар бўлади?
- Бачадон деворига қон шимилади.
- Бачадон кисқариш хусусиятини йўқотади.
- Бачадон ва бачадон сероз қаватининг жароҳати.
- Бачадон имбибицияси фақат йўлдош майдони бор жойда эмас, балки диффуз ҳам бўлади.
8. Нормал жойлашган йўлдош барвакт кўчишида қон ивучанлиги бузилиш патогенезининг 4 та босқичини айтинг?
- Ретроплацентар гематомадан тромбопластин ва фибринолизин конга ўтади.
- Протромбиндан фаол тромбин ҳосил бўлади.
- Тромбин қондаги фибриногенни фибринга айлантиради.
- ДВС-синдроми ривожланади.
9. Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчишида 3 хил клиник кечиш бор:
- Енгил.
- Ўртacha оғир.
- Оғир.
10. Йўлдошнинг олдинда жойлашувиға олиб келувчи 4 та сабабни айтинг:
- Эндометрийнинг сурункали яллиғланиши
- Эндометрийда аборт ва операциялардан кейинги чандиқли ўзгаришлар.
- Трофобласт нидацион функциясининг бузилиши.
- Бачадон миомаси.
11. Йўлдош олдинда келиши профилактикасининг 2 та йўналишини айтинг:
- Абортга қарши кураш
- Жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини даволаш

12. Нормал жойлашган йўлдош барвакт кўчишининг енгил формасида қандай 4 та клиник симптомлар фарқланади?

Бачадон дард орасида бутунлай бўшашмайди

Миометрий тонуси ошган

Хомила юрак уриши деярли ўзгаришсиз

Конли чиқиндилар жинсий йўллардан оз миқдорда ажралади

13. Нормал жойлашган йўлдош барвакт кўчишининг олдини олиш учун қандай 3 та чора - тадбир килиш керак?

Хомиладорлик гипертензия ҳолатларини эрта аниқлаш ва даволаш.

Сурункали инфекцияни даволаш.

Гипертония касаллигини даволаш.

14. Хомиладорлик вактида нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчишига олиб келадиган 4 та сабабни кўрсатинг:

Хомиладорлик гипертензия ҳолатлари.

Она ва боланинг изосерологик номувофиқлиги.

Экстрагенитал касалликлар.

15. Кўчиш даражасига қараб НЖЙБК қандай 2 формаси фарқланади?

Қисман.

Тўлик.

16. НЖЙБК енгил формасига қандай клиник белгилар хос:

Йўлдошнинг кичик қисмида кўчган бўлади.

Оғрикли симптомлар бўлмайди.

Бачадон нормал тонусда.

Хомила юрак уриши ўзгармаган.

Аёлнинг умумий ахволи ўзгармаган, пульснинг бироз тезлашиши кузатилади, ҚБ пасаймаган.

Жинсий йўллардан кам миқдорда кора конли ажралмалар келади.

17. НЖЙБК оғир формасининг асосий белгисини кўрсатинг?

Гемодинамиканинг бузилиши: ҚБ пасайиши, пульс кучсиз, тери қоплами оқарган.

Оғрикли синдром – оғрик дастлаб йўлдош кўчган қисмида, кейин бутун бачадон юзаси бўйлаб.

Хомиланинг она корнида нобуд бўлиши, бачадон таранглашганлиги сабабли хомила қисмлари аниқланмайди.

Бачадон тонусининг ошганлиги.

Ўткир ДВС - синдроми ривожланиши.

18. НЖЙБК ўртacha оғирлик даражасига хос 3 клиник белгини айтинг
Йўлдош ёпишган жойда маҳаллий оғрик.

Бачадон тонуси сустрок.

Хомила ўткир гипоксияси.

19. НЖЙБК ни даволашда қандай 4 усул қўлланилади?

Даволаш усули акушерлик ҳолати ва клиник белгиларга қараб олиб борилади.

Клиник белгилар кучайиб, ички кон кетиш белгилари кучайса, кесарча кесиш операцияси ўтказилади.

«Кювелер бачадонида» бачадон ампутация килинади.

Йўлдош қисман кўчганда, клиник белгилар суст ва ҳомила пуфаги бутунлигига амниотомия қилинади.

20. НЖИБК билан табиий туғруқ йўллари орқали тукқан аёлларда илк чилла даврида қандай З муолажани бажариш зарур?

Бачадон бутунлигини ва мушаклари контрактил қобилиятини аниклаш максадида йўлдошни кўл билан ажратиш ва олиб чиқиш.

Юмпок туғруқ йўлларини кўрув.

Бачадонни қисқартирувчи моддаларни юбориш.

21. Йўлдош олдинда ётиши З формасига таъриф беринг?

Йўлдош тўлиқ ётишида ички бўғиз бутунлай йўлдош тўқимаси билан копланган, кин орқали кўрилганда пардалар аникланмайди.

Йўлдош чети билан ётганда йўлдош пастки кирраси ички бўғиз четида ётади, ички бўғизда пардалар аникланади.

Йўлдош ёни билан ётганда, йўлдош бир қисми ички бўғиз соҳасида, кин орқали кўрилганда йўлдош бўлаклари билан пардалар аникланади.

22. Йўлдош олдинда ётиши клиникасига нималар хос?

Оғриқсиз ташкарига кон кетиши.

Ҳомиладор аёл ҳансираф (холсизланиб қолиши).

Ҳомила олдинда ётган қисмининг юкори туриши.

Ҳомилани номунгизам ҳолати.

Ҳомилани кўндаланг қийшик ёки думбаси билан ётиши.

23. Йўлдош олдинда ётишида кон кетиши хусусиятлари қандай?

Кон кетиши вақти ЙОЁ нинг қайси формасига боғлик.

Алвон рангли кон кетади.

Тўлиқ безовта бўлмаган ҳолатда кон кетиши қайталанади.

Камқонлик даражаси йўқотилган кон ҳажмига борлик бўлмайди.

24. ЙОЁ кон кетишига хос 5 белгини айтинг?

Қонли ажралма ҳомиладорлик даврида тўсатдан бошланади.

Оғриклар бўлмайди.

Қон кетиши тўхтаб, бироздан кейин яна бошланади.

Кўп микдорда кон кетиши мумкин.

Камқонлик келтириб чиқаради.

25. ЙОЁ даволашни танлашдаги 7 омилни санаб ўтинг?

Қон кетиши вақти.

Қон кетиши микдори.

Бемор умумий аҳволи.

Туғруқ йўллари ҳолати.

Йўлдош олдинда ётиши тури.

Ҳомиладорлик муддати.

Ҳомила ҳолати.

26. НЖИБК даволашни танлашдаги 4 омилни санаб ўтинг?

Йўлдош кўчиш даражаси.

Кўчиш пайдо бўлиш вақти.

Ҳомила ҳолати.

Туғруқ йўллари ҳолати.

27. НЖИБК да табиий туғруқ йўллари орқали туғдиришнинг 5 шар-

тини айтинг?

Кўчганлик енгил формаси.

Кам миқдорда қон кетиш.

Аёлнинг коникарли аҳволи.

Ҳомилада гипоксия белгилари бўлмаслиги.

Туғруқ фаолияти яхши тикланган ва бачадон бўйни 4 см га очилган.

28. Табий туғруқ йўллари орқали тудираётганда НЖЙБК да, туғрукни тезлатишнинг 6 усулини санаб ўтинг?

Амниотомия.

Иванов-Гаус бўйича терисига қисқич қўйиш.

Ҳомилани оёғидан айлантириб тортиб олиш.

Вакуум-экстракция ёки акушерлик қисқичлари қўйиш.

Ҳомилани емириш операцияси.

Ҳомила думбаси билан ётганда думбаси билан тортиб олиш.

29. Ҳомиладорлик II ярмида қон кетишга шикоят қилиб келганда, УАШ нинг вазифаси?

Зудлик билан беморни тез ёрдамда тиббий ҳодимлар ҳамроҳлигига туғруқхонага ётқизиш.

30. Поликлиника ва аёллар маслаҳатхонасида ҳомиладорлик II ярмида қон кетишининг олдини олишнинг 4 усулини айтинг.

Абортлар сонини камайтириш мақсадида контрацептивларни кенг тарғиб килиш.

Бачадон ичи аралашувларидан кейин албатта яллиғланишга қарши профилактик муолажа буюриш.

Гениталий аъзолари сурункали касалликларини ўз вактида тўғри даволаш

ЭГК ни ўз вактида даволаш.

31. НЖЙБК даги 6 асосий белгиларни санаб ўтинг?

Бачадон тонусининг ортиши ва таранглашуви.

Ички қон кетиш белгилари.

Ҳомила юрак уриши ўзгариши.

Қоринда оғрик.

ХГХ белгилари.

Камқонлик кучайиши.

32. Ҳомиладорликнинг қайси 4 асорати НЖЙБК га олиб келади?

Гестозлар.

Кўпсувлик.

Кўп ҳомилалик (эгиз ҳомила).

Киндик ўта калта бўлиши.

33. Плацента олдинда келиши профилактикасининг 2 та йўналишини айтинг:

Абортга қарши кураш.

Жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини даволаш.

ХХII БОБ ТУГРУҚНИНГ УЧИНЧИ ДАВРИ ВА ИЛК ЧИЛЛА ДАВРИДА ҚОН КЕТИШ

Мақсад:

Тұгруқнинг учинчи даври ва илк чилла даврида қон кетиши сабаблари билан таништириш (плацентанинг нотұғри ёпишиши ва туғилиш жараёнининг бузилиши, гипо- ва атоник, коагулопатик қон кетиши). Диагностика ва олиб бориш тактикаси ҳақида маълумот бериш. Тезкор әрдам принципларини ўргатиш.

Режа:

1. Тұгруқнинг учинчи даврида қон кетиши сабаблари
2. Плацентанинг нотұғри ёпишиши, таснифи, этиологияси, диагностикаси ва олиб бориш тактикаси.
3. Плацентанинг туғилиш жараёнининг бузилиши, диагностикаси, олиб бориш тактикаси.
4. Қон кетиши тұхтатиши чора-тадбирлари. Йүлдошни ажратиб олиш усуллари. Асоратлари. Оператив аралашувларга күрсатма.
5. Илк чилла даврида қон кетиши сабаблари.
6. Илк тұгруқдан кейинги даврда қон кетиши тұхтатиши усуллари. Операцияяга күрсатма.

Оналар ўлыми 50% дан күп тұгруқдан кейин 24 соат ичидә массив қон кетишига сабаб бүлади. Дунё бүйіча хомиладорларнинг 140 000 дан күштегі тұгруқдан кейинги қон кетишдан ўлади.

22.1. ТУГРУҚНИНГ УЧИНЧИ ДАВРИДА ҚОН КЕТИШИ

Нормал ҳолатда тұгруқда аәл 300-450 мл миқдорда қон йүкотади. Маълумки, плацента жойлашған қисмидан тұгруқнинг I- II даврларыда бачадон деворидан ажралмайды. Бунға сабаб үзидан ажралған прогестерон бачадоннинг биоэлектрик ҳолатини ўзgartыриди, уни бирданияға қисқаришини пасайтириди, фармакологик реактивлігінін сусайтиради, серотониннинг тонусини оширишини тұхтатади.

Шдварда қон кетиши сабаблари

- Йүлдошнинг бачадон деворидан нотұғри ажралиши
- Ажралған йүлдошнинг бачадонда тутилиб қолиши
- Тұгруқ йүлдідегі жароқатлар
- Гипотоник қон кетиши
- Плацентанинг бачадон деворига қаттықроқ ёки қаттиқ ёпишиши

Йүлдош ажралиш давридегі қон кетишилар айрим ҳолларда нормага нисбатан чукуррок бачадон деворига ёпишиши билан борлық.

Клиникаси.

Плацента бирикіш аномалиясида қон кетиши асосий симптом ҳисоблады. 30 минут давомида қон кетиши ёки плацента ажралиш белгилари күзатылмаса, бачадон тонусини оширувчи воситаларнинг фойдасы бўлмаса, 10 минутдан кейин бачадон бўшлири кўл билан тозаланади. Қон кетиши

300 мл дан күп бўлган холларда ҳам ба-
чадон бўшлиги кўл билан текшириб кў-
рилади. Плацента чин бирикишини пла-
центани бачадон деворидан жаррохлик
йўли билан ажратиш вактида билинади.
Плацентанинг кисман чин бирикишида
унинг бир кисми кўчганлиги учун кон
кетиш кузатилилади ва Креде усули кўлла-
нади (22.1.-расм). Тўлиқ зич бирикишида
мажбурий ажратиш усуллари кўлланил-
маса куч ишлатилмаса кон кетиш куза-
тилмайди.

Туғруқнинг учинчи даврида кон ке-
тиш кузатилмаса, плацента ажралиш
белгилари кузатилмаса ҳамма аёлларда
плацента кўл ёрдамида ажратилади.

Плацента ажралишининг ушланиб
колиши

Плацента ажралишининг ушланиб қолишида кон кетмаслиги мумкин.
Агар йўлдош кўринаётган бўлса, аёлга кучаниб уни итаришини сўранг.
Агар кинда йўлдош борлигини сезсангиз уни олиб ташланг.

Сийдик пуфаги бўшлиғига ишонч ҳосил қилинг. Заруриятга караб,
сийдик шуфагини катетеризация қилинг.

Агар йўлдош ажралмаган бўлса, III даврни актив олиб борилганда
хали ишлатилмаган бўлса, 10 бирлик окситоцинни м/o га юборинг.

Эргометринни ишлатманг, чунки бу препарат бачадоннинг тоник
кисқаришларига ва йўлдошнинг ушланиб қолишига олиб келади. Агар
окситоцин билан олиб борилган стимуляциядан 30 минутдан сўнг йўл-
дош ажралмаса, бачадон кисқарган бўлса, у ҳолда киндик тизимчасини
назоратли тортиш йўлидан фойдаланинг.

Эслатма: Киндик тизимчасини қаттиқ тортишдан ва бачадон тубига
каттиқ босишдан эҳтиёт бўлинг, чунки бундай харакатларингиз бачадон-
нинг ағдарилиб қолишига олиб келади. Агар киндик тизимчасини назо-
ратли тортиш фойда бермаса, у ҳолда плацентани кўл билан ажратишга
киришинг (22.2.-расм).

Йўлдошни кўл ёрдамида олиб ташлаш.

Кўрсатмаларни баҳоланг.

Ёрдам кўрсатишнинг асосий қонунларига амал қилинг ва т/и га суюк-
лик қўйишни бошланг.

- Рухан кўллаб-куватланг. Диазепам в/и га охиста юборинг ёки
кетамин кўйинг.

- Олдини олувчи антибиотикларнинг бир марталик микдорини
белгиланг

- 1 Ампициллин в/и 2г + метронидазол в/и 500 мг;

- Ёки цефазолин в/и 1г+метронидазол в/и 500 мг

- Киндикни кискичда ушлаб туринг. Полга параллел жойлашгунга



22.1.-расм. Креде усули.

қадар киндикни эхтиёткорлик билан тортинг.

- Зарарсизлантирилган қүлқоп кийиб, қўлингизни кинга киритинг ва киндик бўйлаб уни бачадон ичига олиб боринг.

- Киндикни қўйиб юборинг ва бачадон ағдарилишининг олдини олиш, бачадон тубини ушлаб қолиш ва йўлдошни олиб ташлашда боғламларини четга сурин учун иккинчи қўлингизни она қорнига қўйинг.

Эслатма: Агар бачадон ағдарилиши рўй берса, уни ортига қайтаринг.

Киндик тарафдан йўлдош чети аниклангунча бармогингизни илгари-лаб боринг.

Киндик узилиши содир бўлса, қўлингизни бачадон бўшлиғига кири-тинг. Йўлдош ва бачадон ўртасидаги чегарани аниклаш учун бачадоннинг ички бўшлигини текшириб қўринг.

Ўрнашган жойидан плацентани ажратинг, йўлдош ва бачадон девори ўртасида бўшлиқ хосил қилиш учун бармоқларингизни зич тутинг ва каф-тингиз ёнларини ишлатинг.

Плацентанинг ҳамма кисмлари бачадон деворидан ажралгунча, у би-риккан жой соҳасида аста-секин муолажа ўтказинг.

Агар плацента бармоқларингизнинг хушёрлик билан аррага ўхшаш ҳа-ракати оқибатида бачадон устки қаватидан ажралмаётган бўлса, плацента бачадонга ўсиб киргандигини фараз қилинг ва лапаротомия ёки субтотал гистерэктомия ўтказинг.

Плацентани ушланг ва аста-секин қўлингизни йўлдош билан бирга ба-чадондан чиқариб олинг (22.2.-расм).

Бошқа қўлингиз билан бачадонни ковдан узоқлантиришни амалга оширишни давом этинг, бачадондан чиқаётган қўлнинг ҳаракатига кара-ма-карши йўналишда ҳаракатлантиринг.

Қўлни бачадон бўшлиғидан чиқариб олиш

Бачадон бўшлиғи ички юзасини текширинг ва йўлдошнинг ҳамма тўқималари олиб ташланганига амин бўлинг.

Окситоцин в/и 20 бирл, 1 литр эритмада (физ эритма ёки Рингер лакта-ти) 1 мин 60 томчи тезликда юборинг.

Бачадоннинг тоник уришини амалга ошириш учун, ёрдамчидан бачадон тубини ташқаридан массаж қилишни сўранг.

Давомий кўп кон кетиши кузатилса, эргометрин м/и 0,2 мг ёки проста-гландин юборинг.

Плацентанинг бачадон юзасини текширинг ва унинг тўликлигига амин бўлинг. Агар плацента тўқималаридан бири қолиб кетган бўлса, уларни олиб ташлаш учун бачадон бўшлиғини текширинг.

Аёлнинг туғруқ йўлларини диққат билан кўриб чиқинг ва бачадон бўйни, кин ёки оралиқни эпизиотомиядан кейин тўликлигини тикланг.

Муаммолар.

- Агар йўлдош ушланиб қолипи контракцион ҳалқа сабабли ву-жудга келса, ёки тукканидан кейин бир неча соат ёки кун ўтган бўлса,

кўлни бачадон бўшлиғига киритиш имкони бўлмай қолиши мумкин. Йўлдош кисмларини икки барморингиз, тўмтоқ қисқич ёки катта кюретка ёрдамида олиб ташланг.

Муолажадан кейинги парвариш.

Тинчлантириш учун белгиланган в/и дорилари таъсири ўтгунча аёлни диккат билан кузатинг.

Аёл хаётий фаолиятларини (томир уриши, қон босими, нафас олиши) келгуси б соат ичидаги ёки меъёрига келгунча ҳар 30 дақикада ўлчаб, уни кузатинг.

Бачадон кискарғанлигига амин бўлиш учун унинг тубини пайпасланг.

Ортиқча оқмалар чиқишини назорат қилинг.

Вена ичига суюқлик юборишни давом этинг.

Зарурият туғилса, қон куйишни амалга оширинг.

Эслатма: Агар тўқималар жуда қаттиқ ёпишиб қолган бўлса, бундай ҳолат йўлдошнинг чин ёпишиб қолиши деб аталади. Қийин ажралаётган йўлдошни ажратиш ҳаракатлари кўп кон кетиб қолишига ёки бачадоннинг перфорациясига олиб келади. Бундай асоратларни гистерэктомия килиш зарур бўлади.

Плацентанинг зич ва чин бирикиш этиологияси ва патогенезини З гурхга бўлиш мумкин:

Ҳомиладор аёл организмининг ҳолати, эндометрий ва миометрийдаги структур-морфологик ўзгаришларга боғлиқ.

Хорион ворсинкалари гиалуронидаза ферментининг активлигига боғлиқ.

Юқоридаги иккала омилнинг бирга келиши.

Плацента чин бирикишини плацентани бачадон деворидан жарроҳлик йўли билан ажратиш вактида билинади. Плацентанинг қисман чин бирикишида унинг бир қисми кўчганлиги учун кон кетиши кузатилади, тўлик зич бирикишида мажбурий ажратиш усуслари кўлланилмаса, куч ишлатилмаса кон кетиши кузатилмайди. Плацентани тўлик ажратиш иложи бўлмаса, гемотрансфузияни бошлаб бачадонни олиб ташлаш жарроҳлик амалиёти кўлланилади.

Агар кон кетиши давом этаверса, кроват олди тестидан фойдаланиб, коннинг ивишини текиринг. Коннинг секин ивиши (7 минутдан кўпроқ) ёки кон юмшоқ ивиса ва тез бузилиб кетса, коагулопатияни тахмин килиш зарур.

Агар инфекциянинг белгилари бўлса (тана харорати баланд, киндаги ажралмаларнинг ҳиди сассиқ) худди метритдаги сингари антибиотиклар буюринг.

22.2. ТУГРУҚДАН КЕЙИН ИЛК ЧИЛЛА ДАВРИДА ҚОН КЕТИШИ

Тугруқдан кейинги илк давларида кон кетиши сабаблари (4 Т):

Йўлдош кисмлари колиб кетиши (Т-Тўқима)

Тугруқ йўллари жароҳатлари (Т-Травма)

Гипо- ва атоник кон кетиши (Т-тонус)

Коагулопатик қон кетиши – ТИҚИ (Т-тромб)

Тұғруқдан кейинги даврда 500 мл дан ортиқ қон кетиши туғруқдан кейин қон кетіші (ТКҚҚ) деб қабул қилинган. Лекин бунда муаммолар туғилады:

одатда йүқотилған қон миқдорини күпинча камайтириб баҳоланади, баъзи ҳолларда асл йүқотилған қоннинг ярми күрсатиласы. Қон амниотик суюклиқ ёки сийдик билан аралашып кетиши мүмкін. У тампонларга, сочиқ, чойшабларга, лоток ва полга тушиши мүмкін;

аник йүқотилған қон хажми аёл гемоглобинининг аслидаги миқдорига боғлиқ. Гемоглобини нормал аёллар қон кетишига бардошли, камқон аёлларда эса бу ҳолат ҳағфли оқибатларга олиб келади, қон кетиши секин-асталик билан бир неча соатлаб давом этиши, бу ҳолат сезилмаслиги ва аёл бирдания шок ҳолатига тушиб қолиши мүмкін.

Анемия бўлмаган ҳатто соғлом аёлларда ҳам кучли қон кетиш бошланиси мүмкін.

Аёлларда ТКҚҚ ҳағф омилларини антенатал даврда ҳар доим ҳам баҳолаб бўлмайди. Барча аёлларда III даврни фаол олиб бориш бачадон атониясининг олдини олиб, қон кетишини камайтиради. Ҳамма туғаёттан аёллар ТКҚҚни аниқлаш учун қаттиқ кузатувда бўлишлари керак.

Муаммолар.

- Тұғруқдан кейин биринчи 24 соат ичидә қиндан қон кетишининг кўпайиши (эрта ТКҚҚ).
- Тұғруқдан 24 соатдан кейин қиндан қон кетишининг кўпайиши (кеч ТКҚҚ).

Қон кетишининг секин давом этиши ва бирдания кетиши зудлик билан тадбирлар олиб боришни талаб қилади. Аралашувларни дархол ва фаол олиб бориш зарур.

Гипотоник қон кетишини келтириб чиқарувчи сабаблар:

1. Узок давом этган оғриқли тұғруқ натижасыда организм ва МНС چарчаши.
2. Ҳомиладорликнинг 2 ярми гипертензия ҳолатлари, гипертония касаллиги
3. Бачадон анатомик нуксонлари: бачадон ривожланиш нуксонлари, бачадон миомаси, ўтказилған яллигланиш касаллiliklari, кўп сонли абортлар.
4. Бачадоннинг функционал етишмовчилиги: кўп сувилик, кўп хомиалик натижасыда бачадоннинг ҳаддан ташқари чўзилиши
5. Плацентанинг олдинда келиши ёки паст жойлашиши

Асосий даволаш

- Ёрдамга чакириңг. Бўш ходимларнинг ҳаммасини жалб қилинг.
- Аёлнинг ахволига баҳо бериш учун асосий күрсатмаларни, яшаш учун зарур функциялар фаолиятини тезлик билан баҳоланг, (пульс, артериал қон босими, нафас олиши, тана ҳарорати).

◦ Агар шок тахмин қилинса, уни дархол даволашга киришинг. Шокнинг белгилари ҳали кўринмаса ҳам ахволи тез оғирлашиб қолишини хисобга олиб, аёлнинг ахволини келгусида баҳолашда уни ёдда тутинг.

Агар шок ривожланаётган бўлса, даволашни зудлик билан бошлаш зарур (22.1.-жадвал).

22.1.-жадвал

Йўлдош ажралиши билан ТКҚҚ беморларда ўтказиладиган чора-тадбирлар

Таъминланг:	Кўлдан:
Бачадон қисқаришини	Массаж. Бачадонни биманути ком-прессияси, агар зарур бўлса, окситоцин ҳийта юбориш
Сийдик қўлини бўнатинг	Донмий катетер
Қон айланни ҳажмани	
Инфекциядан ҳимоя	Кенг кўламдаги антибиотиклар
Ходигини қузатни	Тери қопалмалари рангини умумий боҳзотинг, нулье, қон босими, қон кетими ҳажми, зе - хуни даризкасан
Беморга иссанғ режим	Кўриш
Аниқ ғаувалар	Ғаувалар ва жадвалилар
Қон беринча тайёр қариндошлини ча қириши (аёғига қариндошлини замроҳ бўлиндари керак)	

- Бачадоннинг яхши қисқариши учун халақит берадиган қон ва қон лахталарини олиб ташлаш учун бачадонни ташқаридан массаж қилинг, улар бачадон қисқаришини секинлаштиради.
- 10 бирлик окситоцинни м/о га юборинг.
- т/ига эритмалар юборишни бошланг.
- Сийдик пуфагини катетеризация қилинг.

Йўлдошнинг ажралганига ва унинг бутунлиги, колдиқлар қолмаганига ишонч ҳосил қилинг.

Бачадон бўйинини, қин ва ораликда ёриклар, йиртиқлар йўқлигини текшириб кўринг. Темир препаратларини (60 мг дан) фолат кислота билан (400 мкг) дан 1 марта 6 ой беринг.

Қонни тўхтатиб бўлганингиздан кейин (қонни тўхтатгандан 24 соатдан кейин) анемияси борлигини билиш учун гемоглобин ва гематокритга текширинг:

Агар гемоглобиннинг миқдори 70 г/л дан паст ёки гематокрит 20% дан паст бўлса: (анемиянинг оғир даражаси) З ойга темир препаратларни (100 мг дан оғизга) фолат кислота билан (400 мкг дан) кунига 1 марта беринг; З ойдан сўнг темир препарат билан (60 мг дан) фолат кислотани (400 мкг дан) 1 мартадан 6 ой бериб муолажани давом эттиринг.

Агар гемоглобин миқдори 70-110 г/л бўлса, темир препарат билан (60 мг дан) фолат кислотани (400 мкг дан) 1 мартадан 6 ой беринг.

Түргүркдан кейин қиндан қон кетишининг диагностикаси

Мавжуд симптомлар, башда симптом ва белгилар	Баъзизда учрайдиган симптом ва белгилар	Тахминий диагноз
● ЭртаTKKK ● Бачадон юмшок, қисқармайды	● Шок	Бачадон атонияси
● ЭртаTKKK	● Йүлдош бутуни Бачадон	Бачадон бүйни, қин ва оралық
● Түргүркдан 30 минутдан сүнг йүлдөн ажратмаяпти	● ЭртаTKKK ● Бачадон қисқарған	Йүлдош ажралишининг кечинини
● Йүлдошнинг оналик томонида етишмөвчилік ёки пардаен йиртилган жойда очиқ, қол томирлар	● ЭртаTKKK ● Бачадон қисқарған	Йүлдош кисемларшиң ушланиб қолини (йүлдөн бүлагининг нүксөни)
● Қоринин нальзация киалиб бачадон түбний аниқлаб бўлмайди ● Енгил ёки кучли оғриқ	Қиндан кўришиб турган бачадоннинг ағдарилиб қолиши ● Эрта TKKK	Бачадоннинг ағдарилиб қолини
● Түргүркдан сүнг 24 соатдан кейин қон кетиши ● Бачадон юмшок ва муддатига ишбатан катта	Турлича тезликда кўланса хидди қон кетини (енгил ва кучли, давомли ёки помутазам) ● Анемия	Кечки TKKK
● Эрта TKKK (қорип бўлширига ёки қин орқали қон)	● Шок ● Қорин	Бачадон ёрсланиши
● Қоринда кучли оғриқ (бачадон ёрилгандан сүнг камайини)	● Онада қон томир үринин тезламишаг	

Даволаш.

Бачадон атонияси:

Атонияли бачадон түргүркдан кейин қисқара олмайди

- Бачадонни массаж килишни давом эттиринг
- Утеротоник препаратлардан бирга ёки кетма-кет фойдаланинг (22.3.-жадвал).

Гемотрансфузияни заруриятга кўра ва керак бўлса куйинг.

- Агар қон кетиши давом этаётган бўлса:

йўлдошни яна бир бор бутунлигини текшириб кўринг;

- агар бачадонда йўлдош фрагментлари қолган бўлса (она томонидан бўлаклар етишмовчилиги ёки парда йиртилиши оқибатида очилиб қолган томирлар), колиб кетган тўқималарни олиб ташланг.

Утеротоник препаратларни фойдаланиши

О қоннинг ивипини кроват олди тести билан текириб кўринг. Қоннинг секин иви-ши (7 минутдан кўпроқ) ёки қон юмшоқ ивиса ва тез бузилиб кетса, коагулопатия-ни тахмин қилиш зарур.

	Окситоцин	Эргометрин (метиларгометрин)	15 метил - простагландин F2
Инициалии ўзни на дозаси	В /ига: 1 эритмада 20 бирликни эритиб, 1 дақиқада 60 томчидан юборинг 10 бирлик м/о	М/ога ёки в/ига (секин-иста): 0,2 мг дан	М/о га: 0,25 мг дан
Чашлаб турувчи доза	В /ига: 1 эритмада 20 бирлик окситоцини эритиб. 1 дақиқада 40 томчидан юборинг	М/о га 0,2мгдан ҳар 15 дақиқада қўйтиринг Заруротга қараб ғаъриб 0,2 мг дан м/о ёки в /и (секин-иста) ҳар 4 соатда	0,25 мг ҳар 15 дақиқада
Максимал доза	Таркибида окситоцин бўлган эритманни 3 л дан ортиқ қуимаслик	5 доза (умумий дозаси 1,0 мг)	8 доза (умумий доза 2 мг)
Огоҳдантириш Мониторинг	В/ига шприц билип юборинг	Прокламация, гипертензия, юрик хастасиҳлари	Астма

- Олиб борилаётган тадбирларга қарамай қон тўхтамаса:
- бачадонни икки кўллаб босинг (22.4.-расм) :



стерил кўлқопларни кийиб, қўлни мушт қилиб, бачадон ичига киритинг.

муштни олдинги гумбазга кўйинг ва у билан қоннинг олдинги деворига босинг;

бошқа кўл билан бачадонни орқасини қорин томондан бачадоннинг орқа деворига куч ишлатиб босинг;

* бачадон қискаришни бошламагунча ва кон тўхтамагунча босишни давом эттиринг.

* Шундай йўл билан аортани ҳам қисиш мумкин (22.4.-расм).

* Кўлни мушт қилган ҳолда пастга қараб кориннинг олдинги деворидан босинг;

* Босиш нуктаси киндиқдан юкори ва чапрокда;

* Аорта пульсациясини туфруқдан кейинги эрта даврда қориннинг олдинги деворидан пайпаслаб билиш мумкин;

* Бошқа қўлингиз билан яхши босганингизни

**22.4.-расм. Аорта-
ни босиш ва a.femor-
alis да пульсация-
ни аниқлаш.**

аниклаш учун

а. Femoralis пульсациясини текшириб кўринг.

Агар босганингизда пульс пайпасланса, мушт билан босганингиз етарли эмас;

- Агар пульс пайпасланмаса, етарли;
- Кон тўхтамагунча мушт билан босишни давом эттиринг;
- Агар босишингизга қарамай, кон кетиши давом этаверса:
 - бачадон ва бачадон тухумдан артерияларини бойланг.
 - агар бойлаганингиздан кейин ҳам ҳаёт учун хавфли кон кетипи давом этса, у ҳолда субтотал гистерэктомия килинг

Бачадон бўйни, қин ва оралиқнинг йиртилиши.

Туғруқ йўлларининг йиртилиши ТКҚК да иккинчи асосий сабабдир. Улар кўпинча бачадон атонияси билан бирга келади. Бачадон кисқарганда туғруқдан кейин кон кетиши одатда бачадон бўйни ёки киннинг ёриқлари йиртилиши туфайли бўлади.

Аёлни синчилаб текширинг ва бачадон бўйни ва қин, ораликларнинг ёриқларини тикланг.

Агар кон кетиши давом этаверса, кроват ёнидаги тестдан фойдаланиб, коннинг ивишини текширинг. Коннинг секин ивиши (7 минутдан кўпроқ) ёки кон юмшоқ ивиса ва тез бузилиб кетса, коагулопатияни тахмин килиш зарур.

Йўлдош қисмларининг ушланиб қолиши.

Йўлдош қисмлари ушланиб қолганда кон кетиш кузатилмаслиги мумкин.

Йўлдош қисмлари — битта ёки ундан ортиқ бўлаклари бачадон ичидан ушланиб қолса, бу унинг яхши қисқаришига тўсқинлик килади.

Бачадон бўшлигини яхшилаб бўлаклари қолиб кетганини кўришга текширинг. Бачадонни кўл билан текшириш техникаси йўлдошнинг ушланиб қолишида бажариладиганга ўхшаш бўлади.

Йўлдош фрагментларини кўл, кориндаги коринцанг ёки катта кюретка билан олиб ташланг.

Эслатма: Агар тўқима жуда каттиқ ёпишган бўлса, бу йўлдошнинг чин ёпишиб қолиши хисобланади. Кийин ажралаётган йўлдошни ажратиш харакатлари кўп кон кетиб қолишига ёки бачадоннинг перфорациясига олиб келади. Бундай асоратларда гистерэктомия килиш зарур бўлади.

▪ Агар кон кетиши давом этаверса, кроват олди тестидан фойдаланиб, коннинг ивишини текширинг. Коннинг секин ивиши (7 минутдан кўпроқ) ёки кон юмшоқ ивиса ва тез бузилиб кетса, коагулопатияни тахмин килиш зарур.

Бачадоннинг ағдарилиб қолиши

Йўлдош ажралаётган вақтда бачадон ичидан ташқарига ағдарилиб қолса, бачадоннинг ағдарилиб қолиши дейилади. Бачадоннинг репозицияси дарҳол бажарилиши лозим. Вақт ўтиши билан ағдарилиб қолган бачадон атрофидаги айлана таранглашиб, бачадоннинг ичи эса қонга тўлиб қолиши мумкин.

Эслатма: Бачадоннинг афдарилиб қолишини коррекция қилмагунча, утеротониклар ишлатманг.

Бачадонни коррекция қилиб бўлгандан сўнг, антибиотиклар юборинг.

- ампициллин 2 г/и га ва метронидазол 500 мг в/и га;

- ёки цефазолин 1 г/и га ва метронидазол 500 мг в/и га;

Агар инфекциянинг белгилари бўлса (тана ҳарорати баланд, қиндаги ажрамаларнинг хиди сассик) худди метритдаги сингари антибиотиклар бу-юринг.

Агар некрозга шубха килсангиз қин соҳасидан гистерэктомия қилинг. Бу аёлни маҳсус марказга олиб ўтиши талаб этади.

Тугрукдан кейин кеч («неккиламчи») қон кетиши.

- Агар оғир анемия (гемоглобин 70 г/л ёки гематокрит 20% паст) бўлса қон қўйинг ва темир препаратларини ва фолат кислота беринг.

- Агар инфекциянинг белгилари бўлса (тана ҳарорати баланд, қиндаги ажралмаларнинг хиди сассик) худди метритдаги сингари антибиотиклар бу-юринг. Кеч ёки чўзилган ТКҚК метритнинг белгиси бўлиши мумкин уте-ротониклар беринг.

Агар бачадон бўйни очиқ бўлса, қўл билан бачадонни текшириб, бўшлиқдан қон лахталари ва йўлдошнинг фрагментларини олиб ташланг. Бачадонни қўл билан текшириш техникаси йўлдошнинг ушланиб қолиши-даги каби бажарилади.

Агар бачадон бўйни ўз холига қайтган бўлса, унда бачадон бўшлиғи-даги йўлдошнинг колдикларини эвакуация қилинг.

Баъзи ҳолларда қон кетиши давом этса, бачадон ва бачадон-тухумдон артерияларини бойланг ёки гистерэктомия қилинг.

Трофобластик касаллик йўклигини текшириш учун иложи бўлса, бача-дон ичидан қириб олинган нарсаларни ёки гистерэктомия қилинган мате-риални гистологик текширувга беринг.

Амалий қўнималар.

1. Йўлдошни қўл билан ажратиш

Тайёргарлик.

1. Керакли асбобларни тайёрлаш.

2. Беморга муолажа хақида тушунтиринг. Уни дакқат билан эшитинг, саволларига жавоб беринг, уни тинчлантиринг.

3. Бутун муолажа вактида bemorni эмоционал қўллаб-қувватланг.

4. Бемордан сийдик қопини бўшатишни сўраймиз ёки унга катетер қўймиз.

5. Анестезия қиласиз.

6. Антибиотик профилактик дозасини юборамиз.

7. Қўлни ювамиз ёки антисептик эритма билан қўлни артамиз ва сте-рилланган қўлқоп ёки чукур дезинфекцияланган қўлқоп киямиз.

Муолажа.

1. Пинцет билан киндик ҳалқасини ушланади ва секин уни тортилади.

2. Бир қўлимизни бачадон бўшлиғига киритамиз ва йўлдош ёпишган жойни топамиз.

3. Иккинчи қўлимизни қорин деворига қўйиб контракция қилиб ушлай-миз.

4. Бачадондаги кўлимизни секин-аста аррасимон харакатлар билан йўлдошнинг ёпишган жойларини кўчирамиз, бачадон деворидан йўлдошнинг ҳамма қисмлари ажралмагунча давом эттирамиз.

5. Бачадон бўшлиғидан кўлимизни оламиз, бачадон тубини босишни давом эттирамиз (контракция).

6. Томир ичига окситоцин юборамиз.

7. Кон кетиши профилактикаси учун бачадон тубини ташқи уқалаймиз.

8. Агар кўп микдорда кон кетса метил эргометрин мушак орасига ёки простагландин юборилади.

9. Йўлдош она томонини яхшилаб кўздан кечирилади, унинг бутунлигига ишонч хосил килинади.

10. Бачадон бўйни ва кинни кўздан кечирамиз.

Муолажадан кейин.

1. Кўлкоп ечишдан олдин ишлатилган материалларни контейнер нерга ёки пластик копга солинади.

2. Ишлатилган шприцлар ва игналарни тешилмайдиган контейнерга солинади.

3. Кўлкоп ечилади ва 0,5% хлорли оҳакка солинади.

4. Кўлларни яхшилаб ювилади, бачадон қисқараётганлигини кузатамиз.

5. Туғруқ тарихига ёзилади.

2. Бачадон бўшлиғини қўл билан текшириши

1. Керакли жиҳозларни тайёрланг

2. Аёлга (ва унинг яқинларига) килинадиган муолажани тушунтириинг, унга дикқат билан кулок солинг, саволларига жавоб беринг, тинчлантириинг.

3. Аёлдан сийдик қопини бўшатишини сўранг ёки катетерланг.

4. Анестезия қилинг.

5. Антибиотикнинг профилактик дозасини юборинг.

Муолажа

1. Кўлларни яхшилаб ювиб ёки антисептик эритма билан ишлов бериб стерил ёки ЧД кўлкопни кийинг.

2. Қорин олди деворига стерил салфеткани чап қўл билан қўйинг.

3. Бир қўлни бачадон бўшлиғига киригинг.

4. Иккинчи қўлингиз билан бачадон тубини қорин девори орқали ушлаб олинг.

5. Бачадон бўшлиғидаги қўлни секинлик билан аррасимон харакат қилиб бачадон бўшлиғидан йўлдош қолдиқларини ажратинг.

6. Бачадон бўшлиғидан йўлдош қолдиқларини ҳаммаси ажрагандан сўнг қўлни кон куйжалари ва қолдиқлари билан бирга бачадон бўшлиғидан чиқаринг, бачадон тубини босишни давом эттиринг.

7. Томир ичига окситоцин киригинг.

8. Кон кетишини профилактикаси учун бачадон тубини ташқи массаж қилинг.

9. Агар кўп микдорда қон кетса т/и метилэргометрин ёки простагландинлар юборинг.

10. Аёлни кўзгуда кўринг ва бачадон бўйнини ёки қинни барча йиртилишларини тикланг.

Муолажани ўтказгандан кейинги вазифа.

1. Кўлқопларни ечишдан олдин ишлатилган материалларни тешилмайдиган контейнерга ёки пластик қопга ташланг.

2. Ишлатилган шприц ва игналарни тешилмайдиган контейнерга ташланг.

3. Бир марталик кўлқопларни ечинг ва тешилмайдиган контейнерга ташланг ёки агар улар кўп марталик бўлса уларни 0,5%хлор эритмасига солиб қўйинг.

4. Кўлларни яхшилаб ювинг.

5. Қон кетишини кузатинг, аёlda хаётий мухим аъзолар кўрсаткичларини аникланг ва бачадонни яхши қисқарганлигига ишонч ҳосил килинг

6. Касаллик тарихига ёзиб қўйинг.

3. Қорин аортасини босиш

1. Киндиқдан озгина чапга ва юкорига кўлингизни мушт килиб қўйинг.

2. Қорин аортасини бевосита қорин девори орқали босинг.

3. Иккинчи қўл билан a.femoralis (сон артерияси)ни пайпаслаб босилиш даражасини аникланг.

4. Қон кетиши тўхтагунча босишини давом эттиринг, бачадон қисқаршини ва вагинал қон кетишини кузатиб туринг.

4. Бачадонни бимануал босиш

Тайёргарлик.

1. Аёлга муолажа ҳакида тушунтиринг, уни диккат билан эшигинг.

2. Аёлни эмоционал қўллаб-қувватланг.

3. Индивидуал химоя воситаларини кийинг.

Бимануал босиш.

1. Кўлларни ювинг ва чукур заарсизлантирилган дезинфекцияланган ёки стерил кўлқоп кийинг.

2. Ташки жинсий аъзо ва оралиқни артиб тозаланг.

3. Бир кўлингизни мушт килиб кин олдинги гумбазига киритинг ва бачадон олдинги деворини босинг.

4. Бошқа кўлингизни корин устидан бачадонни оркасидан ушланг, қоринни шундай босингки, бачадон орка деворини симфиз томонга итаришинг.

5. Қон кетиши тўхтагунча ва бачадон қисқаргунча давом эттиринг.

Муолажадан кейин.

1. Кўлқоп ечишдан олдин ишлатилган материалларни контейнер ёки пластик қопга солинади.

2. Кўлни яхшилаб ювинг.

3. Қиндан қон кетиши ва аёлнинг ҳаёт кўрсаткичларини кузатинг, ба-

чадон яхши қисқарғанлигига ишонч ҳосил қилинг.

Масалалар.

1. Ҳомиладор аёл 21 ёш, биринчи түгруқ, түккандан сўнг 15 дакикадан кейин йўлдош ажралди ва туғилди. Парда ва бўлаклари ҳаммаси бутун. Кон кетиш кузатилди.

I. Кон кетишнинг сабаби нима хисобланади?

A. Бачадон гипотонияси.*

B. Нормал йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши.

V. Түгруқ жарохати.*

G. Клитор варикоз кенгайган веналарининг ёрилиши.

D. Йўлдошнинг дефекти.

2. Биринчи ҳомиладор аёл туғруқнинг иккинчи даврида келди. Йўлдош туғилгандан сўнг кон кетиш кузатилди. Кон кетишнинг сабаби нима хисобланади?

A. Түгруқ йўллари юмшок тўқимасининг йиртилиши.*

B. Плацентанинг пастда жойлашиши.

V. Кон ивиш тизимининг бузилиши.*

G. Йўлдош дефекти.*

D. Бачадон гипотонияси.*

3. 29 ёшли ҳомиладор аёлда шиддатли түгруқ бўлди. Учинчи давридан кейин кўп қон кетиш кузатилди. Йўлдош ва юмшок тўқималари бутун. Утеротониклар юборилди, қон кетиш давом этаяти.

I. Қандай диагноз кўясиз?

A. Бачадон атонияси.*

B. Бачадон гипотонияси.

V. Клитор ёрилиши.

G. Қин орқа девори ёрилиши.

D. Бачадон ёрилиши.

II. Сизнинг кейинги тактикангиз?

A. Бачадонни мушт билан массажи.

B. Ампутация.

V. Экстирпация.*

G. Параметрийни клеммалаш.

D. Бачадон бўйни йиртигини тикиш.

4. 30 ёшли И. исмли ҳомиладор аёл туғруқхонага II давр охирида келтирилди. Анамнезида 1 түгруқ ва 4 сунъий аборт, охиргиси бачадон деворларини қайта кириш билан асоратланган. Ушбу ҳомиладорлик 6. 1 соатдан сўнг тирик етилган қиз туғилди, вазни 3500, узунлиги 50 см, Апгар шкаласи бўйича 8/9 балл. III даврда йўлдош ажралиш белгилари бўймасдан, кон кетиш кузатилганлиги сабабли бачадон бўшлифи ва деворлари қўл билан текширилди ва плацентанинг қисман чин ўсганлиги

аниқланди.

I. Сизнинг диагнозингиз?

A. Плацентанинг ўсиб кириши.*

B. Бачадон атонияси.

V. Бачадон гипотонияси.

G. Плацента дефекти.

D. Коагулопатик кон кетиш.

II. Олиб бориш тактика:

A. Ампутация.

B. Экстирпация.*

V. Аортани мушт билан босиш.

G. Консерватив олиб бориш.

D. Спазмолитиклар.

5. А. исмли ҳомиладор аёл акушерлик клиникасига фаол кучаниқлар билан келтирилди. 4 та ҳомиладорлик бўлган, 1 та нормал туғруқ билан якупланган, колганлари аборт. Туғруқхонага келгандан 30 мин. дан сўнг етилган тирик ўғил туғилди, вазни 4200. 30 мин. ичida плацентанинг кўчиш белгилари йўқ. Кон кетиш йўқ.

I. Тахминий диагноз?

A. Плацентанинг зич ёпишиши. *

B. Йўлдошнинг қисилиши.

V. Бачадон гипотонияси.

G. Бачадон ёрилиши.

D. Бачадон атонияси.

II. Кейинги тактика?

A. Бачадон ампутацияси.

B. Бачадон бўшлигини кўл билан текшириш.*

V. Утеротониклар юбориш.*

G. Туғруқдан кейинги палатага кўчириш.

D. Корин пастига муз ва юқ қўйиш.

6. Ҳомиладор аёл туғрукнинг учинчи даврида, туғруқ 10 мин. оддин бўлиб ўтди. Етилган тирик ўғил туғилди, 3700. Чукалов-Кюстнер белгиси мусбат. Қиндан тўқ қонли ажралма кам миқдорда келаяти.

I. Нима қилиш керак?

a. Мегилэрғометрин юбориш.

b. Йўлдошнинг мустақил туғилишини кутиш.

v. Йўлдошни кўл билан ажратиб олиш.

g. Ташки усуслар билан йўлдошни түғдириб олиш.*

d. Корин пастига муз кўйиш.

7. 30 ёшли қайта тукувчи тиббиёт марказида етилган тирик чақалок туқкан, вазни 4,2 кг. Бола туғилгандан сўнг унга 0,2 мг Эргометрин юборилган. Плацента 5 мин.дан сўнг асоратсиз ажралди, кон кетиш тўхтамади. Томир уриши 88та мин., АҚБ 110/80 мм.сим.уст. Бачадон кисқарган ва каттиқ. Плацента бутун.

I. Тахминий диагноз.

- А. Түрүк йўллари йиртилиши.*
- Б. Гипотоник кон кетиши.
- В. Коагулопатик кон кетиши.
- Г. Бачадоннинг ёрилиши.
- Д. Йўлдош қисмларининг бачадонда қолиппи.
- И. Шифокор тактикаси.
- А. Метилэргометрин юбориш.
- Б. Йўлдошнинг мустақил туғилишини кутиш.
- В. Йўлдошни қўл билан ажратиб олиш.
- Г. Ташки усуслар билан йўлдошни тұғдириб олиш.
- Д. Түрүк йўлларини кўриб текшириш, йиртилган аъзоларни чоклаш.*

8. 34 ёшли В. исмли ҳомиладор аёл түргукхонага түргукнинг 1 даврида келтирилди. Мазкур ҳомиладорлик учинчиси, асоратсиз кечган. Биринчи 2 та ҳомиладорлик аборт билан якунланган. Түргукхонага келгандан 3 соатдан сўнг тирик етилган киз туғилди. Бола туғилгандан 10мин.дан сўнг кучаниксимон оғриқлар пайдо бўлди, бир вақтнинг ўзида 400мл кон кетди. Бачадон киндик соҳасида шарсимон. Плацентанинг кўчиши белгилари мусбат.

- I. Диагноз
- А. Йўлдош қисилиши.*
- Б. Плацентанинг зич ёпишиши.
- В. Бачадон гипотонияси.
- Г. Бачадон ёрилиши.
- Д. Бачадон атонияси.
- II. Олиб бориш тактикаси.
- А. Окситоцин юбориш.
- Б. Утеротониклар юбориш.
- В. Наркоз.*
- Г. Бачадон ампутацияси.
- Д. Йўлдошни қўл билан ажратиш.*

9. К. исмли 26 ёшли ҳомиладор аёл тез ёрдам машинасида түргукнинг 2 даврида түргукхонага келтирилди. 15 мин.дан сўнг түргук содир бўлди. Түргукдан 10 мин. кейин түргук йўлларида кўп кон кетиш кузатилди. Бачадон зич, думалок шаклда. Плацентанинг ажралиш белгилари манфий. Кон кетиш миқдори 400мл ва давом этмоқда.

- I. Тактика:
- А. Окситоцин юбориш.
- Б. Бачадон ташки массажи.
- В. Йўлдошни қўл билан кўчириш ва ажратиш.*
- Г. Сийдик пуфагини катетеризацияси.
- Д. Корин пастига муз кўйиш.
- II. Асоратнинг келтириб чиқарган сабаб нима?
- А. Түргукдан олдин сув кетиши.
- Б. Түргукнинг 3-даврининг норационал олиб борилиши.*
- В. Түргукда спазмолитик қўллаш.
- Г. Кўп марта кин текшириш ўтказиши.
- Д. Ҳомила юрагини тез-тез эшитиш.

10. Түгруқдан кейин эрта чилла даври. Қон кетиши 250 мл, кон кетиши давом қиласыт. Бачадон туби киндик соҳасида, юмшоқ. Ташибки массаждан кейин бачадон кисқарди, лекин яна бўшашибди. Кетган қон миқдори 400 мл, аёлнинг ранги оқарган, боши айланаяти. АК/б- 90/50 мм сим. уст., пульс 100 марта минутига.

- А. Диагноз.
- А. Бачадон гипотонияси.*
- Б. Бачадон атонияси.
- В. Түгруқ йўллари жароҳати.
- Г. Бачадон ёрилиши.
- Д. Коагулопатик қон кетиши.

Тактика.

- А. Бачадон ичини қўл билан текшириш.
- Б. Бачадон ташки массажини давом қилиш.
- В. Бачадонни қисқартирувчи дорилар юбориш.
- Г. Сийдик қопини катетеризация қилиш.
- Д. Корин пастига муз қўйиш.

12. Биринчи ҳомиладор аёл түгруқнинг иккинчи даврида келди. Йўлдош туғилгандан сўнг қон кетиши кузатилди.

- А. Қон кетипининг сабаби нима хисобланади?
- А. Түгруқ йўллари юмшоқ тўқимасининг йиртилиши.*
- Б. Плacentанинг пастда жойлашиши.
- В. Қон ивиш тизимининг бузилиши.*
- Г. Йўлдош дефекти.*
- Д. Бачадон гипотонияси.*
- Б. Туккан аёлда оралиқнинг III даражали йиртилиши. Тактикангиз?
- А. Оралиқни тикиш.*
- Б. Лапаротомия.
- В. Гемотрансфузия.
- Г. Бачадон бўшлигини қўл билан текшириш.
- Д. Гистероскопия.

ЎРГАТУВЧИ ТЕСТЛАР

1. “Акушерликда қон кетиш” тушунчасига нима киради?

Нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчишида пайдо бўладиган қон кетиши.

Йўлдош олдинда келишида пайдо бўладиган қон кетиши.

Түгруқнинг 3-даврида ва эрта чилла даврида қон кетиши.

2. Йўлдош ва кисмларининг бачадон ичидаги колиб кетганида қўлланилаган чоралар?

Бачадонни қисқартирувчи воситалар инъекцияси.

Йўлдошни Абуладзе, Креде-Лазаревич усули бўйича туғдириб олиш.

Йўлдошни қўл билан ажратиш ва олиш.

3. Йўлдош қаттиқ бирикишининг 3 та сабабини кўрсатинг:

Ялиягланиш, чандкли ўзгаришлар, ўсмалар, ривожланиши нуқсонлари туфайли бачадон деворининг ўзгариши.

Йўлдошдаги ўзгариш, сурункали инфекция, токсикозлар, муддатидан

ўтган ҳомиладорлик.

Хорион ферментатив хусусиятининг бузилиши.

4. Йўлдош патологик ёпишганида қандай муолажа ўтказиш зарур:

Йўлдошни кўл билан кўчириш ва ажратиш.

Чин ва тўла бириккан йўлдошда лапаротомия қилиб бачадонни олиб ташдиши.

Бир вақтнинг ўзида анемияга қарши чора-тадбирларни олиб бориш.

5. Тугрукни З-ва илк чилла даврида қон кетишининг 4 та сабабини айтинг:

Бачадон бўшлигига йўлдош кисмларининг қолиб кетиши.

Бачадон гипотонияси.

Бачадон атонияси.

Тугрук йўли юмшоқ тўқималари жароҳати.

6. Бачадон гипо - ва атониясини келтириб чиқарувчи 5 та сабабини кўрсатинг:

МНС ва организмнинг толиқиши, тугрук фаолиятининг сустлиги.

Ҳомиладорлик токсикозлари.

Бачадоннинг анатомик стишмовчилиги: ривожланиш аномалиялари, миомалар, бачадон чандиклари ва бошк.

Бачадоннинг функционал этишмовчилиги: бачадоннинг чўзилиб кетиши (йирик ҳомила, кўп сувлилик).

Болалик жойининг олдинда ёки пастда жойлашуви.

7. Бачадон гипотониясининг 4-та белгисини кўрсатинг:

Бачадондан қон бир тўхтаб, бир кетади.

Пайпаслаганда бачадон катталашган, бўшашибган.

Бачадон механик, термик ва медикаментоз таъсирга жавоб беради.

Ташки массажда озгина қисқаради, сўнгра яна бўшашибади.

8. Қон кетишини тўхтатиш учун қандай 5 та муолажа қилиш зарур:

Сийдик пуфагини катетер билан бўшашибади.

Бачадонни ташки массаж қилиш.

Бачадон бўшлигини кўл билан текшириш ва мушт устида массаж қилиш.

Бачадонни қисқартирувчи воситалар қилиш.

Ўтказилган терапия ёрдам бермаса, лапаротомия-бачадон томирларини боғлаш, бачадон ампутацияси ёки экстирпацияси.

9. Қон кетиши кучи қандай 3 сабабга боғлик, нормада қанча бўлиши керак?

Йўлдош кўчган қисми ҳажмига.

Йўлдошнинг бириккан жойига.

Кетган қон тана оғирлигининг 0,5% дан ошмаслиги керак.

10. Йўлдош чин ёпишишининг 3 турини айтинг?

Placenta acreta.

Placenta increta.

Placenta percreta.

11. Тугрукнинг III ва илк чилла даври патологияси сабабларининг 3 асосий гурухини айтинг?

Бачадон мушак ва нерв элементларида дистрофик ўзгаришлар метаболизмининг бузилиши ва бачадон нуксонли ривожланганлиги сабабли унинг қискариш кобилиятигининг бузилиши.

Шифокорнинг нотўгри, ўринсиз ҳаракатлари, утеротоникларни дозасини кўп бериб юбориш, асоссиз бачадонни ташки массаж қилиш.

Креде буйича ажралмаган йўлдошни ажратишга уриниш, йўлдошни чиқазиш учун киндиқдан ушлаб тортиш.

Катта ҳомила, эгиз ҳомила, кўпсувликда бачадоннинг чўзилиб кетганилиги.

12. Ажралган йўлдошнинг бачадонда сикилиб колганлигининг 3 белгиси?

Йўлдош ажралганилик белгилари мавжудлиги.

Йўлдоши ажратилиб усуулларини санаб беринг.

Бачадон мускулатурасининг унинг пастки сегментида сикилиб колиши (кўл билан кириб бўлмайди).

13. Йўлдош патологик ёпишишининг 4 асосий белгисини айтинг.

Йўлдош ажралганилик белгилари бўлмаслиги.

Бачадон пайласлаганда гипотоник.

Бачадондан қон кетиши.

Йўлдошни ажратиш усууллари самараасиз.

14. Атоник қон кетишига нима ҳос?

Кўл миқдорда қон кетиши.

Бачадон атоник.

Бачадон механик, медикаментоз ва бошқа таъсирларга жавоб бермайди.

15. Илк чилла даврида патологик қон йўқотилганда 3 тадбирни айтинг:

Утеротоник воситаларни кўллаш.

Бачадон ичини кўл билан текшириш ва бачадонни муштумда уқалаш. қон ва қон ўрнини босувчи суюкликларни томирга юбориш.

16. Бачадон бўшлирини кўл билан текшириш, муштуда уқалаш ва утеротоник воситалар юборишга қарамасдан бачадонни гипотоник қон кетиш давом этса, қанака 4 кетма-кет тадбирлар кўлланилади?

Жарроҳликка тайёрлов пайтида, Бакшеев бўйича клемма кўйиш.

Бачадон бўйини электростимуляция қилиш (аппарат мавжуд бўлса).

3 жуфт магистрал томирларни боғлаш.

Бачадон ампутацияси ёки экстирпацияси.

17. Қон йўқотиш миқдорини аниқлашнинг 5 усулини айтинг?

Жинсий йўллардан чиқаётган қон, идишга йириб ҳажмини аниқлаш усууллари.

Қон шимдирилган тагликларни ўлчаш.

Аёл вазнига нисбатан фоизда ўлчаш усули.

Вена кони ва плазманинг нисбий оғирлигини аниқлаш.

Спектрофотометрик.

18. Қон йўқотганда қанака 2 клиник ҳолат ривожланади:

Компенсация ҳолати.

Декомпенсация ҳолати.

19. Организмни компенсация билан таъминловчи 4 механизмини айтинг:

Суюкликни тўқималардан томир ичига оқиб тушиши.

Йирилган конни талоқ, жигар, бачадон ва бошқа органлардан мобилизацияси

Томирларнинг фаол кискариши – спазм.

Юрак ишининг ўзгариши (тезлашиш, дақиқа ҳажмининг ўзгариши).

20. Кон йўқотишда организмни компенсация механизми пасайишига олиб келувчи б омилини санаб ўтинг?

Жисмоний ва психик зўриқиши.

Совуқ котиши.

Ҳомиладорликдаги гипертензия холатлари.

Түғруқ жароҳати.

Оғрикнинг таъсири.

Озикланишнинг бузилиши.

21. Кон кетиши билан курашишнинг 2 асосий йўналишини айтинг:

Кон кетишни тўхтатиш;

Беморни геморрагик шокдан чиқариш.

22.3. АКУШЕРЛИКДА ГЕМОРРАГИК ШОК

Мақсад. Геморрагик шок босқичлари ва унга қарши кураш чоралиари, ТТИКИ-синдром тушунчаси, даволаш ва олдини олиш усусларини билиш.

Режа.

1. Акушерликда кон кетишининг учраши.
2. Патологик кон кетишининг сабаблари.
3. Геморрагик шок тўғрисида тушунча.
4. Кон йўқотишнинг оғирлик даражалари.
5. Геморрагик шок ривожланишининг босқичлари ва белгилари.
6. Геморрагик шокни ташхислаш.
7. Тарқалган томирлар ичida кон ивиш синдроми.
8. Даволаш тамойиллари.

Хар иили бутун дунёда 127000 аёл кон кетиш сабабли хаётдан кўз юмади. Булар оналар ўлимининг 25% ни ташкил этади. Россияда оналар ўлимининг 42% - кон кетишлардан келиб чиқади. Оналар ўлимига олиб келадиган кон кетишлар кўпинча гипертензив синдромлар (58%) ва экстрагенитал патологияси сабабли (59%) ривожланади. Шу билан бирга кон кетиши туғруқ асоратларининг 25% ида ягона сабаб бўлади.

22.3.1. АСОСИЙ ОМИЛЛАР

1. Оиласвий поликлиникада аёлнинг ҳомиладорлик даврида етарлича текширилмаганлиги.
2. Ахволи тўғри баҳоланмаганидан.
3. Интенсив терапия етарлича кўрсатилмаган.

Шунинг учун кон кетишлар профилактикаси ва интенсив даволаниш акушерликда долзарб муаммо деб хисобланади.

Физиологик чилла даврида йўлдош майдончасига 150-200 бачадон спирал артериялари очилади. Шунинг учун йўлдош кўчганида аёлда

физиологик қон кетиши кузатилади. Патологик қон кетмаслигининг сабблари бу бачадон қискариши ҳисобига «миотампонада» бўлиши, ва томирлар қискариши, буралиб қолиши, уларнинг ичидаги тромблар ҳосил бўлиши ҳисобига «тромботампонада» кузатилади.

22.3.2. ПАТОЛОГИК ҚОН КЕТИШИННИГ САБАБЛАРИ

Акушерлик қон кетишилари кўпинча тутгруқнинг 3 даври ва илк чилла даврида кузатилади.

1. Йўлдош ажралиш ва тувилиш жараёнининг бузилиши
2. Бачадон гипотонияси
3. Тутгрук йўллари жароҳат лари
4. Гемостаз тизимининг бузилиши

Геморрагик шок - бу тўқималар ва барча аъзоларнинг қон билан таъминланишининг кескин камайиши, тўқималарнинг кислородга танқислиги ва модда алмашувининг бузилиши. Геморрагик шок - бу организмда экстремал вазият ҳисобланадиган ва ўта кучли қон кетишидан кейин ривожланадиган ҳолат бўлиб, барча ҳаётий зарур аъзолар ва тизимларда патологик ўзгаришлар билан ифодаланади. Ўтирик ва мўл қон кетиши натижасида айланниб юрган қон ҳажми тезда камайиши, ҳимоя механизми декомпенсацияси юз беради.

Геморрагик шок ривожланишига 1500 мл дан кўпроқ қон кетиши, ёки умумий айланётган қон ҳажмининг 20% ва бундан кўплиги ёки 1кг тана вазнига 30 мл қон йўқотилиши сабаб бўлади.

22.3.3. ҚОН ЙЎҚОТИШНИНГ ОФИРЛИК ДАРАЖАЛАРИ

1-даражаси - йўқотилган қон микдори айланётган қон ҳажмининг 15 % игача, клиник белгиси тахикардия бўлади.

2-даражаси - кетган қон микдори 20-25 % ни ташкил этади, клиник белгилари - тахикардия ва гипотензия.

3-даражаси - кетган қон микдори 30-35 % ни ташкил этади, клиник кўринишида тахикардия, гипотензия ва олигурия кузатилади.

4-даражаси - кетган қон микдори 35-40 % дан зиёд, клиник белгилари - тахикардия, кескин гипотензия, коллапс, беморнинг хушидан кетиши. Бу ҳолат ҳаётга ўта хавфли бўлади.

22.3.4. ГЕМОРРАГИК ШОК РИВОЖЛANIШ БОСҚИЧЛАРИ

Кўп микдорда қон йўқотиш организм учун кучли стресс омили ҳисобланади ва гиповолемияга олиб келади. Ҳаётий зарур аъзолар (биринчи навбатда мия, юрак) гемодинамикаси турғунлигини таъминлаш учун кучли компенсатор механизми ишга тушади: симпатик нерв системаси тонуси ортади ва конда катехоламинлар кўпайишига олиб келади. Конга АКТГ, АДГ, альдостерон ва глюкокортикоидлар кўп микдорда чиқади, ренин-анготензин тизими фаоллашади. Бу периферик томирлар вазоконстрикциясига олиб келади. Юрак фаолияти тезлашади, кон айланининг марказлашиши, тўқималардан қон томирларга суюклик ўтиши ва аутогемодилюция кузатилади. Периферик қон томирлар спазми ҳисобига артерио-веноз шунтлар очилади ва организмда суюклик ушланиб қолади.

Қон айланишининг марказлашишига олиб келувчи бу мослашув механизми қон босими ва юракнинг дақиқалик ҳажмини вактинча ушлаб туради, лекин организм ҳаёт фаолияти давомийлигини таъминлай олмайди. Қон кетиши давом этиши компенсатор механизмларининг камайишига ва интерстициал бўшлиққа қон суюқ қисмининг чиқиши хисобига қон қуилиши, реологиясининг бузилиши, қон айланишининг кескин секинлашувига, сладж-синдроми ривожланувига олиб келади. Буларнинг барчаси чукур тўқума гипоксиясида ацидоз ривожланишига олиб келади.

Қонда вазоактив метаболитлар йиғилиши хисобига қон ивиши хусусияти бузилади ва майда қон томирларда тромблар ҳосил бўлади (томирлар ичидаги тарқалган қон ивиш синдроми). Қон секвестрацияси айланувчи қон ҳажмининг камайишига олиб келади. Айланувчи қон ҳажмининг кескин камайиши ҳаётий зарур аъзоларнинг қон билан таъминланиши бузилишига ва полиорган етишмовчилигига олиб келади. Коронар қон айланиши пасаяди ва бу юрак етишмовчилигига олиб келади. Ушбу патофизиологик ўзгаришлар геморрагик шок оғирлигидан далолат беради.

22.3.5. ГЕМОРРАГИК ШОК КЛИНИКАСИ ҚУЙИДАГИ БОСҚИЧЛАРДАН ИБОРАТ

I босқич - компенсацияланган шок (йўқотилган қон ҳажми 800 - 1200 мл)

II декомпенсацияланган: қайтариб бўладиган (1200 – 2000 мл), қайтариб бўлмайдиган (2000 дан кўп)

I-босқичида йўқотилган қон айланувчи қон ҳажмининг 15-20 % ини ташкил этганда ривожланади. Бу босқичда компенсация катехоламинлар гиперпродукцияси хисобига бўлади. Клиник кўринишида қон томир фаолиятининг функционал ўзгаришлари юзага келади: тери қоплами ning ва кўринарли шиллик қаватларнинг рангпарлашиши, тахикардия (1 дакиқада 100 марта), қисман олигурия, веноз гипотония. Артериал гипотония оз миқдорда ёки умуман бўлмаслиги мумкин.

II-босқичида – йўқотилган қон миқдори айланувчи қон ҳажмининг 30-35% ини ташкил килганда ривожланади ва бунда қон айланишининг чукур ўзгаришлари кузатилади. Артериал қон босими пасаяди. Мия, юрак, жигар, буйрак, ўпка, ичакларнинг қон билан таъминланиши бузилади. Тўқималар гипоксияси ва ацидознинг аралаш шакли ривожланади. Бундан ташқари, тахикардия (1 дакиқада 120-130 марта), хансираш, тери қопламлари рангсизланиши фонида акроцианоз, совук тер, безовталаниш, олигурия (30 мл/соат дан паст), юрак товушларининг пасайиши, марказий веноз босими пасайиши кузатилади. Бу ҳолатда етарли даражада ёрдам кўрсатилса, шокни қайтарса бўлади. Лекин йўқотилган қон айланувчи қон ҳажмининг 50% (40-60%) ни ташкил этганда шокнинг қайтмас босқичи кузатилади. Микроциркуляция бу-

зилиши давом этиши натижасида капилляростаз, плазма йўқотиш, қон шаклли элементларининг агрегацияси, метаболик ацидоз ўсиши давом этади. Систолик артериал босими жуда ҳам пасаяди. Пульс 1 дақиқада 140 дан ошади. Тери қоплами оқаради ёки мармарсимон бўлади, совук тер, оёқ-кўллар кескин совуклашади, анурия, хушини йўқотади. Гематокрит кўрсаткичининг ошиши ва плазма ҳажмининг камайиши шок терминал босқичининг асосий белгиларидан хисобланади.

Акушерлик амалиётида геморрагик шок клиникиси умумий конунларидан ташқари, ўзига хос ҳусусиятлари бор (22.4.-жадвал). Ҳусусан, плацента олдинда келганда юз берадиган геморрагик шок артериал гипотензия, гипохром анемия, хомиладорлик охирида айланувчи қон миқдорининг физиологик ўсишининг камайиши билан характерли. 24 % аёлларда кескин бўлмаган тромбоцитопения, гипофибриногенемия, фибринолитик фаоллигининг кучайиши ва тарқалган томирлар ичida қон ивиш (ТТИҚИ) синдроми ривожланади.

22.4.-жадвал

Гиповолемик шок клиник белгилари

Эрта гиповолемик шок	Кечки гиповолемик шок
Майқусилик, ҳавотирилик, безовтадлик	Ҳуши орган ёки йўқ
Кучиз ва тез - тез пульс (бир дақиқада 110 ёки кун)	Йуди тез ва кучиз пульс
Бир мунча текслангай нафас (нафас олинилар 30 марта бир дақиқада ёки кун)	Фавқулодди тез ва юзаки нафас
Рангнарлик	Тери қопламаларининг рангнар ва совуклиги
Нисбатан наст қон босими (систолик 90 мм сим. устдан наст)	Йуди наст қон босими (систолик 60 мм сим. устдан наст)
Сийдик ажралини камайган, лекин соатига >30 см ³	Сийдик ажралини <30 мм соатига

Эрта чилла даврида гипотоник қон кетиши туфайли келиб чиқувчи шокда қисқа вақтли компенсациядан сўнг нафас этишмовчилиги, ТТИҚИ синдроми билан боғлик бўлган профуз қон кетиш, гемодинамиканинг тургун ўзгаришлари билан характерланадиган кайтмас ҳолат юзага келади.

Нормал жойлашган йўлдош вактидан илгари кўчганда характерли бўлган ТТИҚИС нинг сурункали шакли, гиповолемия ва сурункали томирлар қисқариши хисобига ривожланади. Бу хил патологияда геморрагик шок анурия, мия шиши, нафас олишнинг ўзгариши билан кечиб, фибринолиз камайиши фонида ривожланади.

Бачадон ёрилиши туфайли келиб чиқувчи шок гиповолемия, ташқи нафас етишмовчилиги каби клиник белгилар билан намоён бўлади. Кўп мидорда қон кетиши туфайли ТТИКИ синдроми юзага келади.

Геморрагик шок диагнози айниқса кучли қон кетганда хеч қандай кийинчилик тудирмайди. Шок компенсатор босқичининг эрта диагностикасида даволаш жуда яхши натижা беради. Шок оғирлигини йўқотилган қон мидори ёки АҚБ кўрсаткичларига қараб баҳолаш етарли эмас. Гемодинамика адекватлиги кўйидаги белги ва кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади:

1. Тери копламлари рангти ва ҳарорати хусусиятига
2. Пульсни баҳолаш
3. АҚБни ўлчаш
4. «Шок индекси»ни баҳолаш
5. Соатбай диурезни аниқлаш
6. Марказий веноз босимни ўлчаш
7. Гематокрит кўрсаткичларини белгилаш
8. Қоннинг кислота-ишкор мувозанатининг хусусияти

Тери рангти ва ҳароратига қараб периферик қон айланиши хақида фикр юритиш мумкин. АҚБ кўрсаткичлари паст бўлса-да терининг пушти рангда ва илиқ бўлиши, тирноқнинг пушти рангти периферик қон айланиши компенсация ҳолатида эканлигидан далолат беради. АҚБ нинг нормал ёки бир мунча пасайган кўрсаткичлари бўлса-да тери ҳароратининг совуқлиги ва рангпарлиги қон айланишининг марказийлашуви ва периферик қон айланишининг ўзгариши хақида маълумот беради.

Тери копламининг мармарсимонлиги ва акроцианоз қайтмас ҳолатга яқинлашувчи томир парези периферик қон айланишининг чукур ўзгаришидан далолат беради.

Пульс частотаси бемор ҳолатининг оддий ва бошка белгилар билан таққослаганда муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, тахикардия гиповолемия ва ўткир юрак етишмовчилигини кўрсатади. Бу ҳолатнинг дифференциация килишда марказий веноз босимини ўлчаш зарур. АҚБга ҳам шу нуткай назардан қаралади. Геморрагик шокда гиповолемия дараҷасини кўрсатувчи асосий кўрсаткич «шок индекси» ҳисобланади. Бир дакиқадаги пульс частотасининг систолик АҚБ га нисбати «шок индексини» англатади. Сорлом одамда бу кўрсаткич 0,5 га тенг, айланувчи қон ҳажми 20-30% пасайганда 1 га, 30-35% пасайганда «шок индекси» 1,5 га тенг бўлади.

Соатбай диурез аъзоларда қон айланишини характерловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Диурезнинг 30 мл га камайиши, периферик қон айланишининг етишмаслигидан, 15 мл дан камайиши декомпенсациялашган қайтмас шок яқинлашувидан далолат беради.

Бемор аҳволини комплекс баҳолашда марказий веноз босими аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланади. Унинг кўрсаткичи даволашнинг асосий йўналишини белгилаб беради, кўрсаткич пасайиши (50 мм сув.уст.) гиповолемия ҳолатини англатади, ортиши эса (150 мм сув.уст.) юрак фаолияти декомпенсациясидан далолат беради.

Юкоридаги кўрсаткичлар билан бир қаторда гематокрит кўрсаткичи ҳам организмнинг қон билан таъминланиши адекват масли-

гини күрсатувчи тест ҳисобланади. Гематокрит 30% дан паст бўлганда хавф солувчи белги, 25% дан камайиши қон йўқотишнинг оғир даражасини кўрсатади. Шокнинг III боскичида гематокрит кўтарилиши унинг кечиши кайтмас эканлигини кўрсатади (22.5.-жадвал).

22.5.- жадвал

Геморрагик шок клинико-лаборатор ташхиси

Шок бөгли-чи	Клиник белгилири	Қон босими	Пульс	Марка- лий веноа босими. сув устуни, см	Шок ниде- ки	Айтлаш- тизи қон митқори камайи- ши	Кетган қон миқдари	
							мл	%.
Шок бөглилар и йўқ	Булмайди	120/70	88			10% туча	500,0	0,6% туча
I	Эн-хуми жойида. Тери оқини рангид. Ні — 100г/л, НІ — насайтиш. Олигурия. Гипертонияция.	100/60	90-96	5-15	0,5 ва >	15-25%	700- 1300	1,0-1,5%
II	Эн-хуми жойида. Бесонтизимин, тери ранги оқарини, акрониазин. Нафас олиши 1 дакқонда 20 ша >, Ні — 80г/л, НІ — насайтиш. Олигурия. Қон инни вақти Ли- Хайт бўйича — 10 мин.>	90/50	120	< 5	1,5 ва >	30-35%	1300- 1800	1,5-3%
III	Эн-хуми йукотади. Тери ранги кескин оқарини, мармаренмон. Нафас олини 1 дак.— 30 ша ундан кунроқ. Ні — 80г/л дан наст. НІ — наст. Анурия. Қон инни вақти Ли-Хайт бўйича 15 минут ва >	60/40 ва ундан наст	140	0га яқин	2 ва >	35%дан >	1800 ва ундан куроқ наст	3% ва ундан куроқ

Геморрагик шок асоратлари куйидаги бузилишлар билан ифодаланади: микроциркуляция бузилиши, модда алмашуви бузилиши, коннинг ивиш хусусияти бузилиши, ўткир буйрак етишмовчилиги, ўткир жигар етишмовчилиги, нафас етишмаслиги, мияда кон айланишининг бузилиши, юрак етишмаслиги, «шокли бачадон».

22.4. ТАРҚАЛГАН ТОМИРЛАР ИЧИДА ҚОН ИВИШ СИНДРОМИ (ТТИҚИС)

Коннинг ивиш хусусияти бузилиши натижасида кон кетиши бир неча акушерлик асоратларидан келиб чықади. Бу күпинча нормал жойлашган йўлдошнинг барвакт кўчишида, йўлдошнинг олдин келишида, ҳомила суви она қонига тушганда, бачадон қисқаришининг бузилиши (бачадон гипотонияси, атонияси), натижада кўп кон кетиб, қондаги фибриноген-нинг умумий миқдори бирдан камайиб кетганда (гипофибриногенемия), она корнила нобуд бўлган ҳомила узок ушланиб туғилганда кузатилиши мумкин.

Коннинг ивиш хусусияти З фазадан иборат. 1-фазада одатда ноактив тўқималар ва қондаги тромбопластин моддаси танада бирорта жароҳат содир бўлса, кальций моддаси таъсирида актив ҳолатга келади, бу 3-5 минут давом этади.

2-фазада протромбин активлашган тўқима ва кон тромбопластини таъсирида тромбинга ўтади. Бу фаза 3-5 секунд давом этади.

3-фазада тромбин таъсирида суюк фибриноген фибринга айланади, бу фаза ҳам 3-5 секунд давом этади. Коннинг ивиш жараёнига қанча фибриноген кетса, унинг қондаги миқдори шунчак камаяди, туғруқ даврида қонни ўз-ўзидан тўхтатиш учун анчагина миқдорда фибриноген зарур бўлади. Туғруқдаги кон йўқотиш физиологик миқдордан қанча кўп бўлса, фибриногеннинг қондаги миқдори камайиб гипофибриногенемияга, хаддан ташкари кўп йўқотилганда эса фибриноген қонда бутунлай йўқолиб, афибриногенемияга олиб келиши кузатиласди. Натижада коагулопатик кон кетиш юзага келади.

Қонга бир қанча тромбопластин субстанцияси тушганда кон ивиши кучайиб, томирларда майда кон лахталари ҳосил бўлади. Ушбу ҳолат тарқалган томирлар ичида кон ивиш синдроми деб аталади (ТТИҚИС). Бу синдромда, бир томондан, фибриногеннинг қондаги умумий миқдори камаяди, иккинчи томондан, томирларда кон юришини қийинлаштиради ва уларнинг фаолияти ишдан чиқишига олиб келади.

Коннинг ивиш хусусияти тезлашиши натижасида организмдаги бунга карама-қарши фаолияти – кон лахталарини эритиши ёки фибринолитик тизим авж олади. Бу ҳам ҳаёт учун зарур, чунки бу тизим аъзолар томирларидаги кон лахталарини эритиб, уларнинг фаолиятини тиклашга ёрдам беради.

Геморрагик шок ва кейин ривожланган ТТИҚИ синдроми тараккий этишида 4 боскич бўлиб, биринчи боскичида кон ивиш жараёни тезлаша-

ди ва гиперкоагуляция фазаси (3-5 мин) бошланади. Одатда бачадондан оқиб чиқкан қон 5-6 минут ичидә ивиса, патологик қон кетищда қон ивиши учун жуда оз вақт кетиши мүмкін. Агар ҳомиладорлик гипертензив синдром билан оғирлашганда сурункали гиперкоагуляция кузатилади ва бу босқич бир неча күн давом этиши мүмкін.

Иккінчи босқичда гипокоагуляция фазаси (бир неча мин. ёки соат) ёки қон ивиши секинлашиб қонда ҳосил бұлған майда тромблар мия, юрак ва бошқа ички аъзолар томирлар бүшлигіда түпланиб, улар фаолиятининг бузилишига олиб келади, сүнгра фибринолитик тизимнинг активланиши кузатилади. Буни аниклаш учун Ли-Уайт методи қўлланилади: пробиркага вена қон томиридан 10 мл қон олиб, ҳар 20 секундда ивиш жараёни кузатиб борилади. Агар қон 10 минутда ивиса, қон ивиш жараёнининг бироз пасайгани ёки гипокоагуляция аникланади.

Учинчи босқичда пробиркадаги қон ҳам, бачадондан оқиб чиқаётган қон ҳам ивимайди, буни афибриногенемия деб айтилади. Фибрин ва фибриноген парчаланиши ва уларнинг дегидратация маҳсулотларининг кўпайиши кузатилади ва кучли қон кетиши содир бўлади.

Аёлга ўз вактида ёрдам кўрсатилса, касалликнинг тўртинчи босқичи – тузалиш даври бошланади.

22.4.1. ДАВОЛАШ.

Геморрагик шок ва ТТИҚИ синдромини даволаш жуда масъулиятли иш бўлиб, бунда шифокорлар акушер-гинеколог, анестезиолог-реаниматолог, гематолог билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Даво қўйидагиларни ўз ичига олади:

Оператив даво (бачадон ампутацияси, экстирпацияси, a.iliaca ни боғлаш).

Янги музлатилган плазма - 1 л.

Криопреципитат, эритроцитар масса, альбумин.

Протеазалар ингибиторлари (контрикал, гордоқс).

Этамзилат, дицинон.

Реополиглюкин, кристаллоидлар, изотоник эритма (натрий хлорид, Рингер, глюкоза).

Глюкокортикоидлар (гидрокортизон, дексаметазон).

Допамин, адреналин.

Ўпкани сунъий вентиляциялаш.

Диуретиклар қўлланилади.

Беморни геморрагик шок билан боғлик бўлған критик босқичдан чиқариш даволашнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Йўқотилган қон ҳажмини тиқлаш учун коллоид эритмалардан рефортан, стабизол ва қон препараторлардан эритроцитар масса билан плазма қўлланилади.

Кейинги кунларда кўп қон йўқотиш асоратларини бартараф этишга ва олдини олишга қаратилган даво тадбирлари ўтказилади.

Бу босқичда шифокор ҳаракати буйрак, жигар, юрак фаолиятини яхшилашга, сув-туз ва оқсил алмашувини нормаллаштиришга, қоннинг глобулинлар ҳажмини кўтаришга, анемияни даволашга, инфекциянинг олдини олишга қаратилган.

22.4.2. ҚОН КЕТИШИННИГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бачадон мускуллари қысқаришининг бузилиши натижасида қон кетишенинг олдини олишни киз бола ҳәётининг илк давридан бошлаш керак. Бунда киз бола организмини чиникирип, ҳайз бузилишини ўз вактида даволаш лозим.

Аёлнинг ҳар хил ички касалликларини ўз вактида даволаш, ҳаддан ташқари семизликка йўл қўймаслик, гимнастика билан шуғуланиш, жинсий аъзолар яллигланиши, сунъий абортнинг олдини олиш кабилар ҳам тургук жараёнидаги оғир асоратларнинг олдини олишга ҳар томонлама ёрдам беради.

Ҳомиладорлик даврида ўз вактида ва тўғри овқатланиш, ҳомиладорлик асоратларини вактида даволаш. Туғрукда патологик қон йўқотишнинг олдини олиш лозим.

Масалалар.

1.Ҳомила 5 ҳафта олдин нобуд бўлган. Туғрук 38 ҳафта ҳомиладорликда ўлик ҳомила билан. Йўлдош мустакил кўчиб ва ажралиб чиқди. Йўлдош, пардалари бутун. Йўлдош туғилгандан сўнг қон кетиш бошланди. Бачадон каттиқ. Жинсий йўллар орқали чиқаётган қон ивимаяпти. Пробиркага венадан олинган қон 15 мин дан сўнг ҳам куюлмаяпти.

Диагноз?

- A. Коагулопатик қон кетиши.*
- B. Йўлдош қолдир.
- C. Бачадон бўйни йиртилиши.
- D. Йўлдошнинг нотўғри ёпишиши.
- E. Бачадон гипотонияси.
- F. Тактикаси.
- A. Бачадонни мушт билан массажи.*
- B. Бачадон экстирпацияси.*
- C. Утеротониклар.*
- D. Туғрук йўллари юмшоқ тўқималарини кўриш.
- E. Бачадон ичини қўл билан текшириш.

Ўргатувчи тестлари

1.Акушерликда геморрагик шок сабаблари қандай?

Бачадон йиртилиши.

Йўлдошнинг кисман чин ўсиб кириши.

НЖЙБК да қон кетиши.

Гипотоник ва атоник қон кетиши.

Йўлдош олдинда ётишида қон кетиши.

2. Қандай акушерлик асоратларида ТТИҚИ синдроми ривожланади?

Бачадон йиртилиши.

Коғаноқ сувлари билан эмболия.

Ўлик ҳомила.

Ҳомиладорлик гипертензия холатларда.

НЖЙБК.

3. ТТИҚИ синдромига диагноз қўйишда кўп кўлланиладиган З усулни

айтинг

- Қон ивиш вақтини Ли-Уайт бүйича аниқлаш.
Коагулограммани текшириш.
Тромбоэластография.
4. Геморрагик шокнинг II босқичига нима хос?
1,5-3% тана вазнига тенг қон йўқотилган, гематокрит пасайган.
Эс-хуши жойида, терлаш, акроцианоз.
Систолик босим 90-100 мм.с.у. гача пасайган.
Тахикардия 120 марта 1мин.
Ли-Уайт бүйича қон ивиш вақти 10 мин.дан кўп.
5. Геморрагик шокнинг I босқичига нима хос?
Тана вазнидан 1-1,5% қон кетганда бўлади.
Тери рангги нормада, эс-хуши жойида.
Тахикардия 100 марта 1мин.
Артериал босим нормада ёки сал паст.
Олигурия.
6. ТТИКИ синдромининг 3 шакли:
Ўткир.
Ўртacha ўткир.
Сурункали.
7. ТТИКИ синдромининг 4 босқичи:
Гиперкоагуляция.
Талаб килиш босқичи.
Патологик фибринолиз.
Тикланиш.
8. ТТИКИ синдромининг ўткир ва ўртacha ўткир турларини даволаш:
Бачадон экстирпацияси, туғруқни тезлаштириш.
Ўлканинг сунъий вентиляцияси.
1 л гача янги музлатилган плазма қўиши.
Донор қони ва тромбоцитларни қўиши.
Контрикал.
9. Гипокоагулопатик ҳолатини тез аниқлашнинг 2 усулини айтинг:
Иккита пробирка билан синама, соғлом аёл, бемор қонлари.
Қон ивиш вақтини Ли-Уайт бүйича аниқлаш.
10. Қоннинг ивиш системаси бузилганлиги сабабли қон кетишига нималар хос?
Бачадон дам қискариб, дам бўшашиб туради.
Жинсий йўллардан суюқ ивимайдиган қон ажралади.
Инъекция килинган, томирлар ажратилган жой, бачадон бўйни чўлторидан қон кетади (ампутация килинган бўлса).
Кўпинча НЖЙБК ва ўлик ҳомилада қофаноқ сувлари эмболияси кўп қон кетганда презклампсияда кузатилади.
Қон кетиш доимий бўлади.

Саволлар.

1. Туғрукнинг III даврида қон кетиш сабаблари
2. Қандай килиб йўлдошни қўл билан ажратиб олиш мумкин?
3. Эрта туғрукдан кейинги даврда қон кетиш сабаблари?
4. Бачадон бўшлигини қўл билан текширишини тасвирлаб беринг.
5. Қандай дорилар бачадонни қисқартиради?
6. Патологик қон кетиш деб нимага айтилади?

XXIII БОБ ТУҒРУҚ ФАОЛИЯТИ НУҚСОНЛАРИ

Максад. Дард тутиш аномалияси таснифини, дарднинг бирламчи ва иккиласми сустлиги сабабларини, асоратларини ўрганиш, даволаш та-мойиллари билан танишиш.

Режа.

1. Дард тутиш аномалияси таснифи.
2. Дарднинг бирламчи сустлиги сабаблари.
3. Дарднинг иккиласми сустлиги сабаблари.
4. Даволаш усуллари.

Одатда ҳомиладор аёллар тувишга 10-15 кун қолганда вақти-вақти билан қорин пастида ва белда бироз оғриқ сезадилар. Бу оғриқ ҳомиладор аёлни унча безовта қылмайди. Туғип вақти-соати етганда бу оғриқ туғрук дардига ўтиб, аввалига ҳар 8-10 минутда 20-25 секунд давомида тутади, ҳомила туғилишига яқинлашган сари дард тутиши давомли бўлиб, 50-60 секундгача, дардлар ораси қискариб, ҳар 3-4 минутдан 2-3 минутгача етиши мумкин. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, биринчи туғаётган аёлларда бачадон оғзи очилиши 1 соат давомида 1 см ни ташкил қиласа, қайта туғаётганларда 1,5-2 см ни ташкил қиласи. Шунинг учун биринчи туғаётганларда 15-16 соат, қайта туғаётган аёллар 6-12 соат ичida туғадилар.

Туғрукда дард тутишнинг нуқсонлари деярли тез учраб туради. Тутишнинг нормал ўтиши, кўпинча дард тутишнинг тўғри, мунтазам ва кучли бўлишига боғлиқдир. Агар дард тутиш заиф, сийрак бўлса, туғиш узокқа чўзилиб, баъзан тўхтаб қолади (23.1-расм). Дард тутиш паузаси чўзилганда бола кўпинча бўғилиб колиши ва баъзан ўлиб колиши мумкин. Бундан ташқари, туғиш йўлларига микроблар кириб (айникса ҳомила суви кетиб қолганда), бачадон шиллиқ пардасининг яллиғланиши (эндометрит) вужудга келиши ҳамда ҳомилани ҳам заарлаши мумкин. Бундай аёлларда чилла даврида ҳам ҳар хил жинсий аъзо касалликлари кўп учрайди.

ТУҒРУҚ ФАОЛИЯТИ НУҚСОНЛАРИ ТАСНИФИ:

1. Патологик прелиминар даври
2. Дард тутиш сустлиги:
 - бирламчи; иккиласми; бачадон инертлиги
3. Ҳаддан ташқари кучли дард тутиши
4. Дард тутишнинг дискоординацияси: тўлғоқ сустлиги; дискоординация (23.2-расм); бачадон бўйнининг дистоцияси; бачадон тетануси;

пастки сегмент гипертонуси.


Дард тутишнинг сустлиги

Дард тутиш сустлашиб қолганда бачадон мускуллари етарли даражада кискара олмайди. Дард тутиш сустлиги икки асосий турга: бирламчи ва иккиласи турларга бўлинади. Дарднинг сустлиги тугрук вактидаги оғрикли патология хисобланаб, 8-10% ҳолларда учрайди.


Дард тутишнинг бирламчи сустлиги

Дарднинг бирламчи сустлигига дард тугрүк бошланишидаёқ суст бўлиб, у бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин. Бунда дард бошланишидаёқ суст бўлиб, норитмик, киска (15-25 секунд), пауза-си узок (12-15 дақика) бўлади. Айрим вактларда дард узоқроқ тутса ҳам натижасиз ва кучсиз бўлади.

Бирламчи дард тутиш сустлиги асосий сабаблари: ЭГК (инфекцион, эндокрин, камқонлик), презклампсия, инфантилизм, бачадон аномалияси, бачадон чандиклари, эндомиометрит, миома, бачадоннинг ҳаддан ташқари чўзилиши (кўп тугадиган аёл, эгизаклар, кўп сувлик, йирик хомила), 30 ёшдан ошганда тугадиган аёл.



23.2.-расм. Нормал ва патологик бачадон кискаришида кўзғалиш тўлқинларини тарқалиш кўринини



23.3.-расм. Дард тутишнинг дискоординациясида бачадон кискариши: бачадон мушаклари кискариш чизиқларининг учлари бир-бирига мос келмайди.

Дард тутишнинг бирламчи сустлигига кўпинча жинсий аъзолар, айнича бачадоннинг этилмаганлиги (инфантилизм ва аномалияси), яъни бачадоннинг икки ва бир шохли бўлиши, бачадон мускулларида чандиклар бўлиши ва бошқалар сабабчидир. Бундай аёлларда бачадон мускуллари яхши ривожланмаганлигидан у етарли даражада кискара олмайди ва дард сусайишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолат кўпинча кўп хомилали (икки-уч ва бундан кўп) аёлларда ёки қоғанок суви кўп бўлган ҳолларда тез-тез бачадон деворининг ҳаддан ташқари чўзилиши натижасида ҳамда кўп тукқан аёлларда бачадон му-

шакларининг чўзилувчанлиги пасайиши оқибатида рўй бериши мумкин. Бу асорат ёши 30 дан ошган, биринчи марта тургаётган аёлларда бачадон мускул қаватида чўзилмайдиган бириктирувчи тўқима кўпайганлиги на-тижасида мускуларининг кискариш қобилияти сусайиши сабабли кўп кузатилди.

Катта ёшдаги аёлларда бачадон мускул қаватида бириктирувчи тўқи-ма кўпаяди, балоғатга етмаганларда эса бачадон мускуллари етарли тараққий этмаган бўлади. Шу сабабларга кўра бачадон мускулларида кискариш қобилияти суст бўлади. Жинсий аъзоларда бўлган яллигланиш жараёни таъсирида бачадон деворида жойлашган нерв охирларининг рефлекси патологик бўлиши натижасида ҳам суст бўлади.

Ҳомила кўндаланг ётганда, думбаси билан келганда ва плацента ол-дин келганда ҳам дард тутишнинг бирламчи сустлиги рўй беради. Чунки ҳомиланинг олдин келувчи қисми чаноқ тешигига сукилмайди, бунинг натижасида бачадон бўйнидаги нерв чигаллари яхши қитикланмайди ва бачадоннинг кискариши суст бўлади. Дарднинг суст бўлишига нерв-психик ҳолат ҳам сабаб бўлиши мумкин. Баъзан биринчи туғиш орир ва мураккабланишлар билан тўқсан аёллар иккинчи ва сўнгги туғишлари-да ташвишланишлари, бунинг натижасида ҳам дард тутиши суст бўлиши мумкин. Булардан ташкари, умумий касалликлар (юрак-кон томир, ўпка сили, жигар, буйрак ва бошқа касалликлар) ҳам дардни сусайтириши мумкин. Дарднинг бирламчи сустлиги агар ўз вактида ёрдам кўрсатилма-са, бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин.

Дарднинг бирламчи сустлиги асосан туғрукнинг биринчи даврида, яъни бачадон бўйни очилиши даврида учрайди, бунда асосан бачадон кискариши суст бўлиб, ритми ва давоми сустлашади, кискариш оралифи узоқлашади. Баъзан дард тутиши бирмунча чўзилса ҳам, дард жуда қисқа ва кучсиз бўлади. Бачадонга кискараётган вақтда қўл билан тегилса унинг каттиқланиши сезилмайди. Бачадон бўйнининг очилиши ва ҳомиланинг олдин келувчи қисмининг турилишига имконият ҳам бўлади.

Қофанок ёрилмай туриб туғрукнинг узоқка чўзилиши унчалик хавфли эмас. Бу ҳолат онага ҳам, ҳомилага ҳам унчалик зарар етказмайди. Аммо қофанок ёрилгандан кейин ахвол ўзгаради, туғрук чўзилиши натижасида ҳомила бўғилиб колиши ва туғрук йўлларидан бачадонга инфекция ўтиш хавфи турилади.

Агар ҳомила боши чаноқка нисбатан бир мунча нотўри жойлашган бўлса, бачадон бўйни чандиқли ёки кам чўзилувчан бўлса ҳам ҳомила бо-шининг туғрук канали бўйича сурилишига халақит бериши натижасида бирламчи сустлик вужудга келади.

Бачадон мускуларининг кискариш хусусиятининг бузилиш сабабла-ри турлича бўлиб, хозиргача айрим бир сабабни келтириш кийин.

Силлиқ мускулардаги кискариш хусусияти кўндаланг мускулларга ўшаб кетади. Аммо туғиш жараёнини бошқарувчи омил бирмунча фарқ қилади.

Бачадонни қискартирувчи оқсилларнинг концентрацияси эстроген-ларнинг таъсирига боғлиқдир. Агар эстрогенлар етишмаса, бу хилдаги

оксил ҳам кифоя қилмайди. Шунга кўра бачадоннинг қисқариши ҳам суст бўлади.

Бачадоннинг мотор хусусияти энергетик ҳолатига ҳам боғлик. Маълумки, мускуларнинг қисқариш хусусияти 70-80% ҳолларда кўмир кислотасини парчалашига боғлик.

Агар тувиш жараёни чўзилиб кетса, унда бачадон мушакларида кислород камлиги вужудга келиб, углекислота парчаланиши реакцияси издан чиқади.

Дард тутишнинг иккиласми сустлиги

Дарднинг иккиласми сустлиги дард бошланишидан бошлаб бироз вакт яхши, мунтазам, етарлича давомли бўлиб туриб, сўнгра суст, натижасиз бўлиб қолади. Дард сустлигини аниқлашда доянинг кузатувчанлиги катта аҳамиятга эга.

Дард тутиш даври борган сари узайиб, улар орасидаги вакт камайиши ўрнига узаяди ёки бир неча соат ўтгандан сўнг ҳам дард тутиши бирдай бўлиб қолаверади ҳамда дард қиска тутиб, самарасиз бўлади, яъни бачадон оғзининг очилиши жуда суст бўлади ёки бирдай қолади. Ҳомиланинг чанокка яқин турган қисми (боши ёки думбаси) олдинга караб силжимайди.

Иккиласми дард тутиш сустлиги сабаблари: ЭГК, очлик, асад системаси чарчаганлиги, окситоцин билан гиперстимуляцияси, ҳомила боши билан она чанори ўлчамлари мос келмаслиги.

Бу ҳолат тувишнинг ярмида юз беради. Бундай сустлашиш тувиш жараёни чўзилиб кетганда, ҳомила боши билан чаноқ ўлчамлари бир-бирига мос келмаганда (ҳомила боши катта ёки тор чаноқ бўлганда), шунингдек ҳомила боши чаноқ киришига нотўғри жойлашганда вужудга келади. Ҳомила боши суклари қаттиқ, бачадон бўйнининг очилиши қийин ва кофсаноқ пардалари қалин бўлиши ҳам дарднинг аввал кучли бўлиб, сўнгра аста-секин сустлашишига сабаб бўлади. Тувиш жараёнининг иккиласми сустлигига ҳомиланинг тувиш канали бўйича сурилиб секинлашиши, туғрук йўлларининг жароҳатланишига олиб келади. Ҳомила эса асфиксия, туғрук жароҳати, туғрук учинчи даврида ва эрта чилла даврида эса кўпинча қон кетиш ҳолати кузатилади.

Тувиш дарди сустлиги диагнозини асосан туғаётган аёлни 4 соат давомида синчилаб кузатиш натижасида аниқлаш мумкин. Бунга партограмма олиб борилганда ёрдам беради.

Кам учрайдиган дард тувиш аномалияларидан бири бачадон мушакларнинг инертилигидир. Бунда туғрук жараёнининг бошланишида ҳар замонда тутадиган суст дард кейинчалик бутунлай йўқолиб кетади. Бу билан бачадон оғзи очилиши ҳам тўхтайди. Бу акушерликда энг оғир асорат хисобланиб, баъзан бачадоннинг қисқаришини кучайтирадиган ҳар қандай дорига ҳам бачадон мушаклари қисқариш билан жавоб бермайди, бундай асоратларда туғрукни операция йўли билан тугатишига тўғри келади.

Дарднинг сустлигини даволашда нерв системасини тинчлантирадиган дорилар: кечасига димедрол, аналгин ёки новопассит 1 таблеткадан бериш лозим. Аёлга тез ҳазм бўладиган юкори калорияли овқатларни оз-

оздан 4-5 махал бериш керак. Овқат рационига кефир, творог, қаймоқ ва бошқалар, шунингдек сервитамин овқатлар киритиш тавсия қилинади.

Аёлнинг сийдик ва ахлат чиқариш фаолиятларига ахамият бериш лозим. Бунда аёл шахсий гигиенага қатъий риоя килиши лозим. Аёлнинг ичи бир сутка давомида келмаган бўлса, тозаловчи хўкна килиш лозим.

Аёл яхши ухламай чарчаган бўлса, уйқу дорилар ёрдамида ухлатиш дарднинг сустлигини даволашда катта ахамиятга эга. Бунинг учун хозирги даврда электройку аппарати ёрдамида уйқу келтириш ҳамда гамма оксимой кислотаси (ГОМК) 20% ли 20 мл ни 10% ли глюкоза 20 мл эритмаси билан аста-секин кон томирига юборилади. Уйқу вактида (2-2,5 соат давом этади) дарднинг тутиши нормаллашиб қолиши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу дориларни шифокор- анестезиолог бергани маъқул.

Агар дард тутиши яхшиланиб кетмаса, уни теззатувчи усуулларни қўллаган маъқул.

Ҳамма вакт дардни сунъий қўзғатиш ёки тезлаштиришдан аввал организмни шунга тайёрлаш учун иссиқ овқат, ширин чой, шоколад, кофе бериш лозим. Шундан сўнг агар қарпилик қизувчи омиллар (буларга ҳомила боши билан она чаноги ўлчамларининг мос келмаслиги, яъни клиник тор чаноқ, бачадонда бирон-бир жарроҳликдан сўнг чандик мавжудлиги, илгари жинсий аъзоларда кузатилган оғир септик касалликлар, бачадоннинг ўз-ўзидан йиртилиш хавфи, кўп ҳомилалик, ҳомила суви-нинг кўплиги кабилар киради) бўлмаса, дардни тўғридан-тўғри теззатувчи усууллардан бири қўлланилади. Буларга 5 бирликда (1мл) окситоцин 5% ли глюкозанинг 500 мл ига аралаштирилиб 8-10 томчидан томирига юборилади. Бунда ҳар 5 минутда томчилар сони 5 тага кўпайтириб борилиб, умумий сонини 30-35 га етказиш мумкин. Сўнгги вактларда дардни зўрайтирувчи янги дорилар простагландин F2 – энзапрост (2,5 мг ва 2,5 бирлик окситоцин 500 мл 5% ли глюкоза эритмасига аралаштирилиб) кон томирига томчилатиб юборилади.

Шулар билан бир қаторда ҳомила гипоксиясига қарши дорилар: 5% аскорбин кислотасидан 10 мл ва кокарбоксилаза 50 мг 5% ли глюкоза билан бирга томирига юбориш керак. Тутрук вактида ҳар 3 соатда асфиксияга қарши профилактик чоралар кўриш лозим. Ҳомила суви олдин кетиши натижасида эндометритнинг белгилари пайдо бўлса, антибиотиклар (гентамицин, цефалоспоринлар) бериш зарур.

Окситоцин ва энзапростни томчилаганда аёлнинг умумий ахволига, бачадоннинг қисқаришига эътибор бериб бориш лозим. Окситоцини спазмолитик ва оғриқ қолдирувчи дорилар (но-шпа 2 мл ёки 2%ол и 2 мл папаверин гидрохлорид ва бошқалар) билан бирга бериш лозим. Дард зўрайтирилаётганда шифокор ёки акушерка аёлнинг ёнида бўлиши керак.

Ўргатувчи тестлар

1. Патологик прелиминар давр кандай таърифланади?

Бачадон қисқариши оғрикли.

Бачадон қисқариши тартибсиз.

Тұғрукдан олдин бачадон бүйни етилиши йўқ.
Хомиланинг олдинда ёттан қисми ҳаракатчанлиги.
2. Тұлғок сустлигининг 5 асосий сабабларини айтинг:
Күп тұғувчиларда корин мушаклари прессининг бўшлиги.
Олдинги корин деворида нуксонлари (тўғри мушаклар қочиши, корин оқ чизиги чурралари).

Катта ҳомила.

Ҳомила боши нотўғри сукилиши ва ҳомила нотўғри жойлашиши.
Ҳомилани чаноғи билан келиши.
3. Тұғрук нуксонлари асосида кандай ўзгаришлар ётади?
Прогестерон ва эстрогенлар синтези мувозанати бузилиши.
а ва b адренорецепторлар ҳосил бўлишининг камайиши.
Она ва ҳомилада простагландинлар синтези камайиши ва окситоциннинг бир маромда тушишининг камайиши.

Хужайраларда кисқарувчи оксиллар синтези ва биокимёвий жараёнлар камайиши.

Ритм бошловчисининг жойлашиши ўзгариши.

Ҳомила ва она простагландинлари мувозанатининг бузилиши.

4. Тұғрук бирламчи сустлигига нималар хос?

Бачадон бүйни текисланиши ва очилиши секинлашуви.

Тұғрукнинг дард кучи суст.

Дард сони ва давомийлиги кам.

Клиник тор чаноқ кузатылмасдан ҳомила бошининг ҳаракати бўлмайди.

Тұғрук давомийлиги чўзилиб кетади.

5. Тұғрук сустлигига тұғрук вактида бўладиган 5 асосий асорат:

Ҳомила ички гипоксияси.

Қофаноқ сувларининг эрта кетиши.

Ҳомила интранатал ўлими.

Тұғрукда эндометрит.

Она ва ҳомиланинг тұғрукдаги жароҳати.

6. Тұғрук аномалиялари ривожланиши учун хавф омиллари:

Биринчи тұғувчиларнинг ўсмир ва кекса ёшдалиги.

Акушерлик ва гинекологик анамнезга мойиллик.

Жинсий йўлларнинг сурункали инфекцияси.

Соматик, нейроэндокрин ва психоневрологик касалликлар борлиги.

Чаноқ нуксонлари.

Миометрийдаги структур нуксонлари (бачадон миомаси, аденомиоз, бачадонда чандық ва бошқалар).

7. Тез ва кучли тұғрукнинг 5 та асосий асоратларини айтинг:

Ҳомилада тұғрук жароҳати.

Онанинг тұғрук жароҳати.

НЖЙБК.

Ҳомила ички гипоксияси.

Янги туғилган чақалок асфиксияси.

8. Түгруқ аномалияси ривожланиш ҳавф гурухига киравчи ҳомиладорларда профилактик муолажалар ўтказиш:

Түгруқка физиопсихопрофилактик тайёрлаш.

2 ҳафта давомида ҳомиладорлик 36 ҳафтасидан бошлаб витамин В6, фолат кислота ва аскорбин кислота буюриш.

Спазмолитик терапия, галаскорбин, трентал, курантол буюриш.

Түгрукнинг муваффақиятли ўтиши тўғрисида аёлга психозмационал холат яратиб бериш.

Рационал овқатланиш, уйқу ва дам олишни тартибга солиш.

9. Бачадон дисфункцияси гипертоник формаларига нима киради?

Бирламчи түгруқ сустлиги.

Иккиламчи түгруқ сустлиги.

Тўлғоқлар сустлиги.

10. Бачадон кискариш фаолияти дисфункцияси гипертоник формаларига нималар киради?

Патологик прелиминар давр.

Түгруқ фаолияти дискоординацияси (бачадон бўйни дистоцияси, пастки сегмент гипертонуси).

Ўта кучли түгруқ фаолияти.

Бачадон тетануси.

11. Дискоординациялашган түгруқ фаолиятида кузатиладиган асосий асоратлар?

Қоғанок сувларининг вақтида кетмаслиги.

Ҳомиланинг ички гипоксияси ва ўлими.

НЖЙБК.

Қоғанок сувлари эмболияси.

Түгрукда она жароҳати.

Гипертоник ва атоник қон кетишлиар.

12. Бачадон тетанусига нималар хос?

Бачадон доимий тоник зўризища бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир неча ҳайдовчи ритм пайдо бўлади.

Түгруқ тўхтаб колганда ёки секинлашганда.

Тери рангги оқарган, акроцианоз, тери мармарсимон.

Сийдик тутилиб қолиши.

13. Түгруқ йўллари аномалияси профилактикасига нималар киради?

Түгруқ сустлиги ривожи ҳавф гурухига киравчи ҳомиладорни түгруккача тайёрлаш.

Түгрукда спазмолитик ва окситоксин воситаларни тўғри қўллаш.

Түгруклар орасидаги оралиқ 3 йилдан кам бўлмаслиги керак

Қиз болаларни соғломлаштириш.

Абореларнинг олдини олиш.

14. Түгруқ сустлигида қўлланиладиган бачадонни кискартирувчи воситалар:

Окцитоцин.

Энзапрост.
Простенон .

XXIV БОБ ТОР ЧАНОҚ

Мақсад.

Анатомик тор чаноқ тушунчаси, унинг шаклларини ўзлаштириш ҳамда анатомик тор чаноқда туғруқ биомеханизмининг хусусиятларини ўрганиш. Функционал тор чаноқ кузатилганда туғруқнинг кечиши. Туғруқнинг клиникаси ва уни олиб боришни ўзлаштириш.

Режа.

1. Торайган чаноқ ҳақида тушунча бериш.
2. Торайган чаноқ турларини ва учраш даражасини билиш ва аниқлаш.

Хар хил шаклдаги анатомик тор чаноқда туғруқ механизмини ўзлаштириш.

3. Функционал тор чаноқ сабаблари ва учраши.
4. Функционал жиҳатдан тор чаноқда туғруқнинг кечиши, диагностикаси ва тор чаноқ даражаларини ўзлаштириш.
5. Функционал жиҳатдан тор чаноқда туғруқни олиб бориш тактикаси.

Анатомик торайган чаноқ деб, унинг ҳамма ёки асосий ўлчамларидан бирининг камида 1,5-2 см торайишига айтилади. Анатомик торайган чаноқ туғувчи аёллар орасида ўртача 2,5-3,5% ни ташкил этади. Анатомик торайган чаноқнинг хусусиятлари ва шаклларини билиш ҳомиладорликнинг ўтиши ва туғруқ натижасини аниқлашда жуда катта ахамиятга эга. Туғруқ пайтида ҳомила боши ва аёл чаноғи ўлчамларининг бир-бирига түғри келмаслиги натижасида ҳосил бўлувчи клиник тор чаноқ ўзининг асоратлари билан ҳомила ва она учун қийинчилик туғдиради.

24.1. ТОР ЧАНОҚ ТАСНИФИ

1. Шакли бўйича:

I. Тор чаноқнинг кўп учрайдиган шакллари (24.1.-расм).

- a) ҳамма томонидан баравар торайган чаноқ;
- б) кўндалангига торайган чаноқ;
- в) ясси чаноқ (оддий ясси ва рахитик ясси) (24.1-жадвал).

2) Тор чаноқнинг кам учрайдиган шакллари.

- a) бир текис торайган ясси тор чаноқ;
- б) қийшиқ торайган асимметрик чаноқ
- в) остеомалияциядан шикастланган чаноқ;
- г) кифосколиотик чаноқ;
- д) воронкасимон чаноқ;
- е) спондиолистетик чаноқ;
- ё) инфантил чаноқ;

ж) экзостоз ва суюк ўсмалари натижасида торайган чаноқ.

II. Торайиш даражаси (Малиновский М.С. бўйича):

1- даражали тор чаноқ-чин конъюгата 10-8 см га teng.

2- даражали тор чаноқ -чин конъюгата 8-6 см га тенг.

3- даражали тор чаноқ-чин конъюгата 6 см дан кам бўлади.


Чаноқнинг шакли	D. spinarum	D. cristatum	D. trochanterica	C. externa	C. diagonalis	C. vera
Нормал	25	28	31	20	13	11
Бир текис торайган	24	26	29	18	11	9
Оддий яssi	25	28	31	18	11	9
Рахитик яssi	27	27	31	17	10	8
Кўндаланг торайган	25	25	30	20	13	11

24.1.-жадвал

Тор чаноқ ўлчамлари

Ҳозирги пайтда асосан биринчи даражали тор чаноқ учраса, учинчи даражали тор чаноқ деярли учрамайди.

Клиник нұктай назардан чаноқ ва ҳомила ўлчамлари бир-бирига түғри келиши ва туғруқни табиий туғруқ йўллари орқали ўтказиш мумкинлигини ҳал қилиш учун куйидаги кўшимча ўлчамларни аниқлаш керак:



1. Катта чаноқ ўлчамлари.
2. Чаноқ айланаси.
3. Диагонал конъюгата.
4. Чин конъюгата.
5. Кичик чаноқнинг чиқиши ўлчамлари (түғри ва кўндаланг).
6. Михаэлис ромбининг ўлчамлари.
7. Соловьев индекси.
8. Катта чаноқнинг қийшик ва ён ўлчамлари.
9. Қов бирикмаси баландлиги.
10. Симфиззинг ўртасидан 2-3 думга-за умуртқалари бирикмасигача бўлган масофа (қовдумғаза ўлчами).

Чаноқ торайиш даражасини ва шаклини аниқлашда юкорида келтирилган ўлчамлардан ташқари пельвиометрия ва ультратонууш текшириш жуда катта аҳамиятга эга. Рентгенопельвиометрия орқали чаноқнинг қуйидаги тўрт шакли тафовут қилинади.

1. Гинекоид (genecos-аёл) чаноқ кичик чаноқка кириш айлана ёки кўндаланг овал шаклида бўлади.

24.1.-расм. Тор чаноқнинг турлари: 1 катор- нормал чаноқ, бир текис торайган чаноқ;

2 катор- яssi чаноқ, бир текис торайган- яssi чаноқ; 3 қатор- кўндаланг торайган чаноқ, қийшайиб торайган чаноқ.

2. Андроид (androг-эркак) чаноқчилик чаноқда кириш учбурчаксимон бўлиб, ков бурчаги ва ёйи тор бўлади.
3. Антропоид чаноқ (кўндалангига торайган чаноқ) кичик чаноқка кириш бўйламаовал шаклида бўлиб, чаноқнинг тўғри ўлчамлари кўндаланг ўлчамларига нисбатан узунрок бўлади.

4. Платипелоид (яssi) чаноқ-чаноқда кириш кўндаланг овал шаклида бўлиб, кўндаланг ўлчамлари тўғри ўлчамларига қараганда узунрок бўлади.

Тор чаноқни юзага келтирувчи сабаблар она ва ҳомила ўртасида модда алманиши бузилиши, яъни фетоплацентар комплексининг патологияси,

болалик ва ўсмирилик давридаги касалликлар, бола ҳаётидаги қониқарсиз мухит, оғир юқумли касалликлар, эндокрин системанинг патологияси, сук жиқастланишлари ва бошқалардир.

Тор чаноқни аниқлашда анамнез йигинш, умумий объектив ва акушерлик текшириш усуслари кўлланилади, жумладан қорин кўриниши (24.2.-расм), белдумгиза ромби шаклини кўздан кечириш (24.3.-расм), акушерлик анамнези, чаноқни ўлчаш, қин орқали текшириш йўли билан конъюгатани аниқлаш, ҳомила ўлчамлари ва бошқалар аҳамиятга эга.

24.2.-расм. Тор чаноқли аёлларда қорин кўриниши:

1 – осилган, 2 – ўткир учли қорин



24.3.-расм. Михазлис ромби кўриниши: 1- нормал, 2- бир текис торайган чаноқ, 3- яssi чаноқ, 4- кўндаланг торайган чаноқ.

24.2. ЧАНОҚ ТОР БЎЛГАНДА ТУФРУҚНИНГ УТИШИ

Чаноқнинг торайиш шаклига қараб туфрук механизми ўз хусусиятларига эга бўлади.

Ҳамма томонидан баравар торайган чаноқда туғруқ механизми

Ҳамма томонидан баравар торайган чаноқ деб, ўлчамлари бир хилда торайган чаноқда айтилади.

Бундай чанокларда туғруқ механизми нормал ўлчамли чаноқдагидай ўтиб, лекин ҳар бир лаҳза ўзига хос хусусиятларга зга бўлади.

1. Ҳомила боши чаноқда кириш текислигига эгилади, шу сабабли бу ҳол унга ўқ-ёйсимон чок билан чаноқда кириш текислигининг қийшик ўлчамларидан бирида туришга имкон беради.

2. Ҳомила бошининг эгилиши кичик чаноқнинг кенг қисмидан тор қисмига ўтаётган пайтига тўғри келади. Ҳомила боши чаноқ тор қисмida янада кўпроқ каршиликка учраб, янада кўпроқ эгилади, кичик ликилдок пастга тушади ва чаноқ марказига яқинлашади ҳамда чаноқнинг ўтказувчи ўқига тўғри келади.

Ҳомила бошининг бундай эгилиши Редерер асинклитизми деб ном олган. Ҳомила бошининг бундай эгилиши ўзининг энг кичик айланаси билан чаноқнинг энг тор жойидан ўтишга имкон беради.

3. Ҳомила боши максимал эгилганлиги туфайли у бўйига чўзилиб кетади ва долихоцефалик конфигурация деб аталади.

Бу уч хусусият туғруқ механизмининг биринчи ва иккинчи лаҳзаларида учрайди. Ҳомила боши ўқ-ёйсимон чок билан чаноқ чиқиши текислигининг тўғри ўлчамида ётади ва ҳомила боши ёзилади. Шундай қилиб, туғрукнинг давом этиши анча ўзгаради.

Қўндаланг торайган чаноқда туғруқ механизми


Қўндалангига торайган чаноқ деб, қўндаланг ўлчамлари 1 см ёки ундан кўпроқ камайиб чин конъюгатанинг ўлчамлари нормал ёки катта чаноқка айтилади. Бундай чаноқли аёлда ҳомила бошининг юқорида тўғри туриб қолиши кузатилади. Бунда ҳомила боши ҳаддан зиёд эгилади ва эгилган ҳолда ўқ-ёйсимон чок билан чаноқнинг ҳамма текисликларидан тўғри ўлчами билан кайтади ва ҳомила энса олдинда ётиши олдинги тур механизмида, яъни нормал биомеханизмда туғилади, агар орка тур бўлса, айланиш чаноқ бўшлигига бўлиб, кўпинча турли хил асоратларга олиб келади.

Ясси чаноқда туғруқ механизмининг хусусиятлари

Рахитик ясси чаноқда факат чаноқ киришининг тўғри ўлчами кисқарган, оддий ясси чаноқда — чаноқнинг барча тўғри ўлчамлари кисқарган. Ясси чанокларда туғруқ механизми куйидаги хусусиятларга зга.

1. Ҳомиланинг боши ўқ-ёйсимон чок билан кичик чаноқ оғзининг кўндаланг ўлчамида туради. Ҳомила боши чаноқ оғзида бироз орқага қайрилади ва ёзилади.

2. Ҳомила бошининг асинклитик сукилиши юзага келади (олдинги ва орқа асинклитик сукилиши



24.4.-расм. Бошининг олдинги ва орқа асинклитик сукилиши



24.5.-расм. Киндикнинг олдинга тушиши.

литизм).

3. Ҳомила бошининг хаддан ортиқ (ўта) брахиоцефал конфигурацияси кузатилади.

Юкорида айтиб ўтилган ҳусусиятлар түгруқ механизмининг I-лаҳзаси учун хосдир. II-III-IV лаҳзалар одатдагидай ўтади.

24.3. ТОР ЧАНОҚНИНГ АСОРАТЛАРИ

Түгруқ пайтида тор чаноқли аёлларда куйидаги асоратлар бўлиши мумкин.

1. Қоғанок сувининг вақтидан олдин кетиши.

2. Киндикнинг олдинга тушиши

3. Түгруқ дардининг сустлиги ва унинг чўзилиши.

4. Функционал тор чаноқнинг юзага келиши.

5. Она юмшоқ тўқималари ва ҳомила бошининг шикастланиши.

6. Ҳомиланинг чала туғилиши, чаноғи билан келиши, кўндаланг ётиши.

Тор чаноқда түгруқнинг ўтиши ва унинг оқибатлари ҳомиланинг ўлчамлари, ҳомиланинг олдинда ётувчи қисмининг тўғри суқилиши ва унинг конфигурациясига, тўлғоқнинг кучига ва аёлнинг умумий аҳволи-га боғлиқ бўлади.

Тор чаноқда түгруқни бошқариш энг қийин ва асосий масалалардан бири ҳисобланади ва түгруқни олиб борувчи шифокорнинг малакасига боғлиқдир.

Тор чаноқли ҳомиладорларни олиб борища амбулаториянинг вазифаси куйидагилардан иборат:

а) ҳомиладор аёлларни барвакт ҳисобга олиб, уларни алоҳида диспансер гурухларига киритиш.

б) тор чаноқли ҳомиладор аёлларни түгруқ пайтидан 2-3 ҳафта олдин акушерлик стационарига юбориш лозим.

Бу ҳомиладор аёллар учун түгруқни бошқариш режасини тузиш шарт.

Ҳомилани антенатал нормал ривожини таъминлаш, инфантлизм ва бошқа болалар касалликларининг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, вояга етгач, ички секреция безлари фаолиятини кузатиб туриш каби тадбирлар орқали торайган чаноқ вужудга келишининг олдини олиш мумкин.

24.4. КЛИНИК ТОР ЧАНОҚ

Функционал, клиник тор чаноқ деб, түгруқ пайтида ҳомила ўлчамларининг ҳомиладор аёл чаноғи ўлчамларига тўғри келмаслик ҳолатига айтилади. Түгруқнинг узок кечиши ёки жарроҳлик аралашувлари ёрдамида кечишидан катъи назар, ҳомила ўлчамларига тўғри келмайдиган хар бир ҳол функционал жиҳатдан тор чаноқ ҳисобланади.

Учраши: Функционал жиҳатдан тор чаноқ умум түгруқларга нисбатан 1,5-2,5% ҳолларда учрайди. Функционал жиҳатдан тор чаноқда түгруқнинг кечиши ҳомиладор аёл чаноғи билан ҳомила ўлчамларининг бир-бирига мос келмаслигига боғлик. Тор чаноқда кўпинча түгруқ даври чўзилиб кетади, қоғанок сувларининг барвакт кетиши ҳомила киндинг тушиши, нормал жойлашган плацентанинг барвакт кўчиши, эндометрит, ҳомила асфиксияси, жароҳатлар учраб туради. Ҳомиладор аёллар чаноғининг функционал торлигини исботловчи клиник белгилар куйидагича: бачадон бўйни тўлиқ очилган бўлиб, түгруқ кучлари яхши бўлишига қарамай, ҳомиланинг түгруқ йўлларидан суст ҳаракатланиши ёки олдинга ҳаракатнинг йўклиги, ҳомила бошининг чаноқда сурилиши, конфигурацияси хусусиятлари, Вастен белгисининг кўрсаткичи, Цангемейстер ўлчамиининг ташки конъюгатадан катталиги, сийдик пуфагининг сиқилиш белгилари, бачадон деворининг ёрилиш хавфи белгилари ва бошкалар киради.

Түгруқ кучлари нормал бўлиб, бачадон бўйининиг тўлиқ очилган ҳолатида ҳомила бошининг илгарилама ҳаракатлари сустлиги ёки умуман йўклиги ўлчамларнинг мутлоқ ёки нисбатан тўғри келмаслигидан далолат беради. Ҳомила бошининг сурилиш механизми (түгруқ механизми) чаноқнинг ушбу формасига тўғри келиши ёки келмаслиги мумкин. Биринчи ҳол мослашиб механизми бўлиб, иккинчи ҳол эса салбий ҳисобланади. Ҳомила бошининг яхши конфигурацияланиши түгруқнинг нормал тугалланишида муҳим рол ўйнайди.

Ҳомила боши чаноқ оғзига сукилгандан кейин Вастен белгиси аниқланади. Текширувчи кўлининг кафтини симфиз юзасига кўйилиб юқорига олдинда ётган ҳомила боши соҳасига сирпантирилади; 1) ҳомила бошининг олдинги юзаси симфиз сатҳидан баланд бўлса, ҳомила боши чаноқка мутлоқ тўғри келмайди (Вастен белгиси мусбат), 2) ҳомила боши чаноқка салгина тўғри келмаса олдинги юзаси симфиз билан бир сатҳда туради (Вастен белгиси баравар), 3) ҳомила боши чаноқка мос келганда ўқнинг олдинги юзаси симфиз сатҳидан пастда бўлади (Вастен белгиси манфий).

Цангемейстер ўлчамиининг ташки конъюгата ўлчамидан катталиги тор чаноқнинг ишончли далили ҳисобланади, сийдик пуфагининг сиқилиши симптоми ҳам тор чаноқ борлигини билдиради ва бунда сийдик чиқаришнинг тўхташи ёки камайиши кузатилади.

Таснифи: Функционал жиҳатдан тор чаноқ ҳомила чаноқ ўлчамларининг тўғри келмаслиги жиҳатидан З даражага бўлинади (Калганова бўйича):

I даражали функционал тор чаноқ озгина тўғри келмаслиги кузатилганда: түгруқ механизми ва ҳомила бошининг сукилиш хусусиятлари нормал түгруқ механизмига мос бўлади, боши яхши конфигурацияланади, Вастен белгиси манфий бўлади, Цангемейстер ўлчами ташки конъюгатадан кам, түгруқ кучи нормал бўлиб, түгруқ даври 2-4 соатга чўзилади.

II даражали функционал тор чаноқ (нисбий тўғри келмаслик) белгилари: түгруқ механизми ва ҳомила бошининг сукилиш хусусиятлари анатомик тор чаноқ шаклига мос келади, ҳомила боши кескин конфи-

гурацияланади, ҳомила боши кичик чанок текисликларида узок турати, сийдик пифагининг сикилиш белгилари борлиги, Вастен белгиси «баравар», Цангемейстер ўлчами ташки конъюгата ўлчамига баравар келади.

III даражали функционал тор чанок (мутлок тўғри келмаслик): бундай хилда туғрук механизми ва ҳомила бошиниг сикилиш механизми ушбу тор чанок формасига хос бўлмайди, бошнинг конфигурацияси кам ёки конфигурация бутунлай кузатилмайди, Вастен белгиси мусбат, Цангемейстер ўлчами ташки конъюгатадан катта, сийдик пифагининг сикилиш белгилари намоён бўлади ва тўлрок ўз вактидан олдин келади. Туғрук кучлари нормал, бачадон бўйни тўлиқ очилган бўлишига қарамай, ҳомиланинг илгарилама харакатлари суст ёки умуман йўқ, бачадон деворининг ёрилиш ҳавфи белгилари пайдо бўлиши мумкин.

Диагностикаси: Функционал жиҳатдан тор чаноқнинг диагностикаси ҳомиладор аёлнинг акушерлик анамнезини ўрганишдан бошланади. Агар олдинги ҳомиладорлик муддатидан ўтиб кетган ёки оператив арапашувлар (кесарча кесиш, акушерлик кисқичлари, вакуум-экстракция, краниотомия) ёрдамида, ҳомила асфиксия ҳолатида ёки ўлик турилган бўлса, ҳозирги туғрук жараёнида асоратлар бўлиши ҳавфи бор. Мъалумки, анатомик тор чанок туғрукда функционал жиҳатдан тор чаноқ келиб чиқишининг асосий сабаби хисобланади. Шунинг учун чаноқни ўлчаш, ҳомиладорни кўздан кечириш, ташки кузатув асосида тор чанок борлигини тасдиқловчи белгилар: умумий инфантлизм, бўйи 150 сантиметрдан паст, болаликда кечган ракит белгилари, сколиоз, кифоз аниқланади. Анатомик тор чаноқча шубҳа туғилганда рентгенопельвиометрия, ультратовуш текширув ёрдамида унинг асосий ўлчамларини аниқлаш мумкин.

Туғрукни бошқариш. Туғрукни бошқариш учун аввало чаноқни функционал жиҳатдан баҳолаш керак. Функционал жиҳатдан тор чаноқда туғрукнинг кечиши ҳомила боши ва чаноқ ўлчамларининг бир-бирига тўғри келиш - келмаслигини ўз вактида аниқлашга борлиқ.

Туғрукни олиб бориш тактикасини ўрганишда куйидагиларни назарда тутиш керак: акушерлик анамнези, ҳомиладорликнинг кечиши, чаноқ шакли ва ўлчамлари, кўпчилик холларда туғрук даврида пешонанинг олдинда ётиши, ҳомила бошининг тўғрилиги жиҳатидан баҳоланди. Факат бир неча холларда, яъни туришини бачадон очилиш даврида баҳолаш мумкин.

Функционал тор чаноқнинг биринчи ва иккинчи даражасида туғрукни бошқаришда кутиш ҳолатига амал қилинади.

Учинчи даражали функционал тор чаноқда она ва ҳомила ҳаётини сақлаш максадида кесарча кесиш операцияси, ҳомила ўлик бўлганда эмбриотомия қилинади.

II-III даражали функционал тор чаноқда акушерлик қисқичларини ишлатиш ман қилинади. Агар ҳомила ўлик бўлса, краниотомия қилиш мумкин.

Функционал жиҳатдан тор чаноқни ўз вақтида аниқлаш, түргүркни бошқариш тактикасини тор чаноқ даражасига бөглиқ ҳолда олиб бориш натижасида перинатал ўлим ва бошқа асорталар камайиши мумкин.

Профилактикаси. Функционал жиҳатдан тор чаноқда учрайдиган асортларнинг олдини олишда оиласиб поликлиника мухим рол ўйнайди. Агар аёлларда анатомик тор чаноқ ёки функционал тор чаноқка олиб келиши мумкин бўлган сабаблар аниқланса, аёл юкори ҳавф гурӯхига киритилади ва ҳомиладорни текшириш мақсадида акушерлик бўлимига түргурқдан 7-10 кун олдин ётқизилади. Бу ерда түғдириш усуслари аниқланади ва рационал олиб борилади.

Амалий кўнималар.

1. Цангемейстер синамаси

Мақсад: клиник тор чаноқни аниқлашда фойдаланилади.

Асбоблар: чаноқ ўлчагич.

1. Аёл күшеткага ҳомила позициясига караб ётқизилади.
2. Чаноқ ўлчагич бир уни ромбсимон чуқурчанинг юкори бурчагига қўйилади, иккинчи уни симфизнинг юкори равогига қўйилади.
3. Чаноқ ўлчагичнинг биринчи уни ромбсимон чуқурчанинг юкори бурчагига қўйилади, иккинчи уни ҳомиланинг бошига қўйилади.
4. Биринчи ҳолда олинган оралиқ масофа иккинчи ҳолдагидан катта бўлса «Цангемейстер манфий» дейилади.
5. Агар биринчи ҳолда олинган оралиқ масофа иккинчиси билан тенг бўлса, «Цангемейстер тенг» дейилади.
6. Агар биринчи ҳолда олинган оралиқ масофа иккинчисидан кичик бўлса, «Цангемейстер мусбат» дейилади, бу ҳолда түғрук кесарча кесиши билан тугалланади.

2. Вастен синамаси

Мақсад: чаноқни функционал баҳолаш.

Шароит: ҳомиладор аёл күшеткага горизонтал ҳолатда ётқизилади.

1. Чап қўлнинг иккинчи ва учинчи бармоқлари ҳомила бошига қўйилади.
2. Ўнг қўлнинг иккинчи ва учинчи бармоқлари қов суягининг юкори равогига қўйилади.
3. Агар чап қўлнинг бармоқлари ўнг қўлнинг бармоқларидан юкори турса, «Вастен мусбат» дейилади.
4. Агар чап қўлнинг бармоқлари ўнг қўлнинг бармоқларидан паст турса, «Вастен манфий» деб баҳоланади.
5. Агар чап қўл бармоқлари ўнг қўл бармоқлари билан бир текисликда турса, «Вастен тенг» деб баҳоланади.

Масалалар

1. Қайта туғувчи 26 ёшдаги аёл. III ҳомиладорлик, III түғрук. Түғруқда 20 соатдан бери. 22 соат аввал сувлар кетган. Тана харорати 38,8, гитрок, йирингли ажралмалар. Суртма таҳлилида- лейкоцитлар кўп микдорда. Чаноқ ўлчамлари: 26-27-31-17. Ҳомила жойлашуви бўйлама, олдинда ке-

лувчи кисми – бошча. Бошча чанокқа тақалган. Ҳомила бошчасининг бипариетал ўлчами 12 см. Вастен белгиси +. Контракцион халқа симфиз ва киндинг ўртасида жойлашган. Ҳомила юрак уриши минутига 160 марта, бўйиклашган.

Р.В. Бачадон бўйни тўлиқ очилган, қоғаноқ пардаси йўқ, ҳомила бошчаси чанокқа кириш қисмига тақалган, бошчада туғруқ шиши. Диагонал конъюгата 10 см.

I. Диагноз II. Туғруқни қандай олиб борилади?

2. Қайта туфувчи 28 ёшдаги аёл. II ҳомиладорлик, II туғруқ. Чаноқ ўлчамлари: 23-26-29-18, ҚА – 107 см, БТБ – 35 см. Ҳомила жойлашуви бўйлама, олдинда келувчи кисми – бошча. Ҳомила юрак уриши минутига 136 марта, аник. Сувсизлик даври 5 соатни ташкил этди. Р.В. Бачадон бўйни тўлиқ очилган, қоғаноқ пардаси йўқ, ҳомила бошчаси чанокқа кириш қисмига яхши тақалган. Ўқ-ёйсимон чок чаноққа кириш қисмининг тўғри ўлчамида, кичик лиқилдок думғазага қараган. Диагонал конъюгата 11 см.

I. Диагноз II. Туғруқни қандай олиб борилади?

3. 26 ёшдаги туфувчи аёл туғруқнинг I даврида қабул қилинди. II туғруқ. 1- туғруқ ҳомила ўлими билан тугалланган. Михаэлис ромби яссилашган. Чаноқ ўлчамлари: 26-26-31-17. Соловьев индекси 15 см. Тўлғоқлар кучли, ҳар 2 минутда 40-45 секунддан. Цангемейстер ўлчами 17 см. Р.В. Бачадон бўйни 8 см очик. Қоғаноқ пуфаги аниқланади. Ҳомила бошчаси чаноққа тақалган. Диагонал конъюгата 10,5 см.

I. Диагноз II. Туғруқни олиб бориш режаси? III. Юзага келиши мумкин бўлган асоратлар?

4. Биринчи туфувчи аёл, 28 ёшда, чаноқ ўлчамлари: 25-28-31-18. Соловьев индекси 14 см. Ҳомиланинг тахминий вазни 3000 г. Ҳомила жойлашуви бўйлама, биринчи позиция, олдинда бошча. Тўлғоқлар ҳар 1-2 минутда, кучли, 40 секунддан. Сувлар 1 соат аввал кетди. Р.В. Бачадон бўйни силлиқлашган, четлари юмшоқ, оғзи 10 см очик. Қоғаноқ пардаси йўқ. Ҳомила бошчаси кичик сегменти билан кичик чаноқда, ўқ-ёйсимон чок кўндаланг ўлчамда, промонторийга яқин. Кичик лиқилдок катта лиқилдок билан бир текислиқда. Диагонал конъюгата 11 см.

I. Диагноз II. Туғруқни олиб бориш режаси? III. Юзага келиши мумкин бўлган асоратлар?

5. Қайта туфувчи аёл 26 ёш, туғруқнинг биринчи даврида келган. Туғруқ иккинчи. Биринчи ҳомиладорликдан ўлик ҳомила туғилиши кузатилган. Михаэлис ромби – яссилашган. Чаноқ ўлчамлари 26-26-31-17. Соловьев индекси 15 см. Кучаник ҳар 2 минутда 40-45 секунддан. Цангемейстер ўлчами 17 см. Очилиши 8 см, қоғаноқ пуфаги бутун. Ҳомила боши кичик чаноқ кириш қисмига тақалган. Диагонал конъюгата 10,5 см.

Диагноз. Туғруқни олиб бориш тактикаси, асоратлари.

6. Ҳомиладорлик патологияси бўлимига 26 ёшли ҳомиладор келган. Ҳомиладорлик вакти 38 хафта. Чаноқ ўлчамлари 23-26-29-18 см. Диагонал конъюгата 11 см, экография кўрсатгичлари: ҳомила бош ҳолатида, тахминий вазни - 2300 гр. Бачадон тубида йўлдош етилишининг 3 даражаси. Доплерометрияда қон айланиши системаси она-йўлдош - ҳомила II даражали бузилиши, камсувлилиги аниқланган. Диагноз? Туғруқни қандай

ўтказиш керак?

7. 34 ёшли туғувчи аёл. III ҳомиладорлик, II туғрук. I ҳомиладорлик 3 йил аввал туғрук кийин кечгандылық сабабли ўлук ҳомила туғилиши билан тугалланган. Ҳомила вазни 3400 гр, мияга кон күйилган. II ҳомиладорлик 1 йилдан кейин аборт билан тугалланган. Ҳозирги ҳомиладорлик анамнезига кўра вақтидан ўтган. Чанок ўлчамлари 27-28-30-17,5. Михаэлис ромбининг юкори бурчаги яссилашган.

P. V. Бачадон бўйни тўла очик, ҳомила бошчаси чанокқа тақалган. Ўқёнисимон чок кўндаланг ўлчамда, кичик лицилдоқ чапда, катта лицилдоқ ўнгда. Диагонал конъюгата 10,5 см. Вастен белгиси +. Яхши туғрук фанолиятида 2 соат ичидаги ҳомила бошчаси конфигурацияси кузатилмади. I. Диагноз? II. Туғрукни олиб бориш режаси?

8. Муддатли туғиши, катта ҳомила, вазни 4300 гр. Туғишининг З-даври 10 дакика давом этади. Йўлдошнинг тўлиқ ажралиш аломатлари йўқ. Кон йўқотиш 250 мл га етди. Кон оқиши давом этаяпти. Диагноз? Нима қилиш керак?

9. Туғадиган аёл туғишининг 2 даврида 1 соатдан бўён турибди. 5-ҳомиладорлик, 4-туғиши. Ҳомиланинг тахминий массаси 4200 гр. Ҳомила юрак уриши ритмик, аниқ-160 мин. Тўлоқнинг кучаниш характеристи ҳар 3 дакикада - 35-40 сек. давом этади. Чанок ўлчамлари 25-28-31-20 см. Қин текширувида бачадон оғзи тўла очик. Ҳомила боши кичик чанокқа кирапти. Ҳомила калла суюклари зич, чоки ва чуқурчалари яхши билинмайди. Чанок - думғаза дўмбогига етиб бўлмайди, сув кетаяпти, чикиндилар билан аралашган. Диагноз? Тактикангиз?

Ўргатувчи тестлар.

1. Ҳомиладорлиқда чанокнинг ва ҳомила бошининг клиник мос келмаслигини қандай белгиларидан билиш мумкин.

Туғруқдан олдин чанокқа кириш текислигига турган ҳомила боши ҳаракатчан.

Ҳомиланинг нотўри ётиши ва жойлашиши.

Бачадон тубининг ҳомиладорлик охирида юқорида туриши.

Осилаган ёки чўқкайган қорин.

2. Тўғри жавобларни кўрсатинг:

АТЧ - бунда ҳамма ўлчамлар ёки 1та ўлчам 1,5-2 см га қисқарган бўлади.

АТЧ - чин конъюгатанинг ўлчами қисқарган чанок.

КТЧ - бу ҳомила боши ўлчами ва она чаногининг бир-бирига мос келмаслиги.

3. АТЧ нинг 3 та торайганлик даражасини кўрсатинг:

I даражаси-чин конъюгата 10-8 см га тенг.

II даражаси-чин конъюгата 8-6 см га тенг.

III даражаси-чин конъюгата 6 см ва ундан кам.

4. Анатомик ва клиник тор чанокқа таъриф беринг?

АТЧ - бу чанок бир ёки барча ўлчамларининг 1,5-2 см ва кўпга торайганлиги.

КТЧ - ҳомила боши ва она чаноғи ўртасидаги номутаносиблик

5. Тор чаноқнинг кўп учрайдиган формаларини айтинг:

Умум торайган тор чаноқ.

Оддий ясси чаноқ.

Ясси рахитик чаноқ.

Кўндалангига торайган чаноқ.

Кичик чаноқ кенг текислиги тўғри ўлчами торайган чаноқ.

6. Ясси рахитик чаноқнинг 5 белгисини айтинг:

Ёнбош сүяклар қанотлари ёйилган, дистанция spinagum дистанция cristatum га яқинлашган.

Михазлс ромби учбурчак шаклида бўлади.

Промонториум қовга яқинлашган.

Чаноққа кириш буйрак кўринишида бўлади.

Чаноқ кириш текислигининг тўғри ўлчами торайган.

7. Кўндалангига торайган чаноқнинг 4 белгисини айтинг?

Чаноқ кўндаланг ўлчамларининг 0,6-1 см ва бундан кўпга торайганлиги.

Чаноққа кириш ва торайган текисликлари тўғри ўлчамлари нисбатан торайган ёки кенгайган.

Чаноққа кириш айланга ёки бўйлама – овал кўринишида бўлади.

Ёнбош сүяклари қанотлари кам ёйилган.

Қов равоги тор.

8. Ҳомиладорликда қайси 4 белгига асосланиб клиник тор чаноқни аниқлаймиз?

Бошнинг ўта конфигурацияси

Вастен ва Цангемейстер белгиларининг мусбат бўлиши.

Вактидан олдин кучаниш бошланиши

Яхши туғруқ фаолияти ва бачадон бўйнининг тўлиқ очилганлигига қарамасдан ҳомила бошининг ҳаракати бўлмаслиги

Сайдик тутилиши

9. АТЧ да ҳомиладорликда кузатиладиган 5 асоратларни санаб ўтинг:

Қоғаноқ сувларининг барвақт кетиши.

Ҳомила майда қисмларининг тушиши.

Ҳомила нотўғри ҳолатининг ҳосил бўлиши.

Ҳомила чаноғи билан келиши.

Ҳомила бошининг нотўғри суқилиши.

10. КТЧ га олиб келувчи 5 асосий сабабни айтинг?

Анатомик тор чаноқ

Катта ҳомила

Гидроцефалия

Ҳомила боши конфигурацияси йўқлиги

Ҳомила бошининг нотўғри суқилиши

11. АТЧ да туғруқнинг клиник кечиши кусусиятлари?

Чўзилиб кетган туғруқ.

- Түрүк кучлари сустлиги.
Қоғанок сувининг барвақт кетиши, киндик ва ҳомила майда қисмларининг тушиб кетиши.
- Ҳомила гипоксияси.
- Түргукнинг III ва илк чилла даврида қон кетиш.
12. Тор чанок билан түргукда кузатиладиган асоратлар:
Түргукда эндометрит.
Клиник тор чанок.
НЖЙБК.
- Перинатал ўлим.
Түргукнинг III ва илк чилла даврида қон кетиши.
Түргукда она ва бола жароҳати.
Түргүк кучлари нұксонлари.
Юқори фоизда оператив түргук.
13. Тор чанок билан чилла даврида кузатиладиган асоратлари?
Чилла даври септик касаллуклари
Илк чилла даврида гипотоник ва атоник қон кетишилар
Сийдик йўли билан жинсий аъзолар ўртасида оқма яралар пайдо бўлиши
- Чаноқ бирикмаларининг жароҳати
Юмшоқ түргүк йўллари жароҳати
14. АТЧ ривожланишининг асосий сабаблари:
Болаликда тўйиб овқатланмаслиги.
Ёшлигига ўтказилган касаллуклар: ракит, полиомиелит, болалар церебрал фалажи ва б.
Чаноқ, оёклар ва умуртқа синиши, жароҳати.
Суяқ сили.
Остеомаляция.
15. Умуртқанинг кандай деформацияси тор чанок ривожланишига олиб келади?
Кифоз.
Сколиоз.
Спондилолистероз.
Думғаза деформацияси.
16. Ҳозирги пайтда чаноқнинг кўндаланг торайишига олиб келувчи омиллар:
Акселерация.
Спортчи кизларининг ҳайзни тўхтатиш учун гормонлар кабул килиши
17. Ҳозирги пайтда тор чаноқнинг қайси З хили кўп учрайди
Кўндалангига торайган.
Кичик чаноқ кенг текислиги тўғри ўлчами торайган чанок.
18. АТЧ ни аниқлашнинг асосий усуслари:
Анамнез.
Умумий кўрик
Ташки пельвеометрия.
Кин орқали кўрик.

19. АТЧ ни аниқлашда қўшимча усуллар:

УТТ

Рентгенопельвеометрия.

Компьютер томографияли пельвеометрия.

Магнит- резонанс томография.

20. АТЧни аниқлашда қайси анамnez маълумотлари ёрдам беради?

Болаликда ўтказилган рапит, полиомиелит.

Чанок, умуртка, оёқларнинг жароҳатлари.

Олдинги түгрукларнинг асоратли кечиши.

Анамнезида оператив түгруқ.

Чақалокларда ўлик туғилиш, мия жароҳатлари, эрта неонатал даврда неврологик статуснинг бузилиши, эрта болалар ўлеми.

21. Ҳомиладорни ташқи кўрувда қайси маълумотлар тор чанок борлигини кўрсатади?

Бўйи 150 см дан паст.

Боши квадрат шаклида, оёқлар деформацияси.

Ўткир учли ва осилган корин.

Чанок эгилиш бурчаги кичиклашади.

Михаэлс ромби ўлчамлари камайиши ва унинг деформацияси.

22. АТЧ да кесарча кесишга б асосий кўрсатмани айтинг:

Катта ҳомила.

Муддатидан ўтган ҳомиладорлик.

Ҳомила сурункали гипоксияси.

Ҳомила чаноги билан ёки нотўғри ётиши.

Кесарча кесишдан кейинги ҳолат.

Акушерлик анамнезига мойил, 30 ёшдан ўтиб биринчи туғувчилар.

23. Анатомик тор чанокда түгруқни бошқариш тамойиллари.

Түгруқда чанокни функционал баҳолаш

Вактидан олдин қоғаноқ сувларининг кетиши профилактикаси

Түгруқ фаолияти аномалияси профилактикаси.

Ҳомила гипоксияси профилактикаси.

Ҳомила ва аёлнинг ахволини кузатиши.

XXV БОБ

ҲОМИЛАНИНГ КЎНДАЛАНГ ВА ҚИЙШИҚ ЁТИШИ

Мақсад.

Ҳомиланинг кўндаланг ёки қийшиқ ётиши тушунчаси, сабаблари, диагноз кўйиш түгруқнинг кечиши асоратлари ва уни олиб боришни ўрганиш.

Режа.

1. Ҳомиланинг кўндаланг ёки қийшиқ ётиши ҳакида тушунчани билиш.

2. Ҳомила кўндаланг ёки қийшиқ ётиши сабабларини ўрганиш.

3. Диагноз кўйиш, түгруқнинг кечиши.

4. Түгруқнинг асоратлари ва түгруқни олиб бориш.

Кўпинча ҳомила бачадонда узунасига ётади. Бу 99,5% ни ташкил қи-

лади. Колган 0,5% холларда ҳомила күндаланг ёки қийшик ётади, яъни ҳомила ўки бачадоннинг бўйлама ўкини тўғри ёки ўткир бурчак ҳосил килган ҳолда кесиб ўтиши 200-250 тутрукда биттага тўғри келади.

Агар ҳомиланинг бўйлама ўки бачадоннинг бўйлама ўки билан тўғри бурчак ҳосил қиласа, ҳомиланинг күндаланг ётиши, ўткир бурчак ҳосил қиласа, ҳомиланинг қийшик ётиши дейилади. Ҳомиланинг қийшик ётиши күндаланг ётишидан кўра кўпроқ учрайди.

Ҳомиланинг күндаланг ва қийшик ётиши ҳар хил сабабларга кўра вужудга келади. Бу ҳолат биринчи туғувчилардан кўра, қайта туғувчиларда кўпроқ учрайди. Бунга қуидагилар сабаб бўлади:

1. Кўп тукқан аёлларда корин девори кўпинча шунчалик бўшашиб кетадики, ҳомила ўз шаклини осонликча ўзгарирадиган бўлиб колади.

2. Кўп сувлилик ҳам бачадон деворини анча кенгайтириб юборади. Натижада ҳомиланинг қимирлашига кулай шароит туғилади. Шунга кўра жуда кўзгалувчан ҳомиланинг күндаланг ёки қийшик ҳолатда туриб қолиши осон бўлади.

3. Эгиз ҳомилада, кўпинча ҳомилалардан биттаси күндаланг ёки қийшик ётиб қолиши мумкин.

4. Ҳомиланинг күндаланг ва қийшик ҳолатда туриб қолиши кўпинча бачадон тараққиёти аномалиясида учрайди. Масалан, *uterus arcuatus* да бачадоннинг күндаланг ўлчови унинг узунлигидан катта бўлади, шунга кўра ҳомила күндаланг ёки қийшик жойлашади. Бачадон деворида миома бўлганда ҳам шу ҳолатларни учратиш мумкин.

5. Чанок тор бўлганда ҳам ҳомиланинг күндаланг бўлиб қолишига кулай шароит туғилади. Кориннинг осилиб тушиши, қоғонок сувининг кўп бўлиши, ҳомила бошининг катталиги, вактдан илгари туриш ва ўлик ҳомилада ҳам ҳомиланинг күндаланг ва қийшик ҳолатда ётганлигини кузатиш мумкин.

Диагноз қўйиш. Аввало ташқаридан бачадон шаклини аниклаш йўли билан ҳомиланинг қандай ётганини билиш мумкин. Кўпинча ҳомиладор аёлнинг фақат корнини кўриш биланок буни аникласа бўлади. Бачадонни корин девори орқали текширилганда унинг узунасига чўзилмай күндаланг жойлашган бўлиши жуда мухимдир. Бачадон туби унинг шу муддатдаги бўйлама ётишидаги ҳолатдан анча пастда бўлади. Ҳомиланинг боши ва думбаси она корни ён деворларини пайпаслаб кўриб аникланади (Леопольд-Левицкий усули). Кўндаланг ҳолатларда ҳомиланинг қандай ҳолатда эканлиги бошининг туришига қараб аникланади.

Агар ҳомиланинг боши чап томонда турган бўлса, бу биринчи ҳолат, агар ўнгда турган бўлса, иккинчи ҳолат ҳисобланади. Ҳар бир ҳолатнинг икки хил кўриниши бор: агар ҳомиланинг орқаси олдинга (онанинг корин

девори томонига) қараган бўлса, олдинги кўриниш, орқага (онанинг умуртқаларига) қараган бўлса, орқа кўриниш бўлади. Одатда биринчи холат ва олдинги кўриниш кўп учрайди (25.1., 25.2.-расмлар).

Корин девори орқали пайпаслаб кўрилганда бачадон туби ва суяги усти соҳасидан ҳомилан-



25.1.-расм. Ҳомиланинг кўндаланг ётиши. Биринчи ҳолат олдинги кўринишда, бачадон бўйининг очилиш даври, қоғанок ёрилмаган.



25.2.-расм. Ҳомиланинг кўндаланг ётиши, иккинчи ҳолат, орқатури.

нинг йирик қисмларини топиб бўлмайди. Пайпаслагандага ҳомиланинг факат кўндаланг ётганигини эмас, балки унинг ҳолати ва қайси кўринишда эканлиги аниқланади.

Ҳомиланинг юрак уришини эшитиш орқали ҳам унинг қайси ҳолатда ётганини аниқлаш мумкин. Агар ҳомиланинг юрак уриши аёл киндигининг чап ёнида эшитилса, ҳомиланинг биринчи ҳолатда, ўнг ёнида эшитириса, иккинчи ҳолатда эканлиги аниқланади.

Ҳомиланинг кўндаланг ётганигини ва қайси кўринишда эканини сув кетгандан кейин туғруқ вактида ички текшириш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Бачадон бўйни тўла очилмай туриб, қин орқали текшириш қоғаноқнинг ёрилиб кетиш хавфини турдиради. Сув кетган бўлса, олдинга келувчи қисмлари, елка камари, кўл, кўкрак қафасини топиш осон бўлади.

Ҳомиланинг қайси ҳолатда ётганини кўлтиқ ости чукурчаси орқали ҳам аниқласа бўлади. Агар кўлтиқ ости чукурчаси чап томонга берк бўлса, биринчи ҳолат, аксинча бўлса, иккинчи ҳолат бўлади.

Үмров суклари ва куракларнинг туришига караб ҳам ҳомиланинг қайси ҳолатда эканлигини аниқлаш мумкин. Агар бунда ҳомиланинг кураклари олдинга, үмров суклари орқага қараган бўлса, олдинги кўриниш, аксинча бўлса-орқа кўриниш бўлади. Баъзан сув кетишидан ҳомиланинг кўли кинга тушиб колади (бу патологик ҳолатdir). Бунда диагноз кўйиш осон бўлади. Қайси кўлнинг- чап ёки ўнг кўлнинг тушганлигини ҳам билиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳомиланинг тушган кўли билан фараз килиб «кўришиш» керак. Агар тушган кўл шифокорнинг ўнг кўлига тўғри келса-бу ҳомиланинг ўнг кўли, аксинча бўлса - чап кўли эканлигини кўрсатади.

Тушган кўлни тўғри килиб, кафтини олдинга қаратган ҳолда кўйилганда, агар катта бармоқ ўнгга қараган бўлса, бу ўнг кўл, чапга қараган бўлса, чап кўл бўлади. Шундай килиб, ҳомила биринчи ҳолатда

бўлганда ўнг қўлнинг тушиши- олдинги кўриниш, чап қўл тушса, орка кўриниш эканлигидан далолат беради. Иккинчи ҳолатда ўнг қўлнинг тушиши орка кўринишни, чап қўлнинг тушиши-олдинги кўринишни кўрсатади.

Ҳомила кўндаланг ёки қийшик ётганда аёлда субъектив ҳолат унчалик билинмайди. Аммо уларда ҳомиладорликнинг барвакт тўхташи, қоғаноқ сувининг эрта кетиб қолиши кўп учрайди.

Туғруқнинг кечиши. Ҳомиланинг кўндаланг ва қийшик ётиши энг оғир ҳолатлардан бири ҳисобланади. Бунда ҳомиланинг мустакил, ўзи айланиб турилиши камдан-кам учрайди. Ҳомила кичик, яхши қўзғалувчан бўлганда ва қийшик ётганда мустакил турилиши мумкин. Баъзан ҳомила муддатига етмай она қорнида ўлганига анча бўлиб, чириган (мацерация) бўлса ёки катта бўлмаса, у ўз-ўзидан бурилиб ёки иккига букилган ҳолда турилиши мумкин. Ўз-ўзидан бурилиб турилганда туғруқ фаолияти кучли бўлиши натижасида ҳомила қисмлари кетма-кет туғилади: бунда ҳомила елкаси чаноқ кириш қисмига маҳкам суқилади, танаси букилган ҳолатни олади, думбалари, оёклари турилиб бўлгач, иккичи елкаси ва нихоят ҳомиланинг боши туғилади. Бу ҳолатни ўлган ва чала ҳомилаларда кузатиш мумкин.

Ҳомила бувланиб туғилганда, иккига бўлинган ҳолда олдинги елка, сўнгра қорнига босилган (сиқилган) ҳолда тана ва боши, энг охирида думбаси ва оёклари чиқади. Кўпинча туғруқ ҳомила нотўри ётган ҳолда бошланади. Оғир ҳолатлар туғруқнинг биринчи даврида рўй беради. Ҳомила нотўри ётганда туғруқ акушерлик ёрдамисиз ўтса, одатда бачадон ёрилиши, ҳомила она қорнида ўлиб қолиши мумкин. Ҳомила кўндаланг ва қийшик ётганда олдинда келувчи қисм бўлмайди, шунинг учун қоғаноқ суви иккига — олдинги ва орка сувга бўлинмайди. Бундай ҳолда бачадон бўйни тўла очилиб бўлмасданоқ, босим таъсирида қоғаноқ ёрилади, қоғаноқ сувининг вақтидан илгари кетиб қолиши одатда туғруқ дардининг сусайишига сабаб бўлиши мумкин.

Сув кетганда киндик тизимчасининг қинга тушиши хам оғир патологик ҳолат ҳисобланади. Қоғаноқ сувининг олдин кетиб қолишига сабаб ҳомиланинг олдинда келувчи қисми йўклигидир (одатда ҳомила боши билан туғилганда ҳомила бошида тақалиш камари вужудга келиши натижасида қоғаноқ суви олдинги ва орка сувга бўлинади хамда киндик тушиши учун шароит бўлмайди).

Ҳомила кўндаланг ва қийшик ётганда бачадон ичida дард натижасида босим кучли бўлиб, тақалиш камари бўлмаганига кўра қоғаноқ босимга бардош беролмай ёрилиб, суви кетиб қолади ва дард кучи таъсирида ҳомила бачадоннинг пастки сегментига жойлашади, сира қўзғалмайдиган бўлиб қолади. Ҳомиланинг орка умуртқаси қайрилади, кўпинча ҳомила кўли тушиб, кўкариб қолади. Ҳар сафар дард тутганда

хомила чанок кириш йўлига елкаси билан чукурроқ тикилиб кира боради, шундай килиб чўзилиб, кенгайиб таранглашган бачадоннинг пастки сегментига ҳомиланинг кўп кисми жойлашади (25.3.-расм). Натижада кўндаланг ва қийшик ҳолатнинг ўтиб кетган тури вужудга келади.



25.3.-расм. Ҳомиланинг кўндаланг елка билан келиши.



25.4. расм. Ҳомиланинг бачадонда ётиши: кўндаланг ётганидаги ўтиб кетган долати.

Шу ҳолатда дард тутиш давом этаверади, бачадон мускулларида тетаник кискариш бошланади. Бу Бандр белгиси деб юритилади. Қорин девори орқали бачадон кўриниши иккига бўлинниб туради (8 раками каби). Қиндиқ соҳасида қийшик ариқча (ретракцион ҳалқа) пайдо бўлади. Бунда бачадоннинг пастки сегменти кенгайиб, ҳомила шу кисмига жойлашиб қолади. Ретракцион ҳалқа эса, юкорида айтганимиздек, бачадоннинг актив ва пассив қисмларини ажратувчи ҳисобланиб, унинг жойлашиши бачадоннинг пастки сегменти ҳаддан ташқари кенгайиб кетганидан далолат беради. Бачадоннинг думалоқ бойлами (lig. rotundum), айниқса чап томондагиси таранг тортилади. Бу ҳамма белгилар ҳомиланинг ҳаддан ташқари кўндаланг ўтиб қолганлигини кўрсатади. Бунда кўпинча ҳомила туғилишга имкон тополмай, нобуд бўлади (25.4.-расм).

Туғаётган аёл бетоқат бўлади, томир уриши тезлашади, бачадон пастки сегментидаги оғриқ зўрайади. Бу вактда тўсатдан кичкириб юборади, баъзан аёл қорнида «бир нарса йиртилганидан» шикоят килиб, аҳволи оғирлашади. Аёл оқариб кетади, пульси сусаяди, кон босими пасайиб кетади, қиндан қон келади. Ҳомила қорин бўшлиғига чиқади, шунга кўра оғриқ шакли ўзгаради.

Баъзи ҳолларда ҳомила кўндаланг ётганда туғруқ оқибати бошқача бўлиши ҳам мумкин. Бунда туғруқ кучининг иккинчи сустлиги вужудга келиб, туғруқ тўхтайди, бачадон ортиқ кискармайди, туғруқ йўллари очик бўлиши натижасида юкорига кўтариувчи инфекциянинг авж олиши учун қулай шароит яратилади. Ҳатто септик ҳолат вужудга келади (эндометрит, перитонит, сепсис ва бошқалар). Кўндаланг ва қийшик жойлашган ҳомила камдан-кам ҳолларда ўз-ўзидан айланади, шунда бош ёки чанок кисми биринчи бўлиб туғилади. Аммо одатда ҳомила бундай ҳолатда туғила олмайди.

Туғруқни бошқариш. Ҳомиланинг кўндаланг ва қийшик ётганилигини ҳомиладорликнинг 7-8-ойларидан аниқлаш мумкин. Чунки бундан эрта муддатларда ҳомила ҳали кўзғалувчан бўлади. Баъзан 7-8-ойларда ҳам

күзгалиувчан бўлади ва ўзининг ётиш ҳолатини тез-тез ўзгартириб туради. Агар аёл ҳомиланинг катта қисми жойлашган ёнбошида кўпроқ ётса, унинг кўндаланг ҳолатдан бўйлама ҳолатга ўтишига қурайлик турилади. Агар ҳомила боши чап ёнбошида, думбалар эса бачадоннинг ўнг бурчагида бўлса, ҳомиладор чап ёнбоши билан, аксинча бўлса ўнг ёнбоши билан ётиши керак.

Агар ҳомила қийшик ёки кўндаланг ҳолатда қолаверса, ҳомиладорликнинг 35-ҳафтасида аёл түргурухонага юборилади.

Хозирги пайтда ҳомила тирик бўлса кўп ҳолларда кесарча кесиш усулни кўлланилади. Бу операция агар ҳомила катта, чаноқ кичкина бўлса, катта ўшдаги (30 ўшдан ошган) аёлларда, плацента олдин келганда, агар кўндаланг ётишининг ўтиб кетган тўғри бўлмаса, ҳомила тирик бўлса-да, инфекция бўлмаса ҳомила хаётини саклани учун ҳаракат қилинади.

Бундай ҳолларда чанок ичи аъзоларидағи ўсмаларда (миома, киста), бачадондаги илгариги кесарча кесиш операциясидан кейин ва абортда бачадон тешилганда тикилган чандиклар, бачадоннинг ёрилиш ҳавфи бўлганда кесарча кесиш операцияси кўлланилади. Кесарча кесиш операцияси қоғанокни ёрмасдан олдин қилинади, шунда инфекция тушиши ҳавфи бўлмайди. Баъзи ҳолларда қоғанок суви эрта кетиб қолиб, ҳомила киндиги сув билан биргаликда қинга сирғаниб тушиб колади, бунда дарҳол кесарча кесиш операциянни бошлаш керак.

Кўндаланг ва қийшик ётиш прогнози түргурувчи шифокорнинг маҳоратига боғлиқ. У вактида диагноз кўйиб, аёлни түргурухонага ётказиши ва туддириш режаларини тузиб, аёлга ёрдам бериши керак.

Кўндаланг ётишининг олдини олиш учун тургук ва чилла даврини тўғри олиб бориш керак. Бачадон ва қорин деворлари бўшашиб қолишининг олдини олиш учун махсус профилактика чоралари кўлланади. Шу билан бирга жисмоний тарбия машгулотларидан фойдаланиш ва бандаж тақиши кенг тарқалган тадбирлардан ҳисобланади. Жисмоний машгулотларни түргурухоналарда ва уйда патронаж ҳамшира кузатувида ва мустакил амалга оширилади.

Масалалар

1. Түргурухонага туғувчи аёл ҳомилани кўндаланг ҳолатда, кўли тушган ҳолатда келтирилди. Ҳомиланинг юрак уриши эшилтимаяпти. Диагноз? Бу ҳолатда қандай түргук жараёни ўтказиш мумкин?

2. Түргурухонага 25 ёшли қайта ҳомиладор вактидан олдин ҳомила сувлари кетиши туфайли ҳомиладорликнинг 38-ҳафтасида келтирилди. Аномнезида ўз вактида акушерлик кискичлари ёрдамида туккан. Лекин оғир нефропатия туфайли туғиши фаолияти йўқ. АҚБ 150-90 мм. сим. уст. Юз ва корин деворлари ҳамда оёқда шишилар борлиги аникланган. Ҳомила ҳолати кўндаланг. Думба-chanok ҳаракатчан. Кичик чаноқ кисмida жойлашган. Ҳомила юрак уриши бўғик, ритмик, минутига 140. Қин текширувида бачадон бўйни узунлиги 2,5 см. Бачадон бўйни каналига 1 бармоқ сиғади, қоғанок пуфаги йўқ. Ҳомила чаноқ-думба қисми кичик чаноқ кисмida, бармоқ промонториумга етиб бормайди.

Диагноз? Бу ҳолатда түғишининг усули?

Үргатувчи тестлар.

1. Ҳомиланинг кўндаланг жойлашиш белгилари қандай?
Ҳомиланин олдинда ётган қисми бўлмайди.
Ҳомиланинг боши ўнг томонда ёки чапда жойлашади.
Ҳомиланинг юрак уриши киндик соҳасида ёки киндикдан юкорида эшишилади.

Рентгенограммада она умурткаси ва ҳомиланинг умуртка погонаси тўғри бурчак ҳосил килиб кесишади.

2. Ҳомиланинг кўндаланг ётиши асоратлари қандай?
Ҳомила олди сувининг тугрукдан олди ва эрта кетиши.
Тугрук йўлидан кўкарған, шишган кўлчанинг осилиб тушиши.
Ҳомила елкаси кичик чанокка кириш текислигида.
Ҳомила елкаси кичик чанокка тикилиб қолган.
Бачадон йиртилиши.

3. Ҳомиланинг нотўғри жойлашишида ҳомиладорлик ва тугрук асоратлари:

Ҳомиланинг муддатидан олдин туғилиши.

Тугруқдан олдин сув кетиши.

Тугруқдаги эндометрит.

Кечиккан, ҳомиланинг кўндаланг келиши.

Киндик ва майда қисмларининг тушиб қолиши.

4. Ҳомиланинг кўндаланг келиши сабаблари қандай?

Анатомик тор чанок.

Кўпсувлилик.

Кўпҳомилалик.

Йирин ҳомила.

Йўлдошнинг олдин келиши.

5. Ҳомила кўндаланг ётганда тугруқнинг кечиши ва юзага келиши мумкин бўлган асоратлар:

Тугрук кучларининг сустлиги.

Қоғаноқ сувларининг баравақт кетиб қолиши.

Тугруқнинг чўзилиб кетиши .

Киндик ва майда қисмларининг тушиши.

Бачадон ёрилиш хавфи.

Тугруқдаги эндометрит.

6. Ҳомила кўндаланг ётишининг олдини олиш ва терапевтик чора-тадбирлар:

Жисмоний зўриқиши камайтириш.

Қабзиятнинг олдини олиш.

Ҳомила ҳолатига мос ёнига ётқизиш.

35-36- ҳафталигига тугруқхонага ётқизиш.

7. Ҳомила кўндаланг ётишига хос белгиларини айтинг?

Ҳомила бўйлама ўки, бачадон бўйлама ўкини тўғри бурчак остида кесиб ўтади.

Ҳомила олдинда ётган қисми ёнбош суюгига киррасидан юкорида жойлашган.

Ҳомила вазияти бошига қараб аниқланади: боши чапда I - вазият, боши ўнгда II-вазият.

Ҳомила вазиятининг кўринини ҳомила орқасига қараб белгиланади.

Ҳомила олдинда ётган кисми аниқланмайди.

8. Ҳомила нотўрги жойлашганда диагноз кўйиш:

Кўрув.

Пальпация.

УТГ.

Қин орқали текширув

9. Ҳомила кўндаланг ётганда туғрукни олиб боришнинг энг қулай усулни:

Кесарча кесиш.

10. Ҳомила кўндаланг ётганда туғрукда пайдо бўладиган кесарча кесишга кўрсатмалар:

Кўндаланг ётишининг ўтиб кетганинига, тирик ҳомила ва инфекция белгилари йўқ бўлса.

Бачадон ёрилиш хавфи пайдо бўлганда.

Қофаноқ сувларининг эрта кетиши.

Ҳомила майда кисмлари ва киндиги тушиб қолиши.

XXVI БОБ АКУШЕРЛИК ЖАРОҲАТЛАРИ

Максад. Туғрук йўлидаги юшшок тўқималарнинг шикастланиши ва уларни тикишни, бачадоннинг ағдарилиб чиқиши ва бачадон ёрилиши нинг сабаблари, диагноз кўйиш, бу асоратларнинг олдини олишни ўрганиш.

Режа.

1. Туғрук йўлидаги юшшок тўқималарнинг шикастланиши.
2. Бачадон бўйни, қин ва оралик йиртилишини тиклаш.
3. Бачадоннинг ағдарилиб чиқиши.
4. Бачадон ёрилишининг сабаблари, диагноз кўйиш.

26.1. ТАШҚИ ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ВА ЧОТНИНГ ШИКАСТЛANIШИ

Туғрукнинг иккинчи даврида кўпинча туғрук йўлидаги юшшок тўқималарнинг шикастланиши, туғрукнинг учинчи ва бундан кейинги илк даврларида кон кетишига (агар артерия ёки йирик вена кон томирлари шикастланса) сабаб бўлиши мумкин. Жароҳат клитор ён-атрофида бўлса, бу аъзо кон томирига бой бўлгани учун кўп кон кетишига олиб келади. Акушерлик жароҳати туғрук йўли ва чот тўқималари, қин девори, бачадон бўйнининг озрок жароҳатланишидан тортиб, ҳатто бачадон йиритилиши каби асоратлардан иборат бўлиши мумкин.

Ташқи жинсий аъзолари, чот шикастланиши ва йиртилиши биринчи марта тураётган, айникса чала, шунингдек муддатидан ўтиб туккан аёлларда кўп учрайди. Бундан ташқари, қинга кириш кисмининг яллигланиши — вульвит, қиннинг яллигланиши — колъпит касалликлари ҳомиладорлик даврида яхши даволанмагандан ҳам учрайди. Туғрук вактида қин

юмшок тұқималари хаддан ташқары чўзилиши натижасида йиртилиши мүмкін. Бу тұқималар туғрукда акушерка оралиқни йиртилишдан эхтиёт килмаганда, туғрук йўлларининг чўзилиши қобилияти сусайганда (30 ёш ва бундан ошган биринчи туғаётган ҳамда жинсий аъзолари яхши тарақкий этмаган аёлларда), ҳомилани акушерлик қисқичи билан тортиб чиқарилганда йиртилиши мүмкін.

Фақат шиллик қават сал тилинган бўлса ва кон кетмаса, шу ерга 5% ли йод эритмасидан суртиш мүмкін. Аммо бачадон бўйни, қин девори ва клитор шикастланган, айникса чот оралиғи йиртилган бўлса, уни албатта шифокор тикиши керак.

Клитор ёнидаги жароҳатни сайдик йўлига метал катетер киргизиб кўйиб, кетгут билан тикилади, сўнгра стерилланган дока тампонни кон тўхтагунча бироз босиб туриш лозим.

26.2. ҚИН ВА ВУЛЬВА ГЕМАТОМАЛАРИ

Қин ва қин дахлизида гематома (кон тўпланиши натижасида ҳосил бўлган шиш) чукур жойлашган кон томирларининг бузилиши натижасида шиллик қават ва тери остига кон кўйилишидан ҳосил бўлади, бунда шиллик қават ёки тери шишади ва аёл кучли оғрик сезади. Агар гематома унчалик катта бўлмаса, шу ерга музли халта кўйиш керак. Гематома секин-аста катталаша борса, операция йўли билан қонаётган томирни топиш ва бойлаш керак. Бунда гематома устидаги тери ёки шиллик қават кесилади, унинг тагига тўпланган кон лахталари олиб ташланади ва ёрилган кон томирини топиб, бойланади ёки тикилади. Шиллик қават ва терини кетгут ва ипак билан тикиш лозим.

Чотнинг йиртилиши туғрук вактида энг кўп учрайдиган шикастланишлардан бири ҳисобланади. Турли сабаблар туфайли чот йиртилиши 10-12% учраса, ҳомила чала туғилганда бу 15-20% ни ташкил этади. Бундай жароҳат кўпинча биринчи марта туғаётган аёлларда ҳомиланинг боши ёки елкалари чиқаётганда рўй бериши мүмкін. Чотнинг йиртилиши акушерканинг малакасига ҳам боғлиқ. Чунки у туғруқ вактида чотни авайлаб ушлаб туриши ва ҳомила бошини тўғри ушлашни билмаса, чот кўпроқ йиртилади. Чот йиртилишининг З даражаси кузатилади:

I даражали йиртилишида чот териси йиртилади;

II даражада чот териси, юза мускуллар ва фасциялар йиртилади;

III даражада юқорида айтилганлардан ташқари, чот тұқималари ва тўғри ичакнинг қисқартирувчи ва идора қилувчи мускул (леватор) лари йиртилади. Айрим вактларда тўғри ичак девори ҳам йиртилиши мүмкін. Ҳар бир акушерка туғрук пайтида чотни йиртилишдан муҳофаза қилиш билан бирга ҳомила бошининг шикастланишига ҳам йўл кўймаслиги лозим.

Чотнинг йиртилиш хавфи белгилари нимадан иборат? Ҳомиланинг боши чаноқ тубига тушганда чотдаги тұқималар чўзилади, натижада улардаги кон айланиши бузилади, вена кон томирлари тарқок бўлганлиги учун улардан кон ўтиши қийинлашади, натижада чот териси таранглашиб, кўкиш рангга киради, бу унда йиртилиш хавфи борлигини кўрсатувчи белгидир. Агар артерия кон томирларида кон юриши қийинлашса, чот териси оқариши мүмкін. Бундай ҳолларда чот йиртилмасдан туриб,

уни кесиш, яъни перинеотомия ёки эпизиотомия килиш керак. Бунда чот териси 5% ли йод билан артилиб, қайчи билан 2-2,5 см узунликда ҳомила боши ёки думбаси чиқаётган вактда киркилади. Аввал ҳомиланинг боши билан чот ўртасига қайчи кўйиб, сўнгра эт кесилиши керак. Кесилган тўкимани тикканда кўпинча у асоратсиз битиб кетади.

Йиртилган чот ўз вактида тикилмаса, кўп кон кетишига ва чилла даврида турли асоратлар содир бўлишига сабаб бўлади. Чот қайси даражада йиртилишидан катъи назар, йўлдош тушгандан кейин, агар кон кетмаётган бўлса 1,5-2 соатдан сўнг, кон кетаётган бўлса дарров тикиш керак.

Кин ва чотнинг йиртигини тикиш учун қуидаги асбоблардан фойдаланиш керак: 2 та қин ойнаси, 3 та корнцанг, 2 та пинцет, 1 та букилган ва 1 та тўғри қайчи, 5 та кон тўхтатувчи кискич, 2 та нина ушлагич, 3-4 ҳар хил йўғонликдаги ниналар, металл катетер, кетгут, ипак, стерилланган дока тампонлар. Агар чотдаги йиртилиш 1-2 даражали бўлса, оғриқсизлантириш учун 0,25-0,5% ли новокайн эритмасини (60-100 мл) жароҳатланган тўкималар атрофига юборилади, агар 3 даражали йиртилиш бўлса, уни тикиш учун томир ичига наркоз берилади (калипсол, кетамин).

Операция кичик операция хонасида олиб борилади, тикишдан олдин аёлнинг ташки жинсий аъзолари ва улар атрофи стерилланган дока бўлаклари ёрдамида дезинфекцияловчи эритмалар билан ювилади, сўнгра спирт билан артиб, 2 ёки 5% ли йод эритмаси суртилади.

Чот оралиғидаги жароҳатни тикишни кин деворларининг йиртилган жойидан бошлаш керак. Йиртилган шиллик қаватни тикишда ҳар қайси чокнинг масофаси 1 см дан бўлиши керак, нинани жароҳатнинг 0,5 см четидан санчилади. Агар жуда чуқур йиртилган бўлса, ичкаридаги тўкималар ҳам кўшиб тикилади, шиллик қаватни тикиб бўлгач, кетгут учлари қирқиб ташланади. Чот оралигининг йиртилган териси ипак билан тикилади, бойланган ипак учларини тугундан 1 см қолдириб киркилади.

Кин ва оралиқ йиртилишини тиклаш.

Туғруқ вактида содир бўлувчи 4 даражада йиртилиш мавжуд:

- Биринчи даражали йиртилиш қиннинг шиллик қавати ва бириктирувчи тўкималарни ўз ичига олади.
- Иккинчи даражали йиртилиш қиннинг шиллик қавати, бириктирувчи тўкималар ва мушак қаватини ўз ичига олади.
- Учинчи даражали йиртилиш анал сфинктердан тортиб ҳамма қисмларнинг тўлиқ йиртилишини ўз ичига олади.
- Тўртинчи даражада тўғри ичак шиллик қаватининг йиртилишилари.

Биринчи ва иккинчи даражали йиртилишларини тикиш.

Биринчи даражали йиртилишлар кўпинча ўз-ўзича, чок кўйилмасдан битиб кетади.

Ёрдам кўрсатишнинг асосий қонунларига амал қилинг.

Рұхан кўллаб-қувватланг ва лидокаин билан маҳаллий оғриқсизлантириш ёки пудендал оғриқсизлантиришдан фойдаланинг.

Ердамчидан бачадонни массаж қилишни ва бачадон тубини босиб туришни сўранг.

Қин, оралиқ ва бачадон бўйнини диккат билан кўриб чиқинг (26.1.-расм).

Агар ёриклар узун ва чуқур кетган бўлса, уларни баҳоланг ва улар З ёки 4 даражаларга тегишли эмаслигига ишонч ҳосил қилининг.

- Кўлқопдаги бармогингизни анууга киритинг;
- Бармогингизни охиста кўтариш ва сфинктерни аникланг;
- Сфинктер тонуси ва тўлиқлигини баҳоланг.

Кўлқопнингизни бошқа стерил зарарсизлартирилганига алмаштиринг.

Агар сфинктер жароҳатланган бўлса, З ва 4 даражали йиртилишнинг тикиш бўлимига қаранг.

Агар сфинктер жароҳатланмаган бўлса, тикишни давом эттиринг.

Ёрик атрофи соҳасини антисептик эритма билан сарышталанг.

- Лидокаин 2% эритмасидан 10 мл атрофидаги олиб, бевосита қин шиллик ости соҳасини ва оралиқ терисини инфильтрация қилинг.

- Дори юборганингиздан кейин 2 дакика кутинг, сўнгра мўлжалланган кесим ўрнига кискич ўрнатинг. Агар аёл чимчиланишини сезса, яна 2 дакика кутинг ва синовни тақоррланг.

- Қин шиллик қаватини узлуксиз чокда №2-0 (26.2.-расм) тикинг:

- Тикишни қин ёриги тепа кисмидан 1 см тепарок ўтиб бошланг. Чокни қинга кириш даражасигача давом эттиринг;

- Қинга киришда ёриклардан икки четини ўша жойда бирлаштиринг;

- Қинга кириш соҳасида игнани ичидан ташқарига йўналтириб ўтказинг ва лигатурани бошлаб қўйинг.

- Оралиқ мушакларини алоҳида чоклар билан № 2-0 (26.3.-расм) тикинг. Агар ёрик чуқур кетган бўлса, бўшликини ёпиш учун иккинчи қатор чоклар қўйинг.

Қинга кириш қисмидан бошлаб алоҳида (ёки тери ичи) чоклар № 2-0 билан терини тикинг (26.4.-расм).

Агар ёрик чуқур бўлса, ректал текширув ўтказинг. Тўғри ичақда чоклар йўқлигига амин бўлинг.



26.1.-расм . Оралиқ ёриқларини кўриб чиқиши.

Оддинги
кўзгу



26.2-расм. Қин шиллик қаватини тикиш.

26.3.-расм. Оралиқ мушакларини тикиш.

26.4 . - расм. Терини тикиш.

Учинчи ва тўртинчи даражадаги оралиқ йиртилишини тикиш.

Ёрдам кўрсатишининг асосий қонунларига амал қилинг.

Рұхан кўллаб-куватланг. Пудендал оғриқсизлантириш ёки кетамин кўлланг. Баъзида, агар ёрик четлари яхши кўриниб турса, лидокайн билан маҳаллий оғриқсизлантириш ҳамда петидин ва диазепам т/и аста-секин (аралашмасидан) юборишни кўллаш мумкин.

• Ёрдамчидан бачадонни массаж килишни ва тубига босиб туришини сўранг.

Қин, бачадон бўйни, оралиқ ва тўғри ичакни кўриб чиқинг.

Анал сфинктер ёрилиш эҳтимолини кўриш учун:

о Кўлқопдаги бармогингизни анусга киритиб, уни аста кўтаринг;

о Сфинктер бор - йўқлигини аниқланг;

о Тўғри ичакни пайпастланг ва унда ёриклар мавжудлиги эҳтимолини кўриб чиқинг.

Кўлқопингизни стерил зарарсизлантирилган кўлқопга алмаштиринг.

Ёрикларни антисептик эритма билан саришталанг ва ахлат қолдикларини олиб ташланг.

Лидокайн ва бошқа дориларга аллергик таъсири йўқлигига амин бўлинг.

Қин шиллик қавати, оралиқ тери ослари ва оралиқ мушаклари соҳасига чукур килиб 10 мл 2% лидокайн эритмасини оғриқсизлантириш учун юборинг.

• Дори юborgанингиздан кейин 2 дақиқа кутинг, сўнгра мўлжалланган кесим ўрнига кискич ўрнатинг. Агар аёл чимчиланиши сезса, яна 2 дақика кутинг ва синовни такрорланг.

• Тўғри ичакни алоҳида № 3-0 ёки 4-0 чоклардан фойдаланиб, шиллик қаватини бирлаштириш учун чокларни 0,5 см оралиқда тикинг (26.5.-расм).



26.5.-расм. Тўғри ичак девори мушак қатламини тикиш.



26.6.-расм. Анал сфинктерга чок кўйиш.

• Мушак қатламини фасциялар билан бирга алоҳида чокларда тикинг;

• Тикиш соҳасини кетма-кет антисептик эритма билан саришталанг.

• Агар сфинктер жароҳатланган бўлса,

• Сфинктер четларини Аллис кискичидаги ушлаб олинг (жароҳатланганда сфинктер қисқаради). Сфинктер мустахкам бўлади ва кискич билан тортилганда йиртилиб кетмайди (26.6.-расм);

• Лигатура № 2-0 дан фойдаланиб, сфинктерни 2 та ёки 3 та алоҳида чокларда тикиб чиқинг.

- Тикиладиган жойни қайтадан антисептик эритма билан саришталанг.

- Кўлқопдаги бармогингиз билан анусни текширинг ҳамда тўғри ичак ва сфинктер тўғри тикилганига амин бўлинг. Сўнгра кўлқопингизни ечиб, стерил зарарсизлантирилган кўлқоп кийинг.

- Қин шиллик қавати, оралык мушакларини ва терини тикиб чиқинг.

Тикилған чок оралыгини парвариш қилиш.

Тикилған чок оралыгини аёлнинг ташқи жинсий аъзоларини эҳтиёт қилған ҳолда ҳар куни 2-3 маҳал оч пушти рангли калий перманганат эритмаси билан ювилади (бунда дока тампонни ерга теккизмаслик керак), сўнгра стерилланган қуруқ дока билан четларини артиб қуритилади. Аёл сийганидан ҳамда хожатга борганидан сўнг албатта ташқи жинсий аъзолари ювилаб, тикилған чоклар қуритилади, сўнгра спирт ва йод эритмаси суртилади.

Чилла даврида асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилған ҳолда чок ипини 4-5 кундан кейин сўқилади. Олиб ташлашдан бир кун олдин аёлга сурги дори берип керак.

Чокни сўқишида стерилланган ўткир қайчи ва 2 та пинцетдан фойдаланилади. Чокни сўқилгандан сўнг эртасига аёл туриб юриши мумкин.

Муолажадан кейинги парвариш

- 4 - даражали йиртилишида олдини олувчи антибиотикларнинг 1 марталик

миқдорини белгиланг:

- Ампициллин 500 мг ичиринг;
- + метронидазол 400 мг ичиринг.

Жароҳатнинг инфекция белгиларини дикқат билан кузатинг

Ҳўкна килманг ва 2 ҳафта давомида ректал текшириш ўтказманг.

Имкон бўлса, 1 ҳафта давомида бўшаштирувчи дорилар ичишини белгиланг.

26.3. БАЧАДОН БЎЙНИНИНГ ЙИРТИЛИШИ

Олдинги түғруқда бачадон бўйни йиртилиб, тикилған бўлса, қайта түғруқда худди шу чандик бўлиб қолган жой йиртилиши мумкин. Бачадон бўйнининг йиртилиши кўпинча (20%) биринчи бор туғаётган аёлларда учрайди.

Бачадон бўйнининг йиртилиши 2 турга бўлинади:

- 1) ўз-ўзидан йиртилиши;
- 2) бирон-бир операция йўли билан туғдирилганда (зўрлаб) йиртилиши.

Бачадон бўйнининг ўз-ўзидан йиртилиши зўрлаб йиртилишига қараганда кам учрайди. Зўрлаб йиртилишига түргрук пайтида турли операциялар кўлланиш сабаб бўлади. Бачадон бўйнининг ўз-ўзидан йиртилиши одатда иккала ён деворларида, лекин кўпроқ чап томонида бўлади.

Бачадон бўйнининг йиртилиши 3 даражага бўлинади.

Йиртик бир ёки икки томонлама (2 см гача) бўлса, бунга биринчи даражадаги йиртилиш дейилади. Йиртилиш 2 см дан кўп бўлсаю, лекин кин гумбазларигача етмаса, бунга иккинчи даражали йиртилиш дейилади. Агар йиртилиш чуқур бўлиб, гумбазгача давом этса ва унга ўтса,

учинчи даражали йиртилиш дейилади. Бачадон йиртилишининг асосий белгиси эса қон кетиши ҳисобланади.

Бачадон бўйни бир ёки ҳар иккала томондан 0,5-1 см атрофида йиртилганда қон кам кетади. Туғруқдан кейинги дастлабки икки соат ичидагинни текшириб кўриш шарт. Акс ҳолда бундай йиртилиш тикилмай колиб кетиши мумкин. Йиртилиш II ва III даражали бўлганда кўпинча бачадон артериясининг пастки шохи узилади ва оқибатда қон кета бошлиайди. Коннинг кучли ҳамда кўп кетиши ёмон оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Йиртилган бачадон бўйни ўз вактида тикилмаса, жароҳат кейинчалик нотўғри битиб, бачадон бўйнининг ташқи юзасида яллиғланиш пайдо бўлишигта олиб келиши мумкин. Бачадон бўйни жароҳатини ўз вактида тикиши билан аёлларда рак касаллигининг ҳам олди олинади.

Бачадон бўйни йиртилишининг олдини олишда бачадон бўйнидаги яллиғланиш жараёнини оиласвий поликлиникадаёқ ўз вактида аниқлаш ва даволашга киришиш лозим.

Йиртилган бачадон бўйни тикилишидан аввал ташқи жинсий аъзолар дезинфекция қилинади, операция қилувчи шифокор ҳамда ёрдамчи акушерка операцияга тайёр бўлгандан сўнг кин кўзгу ёрдамида очилади, бачадон бўйнини 2 та қисқич билан қисилади ва уларни навбатманавбат ўнгдан чапга қаратиб бирин-кетин ўрни алмаштирилиб, бачадон бўйнининг ҳамма деворлари синчиклаб қаралади, йиртилган жойи бўлса тикилади. Йиртикнинг энг юкори (гумбаз якинидаги) бурчагидан бошлаб кетгут билан тикилади. Чоклар ораси 1 см, иплар учи 1 см колдириб киркилади ва жароҳатга 5% ли йод зритмаси суртилади.

Бачадон бўйни йиртилишини тикилаш.

- Ёрдам кўрсатишнинг асосий қонунларига амал қилинг ҳамда кинни ва бачадон бўйнини антисептик зритма билан сарышталанг
- Рұҳан қўллаб-қувватланг. Бачадон бўйни йиртилишининг кўп қисмини тикиш учун анестезия шарт эмас. Чуқур ва катта йиртилишини тикиш учун петидин ва диазепам т/и аста-секин юборинг (уларни бир шприца аралаштирунг) ёки кетаминдан фойдаланинг
- Ёрдамчидан бачадонни массаж қилишни ва бачадон тубига босиб туришни сўранг.
 - Тўмтоқ қисқич билан бачадон бўйнини ушланг. Ёрикнинг икки томонига қисқичлар ўрнатинг ва бачадон бўйнининг ҳамма қисмини кўриш учун қисқични қарама-карши йўналишда тортинг. Бир неча ёриклар мавжуд бўлиши мумкин.
 - Қон кетиши сабаб бўлган ёрикнинг энг тепа қисмидан бошлаб хромли кетгут (ёки полигликол) № 0 билан, узлуксиз чокда тикиб чиқинг (26.7.-расм).
 - Агар жароҳатнинг тепа қисми боғлаш учун нокулай бўлса, уни томир ёки тўмтоқ қисқич билан ушлаб олиш мумкин. Қисқичларни 4 соатга колдиринг. Қон кетаётган жойларни тикишга уринманг, чунки бундай

дай уринишлар кон кетиши зўрайишига олиб келиши мумкин. Сўнгра:

- 4 соат ўтгач, қисқични қисман очинг, лекин олиб ташламанг;



- яна 4 соатдан кейин қисқични тўлиқ олиб ташланг.

Бачадон бўйни ёриклари кин гумбазидан юқорига ўтганда уларни тикиш учун лапаротомия лозим бўлиши мумкин.

26.7.-расм. Бачадон бўйни йиртилишини тикиш.

Чот ёки кин, айникса, бачадон бўйни жароҳати тикилган аёлларни бирон-бир зарурат (кон кетиш, тана ҳарорати кўтарилиши) бўлмаса, чилла даврининг 8-10 кунигача қинини кўзгу билан кўрмаган маъкул.

26.4. БАЧАДОН АГДАРИЛИБ ЧИҚИШИ

Бачадоннинг ағдарилиб чиқиши туғрукда учрайдиган оғир ҳодисалардан бири бўлиб, кўпинча йўлдошни туғдириш учун Креде усулини кўпол ва нотўғри кўллаш ёки йўлдош ажралмасдан туриб, туғрукнинг III даврида уни бачадон деворидан ажратиш учун йўлдошни қиндик орқали тортиш натижасида вужудга келиши мумкин. Кўп ва тез-тез туккан аёлларда бачадон ўз-ўзидан ажралиши ҳам мумкин.

Бачадоннинг ағдарилиб чиқиши жуда оғрикли бўлиб, шок ва кон кетиши билан ўтади. Ағдарилган бачадон қиндан ички юзаси ва унга ёпишган йўлдош билан чиқади. Қов устидан текширилганда бачадонни корин остида топилмайди. Вактида тез ёрдам кўрсатилмаса, ағдарилган бачадон томирлари сиқилиб, кон айланиши бузилади. Натижада бачадон тўқималарининг озиқланиши бузилиб шиша бошлайди, бу эса бачадоннинг чирий бошлашига олиб келиши мумкин.

Акушерка шифокор туғрукнинг III даврини ўзи бошкараётган бўлса, бундай оғир ахвол рўй бериши мумкинлигини эсда тутиши ва йўлдошни бачадон девори каби ажралганилигига ишонч ҳосил қиласдан туриб, уни туғдириш йўлларини, айникса Креде усулини ўринсиз кўлламаслиги, йўлдошни қиндик орқали тортмаслиги керак.

Агар бачадон ағдарилиб тушган бўлса, йўлдош пардалари билан бирга осоиышта ажратилади ва дарҳол бачадонни унинг бўйни орқали ўз жойига киргизилади ва тўғриланади. Бу операцияни чукур наркоз остида шифокор бажаради. Агар бачадон чирий бошлаган бўлса, уни корин орқали операция қилиб, бутунлай олиб ташлашга тўғри келади.

Бачадон ағдарилишини тиклаш

Кўрсатмаларни баҳоланг.

- Ёрдам кўрсатишнинг асосий қонунларига амал қилинг ва вена ичига суюқлик куйишини бошланг.

• Петидин ва диазепам т/и аста-секин юборинг (шприцда аралашибирманг). Зарур бўлса, умумий оғриксизлантириш ўтказинг.

- Ағдарилиб қолган бачадонни антисептик эритмада қунт билан

саришталанг.

- Муолажа бошлангунча ағдарилган бачадонни нам, илиқ ва стерил заарсизлантирилган сочиққа ўраб қўйинг.

Кўлда тузатиш

- Стерил заарсизлантирилган кўлқоп кийиб, бачадонни ушланг ва бошқа қўлингиз билан уни бачадон орқали, киндик йўналишида, унинг асл ҳолатига итариб қўйинг (26.8.-расм). Агар плацента ажралмаган бўлса, тузатишдан сўнг уни қўлда ажратиб олинг. Шуниси мухимки, ағдарилишида охирги чиккан бачадон қисми (бачадон бўйнига яқинроғи) асл ҳолига биринчи бўлиб қайтарилсин.

- Агар бачадонни тузатиш уddeланмаса, гидростатик тузатиш ўтказинг.

Гидростатик тузатиш

- Аёлни Тренделенбург (бош оралиқ даражасидан 0,5 м пастда) ҳолатига келтиринг.

- Тешик қопқоғи, узун (2 м) зигилувчан катта қувурли най ва илиқ сув солинган идиш (3 дан 5 л гача) бор бўлган тизим тайёрланг.

Орқа бирикмасини аниқланг

- У кисман буралишда, яъни буралиб колган бачадон қиндалигида тез топилади. Бошқа ҳолатларда уни киннинг букланган жойи силликланиб қолган қават сифатида аниқланади.

- Душнинг тешик қопқоғини орқа бирикмага жойлаштиринг. Шу вақтнинг ўзида жинсий лабларни қопқа билан бирлашган жойини ушлаб туринг.

- Ёрдамчидан - душни охиригача очишни сўранг (сувли бакни камидা 2 м га кўтариш). Сув тўлиши билан киннинг орқа бирикмаси кенгая бошлиди. Бу контракцион ҳалқа катталашишига ва бачадон бўйни бўшашибига олиб келади, натижада буралиб қолган бачадон асл ҳолига келади.

- Умумий оғриқсизлантириш орқали кўлда гидростатик тузатиш коркилмаса, умумий оғриқсизлантириб, галотандан фойдаланиб кўл орқали тузатишга уриниб кўринг. Галотан бачадонни бўшаштириш хусусияти бўлгани учун тавсия килинади.

- Бураган бачадонни ушланг ва уни итариб бачадон бўйни орқали киндик йўналишида ўзининг асл ўрнига келтиринг. Агар йўлдоши ажралмаган бўлса, тузатишдан сўнг уни қўлда ажратинг.

- Кўшма абдоминал-вагинал тўғрилаш
- Агар юкорида қайд қилинган муолажа иш бермаса, умумий оғриқсизлантириш ёрдамида абдоминал-вагинал тўғрилашга ўтинг

- Кўрсатмаларни баҳоланг.

- Муолажа қилишнинг асосий қонунларига амал қилинг.

- Корин бўшлигини ёринг:

- Ўрта чизик бўйлаб киндикдан пастга қовук тўқималари даражасига-



26.8.- расм. Ағдарилган бачадонни кўл билан тўғрилаш

дорни киннинг орқа бирикмаси кенгая бошлиди. Бу контракцион ҳалқа катталашишига ва бачадон бўйни бўшашибига олиб келади, натижада буралиб қолган бачадон асл ҳолига келади.

Душнинг тешик қопқоғини орқа бирикмага жойлаштиринг. Шу вақтнинг ўзида жинсий лабларни қопқа билан бирлашган жойини ушлаб туринг.

Ёрдамчидан - душни охиригача очишни сўранг (сувли бакни камидা 2 м га кўтариш). Сув тўлиши билан киннинг орқа бирикмаси кенгая бошлиди. Бу контракцион ҳалқа катталашишига ва бачадон бўйни бўшашибига олиб келади, натижада буралиб қолган бачадон асл ҳолига келади.

Умумий оғриқсизлантириш орқали кўлда гидростатик тузатиш коркилмаса, умумий оғриқсизлантириб, галотандан фойдаланиб кўл орқали тузатишга уриниб кўринг. Галотан бачадонни бўшаштириш хусусияти бўлгани учун тавсия килинади.

Бураган бачадонни ушланг ва уни итариб бачадон бўйни орқали киндик йўналишида ўзининг асл ўрнига келтиринг. Агар йўлдоши ажралмаган бўлса, тузатишдан сўнг уни қўлда ажратинг.

Кўшма абдоминал-вагинал тўғрилаш

Агар юкорида қайд қилинган муолажа иш бермаса, умумий оғриқсизлантириш ёрдамида абдоминал-вагинал тўғрилашга ўтинг

Кўрсатмаларни баҳоланг.

Муолажа қилишнинг асосий қонунларига амал қилинг.

Корин бўшлигини ёринг:

Ўрта чизик бўйлаб киндикдан пастга қовук тўқималари даражасига-

ча, апоневрозгача терини кесиб, вертикал кесим ўтказинг;

- Апоневрозда 2-3 см ли вертикал кесим ўтказинг;
- Апоневроз четларини кискичда тутиб, қайчида кесимни тепага ва пастга узайтиинг;

• Бармоқлар ёки қайчи ёрдамида қориннинг тўғри мушакларини ажратинг;

• Қоринда (олд қорин девори мушаклари) киндик ёнида бармоқлар ёки қайчи ёрдамида тешик очинг. Қайчида кесимни тепага ва пастга узайтиинг. Хушёrlик билан сийдик пуфагини жароҳатламасдан, қайчида қаватларини ажратинг ва қорин бўшлигининг пастки кисмини ёринг;

• Ков суюги устига пуфак ретрактори ўрнатинг ва ўзини тутувчи жароҳат кенгайтирувчи асбоб киритинг.

Бармоқлар билан бачадон бўйни ҳалқасини йириинг.

• Тишли кискични бачадон бўйни ҳалқасидан ўтказинг ва бачадоннинг буралиб колган тубини ушланг.

• Ёрдамчи қўлда вагинал тузатишга урингунича хушёrlик билан бачадон тубини узлуксиз тортинг.

26.5. БАЧАДОН ЙИРТИЛИШИ

Бачадоннинг йиртилиши тугрук жараёнидаги энг оғир жароҳатлардан хисобланади.

Бачадон тўқимасининг бутунлигининг тугрук жараёнидаги бузилиши ёки бачадон тўқимасининг эзилиши ва оқибатда фистулалар ҳосил бўлиши.

Бачадон ёрилишининг кўп учрайдиган жойи - пастки бачадон сегменти. Камрок ҳолларда ёрилиш гумбазлар соҳасида учрайди. Бачадон танаси ва тубидаги ёрилишлар кўпинча кесарча кесишдан кейинги чандиклар ёки аборт пайтидаги перфорациядан кейин кузатилади. Ҳомила қўндаланг жойлашганда бачадон гумбазларидан узилади. Гумбазларининг узилиши бўйинча ёнидан бўлади (шу соҳада девори нисбатан юпқа).

Бачадон ёрилиш ўлчами турлича бўлади. Ёрилишнинг икки тури бор: тўлиқ ва нотўлик. Тўлиқ ёрилиш - бачадон сероз қавати, бошқа қаватлар билан зич бирикиб кетган соҳаларда кузатилса, нотўлик ёрилиша эса бачадон шиллик ва мушак қавати ёрилиб, сероз қисми бутунлигича қолади. Бундай ёрилиш корин парда остигача бориб гематома ҳосил қиласи. Нотўлиқ ёрилиш бачадон деворининг чукурлигини тўлиқ эгалламайди. Баъзан кичик ёрилишлар кузатилади, бунда жароҳатланиш шиллик қаватда ёки сероз қаватда кузатилиши мумкин. Тўлик бачадон ёрилиши нотўлиқдан 10 марта кўп кузатилади. Бачадон ёрилишининг П. Л. Персианинов (1954) бўйича таснифи (26.1.жадвал).

Бачадоннинг пастки қисми, девори энг юпқа жойи бўлиб, унинг шу қисми кўп йиртилади. Этиопатогенези: бачадон ёрилишида икки хил назария мавжуд: Бандль ва Вербов назариялари

Механик назарияга (Бандль назарияси) кўра тугрук кечишига ҳомила олд келувчи қисми ва чанок ўртасидаги номутаносиблиқ, механик тўсқинлик (тор чанок, ҳомиланинг нотўғри жойлашуви, тугрук фаолиятининг жуда тез кечиши) бўлиши лозим. Бандль назариясига кўра ҳомила боши

түсикқа учраса (анатомик ёки функционал топ чанок), у чаноққа кириш кисмінде сұқылып кириб, бачадон бүйнини чанок сұякларига кисиб күяды. Натижада бачадон пастки кисми ҳаддан ташқары чўзилади ва тараңглыш, ниҳоятда юпқалашади. Бу бачадон йиртилишининг хавфи юзага келганидан дарап беради. Агар ўз вақтда аёлга ёрдам күрсатылмаса, натижада бачадон ёрилади

Я.Т.Вербов назарияси бўйича бачадоннинг мускул қаватлари даги патоморфологик ўзгаришлар бўлмагандан соғлем тўқима йиртилмайди, балки патоморфологик ўзгарган бачадон девори ёрилади. Бачадон деворидаги, хусусан илгариги операциялардан кейинги чандиклар (кесарча кесиш операцияси, бачадон шишларини олиб ташлагандан сўнг ва бошқалар), бачадон деворларининг илгари яллиғланган бўлиши, тез-тез ҳамда кўп туккан аёллар бачадонидаги мускулларнинг кўп қисми яхши чўзилмайдиган бириктирувчи тўқималарга алмашиниши бачадон деворининг ўз-ўзидан йиртилишига сабаб бўлади.

Бачадоннинг ташки кучлар таъсирида ёрилиши асосан түргурк даврида ташқаридан босим натижасида пастки сегментнинг ҳаддан ташкари чўзилишидан юзага келади.

Бундай йиртилиш баъзан нотўғри олиб борилган операцияларда ҳам юзага келиши мумкин.

1. Ёрилиш даврига кўра:
А) Ҳомиладорлик давридаги
Б) Түргурк давридаги
2. Патогенетик белгиси бўйича
А) Ўз-ўзидан ёрилиш
- Механик (түргурк жарабийида ви соғлем бачадон деворида механик тўсқинлик)
- Гистопатик (бачадон деворида патологик ўзгаришлар бўлганда)
- Механик-истопатик (патологик ўзгарган бачадон деворига механик тўсқинлик таъсири)
Б) Зўринчи натижасида: (ташки кучлар таъсирида):
Жароҳатли (түргурк ёки ҳомиладорлик даврида бачадон пастки сегментида тайёрларликеча түргуркни қўйол ва нотўғри олиб бориш)
- Аратли: бачадон пастки сегменти ҷузиган ҳамда ташки омиллар таъсири.
3. Клиник кечини бўйича
- Хавфли
- Бошланган
- Рўй берган
4. Жароҳтланиши табиати бўйича
- Энгилгиз
- Потўлиқ
- Тўлиқ
5. Жойига кўра:
- Бачадон тубидаги
- Бачадон ташасидаги
- Бачадон пастки сегментидаги
- Бачадониниң гумбазларидан узилини

Бачадон йиртилиш таснифи

Бачадон ёрилиши ҳалигача охиригача ўрганилмаган, лекин шуни айтиш керакки, ёрилиш бачадон мушагидаги дегенератив ўзгаришлар ва механик таъсирларнинг қўшилиб келишидан юзага келиши мумкин.

Бачадон йиртилиши клиник кечишига қараб бачадон йиртилиш хавфи, чала ва тўла йиртилишга бўлинади.

Бачадон йиртилиш хавфи белгилари нима? Ҳомиладор аёл ниҳоятда бетоқат бўлиб, дардни оғрикли келишидан шикоят қиласди, бу оғрик дард орасида ҳам тўхтамайди. Дард борган сари тезлашиб, кетма-кет тутади. Аёл ўзини ҳар томонга ташлаб, ҳатто жойидан сапчиб турмокчи бўлади, оғрик ниҳоятда зўр бўлгани учун қорнига кўл теккиздирмайди. Тили ва лаблари курийди. Томир уриши тезлашади.

Ташқаридан текширилганда бачадон узунасига чўзилиб, таранглапади, туби баланд кўтарилиб, ковурға ости ёйига қадалади. Одатда киндик олдида ёки ундан юкорида эгарсимон оғрикли кийшик кетган чегара

(контракцион) ҳалқани қорин девори орқали аниқлаш мумкин. Бу бачадоннинг «8» симон шаклда бўлишига олиб келади (26.9.-расм).

Шу билан бир вақтда бачадоннинг жуда таранглашган, оғрикли думалоқ бойламларини ҳам аниқлаш мумкин. Бачадонни пайпастлаганда, айниқса пастидида кучли оғрик кузатилади ёки эшитилмайди. Ўз вақти-



26.9.-расм. Бачадон йиртилиш хавфи

да ёрдам кўрсатилмаса, бачадон девори чала ёки тўла йиртилиши мумкин. Бунда жуда эҳтиётлик билан чукур наркоз остида шифокор кўриши керак.

Агар юкорида айтиб ўтилган белгиларга қиндан озгина қон аралаш суюклик қўшилса, бу бачадоннинг йиртила бошлаганинги кўрсатади. Бунда бачадон деворининг фақат шиллиқ ва мускул қавати ёрилиб, сероз қавати бутун қолиши ва унинг остига қон йигилиши ва сероз қават дўппайиб қолиши мумкин. Бачадон йиртилишининг бу даражасида туғаётган аёлга тез ёрдам кўрсатиб, яъни дардни тўхтатиш йўлларини (енгил наркоз остида) кўллаб, тезда операция қилинмаса, бачадон тўла йиртилиши (бунда бачадон деворининг ҳамма уч қавати йиртилади), корин бўшлиғига кўп қон кетиши, натижада шок юзага келиши мумкин. Бунда аёл хушидан кетади, кўнгли айниб кусади, совуқ тер босади, юрак уриши тезлашади, ахволи ёмонлашади ва юзи оқариб, кўзлари ичига ботиб кетади. Қон босими паст бўлганидан уни аниқлаб бўлмайди. Булар ҳаммаси аёлнинг ахволи ҳаддан ташқари оғир эканлигидан дарак беради. Коринни ушлаб кўрилганда ҳомила девори остида ётганлиги, унинг бир

томонида қискариб қаттиқлашган бачадон танаси аниқланади. Бундай ҳолда ташқарига қон кетмаслиги ёки кетса ҳам жуда оз бўлиши мумкин. Лекин аёлда ички қон кетишининг ҳамма белгилари якъол кўриниб туради. Юқорида айтиб ўтилган белгиларни акушерка ажратса билса, бачадон йиртилиш хавфини ўз вақтида аниқлаш қийин эмас.

Бачадон юқоридаги белгиларсиз ёки шу белгиларнинг фақат баъзи бирлари бўлган ҳолда йиртилиши мумкин. Бунга бачадон деворларидағи (юқорида айтиб ўтилгандек) патоморфологик ўзгаришлар ёки операциядан кейинги чандиклар сабаб бўлиши мумкин.

Агар кесарча кесиш операциясидан сўнг аёл бир-икки йил ичидаги турса, бачадоннинг йиртилиш хавфи кўпроқ бўлади, чунки бу жой туғруқ вақтида юпқалашиб кетиши мумкин (М.А.Репина, 1984).

Бачадон деворини, айниқса эски чандик соҳасини корин девори орқали пайпаслаб кўрилганда бачадондаги чандикнинг баъзи жойи юпқалашгани ва оғриппи аниқланади. Агар бачадон йиртила бошлаган бўлса, шу жой янада юпқалашади; бу «чуқурча»ни бармоқлар учи билан секинаста авайлаб аниқлаш мумкин- “токча”белгиси (симптом «ниши» Коган А.А.). Бачадон девори йиртилганда унинг кенг бойламлари орасига кон куйилиб, гематома ҳосил бўлади. Бунда ҳам юқорида айтиб ўтилганидек, аёлда ички қон кетиши кузатилади, шу вақтда шошилинч ёрдам кўрсатилмаса, аёл нобуд бўлиши мумкин.

Бачадон йиртилиши эҳтимоли бўлган аёллар оиласвий поликлиникада, фельдшер-акушерлик пунктларида, участка шифокори ҳисобида алоҳида «хавф» гурухида рўйхатга олиниб, ҳар ойда 4-5 марта шифокор кўригидан ўтишлари, туғищдан 2-3 хафта олдин албатта туғруқхонага ўтишлари керак. Бу гурухга чаноги тор, ҳомиласи муддатидан ўтиши мумкин бўлган, корин девори бўшашган, кўп ва тез-тез тукқан, илгари операция қилинган (кесарча кесиш), бачадондан шиши олиб ташланган ва бошқа аёллар киради.

Туғруқ пайтида бачадон йиртилиш хавфи кузатилганда қандай шошилинч ёрдам кўрсатилади? Бундай дақиқаларда аёлга чуқур наркоз берис, дархол дардни тўхтатиш ва аҳволига қараб куйидаги операциялардан бири килинади:

- а) ҳомилани бўлакларга бўлиб олишнинг ҳамма турлари;
- б) кесарча кесиш.

Агар бачадон йиртила бошлаган белгилар кузатилса, фақат кесарча кесиш операцияси қилинади.

Бачадон йиртилиш хавфи бўлганда ҳомила бошига қисқичлар кўйиш ёки ҳомилани оёғи томонга айлантириб турдириб олиш қатъий ман этилади.

Кесарча кесиш операцияси қилинганда баъзан бачадон олиб ташланади, кўпинча эса бачадон саклаб қолиниб, йиртилган жойи тикилиши мумкин.

Бачадон йиртилиш хавфи бўлганда, айниқса чала ёки тўла йиртилганда аёлни бошқа туғруқхонага ёки касалхонага юборин мумкин эмас, бал-

ки аёл ётган түгруқхонага мутахассис шифокор чакирилиб, шу ерда зарур ёрдам күрсатилиди.

Қандай ва қачон операция қилиш, бачадонни сақлаб қолиш-колмаслик аёлнинг умумий аҳволига, йиртилиш даражасига, ёшига, акушерлик анамнезига боғлиқ. Бачадон ёрилишининг олдини олишда түгри бошқариш ва йиртилиш хавфи белгиларини ўз вактида аниқлаш жуда катта амалий аҳамиятга эга. Бачадондаги ҳар қандай йиртилиш она ва бола учун хавфлидир. Бачадон йиртилишини даволашдан кўра олдини олишнинг аҳамияти катта.

Хавф соловчи бачадон ёрилиши.

Бу бачадон ёрилишидан олдинги ҳолатdir, яъни бу ҳолат бачадон пастки сегменти ва бўйнининг хаддан ташқари чўзилиб кетишидан юзага келади. Бу асосан чаноқ ўлчамлари ва ҳомила кисмлари бир-бирига мос келмаганда тез түгруқ фаолиятида юз бериши мумкин. Бачадон узунасига чўзилади, туви бир томонга тортилади, контракцион ҳалқа киндик соҳасида туриб қолади ва бачадон кумсоат шаклига киради. Юкори бўлаги каттиқ қискаради, контурлари кескин аниқ, ё чап, ё ўнг қовурга остида жойлашади. Пастки бўлаги эса бир оз юмшоқроқ, кенгроқ ва чегараси ноаникроқ бўлади.

Бачадон юмалоқ бойламлари, айниқса чапдагиси асосан таранг, оғрикли. Бачадон пастки сегменти пальпация қилинганда кескин оғрикли ва ҳомила кисмларини аниқлаб бўлмайди. Қин орқали кўрилганда қоранок пардаси аниқланмай, бачадон бўрги тўлиқ очилган бўлади ва ҳомила олд келувчи қисми чаноқка кириш кисмидаги юқорида бўлади. Баъзида түгруқ йўли «түгруқ курраси» билан тўлган бўлади.

Амалий қўникмалар.

1. Бачадон бўйни йиртилганида тикиш

Беморни тинчлантириши

1. Антисептик эритма билан қин ва бачадон бўйни артилади.
 2. Тикишдан олдин т/и петидин ва диазепам секин юборилади (иккаласи бир шприцда аралаштирилмайди), ёки кетамин, каллипсол ишлатилади.
 3. Ассистентдан бачадонни массаж қилишини сўраймиз.
 4. Бачадон бўйни қисқич билан ушланади. Қисқич йиртилган жойнинг икки томонидан кўйилади, бачадон бўйнининг ҳамма томонини тортиб кўрилади.
 5. Узлуксиз чок билан № 0, хромланган кетгут билан юкори учидан тикилади, юкори учи қон кетиш манбаи ҳисобланади.
 6. Агар бир қанча қисми йиртилган бўлса, хромланган кетгут билан узлуксиз чок кўйиб тикилади.
 7. Юкори учидан қон кетганда 4 соатга қисқич қолдириллади.
 8. 4 соатдан кейин қисқични секин-аста очилади, лекин олинмайди.
 9. 4 соатдан кейин қисқич олинади.
- #### **2. Қин ва оралиқ йиртилишида тикиш**

Түгруқ вактида қин йиртилиши 4 даражага бўлинади

- 1- даражада: кин шиллик қавати ва биритириувчи түкима йиртилиши
- 2- даражада: кин шиллик қавати, биритириувчи түкима ва мушак қавати йиртилиши

3- даражада: ҳамма қаватлар йиртилиши анал тешик сфинктеригача

4- даражада: түғри ичак шиллик қавати йиртилиши.

1-2 Даражада тикиш

1- Беморни эмоционал құллаб- қувватлаш. Маҳаллий ёки пудендал аnestезия қилинади.

2. Ассистентдан бачадонни массаж қилишни сүраймиз.

3. Қин, оралиқ ва бачадон бүйни дикқат билан күздан кечирилади.

4. Агар жарохат чукур бўлса, уни 3 - ёки 4 - даражада эмаслигига ишонч ҳосил қилиш.

5. Кўлга кўлқоп кийиб бармок ануусга киргизилади.

6. Эҳтиётлик билан бармок кўтарилиди ва сфинктер текширилади ва унинг бутунлиги ва тонуси баҳоланади.

7. Кўлқоп стерил кўлқонга алмаштирилади

8. Агар сфинктер зааррланган бўлса, у ҳолда уни 3-4 даражадаги каби тикилади.

9. Агар сфинктер зааррланмаган бўлса, у ҳолда кин шиллик қавати, биритириувчи түкима ва мускул қавати тикилади

10. Йиртилган жой атрофига антисептик зритма билан ишлов берилади

11. Қин шиллик қаватига, оралиқ терисига ва оралиқ мускул қаватига чукур инфильтрат ҳосил қилиниб, маҳаллий аnestезия қилинади.

12. Қин шиллик қавати узлуксиз чок билан тикилади.

13. Қин йиртилган жойидан 1 см юқоридан тикилади. Чок қинга кириш қисмигача давом эттирилади.

14. Қинга кириш қисми йиртилган жойи четларини бир хил ушлаш керак.

15. Қинга кириш соҳасида ички томондан ташқи томонга игна чиқарип лигатура кўйилади.

16. Оралиқ мускуллари алоҳида чок билан тикилади. Агар йиртилган жой чукур бўлса, соҳани ёпин учун иккинчи қатор чок кўйилади.

17. Терини алоҳида чок билан тикилади, қинга кириш қисмидан бошлаб тикилади.

18. Агар йиртилган жой чукур бўлса, ректал текшириш ўтказилади. Тўғри ичакда чок йўқлигига ишонч ҳосил қилинади.

3-4 даражада тикиши.

1. Жарохатни жаррохлик хонасида тикилади.

2. Беморни қўллаб-қувватлаш. Адекват аnestезия қўлланилади.

3. Ассистентдан бачадонни массаж қилиш сўралади.

4. Қин, бачадон бүйни, оралиқ ва тўғри ичак кўрилади.

5. Анал сфинктери текширилади:

- қўлга кўлқоп кийиб, бармокни ануусга киргизилади ва енгил кўтарилади.

- сфинктер бор ёки йўқлиги аниқланади.

- тўғри ичак юзасини пайпасланг ва йиртилган юзани кўриб чиқинг.

6. Құлқоп алмаштирилади.
7. Йиртилган соҳа антисептик зритма билан ишлов берилади ва фекалий колдиклари олинади.
8. Қин шиллик қавати, оралиқ териси остига ва оралиқ мушак қаватига анестетик юборилади.
9. Тұғри ичак кеттүт билан тикилади, алохіда чоклардан фойдаланилади, шиллик қават 0,5 см оралиқда тикилади.
10. Мушак қавати фасция билан тикилади, алохіда чоклар билан.
11. Жароҳат соҳасига ишлов берилади.
12. Сфинктер жароҳатланғанда:
 - Сфинктерни қисқич билан ушланади. Қисқич билан тортилғанда сфинктер йиртилмайды.
 - Сфинктерни 2 ёки 3 та алохіда чоклар билан тикиб қўйилади.

Масалалар.

1. Түккан аёлда оралиқни III даража йиртилиши. Тактикаңгиз?
 - A. Оралиқни тикиш.*
 - B. Лапаротомия.
 - C. Гемотрансфузия.
 - D. Гистероскопия.
2. Түккан аёлнинг түрткүй йўллари текширилганда оралиқнинг III даража йиртилиши аникланган. Нима килиш керак?
 - A. Хирургик ёндошув.*
 - B. Утеротониклар.
 - C. Бачадон массажи.
 - D. Гемотрансфузия.
 - E. Кузатув динамикада.
3. Бемор В. 30 ёшда. 4- ҳомиладорлик. Тиббий марказда вазни 4.2 кг муддатига етган бола туғди. Бола турилғандан кейин унга 0.2 мг эргометрин юборилган. Йўлдош 5 мин дан кейин асоратсиз ажralган. Бироқ бола турилғандан 0.5 соатдан кейин унда қиндан кучли қон кетиши бошланган. Пульс 88 та, АБ 110/80 мм.сим.уст., НОС 18 та, тана ҳарорати 37°C. Бачадон қаттиқ, яхши қисқарған. Йўлдош бутун. Оралиқ жароҳати йўқ. Қин ва бачадон бўйнини текшириш давом этाएтган кучли вагинал қон кетиши ҳисобига қўйинлашган. Шунинг учун бачадон бўйни ва қин ёрилиши хали истисно килинмади.

Диагноз.

- a. Түрткүй йўлларининг йиртилиши.*
 - b. Коагулопатик қон кетиши.
 - c. Бачадон гипотонияси.
 - d. Бачадон ёрилиши.*
 - e. Бачадон атонияси.
- Б. Тактикаси.**
- a. Түрткүй йўллари жароҳатини тиклаш.*

- б. Бачадон экстирпацияси.
- в. Утеротониклар.
- г. Түргүк йүллари юмшоқ түкималарини күриш.*
- д. Бачадон ичини күл билан текшириш.
4. Түргүк бўлимига 33 ёшли ҳомиладор аёл келиб тушди. 6 соатдан сўнг түргүк кузатилди. 5000.0 вазнили етилган тирик ўрил туғилди. 15 мин. дан сўнг мустакил равишда йўлдош ажralди ва туғилди. Түргуқдан сўнгги даврда түргүк йўлларидан кон кетиш давом этаяпти. Бачадон қисқарган.
- I. Тахминий диагноз?
- А. Түргүк йўллари ёрилиши.*
- Б. Коагулопатик кон кетиши.
- В. Бачадон гипотонияси.
- Г. Бачадон ёрилиши.
- Д. Бачадон атонияси.
- II. Туккан аёлни олиб бориш тактикаси.
- А. Түргуқдан кейинги палатага кўчириш.
- Б. Юмшоқ түргүк йўлларини күриш.
- В. Бачадон ташки масажи.
- Г. Ёрикни тикиш.*
- Д. Утеротониклар.
5. Ҳомиладор аёл 38 ёшда. Ҳомиладорлик III. 31- хафта. Асоратланган акушерлик анамнези. Анамнездан 1,5 йил олдин кесарча кесиш амалиётини ўтказган. Ҳомиладор корин пастида ва белда тортувчи оғрикларни сезаяпти.
- I. Сизнинг тахминий диагнозингиз?
- А. Бачадон ёрилиш хавфи.
- Б. Бачадондаги чандирнинг етишмовчилиги.*
- В. Бачадон бўйинчасини гумбаздан узилиши.
- Г. Бачадоннинг ёрилиши.
- Д. Муддатдан олдинги түргүк.*
6. 31 хафталик муддатда бачадондаги чандик етишмовчилиги учун нима характеристли?
- А. Корин пастидаги ва чандик соҳасидаги оғрик.*
- Б. Чандик соҳасининг ингичкаланиши.*
- В. Жинсий йўллардан шиллик ажралиши.
- Г. Оёқларда ва корин олд деворидаги шишлар.
- Д. Чандик йўналиши бўйича қалинлигининг бир хилда эмаслиги.*
7. Ҳомиладор аёл 38 ёшда. Ҳомиладорлик III. 31- хафта. Асоратланган акушерлик анамнези. Анамнездан 1,5 йил олдин кесарча кесиш амалиётини ўтказган. Ҳомиладор корин пастида ва белда тортувчи оғрикларни сезаяпти.
- A. Сизнинг тахминий диагнозингиз?
- а. Бачадон ёрилиш хавфи.
- б. Бачадон чандирнинг етишмовчилиги.*
- в. Бачадон бўйнининг гумбаздан узилиши.
- г. Бачадоннинг ёрилиши.

- д. Муддатидан олдинги түгүрк.*
 Б. Диагнозни аниклаш учун текшириш ўтказиш?
 а. УТ текширув.*
 б. Корин пальпацияси.*
 в. Корин бўшлиги лапароскопияси.
 г. Қин текшируви.*
 д. Амбулатор кузатув.
 В. 31 ҳафталик муддатда бачадондаги чандик етишмовчилиги учун нима хос?
 а. Корин пастидаги ва чандик проекциясидаги оғриқ.*
 б. Чандик соҳасининг ингичкаланиши.*
 в. Жинсий йўллардан шиллик ажралиши.
 г. Оёкларда ва корин олд деворидаги шишлар.
 д. Чандик йўналиши бўйича қалинлигини бир хилда эмаслиги.*
 8. 34 ёшдаги ҳомиладор аёл. Ўз вактидаги 2 та түгүрк. Бўйи 162 см, вазни 72 кг. Бачадон туви баландлиги - 40 см, корин айланаси - 110 см. Анамнезда 8 тиб.аборт, 1 криминал аборт (метроэндометрит билан асоратланган). 12 соатдан бери түгүркда. Бачадон бўйни тўлиқ очилганига 30 мин. бўлди. Дард ҳар 1-2 мин. 50-55 сек. давом этмоқда, жуда оғрикли. Аёл асабийлашган. Дард тутгандан ва улар орасида ҳам корин пастида кучли оғриқдан шикоятланаяпти. Кучанишга ҳаракат қиласиги. Чаноқ ўлчамлари: 25-26-31-17. Ҳомиланинг боши чаноққа тикилиб турибди. Бачадоннинг пастки сегментини пайласлагандаги оғриқ бор, контракцион ҳалқа дард йўклигига киндиқдан 2.0 см пастда. Вагинал кўрилганда: көванок парда йўқ, бачадон бўйни тўлиқ очилган, шишган, ҳомила боши чаноққа тикилиб турибди. Промонториумга бармок етади - 10.5 см. Диагноз?
 А. Бачадон йиртилиши хавфи.*
 Б. Анатомик ва клиник тор чаноқ.
 В. Анатомик тор чаноқ.
 Г. Клиник тор чаноқ.
 Д. Йирик ҳомила.
 9. Поликлиникага қайта туғувчи аёл дард белгиларига шикоят килиб келди. Анамнезида 3 йил бурун ҳомиланинг нотўғри ётиши сабабли кесарча кесиши операцияси қилинганлиги маълум. Операциядан кейинги даврда кориннинг олдинги девори чоклари йиринглашн ишининг оғирлашуви кузатилган. Чаноқ ўлчамлари нормада. Ҳомиланинг тахминий вазни 3500 гр. Нима қилишингиз керак? Қандай маслаҳат берасиз? Түгүрк режаси қандай бўлиши керак?
Ўргатувчи тестлар.
 1. Бачадоннинг гистопатик йиртилишида шифокор тактикаси қандай?
 Гемодинамикани тиклаш мақсадида қон қўйиш.
 Тезкор лапаротомия.
 Бачадон экстирпацияси (бачадон ўсмаларсиз).
 Операция вактида қон ва қон ўрнини босувчи суюқлик қўйиш.
 2. Түгүрк йўлларининг йиртилишида қон кетиш клиникаси қандай?

- Бачадон қаттик, қисқарған ҳолатда қон кетади.
Қон кетиш бола туғилиши билан оқ бошланади.
Қон суюқ, оч рангда.
Қон босими пасайиб кетади.
3. Оралиқнинг III даражали йиртилишида қайси түкималар жароҳатланади?
- Қин девори.
Оралик териси.
Оралик мушаклари.
Анус сфинктери.
Тұғри ичак девори.
4. Оралиқ йиртилиш хавфи белгиларини айтинг:
оралик түкималари цианози (құқариши);
оралик түкимаси шиши ва терисининг ялтираши;
оралик терисининг оқариши.
5. Оралиқни кесишнинг қандай 3 хилини биласиз?
Перинеотомия (ұрта чизик бүйлаб).
Эпизиотомия (ён бошига).
Парамедиал кесиш (тұғри ичак ташқи сфинктери четидан).
6. Бачадон бүйни йиртилишининг 3 даражасини таърифлаб беринг?
1 – даражаси – йиртилиш 2 см гача.
2 – даражаси – йиртилиш 2 см дан күп, лекин қин гумбазига етмайды.
3 – даражаси – йиртилиш қин гумбазларига ўтган.
7. Бачадон бүйни йиртилишини тикиш техникаси:
Кетгут ип билан тикилади.
Тикиш юкори бурчагидан, ташқи бүтәнзига қараб тикилади.
Бириңчи чок йиртик бурчаги юкорисига күйилади.
Игнани жароҳат четидан киритиб, 0,5 см масофада тикилади.
8. Бачадон бүйни ва қин йиртилиши профилактикаси:
туғрукда спазмолитиклар күллаш;
туғрукни адекват оғриқсизлантириш;
барвакт кучанишнинг олдини олиш;
утеротоник воситаларни рационал күллаш;
қин орқали туғдирувчи жаррохлық усуулларини тұғри қүллаш;
рационал туғрукқа тайёрлаш.
9. Оралиқ йиртилиш профилактикаси:
қин орқали туғдирувчи жаррохлық усуулларини тұғри қүллаш;
акушерлик ёрдамини тұғри күрсатип;
туғрукни адекват оғриқсизлантириш;
туғрукқа рационал психопрофилактик тайёрлаш;
оралиқни ўз вактида кесиши.
10. Бачадон йиртилишининг 4 асосий сабаблари:
хомила турилишига механик тұсқынлик;
бачадон мушакларидаги дегенератив ўзгаришлар;
туғдирувчи жаррохлық усууллари күлланилғанда зўрлаш;
барча омилларнинг бирғаликда келиши.
11. Бандль бүйича бачадон йиртилишига хос 5 клиник белгини ай-

тинг?

Кучли түгүрк фаолияти.

Аёлнинг ўзини тутишини ўзгариши.

Пульс тезлашиши.

Сийишинг қийинлашиши ёки қийналиб сийиши.

Хомила ўткир гипоксияси, хомила интранатал ўлими.

12. Бандль бўйича бачадон йиртилиш хавфининг объектив кўрик маълумотлари?

Бачадон пастки сегменти юпқалашиши ва оғриқ.

Бачадон думалоқ бойламлари таранглашуви ва палпатор оғриқ.

Қин ва ташқи аъзолар шиши.

Контракцион ҳалқа баландга кўтарилиб, бачадон қумсоат шаклига кириши.

Хомила ўткир гипоксияси, хомила интранатал ўлими.

Бачадон бўйни шиши, хомила бошида түгүрк шиши.

13. Бачадоннинг гистопатик йиртилиши хавфига хос 6 клиник белгилар?

Түгүрк фаолияти сустлиги.

Сийдик қопи атонияси.

Кучсиз, натижасиз түгүркда оғриқ ва дард.

Хомила юрак уришининг бузилиши.

Чандикда нотекислик ва оғриқ.

14. Бачадон ёрилиши хавфининг асосий симптомларини айтинг:

пайпаслаганда бачадон думалоқ бойламлари оғриклилиги;

контракцион ҳалқанинг баландда туриши;

пастки сегментнинг юпқалашиб ва оғрикли бўлиши;

барвақт кучаниқ бўлиши;

бачадон қумсоат шаклига киради;

кучли ва оғрикли дард.

15. Йиртилган бачадонга хос 5 белгини айтинг?

Дардни тўхтатиш.

Аёлни кайфияти тушган.

Хомила юрак уришининг бўлмаслиги.

ҚБ пасайиши, пульс тезлашиши, териси оқарган.

Жинсий йўллардан қонли ажралма келиши.

16. Бачадонда чандик бўйича йиртилиш бошланганлиги белгилари:

кўнгил айниш, кусиш;

бош айланиши;

чандикда пальпатор оғриқ;

чандикни пайпаслаганда чукурлашув «токча» белгисининг аниқланиши;

хомила ўткир гипоксияси;

жинсий йўллардан қонли ажралма келиши.

17. Түгүркда бачадон йиртилиш хавфи пайдо бўлганда шифокорнинг тутадиган йўли:

зудлик билан чукур оғриксизлантириб түгүрк фаолиятини тўхтатиш;

оператив жаррохлик.

18. Бачадон йиртилиши хавф гурухига кирадими?

Бачадон чандиги бор ҳомиладорлар.

Күп түгүвчилар.

Акушерлик анамнезига мойил ҳомиладорлар.

Тор чанок.

Катта ҳомила.

Ҳомиланинг нотўри жойлашуви.

19. Поликлиникада бачадон йиртилиши профилактикаси.

Йиртилиш хавфига киравчи аёлларни хавф гурухига ажратиш.

Ҳомиладорликнинг 37-38 ҳафтасида туғрукка тайёрлашга ётқизиш.

Бачадондаги чандикни баҳолаш.

Абортлар профилактикаси.

Бачадонда чандиги бор аёлларда ҳомиладорликни тўри олиб бориш.

20. Клиник кечиши бўйича бачадон ёрилиш турлари:

Бачадон ёрилиши хавфи.

Бошланган бачадон ёрилиши.

Бачадоннинг буткул ёрилиши.

21. Бачадоннинг гистопатик ёрилишида шифокор тактикаси қандай?

Зудлик билан операция қилиши.

Операция билан бир вақтда қон ва қон ўрнини босувчи суюқликларни куйиш.

Кичик узунасига йиртилганда бачадонни тикиш.

Бачадон экстирпацияси (ортикларсиз).

22. Бошланган даври бўйича бачадон ёрилиши:

Ҳомиладорлик даврида.

Туғрук даврида.

23. Патогенетик белгилари бўйича бачадон ёрилиши турлари:

Ўз-ўзидан ёрилиши.

Зўрлаб ёрилиши.

24. Ўз-ўзидан бачадон ёрилишининг 3 кўриниши.

Механик.

Гистопатик.

Механогистопатик.

25. Қаердан ёрилишига қараб бачадон ёрилиши турлари:

Пастки сегментидан ёрилиши.

Бачадон танасидан ёрилиши.

Бачадон тубидан ёрилиши.

Кин гумбазидан узилиши.

26. Чот йиртилишининг II даражасида қандай тўқималар шикастланади?

Кин деворлари.

Чот териси қавати.

Чанок туби мушаклари.

27. Қуидагилардан қайси симптомлар ков суяги бирикмаси ажралганида юзага келади?

Юрганда қаттың оғырік.
 Қов бирикмасида оғырік.
 «Үрдаксимон» юриш.
 Қов бирикмасида шиш.
 Қов бирикмасида қон йиғилиши (гематома).

XXVII БОБ

ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ ПАТОЛОГИК ҲОЛАТЛАРИ

Мәссад. Чакалоқлар асфиксияси, сабаблари, клиникаси, диагностикасина үрганиш. Респиратор дистресс синдром, чакалоқны бирламчы реанимацияси, туғруқ жароҳатлари, инфекцион касаллуктарини билиш.

Реже:

1. Чакалоқлар асфиксияси, сабаблари, клиникаси.
2. Апгар шкаласи.
3. Респиратор дистресс синдром.
4. Чакалоқнинг бирламчы реанимацияси.
5. Чакалоқларда туғруқ жароҳатлари.
6. Чакалоқлар инфекцион касаллуклари.

27.1. ЧАҚАЛОҚЛАР АСФИКСИЯСИ

- Асфиксия - патологик ҳолат бўлиб, туғилган чакалоқда мустақил нафас олиш йўклиги ёки нафас олиши юзаки, номунтазам ва организмда етарли даражада газ алмашувини таъминлаб бера олмайди

Асфиксия сабаблари

- Хомила гипоксияси.
- Нафас йўлларининг меконий, коғаноқ сувлари, шиллик, конлар билан аспирация си сабабли ўтказувчанлиги бузилиши.
- Марказий нерв тизимининг оғир жароҳатланиши.
- Ўпкалар тўқимасининг функционал етилмаганлиги ёки сурфактантнинг етарлича ишлаб чиқарилмаслиги.
- Қон айланишининг кичик ҳалқасида гемодинамик бузилишлар.
- Хомила нуксонлари.

27.1.-жадвал

Апгар шкаласи

Симптомлар	0 балл	1 балл	2 балл
Юрак уринни	Йўқ	100дан кам	100 ва >
Нафас	Йўқ	Брадишин, номунтазам	Баланд қичқириши
Мунак топуси	Оёқ-қўллари осилиб қозғали	Оёқ-қўллари озорқ букилган	Оёқ-қўллари актив ҳарикатди
Рефлекслар	Йўқ	10а тирицини	Йўтал, асерини, қичқириши
Терининг ранги	Умумий отварини ёки цивансо	Пунти ранг ва икроцланош	Пунти ранг

Чакалоқ аҳволини Апгар шкаласи ёрдамида баҳолаш (1- мин ва 5 миндан сўнг) 8-10 балл -аҳволи яхши, 7 балл - чегарали аҳвол, 6 балл - енгил даражали асфиксия, 5-4 балл - ўрта даражали асфиксия, 4 балл ва ундан паст - оғир даражали асфиксия, симптомлар йўклиги - ўлик туғилиш.

Чақалоклар асфиксияси дейилганды МНС, нерв-рефлектор фаолитеттинг сусайиши натижасыда қон айланишининг бузилиши тушунлади. Асфиксия ривожланишида ҳомиланинг ўткир ва сурункали гипоксияси аҳамиятга зга. Бирламчи апноэ - бу ўткир перинатал гипоксияга нисбатан бошланғыч физиологик жавоб. Бунда нафас ҳаракатлари тұхтайди, брадикардия транзитор күзатилади. Бирламчи апноэда ўпка вентиляциясыга кисқа муддатли ёрдам күрсатып мусбат эффект беради. Иккиламчи апноэ - бу бирламчи апноэдан сүнг пайдо бўлади. Бунда чақалоқ бир марта Гаспинг типида нафас олгач, нафас ҳаракати тұхтайди. Бу ҳолатда ҳам Қ/Б тушиб кетади. Брадикардия ва мушак тонусининг сусайишида чақалокларда интенсив терапия бошлаб, сунъий ўпка вентиляцияси бажарилади. Кутилган натижа камдан-кам ҳолларда ижобий бўлади. Чақалоклар асфиксиясининг оғирлик даражаси Алгар шкаласи бўйича чақалоқ туғилгач 1 мин. ва 5 мин оралатиб умумий аҳволи баҳоланади.

Енгил асфиксия – 6-7 балл. Енгил асфиксияли чақалоклар учун маҳсус даво шарт эмас. Кўпинча эрта мослашув даврида нерв-рефлектор кўзғалувчанлик синдроми пайдо бўлиши мумкин. Масалан, Моро спонтан рефлекси горизонтал ёки вертикаль истиғам.

27.2. РЕСПИРАТОР ДИСТРЕСС СИНДРОМ

Респиратор дистресс синдром (РДС) - бу янги туғилган чақалоқнинг биринчи соатларидан пайдо бўлувчи патологик ҳолат бўлиб, ўпканинг структур етилмаганилиги ва сурфактант модда синтезининг бузилиши билан ифодаланади.

Чала туғилиш, ҳомила ичи инфекцияси, перинатал гипоксия ва асфиксия каби омиллар РДС нинг сабабини, оғирлик даражасини белгилайди.

Сурфактант – юза актив модда бўлиб, альвеоцитларнинг II типи синтезлайди. Сурфактант танқис бўлганда нафас чиқариш актида альвеолалар бужмайиб колади, натижада газ алмашинув сатди камайиб гипоксемия ва гиперкарния ҳолатлари пайдо бўлади. Сурфактант системанинг етилиши ҳомилада 35-36 ҳафталарга келиб яқунланади. Глюкокортикоидлар, тиреоид гормонлар, эстрогенлар, адреналин ва норадреналин унинг синтезини стимуллайди.

РДС клиник белгилари чақалоқ туғилгач 4-6 с ўтгач пайдо бўлади ва 1мин. да 60 та нафас ҳаракатли хансираш билан характерланади.

Нафасининг тезлашиши экспиратор шовқинлар билан бирга кечади.

Чақалоқни кўздан кечирилганда нафас олганда кўкрак қафасининг ичкарига ботиши күзатилади, яъни ҳанжарсимон ўсик ковурғалар ораси ва ўмров усти чуқурчаси ичкарига тортилган бўлади. Юзларига эътибор берилиганда бурун қанотларининг таранглашиши, апноэ хуружлари күзатилади.

Чақалоқнинг юз териси пушти рангда бўлади. РДС клиник белгилари пайдо бўлгач акроцианоз, кейинчалик умумий рангпарлик юзага келади.

Аускультацияда сусайтан везикуляр нафас эшитилади. СБС ривожланган сари нафас олиш ва чиқариш жараёнларида крепитация ва курук хириллашлар эшитилади.

Чақалоқнинг РДС оғирлигини баҳолашда Сильверман шкаласидан

фойданилади: 4 баллгача-РДС бошланиши; 5 балл- РДС ўртача оғирлиги; 6-9 балл- оғир даражадаги РДС; 10 балл- ўта оғир РДС.


РДС чақалоқнинг умумий ахволи ўзгаради, гипо-, адинация бўлади.

РДС ўтказган ва жонлантириш бўлимида интенсив терапия олган чақалоларда ҳам баъзида сепсис, ДВС синдроми, бронх-ўпка дисплазияси, ўпкага қон қўйилиши каби асоратлар юзага келиши мумкин. РДС пренатал диагностикасида қофаноқ сувининг фосфолипид таркибини аниклаш тести муҳим аҳамиятга эга. Агар лецитин билан сфингомиелин нисбати 2:1 бўлса, РДС ривожланиш эҳтимоли 0%, 2:1,5 нисбати – 50%, 1:1 нисбати – 75%. РДС ривожланиш эҳтимолини баҳолашда «кўпикли» тест ўтказилади. Бунинг учун янги турилган чақалоқнинг 0,5мл ошқозон суюқлигига 96% спиртдан 0,5 мл кўшилади. Пробиркада 15 с давомида чайқатилади. Агар алоҳида ёки ўзаро бириккан йирик кўпиклар аникланса тест мусбат, кўпиклар умуман бўлмаса, манфий, агар пробирканинг бир қисмини згалловчи майда кўпикчалар аникланса, кучиз мусбат натижада деб баҳоланади. Тест мусбат бўлганда РДС ривожланиши жуда кам, кучиз мусбат бўлганда -20% ҳолларда, манфий натижада 60% ҳолларда РДС ривожланиши мумкин. РДС ривожланганда асосий параметрлар мониторингга олинади: юрак қисқаришлар сони, нафас частотаси, O_2 ва CO_2 парциал босими, коннинг кислота-ишкор ҳолати, ЭКГ, биокимёвий параметрлар назорат қилиниб борилади. РДС биринчи белгилари пайдо бўлиши билан тўқималарни кислород билан таъминлаш мақсадида оксигенотерапия қилинади (27.1.расм).

A

B

В



27.1.-расм. Чақалоқ кўкарган, лекин нафас олмоқда: кислород бериш лозим:

А - анестезиологик халта ёрдамида;

Б - кислород маскаси орқали;

В - кислород шланги орқали.

Оксигенотерапияни коннинг газ таркибини билмасдан ўтказиш мумкин эмас. Коннинг газ таркибини аниклаб бўлмагандан, мониторингга эътибор берилади. Кислород босими 60-90 мм. сим. уст атрофида бўлиши керак. Кислород билан тўйинувчаникнинг 1-2% пасайиши босимнинг 6-12% га тушишини билдиради. 90% гача кислород босими пасайса оғир гипоксиядан далолат беради. Шу сабабли кислород босимини 92-96% да ушлаб туриш керак. Оксигенотерапия эффектсиз бўлганда трахея интуба-

ция қилиниб, сунъий ўпка вентиляцияси ўтказилади.

Комплекс терапевтик муолажаларга гидратацион терапия киради. Қақалоқнинг бир суткасида 50-60 мл/кг тана вазнига, кейинчалик 140-150 мл/кг вазнига нисбатан суюқлик куйилади. 10% ли альбумин эритмаси ва янги музлатилган плазма гиповолемияни коррекциялаш учун кўлланилади.

Антибактериал терапия бактериологик экма натижасига кўра олиб борилади.

Хозирги кунда РДС профилактикаси мақсадида глюокортикоидлардан фойдаланилади. Қақалоқ туғилгач биринчи суткасида сурфактант препарати Экзосурф (Англия) ва Куросурф (Италия) 5 мл/кг вазнига ҳисоблаб эндотрахеал ҳар 8 соатда килинади.

27.3. ҚАҚАЛОҚНИНГ БИРЛАМЧИ РЕАНИМАЦИЯСИ

- Қақалоқни артиб иссиқ жойга ётқизиш.
- Оғиз ва бурун бўшлиғи санацияси.
- Рефлексларни кўзгатиш.
- Сунъий ўпкалар вентиляцияси - Амбу копчаси ёрдамида.
- Юрак массажи (27.2.-расм).
- Киндик артерияси орқали 4% натрий гидрокарбонат эритмаси (10-12 мл), 10% глюкоза (10-15 мл), адреналин 0,1-0,3 мл/кг.
- Трахея орқали интубация ва тоза намланган кислород юбориш.



27.4. ҚАҚАЛОҚЛАРНИНГ ТУФРУҚ ЖАРАЁНИДА

ЖАРОҲАТЛАНИШИ

- Кефалогематома.
- M. Sterno-claidea-mastoideus травмаси.
- Ўмров сүякнинг синиши.
- Юз нервнинг парези.
- Елка чигалининг жароҳатланиши (кўл фалажи).
- МНС түфрук жароҳати (мияга қон куйилиши).
- Умуртқа погонаси ва орқа миянинг түфрук жароҳати.

27.2. Расм Юракни билносита масаж қилиш.

Кефалогематома - бир ёки икки томонлама тепа, камроқ ҳолларда энса сезуб сезреңб пардаси остида қон қуйилиши. Кефалогематома устидаги тери ўзгармаган. Шиши түфрукдан кейин 2-3 кунлар ичida катталашиши мумкин, 6-8 ҳафталарда аста-секин йўқолиши мумкин. Кефалогематома йиринглаши, камроқ ҳолларда кальцийланиши ва сүякланиши мумкин.

M. sterno-claidea-mastoideus жароҳати - кўпинча ҳомила думба билан келган түфрукларнинг асорати ҳисобланади. Мушаклар гематомаси кўшилиши мумкин, дуксимон қалинлашиш кўринишида аниқланади. Бола боши жароҳат томонга бурилган, энгак эса соғлом томонга қараган

бўлади. Кўрикда кийшик бўйин аникланади. Бир неча ҳафтадан кейин гематома изсиз йўқолади.

Даво чоралари консерватив: енгил массаж, иссик қўйиши.

Ўмров суягининг синиши деярли кўп учрайди. 3% чақалоқларда учрайди. У асосан йирик болаларда ва тутгрок жараёни нотўғри бошқарилганда (елка камари дистоцияси) кузатилади. Чақалоқлар тугилиши билан ўмров суяги соҳасида пальпацияда крепитация ва оғриқ сезилади. Кўллар харакати чегараланган, 3-4 кунлари тограйланиб думбок бўлиб битади. Даво чоралари: елкаларни фиксация килиш.

Юз нерви фалажи: акушерлик қискичлари қўйилгандан кейин келиб чикадиган асорат сифатида ёки тутгрок йўлларида юза жойлашган нервнинг эзилиши натижасида келиб чикадиган холат. Клиник белгилари бурунлаб бурмаларининг текисланиши, жароҳат томонда кўзнинг очик туриши, бакирганда оғизнинг соғлом томонга тортилиши билан намоён бўлади. Фалаж бир неча ҳафта давомида тузатилади.

Елка нерв тугунининг фалажи. Тутгруда елка нерв тугуни ва унинг илдизларининг ёки баъзан орқа миянинг шикастланиши туфайли келиб чиқади.

Елка нерв тугунининг қайси бир шохининг фалажига караб, елка нерв тугуни акушерлик фалажининг 3 тури фарқланади. Даво комплекси - шифобаҳаш физкультура, массаж, физиотерапия ва медикаментоз даво чораларидан иборат.

МНС жароҳати (мияга қон қўйилиши). Мияга қон қўйилиши тутгрук пайтида калла суяги ва бош миянинг механик жароҳатланиши натижасида келиб чиқади. Чақалоқларда бу ҳолатнинг кечиши, асосан миянинг шикастланган қисмига, оғир – енгиллигига боғлиқ. Учраш салмоғи 3-8%. Чақалоқлар тутгрок жароҳатларида кўпинча асфиксия билан тугилади. Клиникаси умумий ва ўчокли симптомлар билан характерланади. Умумий бузилишлар кўзгалувчанлик (ҳаракатлар нотинч, монотон қичирик, тиришиш) ёки гипо- ва адинамия, рефлекслар пасайиши. Даво чоралари: бола асфиксия билан тугилганда шошилинч чора-тадбирлар; ҳаёт учун муҳим функцияларни тиклаш, метаболизмни коррекциялашдан иборат.

Тикланиш даврида - сўрилувчи терапия, массаж билан даволовчи гимнастика.

Орқа мия жароҳати. Орқа мия енгил жароҳатларида гемодинамик бузилишлар кузатилади. Клиник белгилари жароҳат жойига боғлиқ. Юқори бўйин қисми жароҳатида бульбар бузилишлар кузатилади.

Кўкрак қисми жароҳатланганда нафас мушаклари, бел-думгаза.

Даво чоралари умуртқаларни иммобилизация қилишдан ва бир вақтнинг ўзида ёпик репозиция қилиш муолажаларидан иборат. Витаминотерапия, сўрилувчи препаратлар, 2 ҳафтадан кейин эса массаж буюрилади.

27.5. ЧАҚАЛОҚЛАР ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Цитомегаловирус (ЦМВ). Касаллик ўткир кечганда эрта белгилари сариклик, гепатосplenомегалия, геморрагик синдромлар пайдо бўлади. Кечроқ эса асорат сифатида карлик, боланинг нерв-психик ривожланишдан орқада колиши кузатилади.

Тұғма ЦМВ инфекцияси бўлган чақалокларда вирус сийдик, сўлак, орка мия суюклигида топилади. Диагноз учун IgM синфиға мансуб бўлган специфик ЦМВ-антитаналари аникланади. Сўлак, сийдик ёки жигар тўқимасини электрон-микроскопик текширилади. Эффектив специфик вирусга карши терапия йўқ. Унга қарши специфик антицитомегаловирус иммуноглобулин схема бўйича кўлланилади.

Оддий герпеснинг иккита серотипи бор: I ва II. Кам ҳолларда касаллик симптомларсиз кечиши мумкин. Бунда кўпроқ тери ва кўз жароҳатланади. Диссеминирланган жараёнларда сепсис ривожланиши мумкин. МНС жароҳатланганда қалтираш, ланжлик, иштаҳа ёмонлашиши, гипогликемия, нерв-рефлектор қўзғалувчанликнинг ошиш синдроми характерланади. Тери ва шиллиқ қаватларда везикуляр пуфакчаларнинг бўлиши касалликни исботловчи муҳим белги хисобланади. Диагностика учун везикула ичидаги модда ёки терининг жароҳатланган соҳасидан суртма олиниб текширилади. Бунда оддий герпес вирусининг антигени топилиши мумкин. Даво чоралари: барча клиник шакллари учун Ацикловир кўлланилади. Тарқалган шакли, миянинг герпетик жароҳатланиши ёки офтальмогерпесда Ацикловир 60-90 мк/кг тана вазнига, кунига 1 марта т/и юборилади. Тери жароҳатланганда доза 30 мг/кг тана вазнига, кунига 1 маҳал т/и юборилади. Даволаш курси 10-14 кун хисобланади. Иммуноглобулин юкори титрида реаферон 100-150 МЕ/кг кунига 2 маҳал ҳар 12 соатдан 5 кун давомида шамчалар кўлланилади.

Листериоз. Чақалокларда тұғма листериоз аспирацион пневмония ва мияда қон айланипши бузилиши билан намоён бўлади. Кўпинча эшитив аъзолари (отит), мия (менингиал белгилар) ва жигар заарланади. Тери тошмалари: папулалар орка умуртка, думба ва оёқ-кўлларда жойлашади. Кўрикда хиқилдоқ, бўғиз шиллиқ қаватлари, конъюнктивада тошмалар кузатилиши мумкин. Бактериологик текширувда инфекция қўзғатувчиси тери папуласи, ахлат, сийдик ва орка мия суюклигидан топилади.

Даво чоралари: антибиотикотерапия (ампициллин).

Қизилчя: қизилчя диагнозини чақалоклarda клиник белгилар ва лаборатор маълумотлар (сийдик ва фарингиал секретидан ажралмалар) асосида кўйилади. Асосий диагностика тести чақалоклар конида маҳсус қизилчя IgM антитанасини топиш хисобланади. Маҳсус даво йўқ.

Везикулопустулёз тери бурмалари, бош, думба соҳаларида юза жойлашган, ўлчами бир неча миллиметр келадиган, ичида шаффоф суюклик бўлган пуфакчалар бўлиб, кейинчалик тер безлари яллигланиши хисобига пуфак ичидаги суюклик хиралашади. Везикулалар 2-3 кундан кейин ёрилади. Эрозиялар куруқ кобиқ билан қопланади. Тушшиб кетгандан кейин чандиқ ёки доғлар қолмайди.

Чақалокларда қаварик диаметри 0,5-1 см гача бўлган пуфаклар эритематоз доғ фонида пайдо болади. Ичида сероз йирингли суюклик бўлиб, асосида инфильтрат. Пуфак атрофида гиперемия бўлади. Пуфаклар очилгандан кейин эрозия ҳосил бўлади. Хавфли шаклларида фликтеналар (пуфаклар каттароқ ўлчамларда 2-3 см гача) пайдо бўлади. Тери қавариклари кипиқлашиши мумкин. Чақалокнинг умумий ахволи оғир, кучли симптомлар, интоксикация.

Риттер эксфолиатив дерматитини тилларанг стафилококклар чакирали. Эксфолиатик экзотоксин ишлаб чиқаради. 1- ҳафтанинг охири 2 - ҳафтанинг бошларида терида қизариш пайдо бўлади, киндик, чов бурмалари, оғиз атрофида ёриклар пайдо бўлади.

Эритемалар тезда қорин, тана, оёқ - қўл териларда тарқалади, бўшаган шуфаклар, ёриклар, эпидермис қуруқлашиб, эрозиялар қолдиради. Беморнинг умумий ахволи оғир. Касаллик бошлангандан 1-2 ҳафта ўтиб чақалоқнинг ҳамма териси гиперемиялашиб катта соҳаларда эрозиялар ҳосил бўлади. Эпидермис остида экссудат йигилади. Кейин эпидермис кўчади.

Касалликда эрозия соҳалари чандик ёки дөрлар қолмасдан битиши мумкин.

Фигнер псевдофурункулёзи. Бу касаллик ҳам везикуло-пустулалардан бошланиб, барча тер безларига тарқалади. Тери остида диаметри 1-1,5 см гача бўлган тўқ қизил рангли тутунчалар пайдо бўлади, ўртасида йиринг сақлайди. Бош, бўйин орқа юзаси, думба, оёқ - қўл терисида жойлашади.

Чақалоқлар мастити - кўкрак безлари физиологик дағаллашиши фонида ривожланади. Клиник белгилари: кўкрак безининг катталашини ва инфильтрацияси. Кўкрак бези териси гиперемияси кузатилади. Даволанмаса касаллик кучаяди, флюктуация пайдо бўлади. Пальпацияда оғрикли йирингли ажралма келади.

Чақалоқларнинг оғир йирингли яллигланиш касалликларидан бири некротик флегмона хисобланиб, терида қаттиқ қизил дод ҳосил бўлиши билан бошланади, жароҳат тез тарқалади. Лимфа томирлари тури ва катта лимфа ёриклари бўлиши хисобига тери остидаги ёғ қавати йирингни тарқатиб, терида тезлиқда ўзгаришлар бўлишига олиб келади. 1-2 кундан кейин альтернатив некротик босқичида терининг жароҳатланган соҳали қўнғир-кўкиш рангта киради. Ўргаси юмшоқлашади. Кўчиш босқичида тери кўчгандан кейин йиринг бўшлиги ҳосил бўлади. Репарация босқичида грануляция ривожланади ва жароҳат юзаси эпителийланиб, кейинроқ чандик ҳосил бўлади.

Конъюнктивит - конъюнктива ва қовокнинг шиши ва гиперемияси бўлиб, жароҳат икки томонлама йиринг ажралиши билан кечади. Даво юқумли жараённинг қўзғатувчисига боғлиқ.

Катарал омфалит - киндик ярасасидан сероз суюқлик ажралиши ва эпителийланишининг кечикиши билан характерланади. Киндик тизимчасида енгил гиперемия ва инфильтрация бўлади. Бунда чақалоқнинг холати ўзгармайди, қон тахлили ҳам ўзгармайди. Киндик томирлари пальпацияланмайди. Даво маҳаллий кунига 3 % ли водород пероксид билан 3 марта, кейин 70% ли спирт ва калий перманганат эритмалари билан ишлов бериш, киндик ярасаси соҳаси УФО қилинади.

Йирингли омфалит - касаллик киндик ярасасининг катарал ўзгаришларидан биринчи ҳафта охирларида бўшашади. Кейин киндик ярасасидан йиринг ажралиб, киндик атрофи тери ости ёғ қавати инфильтрацияси, киндик томирлари юқумли заарланиши симптомлари кузатилади. Киндик венаси тромбофлебитида киндик устида эластик қаттиқлик паль-

пацияланади.

Тромбофлебитда киндик артерияси киндик тизимчасидан пастда пальпацияланади, бунда киндик ярачасидан йириңг ажралиши мумкин. Махаллий ишлов, антибактериал даво ўтказилиши шарт.

Сепсис - чақалоклар оғир юқумли яллияланиши касаллiği. Чақалокларда сепсис жараёни ривожланишига организмнинг анатомо-физиологик тузилиши, системалар ва организмнинг етилмаганлиги, биринчи навбатда МНС нинг, иммунитет сустлиги сабаб бўлади. Чақалоклар инфекцияланиши анте-, интранатал ёки эрта неонатал даврда ривожланиши мумкин. Инфекцияланиши муддатига қараб ҳомила ичи ва постнатал сепсис фаркланади. Чақалокларда сепсис ривожланишининг яна бир омилларидан бири бола туғилганида ва биринчи кунларида жонлантириш тадбирларини кўллаш хисобланади. Муддатидан олдин туғилган етилмаган чақалоклар сепсис жараёни ривожланиши учун фон хисобланади.

Чақалоклар сепсисида инфекция кириш дарвозаси бўлиб, киндик яраси, жароҳатлаган тери ва шиллиқ қаватларга инфекция тушиши, катетеризация, интубация, ичак, ўпка, камдан-кам холларда сийдик чикариш йўллари, ўрта қулоқ, кўзлар хисобланади. Чақалоклар сепсисининг клиник манзарасини юқумли бўлмаган ҳолатлардан ажратиш кийин. Тургун бўлмаган тана ҳарорати гипо- ёки гипертермия кузатилади. Кўшимча белгиларига сўриш рефлексларининг сустлиги ёки йўклиги, кусиши, ич келишининг тезлашиши ва корин кўпчиши, корин дам бўлиши, апноэ, респиратор дистресс синдроми (нафас етишмовчилиги белгилари), цианоз, гепатосplenомегалия, сариҳлик, терининг мармар кўринишига кириши, ланжлик, гипотония, тутканоқ киради.

Катта лиқилдоқ шиши, таранглашиши ва энса мушакларининг ригидлиги, чақалокларда фақат менингит муҳим белги хисобланмайди. Оғир шакли чақмоқсимон сепсис (сепсис шакллари хисобланади). Ўртacha кечиши хос.

Сепсисга тахмин бўлганда:

- орқа мия суюклиги, сийдик, трахея ва инфекция ўчоғидан олинган ажралмаларни микробиологик усулда стериллиги текширилади ва Грам усулида бўялади.

Шифокорга сепсис диагнози учун конни инфекцияга экканда ижобий натижаси, йирингли яллияланиш белгилари, юқумли токсикоз, лаборатор кўрсаткичлар, инструментал текширишларнинг ўзгаришлари имкон беради.

- орқа мия суюклигини текшириш: Грам усули бўйича бўяш, хужайра микдори, оксил, глюкозани аниқлаш. Плеоцитоз ёғ бўлганда ҳам бактериалар пролиферацияси хисобига суюклик хира бўлиши мумкин. Люмбал пункцияси орқа мия суюклигига патологик ўзгаришлар бўлмагандага ҳам 1% чақалокларда менингит учраши мумкин.

- Гидроцефалияли болаларда вентрикулитда мия қоринчаларини пункция килиши мумкин.

- Трахея аспиратини текшириш. Трахея аспиратидаги бактерия ва лейкоцитлар сони чақалоқлар ҳәётининг биринчи соатларida ҳомила ичи инфекциясининг борлигини күрсатади.

- Периферик конда лейкоцитлар ва тромбоцитлар миқдори, лейкоцитар формулатани аниклаш. Ушбу ўзгаришларнинг йўклиги сепсис диагнози тўлиқ йўклигини билдирамайди. Лейкопения ва нейтропенияда етилмаган ва умумий нейтрофиллар орасидаги муносабат 0,2 дан юкори бўлса, сепсис диагнозини кўйиш мумкин. Лекин муддатига етмаган чақалоқлар учраши мумкин. Тромбоцитопения бўлганда сепсисда ДВС синдроми ривожланиши мумкин. ЭЧГ сепсисда 15 мм / соатдан ошиши мумкин.

- Кўкрак қафаси рентгенографияси.

- Сайдикни текшириш: микрокопия ва экиш усули билан микрофлорани антибиотикка сезгирилгини аниклаш.

- Лимулиус- лизат - тестини бажариш.

- Чакалоқлар сепсисида даволаш тактикаси оптималь парвариш, зэмизиш ва антибактериал (ифицеф 20-60 мг/кг оғирликда кунига) ва симптоматик даво.

- Нафас, юрак, буйрак, буйрак усти бези, жигар етишмовчилиги, гематологик бузилиш, неврологик бузилишлар бўйича даволаш;

- Адекват гидратацион терапия, дезинтоксикация, қисман ёки тўлик парентерал озиклантириш, зарур бўлганда айланиб юрувчи қон миқдорини тиклаш, микроциркулятор ва метаболик бузилишларни корекция қилиш мақсадида фойдаланилади.

- Иммунокоррекция мақсадида янги музлатилган плазма ва лейкоцитар масса қўйиш кўрсатма хисобланади.

- Антибактериал терапия ўтказилганда ва кейин ичак биосинтезини ушлаш ва корекция қилиш зарур (бифидум ёки лактобактерин 5 дозадан 2-3 маҳал кунига, поливалент пиобактериофаг ёки моновалент бактериофаг, стрептококкли, стафилококкли, кўк йиринг таёқча, клебсиелла).

Амалий кўниммалар.

1. Чакалоқ аҳволини аргар шкаласида баҳолаш

Қадамлар:

1. Ҳозирги пайтда чакалоқ аҳволини Аргар шкаласида баҳолаш тавсия этилган. Баҳолашни туғилган заҳоти биринчи дақиқасида ва 5 дақиқадан сўнг 5 та муҳим клиник белгилар: юрак уриши, нафас олиш, рефлекслар, мушаклар тонуси ва тери рангига асосланиб ўтказилади.

2. Ҳар бир белги 3 балли системада баҳоланади: 0, 1, 2.

3. Чакалоқ аҳволини баҳолаш олинган 5 белги йигиндисига қараб ўтказилади.

4. Соғлом туғилган чакалоқлар ушбу шкала бўйича 10-7 баллда баҳоланади.

5. Енгил асфиксияда туғилган чакалоқлар 6-5 баллда баҳоланади.

6. Ўртача асфиксияда туғилган чакалоқлар 4- 5 баллда баҳоланади.

7. Оғир асфиксияда туғилған чақалоқлар эса 1-3 баллда баҳоланаади.
8. Клиник ўлимда туғилған чақалоқлар 0 баллда баҳоланади.

Масалалар.

1. 2-түгүрүк, 2-даврида, 30 дақықа ўтгандан сүнг жинсий йўлларда конли ажралма пайдо бўлди. КБ 120-65 мм. сим. уст. Тўлғок хар 2-3 мин. да 50-55 сек. дан. Тўлғоксиз даврида бачадон ёмон бўшашади. Пастки сегментларда палпацияда оғрик. Чаноқ ўлчамлари 26-27-33-18 см. Ҳомиланинг юрак уриши бўғиқ, кардиографияда кеч децелерация 70 дақиқагача аниқланган. Сийдик пуфагини катетеризация килишни механик тўсиқ орқали бажариб бўлмайди. Қин текширувуда бачадон бўйни оғзи тўла очиқлиги, ҳомила боши кичик чаноқ чиқиши кисмиди сукилиб турибди. Бошда катта ўсма аниқланган. Сагиттал чок олдинга оғган. Кичик ва катта чуқурчаларга етиб бориши мумкин. 1 сатҳда жойлашган.

Диагноз? Шифокор тактикаси?

2. Оилавий поликлиникага биринчи марта ҳомиладор бўлган аёл ҳомила суст қимирилаши билан шикоят килиб келди. Бачадон туби киндик ва ханжарсимон ўсиқ орасида. Ҳомила юрак уриши бўғиқ, оёкларида шишлар. Ҳомиладорлик муддати 35-36 ҳафталик. Аёлнинг вазни 10 кг га ортган.

A. Қандай текшириш усулини ўтказиш керак?

- a. Кардиотокография.
- b. УТГ.
- c. Ташиби акушерлик текшириш.
- d. Гормонал текшириш.

B. Нима қилиш керак?

- a. Тугруқни кучайтириш.
- b. Кесарча кесиш.
- c. Назорат қилиш.*
- d. Диуретиклар ишлатиш.
- d. Тугруқ йўллари орқали туғдириш.

3. 1. Чакалоқ ҳомиладорликнинг 38 хафтасида туғилди, оғирлиги 2300 г, узунлиги 48 см. Чакалоқ етилганми?

2. Чакалоқ туғилганда қаттиқ қичқирди, терисининг рангги қизил. Юраги минутига 120 та уради, рефлекслари яхшилиги аниқланди, мушаклари тонуси яхши. Апгар шкаласи бўйича чакалоқка баҳо беринг.

Ўргатувчи тестлар.

1. Чакалоқларда токсик-септик касалликлар ривожланишига олиб келувчи туғруқдаги 5 асорат?

Сувсизлик даврининг 12 соатдан ортиши.

- Түгруқ давомийлитининг 24 соатдан ортиши.
Кін орқалы күп марта күрувлар.
Күпсувлик.
Түгруқда инфекцияланиш.
2. Апгар шкаласи бүйіча чақалоқ ахволи қайси 5 белгига асосланиб баҳоланади?
- Юрак уриши.
 - Нафас олиши.
 - Тери рангти.
 - Мушаклар тонуси.
 - Рефлекслар.
3. Чақалоқлар оғир асфиксиясида даволаш усууларига нималар киради?
- Нафас йұлларидан шиллиқни тозалаш.
 - Чақалоқни иситиш.
 - Киндик венасига глюкокортикоидлар юбориши.
 - Киндик венасига кокарбоксилаза юбориши.
 - Үпка сұнъий вентиляцияси.
4. Чақалоқлар бактериал этиологиялы инфекцион касаллукларига нималар киради?
- Омфалит.
 - Тери касаллуклари.
 - Сепсис.
 - Зотилжам (пневмония).
 - Конъюнктивит .
 - Менингит.
 - Чақалоқлар мастити.
5. Чақалоқлар бактериал этиологиялы тери касаллукларини санаб үтинг:
- Везикулопустулөз.
 - Эксфолиатив Риттер дерматити.
 - Фигнер псевдофурункулөзи.
 - Чақалоқлар мастити.
 - Чақалоқлар некротик флегмонаси.
6. Чақалоқларда инфекцион касаллукларни даволаш тамойиллари?
- Етарли овқатлантириш.
- Рационал антибактериал даво.
- Юрак-томир, нафас, буйрак, буйрак усти, жигар етишмовчиликларинг коррекцияси.
- Гепатологик бузилишлар коррекцияси (ДВС, камқонлик, тромбоцитопения).
- Неврологик синдромни даволаш.
 - Адекват гидратациян терапияни ўтказиш.
 - Иммунологик коррекция.
 - Ичаклар нормал биоценозини ушлаб туриш.
7. Чақалоқлар транзитор тана вазни пасайишига нималар хос?

Дастлабки вазнига нисбатан 10% гача йўқотиш
Тугилгандан кейин 3-4 суткасига тўғри келади
5-7 суткага келиб тана вазни ташланади
Тана вазни пасайишининг сабаби сут ва сувнинг етарлича таъминланмаганилиги

8. Чақалоқлар жинсий кризининг асосий белгилари:
3-4- кундан 7-10-кунгacha кўкрак безлари дағаллашади.

Кўкрак безларидан сут секрети ажралиши.

Қиндан оқ - пушти ёки қонли ажралма келиши.

9. Чақалоқлар нафас олишининг хусусиятлари:

Юкори нафас йўллари калта ва торлиги.

Кўкрак қафаси бочкасимон.

Нафас олиши 1 минутда 40-70 марта.

Нафас олишининг корин типи.

Минутлик нафас олиш ҳажми пасайган.

10. Чақалоқларда қон айланиши хусусиятлари:

Юракнинг нисбатан катта ўлчами (тана вазнидан 0,34%).

Юракнинг горизонтал ҳолати.

Юрак уриш сони 120-140 марта 1 минутда.

Систолик КБ 60-80 мм.сим.уст диастолик КБ-36 мм.сим.уст.

Юрак мушакларининг қон билан ёмон таъминланганилиги.

11. Чақалоқларда ҳазм қилиш хусусиятлари?

Сўриш рефлекси ривожланган.

Чақалоқларда ичаклар узунлиги, катталарникига нисбатан узун.

Ичаклари туғилган пайтда стерил.

Ичаклари бола озиқланиши учун тайёр.

Ичи номунтазам келади.

12. Эрта неонатал ўлимнинг асосий сабабини айтинг?

Тұғрукда жароҳат.

Асфиксия.

Гемолитик касаллиги.

Тұғма нүқсонлар ва касалліклар.

Респиратор- дистресс синдром.

Чақалоқлар инфекцион касалліклари.

13. Перинатал ўлим профилактикасининг 4 асосий бўгинини айтинг?

Хавф гурухига кирувчи ҳомиладорларни тұғрукқа тайёрлаш бўлимига етказиш.

Тұғрукни рационал олиб бориш.

ЭГК бор, ҳомиладорлик мумкин бўлмаган аёлларни ҳомиладорликдан сақлаш.

Оилани режалашириш.

14. Чақалоқларда тұғрук жароҳати кўринишининг 5 хилини санаб ўтинг:

Бош ичи тұғрук жароҳати.

Үмров суюги ва ёёқ - кўллар синиши.

Елка нерв чигали фалажи.

Юз нерви фалажи.
Кефалогематома.
15. Апгар шкаласи бўйича чақалоқлар асфиксия даражасини таърифлаб айтинг:

Енгил даражаси – 5-6 балл.

Ўртacha оғир – 3-4 балл.

Оғир даражаси – 2 балл ва кам.

16. Туғруқ шиши билан туғилган чақалоқларда чақалоқлик даврининг кечишига нималар хос?

Туғруқ шиши ҳаётининг 2-3- куни сўрилиб кетади

Туғруқ шиши физиологик жараён бўлиб хисобланади

17. Кефалогематомага нималар хос?

Кефалогематома туғруқ жароҳати бўлиб хисобланади.

Кефалогематома ҳаётининг 2-3 -ҳафтасида сўрилиб кетади.

XXVIII БОБ

АКУШЕРЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

28.1. ҚОҒАНОҚНИ СҮНЬЙИ УСУЛДА ЁРИШ

Бундай операция туғруқ жараёнини тезлаштириш ва бачадон бўшлири ҳажмини торайтириш мақсадида қилинади. Бу жарроҳликни ҳомила пардаси ҳаддан ташқари таранглашганда қоғанок яси бўлиб, ҳомила бошининг суримишини секинлаштирганда, қоғанок суви кўп бўлганда қилинади. Шунингдек, плацента олдин келганда қон кетишини тўхтатиш ҳамда ҳомиладорлик гипертензия ҳолатида туғруқни тезлаштириш учун ҳам қоғанок ёрилади. Лекин бундай ҳолларда чаноқ тор бўлса, ҳомила нотўғри жойлашган ёки унинг олдинда келувчи қисми кичик чаноқ кириш қисмига нотўғри келиши ҳолатлари кузатилса, аҳволнинг қай даражада оғир-енгиллигига қараб туғруқ олиб борилиши лозим бўлади.

Хусусан, кўп сув бўлганда бачадон бўйни 2-3 см очилган бўлса, игнада тешиб, қоғанок суви секин туширилади. Ҳомила нотўғри жойлашган бўлса (кўндаланг ёки қийшиқ), олдиндан туғруқни олиб бориш режасига амал қилган ҳолда қоғанок аникланади. Агар бачадон бўйни тўла очилган бўлса (10-11 см), қоғанок аста ёрилади-да, ҳомила айлантирилади (агар кесарча кесиш режаланмаган бўлса). Агар кесарча кесиш операцияси белгиланган бўлса, ҳомила олди сувини бачадон бўйни 2-3 см очилгунча саклаб, қоғаноқни ёрмасдан туриб кейин операция килинади. Бунда операциядан кейинги чилла даврида бачадон чикиндиларининг ажралиши осон бўлади, натижада бачадоннинг қисқариши осон бўлади.

Агар операция қилиш (кесарча кесиш) бирор сабаб билан мумкин бўлмаса ёки ҳомила ўлган бўлса, қоғанок сувини бачадон бўйни 5-6 см очилгунча сакланади, кейин қоғанок ёрилади-да, ҳомила оёғига айлантирилиб, тиззаси жинсий тешикдан чиқазилиб осилтириб қўйилса, ҳомила ўзи туғилади. Агар ҳомила тирик бўлса, унда бачадон бўйни тўла очилгунча қоғанок сувини саклашга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун аёл чаноқ қисмини баландроқ кўтариб ётқизилади.

Қоғаноқни ёриш усули. Агар ҳомила боши билан келса, бунда кўрсат-368

кич ва ўрта бармок қинга юборилади. Тұлғокда қоғаноқ тарандлашади, ана шу вактда уни құрсақтың бармок билан босиб туриб ёрилади. Қоғаноқ қаттың ёки ясси бўлса, узун пинцет билан, корнсанг ёки ўткир учли кискич билан ёрилади. Аммо бунда ҳам ҳомила кўндаланг ёки қийшик жойлашганда қўл билан қин орқали қоғаноқ ёрилганда ҳомиланинг майдада кисмлари (киндиги, оёғи, унинг кўли) қинга тушган-тушмагани кузатилади.

Агар дард жуда кучли бўлса, ҳомила нормал жойлашган, бачадон бўйни тўла очик бўлса, дард кучсизлантирилиб, кейин қоғаноқни ёриш лозим бўлади. Акс ҳолда кучли дард туфайли қоғаноқ суви она корнига, ворсин-каларапо бўшлиқка тушиб эмболия юзага келиши мумкин.

28.2. ЭПИЗИОТОМИЯ

Эпизиотомия - оралиқ жароҳатини ва ҳомила жароҳатланишини камайтириш мақсадида вульвани сунъий кенгайтирилади.

Тайёргарлик.

1. Асбобларни тайёрлаш.
2. Беморга муолажа ҳақида тушунтирамиз.
3. Антисептик ва анестетикдан аллергик реакция йўқлигига ишонч хосил қилиш.
4. Кўлни яхшилаб ювилади, уларга ишлов берилади ва стерил кўлқоп кийилади.
5. Жароҳат юзасига антисептик билан ишлов берилади.

Муолажа.

1. Маҳаллий ёки пудентал анестезия қилинади.
2. Оралиқ кенгаймагунча кутиб турдиганда бош 3-4 см кўринмагунча кутилади.
3. 2 бармоқни ҳомила боши билан оралиққа киритилади.
4. Кайчи учини бармок билан оралиқ орасига киритиб орка битишмадан 2-3 см юкорига медиолатерал кесилади.
5. Агар ҳомила боши эпизиотомиядан кейин дарҳол туттилмаса кесилган жойни босиб турилади.
6. Түргуркни бошқаринг, ҳомила боши эпизиотомия қилинган кесманни кенгайтираслиги учун.

Тикиш (28.1.-расм).

1. Оралиққа антисептик эритма билан ишлов берилади.
2. Маҳаллий оғриқсизлантириш.
3. Қин шиллик қаватини узлуксиз чок кетгут билан тикиш. Эпизиотомия қилинган жойни 1 см юкоридан қинга кириш қисмигача тикилади.
4. Мускулларни қаватма-қават кетгут билан тутунли чок кўйилади, юқори учидан пастга қараб тикилади.
5. Терига ипак билан тутунли чок кўйилади.
6. Оралиққа тоза таглик кўйилади.
7. Асбобларни зарарсизлантирувчи эритмага солинади.

8. Күлқопни ечинг ва құлларни ювинг.
9. Касаллик тарихга ёзіб қўйинг.

28.3. ҲОМИЛАНЫ ДУМБАСИДАН УШЛАБ ТОРТИБ ОЛИШ

Бу операцияда думбаси билан келган ҳомилани чанок охиридан ушлаб, туғруқ йўлидан ташқарига чиқариб олинади. Ушбу операция икки турга: ҳомилани оёғидан тортиб олиш ва сағридан ушлаб тортиб олиш операцияларига бўлинади. Бу операция қўйидаги ҳоллар рўй берганда қўлланилади:

1. Туғруқнинг ўз ҳолиша ўтиши она ҳаётини учун хавфли бўлганда (аёлда декомпенсацияли юрак нуксони бўлганда, эклампсия ва бошқа оғир ҳолатларда).
2. Туғиши керак бўлган аёлда эндометрит бошланганда, дард тутиш сустлигини даволашга қарамай у зонка чўзилганда;
3. Ҳомила асфиксияга учраганда.

Ҳомилани оёғидан ушлаб тортиб олиш учун бачадон бўйни тўла очи-лган, чаноқ нормал ва қофанок ёрилган бўлиши керак. Бундан ташқари, аёл чаноги тор бўлмаслиги лозим. Агар ҳомила боши чаноқка мос бўлмаса (гидроцефалия), катта ҳомила бошини чиқариб бўлмайди, натижада бола ҳам, она ҳам қаттиқ шикастланади.

Бачадон бўйни тўла очилмай туриб операция килинса, ҳомиланинг оёғи ва танаси чиқиши билан бачадон бўйни ҳомиланинг бўйнидан қисиб колади ва бошни чиқариш жуда қийинлашади, ҳомила ҳалок бўлади.

28.4. ҲОМИЛА ВАКУУМ-ЭКСТРАКЦИЯСИ

Вазиятни баҳоланг.

1. Ҳомила энса билан келиши.
2. Муддатидаги туғруқ.
3. Бачадон бўйнининг тўлик очилиши .
4. Бошни минимал 0 ҳолатда ёки 2/5 дан боши симфиздан юкорида пайпасланади.

Тайёргарлик

1. Кўлингизга қўлқоп кийиб, вакуумни бирлаштиришни ва ишлашини текшириб кўринг (28.2.-расм).

2. Эмоционал қўллаб-куватланг. Зарур бўлса, пудендад анестезияни текшириб кўринг.

3. Ўқ-ёйсимон чок ва лиқилдоқни пайпаслаб ҳомила боши ҳолатини баҳоланг.

4. Кичик лиқилдоқни аниқланг.

Муолажа (28.3.-расм).

1. Энг катта чашкани эгилиш нуктасидан юкори марказига кичик лиқилдоқдан 1 см олдинга кўйилади. Бундай жойлаштириш тракциялар вақтида бошнинг букилишини, чиқишини ва ички айланисини таъминлайди.



28.3.-расм. Вакуум-экстракторни қўйиш (а), тракция бошланиши (б) ва боини чиқариш.

2. Чашкаларни тўғри жойлаштириш учун эпизиотомия килиш мумкин, агар керак бўлса.

3. Чашкаларни тўғри жойлашганини текшириб кўринг. Аёлнинг юмшок тўқималари (бачадон бўйни ёки қин) чашкалар орасига тушиб колмаганинлигига ишонч ҳосил қилинг.

4. Насосни ишлатинг, $0,2 \text{ кг}/\text{см}^2$ манфий босим беринг ва чашкаларни тўғри жойлашганини текширинг.

5. $0,8 \text{ кг}/\text{см}^2$ босимни оширинг ва чашкаларни тўғри жойлашганлигини текширинг.

6. Етарлича максимал манфий босим юборилгандан сўнг чаноқ ўки бўйича ва чашкаларга перпендикуляр ҳолатда тракцияни бошланг. Агар ҳомила боши ёнга кетиб колган, ёки етарлича букилмаган бўлса, тракция ўша чизик бўйича коррекцияланган кетиш ёки бошни ёзилишида (масалан бир томонга ёки бошқа томонга ўрта чизик бўйича бўлиши шарт эмас)

7. Ҳар бир дардда чашкалар чизик бўйлаб юзасига перпендикуляр равишда тортишни тақоррланг. Стерил қўлқопни кийинг, бармоқларингизни чашкани орқасидан дархол бошни юзасига кўйинг ва тракция давомида бошнинг сурилиш имкониятини ва энса чиқишини баҳоланг.

8. Дардлар орасида текширинг

- ҳомила юрак уриш сонини
- чашкаларнинг жойлашишини

Маслаҳатлар

- Ҳомила бошининг фаол ротацион бурилишида хеч қандай чашкаларни кўлламанг

- Ҳомила бошини айлантириш тракция билан бир вақтда бўлиши керак

- Биринчи тракция учун энг тўғри йўналишни топишда ёрдам беради
- Дардлар ва кучаниклар орасида тракцияни давом эттирманг.
- Агар ҳомила дистресси бўлмаса ва прогресс ҳолатда бўлса, ҳомилани максимум 30 дақиқада чиқариб олинг.

Натижасиз

1. Вакуум-экстракция натижасиз хисобланади, агар:

- Ҳомила боши ҳар бир тракциядан кейин олдинга суримаса

- Уч марта тракциядан кейин ҳомила туғилмаса ёки муолажани бошланғандан сүнг 30 дақықа ўтган бўлса

- Максимал манфий босимда ва тўғри йўналишдаги тракцияда чашка бош билан бирга суримаса.

2. Ҳар бир чашкани сурилгандан кейин уриниб кўринг, агар ҳар бир тортишда силжиш кузатилмаса, муолажани давом эттирманг.

3. Агар вакуум-экстракция амалга ошмаса, кесарча кесишни қилинг.

Асоратлари:

Асоратлар одатда қўллаш шароитларига тўғри риоя қилинmasлиқда ёки маълум бир чегараланган вақт ичида қилинmasлиғидан келиб чиқади.

1. Ҳомиладаги асоратлар

- Вакуум-экстракция чашкаси остидаги бош терисининг локал шишиши хавфли эмас ва бир неча соатдан кейин йўқолиб кетади (тұғруқ ғұрраси)

- Кефалогематома кузатувни талаб қиласи ва одатда 3-4 ҳафтада йўқолиб кетади.

- Бош терисининг шикастланиши бўлиши мумкин, агар жарохат бўлса уни кўздан кечиринг ва тозалаб чок кўйиш керак бўлса қўйинг. Некроз камдан-кам ҳолларда учрайди.

- Калла ичи қон қўйилиши жуда кам учрайди. Чақалоқ интенсив кузатувни талаб қиласи.

2. Онадаги асоратлар:

- Жинсий йўллар юмшоқ тўқимаси йиртилиши мумкин. Аёлни тұғруқ йўлларини кўринг ва бачадон бўйини, қин ёки эпизиотомия қилинган соҳани тикланг.

28.5. АКУШЕРЛИК ҚИСҚИЧЛАРИНИ ҚЎЙИШ

Вазиятни баҳолаш

1. Энса билан келишда ёки юзни олд кўриниши билан келишда, думба билан келганда ёки калла билан туғилишда қийинчилик туғдирганда .

2. Бачадон бўйни тўлиқ очиқ бўлиши керак.

3. Бошни суяқ чегараси қўймич суягидан 2-3 см пастда ёки абдоминал текширувда боши 0/5 жойлашган. Ўқ-ёйсимон чаноқ тўғри ўлчамида туриши керак.

Тайёргарлик.

1. Эмоционал тайёргарлик қилиш, пудендал анестезия қилиш.


2. Қўйишдан олдин қисқичларни йиғиб тайёрланг. Қисқич бўлаклари бир-бирига тўғри келганлигига ишонч ҳосил қилинг (28.4.-расм).

3. Қисқич кошикларига любирикант суринг.

Муолажа (28.5.-расм).

1. Қўлларга резина қўлқоп кийиб ўнг қўл билан қин ён томонидан ҳомила бошигача киритинг. Эҳтиёткорлик билан чап кошиқчани қўл ва ҳомила боши орасига киритиб юшиқчани жойлаштирилади.

2. Акушерлик қисқичларини ҳомиланинг ёноқ ва тепа суякларига икки томонидан қўйилганида энг ягона ва хавфсиз хисобланади.



28.5.-расм. Чанок тубида турган ҳомила бошига қисқичлар кўйиш: а – қисқичнинг биринчи қошиқчасини жойлаштириш; б – қисқичнинг иккинчи қошиқчасини жойлаштириш

кўйиш мумкин.

5. Қисқичлар ёпилгандан кейин чанок ўтказувчи ўки бўйича бир текисликда тортилади (28.6.-расм).

6. Ҳар бир дард орасида ҳомила юрак уриши ва қисқичлар тўғри кири-тилганлигини текширинг.

7. Ҳомила боши ёриб чиқаётганда эпизиотомия қилинг.

8. Ҳар бир дардлар орасида ҳомила бошини аста-секин қиндан чиқа-ринг.

9. Ҳар бир трак-цияда ҳомила боши силжиши керак, бунинг учун иккита ёки учта тракция кифоя.

Натижасиз

Қисқичларни кўйиш натижасиз, агар:

1. Ҳар бир трак-цияда ҳомила боши силжимаса.

2. Ҳомила учта тракциядан кейин туғилмаса ёки операция бошлангандан 30 дақиқа ўт-гандан сўнг

- Ҳар бир қисқични кўйиш уриниш деб кўрилсин. Агар силжиш кузатилмаса, муолажани давом эттирганг.

- Агар қисқич қўйилганда түгруқ содир бўлмаса, кесарча кесиш опера-циясини ўтказинг.

Ҳомилада кузатиладиган асоратлар

1. Чакалоқ юз нервларининг жароҳати бор - йўклигини текшириш.

3. Ҳудди шу муолажа-ни иккинчи тарафдан чап кўл ва ўнг кошиқчани кўйиш керак.

4. Тутқични бирла-шириб қисқичларни маҳкамланг. Қисқични маҳкамлашда кийин-чилик туғилса қисқич нотўғри қўйилганидан далолат беради. Агар шу ҳолат юзага келса, у хол-да қисқичларни чиқариб олиб, ҳомила бошини ва ҳолатини баҳоланг. Кейин яна қисқичларни ҳомила айлангандагина



28.6.-расм. Ҳомила бошини қисқич ёрдамида тортиш (тракция) ва туғдириш.

2. Юз ва бош териси жарохати кузатилиши мумкин.
3. Синиш борлигини аниқлаш мақсадида чакалоқ юз ва бош сұякларининг бутунлигини текшириш.

Онағы асорталар

1. Түргүркда юмшок тұқымаларнинг йиртилиши бор- йүқлигини дикқат билан текшириш ва бачадон бўйни, кин ва оралик бутунлигини тиклаш керак, эпизиотомия қилинган бўлса.

2. Балки бачадонда йиртилиш мумкин, дарҳол хирургик ёндошиш керак.

28.6. ЛАПАРОТОМИЯ

Тайёргарлик.

1. Керакли жиҳозларни тайёрланг.
2. Беморга (ва унинг яқинларига) муолажа технологиясини тушунтириинг, уни дикқат билан тингланг, саволларига жавоб беринг, тинчлантириинг ва уни (ёки қариндошларини) ёзма розилигини олинг.
3. Т/и катетер ўрнатинг, 500 мл суюқлик билан инфузияни бошланг.
4. Премедикация қилинг.
5. Сийдик пуфагига катетер ўрнатинг.
6. Аёлга халат ва қалпоқ кийгизинг.
7. Анестезия имкониятларини баҳоланг.
8. Хирургик кийим, баҳила, қалпоқ, никоб, химоя кўзойнаги ва плас-тик халат кийинг.
9. Қўлларни хирургик усулда ювинг ва стерил қўлқоп ва халатларни кийинг.

10. Барча керакли стерил инструментлар махсус стерил инструментлар учун мўлжалланган столда эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Ердамчин-гиздан уларни санаб кўришни сўранг.

11. Аёлни операцион столга ётқизинг.
12. Анестезия таъсир килганлигига ишонч ҳосил қилинг.
13. Антисептик зритма билан корин олд деворига ишлов беринг ва чойшаб ёпинг.

Операция.

1. Корин оқ чизиги бўйича бўйлама кесма қилинг.
2. Апоневрозни кесинг ва корин тўғри мушакларини ажратинг.
3. Париетал корин пардани очинг, корин бўшлигини, бачадонни ва ба-чадон ортикларини кўздан кечиринг.
4. Режалаштирилган операцияни ўтказинг.
5. Корин олд деворини қаватма-қават тикинг.

28.7. КЕСАРЧА КЕСИШ

Тайёргарлик.

Керакли жиҳозларни тайёрланг.

1. Беморга (ва унинг яқинларига) муолажа технологиясини тушунтириинг, уни дикқат билан тингланг, саволларига жавоб беринг, тинчлантириинг ва уни (ёки қариндошларини) ёзма розилигини олинг.

2. Аёлни текширинг, унинг ахволини аникланг, хомиладорлиги-нинг кечиши, түгруқ ва асоратлари тўғрисида маълумот берувчи тиббий хужжатларни кўриб чиқинг.

3. Конда гемоглобин микдорини, кон гурухини ва мослигини аникланг, 2 доза кон тайёрланг.

4. Вена ичига катетер ўрнатинг ва 500 мл суюқлик инфузиясини бошланг.

5. Премедикация қилинг.

6. Сийдик пулфагини катетерланг.

7. Аёлга халат ва қалпок кийишида ёрдамлашинг.

8. Анестезия имкониятларини баҳоланг.

Операциядан олдин.

1. Хирургик кийимларни, баҳилаларни, шапка, никоб, химоя кўзой-наги ва пластик халатни кийинг.

2. Кўлларга хирургик ишлов беринг, стерил ёки ЧД кўлқопларни ва стерил халатни кийинг.

3. Барча керакли стерил ёки ЧД инструментларни махсус стерил инструментлар учун мўлжалланган столда эканлигига ишонч ҳосил қилинг, ёрдамчингиздан уларни санаб кўришини сўранг.

4. Ёрдамчингиз ҳам операцияга тайёрлигига ишонч ҳосил қилинг.

Беморни тайёрланг.

1. Операцион столни энгаштиринг ёки bemor бели тагига ёстиқ кўйинг.

2. Анестезия таъсир қилинганлигига ишонч ҳосил қилинг.

3. Мос келадиган антисептиклар билан bemor олд қорин деворига ишлов беринг, куритинг ва чойшаб билан беркитинг.

Операция (28.7.-расм).

1. Пфенненштиль (ёки бўйлама, корин оқ чизиги бўйича 2-3 см киндиқдан пастдан то ков усти соҳасигача) бўйича тери ва тери ости ёғ катламида кўндаланг кесма кесинг.

2. Апоневрозни кесинг ва қорин тўғри мушагини ажратинг.

3. Париетал қорин пардан очинг.

4. Кўзгу ёрдамида сийдик пулфагини қовнинг орқасига итаринг ва бачадон пастки сегментини очинг.

Бачадон пастки сегментида 3 см кўндаланг кесма қилинг.

5. Кесмани кенгайтиринг.

6. Агар қоғанок пулфаги бутун бўлса уни ёринг.

Хомилани чиқарип олиш.

1. Бачадон бўйлигига бачадон девори ва ҳомила боши орқасига бир кўлингизни киритинг.

2. Ҳомиланинг бошини ушланг ва ёзинг, жароҳатдан чиқаринг.

3. Ҳомила бошининг туғилишига ёрдамлашиш учун аёл корнини ёки бачадон тубини секинлик билан босинг.

4. Агар бачадон етарлича кисқармаса 0.2 мг эргометрини АҚБ кузатуви остида киритинг. 160/110 мм сим. уст. ва ундан юқори қон босими-

да 20 ТБ окситоцинни в/и 1 л суюклиқда 2 соат давомида 60 томчи/мин. тезлиқда юборинг.

5. Чашалоқни оғиз ва бурнини тозаланг.
6. Киндикка 2 та қисқиң күйинг ва кесинг.
7. Ёрдамчингиздан профилактик максадда 2 гр. ампициллин ёки 1 гр. цефазолинни т/и киритишни сўранг.
8. Йўлдошни чиқариб олинг ва кўздан кечиринг.
9. Агар керак бўлса бачадон бўйинни юқоридан кенгайтиринг.
10. Инструментларни, салфетка ва тампонларни сананг.
11. Бачадонни тикинг ва гемостаз яхшилигига ишонч ҳосил қилинг.
12. Кон кетмаётганлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилинг.
13. Сийдик пуфагини кўздан кечиринг, ҳеч қандай жароҳат йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.
14. Бачадон деворини диккат билан кўздан кечиринг ва апоневрозга кетгут билан узлуксиз чок күйинг.
15. Терини № 3-0 ипак билан тикинг.
16. Кон кетмаётганлигига ишонч ҳосил қилинг. Жароҳат атрофини спирт билан артинг, стерил таглик кўйинг.
17. Киндан кон лахталарини олинг ва стерил таглик кўйинг.
18. Аёлни операцион столдан ўтказишига ёрдамлашинг.

Операциядан кейин.

1. Кўлқопларни ечишдан олдин скальпелдан лезвияни ечинг. Ҳамма иғналарни ва ўткир инструментларни тешилмайдиган контейнерга жойлаштиринг, ишлатилган материалларни герметик контейнер ёки пластик копга жойлаштиринг.
2. Барча инструментларни 0.5% хлор эритмасига зарарсизлантириш учун солиб кўйинг.
3. Агар шприц ва иғналар кўп марталик бўлса, шприцга игна орқали 0,5% ѹод эритмасини тўлдиринг ва деконтаминация учун тешилмайдиган контейнерга жойлаштиринг.
4. Фартук ва кўлқопларни ечинг, агар улар бир марталик бўлса герметик контейнер ёки пластик қопга солинг.
5. Агар уларни қайта ишлатишга эҳтиёж бўлса, 0,5% хлор эритмасига солиб кўйинг.
6. Касаллик тарихига ва операцион журналга операция ва операциядан кейинги муолажаларни ёзиб кўйинг.
7. Пульс, АҚБ, НОС, жароҳатдан ва қиндан қон кетишини кузатинг.
8. Беморнинг ахволини операцион блокдан палатага ўтказгунча кузатинг.
9. Беморни ҳар куни ёки керакли ҳолатларда кузатинг.
10. Бемор чиқиб кетгунгача операцияга кўрсатмани, операциядан кейинги стерилизация усулини, кейинги ҳомиладорлик имкониятини муҳокама қилинг.
11. Операциядан кейинги даврда bemorning кейинги ташрифини белгиланг.

28.8. M. STARK БҮЙИЧА КЕСАРЧА КЕСИШ

Операция олди тайёргарликлари ва вазифалари юкорида келтирилгандан.

1. Қорин пардани очилғандан кейин қовук- бачадон бурмаси соҳасидан 3 см күндаланг кесма килинади ва қорин парданинг эркин чеккасини ушлаб кесмани иккала томонга бошчани энг чекка нұкталаригача кенгайтирилади.

2. Бачадонда чокни перитонизация килинмайди. Қорин парда ва қорин олди девори мушаклари тикилмайди.

3. Апоневрозга Реверден бүйича узлуксиз викрилли чок қўйилади.

4. Терини тери ости клетчаткаси билан айрим чоклар Донати бўйича катта интерваллар билан кўйилади (3-4 чок) . Чоклар орасига 5-10 мин. кискичлар кўйилади .

Операциядан кейинги муолажалар юкорида келтирилган.

28.9. КЛАССИК КЕСАРЧА КЕСИШ

Операциядан олдинги тайёргарлик ва вазифалар юкорида кўрсатилган.

1. Қорин оқ чизиги бўйлаб 16 см га бўйлама кесилади , уни юкорига давом эттириб киндикни чапдан айланиб ўтиб то апоневрозгача кесилади.

2. Апоневрозни вертикалига 2-3 см га кесилади.

3. Апоневрозни кискичлар билан ушлаб кесмани юкорига ва пастга кенгайтирилади.

4. Бармоқлар ёки қайчилар билан қорин тўғри мушаги ажратилади .

5. Киндик ёнидан қорин пардада тешик килинади, қайчилар билан кенгайтирилади.

6. Бачадонни операцион жароҳатга чиқарилади.

7. Қорин бўшлигига бачадон ва қорин девори орасига бир неча салфетка киритилади.

8. Бачадонда скальпел билан 12 см дан кам бўлмаган кесма килинади.

9. Агар ҳомила пардаси бутун бўлса у очилади.

10. Ҳомила оёқчаларидан ушлаб чиқарип олинади.

11. Киндикка 2 та кискич кўйилади ва кесилади, чақалокни акушеркага берилади.

12. Йўлдош олинади ва бачадон бўшлиги қон лахталари ва йўлдош колдикларидан тозаланади.

13. Тикиш олдидан кесмани юкори бурчагига тор кўтаргич кўйилади, бу бачадонни юкорига тортганда гемостазни яхшилайди ва тикишга куйлай бўлади.

14. Чоклар икки қават қилиб кўйилади. Миометрийга 0,5 см оралиқ билан 10-12 та тугунили чок кўйилади (узлуксиз чокни ҳам кўллаш мумкин).

15. Мушак-серозли иккинчи қават чокни узлуксиз чок қилиб кўйилади. Бачадонни қорин бўшлигига киритилади.

16. Асбоблар, салфеткалар олинади.

17. Қорин бўшлигини дренажлаш зарур ёки зарур эмаслиги кўрилади.

18. Корин девори қаватма- қават тикилади.

Операциядан кейинги муолажалар юқорида көлтирилганды.

28.10. КРАНИОТОМИЯ

1. Тайёргарлик
 2. Керакли жиҳозларни тайёрланг
 3. Аёлга тушунтириңг, саволларига түркі жавоб беринг
 4. Аёлни текшириңг, ахволига баҳо беринг.
- Тиббий хужжатларни текшириңг, ҳомиладорлыги ва тұғруқ асортлатыны аниқланг

5. Қон таҳлили топшириңг, гемоглобин ва қон гурухини аниқланг
6. Томир ичига 500 мл суюқлик кириting .
7. Премедикация ўтказинг
8. Аnestезия қилинг.

ОПЕРАЦИЯГАЧА ВАЗИФА

1. Хирургик кийимларни, баҳилаларни, құлқоп, никоб, химоя күзойнаги ва пластик халатларни кийинг.
2. Құлларни хирургик ювинг ва стерил ёки ЧД қилинган құлқопларни ва стерил халатларни кийинг.
3. Барча керакли стерил ёки ЧД қилинган асбобларни стерил столда эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Ердамчингиздан уларни стол устида саңашини сұранг.

4. Ердамчингиз ҳам операцияга тайёргарлигига ишонч ҳосил қилинг.

АЁЛНИ ТАЙЁРЛАШ

1. Операция столини күтариңг ёки аёл бел соҳасига ёстиқ қўйинг
2. Аnestезия таъсир қилғанлигига ишонч ҳосил қилинг
3. Антисептик билан қорин олд деворига ишлов беринг.
4. Қуриting ва чойшаб билан ёпинг.

Муолажа:

1. Ҳомила боши яхши фиксацияланиши учун асистент қорин олд девори орқали ҳомила бошини кичик чаноқ кириш қисмига босиб туриши керак.

2. Иккинчи асистент қінга киритилган кўзгу ва кўтаргични ушлаб турди.

3. Боши иккита учли қисқич билан ушланади.

4. Бош териси кесилган вактда бирданига қайчи билан кенгайтирилади.

5. Перфоратом билан чок, ликвидок ёки кўз косаси орқали тешик қилинади ва кейин кенгайтирилади.

6. Эксцеребрайя кирғич ёки Феноменов қошиқлари билан ўтказила.

7. Краниоклазия (перфорация ва эксцеребрациядан кейин бошни чиқарб олиш). Перфоратив тешик орқали кўл назорати остида краниокласт кошиқчаларини кўйиш ёрдамида ўтказинг.

8. Кўл назорати остида кошиқ охирини кин девори ва бошни ташки томонга жойлаштирилади.

9. Краниокласт қошиқларини охири қулфланади, уларни винт билан бирлаштирилади ва уни чашкага харакатлантирилади.

10. Краниокласт қошиқлари орасига бачадон бўйни қисилиб қолмаган-

лигини қўл билан текшириб кўринг ва кейин тракция қилиб, уриниб кўринг.

11. Акушерлик қискичларини ўрнатиб, тракция қилиб, бошини чикаринг.

12. Жароҳатнинг олдини олиш учун түргуқ йўллари юмшоқ тўкималарини яхшилаб кўздан кечиринг

Операциядан кейинги муолажа .

1. Кўлқопларни ечишдан олдин скальпелдан лезвияни ечинг, барча игна ва ўткир учли асбобларни тешилмайдиган контейнерга, ишлатилган материалларни герметик контейнерга ёки пластик қопга солинг.

2. Барча инструментларни 0,5% хлор эритмасига заарсизлантириш учун солиб кўйинг.

3. Агар шприцлар ва игналар кўп марталик бўлса, игна оркали шприцга 0,5% хлор эритмасини тўлдиринг ва тешилмайдиган контейнердаги эритмага деконтаминация учун солиб кўйинг.

4. Фартук ва кўлқопларни ечинг, агар улар бир марталик бўлса, уларни герметик контейнерга ёки пластик қопга ташланг.

5. Кўлларни яхшилаб ювинг.

6. Операцияни ёзинг, кейинги кўрсатмаларни ҳам .

7. Пульси кузатинг, АҚБ, нафас частотасини, кин жароҳатидан қон кетишини кузатинг.

8. Аёлнинг ҳолатини операцион палатага ўтгунча яна баҳоланг.

9. Аёлни ҳар куни кўздан кечиринг.

10. Операцияга кўрсатмани, контрацепция усулини, касалхонадан чиқкунигача яна ҳомиладор бўлишини муҳокама қилинг.

28.11. ҲОМИЛА ЧАНОҚ БИЛАН ЖОЙЛАШГАНДА КРАНИОТОМИЯ ҚИЛИШ

Операциягача тайёргарлик ва вазифа.

1. Бўйин асосидан мўлжаллаб теридан кесма ўтказинг

2. Ассистентдан бир қўли билан ҳомила бошини корин олд девори оркали ушлаб туриш, бошқа қўл билан гавда қисмини энсадан қарамакарши томонга қаратиш сўралади.

3. Қинга қўл назорати оркали краниотом киритинг (ўткир учли қайчи ёки катта скальпель билан) тери кесмасидан энсагача.

4. Энсанни тешинг ва тешикни кенгайтунча кенгайтиринг.

5. Бошлини чиқариб олаётгандага калланинг тушишини таъминлаш учун танасидан тортинг.

6. Түргуқни тўхтатинг

Операциядан кейинги муолажани юкоридан қаранг.

5. Кўлларни яхшилаб ювинг.

6. Операцияни ёзинг, кейинги кўрсатмаларни ҳам .

7. Пульси кузатинг. АҚБ, нафас частотасини, киндаги жароҳатдан қон кетишини кузатинг.

8. Аёлнинг ҳолатини операцион палатага ўтгунча яна баҳоланг.

9. Аёлни ҳар куни кўздан кечиринг.

10. Операцияга кўрсатмани, контрацепция усулини, касалхонадан чиққунигача яна ҳомиладор бўлишини мухокама қилинг.

28.12. ГЕМОТРАНСФУЗИЯ

1. Гемотрансфузияга кўрсатмани аниқланг.
2. Трансфузион моддани танланг (тайёрланган муддатини аниқланг).
3. Донор кон гурухини икки серияли стандарт зардоб билан текширинг.
4. Бемор кон гурухини 2 серияли стандарт зардобда текширинг.
5. АВО системаси бўйича мослигини аниқланг.
6. Rh мосликни желатинол билан пробиркада аниқлаш (температура 48 °C, 10 минут).
7. З марта биологик синама ўтказиш билан гемотрансфузияни бошланг.
8. Гемотрансфузия бошланган ва тугаган вақтини ёзинг.
9. Гемотрансфузия вактида ва ундан сўнг термометрия ўтказинг.
10. Гемотрансфузион варакани тўлдиринг.
11. Умумий кон ва сийдик таҳлилини такрорланг.

Ўргатувчи тестлар

1. Кесарча кесиши операциясининг қандай асоратлари мавжуд?
Перитонит.
Яра инфекцияси.
Бачадон субинволюцияси.
Эндометрит.
Сепсис .
2. Кесарча кесиши операциясининг асосий мақсади қандай?
Клиник тор чаноқда оналар шикастланишини камайтириш.
Йўлдош олдин кўчганда оналар ўлимини камайтириш.
Перинатал ўлимни камайтириш.
3. Кесарча кесиши операциясига нисбий кўрсатмалар қандай?
Киндик тизимчасининг тушиб қолиши.
Хомиланинг кўндаланг жойлашиши.
Йўлдошнинг қисман олдинда ётиши.
Анатомик тор чаноқ I – II даражаси.
Муддатидан ўтган ҳомиладорлик.
Йирик ҳомила.
4. Операцияга қарши кўрсатмаларни санаб ўтинг?
Ҳомила ривожланиши аномалиялари, етијмаган ҳомила, ҳомила оғир гипоксияси.
Туғрукдаги эндометрит.
Ўлик ҳомила.
Кўп марта қин кўришлари ўтказилганда.
5. Кесарча кесишига мутлақ кўрсатмаларни кўрсатинг?
Анатомик мутлақ тор чаноқ.
Йўлдошнинг марказий жойлашиши.

Кин стенози.

Чаноқ экзостазлари ва ўсмалари (чаноқ б 6 см га торайган бўлса).

Йўлдошнинг вактидан олдин буткул кўчиши.

6. Чиқиш акушерлик кисқичлари қўйиш учун шарт-шароитлар қандай?

Ҳомила боши чаноқдан чиқиш текислигида (ўқ-ёйсимон чок чиқиш текислигининг тўғри ўлчамида).

Чаноқ ва ҳомила боши ўлчамларининг мос келиши.

Тирик ҳомила.

Қораноқ пардаси ёрилганлиги.

Бачадон бўйнининг тўлиқ очилганлиги.

7. Кесарча кесишига мутлақ кўрсатмаларни кўрсатинг?

Йўлдошнинг марказий жойлашиши.

Оғир гипертензия ҳолатларида кўз тўр пардасининг узилиши

Нормал жойлашган йўлдошнинг баравқт кўчиши ва туғишга шароит йўклиги.

Преэклампсиянинг оғир формасида тугрукни қўзғатишдан фойда бўлмаганда.

Йўлдошнинг қисман кўчиши кучли қон кетиш билан кечганда.

8. Акушерлик кисқичларини қўйишида она томонидан қандай кўрсатмалар бўлиши керак?

Оғир преэклампсия, эклампсия.

Кучаниқ сустлиги ва ҳомила бошининг узок туриб қолиши кузатилганда.

Тугрукнинг II даврида йўлдош вактидан олдин кўчганда.

Юрак нуксонларининг декомпенсациясида.

Миопиянинг юкори даражаси.

9. Кесарча кесишига нисбий кўрсатмалар қандай?

Ҳомиланинг кўндаланг жойлашиши.

Катта ёшда тугувчи аёл.

Йирик ҳомила, ҳомиланинг чаноқ билан келиши.

Ҳомиланинг сурункали димикиши.

10. Кесарча кесиши операциясининг турлари:

Корпорал (классик усули).

Бачадон пастки сегментида кесарча кесиш.

Штарк усули.

XXIX БОБ ТУГРУҚДАН КЕЙИНГИ ЙИРИНГЛИ-СЕПТИК КАСАЛЛИКЛАР (ТКЙСК)

Максад:

Талабаларни тугрүқдан кейинги йирингли септик касалликларнинг асосий сабаблари, таснифи, алоҳида клиник шакллари, даволаш усуллари билан таништириш. Тугрүқдан кейинги йирингли-септик касалликлар она соғлигига зарарлигини, оила ва даволашга моддий зиён келтиришини, оналар ўлимига сабаб бўлишини кўрсатиш.

Режа:

1. Чилла даврининг йирингли-септик касалликларининг келиб чиқиши ва патогенези.
2. Септик касалликларга олиб келадиган микроблар.
3. Чилла даври йирингли-септик касалликларининг таснифи.
4. Асосан учрайдиган септик касалликларнинг клиник белгилари.

Чилла даври касалликлари организмнинг умумий касаллиги ҳисобланади. Бу муаммо кўпдан бери олимларни қизиқтириб келади. IX аср ўрталари гача ушбу касалликлардан кўплаб оналар вафот этган. Акушерликдаги бундай асоратнинг бир неча марта камайишида венгер олими И. Ф. Зиммельвейснинг хизмати катта бўлди. У 1847 йилда биринчи бўлиб чилла даврида учрайдиган касалликларнинг юқумли бўлишини ва уларнинг олдини олиш учун акушерлар кўлларини антисептик суюқлик (хлорли сув) билан ювишлари шартлигини айтди.

Кўп ҳолатларда учровчи инфекцион агентлар кўйидагилар: *Escherichia coli*, энтерококклар, *b*-темолитик стрептококклар, анаэроблар ва улар ичидаги пептострептококклар, пептококклар ва бактероидлар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда чилла даврида юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи ҳар хил микроблар (стафилококк, стрептококкнинг ҳар хил гурухлари, ичак таёқчалари ва бошқалар) маълум бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида бир қанчалик ёки айримларигина таъсир килиши натижасида касаллик юзага келиши мумкин. Бу микробларнинг турлари аёл организмига ташқаридан (экзоген йўл) ёки организмда сурункали инфекция ўчокларидан (тиш кариеси, сурункали тонзиллит, колъпит, сурункали пиемонефрит ва бошқалар) лимфа, кон томирлари орқали тарқалиши мумкин. Шу билан бир каторда чилла даври инфекцион касалликларининг тараққий этишида аёл организмининг ахволи, унинг микробларга каршилик кўрсатиш ва иммун-биологик кобилияти асосий ҳал қиувучи рол ўйнайди. Чилла даврида аёл организмига микроб тушиш учун кулагар шароит мавжуд бўлади. Айниқса бачадон шиллик қаватидаги жароҳат юзаси, кўчиб тушган йўлдош ўрни жуда кулагар бўлади.

Чилла даврида инфекция организмга туғруқ йўллари жароҳатланганда оралиқ орқали, қин, бачадон бўйни йиртилганда ёки шу жароҳатлар чала битганда тушади.

Туғруқ жараёнини мүфассал асептик жараён деб бўлмайди, чунки қиндаги мавжуд микроблар патоген бўлмаса-да, туғруқдан олдинга кислотали мухитдан ишқорий мухитга (бачадон бўйни каналига) ўтиши натижасида патоген бўлиб қолиши мумкин.

Айниқса туғруқ узок давом этиб, қоранок суви олдин кетганда унинг пардалари яллигланиши мумкин, буни қоранок пардаларининг яллигланиши (хориоамнионит) дейилади. Одатда аёlda юқори харорат, титраш, лейкоцитоз инфекциянинг туғруқ йўлларидан конга тарқалганлигини кўрсатади.

Микроб организмга тушиши билан касалликни тўсатдан қўзғатмайди, чунки аёл организмни инфекцияга карши курашувчи таначалар-антитаналар ишлаб чиқарди. Чилла даврида касалликлар ривожланишида рети-

куло-эндотелиал системасининг микробларни ушлаб қолиши, яъни тўсик функциясининг камайиши ёки сусайиши катта аҳамиятга эга.

29.1. ТУФРУҚДАН КЕЙИНГИ ЙИРИНГЛИ-СЕПТИК

КАСАЛЛИКЛАР ТАСНИФИ

1. Инфекция – феномен, одатда стерил макроорганизм тўқимасига микроб таначаларининг инвазияси туфайли макроорганизмда яллигланиш жавоб реакцияси ривожланиши билан характерланади.

2. Бактериемия- қондаги тирик микроорганизмнинг мавжудлиги.

3. Системали яллигланиш жавоб синдроми – турли жароҳатланишга организмнинг тарқалган яллигланиш жавоби. Қуйидаги синдром клиник жиҳатдан 2 ёки бундан ортиқ белгиларнинг мавжудлиги билан тасдиқланади:

- тана ҳарорати 36°C дан паст ёки 38°C дан ортиқ бўлади.

- юрак кисқаришлар сони мин 90 мартадан ортиқ.

- нафас олиш сони мин 20 дан ортиқ.

- периферик қондаги лейкоцитлар сони $<12000/\text{мм. 3.}, >4000/\text{мм. 3.}$

- етилмаган шақлиниң 10% дан ортиқ бўлиши.

4. Сепсис- организмнинг инфекцияга систем жавоби бўлиб, клиник жиҳатдан икки ёки бундан ортиқ белгиларнинг мавжудлиги билан белгиланади:

5. Оғир даражадаги сепсис – аъзоларнинг етишмовчилиги, гипоперфузия ёки гипотензия ривожланиши билан характерланади. Гипоперфузия ёки тўқималарда перфузиянинг бузилиши лактат-ацидоз, олигоурия ёки ўткир эс-хушининг бузилишини ўз ичига олиши мумкин, аммо булар билан чегараланиб қолмайди.

6. Септик шок – сепсис билан индуцирланган гипотензия, ўтказилган адекват суюклиқ инфузиясига қарамасдан ривожланади ва тўқималар перфузияси бузилиши билан боради. Иноотроп ва вазопрессор воситаларини қабул қилган беморларда диагноз ќўйиш пайтида гипотензия кузатилмаслиги мумкин.

7. Сепсис гипотензия билан кечгандан ва гипотензияга бошқа сабаб бўлмаганда систолик артериал кон босими 90мм.сим.уст. дан паст ёки базал кўрсаткичлардан 40 мм.сим.уст. пасайиши мумкин.

8. Полиорган етишмовчилиги синдромли беморда касалликнинг ўткир фазасида аъзолар функциясининг бузилиши, гомеостазнинг ташқи аралашувсиз ўзини тиклай олмаслиги тушунилади.

Хозирги даврда С. В. Сазонов, В. А. Бартельс (1973) таснифи қабул қилиниб, бу 4 босқичдан иборат.

1-босқич-бунда инфекцион жараён асосан туғруқ ўйларида бўлади. Бунга чилла даврида бачадон шиллик қаватининг яллигланиши (эндометрит), чот, қин ва бачадон бўйнининг чилла яралари.

2-босқич-бачадон мушакларининг яллигланиши (метрит), бачадон атрофида жойлашган клетчатка тўқималарининг яллигланиши (параметрит), тухумдан ва бачадон найларининг яллигланиши (салъпингофорит), ички аъзолар юзасини беркитадиган сероз қават чанок кисмининг яллигланиши (пельвеоперитонит), бачадон вена томири деворларининг яллигланиши (chanok томирларининг тромбофлебити), болтир вена кон

томирларининг яллигланиши (болдир вена қон томири тромбофлебити).

3-боскич-корин сероз пардасининг умумий яллигланиши (умумий перитонит) септик микробларнинг бирданига кўп ўлиши натижасида эндотоксин ажралиб чиқиб, шок юзага келиши, анаэроб газ микроби таъсири натижасида сепсис юзага келиши (анаэроб сепсис), кундан-кунга ривожланиб борадиган тромбофлебит.

4-боскич-метастазис сепсис (конда ҳаддан ташқари кўп бактерия бўлиши), метастазли сепсис (бир ёки бир неча аъзоларда йирингли яллигланиш бўлиши) кабилар киради.

29.2. ЧИЛЛА ДАВРИДАГИ ЯРАЛАР ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ

Туғруқ пайтида оралиқда, қин дахлизида, қин деворида, бачадон бўйнида йиртиклар бўлиб, чилла даврида яхши битмасдан йиринглай бошлиса, чилла яраси юзага келиши мумкин. Жароҳат инфекциясини келтириб чиқарувчи омиллар, хориомионит, семириш, хирургик муолажанинг давомийлиги, кўп кон кетиши киради.

Чилла яраси юзаси кўпинча йиринг билан қопланган, атрофи қизарган бўлади. Касаллик 3-4 кун давом этиб, аёлга деярли сезилмайди, ҳарорат кўпинча субфебрил (37-37,5) бўлиб, юқори кўтарилимайди. Ўз вақтида даволанса, тезда тузалиб кетади.

Айрим ҳолларда касаллик зўрайиб, тўқималарнинг чукурроқ қисмларига тарқалиши мумкин, бунда қин дахлизининг яллигланиши (вульвит), қиннинг яллигланиши (кольпит), қин атрофидаги клетчатканинг яллигланиши (параметрит) кузатилади. Бундай яраларнинг юзага келиши ҳомиладорликдан аввал ва ҳомиладорлик даврида аёлнинг қин яллигланишини бошидан кечириши катта рол ўйнайди. Шунинг учун ҳомиладорликдан олдин ва ҳомиладорлик даврида қиннинг яллигланиш касаллигини албаттa даволатиб, шахсий гигиена қoидаларига тўла риоя килиб юриш керак.

Чилла ярасини одатда дезинфекцияловчи дорилар-фурациллинлар 1:5000 нисбатдаги эритмаси, 3% ли водород пероксид эритмаси билан ювиб, йирингдан тозалангунча стериилланган дока тампонни 10% ли ош тузи эритмасига намлаб кўйилади ва бир суткада 2-3 маҳал алмаштирилиб турилади. Кейин метрогил плюс вагинал гель билан ҳам даволанади. Булардан бирини, юқорида кўрсатилганидек, водород пероксиди ёрдамида тозалангандан сўнг кўйилади.

Жароҳат соҳасидаги ажралмани ҳар қандай шароитда Грам бўйича микробиологик текширишдан ўтказиш ва антибиотикларга сезгирилигини аниқлаш керак. Даволашда жараёнга берилган тўқима ва фасцияни хирургик эксизия қилиш, адекват антибиотикотерапия (хламидиоз, уреплазмозга қарши дорамицин 1 таблеткадан 2-3 маҳал 5-7 кун) қилиш, дренажлаш, найчалаш ва жароҳатни ирригация қилиш, жароҳатни тўлиқ тозалангандан кейин иккиласми чок кўйиш мумкин.

Агар жароҳатланган жой тикилган бўлиб, ипларда йиринг бўлса, шу йиринг бор жойдаги ипларни дарҳол сўқиб ташлаш керак, бунда йирингнинг ташқарига оқиб чиқиши осонлашиб, яра тезрок тозаланади.

29.3. ЧИЛЛА ДАВРИ ЭНДОМИОМЕТРИТИ

Эндомиометрит (бачадон шиллик қават яллигланиши) - күпинча алохиды касаллик сифатида учрайди. Бунда баъзан шиллик ва мускул қаватларнинг яллигланиши бир вактда авж олиб бориб, бачадоннинг шиллик қаватларидан бошланади.

Эндометритнинг асосий белгилари: бачадон ёмон қискаради, корин пасти оғриди, дармон қурийди, қиндан бироз корамтири рангли, баъзан кўланса ҳидли ажралма оқади. Агар инфекция бачадоннинг ичидаги бўлса, аёлнинг ҳарорати кўтарилиб 38-39 градусга чиқади, томир уриши тезлашади, сел кам ажралади ёки бутунлай тўхтаб қолади, буни лохиметра дейилади, бу эса алохиды касаллик сифатида учрайди. Баъзан ҳарорат кўтарилимаслиги ҳам мумкин. Қондаги оқ қон танаачалари нормадан ошибкетади.

Эндометрит касаллиги кўпинча кўп туккан аёлларда ёки туғруқ вактида дард сустлашиб, қийналиб тукканда, ҳомила операция йўли билан олингандан кўпроқ юзага келади. Эндометрит чилла даврида энг кўп учрайдиган касалликлардан биридир.

Эндометрит белгиларига қараб даволанади.

Шуни ҳам айтиши керакки, антибиотик беришдан олдин қиндан келётган ажралма анализ килинади, бачадон оғзидан суртма олиб, бактериологик текшириш ва микроблар қайси антибиотикка таъсирчан эканлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Аёлнинг чот оралиғида ва туғруқ йўлларида жароҳат бўлиб, у тикилган бўлса, кунига 2-3 мартадан дезинфекцияловчи эритма билан ювилади, кейин 5% ли йод эритмаси суртиб, сўнгра стерилланган чойшабча берилади. Мана шу муолажани аёл сийгандан сўнг ҳар гал албатта такрорлаш зарур. Чилла даврида учрайдиган инфекцион касалликлардан яна бири бачадон мускул қаватининг яллигланиши-метритидир. Бу касаллик эндометритда микробларнинг лимфа ёки қон томирлари орқали бачадоннинг чукур қаватларига тарқалиши натижасида юзага келади. Эндометрит кўпинча чилланинг 7-кунларидан сўнг тана ҳароратининг ошиши билан бошланади. Аёлнинг умумий ахволи ёмонлашиб, иштаҳаси пасаяди. Кам уйқу бўлиб қолади. Тили караш боғлайди. Бачадон ёмон қискаради. Бачадон корин девори орқали кўрилганда, унинг ён деворларида оғриқ сезилади, буни метротромбофлебит ёки вена қон томирларининг яллигланиши дейилади. Қин орқали кўрилганда бачадон бўйни чилла даврининг 9-10- куни ҳам беркилмаганлигини аниқланади. Касалликнинг бошида тана ҳарорати 38-40 даражада бўлса, кейинчалик субфебрил, яъни 37-37,05 гача бўлади. Қиндан ажралаётган ажралма касалликда кўп миқдорда ва йирингли бўлиб, аста-секин тозаланиб боради. Касаллик 3-4 ҳафтагача чўзилади.

Даволаш эндометритдаги каби: ҳар томонлама таъсир кўрсатувчи антибиотиклар берилади. Ҳозирги даврда антибиотикларни кўп микробларга бир вактда ҳар томонлама таъсир кўрсатадиган турлари кенг кўлланилмоқда. Буларга цефамед, лендацин (цефтриаксон) 1г т/и маҳалдан 3 кун, мегацеф 750 мг в/и 3 маҳал кунига 3-5 кун давомида, ифицеф 1-2-нечада т. дан м/о ёки в/и кунига, ифиципро ёки офло (200 мг) 100 мл

дан 2 маҳал в/и, меркацин 2 мл (500 мг) т/и 2 маҳал ёки 1 г дан 1 маҳал 5-7 кун, амоксикилав 600 мг дан 3 маҳал в/и, абактал 400 мг 5% 250 мл глюкоза эритмаси билан бирга в/и 2-3 маҳал, ампиокс (0,5 г дан ҳар 6-8 соатда) мускул орасига 5 кун юбориш мумкин. Анаэроб инфекцияга қарипи албаттага орнизол 0,5 г 2 маҳал 5 кун ёки метрогил 100 мл (500мг) дан 2 маҳал в/и томчилаб 3-5 кун кўлланилади. Замбуруғларни олдини олиш учун дифлюзол, дифлазон (флуконазол) ёки флузамед, фунгикейр 150 мг ҳафтада 1 марта кўлланилади. Носпектифик яллигланишига қарши ва оғриқ қолдирувчи воситалардан диклоберл, кладифен (диклофенак) 3 мл (75)дан мг м/о 5 кун. Окситоцин 0,5 мл дан кунига 2 марта тери остига юборилади. Организм чидамини оширишга, иситмани туширишга, организмдан заҳарли моддаларни ҳайдашга қаратилган (0,9% ли физиологик суюқлик ва 5% ли глюкоза эритмасидан 400 мл ва бошқалар) тадбирлар кўлланилади. Инфекцияга қарипи маҳалий цитеал ва метрогил плюс вагинал гели ишлатилади. Баъзан етарлича тўла даволанмагандан бачадон қаватларида йиринг тўпланиб, аёлнинг аҳволи оғирлашади, бунда операция йўли билан даволашга ва бачадонни олиб ташлашга тўғри келади.

29.4. БАЧАДОН НАЙЛАРИ ВА ТУХУМДОНЛАРНИНГ ЯЛЛИГЛANIШI (САЛЬПИНГООФАРИТ)

Касаллик ва чилла даврининг 8-10- кунларидан бошланади, бунда кориннинг пастида тўсатдан оғриқ безовта қиласади, қон томир уриши тезлашади. Касалнинг тили караш боғлайди, ҳарорат 38-40 даражагача кўтарилади, бемор титрайди. Айрим вақтларда эса аёлнинг кўнгли айниб, қайт қиласади, корин дам бўлади. Корин девори орқали ковукқа босиб кўрилганда корин пастида кучли оғриқ борлиги аниқланади. Қин орқали текшириб кўрилганда бачадон ортиклари атрофида кучли оғриқ борлиги ҳамда уларнинг катталашганини аниқлаш мумкин.

Кўпинча яллигланиш жараёни икки томонлама бўлиб, бачадоннинг иккала ортиғига ҳам ўтиши мумкин. Босиб кўрилганда аёл оғриқ сезади, ковук соҳасидаги оғриқ даволаш жараёнида аста-секин камайиб боради. Айрим холларда бачадон найларининг ампуляр кисми беркилиб, най бўшлиғида йиринг тўпланади-буни пиосальпинкс, зардоб йигилса-гидросальпинкс деб юритилади. Агар бунга чаноқ бўшлиғи корин пардаси яллигланиши қўшилса, пельвиоперитонит, чаноқ клетчаткасига ўтса пельвиоцеллюлит дейилади.

Касалликнинг ўткир даври 1-2 ҳафта давом этиб, ўз вактида даволан-маса секин-аста сурункали турига ўтиб кетиши мумкин. Уни аниқлаш кийин эмас, касаллик тарихи, клиник кўриниши ва белгиларига қараб осон аниқлаш мумкин. Пиосальпинксни аппендицитдан ажратади билиш керак.

Даволаш. Аввало bemorga ҳар томонлама тинчлик бериш лозим. Корин пастига совуқ сув ёки музли ҳалта қўйилади. Антибиотикларни юбориш даволашнинг асосий тадбирларидан ҳисобланади. Ностероид яллигланишга қарши восита сифатида диклоберл 3 мл (75 мг) дан м/о юборилади. Бирор қанча дори ва уни қачон юбориш bemornинг аҳволига қараб

буюрилади (эндомиометритни даволаш схемасига қаралсın). Оғриқ колдирувчи дорилар (аналгин 0,5 г ёки амидопирин 0,5 г дан бир кунда 2-3 маҳал ичгани берилади) ёки 4% ли амидопирин эритмасидан 5 мл, 25%ли анальгин эритмасидан 2 мл ни мушак орасига укол қилиш мумкин. Агар чаноқ аъзолари орасида йириңг ҳосил бўлса, бунда энг яхши ва тез натижা берувчи тадбирлардан бири-қиннинг орка гумбази орқасига йирилган йириңгни игна билан тешиб чиқариш (пункция) усулидир.

Бунда антисептика қоидаларига катъий риоя килган холда тозаловчи клизма қилинади, ташки жинсий аъзолар совун билан ювилади, қин маҳсус асбоб (спинцовка) билан чайилади, сўнгра ташки жинсий ва ички жинсий аъзолар спирт билан артилиб, у ерга 5% ли йод эритмаси суртилади.

Пункцияни албатта шифокор килади ва олинган суюқлик бактериологик текширишга юборилади. Пункция қилинган жойга шу игна оркали гентамицин эритмасини ёки бошқа антибиотикларни 1 г ни 0,5 % ли новокайн (5-10 мл) билан юборилади. Аёл аҳволи тузала бошлаганда даволаш комплексига физиотерапия усусларини кўпинча сурункали даврга ўтиши билан иккиласи боласизликка сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай касаллик билан оғриган аёлни тўла-тўқис даволаш ва у доим шифокор назоратида бўлиши керак.

29.5. БАЧАДОН АТРОФИ ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ (ПАРАМЕТРИТ)

Бу касаллик микроблар бачадон атрофидаги клетчаткага лимфа ёки кон томири орқали, шунингдек қин, бачадон бўйни ҳамда бачадон ортиклари ўтиши оқибатида юзага келиши мумкин.

Параметрит чилла даврининг 10-12- куни аёлнинг бирдан харорати 39-40 даражага кўтарилиши, титраб-қакшashi ва томирининг тез уриши билан бошланади. Бу касаллик асосан эндомиометрит оқибатидир. Агар касаллик ўчогида йириңгли инфильтрат ҳосил бўлса (бу кўпинча касалликнинг 3-5 ҳафталарида вужудга келади), харорат янада 1,5-2 даражагача кўтарилади. Йириңглаган жой атрофидаги аъзоларга ёки қорин бўшлиғига кетиши мумкин. Параметритни аниқлапи қийин эмас, лекин уни пельвиоперитонитдан тафовут қила билиш керак.

Тана хароратининг ошиши, бош оғриғи, умумий ҳолсизлик, иштаханинг пасайиши симптомлари ҳам учрайди. Бундан тапқари, тери копламининг оқариши, тахикардия, лейкоцитоз, бачадон субинволюцияси ва оғриқ бўлиши киради. Бимануал текширишда бачадон ортиклари ва параметрий соҳасида оғриқ кузатилади. Лохия табиати кам бўлиши ёки профуз ва ҳидли бўлади.

Даволаш. Ўткир яллигланиш даврида қорин пастига муз қўйилади, оғриқ колдирувчи дорилар берилади. Антибиотиклар (азимед капсуласи 0,5 г дан 1 маҳал 3-5 кун, орнизол таблеткаси 0,5 дан 2 маҳал 7 кун) бериш асосан эндомиометритга бериладиган, дозалари беморнинг аҳволига қараб ўзгартирилади. Умумий дорилар қаторига албатта витаминлар, хароратни туширувчи, организм умумий кучини оширувчи дорилар бериш

мақсадға мұвоғиқ. 100-150 мл қон қуиши яхши натижа беради. Агар йирингли инфильтрат бўлса, қиннинг орҳа гумбази орқали пункция қилиб, йирингни чиқариб ташлаган маъқул. Пункция килиб йирингни олиб бўлгач, ўрнига бирон-бир антибиотик (1 г гентамицин ёки 0,5 г канамицин) юборилади.

Беморнинг аҳволи бироз тузалгандан бошлаб тана ҳарорати тушиб, оғирлик пасая бошланганда, диклоберл ва физиотерапия усуллари кўлланилади.

29.6. ВЕНА ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ - ТРОМБОФЛЕБИТЛАР

Чилла даврида учрайдиган энг оғир септик касалликлардан хисобланади. Тромбофлебит жойига кўра икки ҳил ўтиши мумкин:

- 1) оёқ, юза вена қон томирларининг яллигланиши;
- 2) чукур жойлашган вена қон томирларининг яллигланиши.

Ҳар иккала тури ҳам йирингли ёки йирингсиз ўтиши мумкин. Буларга бачадон вена қон томирларининг яллигланиши (метротромбофлебит), чаноқ вена қон томирларининг яллигланиши, болдири вена қон томирларининг чаноқка яқин кисми ҳамда оёқ қон томирларининг яллигланиши кабилар киради.

Бугунги кунда шуни таъкидлаш керакки, чаноқ веналарининг септик тромбофлебити патогенезида томир интима қаватининг бачадондан таркалган микроорганизмларнинг жароҳатлаши, бактериемия ва эндотоксемия, ёки оператив муолажа вактидаги жароҳати орқали келиб чиқиши билан тушунтирилади.

Чилла даврида учрайдиган касаликда аёлнинг умумий аҳволи дардининг кечишига қараб ўзгариб туриши мумкин. Яъни касаллик енгилроқ кечганда аёлнинг умумий аҳволи унчалик ўзгармайди, тана ҳарорати бироз кўтарилиганда (37-38,5 гача) томир минутига 100 мартағача уради. Қондаги лейкоцитлар сони бироз кўпайиб, эритроцитларнинг қондаги чўкиши даражаси тезлашади. Касаллик оғирроқ кечганда юқорида кўрсатиб ўтилган белгилар (беморнинг умумий аҳволи, тана ҳарорати, томир уриши, қон таркиби) кўпроқ ўзгариади.

Юза жойлашган вена қон томирлари яллигланганда томирларда оғрик зўрайди, улар бироз йўғонлашиб, тери қизариши мумкин. Юзаки тромбофлебит ҳомиладорликдан олдин вена қон томирлари кенгайган аёлларда кўпроқ учрайди. Унда аёлнинг ҳарорати кўтарилади, умумий аҳволи унчалик ўзгармайди, оёғи бир оз шишади. Аёлни қин орқали текширилганда бачадоннинг түққандан кейинги қисқариши (инволюцияси) орқада қолганлигини кўриш мумкин. Чукур жойлашган вена қон томирлари ёки бачадон вена қон томирлари яллигланганда ҳарорат бирдан кўтарилади, аёлнинг иштаҳаси йўқолади, ёмон ухлайди, титраб-қақшайди, томир минутига 110-120 марта уради, bemorning аҳволи бирдан оғирлашади. Қин орқали туғруқ йўллари текшириб кўрилганда бачадон чилла даври муддатига тўғри келмайди-катта ва оғрикли бўлади. Бачадондан қон аралаш кўланса ҳидли сел келади. Бачадон ён юзалари соҳасида характерли «чувалчангсимон» оғрикли вена қон томирларини пайпаслаб

кўриш мумкин. Қон анализ қилингандан яллиғланишга хос ўзгаришлар аникланади. Сийидка оқсил ва лейкоцитлар бўлиши мумкин. Диққат билан текширилса касалликни аниклаш қийин эмас.

Тромбофлебитда бачадон яхши қисқармаган ва оғрикли бўлади. Чаноқ вена қон томиридаги патологик ўзгаришлар оёқ вена қон томирига ўтиши бу касалликка сабаб бўлади. Бунда оёқ мускуллари оғрийди, вена қон томирлари йўғонлашади ва уларни ушлаб кўрилганда оғрийди. Бу холат вена қон томири деворига хос бўлган тромбнинг жойлашувига боялик. Тромб болдиридан канча юкорида жойлашса, оёқ шунча кўп шишади.

Оёқ вена қон томирида тромб ҳосил бўлиб, томир девори билан бирга яллиғланиш одатда чилла даврининг 2-3- ҳафталарига тўғри келади. Тромбофлебитнинг асосий клиник белгилари унинг жойлашишига боялик. Тромбофлебитда оёқ шишади, оғрийди, тери ранги ўзгаради, оқиш ёки кўкимтир тусга киради, тери ости вена қон томирлари кенгаяди, тана ҳарорати кўтарилиб томир уриши тезлиги ошади, айниқса шу дардга чалинган соҳада ҳарорат юкори бўлади.

Оғриқ касал томир бўйлаб айниқса бемор юрганда ва ушлаб кўрилганда кўпроқ сезилади. Бемор юрганда бироз оғирлик сезади, касалликка чалинган оёғи тез чарчайди, болдири мушакларининг қисқариб-каттиклишиб котиши натижасида товоңда, болдири-сонда кучли оғриқ туради. Агар тромбофлебит чукур жойлашган вена қон томирларида бўлса, сон ва болдири томирлари босиб кўрилганда бемор кучли оғриқ сезади. Баъзан оёқ увишиб қолиши мумкин. Бу ҳам тромбофлебит белгиларидан бири хисобланади.

Тромбофлебитнинг характерли ва тез-тез учрайдиган белгиларидан бири оёқнинг шишидир. Оёқ шишини билиш учун иккала оёқ сон ва болдири соҳасининг бир неча жойидан (юкори, ўрта ва пастки қисмидан) одатдаги сантиметр билан ўлчаб кўриш керак. Шунда тромбофлебит бўлган оёқ айланаси соғлом оёққа нисбатан 3-5 см га каттарок бўлади. Бу касалликларда тана ҳароратининг кўтарилиши 2-3 ҳафтагача давом этиб, шундан кейин ҳам бир неча кун субфебрил ҳолда сақланиши мумкин. Камқонлик белгилари, яъни гемоглобин микдорининг камайиб кетиши ҳам шу касалликка хос бўлиши мумкин.

Физикал текшириш ўтказилганда кўпчилик ҳолатларда интоксикация симптомлари аникланмайди, аммо корин пастки қисмида оғрик ва таранглашиш кузатилади. Камрок ҳолларда шу жойда оғрикли узун ҳосила борлиги аникланади. Диагнозни эндометрит билан оғриган аёлларда антибиотикнинг кам наф бершидан ҳам билса бўлади ва қин орқали текширилганда кичик чаноқ соҳасида ҳосила борлиги кузатилади. Диагнозни тасдиқлашда маълумот берадиган методлардан КТ ва МРТ хисобланади. Текширишларда тромбофлебит белгилари йўқлиги, аммо тромбофлебит клиникаси борлиги ва антикоагулянт терапиядан (гепарин билан) динамикада яхшиланиши диагнозни тасдиқлайди. Томография мезонлари: 1. Жароҳатланган томирларинг кенгайиши. 2. Томир ички радиусининг кичиклашиши. 3. Томир деворининг яхши кўрина бошлиши. МРТ текширишда жароҳатланган томирнинг нормал томирлардан фарки

оч кўринади. КТ ва МРТ усулларининг камчилиги цервикал ва бачадон томирларининг яхши кўринмаслиги. Рангли допплерография ҳам чаноқ веналари тромбофлебитига диагноз кўйишда ва ўтказилган терапиянинг динамикада кузатишда қўлланилади.

Тромбофлебитни аниқлашда қоннинг ивиши ва ивишига қарши омиларини лабораторияда текшириш катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳозирда флебография (томирга йодли контраст моддасини юбориб, томирлар ҳолатини аниқлаш), ультратовуш билан аниқлаш, термографик метод ва бошқалар қўлланилмоқда.

Оёк тромбофлебити куйидаги асосатларга олиб келиши мумкин: тромбофлебит йирингли формага ўтиб, кўпинча микроабсцесслар ҳосил бўлишига олиб келиши; тромб узилиб кўпинча ўпка артерияларига бориб, қон айланишини бирдан бузиши мумкин (ўпка артериялари эмболияси). Баъзи бир аёлларда тромбофлебитдан кейинги синдром-оёқда шиш қолиши, оғриқ бўлиши, юзаки вена қон томирларининг кенгайиши, терининг корамтири туслага кириб, битмайдиган яра ҳосил бўлиши мумкин.

Тромбофлебитни лимфа томирларининг яллигланиши, тери ости флегмонаси, болдир артериясининг ўткир тромбози ва эмболияси, болдир нервининг яллигланиши ва бошқалардан фарқ қила олиш лозим.

Даволаш. Ҳозирги кунда 2 хил даволанади: консерватив ва оператив йўл билан. Булардан кайси бирини танлаш тромбофлебитнинг тури, кайси венадалигига ҳамда венанинг қаердалигига, касалликнинг қанчадан бўён давом этётганингига ва беморнинг умумий аҳволига боғлиқ. Оператив йўл билан даволаш асосан йирик вена қон томирларида катта тромблар ҳосил бўлиб, қон юриши бирданига бузилиб қолганда қўлланилади.

Консерватив йўл билан даволаш асосан оёқнинг қон айланишини яхшилаш учун уни эластик бинт билан гир айлантириб ўрашга ҳамда ҳозирги вақтда касаллик бошлангандан маълум бир вақтдан (5-6 кундан) сўнг актив юргизишга кўпроқ аҳамият берилмоқда. Чунки бемор узок вакт бир жойда ётиб қолса, оёқда қон айланиши бузилиб тромбознинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Касалликни даволашда беморнинг овқатланишига ҳам аҳамият берилади. Бемор кўпроқ тузи ва ёғи кам, сутли ва сабзвотли овқатлар истеъмол қилиши керак.

Тромбофлебитларни даволашда антибиотиклар умумий схемада - чилла даври септик касалликларидағи каби қўлланилади. Ҳозирги кунда кўпроқ антифлогистон препаратлари: бутадион, реопирин каби дорилар ишлатилмоқда. Бу дорилар оғриқ қолдиради, ҳам яллигланишга ва сенсибилизацияга қарши таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, дорилар спазмини пасайтирадиган папаверин, нош-па, баралыгин ва бошқа дорилар қўллаш мумкин. Маҳалий тромбофлебитларни даволашда лиотон гельни (1000 т/б гепарин саклайди) қонни суюлтирадиган (анткоагулянт) дори сифатида қўлланилмоқда. Бу дориларни қўллаш шифокор назорати остида олиб борилиши лозим.

Яллигланишга қарши яна мушак орасига никотин кислотани схема бўйича (дозасини секин-аста 1 мл дан бошлаб, ҳар куни шунчадан кўшиб

борилади ва 5-6 мл га етказилади, кейин эса 1 мл дан камайтириб яна 1 мл га туширилади); трипсин ёки химотрипсин (5-10 мг ни 2 мл изотоник эритмада) бериш ҳам яхши натижа беради. Сенсибилизацияни камайтирип учун мускул орасига антигистамин препаратлар (димедрол, пиполфен, тавегил ва бошқалар) бериш мумкин. Организмдаги интоксикацияни камайтириш ва кон айланышини яхшилаш учун реополиглюкин, 5% ли глюкоза ҳамда физиологик эритмадан томирга томчилатиб юборилади. Бир суткада бериладиган суюқликнинг умумий миқдори 1,5-2 л гача бўлиши мумкин. Коннинг ивиши ва унга қарши хусусиятини яхшилаш учун унинг ивиш вақтини хисобга олиб, асосан кон томирига ёки мускул орасига суткасига 5 минг бирликкача 3-4 кун давомида гепарин юборилиши мумкин. Кейинчалик эса 1 таблеткадан кунига 1-2 маҳал плентан ёки эскузан бериш мумкин.

Тромбофлебитнинг олдини олиш учун консультация шароитида томирларнинг варикоз кенгайишини консерватив ва оператив йўллар билан даволаш, ички касалликлар ва ҳомиладорлик токсикозларини ўз вактида бартараф этиш, вақти-вақти билан қоннинг ивиши хусусиятини текшириб туриш, тургук вактида кон кетган бўлса, вактида ҳар томонлама ва етарлича даволаш, тургук нормал ўтган бўлса аёлни эрта тургизиш, операция йўли билан туғдирилса, тез-тез кон ивиш хусусиятини текшириб туриш, ўз вактида даволаш тавсия қилинади.

Даволаш тартибиға фраксипарин дозалари (0,3 мл) кунига 2 марта стационар шароитида 1 ҳафта давомида, кейин амбулатор шароитида флебодиа 600 мг ёки венодиол 1 таблеткадан 2 маҳал киритилади.

Медикаментоз терапиядан турғун наф бўлмагандан захира сифатида жароҳатланган вена томирларини хирургик боғлаш кўлланилади. Пастки ковак венага жараённинг тарқалиши ёки ўпка артерияси эмболияси кузатилганида ва антибиотикотерапиядан наф бўлмагандан, пастки ковак венани боғлашга кўрсатма бўлади. Бу методнинг асорати сифатида оёқларнинг транзитор шиши ва постфлебитик синдромнинг авж олиши киради.

29.7. ПЕЛЬВИОПЕРИТОНІТ

Пельвиоперитонит чаноқ ичидағи корин пардасининг яллигланиши чилла даврининг 3-4- куни қоринда кучли, айниқса пастида қаттиқ оғриқ тутиши билан бошланади. Шҷеткин-Блюмберг белгиси юзага келади, қоринда қабзият кузатилади, беморнинг кўнгли айниб, қайт килади, ҳарорат кўтарилилади, томир уриши тезланади. Баъзан сийганда оғриқ сезади. Қорин бўшлиғига суюқлик тўпланади. Дикқат билан текширилса, касалликни аниглаш кийин эмас. Қиннинг орка гумбазида пункция килиб, суюқлик олиш ва уни текшириш касалликни аниглашга ёрдам беради.

Даволаш. Бемор алоҳида палатага ётқизилади. Қорни пастига музли халтача кўйилади. Пельвиоперитонит септик касаллик бўлгани учун даволаш худди сепсисдаги каби.. Қабзиятни бартараф этиш ва ичак ишини яхшилаш учун тозаловчи клизма қилинади ҳамда тўғри ичакка газ чиқиб кетишига ёрдам берувчи резина найча киргизиб кўйилади. Агар кичик

чаноқ соҳаси пардаси яллигланиб, йиринглаган бўлса, беморга вактида ёрдам бериш зарур. Чунки тўпланган йирингнинг сийдик пуфаги ёки тўғри ичакка ёрилиб кетиш хавфи бўлади. Бу ерда тўпланган йирингни кўпинча қиннинг орқа гумбази орқали пункция қилиб, шприц билан тортиб олиш ва йиринг ўрнига 0,5% ли новокайн суюклигига зритилган бирон-бир антибиотик (меркацин) юбориш мумкин. Борди-ю, яллигланиш чаноқ бўшлигининг ўзида бўлиб, даволаш туфайли касалликнинг ўткири даври пасайса, физиотерапия усулларини кўллаш мумкин.

29.8. ЧИЛЛА ДАВРИДАГИ МАСТИТ (СУТ БЕЗЛАРИ ЯЛЛИГЛАНИШИ)

Сут безларига микроб асосан лимфа, кон ва сут йўллари орқали тушади. Инфекция кўпинча кўкрак тугунчаларининг ёрилган жойларидан киради.

Сут йўллари орқали тушган инфекция без бўлакларига кириб, уларда яллигланиш жараёнини юзага келтиради. Кон орқали метастаз сифатидан организмда инфекция манбаларидан ўтади. Маститни асосан патоген стафилококклар кўзратади.

Мастит билан оғриган беморлардан топилган микроб кўпроқ антибиотикларга чидамли бўлади.

Мастит клиникаси. Бу асосан маститнинг тури ва кечиш жараёнига боғлиқдир.

Мастит турлари:

1. Серозли (бошлангич) мастит.
2. Инфильтратли мастит.
3. Йирингли мастит.
 - а) инфильтратив-йирингли, диффуз, чегараланган мастит;
 - б) абсцессга айланган тури, без тугмачаси айланасининг фурункулёзи, абсцесси, без бўлаклари абсцесси, без орқасидаги абсцесс.
4. Флегмоноз мастит (йирингли-некротик тури);
5. Гангреноз мастит.

Мастит чилла даврининг З-ҳафтасида авж олади. Баъзан анча кеч юзага келиши мумкин. Кўпинча мастит бир томонлама бўлади, айрим ҳолларда эса ҳар икки томон ҳам касалланади. Одатда, мастит ўткир бошланади, дастлаб безлар оғрийди ва без бўлаклари қаттиқлашиб, тери юзаси кизаради. Кўпроқ ўнг сут безининг ташки юзаси яллигланади. Тана харорати 39°C ва бундан кўтарилади, бош оғрийди, бемор ланж бўлади. Беморни текширилганда касалланган сут бези катталашган, қаттиқ (каттиқ-эластик), заарланган қисмининг харорати баланд бўлади, оғрийди. Бу клиник ҳолат сероз маститга хосdir.

Агар даволаш тадбирлари ёрдам бермаса, маститнинг бу тури 3 кун давомида кейинги босқичга ўтиб кетади. Албатта бу микробнинг вирулентлигига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда мастит инфильтратив тури жуда тез йирингли турга ўтганида беморнинг умумий ахволи оғирлашади (уйқуси бузилади, иштаҳаси йўқолади, боши оғрийди ва бошқалар). Тана харорати $38\text{--}40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиб, эти увишади.

Агар касаллик давомида микроблар ассоциацияси (күшимча микроблар күщилиб) ошса, унда касалликнинг клиник кўринниши янада зўрайди.

Йирингли маститнинг йирингли-инфилтратив тури кўп учрайди. Бу турда йирингли жараён билан тўқималарда инфильтрация кенгая боради. Операция килинганда кесилган яра сатхи ғоваксимон шаклда бўлади. Маститнинг бундай тури диффуз тур деб аталади.

Маститнинг чегараланган йирингли турида йирингланган тўқима чегараси аниқ бўлмайди. Агар жараён юзароқ жойлашган бўлса, диагноз кўйиш уччалик қўйин эмас, абсцесс чукурроқ жойлашган бўлса, уни пункция қилиб аниқлаш мумкин.

Маститнинг абсцесс тури камроқ учраб, касаллик бирданига ҳарорат кўтарилиши, агар жараён чукур жойлашган бўлса, қаттиқ оғриқ билан бошланади. Жараён кўкрак тутмачаси атрофига ёки тери остига жойлашган бўлса, бунда оғриқ бирмунча суст бўлиб, йиринг чиқарилгандан сўнг (кесилса ёки пункция қилинса) ҳарорат тезда тушади.

Маститнинг флегмоноз турида кўкрак безининг кўп кисмида йирингли жараён юзага келади. Бунда ҳарорат бирданига кўтарилиб (40° ва бундан юкори), эт увишади, беморнинг умумий ахволи оғирлашади. Беморлар бош оғригидан, кўз чукурчаси соҳасида кучли оғриқ ва қўрқувдан арз киладилар. Кўкрак бези катталашади, тери юзаси кўкимтири, қизил ёки тўқ қизил рангда бўлади. Лимфа безлари катталашган, баъзан уларда ҳам яллигланиш жараёни белгилари кузатилади. Маститнинг флегмоноз турида некроз жараёни тез авж олса, касаллик оғир кечади. Бу флегмоноз-некротик тури деб юритилади. Касаллик оғир турисе сепсисга ўхшаб кечади. Уни кесилганда куюқ йиринг ажралади. Кўкрак бези тўқималари кул рангда бўлади.

Мастит 14-15 кун, хатто 2-3 ой ҳам давом этиши мумкин. Беморларнинг қонида лейкоцитоз, СОЭ нинг кўтарилиши, интоксикация юкори бўлганда нейтрофиллар томонга суримиши кузатилади. Йирингли мастит узоқ давом этса, юкоридаги белгилардан ташқари, гемоглобин камайиб, нейтрофилларда токсик доначалар кўпаяди. Агар лактацион мастит бўлса, жараён оғирлашган сайн сутда лейкоцитлар кўпайиб кетади.

Маститда заарланган қисмда тери юзасининг ҳарорати тана ҳароратидан $1-2^{\circ}\text{C}$ баланд бўлади.

Мастит билан оғриган bemorларда лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллик хусусияти соғлом аёлларнидан деярли фарқ қиласи. Оксил алманинг бузилиши натижасида касаллик давомида альбумин фракцияси камаяди. Беморларда иммунологик реактивлик учча баланд бўлмайди.

Даволаш. Агар серозли ёки инфильтратив мастит бўлса, туғрухонада даволаш мумкин. Йирингли маститнинг қаерда вужудга келганидан катъий назар, албатта, маҳсус жарроҳлик стационарида даволаш керак. Сут ажралишини тўхтатиш учун парлоделдан бир кунда 1 таблеткадан 2 марта 14 кун давомида бериш керак. Бунда кўкракни боғлаш шарт эмас.

Даволашда антиотикларни тўғри танлаш керак. Маълумки, кўпинча касалликни стафилококклар келтириб чиқаради. Шунга кўра метициллин, оксациллин, цефалоспоринларни (мегацеф 1г м/о га 2-3 маҳал 5 кун)

ишлиатиш мақсадға мувофиқдир.

Операция қилиб, заарланған юзани очиш, контрапертура килиш, не-кrozланған түқималарни кесиб ташлаш керак. Йириңг доимо оқиб туриши учун ярага тасма шаклида тампон ёки резина құйиш зарур. Тампонни ош тузининг гипертоник эритмасига диоксидин, химотрипсиндан құшиб ярага құйилади ва ҳар 4-6 соатда алмаштириб турилади. Дренаж найча ёрдамида ярани ювиш ёрдам беради. Бемор стационардан яллигланиш жарағын бутунлай тугагач, лаборатория маълумотлари нормаллашгани-дан кейин чиқазилади.

Амалиётдан мисоллар.

1. Янги түккан аёлнинг 5-куни тана ҳарорати 38°C құтарилди, оралиқдаги чоклар орасида оғриқлар пайдо бўлди. Гениталийни кўрилганда оралиқ соҳасида чоклар гиперемияси ва инфильтрацияси, йириңгли қоплам билан қопланган. Чоклар олиб ташланди-жароҳат чеккалари тўлик очилди, 3% ли водород пероксид билан тозаланди, NaCl нинг гипертоник эритмаси шимдирилган салфетка қўйилди, 2 кундан кейин Вишневский малҳами билан салфетка қўйилди. Антибиотиклар буюрилди. Диагноз: Туғруқдан кейинги яра.

2. Янги түккан аёлнинг туғруқдан кейин 3-кун бачадон субинвалиюцияси ва гематометра аниқланди. Бачадон бўшлиғи кириб тозаланди. 5-куни уйига жавоб берилди. Кейинги куни кечқурун бачадондан қон кетиб, шок ҳолатида гинекология бўлимига олиб келинди. Булимда, *abrasio cavi uteri* операцияси ўтказилади. Гемотрансфузия қилинди - 750 мл янги қон, шокка қарши тадбирлар ўтказилди.

Кейинги кузатуда $1\ 38^{\circ}\text{C}$, бачадон оғриқли, жинсий йўлларда йириңгли ажратма аниқланди. Интенсив терапия фойда бермади, ҳансираш, ўпкада хириллашлар қўшилди. Диагноз: Септик эндометрит. Септик пневмония 11-куни бачадон найлари билан бирга экстирпация қилинди. Бемор 5-кундан кейин шищдан вафот этди. Жараён тахлил қилинганда bemор туғруқхонада ҳароратнинг ошганлигини яширганлиги, антибактериал даво ва операция кеч килинганлиги аниқланди. Сепсис метастазлар билан бирга ривожланган.

ТҚЙСК она ҳаётига таҳдид солади. Буларнинг олдини олиш учун она организмидаги сурункали инфекция ўчокларини ҳомиладор бўлишдан олдин даволаш керак: тиш кариеси, сурункали тонзиллит, йириңгли гайморит, лиелонефрит, кольпитлар, цервицитлар, бачадон бўйни эрозиялари, энтероколитлар.

Ҳомиладорлик даврида ҳам согломлаштириш даволаш тадбирлари ўтказиш ва латент инфекция ўчокларини санация қилиш, аёл организми химоя кучларини ошириш зарур.

Туғруқхонада ва операция хонасида туғруқдан кейинги бўлимда санитария-эпидемиология тартибига қатъий риоя қилиш керак. Туғруқда туғишидан кейин ЙСКларнинг олдини оладиган тадбирларни ўз вақтида ўтказиш зарур.

Ўргатувчи тестлар.

1. Қандай 2 касаллик туғруқдан кейинги септик инфекциянинг I- босқи-

чиға тааллуклидир?

Тұгруқдан кейинги яра.

Эндометрит.

2. Қандай 5 касаллік тұгруқдан кейинги септик инфекциянинг 2- босқи-
чиға тааллуклидир?

Метрит.

Параметрит.

Сальпингоофорит.

Пельвиоперитонит.

Тромбофлебит.

3. Қандай 4 касаллік тұгруқдан кейинги септик инфекциянинг 3- босқи-
чиға тааллуклидир?

Тарқалған перитонит.

Эндотоксинли септик шок.

Анаэроб газлы инфекция.

Жадаллашаёттан тромбофлебит.

4. Қандай 2 касаллік тұгруқдан кейинги септик инфекциянинг 4- босқи-
чиға тааллуклидир?

Метастазсиз сепсис.

Метастазлы сепсис.

5. Тұгруқдан кейинги эндометриттің 5 та симптомини санаб ўтинг:

Бачадон субинволюцияси.

Тана ҳароратининг ошиши.

Қорин пастидаги оғриқлар.

Томир уришининг тезлашиши.

Сел-йирингли лохиялар.

6. Юқори хавф гурухига кирудүчі 5 та гурухдаги ҳомиладорлар ва янги
туғилған чақалокларда септик касалліктернің күрсатынг:

Ҳомиладорлық- сурункалы инфекция ўчори.

Операциядан кейинги ҳомиладорлар ва анамнезіда септик касалли-
клар.

Күпсұвлиқ ва ҳомиладорлық.

Ұзок сувцизлик даври.

Ҳомиладорлық генитал инфекция билан.

7. Тұгруқдан кейинги септик касалліктернің Сазонов - Бартельс бүйи-
ча 4 та босқичини күрсатынг ва таъриф беринг:

1 босқич – тұгруқдан кейинги ёки эндометрийда маҳаллий инфекция

2 босқич – инфекцион - яллигланиш жараёнининг пайдо бўлиши ва
бошқа аъзоларга тарқалиши.

3 босқич – инфекция оғирлигига караб тарқалиши.

4 босқич – тарқалған инфекция.

8. Тұгруқдан кейинги септик инфекциянинг ривожланишида 5 та саба-
бини айтинг:

Ұзок тұгруқ.

12 соат ва бундан кўп сувцизлик акушерлик жарроҳликлари

Тұгруқ йўлларининг жароҳатлари.

- Сурункали инфекцион касалликлар.
9. Тұғруқдан кейинги септик касалликлар ривожланишида 5 та инфекция кириш йүлини сананг
- Оралиқ жароҳатлари.
 - Қин деворларининг жароҳати.
 - Бачадон бўйнининг жароҳати.
 - Бачадон деворининг жароҳати туғруқ ва акушерлик операцияларидан сўнг.
- Йўлдош майдончаси.
10. Тұғруқдан кейинги септик касалликларни чакирадиган 5 та микробиологияни кўрсатинг.
- Анаэроб инфекция.
 - Энтерококклар.
 - Стафилоококк.
 - Стрептококк.
 - Йирингли таёқча.
11. Тұғруқдан кейинги инфекциянинг 3 та тарқалиш йүлини айтинг
- Лимфоген.
 - Гематоген.
 - Интраканаликуляр.
12. Тұғруқдан кейинги яра бўлган беморларнинг асосий 3 та шикоятини кўрсатинг.
- Жароҳатланган соҳада кичишиш сезиш.
 - Субфебрил температура.
 - Йирингли ажралма.
 - Яра соҳасида некротик тўқима шиши.
13. Бошланаётган маститда беморларнинг 5 та асосий шикоятини айтинг.
- Қалтираш.
 - Юкори температура.
 - Холсизланиш.
 - Бош оғриғи.
 - Кўкрак-бўйин соҳасидаги оғриқ.
15. Бошланаётган маститда 4 та кўринарли белгилар.
- Жароҳатланган тери соҳасининг қизариши.
 - Кўкрак безларининг катталашиши.
 - Бездә қаттиқлашган қисмлар аникланади.
 - Пальпацияда оғриқлилиги.
16. Mastit bosqichlarini sanang:
- Сероз (бошланаётган мастит).
 - Инфильтратли мастит.
 - Йирингли мастит.
17. Mastitni davolaش тамойиллари:
- Антибактериал терапия флора сезгирилиги билан.
 - Иммуномодулятор дорилар.
 - Дезинтоксикацион терапия.

Антигистамин дорилар.
Мастит босқичларида физотерапевтик.
Маҳаллий даво: сероз – инфильтратив маститда ёғли - малҳамли компресс.
Йириングли маститда оператив даво.
18. Пельвиоперитонитнинг 6 та асосий симптомини санант
Тана температурасининг юқорилиги.
Калтираш.
Корин пастида оғрик.
Тахикардия.
Кориннинг пастки кисмидаги шиш ва оғрик.
Кўнгил айниши, кайт қилиш.
Саволлар:
1. ТКЙСК асосий сабабларини кўрсатинг?
2. ЙСК асосий кўзгатувчилари?
3. Эндометрит белгиларини санаб беринг?
4. ЙСК нечта босқичи бор?
5. Эндометритни асосий даволаш усуслари?

29.9. АКУШЕРЛИК ПЕРИТОНИТИ

Мақсад: талабаларга акушерлик перитонити сабаблари патогенези таснифи, касаллик клиникаси, диагностикаси ва даволаш тактикаси билан таништириши.

Режа:

1. Акушерлик перитонити касалликларининг келиб чиқиши ва патогенези.
2. Акушерлик перитонитига олиб келадиган микроблар.
3. Акушерлик перитонити таснифи.
4. Акушерлик перитонити вариантыларининг клиник белгилари.
5. Акушерлик перитонитининг замонавий даволаш усуслари.
6. ОПда ва стационарда профилактика муолажалари.

Акушерлик перитонити, чилла даври йириングли септик касалликлари ичida энг хавфлиси бўлиб хисобланади. Бу касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик муолажаларни ўз вактида ўтказиш оналар ўлимининг камайишига олиб келади. Республикаизда туғиши ёшидаги аёллар орасида экстрагенитал ва генитал касалликларнинг кўп учраши ҳомиладорлик даврида иммун тизимнинг сусайиши, инфекцион агентларга нисбатан организмнинг ҳимоя кучларининг пасайишига олиб келади. Бунинг натижасида чилла даврида ЭГК фонида йириングли касалликларнинг келиб чиқиши кузатилади, касаликни кечикиб аниқлаш ва даволаш оналар ўлимига сабаб бўлади.

Диагностик кийинчилклар:

Ҳомиладорлик ва туркудаги нейроэндокрин ўзгаришлар, гуморал ва хужайра иммунитети ҳолати.

Ҳомиладорлик ва туркудаги асоратлар.

Жаррохлик амалиётининг ўсиши.

ЭГК.

Бактериялар ассоциациясининг мавжудлиги (азроб ва анаэроб).

Акушерлик перитонитининг инфекция манбаси бўлиб кўпинча бачадон хисобланади (түгруқда хориоамнионит, түгруқдан кейинги эндометрит, кесарча кесиши жарроҳлигидан кейинги чокларнинг носозлиги). Инфекция ўчон бўлмиш бачадонда инфекциянинг яшави ва кўпайиши учун кулагай шароитлар мавжуд бўлади, булар қон куйкалари, ҳомила элементи қолдиқлари ва ҳ.к. Акушерлик перитонити кўпинча суст ва яширин кечади, айникса кесарча кесиши жарроҳлигидан кейинги перитонит.

Акушерлик перитонити патогенези асосида:

Эндоген интоксикация, биологик-актив моддалар (гистамин, серотонин, кинин) таъсири, томирлардаги тарқалган ўзгаришлар, тўқима гипоксияси, гиповолемия ва алмашинувнинг ўзгариши, МНС ва миокардга патологик таъсири, буйрак, жигар, ошқозон ости бези ва ингичка ичакдаги деструктив ўзгаришлар ётади.

Перитонит таснифи (К.С.Симонян бўйича) (1971):

Реактив фаза.

Токсик фаза.

Терминал фаза.

РЕАКТИВ ФАЗА

(биринчи 24 соатда)

Компенсатор механизmlар сакланган, тўқима метаболизми ўзгаришлири ва гипоксия белгилари йўқ, (кусиш, defans musculorum ва тахикардия 1 минутда 120 та кузатилади).

Умумий ахволи нисбатан кониқарли (ўртacha даражада).

Ичаклар фалажи.

Қон кўрсаткичлари: лейкоцитоз, лейкоцитар формуланинг чапга сурилиши

ТОКСИК ФАЗА

(24 соатдан сўнг, давомийлиги 2-3 сутка)

Интоксикация белгиларнинг кучайиши.

Алмашинувнинг бузилиши.

Гипопротеинемия.

КФ ва ишқорий фосфатаза кўпайиши.

Лейкоцитознинг ўсиши.

ТЕРМИНАЛ ФАЗА

(48-72 соатдан сўнг нисбатан чукур ўзгаришлар)

Марказий нерв тизимида ўзгаришлар.

Умумий ахволи оғир, касал апатияда, аднамиядада, тили қуруқ.

Ичакнинг мотор функцияси бузилган.

Ичак перистальтикаси аускультацияда аниқланмайди.

Ферментлар активлигига камайган.

Перитонит вариантлари

I Вариант (30%) 12-24 соатдан сўнг кесарча кесиши операцияси вақтида ҳомила пардасининг инфекцияланиши натижасида (хориоамнионит, узок муддат сувсизлик даври.) Инфекция манбаси бачадон бўшлигидаги сакланма операция вақтида корин бўшлигига тушибиши. (эрта перитонит) операцияда хориоамнионит фониди.

Патологик симптомлар 1 сутка охирида ёки 2 сутка бошида авж олади. Тана ҳароратининг кўтарилиши ($38-39^{\circ}\text{C}$), тахикардия (120-140 зарба/мин),

корин шиши.

Реактив фаза унчалик билинмайды. Токсик фаза тез авж олади.

Умумий ахволи оғирлашади, ичак фалажи кузатилади, тили курук, кусук яшил на геморрагик массалар билан.

Defans musculorum abs. Септик шок, юрак-ўпка ва буйрак етишмовчилиги юзага келади.

II. ВАРИАНТ (15%) 72 соатдан сүнг:

Операциядан сүнгти даврдаги эндометрит билан боғлиқ (ичакнинг барьер функцияси фалаж хисобига бузилганда кузатилади).

Умумий ахволи нисбатан қоникарли, тана ҳарорати 37,4-37,6°C, тахикардия (120-140 зарба/мин), ичак фалажи эрта пайдо бўлади.

Коринда оғриқлар йўқ. Кўнгил айниш ва қусиши кузатилади, корни юмшоқ, Defans musculorum abs.

Симптомлар қайталаниши хос.

Консерватив давога қарамасдан 3-4 кун ичидаги беморниг ахволи оғирлашади ва интоксикация белгилари кучаяди.

III. ВАРИАНТ (55%) операциядан сүнгти 5-9 суткасига

Бачадонда чоклар етишмовчилиги фонидаги перитонит.

Кўпроқ бу ҳолат инфекция билан боғлиқ, кам ҳолларда техник камчиликлар билан. Бачадонни кесилганда бурчакларни нотўғри тикиш билан боғлиқ.

Клиника эрта пайдо бўлади. Биринчи сутгадан перитонит белгилари пайдо бўлади. Аёл ҳолати оғирлашади. Қорин пастидаги оғриқлар безовта килади.

Бачадондан лохиялар миқдори кам бўлади.

Тахикардия, қусиши, қорин шиши сакланаб туради.

Перкуссияда корин бўшлигига экссудат аниқланади.

Интоксикация тез кучаяди.

Дунёда акушерлик перитонитининг кўпайиши йирингли-септик асоратларининг ўсиши билан боғлиқ.

Перитонитта олиб келучи сабаблар:

Кин биоценозининг ўзгариши

Ҳомиладорлик охирида иммунотанқислиги пайдо бўлиши.

Турукнинг патологик кечиши.

(сувсиз давр, турукнинг узоқка чўзилиши)

Турукда хориоамнионит.

Ҳомиладорлик асоратлари (камқонлик, презклампсия, йўлдошнинг олдинда жойлашиши).

Турукудан кейинги даврда перитонит пайдо бўлишининг сабаблари:

Эндометрит, метротромбофлебит, параметрит ва кесарча кесиш операциясидан сўнг чокларнинг сўклиши.

Ортиқлар касалликлари (пиосальпинкс перфорацияси, капсуласининг ёрилиши ёки буралиши).

ЭГК (ўтқир аппендицит, ичак ёки сийдик пуфаги девори бутунлигининг бузилиши, эндоген инфекция).

Перитонитнинг характеристи ва оғирлик даражаси қорин бўшлигидаги микробларнинг миқдори, тури, уларнинг вирулентлигиги, патологик жараённинг тарқалганлиги ҳамда организм иммун тизимининг ҳолати каби бир катор омилларга боғлиқ.

Кўп ҳолларда перитонитда аралаш турдаги микрофлора аниқланади. Лекин уларнинг ичидаги ичак таёқчаси, стафилококк, кўк йиринг таёқчаси ва вульгар протей етакчи ўринни эгаллайди.

Бачадонга инфекция кириши учун бачадон бўшлиғидаги кон лахтари, хомила қолдикларининг бўлиши катта рол ўйнайди. Булар микроорганизмларнинг ўсиши учун қулай шароит бўлиб хисобланади. Бундан ташқари, хомиладор бачадон бактерия, тўқима токсинглари учун юкори резорбцион юза бўлиб, уларнинг қонга тўғридан-тўғри ўтишига шароит бўлади.

Оқсил табиатли токсинглар (полипептидлар, тўқима протеазалари, бактериялар ва уларнинг маҳсулотлари), токсин- кристаллоидлар (аммиак, биоген аминлар (гистамин, серотонин, гепарин) қонга сўрилиб организмда бир катор ўзгаришларга олиб келади.

Бу ҳолат тўқималарда метаболик жараённинг бузилиши, уларнинг парчаланиши ва катаболизми билан кечиб, бу ўз навбатида МНС, жигар, буйрак, миокард ва бошқа аъзоларга, хусусан ичакнинг асаб тизимига патологик таъсири кўрсатади. Натижада тўқималарда алмашинув жараённинг пасайиши, юрак-томир тизими, нафас тизими, гомеостаз бузилишлари кузатилади.

Бу маҳсулотларнинг токсик таъсири натижасида оксидланиш- қайтарилиш жараёни бузилиши билан кечадиган циркулятор гипоксия юзага келади. Бунда индол таркибли аминлар ва тузилишига кўра сут кислотасига яқин С-полипептидинг алмашинув маҳсулоти бўлмиш чала оксидланган метаболитларнинг йигилиши оқибатида анаэроб фаза устун келади.

Перитонит интоксикациясининг жадаллашиши турли сабаблар (токсинглар таъсири, кон айланиш бузилиши, гипоксия ва б.) натижасида юзага келадиган жигарнинг зарарсизлантириш функциясининг пасайишига олиб келади. Кўп ҳолларда жигар етишмовчилиги буйрак етишмовчилиги билан бирга кечади.

Перитонитда ҳужайралардан калийнинг ажралishi кучайиб, бевосита патологик жараён зонаси томон йўналиши кузатилади. Ўз навбатида калий ҳужайра элементларининг парчаланишидан ажралиб чиқади, хусусан қорин бўшлиғининг экссудатида кўп микдорда аниқланади (10 ммоль/л гача). Чин калий етишмовчилиги (унинг эритроцитлардаги концентрациясининг пасайиши) умумий аднамияга, МИТ парезига, брадиоаритмияга, миокарднинг қисқариш хусусияти ва юрак ўтказувчалигининг бузилишига сабаб бўлади.

Перитонит терминал босқичида олигурия ва буйрак етишмовчилигининг ривожланиши калийнинг буйраклар томонидан экскрецияси бузилишига ҳамда ўсиб борувчи гиперкалиемияга олиб келади, аммо эритроцитларда калийнинг концентрацияси ўзгармаган ҳолда паст бўлади.

Перитонитнинг патогенезида ичак парези алоҳида ўрин эгаллайди. Ичак ковузлопларининг суюклик ва газлар билан кенгайиб кетиши уларнинг ҳаракат, секретор, сўриш, алмашинув функцияси бузилишига, сувсизланишига сабаб бўлади.

Паралитик секрециянинг ошиб бориши билан ингичка ичак бўшлиғида ўзида кўп микдорда оқсил, электролитлар, К-ионларини сақлаган маълум хажмдаги суюклиknинг тўпланиши ва секвестрланиши кузатилади.

Ичак бўшлиғида босим ошиб боради, ичакнинг кентгайиши ва ичак деворининг қон айланиши бузилиши бўлади. Бу девор ишемиясига сабаб бўлиб, парез ҳолатини янада кучайтиради. Натижада ичак девори микроорганизмлар ва токсинлар учун ўтказувчан бўлиб қолади. Диафрагманинг юкори туриши, унинг кам ҳаракатчанлиги эса ўпка вентиляциясини (базал ателектазлар) ва юрак фаолиятини ёмонлаштиради. Корин пресси мускуларининг иммобилизацияси йўтал механизмининг ўзгаришларига олиб келади.

Ўсиб борувчи оғрикли синдром, гиповентиляция, вена-артериал шунглаш фонида респиратор бузилишлар ва организмнинг гипоксияси кучайиб боради. Ҳосил бўладиган гипопротеинемия ўпкалар шишига, уларнинг эластиклиги пасайишига, нафас фаолияти ошишига сабаб бўлади.

Юкори иситма, тотал перспирация, кусиш натижасида суюқликнинг кўп миқдорда ажратилиши аввало айланни юрган қон ҳажмини, кейин эса юракнинг зарб ҳажми камайишини ва эндотоксик шок ривожланишини таъминлайди.

Бунда айниқса микроциркуляциянинг ўзгариши, протеолитик ферментлар фаолигининг ошиши ва коагулопатия билан кечувчи томир ичи қон ивиши яққол намоён бўлади.

Ўткир перитонитнинг токсик фазасида организм кислородли режимининг ўзгариши нафакат юрак қон-томир (гиповолемия, токсик миокардит, қоннинг юкори иувчанлиги) ва нафас етишмовчилиги, балки гематологик бузилишлар (микроциркулятор системада циркуляция қилувчи эритроцитлар секвестрацияси, гемолиз, тўқима капиллярларида гемоглобиннинг кислородга бўлган талаби ошиши), бундан ташқари, энергетик сарфнинг ортиши билан аниқланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, перитонитни даволаща кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлардан бири бу ичаклар фалажини зудлик билан бартараф килишидир, чунки парез метаболик ўзгаришлар ва мавжуд гипоксияни янада чуқурлаштиради ҳамда шу ишемия (гипоксия) натижасида юзага келувчи ичак деворининг ҳаётга лаёқатлигининг бузилишига олиб келади. Ўз вақтида перистальтикан тикилаш бунинг олдини олиши мумкин, бундан ташқари, портал қон айланиш кучаяди, натижада жигар функцияси яхшиланади.

Б.Н.Серов ва б. (1984) кесарча кесиш операцияси ўтказилган беморларда корин бўшлиғига инфекция тушишининг З хил механизмини кўрсатадилар.

Биринчи вариантида перитонит кесарча кесиш вақтида қорин пардага инфекция тушиши оқибатида (бирга келувчи хориоамнионитда, узоқ кечувчи оралиғида) инфекция манбай бўлиб, операция вақтида қорин бўшлиғига тушган бачадондаги ҳосилалар (“эрта перитонит”) хизмат қиласиди. Перитонитнинг клиник белгилари операциядан 1-2 кун ўтгач, бачадонда чоклар герметиклиги сақланган ҳолда юзага келади. Перитонитнинг ривожланиб кетиши натижасида уларнинг иккиламчи етишмовчилиги келиб чиқиши мумкин.

Кесарча кесищдан сўнг қорин бўшлиғига тушувчи инфекция манбай фалаж натижасида токсин ва бактерияларга нисбатан ўтказувчанлиги ортган ичак деворидир. Бу фараз бундан 100 йил муқаддам баён қилинган ва

кейинги изланишлар натижасыда бир неча бор маңқулланган. Аммо мікробнинг қорин бўшлиғига тушиши перитонитнинг типик кўриниши бўлган массив экссудат билан кечади, оғир функционал ва метаболик ўзгаришлар эса фақат маълум шароитларда юзага келади.

Перитонитнинг учинчи ва кўпроқ учрайдиган варианти бачадонда чоклар етишмовчиллиги натижасыда қорин бўшлиғининг инфекцияланишига асосланган.

Акушерлик перитонитининг клиник кўриниши умумий ва маҳаллий ўзгаришларга асосланади. Акушерлик перитонитида маҳаллий ўзгаришлар камроқ ривожланган ва реактив фаза интоксикацион фазага тезда ўтиб кетади.

Шунинг учун “эрта” акушерлик перитонитида интоксикация белгилари устун бўлади, психомотор қўзғалиш, чанқаш, шиллиқ парда куриши, тахикардия, ҳолисзлик. Бемор ахволининг оғирлиги инфекциянинг вирулентлиги ва полиорган етишмовчиллиги синдроми ривожланиш тезлиги билан аниқланади, қисман узок давом этувчи турруклар натижасидаги гиповолемия даражасига, операция жараёнида қон йўқотилишининг ортишига, электролит ва суюқликнинг кўп миқдорда ўйқотилишига ҳам қаралади.

Акушерлик перитонити иккинчи формасининг клиник кўринишида, аввал ичаклар парези устунлик қиласди, туррукдан кейинги эндометрит белгилари иккинчи ўрнига ўтади. Бемор ахволининг оғирлиги, ичак барьер функциясининг бузилиши ва бачадондаги токсик маҳсулотларнинг резорбцияси хисобига ўсиб борувчи интоксикация белгилари билан аниқланади.

Бачадон чоклари етишмовчиллиги натижасыда инфекцион агентнинг қорин бўшлиғига тушиши орқали юзага келувчи учинчи формасининг клиник кўринишида маҳаллий симптоматика яққолрок намоён бўлади. Ичаклар фалажи аниқ ривожланганда Щчеткин-Блюмберг симптоми мусбат бўлади, “мушакли химоя”, қайт қилиш, суюқ ва тез-тез ич келиши ўтқир хид билан, пальпацияда аниқ локал оғриклар бўлади. Лекин комплекс жадал терапия фонида перитонитнинг клиник белгилари кўринмаслиги ва уни факат “кайтвучи” симптоматика юзага келгач аниқлашимиз мумкин.

Кесарча кесишдан кейинги тарқоқ перитонитда комплекс жадал терапия

Кесарча кесиши операциясидан кейинги ёйилган перитонит билан оғриган bemorларни даволаш тактикаси унинг шакли, касаллик кечишининг оғирлиги ва консерватив терапиянинг самарарадорлигига боғлиқ.

«Эрта» перитонитда даволаш тактикаси комплекс консерватив терапия ўтказишига асосланади ва фақатгина ундан самара бўлмаганда ҳамда bemor ахволи ёмонлашиши (ичак фалажининг тузалмаслиги ва паралитик ичак тутилишига ўтиши, қорин бўшлиғида экссудат пайдо бўлиши, тахикардия, тахипноэ) жарроҳлик операциясини ўтказишига кўрсатма бўлади. Перитонитнинг 2-вариантнда комплекс жадал терапия bemorни оператив даволашга тайёрлаш учун ўтказилади. Парезга карши кўпгина усуслар (перидурал анестезия, тозаловчи хўкна, сифонли хўкна, умбрицит, калий хлор, церукал, симагель 10 мл дан ҳар соатда 4 маҳал ичишга) ўтказилади. Перитонитнинг 3-вариантнда тезкор оператив даво ўтказилади, бачадонни унинг найлари билан бирга экстирпацияси, перитонитнинг реактив фазасида қорин бўшлиғини тикилмаган кин орқали ва ён каналларнинг пастки қисмларидан дренажлаш, перитонитнинг интоксикация фазасида эса қорин бўшлиғининг

юкори соҳаларини дренажлаш ва корин бўшлигини ювиш.

Операциянинг мақсади инфекция манбанини, яъни инфекцияланган ба-чадонни йўқотиш ва корин бўшлигини дренажлашдир. Бачадон юзасидаги чоклар етишмовчилигида бачадонни олиб ташлаш айниқса зарур. Айни вактда ичаклар барьер функцияси бузилганида корин бўшлигини сифатли дренажлаш айниқса катта аҳамият касб этади.

Операция вақтида жарроҳ экссудатнинг табиатига кўра (сероз, фибриноз ёки йирингли) ва корин бўшлиги заарланишининг тарқалганилигига кўра (чекланган, диффуз ёки тўлик) перитонитнинг шаклини аниқлаши ло-зим. Кўпчилик ҳолларда кесарча кесиши операциясидан кейин 4-кунга келиб йирингли экссудат аникланди ва корин парданинг заарланиши кўпинча диффуз бўлади. Перитонит шаклини аниқлаш «корин бўшлиги диализи»ни кўллаш муваммосини ҳал қилиш учун зарур. Бу муолажани ўтказиш учун кўрсатма бўлиб тотал перитонит ёки перитонитнинг оғир интоксикация билан кечувчи шакли хисобланади.

Кесарча кесиши операциясидан кейинги перитонитни маҳаллий даволаш (бачадонни олиб ташлаш, корин бўшлигини, ошқозонни, баъзи беморларда ичакни дренажлаш, илеостомия) билан бирга умумий терапияни ҳам ўтказиш лозим. Умумий терапиянинг мақсади патофизиологик бузилишлар компенсацияси ва инфекция ҳамда интоксикацияга қарши курашишдир.

Умумий терапияни белгиловчи ҳолатларни кўриб чиқа туриб, даволаш муолажаларининг бажарилиш кетма-кетлигига эътибор бермай бўлмайди. Кесар кесиши операциясидан кейинги перитонитда ошқозон ичак трактида ҳеч қандай деструкциялар бўлмаганида, оператив даво шошилинч кўрсатмаларга кўра ўтказилади. Бироқ у деструктив аппендицит, ошқозон ва ичаклар яраси билан чакирилган жарроҳдик перитонитидан фарқли ўларок, бир неча соат билан чегараланмайди. Шунга кўра, умумий терапия оператив даводан олдин ёки у билан бирга олиб борилиши лозим.

Комплекс интенсив терапия ўтказишнинг асоси бўлиб, йўналтирилган таъсирга эга бўлган қон ўрнини босувчи эритмаларни ва қоннинг коллоид-осмотик ҳолати кўрсаткичларининг ионотор назорати остида мувозатланган ион таркибга эга бўлган эритмаларни кенг кўллаган ҳолда бошқарилувчи гемодилюция методи билан амалга оширилувчи инфузион-трансфузион терапия хисобланади.

Катта микдордаги суюқликни (4-5 л) организмга киритиш тезлаштирилган диурез (киритилган ҳар 1 л суюқликдан кейин 0,02 г фуросемид, спазмолитик воситалар билан бирга) фонида ўтказилади.

Бир қатор муолажалар микроциркуляциянинг бузилиши ва ДВС синдромини йўқотишга қаратилади. Бу мақсадда суткасига 500 ТБ/кг (тана мас-саси) дан гепарин, никотин кислотаси - 3мг/кг дан, эуфиллин 10 мг/кг дан, реополиглюкин 15 мл/кг дан, контрикал-100 ЕД/кг дан кўлланилади.

Паренхиматоз аъзолар функциясини ва тўқима метаболизмини яхшилаш мақсадида 1% ли глютамин кислотаси, ва кофермент препаратлари кокарбоксилаза, фолат кислотаси, сирепар кўлланилади. Перитонитда эндоген ва экзоген протеиназаларнинг эстераз фаоллигини тормозловчи протеазалар ингибиторларини кўллаш тавсия этилади. Протеазалар ингибиторлари - трасилол, контрикал, гордоқс қонда антигенлик хоссасидан ҳоли бўлган

турғун нофаол комплекслар ҳосил қиласы ва протеолитик ферментларни катализитик фаолликтан маҳрум қиласы. Уларнинг даволовчи таъсири кини-ногенезни тормозлаш йўли билан амалга оширилади.

Иммунотерапия гаммаглобулин, зардобли глобулин, антистафилокок плазма, вакцина, иммуноактив плазма, лейкоцитар масса қўллашни ўз ичига олади. Организм жимоя кучларини яхшилаш мақсадида биоген стимуляторлар (декарис, пентоксип, метилурацил) қўлланади.

Антибактериал терапияни бир вақтнинг ўзида 2-3 та препарат билан ўтказиш керак. Антибиотикларга микрофлора сезигрлигини ҳисобга олган ҳолда 10 кундан кейин алмаштирилади. Антибиотиклар цефалоспоринлар (фордум 2 г дан ҳар 8-12 соатда м/о га ёки т/и га, ципринол, цефамед, ифицеф, цефамицин, мегацеф 750 мг в/и 3 маҳал кунинга 3-5 кун давомида), аминогликозидлар (меркацин, канамицин, гентамицин), фторхинолонлар (офло) киради. Анаэроб препаратлардан метрогил қўлланади.

Антибиотиклар билан бир вақтнинг ўзида нитрофуран катори препаратлари, замбурууга қарши препаратлар (флузамед), колибактерин каби препаратлар буюрилади.

Анаэроб флора томонидан чақирилган перитонитда кучли антигипоксик, антипаретик ва детоксикацион таъсир кўрсатувчи гипербарик кислородни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Диагноз қўйилгандан сўнг оператив давони ҳаётий зарур бўлган аъзолар функциясини йўлга кўйиш мақсадида комплекс даво билан биргаликда олиб бориши лозим.

Умумий оғриқсизлантириш (интубация, ИВЛ) остида операция килинади (12 соат давомида консерватив даво эффекти бўлмаса). Корин олдинги деворида пастки ўрга лапаротомия йўли қўлланилади ва қорин бўшлиғининг санацияси ва дренажлаш бажарилади. Эксудат бактериал экмага ва антибиотикларга сезигрликка олинади. Ортиқлар йирингли ҳосилалари бўлса, бачадон ортиқлари билан олинади. Қорин бўшлигини дренажлаш (перитонеал диялиз), йўғон ичак интубацияси (ичак декомпрессияси бажарилади).

Интенсив терапия кўп компонентлар билан олиб борилади. Диурез ва кон биокимёвий текширувлари остида олиб борилади (электролитлар, оксип, оксил фракциялари, мочевина, креатинин, глюкоза, билирубин ва бошқалар). Сув-электролитлар алмашинуви коррекцияси калий, кальций ва Рингер-Локк суюқлари билан бажарилади. Шулар билан биргаликда волемик препаратлардан коллоид эритмалар рефортан ва стабизол в/и юборилади.

Оқсил моддалардан: альбумин, протеин, плазма, аминокислоталар арапашмалари (инфезол) қўлланилади.

Ҳаммаси бўлиб суткада 3 л суюқлик диуретиклар фонида ва ЦВД текшируви остида олиб борилади.

Инфекцияга қарши антибиотиклар қўлланилади.

Қорин бўшлиғига меркацил, канамицин 1 г дан 2 маҳал суткада қўлланилади.

АБ терапия фонида гормонал терапия қўлланилади (преднизолон, дек-саметазон).

Ошқозон ва ичаклар мотөр-звакуатор функциясини яхшилаш мақсади-

да назогастрал зонд, периурал блокада құлланилади.

Фалажга: прозерин, 10% натрий хлорид 100,0 т/и томчилаб, церукал 2,0 м/о, калий хлорид 1% т/и, убретид 1,0 м/о, гипертоник клизма, Огнев клизмаси (30,0 глицерин, 3% пероксиди, 10%натрий хлорид) ёки сифон клизма).

Витаминотерапия: В, С, Е гурухлари.

Иммуномодуляторлар: Т-активин, иммуномодулин, тималин.

Десенсибилизация максадида: димедрол, пипольфен, супрастин, кальций хлор.

Юрак фолиятига: рибоксин, корглюкон, кокарбоксилаза.

Вактидағи операция ва ноэфектив терапия натижасыда келиб чиқиши мүмкін.

29.10. СЕПСИС. СЕПТИК ШОК

Септик шок – септик инфекцияның оғир асораты.

Септик шок патогенези

Микроорганизмлар лизиси, эндотоксингилар чиқарылышы.

Биологик актив моддалар ажралиши (гистамин, серотонин, катехоламинлар).

Гемодинамиканың үткір бузилишлари (титраш, тана хароратининг тез күтәриліши, тахикардия). ОПН, ЦНС, юрак ва үлкә функциясыннан бузилиши.

ДВС құшилиши (токсингилар эндотелийге таъсир килади ва натижада тромбопластин ишлаб чиқарылады) даволаш + гемостаз бузилишларини.

Септик шок оғырлық күрсаткичи Шок индекси (Альговер индекси):

$$\text{Шок индекси (Ш.И.)} = \frac{\text{Пульс}}{\text{Систолик АКБ}}$$

Ш.И.=1,5 ва ундан юқори - холати оғир (нормада ш.и.=0,5).

Лекин, вактида операция ва адекват даво олиб борилғанда ҳам бўлиши мүмкін.

IV боскич сепсис – умумий инфекцион касаллик бўлиб, организмнинг химоя реакциялари сустлашганда ва умумий кон айланышига микроорганизмлар тушиши билан боғлик ҳолат хисобланади.

Этиологик агентни аниқлаш максадида камида иккита жойдан кон олиш керак, биринчи ҳолатда тери орқали пункция йўли билан, иккинчи ҳолатда томир ичи катетеридан фойдаланилади (агар у 48 соат олдин ўрнатилган бўлса). Қолган материалларни йигишпда сийдик, ликвор, жароҳат ажралмаларини терапия үтказилишидан олдин олиш ва антибиотикларга сезувчанигини аниқлаш лозим.

Бугунги кунда амалиётда 20,0 мл кон олиниб тенг баробарида иккита ажратилиб аэроб ва анаэроб флора аниқланади. Сепсиснинг диагностик мезонларига лаборатор күрсаткичларнинг ўзгаришлари ҳам киради. Инфекция ўчиги борлигига шубҳа бўлганда, қуйидаги тестларни үтказиш тавсия килинади: умумий кон анализи, стандарт биокимёвий текшириш, бикарбонатлар микдорини аниқлаш, креатинин, жигар ферментларини аниқлаш, лактат ва коагулация параметрларини аниқлаш. Бактериал инфекция тушганида - лейкоцитоз, лейкоциттар формулада нейтрофил сильшилар пайдо бўлади, аммо бу күрсаткичлар специфиқлиги ва сезигирлиги паст бўлгани учун бактериал инфекция борлигини тўлиқ тасдиқлай олмайди ва специфик тестлар категорига кирмайди.

Бошланғыч таҳлиллардан:

- умумий кон анализи (гемоглобин, гематокрит).
- коннинг биокимёвий анализи (электролитлар, мочевина, креатинин, бикарбонат, глюкоза).
- глюкозада лактат миқдорини аниқлаши.
- коагулограмма (ПТИ, фибриноген).
- АВО система бўйича кон гурухи ва резус- омилларни аниқлаши.
- сийдик умумий анализи.
- сийдикни экиш.
- жигар функцияси тестлари(билирубин, ишқорий фосфатаза).
- липаза

Тақрорланувчи таҳлиллардан:

- плазмадаги лактатни ҳар 4 соат ичида текшириш.

Оғир даражадаги сепсис/септик шок шубҳа туғдирганда ва ДВС ни аниқлашда куйидаги тестлар ўтказилади: тромбоцитлар миқдорини аниқлаши, протромбин ва тромбопластин активланиши вақтини аниқлаши, Д-димер, фибриннинг дегидратация маҳсулотлари, фибринни аниқлаши ўтказилади.

Коннинг стандарт биокимиёвий текшириши тестларини ўтказиб лактат -ацидозни аниқлаш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, гиперлактатемия хамма вакт ҳам бикарбонатнинг миқдори камайиши ёки анион оралиғининг ошиши билан биргаликда бормайди, лекин оғир сепсисда бу тестларни ўтказиш шарт.

Сепсис белгилари

Юкоридаги +

Титрапи ва терлаш.

Гектик ҳарорат.

Оғир умумий ҳолати.

Нафас қисиши.

Анорексия.

Тахикардия паст ҳароратда.

Юрак тоналарининг сустлашиши.

Жигар ва талокнинг катталашиши.

Эритроцитопения.

Камқонлик.

Лейкоцитоз ёки лейкопения.

Токсик буйрак етишмовчилиги.

СЕПТИЦЕМИЯ – сепсис метастазларсиз.

СЕПТИКОПИЕМИЯ – сепсис метастазлар билан. Метастазлар ўпкада, жигарда, буйракда, эндокардитлар.

Умумий ахволи тез оғирлашади.

Гиппократ юзи кузатилади.

Аёллар ўлими сабабларида йирингли-септик касалликлар

З ўринни эгаллайди

Бу вақтида керакли ёрдам кўрсатиш лозимлигини яна бир марта эслатади.

Антибактериал терапия:

«Сепсис» диагнози куйилгандан кейин 1 соат ичида патологик матери-

ални йириш ва томир ичига антибиотик юборишни бошлаш керак.

Бошланган эмпирик микробга карши кураш бир ёки бир нечта препараллардан ташкил топган булиб, патогенга (бактерия, замбуург) активлиги сакланган бўлиши ва инфекция ўчигига кириб бориши керак.

Антибактериал терапия хар 48-72 соат ичига микробиологик текширув ва клиник белгиларига қараб баҳоланиб турилади. Асосий патоген микроб аниқлангандан кейин монотерапияга қараганда комбинацияланган терапия ўтказиш яхширок деган хулосага келиш керак эмас.

Агар ривожланаётган клиник симптоматика инфекцион табиатта эга бўлмаса, дарҳол антибиотикларни тўхтатиш даркор, чунки микроорганизм резистентлиги ошиши кузатилади ва бошقا патоген микроорганизмлар сабабли суперинфекция ривожланади.

Клиник қўлланма репродуктив ёшдаги ҳомиладор аёллар ва туррукдан кейинги даврдаги сепсис ва септик шок билан оғриган беморларни олиб бориша кўлланилади.

Бу борада шифокор тактикаси перитонит шакли, унинг ҳолати, оғирлиги ва гемодинамика, сув-электролит, оқсил алмашинувидаги ўзгаришлар бошланишига, микроциркуляция, тўкима метаболизмидаги ўзгаришларга боғлик.

Тарқалган перитонитни тўғри даволаш қўшимча жароҳатлар ва ногиронлиқдан (бачадон экстирпацияси), шунингдек ўлим хавфидан сақланишига имкон беради.

Масалалар.

20 ёшли биринчи марта туғувчи аёл сийрак тўлғоқлар билан келган. Унда 12 соат олдин ҳомила суви оқсан. Туғрухонада туғиши фаолиятини кучайтирип мақсадида окситоцин вена ичига юборилди. 8 соатдан сўнг бачадон бўйни тўлиқ очилди, лекин ҳомила йириклиги туфайли (4,5 кг) унинг пешона билан тақалганилиги аниқланди. 1 соатдан сўнг К/К операцияси ўтказилди. 2-куни перитонит бошланган. Бачадонни бачадон найлари билан экстирпация қилиш учун релапаротомия ўтказилди. Бу ҳолат кўриб чиқилганда ҳомиладорда оғир анемия (Hb 70 г/л), сурункали пиелонефрит бўлганлиги аниқланган, бирор у касалланган ва даволанмаган. Ҳомиладорда ҳомила олди суви оқиб кеттган. Туғруққача тайёргарликка шифохонага ётқизилмаган. Кесарча кесиш операцияси 21:00 да сувсиз даврида хорионамнионит ва даволанмаган ЭГП фонида ўтказилди. Операцияга қарши кўрсатмалари бўлган ёп аёл ногирон ва кейинчалик оналик баҳтидан маҳрум бўлиб колди.

40 ёшли кўп туккан аёл ҳомиладорликнинг 40-ҳафтасида жинсий йўлардан қон кетиши билан келган, 7-тушиши. Ҳомиладорлик анемияси, сурункали пиелонефрит ва ҲГҲ нинг оғир даражаси фонида кечган диагноз НЖЙБК шошилинч кўрсатмаларга кўра унда кесарча кесиш операцияси ўтказилди. Операциядан сўнгти даврда бачадон субинволюцияси билан асоратланган.

6-суткада бачадон қириб тозаланганда бачадон ёмон қискарған. Операциядан сўнгти даврда интенсив терапия фонида секин кечувчи эндометрит ривожланган. 9-суткада ичак парези, суюқ ич келиши кузатилган. УТГ да бачадон чокларида инфильтрация, жароҳат чап бурчагида сояланиш, Дуглас оралигига эркин суюқлик аниқланди. Д/З бачадон чокларининг ажралиши. Перитонит релапаротомия ва бачадон ампутацияси ўтказилди, корин

бүшлиги дренажланы. Операциядан сўнг бемор ҳолати оғир, фалаж бартараФ бўлмаган. Интоксиқация иситмаси пасаймаган. 12-суткада бачадон бўйни экстирпацияси қовузлоклари, абсцесслари олиб ташланган. Ингичка ичак қовузлоклари ажратилган, илеостомия бажарилган.

Бемор туғруқдан кейин 16-сугткада вафот этди. Уйида унинг 6 фарзанди онасиз қолди. Бу каби летал оқибатнинг олдини олиш мумкинми? Ҳа. Бу ҳолатда кесарча кесиш операцияси ва бачадон ампутацияси ўтказилиши лозим эди.

Шунингдек, акушерлик перитонити бу кесарча кесишдан кейинги ва камдан-кам ҳолларда абортдан кейинги (бачадон перфорацияси бўлган ҳолатларда) ўта хавфли асорат бўлиб, унинг кеч аниқланиши ёки тўлақонли даволанмаслиги летал оқибатга олиб келади. Инфекциянинг вирулентлиги, полимикроб кўриниш бўлиши, бактерияларнинг кўпчилик антибиотикларга нисбатан турғунлиги ва организмнинг химоя кучларининг пасайини мазкур патологиянинг кечишини оғирлаштиради. Симптоматиканинг ноаннидиги, секин кечиши, ёки интенсив терапия фонида тўлқинсимон кечиши диагностика ва оператив муолажанинг кечикишига ва оқибатда оналар ўлимига олиб келиши мумкин.

Асосий профилактик чоралар бўлиб, репродуктив ёшдаги аёлларни согломлаштириш, ҳомиладорлик даврида ва бошқа вақтда инфекция ўчоқларини санация қилиш, кесарча кесиш операциясини ўтказишга бўлган қарши кўрсатмаларга қатъий риоя қилиш, туғрухона операцион блокида санэпид тадбирлани оғишмай амал қилиш, реанимацион ва реабилитацион бўлимларда кесарча кесиш операциясини бопсидан кечирган аёлларни айниқса катта зътибор билан даволаш ҳисобланади.

Ўргатувчи тестлар.

1. Тарқалган перитонитта хос 7 та характеристи белгиларни айтинг:

Ичак фалажи.

Тилнинг қуриши.

Ҳароратнинг ошиши.

Лейкоцитоз.

Щеткин-Блюмберг симптоми мусбат.

Қайт қилиш.

Ҳидди суюқ ва кам миқдордаги ахлат.

2. Перитонитда корин бўшлиги аъзоларини рентгенологик текшириш:

Чок соҳасидаги шини.

Ичак деворларининг қалинлашиши.

Динамик ичаклар тутилишида суюкликтининг ўз миқдорида бўлиши.

3. Кесарча кесиш операцияси ўтказилган инфекцияланган корин бўшлигининг 3 та механизмини кўрсатинг:

Узок сувесизлик даврида эндометритда хориоамнионит операцияси вақтида корин бўшлигининг инфекцияланishi.

Ичак деворларининг токсингилар, бактериялар таъсиридаги фалажи.

Инфекцияланган қоринда бачадон чокларининг носозлиги.

4. Перитонитда кон тахлилидиги ўзгаришлар:

Лейкоцитоз ўсиши (ошиши).

Лейкоцитар формууланинг сурилиши.

5. Акушерлик перитонитининг хирургик перитонитдан фарки.

Ичак фалажининг тўлқинсимон кечиши.

Интоксикация белгиларининг эрта пайдо бўлиши (2-Зкун).

Биринчи куни корин деворларининг таъсиранчанлик белгилари йўклиги.

5- 6 куни бу белгиларнинг намоён бўлиши.

6. Перитонитда кесарча кесиш операциясидан сўнг беморларни бошкариш нимадан иборат?

Перитонит турларига кўра.

Оғир-енгил кечишига кўра.

Консерватив давонинг самарадорлигига кўра.

7. Перитонитда оператив давога кўрсатма

Консерватив давонинг самараисизлиги.

Доимийичак фалажи.

Ичакнинг паралитик ўтказувчалиги.

Корин бўшлиридаги экссудат.

Интоксикация белгиларининг бирдан опипи.

8. Перитонитда оператив даво:

Бачадон экстирпацияси бачадон наилари билан.

Корин бўшлифи ва пастки қисмидаги ён чўнтақларини дренажлаш.

Тарқалган перитонитда кориннинг юкори қисмини дренажлаш.

Ошқозон -ичак йўлининг декомпрессияси.

9. Перитонитда жадал комплекс терапия.

Инфузион-трансфузион терапия.

Микроциркуляция мувозанатининг бузилиши.

ДВС - синдромнинг олдини олиш.

Антибактериал терапия ўтказиш, 2-3 та антибиотиклар билан флора сезигирлиги аниqlанган ҳолда .

Иммунотерапия.

Умумий кувватни оширувчи даво.

10. Перитонит профилактикаси.

Кесарча кесишга маълум кўрсатмалар ва қарама - қарши кўрсатмалар.

Кесарча кесиш операцияси усулининг замонавийлиги.

Туғрукни рационал бошқариш.

Генитал ва экстрагенитал инфекция ўчоқларини даволаш.

Аёлларни согломлаштириш.

Саволлар:

1. Акушерлик перитонитининг асосий сабаблари?

2. Перитонит кечишининг варианatlари.

3. Даволаш тактикаси.

4. Амбулатория шароитида перитонитнинг профилактикаси.

ХХХ БОБ

ҮҚУВ ТУФРУҚ ТАРИХИНИ ЁЗИШ

ҮҚИТУВЧИ-----

ТАЛАБА-----

КУРС, ГУРУХ-----

ФАКУЛЬТЕТ -----

БАХО-----

I. ПАСПОРТ ҚИСМИ

1. Тұгруқхонанинг номи _____
2. Қабул қилинган сана (сана, ой, йил, вақт) _____
3. Ҳомиладорнинг Ф.И.О _____
4. Ёши _____ 5. Оиласың шароити _____
6. Манзили _____
7. Иш жойи _____ 8. Лавозими _____
9. Оиласың поликлиника назорати: _____
9. Ҳомиладорлик _____ Тұгруқ _____
10. Санитария күзатувины үтказып услуги: _____
11. Қабул қилинғандагы шикоятлар: _____

КЕЛГАНДА ДИАГНОЗИ:

- A) Асосий _____
- B) Індош _____
- B) Асоратлар _____

II. АНАМНЕЗИ УМУМИЙ АНАМНЕЗИ

1. Үй-жой шароити _____
2. Болаликда үтказылған касалліктер: _____
3. Оила ва қариндошлар орасыда-касалліктер (сил, тери-таносил, эндокрин ва семизлик касалліктер): _____
4. Касбеттағы оид ва ҳомиладорнинг заарарлы одати: _____
5. Эрининг заарарлы одати: _____

6. Бүйі: _____ Вазни: _____ Кон гурұхи: _____

7. Rh омили _____ Вассерман реакцияси _____

АКУШЕРЛИК АНАМНЕЗИ

Ҳайз функцияси:

- а) Менархе _____ б) Аниқланди тез ва кеч (чизилсін)
в) Неча күндан _____ г) неча күндан кейин _____
д) Оғриқли, оғриқсіз (чизилсін) е) Меъёрида, кам, күп (чизилсін)
ж) Тұрмушта чиққандан кейин, аборт ва туғруқдан кейин ўзгарғанми
(ха, йўқ)
з) Охирги ҳайз санаси _____
2. Жинсий алоқа:
а) Қачондан бошланған _____ ёшидан б) Нечинчи тұрмushi _____
3. Ҳомиладорлик фаолияти:
а) Ҳамма бүлгап ҳомиладорликлар сони _____ Улардан туғилғанлари _____
Үз-үзидан түшгәнлари _____ Сунъий аборт бүлгани _____
б) Олдинги ҳомиладорлик, туғруқ ва абортларнинг кечиши _____
в) Туғруқдан кейинги ва абортдан кейинги даврларнинг кечиши _____
г) Олдинги фарзандларнинг вазни (ҳар йилдагисини кетма-кет күрсатынг) _____

е) Анаамнезидеги перинатал ўлим (антенатал, интранатал, постнатал) ва уларнинг сабаблари _____

4. Ҳозирғи ҳомиладорликтің кечиши (токсикоз, унинг оғирлігі, инфекцион касалліктер, бола тушиш ҳаффи, унинг олдини олиш ва ҳомиладорнинг овқатланиши) _____

1-ярмида _____

2-ярмида _____

III. ОБЪЕКТИВ ТЕКШИРИШ

Тұгувларнинг умумий ахволи _____

Вазни _____ Бўйи _____ Ҳарорати _____

Гавда тузилиши _____ Конституцияси _____

Сут безлари _____

Тери қоплами (рангти, пигментацияси, тошмалар, қичиш асоратлари ва ҳ.к.)

Шиллиқ қаватлари ва (рангги) _____

Шишилар (тарқалиши, яққоллик даражаси) _____

Қон айланиши: пульс (тезлиги, ритми, түлалиги) _____

Қон босими: ўнг күлида мм сим.уст. чап күлида мм сим.уст.

Юрак чегаралари:
Нафас олиш аъзолари : перкутор маълумот _____
Аускультатив маълумот _____
Ошқозон ичак - тизими: тишлари _____
Тил (тоза, караш билан копланган, намлиги) _____
Бўғизнинг холати _____
Бодомсимон безлари _____
Корни (шакли, пайпаслашдаги маълумот) _____

Жигар Талоқ _____
Рудий — асаби _____
(хушида кайфияти, фикрлашнинг бузилиши, фикрларнинг қабул қилиниши)
Суяк системаси: (оёк, кўл, умуртқадаги ўзгаришлар)

КЕЛГАН ВАҚТИДАГИ АКУШЕРЛИК ТЕКШИРИШИ

Чаноқ ўлчамлари: _____
Михаэлис ромби (формаси, ўлчамлари) _____
Корин айланси см Бачадон тубининг баландлиги см _____
Билақ айланаси (Соловьев индекси) _____
Хомиланинг жойлашпани _____

Кичик чаноққа кириш қисмida (боши, чаноги қаерда?) _____
Хомиланинг позицияси _____ хомиланинг кўриниши _____
Хомиланинг ўлчамлари: бўйи _____ Бош-пешона-энса ўлчамлари
Хомиланинг юрак уриши (жойлашиши, сони, аниқлиги, ритмиклиги)

Хомиланинг тахминий вазни _____

ҚИННИ ТЕКШИРИШДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

Ташқи жинсий аъзолар ва қиннинг тузилиши
Бачадон бўйни (марказлашган, орқада, олдинга букилган)
Узунлиги см гача консистенцияси _____
бўғизни текшириш _____
Коранок пуфаги (бутун, аниқланди, коникарли холатда, яssi, қофаноқнинг
олдинги сув миқдори) _____

Олдинда келаётган қисми(хомиланинг боши, чаноги, йўқ) _____

Ўқ - ёйсимон чокнинг жойлашиши
Кичик лицилдоқ Катта лицилдоқ
Туруқ ўсмаси (бор, йўқ)
Бош суюя конфигурацияси (аниқ, йўқ)
Промонториумга (бармоқ етадими, йўқми)
Чаноқ суяклари деформациясиз, деформация билан _____

ЛАБОРАТОР ТЕКШИРУВДАГИ МАЪЛУМОТ

Кон тахлили: эритроцитлар _____ лейкоцитлар _____

СОЭ ____ мм/с. Коагулограмма: _____

Биокимёвий кон тахлили: _____

Кон гурухи _____ Резус омиллик _____

Сийдик анализи: (рангти, микдори, оксил, лейкоцитлар, эпителий, Нечипоренко усули, Зимницкий синамаси). _____

Киндаги ажралма тахлили: _____

“TORCH” инфекция: _____

АППАРАТ ТЕКШИРУВДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

УТТ _____

ЭКГ _____

Терапевт (нефролог, кардиолог ва б.) кўргиги: _____

КЛИНИК ДИАГНОЗНИ АСОСЛАШ

Клиник диагноз: _____

Хомиладорликнинг вактини ва тургуркни аниқлаб беринг: (ҳамма маълумотлар билан) _____

Тургурк асоратлари кечишидаги хавфлар: _____


Тургуркни бошкариш режаси: _____

Оралиқни химоялашни таърифлаш: _____

Жаррохлик муолажаларини изоҳлаш (агар қўлланилган бўлса): _____

ПАРТОГРАММА

Ф.И.Ш. _____ Ҳомиладорлик _____ Турук _____
 Руйҳатта олинган № _____ Қабул қилинган санаси _____



Қабул қилинган вакти _____ Сувлар кетган вакти _____

ТУРГУҚ III ДАВРИНИНГ КЕЧИШИ

Йўлдошнинг кўчиш белгилари _____

Кон кетишнинг олдини олиш чоралари _____

Йўлдошни сикиб чиқариш усуллари _____

Йўлдошни тавсифлаш (ўлчами, йўлдош бутунлиги ва пардаларининг бутунлиги, оғирлиги, киндикнинг бирикканлиги _____

Турук йўлларини текшириш (оралик, бачадон бўйни, кин) _____

Жаррохликда құлланиладын услугаларни таърифлаң, чок қўйиш, оғриқсизлантириш

ЧАҚАЛОКЛИК ДАВРИ

Етилган демила _____ чала демила _____ жинси _____, тирик (ўлик), туғилгандаги вазни _____
Туғилгандаги бўйи _____ см

Алгар шкаласида баҳолапи:

вақт	Ҳомиланинг юрек урини	Нафас олини	Тери рапни	Мунисклар тонаси	Рефлекслар
1 мин					
5 мин					

Дархол йиглади (жонлантирилгандан сўнг) _____

Асфиксия даражаси (жонлантириш усуллари ва б.)

Янги туғилган чақалоқни биринчи марта артиб-тозалашни таърифлаш _____

Киндик қолдиги неча кунда тушиб кетди _____

Эмизишга неча соатдан кейин берилди

Тургукцияг жароҳат, касалликлар

Тургук давомийлиги: I давр _____ II давр _____ III давр _____

Тургукни оғриқсизлантириш усуллари, самарадорлиги, давомийлиги

янги түқсан аёлнинг биринчи 2 соат ичидаги ахволи (умумий ахволи, харорати, пульси, кон босими, бачадон туби баландлиги, киндаги ажралманинг характеристи, тургукдан кейинги палатага ўтказилган вақти)

IV. Тургукдан кейинги даврнинг кечиши

Сана	Туққан вёл текширувудиги миталумотлар	Тапсия

V. Диагноз (ташхис) ва унинг таҳлили (якуний диагноз)

VI. Даволаш ва унинг таҳлили

VII. ЭПИКРИЗ

Имзо _____

Фамилияси, исми _____

УДК: 618.2(075)

57.16

Ж-13

Джаббарова, Ю. К.

Акушерлик: тиббиёт олий уқув юртлари учун дарслик/Ю. К.
Джаббарова, Ф.М Аюпова; Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги. - Тошкент : Мехридаръё. 2012. - 416 б.

КБК 57. 16

ISBN: 978-9943-351-29-5

Ю. К. Джаббарова, Ф.М Аюпова

АКУШЕРЛИК

Дарслик

Иккинчи нашр

Муҳаррир: Акмаль Камолов.

Компьютерда саҳдловчи: Михаил Беловицкий

Мехридаръё МЧЖ.

**Нашр. лиц. АI №180 8.12.2010. Шартнома №14 9.10.2012
100128 Тошкент ш. Авиация тор куч. 13 уй.**

Босишига руҳсат этилди 7.12.2012. Бичими 60x90 1/16

Нашр табоби 26.0. Шартли босма табоби 26.0.

Рангли расми 0.75, Адади 520 нусха.

Баҳоси келишилган нархида.

Groteks КК босмахонасида чоп этилди.

Буюртма №579. 07.12.2012.

100129. Тошкент ш. Навои кўчаси, 30 уй.

ISBN: 978-9943-351-29-5

© Мехридаръё МЧЖ.

© Ю. К. Джаббарова, Ф.М Аюпова.